

Миразиз Аъзам

Буюклар
муҳаббати

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент — 2016

КБК 63.3(0)
УЎК 929.82-4
А 92

Аъзам, Миразиз

А 92 Буюклар муҳаббати [эсселар]: / М. Аъзам. —
Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2016. — 392 б.

ISBN 978-9943-07-396-8

Бу китоб муҳаббатдан сўзлайди. Саҳифалар Сизга Қодирий билан Раҳбарой, Фитрат билан Фотима, Чўлпон билан Моҳирўя, Ойбек билан Зарифа, Шайхзода билан Сакина, Миртемир билан Ҳалима, Айтматов билан Бибисора муҳаббатидан ҳикоя қиладди. Лермонтов ва Сушкова, Симонов ва Серова севгиси билан таништиради. Дидро билан Волян хоним, Мирабо билан София, Флобер билан Луизанинг ишқий номаларидан баҳраманд этади. Гётенинг севимли аёллари, Бетховен билан Жульетта... хуллас, китобни ўқиркансиз, буюкларнинг севгиси ҳам буюк бўлганига ишонасиз!

КБК 63.3(0)
УЎК 929.82-4

ISBN 978-9943-07-396-8

© Миразиз Аъзам, 2016
© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2016.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ билан РАҲБАРОЙ

Йигирманчи аср бошларида йигит билан қизнинг уч-рашуви ва танишувини биз қўниккан бир маданийроқ вазиятда қўролмаймиз. Қиз билан йигит қўришиб дил изхори қилиши, бир-бирини ўрганиши учун бошлашиб юриш йўқ, гаплашишга имкон берилмайди, ё берилса ҳам, жуда оз фурсат. Илк учрашув, асосан, чимилдикда бўлиб ўтади. Ўртада муҳаббат туғилиши мумкинми? Мумкин, аммо қўнгилсизлик юз бериши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Бирок гўзал инсонлар — юртдаги оилавий қўникмаларни ҳурмат қилувчи қалби тоза, ифбатли ва закий қизлар, ўктам ва оқил йигитлар ҳам бўлган! Улар муҳаббат ва ҳурматга лиммо-лим чиройли ҳаёт қура олганлар... «Ўтган кунлар»даги Отабек билан Кумуш, «Меҳробдан чаён»даги Анвар билан Раънонинг муҳаббатлари шу фикримизнинг тимсоллари эмасми? Аммо улар бадий асар қаҳрамонлари, ёзувчи ҳаёлотининг маҳсуллари эканлигини инкор этиб бўлмас. Лекин мен улар орзулар туфайли туғилган қаҳрамонлар деб ўйламайман, улар ҳаётнинг ўзидан олинган прототиплардир. Абдулла Қодирий билан Раҳбаройнинг севги тарихлари роман саҳифаларига қўчган, дейиш ўринлироқ, назаримда.

Келинг, Қодирий ва Раҳбаройнинг болалик ва ёшлик йилларини қўздан кечирайлик.

Абдулла

Абдулла Қодирийнинг отаси Қодирмуҳаммад Эски жўва маҳаллалик Хожимуҳаммад бобонинг 1822 йилда

туғилган иккинчи ўғли эди (бобонинг яна бир ўғли ва бир кизи бўлган). «Саводсиз, хунарсиз, аммо бакуват, сергайрат, шижоатли ва дунё кўрган киши бўлиб, йигитлик чоғларида хон, беклар қўлида сарбоз бўлганлар, улғайиб қолгач, Эски жўвада баққолик дўкони очиб ипак, идиш-оёқ, чой каби моллар билан савдо қиладилар ва тижорат важи билан узок шаҳар-мамлакатларга кўп бор сафар қиладилар» (Хабибулла Қодирий, «Отам ҳақида»). У 1870 йилгача шу иши билан, кейинчалик деҳқончилик билан машғул бўлади.



Кодирмуҳаммад ҳар қанча полвонкелбат бўлмасин, фарзандсизлик дарди уни умр бўйи таъкиб этади. Бир уйланади — бола кўрмайди, хотини билан ажрашади, иккинчи бор уйланади — яна тирноқка зор бўлади, ажрашади, уч уйланади — яна хотини туғмайди, вафот этади. Аммо Кодирмуҳаммад дунёдан умидсиз эмасди. Тўртинчи марта 56 ёшида фарзанд умидида яна бир бор уйланишга қарор қилади ва ўзидан қирқ ёш кичик Жосият исмли қиз билан оила куради, ниҳоят, Аллоҳ уларни фарзанд билан сийлайди. Кодирмуҳаммад 57 ёшида (1879) бир ўғил кўради: Худо раҳм қилди, берди фарзандни, деб отини Раҳимберди қўядилар. Аммо Ҳақ таолонинг синовлари кўп экан, улар энди мусибат дардига мубтало бўладилар: «Раҳимбердидан кейин туғилган ўн икки фарзанднинг ҳаммаси негандир кетма-кет нобуд бўлаверади» (Х. Қодирий, «Отам ҳақида»). 1891–1892 йилларда «жойимизни ўзгартирсак, фарзандимиз турармикин» деган умид-ирим билан Эски жўвадаги ҳовлиларини сотиб, Самарқанд дарвозадаги Эшонгузар маҳалласидан қуруқ ер сотиб олиб, иморат қуришади. Шу ҳовлига кўчиб келишгач, Абдулла Қодирий дунёга келади.

Катталарнинг айтишича, Абдулла туғилган йили Николай подшоҳ тахтга ўтирган, ўрик гуллаган пайтлар экан.

Шунга қараб Кодирийнинг туғилган йили 1894 йил, тахминан 10 апрель деган қарорга келадилар (Қодирмуҳаммад бу пайтда 72 ёшда бўлган, кейин 75 ёшида ҳам яна бир ўғил қўрган эдилар).

Абдулла болаликдан серфикр, ўз сўзли бола эди. Уни ҳақсиз ранжитсалар, чидолмай, кўзларини шокоса қилиб қараб турар, кўзёшларини дув тўкиб юборарди. Аммо айб ўзидан ўтса, жазо олажаги муқаррар эканини билиб, уни юмшатиш йўлида бироз кўзга кўринмай турар, чора тополмаганидан сўнг ўзи бош эгиб айбини бўйнига олиб кечирим сўраб келаркан. Чунончи, 6—7 ёшларида боғда болалар билан чўп, хашак, эски-туски латталарни йиғиб гулхан ёқишгани, шунда Абдулланинг ёнаётган бир латтани қосов учига илиб осмонга отгани ва у қўшнининг ғарам қилиб қўйган барди устига тушиб ёниб кетгани, қўшнилари ўтни зўрға ўчирганлари ва ўт сабабчисини суриштира бошлаганларида Абдулла ҳоласиникига қочиб кетгани ва сўнг йиғлаб: «Билмабман, кечиринг, дада», — деганлари ҳикоя қилинади. Ўшанда Қодирмуҳаммад айвон устунига қистириб қўйган чивикни олиб Абдуллани ура кетгани, бу билан ҳам қаноатланмай арқон билан устунга боғлаб, яна уришга чоғланганида ғарам ёнган қўшни кириб:

— Қодир ота, мен Абдулланинг гуноҳидан ўтдим, сиз ҳам кечиринг, бола-да, билмай қолган, — деб уни жазонинг давомидан қутқариб қолган (Х. Кодирий, «Отам ҳақида»).

Қодирмуҳаммад ўзи саводсиз бўлса ҳам, ўқимишли кишиларни ҳурмат қилар эди. «Ўзимнинг хатим йўқ-да, бўлмаса ҳаммангни бармоғимда ўйнатардим», дер экан ҳар доим. Болалар мактабга бораман деса, ишлаб турган жойидан қўйиб юборар, катта ўғли Раҳимберди ўқигиси келмагани учун «Сен одам бўлмайсан», деб уришар, ҳовузга пишиб-пишиб урар экан.

Бироқ отаси Абдулланинг яхши ўқишидан шод эди. Чунки уни Зангиота маҳалласидаги Олим домла билан Зия домлаларга ўқишга берганида, бошқа болалар алифбени йиллаб ёд ололмай юрган бир пайтда Абдулла бир ойда алифбе ўқишни тамомлаб, бир йилда тўрт йиллик ўқув дастурини ўқиб тугатган эди. Кейин у эски усул мактабида яна бир неча марта домла ўзгартирди.

Абдуллаларнинг оиласи ночор аҳволда эди. Шунинг учун ўн икки ёшидаёқ уни бир бойга хизматчиликка беришади. У савдогар киши бўлиб, рус тилида ўқиш ҳамда ёзишни биладиган одамга муҳтож эди. Бой Абдулланинг зехни ўткирлигини кўриб, уни ўрис мактаби (рус-тузем мактаби)га юборади, аммо хўжалик хизматидан озод қилмайди. Абдулла ҳам ўқиш, ҳам хизматда бўлишга бардош беролмайди. Ота-онасига ёлвориб хизматдан қутулиб, ўз уйига қайтиб келади, аммо мактаб таҳсилини давом эттиради. Хар доим қўлида китоб, ҳатто юриб кетатуриб ҳам, мутолаани тўхтатмас эди.

Аммо отаси бундай гаплардан аччиқланиш у ёқда турсин, унинг кўп ўқишидан, ўқишга жиддий муносабатидан завқланаркан.

Абдуллаларнинг отасидан каттароқ Турсун отин деган қўшнилари бўлиб, уларникида китоб кўп эди. Абдулла уларнинг китобларини битта қўймай ўқир экан. «Юсуф ва Зулайҳо», «Хурилиқо», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Чор дарвеш», «Қисасул-анбиё», «Калила ва Димна», «Навоий» (у ҳақдаги ривоятлар), «Машраб», «Искандарнома», «Рустами дoston», «Хотамтой», «Жамшид» каби китобларни ўқиб, Турсун отин хола билан ўқиганлари ҳақида мунозара қилар, тушунмаган сўзларини ё сўраб ва ё сўз маъносини китоблардан, турли луғатлардан излаб топиб, билиб олар экан.

Абдулла билан рус-тузем мактабида бирга ўқиган Акмал Акромов ўз синфдоши ҳақида шундай хотира ёзиб қолдирган: «Абдулла билан иккимиз бир партада ўтириб, мунтазам илм олдик. У дарслардан илғор ва таътил кезларида қариб қолган отаси ёнида боғ ишларига қарашар, Раҳимберди акаси билан васса бозорига тушиб, токи йўнишар эди...

1912 йил қўкламида фақат иккимиз мактабни битирдик ва имтиҳонларни аёло даражада топширганимиз учун имтиҳонда қатнашган генерал Самсонов бизга биттадан қумуш соат мукофот қилди».

Мактабни аёло баҳоларга битирган Абдулла бирмунча вақт нима иш қиларини билмай уйда қолади. Кодирмуҳам-

мад бу вақтда тўқсондан ошганди. Ўн саккиз яшар йигитнинг уйда ҳеч нима қилмай ўтиришидан ғашли келган Жосият бир куни паранжисини ёпиниб, Эшонгузардаги мулла Зайниддин исмли маҳалладошларининг уйига боради ва:

— Абдуллангиз ўқишни битириб уйга кириб қолди, қилар иши фақат ўқиш-ёзиш. Бирор монандроқ ишга киришиб қўйсангиз, — дея илтимос қилади.

Шунда Зайниддин ака Чорсудаги растада Расулмуҳаммад исмли бир читфурушнинг «Менга русча ёзув-чизувни биладиган бир ҳалол иш юритувчи (приказчик) топиб беринг» деганини эслайди ва уни бойга тавсия қилади. Абдулла бойга маъқул тушади. Хизмат ҳақи, шарт-шароитлар ўзаро келишилиб, Абдулла ишга киришади.

Раҳбарон

Расулмуҳаммаднинг чит дўкони Чорсудаги дўппибозор ҳаммоми ёнида боши берк раста охирида жойлашган эди. Зайниддин аканинг хотирлашича, «Абдулла бўш қолса, китобини очиб мутолаага бериларди, то харидор келиб мол талаб қилмагунча бош кўтармас, харидорни жўнатиб яна китобга қарар эди».

Расулмуҳаммад эскичада саводли бўлса ҳам, рус тилини билмас, Абдулла каби русчани яхши билувчи кишига муҳтож эди. Кундузлари дўкон очиб савдо қилиш, рус тилида хат-ҳужжатлар ёзиб, рус бойлари билан муомала қилиб, кечқурунлари ҳисоб-китоб, меҳмонларнинг хизматида бўлиш, суҳбат тинглаш каби вазифаларни унинг зиммасига юклаган ва



ўз хонадонида яшашига ҳам шароит яратганди. Уларникида ўша даврда чиқа бошлаган айрим газета-журналлар, чунончи, «Тараққий», «Хуршид», «Шўҳрат» газеталари, «Ойна» журналининг бир қанча сонлари бор эди. Абдулла уларни ўқиди, Исмоил Гаспиралининг «Таржимон» газетаси ҳақида кенг маълумотларга эга бўлди.

Абдулла 1913 йилда «Садойи Туркистон», «Самарқанд», «Ойна»га ёзиб юриш фикрига келди. 1914 йилда «Садойи Туркистон»да биринчи мақоласи босилиб чиқди.

Расулмухаммаднинг зиёфатларига газета-журнал таъсисчилари, шоир, ҳофиз ва созандалар ҳам келиб туришарди. Барча маросиму йиғилишларда Абдулла ҳам қатнашар, гурунгларда оз сўзласа ҳам вазмин ва сермазмун гаплари билан кўпчилиكنи ўзига мафтун этар эди. Йиғилганлар жим ўтирган Абдуллага саволлар бериб, унинг жавобларини тинглашни кўп маъқул кўрардилар. Бир дафъа миллий ҳаётимиз ҳақида шундай деганди: «...Менимча, ўриснинг биздан юқоридалиғи унинг иттифоқидан бўлса керак. Аммо бизнинг кундан-кунга орқага кетишимизга ўзаро низойимиз сабаб бўлмоқда, деб ўйлайман... Орамизда бу қўркунч ҳолатка баҳаққи тушунадирған яхши одамлар йўқ, билъакс бузғучи ва низочи унсурлар томир ёйиб, ҳар замон содда халқни ҳалоқат чуқурига қараб тортадилар» (Х. Қодирий «Отам ҳақида»). Навқирон Абдулланинг бу каби сўзлари тинглагувчиларни оҳанрабо каби ўзига тортарди, унинг обрўйи ва камоли ҳақидаги тавсифлар Расулмухаммаднинг оила аъзоларига ҳам етиб борарди.

Бир куни Расулмухаммаднинг хотини Хоним биби Абдулла ҳақида суриштирди...

«Ўтган кунлар»да ўқиймиз:

«... Офтоб ойим Тўйбекадан сўради:

— Меҳмонлар қанақа кишилар экан, танидингми?

— Нах, сиз ёш меҳмонни кўрмабсиз, дунёга келмабсиз, — деди Тўйбека... — бир чиройлик, бир аклик, тагин ўзи ҳаммадан юқорида ўлтирадир; ҳали йигирмага бормагандир, мўйлаби ҳам эндигина чиқа бошлаған... Нах, бизга қуяв бўладирған йигит экан, — деди ва Кумушка қараб қулиб қўйди. Бу сўздан Офтоб ойим ҳам қулимсираб қизига қаради:

— Ана, Кумуш... Тўйбека сенга эр топқан, сен бўлсанг бошим оғрийди, деб ётасан...

— Қолған хизматларингизнинг биттаси энди менга эр топиш эди.

Тўйбека Кумушнинг тундланишини эламади:

— Эй... синглим, ҳали сен билмайсан, — деди, — у йигитни бир кўргин-да, ху, деб кетабергин... Сен тугул, шу ёшим билан меним ҳам унга текким келди, — деди ва хахолаб кулиб юборди.

Кумушбиби чирт этиб юзини Тўйбекадан ўгирди.

— Тезроқ тегиб колинг.

— Кошки эди тегалсам, — деди Тўйбека, — мен унинг бир тукига ҳам арзимаيمان. Аммо сен бўлсанг, унинг билан тенглашар эдинг...

Кутидор меҳмонларни жўнатиб ётиш учун чешинар экан, Офтоб ойим сўради:

— Чиройлик йигит, ақллик йигит, деб махтий-махтий Тўйбеканинг ичаги узилди, у ким эди?

— Меҳмонимиз ўша эди, — деди кутидор, — тошкандлик Юсуфбек ҳожи отлиғ якин ошнамнинг ўғли.

— Тўйбеканинг махтаганича борми, ўзи?

— Бор, — деди кутидор ва ғиталанди (жонланди), — худо кишига ўғул берса шундайини берсин-да... кирои куявинг шундоғ бўлса, — деди...».

Абдулла ишлаётган хонадоннинг икки ҳовлиси, икки боғи бор эди, меҳ-монларни гоҳ унисиди, гоҳ бунисиди кутар, уларнинг ҳаммасида катнашаётган Абдулланинг овозаси ҳам бу ҳовлиларда Отабекники каби эди.

Абдулла Кодирийнинг кенжа ўғли Масъуд Абдуллаевнинг «Ўтганлар ёди» китобида шундай бир парчани ўқиймиз: «Ширинбулоқдан бироз юрилиб, боши берк тор кўчага бурилгач, яна 50—60 кадам юрилса, ойим (Раҳбарой)нинг туғилиб ўсган ҳовлиларига етиларди. Икки тавақали эски, бўёқлари кўчиб кетган эшик орқали ташқари-ичқари ҳовлига кириларди.

«Ўткан кунлар» романини ўқиганимда «Кирои куявинг шундоғ бўлса» фаслидаги манзарада дадам қайнота (Расулмухаммад) ҳовлиларининг ички-ташки кўринишини таърифлагандай туюлганди».

Абдулла Кодирийнинг истеъдодли невараларидан бири Шеркон Кодирий ўзининг «37-хонадон» номли хотира китобида бобосининг: «Ўзбек ойим — Жосият бибинг, Офтоб ойим — Хоним бибинг, Кумуш эса Ойкумуш опанг» деган сўзларини келтиради (62-б.). «Кумуш — Ой-

кумуш» деганларини инкор этмаган ҳолда, мен яна «Кумуш — ўз хотинлари Раҳбарой» деган фикрни ҳам илгари сураман. Бунга асосим: «Расулмухаммадбойнинг Бурхониддин, Заҳириддин, Насриддин ва Асомиддин исмли тўрт ўғли бор эди. 1914 йилда уларнинг хатна тўйини қилган ва Абдулла бу тўйларда қўлидан келганча чин юракдан хизмат қилган эди. Бойнинг бу ўғиллардан каттароқ, бўйи етиб турган икки қизи бор эди. Каттасининг исми Раҳбарой бўлиб, юзлари оппок, оққуш бўйинли сарвдай тик комат қиз эди. Абдулла уни авваллари ҳам, тўй хатти-ҳаракатлари кунларида ҳам ҳовлиларда ё сув бўйларида, кўзаларга сув тўлдириш ва ё шунчаки чайиниш онларида бир неча марта кўрган эди».

«Ой каби юзлар, кулиб боқишлар, чўчиб қочишлар... уфф» дея уйқусирашлар Отабекнинг эмас, Абдулланинг ўз кечинмалари эди, дейиш ҳақиқатнинг айнан ўзгинасидир. «Куюк жинггила кипрак остидаги тимқора кўзлари бир нуктага тикилганда, нимадир бир нарсани кўрган каби... қоп-қора камон, ўтиб кеткан нафис, қийиғ қошлари чимирилганда, нимадир бир нарсадан чўчиган каби... тўлган ойдек ғуборсиз оқ юзи бироз қизилликка айланганда, кимдандир уялган каби...», (А. Кодирий, «Ўткан кунлар») «...бўғриққан қизил юзлари очилинқираган эдилар. Айвон устунига суянғач, қора қийиғ қошларини чимириб кўча йўлак томонга қаради...», «Кумушбиби ариқ сувининг ниҳоятсиз бу ҳаракатини узоқ кўздан кечириб ўлтурғач, қўл узатиб сувдан олди ва юзини ювди...», «Нозик оёқлар толдилар шекиллик, садаф каби оқ тишларини бир-икки қайтаклаб чайди, ариқ бўйини ва унинг сувларини ташлаб кетди». Кумушбибига оид бу тасвирлар Раҳбарнинг тасвири эмас, деб ким айта олади?!

20 ёшигача Абдулла Раҳбаройни ҳовлиларнинг бирида ёки айвон устунига суянган ҳолда ва ё боғ ариқлари бўйида шундай саҳналарда кўриб юрган бўлиши турган гап. Абдулла болалигидан оғир меҳнат (деҳқончилик, токи йўниш, дурадгорлик, кармондўзлик)да чиниққан, қўллари дағаллашиб, пайлари қотиб кетган, юзлари офтобда қорайган эди. Оғир заҳмат чекмай, отасининг давлати

соясиди нозикниҳол бўлиб улғайган, оппоқ бармоқлари шамдай силлиқ ва узун-узун, «нафис, қийиғ қошлари чимирилган, қўллари оппоқ, оёқлари оппоқ» бу қизни тасодифан кўрган чоғларида юраклари ўртанган, албатта. Аммо у ниҳоятда зийрак ва ақлли бўлганидан, бу қиз фақат хаёлидагина яшаши мумкин (тенг тенги билан) деб тушунар, ўзининг туйғуларини жиловлашга ақл ва иродаси етар эди. Шу боисдан у худди Отабек ўз туйғуларини Ҳасаналидан яширганидай, ўз севгисини юрагининг таг-тағларига қўмиб, ҳаммадан сир сақлар ва ҳеч кимга ёзилмас эди. Раҳбаройнинг ўзи ҳам, Тўйбека кабиларнинг гапларидан таъсирланган Кумушбибидай, Отабекка нисбатан туйғуларини Кумуш сингари ичига ютиши тушунарлидир. Аммо бу ўринда Расулмуҳаммаднинг донолиги, инсонни инсондан фарқлай олиш укуви ёшларнинг бахтига кенг йўл очди.

Расулмуҳаммад илгари бўзчи бўлган эди. Хоним биби-га уйланганида қайнотаси унга дўкон очиб берган, у ерда чит-матолар газлаб сотилар эди. Тез орада савдоларига барака ато бўлиб бойиб кетганди.

Расулмуҳаммад очикқўл, кўнгилчан, баъзан бева-бечораларнинг кичкина тўй-маъракаю орзу-ҳавасларини ҳам ёнидан харжлаб ўтказиб берарди. Кишлоқи бечораҳол деҳқонларга, кўпинча, «Пулини топганда берарсан», — деб насияга ҳам мол сотаверар эди.

Абдулланинг ўйин-кулгисиз, ҳамиша ўкув-ёзув билан шуғулланиши, иш тутиши, муомаласига икки-уч йил разм солиб юрди-да, бу бола одам бўлади, деган фикрга келди. Кутидор Отабекни ёқтирса ҳам Кумушни унга бериш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмаган бўлса, Расулмуҳаммад яқинлари билан кенгашиб, «Абдуллани ўзим қуёв қиламан. Икки қизимдан хоҳлаганларини келин қилишсин», — деб орага одам қўяди. Булар бойнинг ҳимматидан хурсандликларини айтиб, айни чоғда орзу-ҳавас бобида бой билан беллаша олмасликларини билдирадилар. Бой: «Бу ёғидан хотиржам бўлсинлар», — дейди. Абдулла Раҳбаройни танлайди. Расулмуҳаммад Абдуллани четга имлаб чакиради ва қўлига уч юз сўм бериб: «Бу пулларнинг яр-

мини тўй келтирганда калин пули қилиб менга берарсизлар», — дейди.

1914 йил охирларида Абдулла билан Раҳбаройнинг тўйлари бўлиб ўтади. Ўшанда Абдулла 20 ёшда, келин бўлмиш эса 17 ёшда эдилар.

Абдулла Кодирийнинг невараси Шеркон Кодирийнинг «37-хонадон» китобида келтирилган бир хотирада айтилишича, Абдулла Кодирий билан Раҳбаройнинг тўйларига бир неча кун қолганида бир қўнгилсиз воқеа бўлиб ўтади: Раҳбар жуда ҳаракатчан қиз бўлиб, укаларининг тўйида аёлларга патнис, турли егуликлар ва чой ташиб чакқон-чакқон хизмат қиларкан... Бир сафар чой дамланган икки чойнакни қўлига олиб, меҳмонлар томонга, самовар орқасига шошиларкан, беҳосдан қўйлагининг этаги жўмракка илиниб қолган экан, шекилли, устига қайнаб турган катта самовар ағдарилиб тушган, икки оёғи куйган, табибга олиб бориб боғлатиб келишган экан. «Қиз тузалиб олсин, никоҳ тўйини орқага сурайлик», дейишса, Абдулла Кодирий ҳам, онаси Жосият хола ҳам: «Тўй белгиланган кунда бўлади», деб туриб олишган, никоҳ қуни Раҳбаройни авайлаб аравадан ичкарига кўтариб олиб кирган экан. Хоним биби бошини сарак-сарак қилиб, гурурланиб: «Қуёвим ўқиган-да, ўқиган». — деб шодланган.

Хабибулла Кодирий ва унинг ўғли Шерконнинг ёзишларида, Хоним биби ўрта бўй, чиройли, оқ юзли, юмшоқ табиат, майин сўзли, мулоҳазали аёл бўлган. Сўзлаганда аллақандай услубли, одамда табассум уйғотадиган тарзда сўзларкан... У меҳмон бўлиб келса, уйлари гўё тўлиб кетгандай бўлар, Абдулла Кодирий кайнонасини жуда ҳурмат қилар, уни «ойи» деб атаркан. «Хоним биби Кодирийнинг олдида негадир уялиб ўтирарди ва баъзан майин кулиб дер эди: «Шайхонтохурдан сизларникига юра-юра неча-неча эшикларни босиб ўтдим, лекин биронтасига ҳам бурилмадим, тўғри сизларнинг эшикка келиб кирдим. Негаки, бунда менинг бир томирим. жоним бор-да».

Абдулла Кодирӣ ва Раҳбарой уч қиз, икки ўғил кўрдилар: биринчи фарзандлари Назифа (1916 —1987), биринчи ўғил Ҳабибулла (1919—1989), иккинчи ўғил Масъуд (1926—1997), бошқа қизлари Адиба (1924—2010), Аниса (1928—2011)дир.

Абдулла Кодирӣ Раҳбаройга уйланаётганида, ичида рўзғор ишларига укувсизмикин, ҳарқалай, бойларнинг оқбилак қизи, деган жиндай хавотир ҳам бор эди. Аммо Раҳбарой Кодирӣлар оиласи билан жуда тез киришиб-чиқишиб кетди, рўзғорни жуда яхши тебратди, Абдулла Кодирӣнинг муносиб хотини бўла олди ва дарҳол онаси Жосиятнинг меҳр-муҳаббатини қозонишга эришди. Агар Абдулла Кодирӣми, бошқасими, Раҳбаройга сал қаттиқроқ гапириб қўйса, Жосият буви: «Хотинга зулм қилма!» — деб қаттиқ хафа бўлар эканлар...

Абдулла Кодирӣ болажон инсон эдилар. Раҳбарой Кодирӣнинг 1924—1925 йилларда Москвадалик чоғида уйга хат ёзиб, қизи Назифа билан жияни Ойкумушнинг ўқишларини суриштиргани ва уларни интернатдан қайтариб олмасликларини таъкидлаганлари ҳамда «Хантининг адаси» деган, уч ёшли қизи Адибага бағишланган (Кодирӣ уйда қизи Адибани «Ханти» деб севганлари) китоб ёзиб келганини узоқ вақтгача кулиб такрорлаб юрган эди.

Чиндан ҳам 1925 йил ёз ойларида Кодирӣнинг «Хантининг адаси» номли, болаларга ёзган китобчаси босилиб чиқади. Китобча араб алифбосида, кичик рисола шаклида бўлиб, оппоқ варақларига (мукова устларига ҳам) қуён, бўри, тулки, хўроз каби жониворлар ҳамда машиналарнинг расмлари солинган эди.

Ўша пайтларда 6—7 ёшларда бўлган Ҳабибулла китобни қўлига олиб хижжалаб ўқиганини хотирлайди. Аммо архивлардан китоб нусхаси топилмаганини таъкидлаб ўтади.

Ҳабибулла Кодирӣ 1—2 ёшли Адиба синглисини даси негадир «Ханти» деб севар эдилар, дейди.

Раҳбарой Кодирийнинг дўстларини доим очиқ юз билан қарши оларди. Бир вақтлар ўгли Хабибуллага шундай деган эканлар:

— Сен қўлимдалигингда (1919 йиллар) шоир Камий домла бизникига тез-тез келиб турарди. Камий домла кексайганроқ (1866—1923) киши эди. У баъзан аданг билан, баъзан ўзича аста кириб келарди. Домла эшикдан кўриниши билан уйдагилар: «Ана, Абдулланинг ўртоғи келяпти!» — деб кулишар эди. Камий домла меҳмон бўлиб, аданг билан суҳбатлашиб, китобхонлик қилиб қайтар эди. Аданг уни жуда ҳурмат қиларди.

Раҳбарой Тавалло, Хислат ва Ғози Юнус, Элбекларни ҳам кўп марта меҳмон қилган, ҳаммаларини яхши билар эди.

Хабибулла Кодирий ёзади:

«Токсолар чоғида бутун оиламиз билан бокқа кўчиб чикардик... иш майда, зерикарли бўлса-да, унинг ўзига хос гашти бор... ўтлар орасига ёнбошлаб, пешинлик қиламиз. Ойим бўлса (Раҳбарой) кизиқ бир «таом» тайёрлардилар, ариқдаги шилдираб оқиб турган мусаффо сувдан бир сопол товоқни тўлдириб олардилар-да, устига ёввойи пиёз баргларида, бир-иккита қуритилган қизил гармдоридан майдалаб тўғрар ва туз қўшар эдилар. Биз бу хушхўр «таом» («аччиқ-чучук»)ни талашиб ер, кўпинча, келтирилган нонимиз етишмай қолар эди...».

Раҳбарой исмалоқ ёки жағ-жағ ўтдан (у ўтларни болалари билан бирга қоп кўтариб, тепа жарлардан териб келарди) тандир сомса ёки варақи, катикли мошхўрда, резавор қўкатлардан қайнатма шўрва ва ҳоказолар пишириб берааркан.

Бир йили Абдулла Кодирий Берди татар деган дўсти билан ўз ерларига шерикчиликка помидор экадилар. Экин жуда катта ҳосил беради. Ўшанда Раҳбарой помидор териш, қоқи қилиш, қўшниларга тарқатиш билан машғул бўлади (Ш. Кодирий, «37-хонадон»).

1925—26 йилларда Москвада Абдулла Кодирий билан В. Брюсов номидаги Журналистлар институтида бирга ўқиган ва ётоқхонада бирга турган Комилжон Алимов Тошкентга қайтгач, А. Кодирийни «Муштум» журнаliga

ишга таклиф қилади. Кодирий «Муштум»да тез фурсатда Жулкунбой тахаллусида ёзилган ҳажвий асарлари билан катта шуҳрат қозониб кетади ва атрофида ҳасадгўйлар ҳам кўпаяди. Давлат идораларига унинг устидан кўпдан-кўп чакув хатлари тушиб турарди.

1926 йил «Муштум»нинг март сониди Жулкунбойнинг «Йиғинди гаплар» номли мақоласи босилади. Унда бир неча кишилар, арбоб кимсалар ҳазиломуз танқид қилиб ўтилганди. Баъзилар бу танқидни «арбоблар обрўсига дуруст эмас» деб тушунади ва у жавобгарликка тортилади.

Абдулла Кодирийнинг кичик ўғли Масъуд Абдуллаевнинг «Ўтганлар ёди» номли хотиралар китобида ўқиймиз:

«Мен 1926 йили 12 апрелда оилада тўртинчи фарзанд бўлиб дунёга келганман. Надоматлар бўлсинки, ўшанда дадамни тухматнинг қора курсисига ўтқазган эканлар... Айтишларича, дадам 1926 йил 12 июнда қамоқдан чиқадилар ва мени икки ойлигимда биринчи бор кўрадилар.

...Менга Масъуд деб исм қўйганлар.

Дадам келгач, онам — Раҳбарбону ич терлама касалига дучор бўлиб, шифохонага кузатилган, Раҳимберди амакимнинг аёллари Робия опоқим мени уйларига олиб кетиб бир ёшгача эмизиб тарбиялаганлар».

Бу ерда Раҳбаройга тегишли икки нарсга эътибор бериш керак:

Хабибулла Кодирийнинг фамилияси Кодирий (Кодиров) бўлгани ҳолда, нега Масъуднинг фамилияси Абдуллаев? Айтишларича, Раҳбарой ўғлига туғилганлик ҳақида гувоҳнома олинишидан олдин: «Хабибулланинг фамилияси бобосининг номи билан Кодирий (Кодиров) бўлди, Масъуднинг фамилияси сизнинг номингизда Абдуллаев бўлсин энди», — деган экан ва Масъудни ўзгача муҳаббат билан Отабек деб атаркан.

Иккинчи жиҳат овсинлар муносабати... Халқимизда «овсинлар бир-бирига тош отадилар» деган ақида бор. Аммо Раҳбарой билан Робиянинг ораси опа-сингилдай яқин ва бир-бирига тош отувчи эмас, бир-бирига ош тотувчи овсинлар бўлганлиги Робиянинг Масъудни бир йил эмизганида яққол кўзга ташланади.

Раҳбарой ич терлама бўлганида Кодирий хар куни шифохонада бўлган.

Ўзи ич терлама касаллиги оммавий касалликлар тоифасига киради ва асосан ҳаётдаги етишмовчилик муҳити билан боғлиқ бўлади.

Ич терлама билан оғриган одамда қандайдир рухий бузилиш — кайфиятнинг тушиб кетиши, хафагарчилик, дили ғашлик бошланади, бу ҳол жуда тезлик билан ошиб боради, заиф бир умидсизликка айланади. Жисмоний заифлик фақат мушакларга ўтибгина қолмай, ички аъзолар, биринчи галда ошқозоннинг ишдан чиқишига ҳам сабабчи бўлади, бемор овқат емай қўяди. Каттиқ уйқуси келади, аммо қанча ҳолдан тойган бўлишига қарамай, куш уйқу бўлади, бу уни баттар чарчатади. Боши оғрийди, айланади. Оёқ-қўли симиллаб оғрийди, баъзан ҳеч бир сабабсиз бурнидан қон келади. Касалликнинг иккинчи ҳафтасида бош оғриғи ва тан оғриғи тўхтаса ҳам, бош айланиши тўхтамайди. Кулоғи чала-ярим эшитида. Оғзи очилиб, кўзлари хиралашади. Онгини йўкотади. Баъзан алаҳсирайди. Тишлари, милклари, тилини қорамтир шилимшиқ парда қоплайди. Қорни шишиб, осмонга қараб қимирламай ётади. Нафаси тезлашиб, томир уриши бир дақиқада бир юз йигирма мартага чиқади. Харорати 41 даражага кўтарилади. Кўкраги ва қорнида доғлар кўпаяди.

Учинчи ҳафтада заифлиғи сўнгги маррагача етади. Овоз чиқариб алаҳсираши тўхтайди. Аммо унинг тирик ё ўлгани аниқ бўлмай туради. Аммо энг тажрибали докторлар бемор учун имкон қадар катта ва тез шамоллатиб туриш имкони бўлган жойни талаб қилади, касалнинг тагини тез-тез алмаштириш зарурлигини уқтиради.

Ич терламада яна бир муҳим жиҳат бор: гира-шира, алаҳсираган тушлар аро иситмалаб, беҳуш ётган бемор яшашга ундовчи чақириқларни ҳам эшитиб ётади. Агар унда бурч, жасорат тушунчалари қимир этса, куч, қувонч, муҳаббат, ўзи ташлаб келган қизғин ҳаётга боғлиқлик уйғонса, у ҳаётга қайтади. Агар яшашга қорловдан сўнг ҳам уни кўрқув ва нафрат тарк этмаса, у ўлади.

Ўғли Ҳабибуллани тиббиётга ўқитган Қодирий ич терламанинг бу хусусияти билан тўла танишмиди ё йўқми, ноаён. Лекин муҳаббатнинг қудратини ва дуонинг фазилатини яхши билар, шунинг учун ўзининг Раҳбарини олиб қолиш илинжида ҳар кун касалхонага келар ва унинг қулоғига шивирларди: «Раҳбар! Раҳбар! Мен шу ердман. Бизни ташлаб кетишни ҳатто ҳаёлингга ҳам келтирма. Сен кетсанг, мен қандай ижод қиламан?! Ким менга Раҳбар бўлади? Болаларга ким Раҳбарлик қилади?» Эртасига яна кулокқа шундай шивир-шивир, индинига яна шивир-шивир, кейинги кун яна... Касалликнинг ҳар бир кунда шундай руҳий малҳамни қанда қилмас эди: «Раҳбар! Мен шу ердман...»

Касалликнинг ўттиз еттисими, ўттиз саккизидами, қайсидир кун Раҳбаройнинг бурнига кичкина бир тер томчиси чиқади. Доктор Қодирийга:

– Табриклайман! Ҳаётга қайтди Раҳбарингиз! — дейди қувончга тўла оҳангда.

Эртасига томчилар сони учта бўлади. Қирқинчи кун кўзини очади...

Қодирийнинг «Болаларга ким Раҳбарлик қилади?» деган сўзлари шунчаки оғизга келган чиройли жумла эмас, айти ҳаётий ҳақиқат эди.

Масъуд Абдуллаев ёзади:

«Ойим эски мактабда савод чиқарган, араб алифбосида ёзиш, ўқишни мукамал эгаллаган эдилар... Ойим дадам билан бўлар-бўлмас гапларни сўзлашмас эдилар... Дадамга тааллуқли гапларни ойим орқали етказар эдик... Мен ўртоқларим билан шўхлик қилсам, ойим бизни алоҳида хонага киргизиб, ҳикоя ёки бирор китобни ўқиб берардилар. Ёки Даданг ёзиптилар, халақит берманглар, дер эдилар... Ойим... дадам битган варақларни ўқиб: «Бундай сўзларни қаердан топиб ёзасиз? Киши ёзган жумлаларингизни ўқиб тўймайди», — дердилар.

Абдулла Қодирий «Обид кетмон» кассасини ёзаётган, «п» ҳарфига русча-ўзбекча луғат тузаётган, мамлакатда очарчилик юз берган 1933 йили Раҳбарой эрталабдан кечгача таом тайёрлар, жўхори унидан хамир қилиб, ко-

воқ қўшиб тандирда зоғора нон ёпар, кунига бир-икки марта суюқми-қуюқми иссиқ овқат пиширар, мол боқар, сигир соғар эди. Кодирий бирон жойга борса, албатта, онаси билан Раҳбаройга бир хил ёки бир нархли совға оларди. Масалан, «Ўтган кунлар»га молзама тўлагани Марғилонга борганида икковларига саккиз тепкили хонатлас келтирган. Кайнона-келин қўйлакни тиктириб, кийиб олишган. Атласнинг ортганидан эса бир неча қўрпачалар тайёрлашган экан, ўша йили шўро ҳукумати ўзбек хонадонларига пахта солиғи солиб, Кодирийлар хонадони ҳам қўрпачаларини бузиб, пахтасини ҳукуматга топширган эдилар (Х. Кодирий, «Кодирийнинг сўнги кунлари»).

Раҳбарой давр билан ҳамнафас, банорас паранжисини ўтга ташлаган аёллардан эди, Кодирий ҳам ўша замонларда биринчилардан бўлиб онасини, хотинини, қизи Назифани узоқ-яқин жойларга дам олдиргани олиб борар, соғликларини мустаҳкамлаб қайтар эди.

Аммо Қодирийнинг муҳаббат киссаси фожиали тугади.

Машғум 1937 йилнинг 31 декабрида Қодирийни қамоққа олиб кетдилар.

Хабибулла Кодирий ёзади:

«31 декабрь — янги йил кутиш кун келди... Ойим кечки таом — норин тайёрлаш билан банд эдилар. Мен эса ойим ёқиб кетган керосин лампада (у чокларда биз томонларда электр чироғи йўқ эди) «Минг бир кеча»нинг туркийсини ўқир эдим... Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди, ойим бир коса норин шўрва ва бир тақсимча хамиридан олиб чиқиб, шўрвани чойнакчага қуйиб тушиб кетдилар. Шу пайт уйимиз орқасида... маҳалла комиссиямиз Тошпўлат ака... иккита НКВД ходимлари келиб дадамнинг ёнидан чиқдилар... Шу чок соат худди ўн бир эди...

...Дадам билан ойимни уй ўртасига ўтказиб қўйиб, нимадир кидиришди... Улар бир чамадонга баъзи хат-ҳужжат, газета-журналларни солиб, ов милтиғимизни олиб, дадам билан жўнаб кетдилар. Ойим билан амаким дадамни кўчага қузатиб чиқдилар, улар қора машинага ўтириб жўнаганларидан кейин, ойим уйга қайтиб кирарканлар, чидай олмай, худди

тобут кетидан йиғлаб қолган аёллардай уввос солиб юбордилар. Уйимиз кабристонга айлангандек туюлди менга...

Дадамни шу кетганларича бошқа кўрмадик, бир энлик хат ҳам олмадик ва ўзимиз ҳам ёза олмадик. Ойим бечора кунора, баъзан Қудратилла амаким билан овқат тайёрлаб НКВДга Олой бозори ёнидаги Тоштурмага борар, туйнуқлардан дадамни сўрар ва «бундай одам йўқ» жавобини олиб, йиғлай-йиғлай қайтиб келар эдилар» (Х. Қодирий, «Қодирийнинг сўнгги кунлари»).

Раҳбаройнинг катта укаси Насриддин янгичага саводсиз, жуда камгап, унинг қаерларда ишлаб юришини ҳеч ким билмас экан. Бир куни у оғзидан гуллаб, НКВДда қоровул бўлиб ишлашини айтиб қолади ва у ердаги Тригулов деган одамдан Қодирийнинг ўлмаганини билиб олганини айтади. Ҳабибулла Қодирийнинг ўзига ҳам ТуркВО прокурори: «Отангиз тирик, жинояти: халқ душмани, аксилинкилобчи, ўн йилга ҳукм қилинган, уй алоқасидан маҳрум, омон бўлса бир кун ўзи келади», — деб жавоб берган. Холбуки, бу гаплар ҳаммаси масҳарабозлик, найрангбозликдан бошқа нарса эмасди. Абдулла Қодирий 1938 йил 4 октябрда отиб ташланган эди. Оила аъзолари уни тирик деб ишонар, унинг қайтиб келишидан умидвор бўлиб яшардилар. Кенжа ўғил Масъуд «Ойим дадамнинг буюмларини эҳтиётлаб, алоҳида жойга жойлаштириб, бизга: «Дадангнинг буюмларига тегинманглар, эрта-индин келиб сўраганларида уялиб қолмайлик», — дегандилар, деб ёзади. У кишининг айтишича, Қодирийнинг ноёб китоблари ва қўлёзмалари икки табақали эшикли, ичига 200 дан ортиқ китоб кетадиган сандикда сақланар экан, Раҳбарой сал бўш қолди дегунча ундаги бир китобни олиб ўқир ва Масъудга: «Катта бўлсанг, даданг ўқиган мана шу китобларни ўқийсан», — дер экан.

Мен Ҳабибулла Қодирий билан жуда кўп учрашганман, аммо уларнинг оиласи, хусусан, онаси ҳақида кўп нарсаларни сўраб олмаганимга афсусланаман. Фақат бир гаплари сира ёдимдан кўтарилмайди. Айтишларича, Раҳбар ойи Қодирий кетган 1938 йилдан то умрининг охирига қадар кўзи эшикда, қулоғи дарвоза-

да экан. Ўғил-қизлар онанинг интизорлигини билганлари учун, дардидан алаҳситиш мақсадида унга турли қизиқ воқеалар, икир-чикирлардан гапиришар экан. У эса ўзини гўё болаларини эшитаётгандек тутса ҳам, барибир, тик этса кўзлари кўча эшикка қараб жовдираркан.

«Ойим ёш бўлишларига қарамай, — деб ёзади Масъуд Абдуллаев, — дадамнинг дардлари, оила қийинчиликларидан нафас қисиш хасталигига чалиндилар. 1942 йилга келиб касаллари зўрайиб, тез-тез шифохонада даволанар эдилар. Ойимнинг хасталиклари кундан-кунга зўрая борди. Шунда дадамини ёдга олиб:

— Дадангни суд ҳам қилмай, Сибирга сургун қилиб юборишган эмиш. Мен шифохонада ётганимда одамлар оғзидан эшитдим, — дер эдилар».

Рахбаройнинг хасталиги кундан-кун зўрайиб, эрининг гамида куя-куя 1943 йил 6 мартда 46 ёшида дунёдан ўтди.

1956 йилнинг 9 октябрида шўро ҳукуматининг Абдулла Кодирийни айблов ҳукми бекор қилинди. Аммо шундан кейин ҳам у қаерда отилгани 80-йилларнинг охиригача сир тутилди.

Хозирги телеминорадан ўтганда темир ва бетондан қурилган катта кўприк келади, кўприкдан ўтилгач, илгари йўлнинг сўл томонида катта тепалар қад тиклаб тураркан, уларнинг орқасида тик жарликлар бўлиб, ана шу тепаликда одамларни отишар, ўлик орқаси билан жарга қуларкан. Абдулла Кодирий ва ўзбек халқининг бошқа асл фарзандлари ана шу ерда отилганлиги фақат 1989 йилдагина маълум бўлди. Мустақилликдан сўнг бу ерда «Шахидлар хотираси музейи» қурилди. Бу — истиклолга эришган давлатимизнинг энг гўзал одимларидан бири эди.

Хабибулла Кодирий ёзади:

«Тошкент шаҳар Хўжааламбардор қабристонидаги хилхонамизда дадамизга атаб бир рамзий қабр кўтарганимиз, тош ўрнатганимиз. Қодир бобом, Жосият бувим, Раҳ-

бар ойим, Рахимберди. Кудратилла амакиларим ва бошқа яқин қариндош-уруғларимиз шу ерда дафн этилган»¹.

Абдулла Қодирийнинг ижодкор авлодлари

Абдулла Қодирийнинг оилавий шажараси «37-хонадон» китобида мукаммал жадвал қилиб берилган. Мухтарам китобхонларимизга қуйидаги китобларни, албатта, ўқиб чиқишларини тавсия қиламан:

1. Хабибулла Қодирий. «Отам ҳақида», «Қодирийнинг сўнгги кунлари».

2. Масъуд Абдуллаев. «Ўтганлар ёди» (Хотиралар).

3. Шеркон Қодирий. «37-хонадон» (Хотиралар).

4. Хондамир Қодирий (Абдулла Қодирий асарларининг асл матнини тиклаб нашр этилишига катта ҳисса қўшиб келаётган матншунос).

Хондамирнинг таҳриридан ўтган нашрлар билан олдинги нашрларни солиштириб кўрсангиз, китобларнинг номидан бошлаб то мундарижасигача қандай тузатишлар киритилганига гувоҳ бўласиз.

¹ «Ёшлик» №7, 1989. 53-6.

АБДУРАУФ ФИТРАТ билан ФОТИМА

*Абдурауф Фитратнинг Танланган асарлари
1-жилдининг 45-саҳифасида
шундай шеърни ўқиймиз:*

* * *

Гўзалим, бевафо гулистоним,
Боғ умримда тоза райхоним.
Ғаму қайғуларинг хужуминдан
Сен эдинг меҳрибон ниғаҳбоним.

Мени беҳуда ташладинг-кетдинг,
Нега ўлдирмадинг-да, тарк этдинг?

Кел, гулим, кел, аёкинға йиқилай,
Бир замон қўй: тўлиб-тошиб йиғлай.
Қўй, бироз қўйки, хокипойингни
Сурмадек ёшли қўзума сурай.

Кетма, тур, тингла арзи холимни,
Арз этай холи пурмалолимни.

Қани ул дамки, сен эдинг ёрим,
Мунисим, ҳамдамим, мадаккорим.
Сенинг оғуши илтифотингда
Роҳат этмишди жисми беморим.

Мени беҳудага ташладинг-кетдинг,
Нега ўрдирмадинг-да, тарк этдинг?

Кел, аёкингга қон бўлиб тўкулай,
Бир нафас дард-ҳажрдан қутулай.
Кел, гўзал дилбарим, кел, сочингни
Бир тарай, бир ўпай-да, сўнгра...

Мени беҳудага ташладинг-кетдинг,
Нега ўлдирмадинг-да, тарк этдинг?

Бу шеърнинг ёзилишига сабабчи бўлган, улуғ Фитратнинг қалбини зориқтирган гўзал ким эди? Унинг биринчи муҳаббатими? Умр боғининг қайси фаслида, қаерда ва қай йўлларда учраштирди уларни тақдир? Уларни боғлаганмиди ўзи тақдир ва ё ажралиш учун учраштирганмиди? Муҳаббатнинг сеҳрли оламида Фитрат ва Фотима деган сир нима эди у? «Оғуши илтифотида Фитрат жисмига роҳат берган» «гўзал дилбар» нега уни «ташлади-кетди?»

Фитрат

Абдурауф Фитрат маърифат аҳлининг нигоҳини оҳанрабодай ўзига тортувчи мўъжизали Бухорода 1886 йилда туғилди. Отаси Абдурахим саррофлик (пул айирбошловчилик) касби ила Туркия, Эрон, Қашқарга тез-тез сафар қилиб турувчи бойлардан эди. Онасининг оти Бибижон (тулиқ исми Насарбиби, баъзи манбаларда Мустафбиби) бўлиб, замонасининг тафаккури теран аёлларидан бўлган.



Абдурауф 18 ёшига қадар олдин Бухородаги эски мактабда, сўнг Мир Араб мадрасасида ўқиди. Сўнг отаси ёнида хизмат қилди, бирга ҳажга боришди, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Москва, Петербургда бўлишди.

Ўтган асрнинг бошларида Бухорода янгича таълим-тарбия тарафдорлари бўлган жадидлар фақат жадид мактаблари барпо қилиш ва янги газета-журналлар очиш билан кифояланиб қолмади. Улар истеъдоди ярқ

этиб кўринган ёшларни мунтазам равишда чет элларга ўқишга юбориш эндиликда катта эҳтиёжга айланаётганини англари эдилар. Шунинг учун ҳам Бухорода Абдулвоҳид Мунзим, Ҳамидхўжа Меҳрий, Аҳмаджон Ҳамдий, Ҳожи Рафеъ, Мукаммил Бурҳонов исмли зиёли бойлар биргаликда «Тарбияти атфол» («Болалар тарбияси») номли яширин жамият таъсис этадилар. Жамият ташкил қилиниши биланоқ биринчилар қаторида ака-ука Усмонхўжа ва Атохўжа Пўлатхўжаевлар, Муқимбек, Мазҳар Бурҳонов ва Абдурауф Фитратдан иборат бир гуруҳ Истанбулга жўнатилади.

Отаси билан дунё кезгач, оқ-қоранинг фарқига етган, жамият ҳаётининг сир-асрорларини теран англайдиган 23—24 ёшли Фитрат Туркиядаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг қизғинлигини кўриб, аслида, бой, олтин захиралари унча-мунча давлатникидан мўл, маданий анъаналари кўзни қамаштирадиган даражада илғор она шаҳри Бухоронинг нима учун дунёдаги бошқа мамлакатлардан орқада қолиб кетганлиги тўғрисида қаттиқ азоб билан, тинимсиз ўйлар эди. Истанбулда у жойлашган Султонтёпадаги Ўзбеклар таъясидан унча узоқ бўлмаган маҳаллаларда турли номдаги газета-журналлар нашр этилар, уларда шарқ мамлакатларининг аҳволи тўғрисида энг муҳим мақолалар ва хабарлар эълон қилинади. Бу нашрлардан Заки Валидий Тўғон, Исмоилбек Гаспирали, Мирза Фатали Охундов каби олимларнинг тадқиқий мақолалари, эсдаликларини, турли жанрдаги ижод намуналарини ўқиганидан сўнг Бухоро ҳаётини орқага судровчи манзаралар кўз ўнгида яққол гавдаланди. Ва яқун шу бўлдики, Фитрат ўзининг ажойиб асари «Мунозара»ни яратди. Асарнинг тўла номи «Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусинда қилган мунозараси» бўлиб, дастлаб форсчада 1909 йилда Туркияда, сўнгра ўзбекчада 1911 йилда «Туркистон вилоятининг газети»да босилди. Орадан яна бир йил ўтгач, Фитратнинг иккинчи бениҳоя ўткир асари «Ҳинд сайёҳининг қиссаси» босилиб чиқди. Бу икки асарда Бухородаги барча ижтимоий-сиёсий разолатлар очиб берилган эди.

«Сайха» номли шеърӣй тўплами эса одамларда кўтаринки инқилобий кайфият уйғотар эдики, буларни ўрганиб чиққан чор ҳукумати Фитратни ўртадан олиб ташлаш керак, деган фикрга келган ва бу борада амирлик билан ҳам фикри бир жойдан чиққан эди. 1914 йилнинг ёзида Бухорога қайтган Фитрат дарҳол шаҳарни тарк этиб, Шаҳрисабз ва Каркида янги мактаблар очиш билан шуғуллана бошлади. Кейин яна Бухорога келиб кизгин ижодий ишларга берилди. Февраль инқилобигача яратган «Нажот йўли», «Оила», «Бегижон», «Мавлуди шариф», «Або Муслим», «Ўқу» сингари асарлари Фитратнинг шуҳратига шуҳрат қўшди. Бухорода Совет ҳокимияти ўрнатилганидан кейинги йилларда, бир томондан, мансаб шотиларидан юқорига кўтарила борган бўлса, иккинчи томондан, миллий адабиётимизнинг энг салмоқли ва гўзал асарларини — «Ўғизхон», «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари», «Абулфайзхон», «Шайтоннинг тангрига исёни», «Арслон» каби драма ва фожиаларини, тилшунослик ва адабиётшуносликка оид асарларини, «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» каби тадқиқотларини яратди.

1929 йили 43 ёшли Фитрат Бурҳоновлар оиласида туғилиб ўсган янги нихол Фотима Бурҳоновани севиб қолади ва унга совчи қўяди. Фотима эрлик талабида бўлмиш Фитратга ҳеч қандай эътироз билдирмайди. Фақат акаси билан амакилари ўртасида фикр икки хил бўлади. Амакилари Фитратни куёв қилишга қарши эмасдилар. Чунки улар Фитратнинг гўзал инсон ва буюк ижодкор эканлигини жуда яхши билишарди. Акаси эса Фитратни қарашларида тафовут бўлгани учун қатъиян қабул қилолмаган.

Фотима

ХІХ асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг яна битта пойтахти — кўҳна Самарқандда Бурҳон Олим отлиғ бир бой ўғли яшарди. Унинг дунё банкларидан катта маблағлари бор, Самарқандда эса ҳаёти яхши борар, бойлиги ўзига етиб ортгани боис, миллатнинг



маърифати, юксалиши учун улуг мақсадлар билан фаолият кўрсатиб ишлаб юрган эди, ана шу фароғатли йилларда она шаҳри бошига оғир қулфатлар тушди: генерал Кауфман бошчилигидаги рус босқинчи армияси қозикалон ва бошқа сотқин амирлар ёрдамида Самарқандни забт этди. Бурҳон Олим ортиқ бу ерда қололмаслигига, агар қолса, бутун бойлиги, ҳеч шубҳасиз, тортиб олинишига ақли етиб Бухорога қочди.

Бурҳон Олим Бухородан яхши бир жой сотиб олиб, мўмай даромадли ишга — мадрасада математикадан дарс берувчи мударрислик вазифасига жойлашди ва тез орада маҳаллий бойлардан бирининг гўзал қизига уйланди. Улар тўққиз ўғил ва бир қизлик бўлдилар. Ўғилларининг исми Музаиниддин, Мазҳар, Муаммил, Муаммир ва ҳоказо. Ҳаммалари оталари каби маълумотли ва ўзига тўқ йигитлар — зиёлиларнинг гули бўлиб етилишди. Ўтиқодлари мустаҳкам, даврнинг энг илғор қарашлари билан қуролланган кишилар сафига кирдилар. Мазҳар ва Муаммир «Ёш Бухороликлар» ташкилотининг аъзоси бўлмиш жадидчилардан эди (С. Айний, «Бухоро инқилобининг тарихи»). Тўнғич ўғил Музаиниддин мадрасада дарс берар, отасининг йўлидан бориб, эски бойлар зотидан бўлган Шопошшо исмли қизга уйланди. Улар уч ўғил, икки қизлик бўлдилар. Ўғилларининг отлари Мисбах (1905), Минҳож (1914), Мутал (1916) бўлиб, учинчи ўғил таниқли бастакор бўлиб етишди, қизларининг исмлари Моҳида (1908) ва Фотима (1911) эди. Фотима буюк қалб соҳиби Абдурауф Фитратнинг муҳаббатига сазовор бўлди.

Бурҳон ўғиллари Бухоронинг маданий ҳаётида катта роль ўйнаганларини Садриддин Айнийнинг «Бухоро инқилобининг тарихи» китобидан ўқиймиз. Унда Муаммил «Тарбияти атфол» жамиятига асос солганлар қаторида саналиб, Бухоро ёшларидан 30 вакилни Истанбулга ўқишга жўнатиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қис-

мини ўз зиммасига олгани маълум қилинган. Кейин боши узра амир калхатлари айлана бошлаганда, ўзи ҳам Истанбулга қочиб борганди. Бурхон ўғиллари билан Фитрат орасидаги илиқ муносабатлар ана ўша ўнинчи йилларга бориб тақаларди.

Бухорода совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг ҳам улар биргаликда ишлашларига тўғри келди. Фитрат Халқ маорифи нозирлари, сўнгра хорижий нозирлари, Халқ Нозирлари Шўроси Раисининг ўринбосари каби лавозимларда ишлаган пайтларида Мазҳар маориф нозирлари ўринбосари, Мукамил Адлия нозирлари, Муаммир Халқ милицияси бошлиғи бўлиб ишлагандилар. Шундай бўлгач, улар Фотимани Фитратга беришга қарши бўлармидилар? Фотиманинг акаси Мисбах Бурхонов эса ҳали ёш ва миллий маҳдудлик касалига мубтало бўлганди. Бўлажак композитор Мутал Бурхонов эндигина 13 ёшга кирган ва опасининг ишларига аралашадиган даражада вояга етган эмасди.

Фитрат ила Фотиманинг оилавий ҳаёти жуда яхши бошланди. Фотима севимли маъшуқа имтиёзларидан тўла фойдаланар, эркаликнинг ҳамма даражаларини ишга солишдан завқланарди. Ҳаёт Фотима наздида қизиқарли ўйин, эр учун кўғирчоқ бўлишнинг ўзи унга етарли бир афсонадай эди. 43 ёшли Фитрат эса ёш кизга эгалик ҳуқуқидан эмас, эндигина 17 га кирган кизнинг бутун гўзаллиги, комилликларига мафтун-маҳлиё, бу антика хилқатнинг самовий чиройи, ҳусни-тароватидан масъуд эди. Унга қараб чарчамас, уни ҳар тарафлама ўрганиб тўймас эди. Уни ҳамма вақт шодлантиришни истар эди. Чунончи, кунларнинг бирида у кафасда бир тўти келтиради, унга «Фотима, Фотима» деб сайрашни ўргатади. Фитрат ўзи эрта тонгда уйғонса ҳам, уни уйғотмас, ёрининг уйғонишини кўргиси келса, бошига тўтини келтирар, у «Фотима, Фотима» деб сайраса ҳам уйғонмаса, кўшнлари домла Ҳалим Ибодовни танбури билан келтирар ва Фотиманинг кулоғини янгратаиб, чолғу чалдираб ё кўшиқ куйлатарди. Ана шундан кейингина ҳурлиқо гўзал хоним жилмайганича керишиб ноз уйқудан уйғонарди. Бундай севги манзарасини ҳеч қаерда кўрганмисиз, ўқиганми-

сиз ё эшитганмисиз? Бунақаси фақат эртақларда учраши мумкин, ҳаётда эса Фитратдай буюк бир инсоннинг бу каби телбаларча севишини ким ўйлабди дейсиз?! Фотимага энг замонавий либослар кийдириб, мавсумий соч турмаклари қилдириб, люкс вагонларда Москвага ва бошқа шаҳарларга олиб борди, люкс меҳмонсаройларга қўндилар. Ва яна Самарқандга қайтдилар. Аммо кутилмаганда уларнинг ҳаётига учинчи одам сукилиб кирди ва гулдек оилани барбод қилди.

Ҳинин одам

Одам боласи фалокат қачон, қаерда, қай тарзда келишини билмай қоларкан. Фитратнинг оиласига тушган «бало» тасодифмиди ё уюштирилганмиди — бунни айтиш қийин. Уларнинг уйида кунда-шундалардан бири, ислом динини қабул қилган яҳудийлардан Отажон Пайрав Сулаймоний эди. «Бундайларни бухороликлар «қитрон» дейишарди», — дейди Дилбар Рашидова (Фотиманинг Фитратдан кейинги эридан қўрган кизи). «Бу нима дегани?» — деб сўрадим мен, «Асли чала» дегани, — дея жилмайди Дилбарой ва қўшимча қилди: — Онамнинг айтишича, Отажон Пайрав форс ва баъзан турк тилларида шеър ҳам битар, Фитрат домла Бухорода яшаган йиллари ўз ашъорларини унга кўрсатиб, таҳрир қилдириб олар, ўртада озми-кўпми устоз-шогирдлик муносабатлари вужудга келган, Самарқанд пойтахт бўлган кезлари унга эргашиб бу ерга ҳам келган экан». Дилбар билан суҳбатларимдан англадимки, ана шу киши беихтиёрми, атайлабми, Фитратлар оиласининг бузилишига сабабчи бўлган. У Фотимани «менинг қиёматли синглим» деб атар, орада шеърларини Фитратдан таҳрир қилдиртириб олар, оиланинг рўзгор ишларига ҳам унча-мунча ёрдамлашиб юарди.

Бир дафъа Фитрат Фотимани яна бир шодлантириш учун уйидаги эски мебелни сотиб, янгисини олмақчи бўлади. Елпатак Отажон Пайрав дарҳол кўчадан

Абдусалом Рашидов деган бир харидорни етаклаб келади. Фитрат табиатан бениҳоя меҳмондӯст киши бўлгани боис уларни илиқ кутиб олади ва дастурхон тузаб меҳмон қилади. Табиийки, Фотима уй соҳиббаси сифатида хизматда бўлади.

Абдусалом Рашидов ташки кўриниши жихатдан кўрам, келишган ва гапга чечан, айниқса, илмоқли сўзларни маромига етказиб қўядиган одам эди. У Фотима билан Фитрат ўртасидаги 26 ёшлик фарқдан фойдаланишга аҳд қилади, гўзал жувонни йўлдан уришга киришади. Рашидовнинг Фитратга билдирмай, 18–19 ёшли аёлга тикилиб-тикилиб қарашлари ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Содда кўнгилли Фитрат мебели сотилганидан хурсанд, Абдусаломга «Келиб турунг, эшигимиз сиз учун ҳамиша очик», — дея уни кузатиб қўяркан, у: «Албатта, келаман», — дея жавоб беради ва сўзининг устидан чиқади: тез-тез келиб туради. Фитрат нозик кўнгилли, сезгир, табиатан оғир эр эди. Фотима билан Абдусалом ўртасида сирли қўз уриштиришларни, пайдо бўлаётган илиқ муносабатларни пайқайди. Аммо аҳволни дағаллик билан ҳал қилиш ва ўзидан Фотиманинг кўнгиллини совутиш йўлидан бормайди. Уни Москва, Ленинград сафарларига олиб кетади. Сайру саёҳатлар билан Абдусаломни унуттириш ниятида эди. Фотима у қадар шодланмаганини сезган Фитрат поездда Самарқандга қайтишаркан, у билан очик гаплашади.

— Фотима, сен мени, ҳеч нарсани сезмаяпти, деб ўйлама, Абдусалом билан ўрталарингдаги муносабатлардан безовтаман, ниятинг нима, очик айтишинг мумкинми? — дейди.

— Мен Абдусаломни севиб қолдим, сиз билан ажрашиб, унга тегмоқчиман, — жавоб беради Фотима.

Ортиқ сан-манга бормайдилар, Самарқандга қайтганларидан кейин Фотима Фитратдан чиқиб, Абдусалом Рашидовга тегаети. Бу — 1933 йил эди. 1935 йилда қизлари Дилбар туғилади. 1936 йилда Рашидов кутилмаганда бедарак йўқ бўлиб кетаети.

Фитрат айрилиқдан у қадар қийналмайман, деб ўйлаганди. Дастлабки ҳафталарда ўзини ҳеч нарса бўлмаган-

дай тутса ҳам, кун ўтгани сайин каттиқ изтиробдан қутулмай қолади. Бир қадар ўзини йўқотади ҳам. Фотима юрак-бағрини эгаллаб бўлган экан. Унга бағишлаб бири ўзбекча, бири форс-тожикча икки шеър ёзади. Ўзбекча шеърини сўзбошида бердик. Форс-тожикча шеъри «Ёри нозанин» деб аталарди. Иккала шеърни ҳам Отажон Пайрав ўз дафтарига ёзиб олганди.

Отажон Пайрав, Фитрат камалиб кетганидан сўнг талай вақтгача уларни «ўз шеърим» деб юрарди. Фақат 80-йилларнинг охирларида Фитрат тўла оқланиб, унинг ижод намуналари бирма-бир эълон қилина бошланганида, дафтаридаги икки шеър Фитратники эканлигини тан олиб, эълон қилиш учун илмий ходимларга берди. Фитратнинг тожикча шеърини шоирамиз Ойдин Хожиева ўзбекчага ўғирди ва у «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида чоп этилди. Мана ўша шеър:

НОЗАНИН ЁР

Кетди ёнимдан
Ёри нозанин.
Тушди қаҳридан
Манглайга ажин.
Қўлимда лолам,
Коронғу кечам
Бечароғ қолди.
На боғ қолди,
На роғ қолди,
На лола, на чароғ қолди.
Дилимда фақат
Дарду доғ қолди.
Ғамим тунда
Моҳтоб йўқдир,
Оху ноламга
Ҳеч ҳисоб йўқдир.
Қўқсимни юлиб,
Дод соларман.
Бирор тарафдан
Бир жавоб йўқдир.

Сирдош қолмади,
Курдош қолмади,
Додимга етар
Хеч кас қолмади,
Шўрим қуриди.

Булар энди кейинги йилларнинг икромлари...

Фотима билан ажрашган 47 ёшли Фитратнинг ҳолини ҳеч ким ўзидай тушунмаса ҳам, онаси Бибижон хола беш қўлдай билиб турарди. Тез бирон чора топмаса ўгли хароб бўлажагини англаб, бутун яқинлари, кариндош-уруғларини ишга солиб, ўғлига киз қидира бошлайди. Ниҳоят, бир кизи билан эридан ажраб уйда ўтирган 19 яшар гўзал жувонни топади. Фитратнинг қаршилигига қарамасдан, она шўрлик ўғлидан айланиб-ўргилиб уни шу жувонга уйланишга кўндирди.

«Онам Хикматжон Фитратова (асл фамилияси Кандова) 1932 йилда отамга турмушга чиққанида 19 ёшда экан» деб ёзади Севара Кароматиллаҳжаева, Фитратнинг ўғай кизи. Аммо Севара у пайтларда ёш бўлгани учун йилни кўрсатишда адашган. Фитрат унинг онасига 1933 йилда уйланган эди. Фотимани унутиш учун ўзи билан ўзи олишгаётган Фитрат Хикматжонни астойдил севишга ҳаракат қилди, ҳурматини жойига қўйди. Кизи Севарани эса ҳақиқий оталардан ҳам зиёдрок эркаларди.

Фотиманинг акаси Мисбах Бурҳонов қамоққа олинганда, унинг оила аъзолари ҳам тутиб кетилганини эшитган Фитрат ўзи ҳам, албатта, қамалажагини ички туйғу билан сезди ва Хикматойнинг, қизининг тақдири ҳақида қаттиқ кайгура бошлади. Эр-хотин маслаҳатлашиб, 1936 йил 29 сентябрда расмий тарзда ажрашиб қўйдилар.

1937 йил 24 апрель куни Фитрат қамоққа олинганида улар эр-хотин ҳисобланмасдилар. Шунга қарамай 22 сентябрда Хикматжон ҳам қамоққа олинди. НКВД ходимлари Хикматжон собиқ эри Фитратга душманлик қилади ва уни аксилинқилобий фаолиятда айблаш учун далил беради, деб умид қилгандилар (Н. Каримов. «Фитратнинг рафиқаси»). Улар ҳатто собиқ эр-хотинни бир-бири билан

гўё «тасодифан» учраштирдилар. Кун совук, иссик кийими бўлмаган Фитрат уйдан олган адёлни ўртасидан тешиб, кийиб олган экан. «Бу охирги кўришишимиз, лекин мен сиз билан учрашганимдан хурсандман», — деган экан Фитрат. Лекин, харқалай, Фитрат билан Хикматойнинг ажрашганлиги қисман фойда берган: Тошкентдан чиқмаслик шарти билан Хикматжон камокдан озод қилинган. «Қисман»лиги шуки, барибир, уйлари тортиб олиниб, ўзи қариндошларининг уйига, қизи болалар уйига жўнатилган¹.

Фитрат 1938 йил 4 октябрда отиб ташланди. Фотима-чи?

Шу қаторда унинг акаси Мисбах, Муаммир, амакилари, Мукамил, Мазхар Бурҳоновлар ҳам 1937 йилда отиб ташланади.

Опаси Моҳида эса ўз жонига қасд қилади.

Укаси Мутал Бурҳонов Москвада ўқиб бастакор бўлганидан сўнг, Ўзбекистон мадҳиясининг мусиқий муаллифига айланади.

Фотиманинг эри Абдусалом Рашидов 1942 йилда урушда ҳалок бўлди, деган хабар келгач, Фотима Самарқандда эри учун рамзий қабр қурдиради. Ўзи эса 1969 йилда вафот этади. Аммо...

«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасининг илмий ходими Сирожиiddин Аҳмедовнинг маълум қилишича, 1972 йилда бастакор Мутал Бурҳоновнинг уйига бир нотаниш киши телефон қилади ва «Сиз Абдусалом Рашидовни танийсизми?» деб сўрайди. «Танир эдим, у жангда 1942 йилда ҳалок бўлган, Самарқандда рамзий қабри бор», — деб жавоб беради у. «Рашидов тирик, уни кўрсангиз танийсизми?» деб сўрайди яна ўша овоз. «Ҳа», — дейди Мутал Бурҳонов юраги орқасига тортиб. «Ундай бўлса, кутинг, Рашидов эртага олдингизда бўлади».

Эртасига чиндан ҳам Абдусалом Рашидов бир бегона киши билан Мутал Бурҳоновнинг уйига келди. Бастакор ҳушидан кетаёзди. Улар кўп гаплашмадилар. Лекин Рашидовнинг бир гапи юрак-бағрини тешиб ўтгандай бўл-

¹ Севара Кароматиллаҳўжаева. «Тафаккур» журнали, 1996 йил.

ди. «Шуни яхши билиб қўйинг, акангиз, амакиларингиз ва Фитратнинг отилишига мен сабабчи эмасман», — деди у, гарчи Мутал Бурхонов бу ҳақда ҳеч қандай гап очмаган бўлса ҳам.

— «Баҳорнинг 17 лаҳзаси» фильмидаги Штирлицни биласиз-а, менинг отам ана ўша Штирлицга ўхшаган разведкачи бўлган экан, — дея ҳикоя қилади Дилбар Рашидова. — Узоқ йиллар Афғонистонда хизмат қилибди. Ўша ерда бир етим қизни боқиб олиб, 14 га кирганида унга уйланибди, ўнта болали бўлганида бу ерга ўша хотини ва олти боласи билан келибди. Мени қидириб топди. Хотинини ёқтирмагандим, менга «Ундай қилма, у жуда яхши хотин», — деди. Ойимга (Фотимага) ачиниб кетдим: шўрлик уни кута-кута яшади, бу киши эса у ёқда ёш хотинга уйланиб, маза қилиб яшаётган экан...

— Ойингиз Фитратга вафосизлик қилгани учун вафосизлик топибди-да...

— Ким билади, тақдир ишларига бир нарсa деб бўлмайди, — деди Дилбар.

Рашидов — «Штирлиц» 1975 йилда вафот этди.

Фитрат ва Фотиманинг севги қиссаси ана шундай аянчли яқун топган эди.

ЧЎЛПОН билан МОҲИРЎЯ

Чўлпон



Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон амалда янги ўзбек шеъриятини яратган, унга ҳаётдаги жонли сўзлашув тарзини олиб кирган буюк лирик шоир ва реалист ёзувчи, драматург, танқидчи ва таржимондирки, ўз санъати ва тараккийпарвар жаҳидчилик ҳаракатлари билан фақат Ўзбекистонда эмас, бутун Туркистонда ўчмас из қолдирган; халқ ҳаёти билан қайнаб-тошиб яшаган, миллат озодлиги ва мустақиллиги учун толмас қурашчи, бу йўлда жонини тиккан улуғ инсон ҳамдир.

Чўлпон ижодини қайта тиклашнинг дастлабки йиллари — 80-йилларнинг иккинчи ярми, 90-йилларда унинг туғилган йили расман 1897 йил деб қабул қилинди, бунга шоирнинг паспорти, қамалганида тўлдирган шахсий варақаси асос қилиб олингани ва қомуслар, дарсликларнинг ҳаммасида шундай деб эълон қилиниб келинмоқда. Аммо профессор Наим Каримов ўзининг «Чўлпон» отлиғ маърифий романида унинг туғилган йили — 1898 йил эканлигини ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмай исботлаб беради: шоирнинг синглиси Фоика опа Абдулҳамиднинг ит йилида туғилганини, 1902 йилда юз берган Андижон zilзиласи вақтида 4 ёшда бўлганини (шипдан ногоҳ отилиб тушган токи унинг

бошига тегиб ғурра қилганини), Мўминжон Муҳаммаджонов «Турмуш уринишлари» номли хотира-романида 1916 йилнинг кузида Чўлпон билан учрашганини тасвирлаб «...у ўн етти-ўн саккиз ёшлар чамасидаги... йигитча экан» деб ёзганини ва булардан бошқа яна бир неча далилни келтирадики, буларнинг ҳаммаси Чўлпоннинг 1898 йилда туғилганини исботлайди. Филология фанлари доктори Хамидулла Болтабоев эса Чўлпоннинг шажарасини эълон қилди: «Чўлпоннинг отаси Мулла Сулаймонқул баззоз, унинг отаси Муҳаммад Юнус, унинг отаси Абдурасул бўзчи, унинг отаси Дўстмат сўфи, унинг отаси Ражаб сўфи, унинг отаси Эрка сўфи бўлган экан».

«Баззоз» дегани арабча сўз бўлиб, «газламафуруш», яъни «газлаб мол сотувчи», озарбайжончаси «аршин мол олон», яъни «молни аршинлаб (қаричлаб) олиб-сотувчи» деганидай, «читсотар», «атлассотар», «бўзсотар» сингари бир касб эгаси эди. Андижоннинг Миркомилбой, Аҳмадбек ҳожи, Кипчоқбой каби бойларидан эди. Миркомилбойнинг миллион-миллионлардан ошган пуллари Андижон, Тошкент, Москва, Петербург, Лондон банкларида сақланганлиги ҳақида тарихий маълумотлар етарли. Сулаймон баззоз ана ўша Миркомилбой билан алоқада бўлган ва бундан ташқари Кипчоқбой билан оилавий туташ томони ҳам бор эди: Кипчоқбойнинг хотини Ҳамро биби Сулаймоннинг аммаси эди. Уларнинг Собира, Ойша ва Сожида исмли уч нафар қизлари ва Турдивой деган бир ўғли ҳам бор эди. Сулаймон уларнинг кизи Ойшага уйланганди.

Сулаймон билан Ойша никоҳларининг дастлабки йилларида бир қиз, сўнгра бир ўғил кўргандилар, аммо улар бевақт нобуд бўлишганди. Галдаги бола — Абдулҳамид (Чўлпон) туғилганида, бувиси (Сулаймоннинг онаси) ирим қилиб, чақалоқнинг киндигини ўзи кесмай, тасодифан эшикларига келган бир тиланчи лўли аёл қўлига теша тутиб, киндикни кестирган экан. Шу боисдан Абдулҳамиднинг иккинчи оти Тешавой бўлган дейишади. Тешавойдан кейин оилада яна Комила (1902—?), Фозила

(1905–1994), Фоика (1908–1995) исмли кизлар туғилган. Киндик кесган лўли хотин эса кейинчалик Абдулҳамид катта бўлганида ҳам эшикларига келиб: «Тешавой катта бўп қолдими?» — дея совға-салом олиб кетаркан.

Чўлпоннинг онаси Ойша ая хат-саводсиз эди, аммо маълумотсиз бўлишига қарамай, бой отаси замонида қўп-ни қўрган, яхши-ёмонни ажратадиган, ақли ўткир, халқ ўланлари, айтишувлар, аллаларини ёд биладиган, ўрни келганда узукка кўздай қилиб ишлатадиган, халқ айтим-лари ва мақоллари тилининг учиди тайёр, лекин ўзи ниҳоятда камтар бир аёл эди.

Чўлпоннинг отаси Сулаймон фақат баззоз эмас, билими ойдин киши ҳам эди. Ёшлигида Мухаййир деган домладан шеърят илмини ўрганиб, Расво тахаллуси билан ғазал ва мухаммаслар ёзиб юрган, кичик бир девон ҳам тузган эди. Девондаги лирик туйғу ва фалсафий фикрлар йўғрилган ғазаллари ва ҳажвий шеърлари баззознинг шоиртабиат бўлганини яққол кўрсатади. Демак, Чўлпоннинг шеърый истеъдоди қайсидир даражада отасидан ўтган. Фоиканинг ўғли Ўктам Мирзахўжаев онаси билан бир суҳбатини хотирлаб мана бундай деб ёзган эди:

«Онамдан акаси Чўлпон тўғрисидаги ҳикояларини эшитиб, ўйга толаман: у кишининг чин инсон бўлиб камол топишида туғилиб ўсган оилавий муҳитнинг, қолаверса, отаси Сулаймон Расвонинг хизматлари катта бўлган бўлса керак, деб сўрайман. Бунга жавобан онам: «Ҳа, албатта, чунки отам ўз даврининг ўқимишли, билимдон одами ҳисобланган», — дегани ёдимда».

Яна Фоика ая суҳбатларининг бирида: *«Акамнинг жуда эрта хат-саводли бўлганини айтишарди»*, — деган эди. Бу жумладаги «жуда эрта» деган сўзларни Чўлпоннинг 7–8 ёшлари деб фараз қилсак, у 1905–1906 йилларда хат-саводли бўлгани келиб чиқади. Бу йилларда унга араб алифбосини бувиси Тожи биби ўргатган. Мактаб дастурлари доирасида бўлмаса ҳам 28 араб ҳарфини ва ҳижжалаб ўқишни ўргатганлигига шубҳа қилмаса бўлади. Кейин Сулаймон баззоз Андижонга келиб яшаётган турклар — Мақсуд ва Муниф афандилардан Абдулҳамидга Китоб таҳсили бе-

ришларини илтимос қилган. Муниф афанди унга саккиз ой давомида Куръон мутолаасини ўргатган. Шундан сўнг Максуд афанди Сулаймон баззоз иштирокида Абдулҳамидни имтиҳон қилиб, илмидан, қироатидан қаноат ҳосил қилгач, зехнини янада ўстириш учун дарсларини қучайтиришга қарор қилганлар. Сулаймон баззоз ўғлига рус, турк, форс, араб тилларини ҳамда мусиқа илмини ўргатувчи махсус ўқитувчилар ёллади. 1910—1912 йилларда Хофиз афанди унга турк тилини ўргатди. 1912—15 йилларда Андижонда ҳамда Ўшда рус-тузем мактабида ва Андижон мадрасасида ҳам ўқиди. Сулаймон баззознинг дўсти, банк маслаҳатчиси Поляновский (ёки Поляковский) деган киши рус тили ва адабиётидан хусусий дарс берди.

Сулаймон баззознинг суҳбатлари маънили ва ўткир бўлганлиги боис, қўпинча, унинг дўқонида ҳам, уйида ҳам илм ва санъат аҳли — тавҳидчи муҳаддису мударрислар, зиёлилар тез-тез йиғилишар, Куръондан, ҳадислардан, классик адабиёт ва ҳозирги сиёсий аҳволдан баҳслашардилар. Булар ёш Абдулҳамиднинг қўлоғида қоларди.

Томирида шоир қони бўлган, қайнаб турган ижтимоий ҳаёт ва адабий муҳитнинг қок ўртасида яшаган, бой отаси томонидан ҳамма дунёвий ва диний илмлар ҳамда мударрислар билан таъминланган, бутун Турон ва Яқин Шарқнинг тараққийпарвар газета-журналлари уйида муҳайё қилинган, тийрақ, билимдон, гапга чечан аёллар таъсирида улғайган Абдулҳамиднинг 15—16 ёшидаёқ катта ижтимоий-сиёсий мавзуларда чинакам шеърят намуналарини ярата бошлаши, публицистика майдонига отилиши табиий бир ҳол эди.

1913 йилнинг 27 ноябрида Абдулҳамид Сулаймонийнинг «Таржумон» газетасига ёзган хати ва Исмоил Гаспиралининг жавоби босилиб чиқди.

1913 йил охирларида Абдулҳамид Уфада чиқадиған «Вақт» газетасига «Андижонда бир банк» деган каттагина хабар йўллаганди, у босилиб чиқиши билан «Таржумон» қайта чоп этди. Сўнг Бехбудий 1914 йил 18 январда «Ойина» журналининг 14-сонида кўчириб босди. Бу эса «йигитча»нинг бутун туркий халқлар учун, қолаверса, му-

сулмон олами учун жуда муҳим масалада хабар ёзганини кўрсатади. Ҳам бу мутлақо тасодифий ҳодиса эмасди. Банклар ва жамғармалар тизими миллатларнинг тикланиши учун керакли бўлган иқтисодий замин эканлигини халққа англатиш зарур эди. У йиғилган маблағларни халқни ўстириш йўлида тезроқ сарфлаш кераклигини яхши англади. Шу боисдан «Ойина»нинг 17-сонида «Андижондан мактуб» номли янги бир хабарини бостириди. Унда бундан бир йил олдин «қирқ ўринли намунали хастахона, 30 нафар ўқувчиға мадраса, ҳаммом ва бошқа иншоотлар қуришга сўз берган Андижонлик бойлардан Миркомилбой ваъдасини бажармаётгани, бажарганда эса (мактаб қурилганда), унга тараккийпарвар ёшларни сўқиб юрадиган бир кишини муаллимликка қўйилгани» ҳақида куйиниб ёзган эди.

Абдулҳамид 1914 йил апрелидан нашр қилина бошланган, ҳафтада икки марта чиқадиған «Садои Туркистон» газетасининг 18 апрель сонида «Туркистонли қардошларимизга» сарлавҳали шеърини, Оренбургда ойига икки марта чиқадиған «Шўро» журналининг май ойидаги 10-сонида Қаландар таҳаллуси билан «Умид» шеърини эълон қилди. Биринчи шеърида халқимизнинг қолоқлигини шундай ифодалайди:

Илм-маърифат ҳам ҳунардин қолди маҳрум бизни халқ,
Маърифатсизлик балосига йўлиқғон бизни халқ.

Бир киши миллатпараст ўлса, деюрлар «даҳрий» деб,
Бир киши миллатни сўкса, иззат айлар — халқ.

Мактаба йўқ бир тийин, тўйга минг сўмлаб берур,
Чорасиз мушкул касалга мубталодир бизни халқ.

«Садои Туркистон»нинг 29 апрель сонида унинг «Қурбони жаҳолат», яна шу газетанинг 24—47-сонларида «Дўхтур Муҳаммадёр» ҳикоялари, 25-сонида «Ватанимиз Туркистонда темир йўллар» мақоласи босилиб чиқди. «Қурбони жаҳолат»да ҳикоя қаҳрамони Эшмурод тенгқури Мўминжоннинг ўғрилиги, жоҳил отасининг ҳовлиқма-

лиги, эшитган гапининг тўғри-ноғуғрилигини суриштириб ўтирмай, ўғлини ноҳақ калтаклаши, отасининг дўсти Носир сўфининг бесоқолбозлиги, мингбошининг адолатсизлиги — қисқаси, одамларнинг қилмишларини кўтаролмайди, ўзини ёлғиз ҳис этиб, жонига қасд қилади. «Дўхтур Муҳаммадёр»да эса ҳикоя қаҳрамони Муҳаммадёрнинг умидсизликка тушмай, ёруғлик йўлини қидириши, ўзини илм-маърифат йўлига уриши, олдин Бокуда, сўнг Петербургда, кейин Швейцарияда ўқиб, шифокорлик касбини эгаллаши тасвирланган. Муҳаммадёр халқни маърифатли қилишга киришади. «Ватанимиз Туркистонда темир йўллар» мақоласида халқимизга бу воқеанинг катта аҳамиятини кўрсатиш билан кифояланмай, темир йўл ёқасидаги ерлар яқин келажакда обод бўлажаги, шунинг учун бу ерларни сотмасликка чақиради. Чунки бу жойларда яшаётган содда ўзбеклар келгинди харидорларга ўз ерларини арзон-гаров сотиб юбораётган эдилар.

«Садои Туркистон»нинг 1914 йил сонларини варақлар экансиз, ёш мухбир ва ёш ижодкор сифатида кўринган Чўлпоннинг йил сайин ҳам, ой сайин ҳам эмас, балки кун сайин фаоллашгани ва ижодий ўсиш йўлидан шиддат билан борганини кўрасиз», деб ёзади Наим Каримов «Чўлпон» романида.

Биргина шу газетанинг 1914 йил сонида босилган «Адабиёт надур?» мақоласининг ўзиёқ эндигона 17 га қадам қўйган йигитнинг адабий-эстетик масалаларда нақадар соғлом ва илғор фикрлаши ҳар қандай ижодкорда завқ уйғотади. У ватан ва халқ мавзуси энг муҳим масала эканини олға сургани ҳолда, ана шу ғояни тўппа-тўғри баён этса, таъсир қилмаслигини, «адабиёт ила айтганда» киши онгига етиб боришини айтади. Ижодкор табиат манзараларини акс эттирадимиз ё муҳим ҳаётий масалаларни олға сурадимиз, у, аввало, тасвир этилаётган ҳодисанинг китобхон қалбини тўлқинлантиришига эришиши лозимлигини таъкидлайди. У ўз ижодида бу қарашларига мос келадиган ўрнакларни яратди. Юқорида номи тилга олинган «Умид» шеъри табиат манзаралари билан бошланиб, қуйидагича ҳазин, оғриқли саволлар билан якунланади:

Айт-чи менга, қайда сенинг ўтганларинг,
Шарқдан Фарбга шовлаб оққан улуғ шаънини?
Куни-туни илм учун жонин берган
Қайга кетди, қайга учди эранларинг?

Абдулҳамиднинг бу шеъри Каландар таҳаллусида босилган эди. 1915 йил 9-сонда эълон қилинган «Ўш» очерки «Чўлпон» таҳаллуси билан чиқди. Гап шундаки, 1914 йили Абдулҳамид вақтинча Тошкентга кўчиб келган эди, бу ерлик зиёлилар, «Садои Туркистон» газетаси раҳбарларидан бири Мунаввар Қори таклифи билан унга Чўлпон таҳаллусини муносиб кўрадилар ва Абдулҳамид энди ўз асарлари-га фақат А. С. ёки Абдулҳамид Сулаймон ўғли эмас, Чўлпон таҳаллусини ҳам қўя бошлади (айрим тадқиқотчилар бу таҳаллусни унга Фитрат берган, деб ёзадилар. Холбуки, у Фитрат билан 1917 йилда танишган эди).

1917 йил февраль инқилоби натижасида Туркистон халқларининг нафратини кўзгаган окпошшо тахтдан ағдарилиб, Керенский бошлиқ янги Муваққат Ҳукумат ташкил топди ва бу ҳукумат барча миллатларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берди. Натижада, 1917 йил ёзида Тошкент шаҳар думасига сайловлар бўлди. Сайланган 112 аъзодан 76 нафари маҳаллий халқ вакиллари бўлди. Сентябрь ойига келиб уч сиёсий куч ҳумронликка даъво қила бошлади: Муваққат ҳукуматнинг ўлкадаги маъмурияти, қуроли кучга эга бўлган ишчи ва солдатлар шўроси — большевиклар ҳамда маҳаллий идораларда кўпчилик ўринга эга бўлган умуммусулмон халқ харакати. Ноябрь ойида ўз қуроли кучларини яратиб улгурган большевиклар Тошкент шаҳрида зўравонлик билан ҳокимиятни эгаллаб олдилар. Улар ҳеч қандай адлиявий ҳуқуққа эга бўлмаган ҳолда 22 ноябрда Туркистонни идора қилувчи ягона ҳокимиятни таъсис этдилар. Бунга жавобан Туркистон халқининг вакиллари Қўқон шаҳрида 1917 йил 26 ноябрь куни Туркистон Миллий Мухториятини эълон қилдилар. Унинг расмий мадҳиясини яратиш бахти Чўлпонга насиб этди. Мана ўша мадҳия:

Кўз очинг, боқинг ҳар ён!
Кардошлар, қандай замон!
Шодликка тўлди жаҳон!
Фидо бу кунларга жон!
Туркистонли — шонимиз, туронли — унвонимиз,
Ватан — бизнинг жонимиз, фидо ўлсун конимиз.
...Хуррият — байроғимиз,
Адолат — ўртоғимиз,
Хурсанд бўлган чоғимиз,
Мевалансин боғимиз!..

Большевиклар ўзларини миллий давлат тарафдоридай қилиб кўрсатдилар. «...Сизларнинг урф-одатларингиз, миллий ва маданий муассасаларингиз дахлсиз деб эълон қилинади» деб ёздилар. Аммо 1918 йилнинг 19 февралга ўтар кечаси оғир артиллерия билан қуролланган кўшинлар Қўқон шўросига ҳужум бошладилар. Қўқон уч кун дахшатли ёнғин қуршовида қолди. Мухториятнинг оз сонли лашкарлари қаҳрамонона жангларда ҳалок бўлдилар... Рус ҳарбий қисмлари миллатчи дашноқларни қуроллантириб, қуролсиз тинч аҳоли устига туширди. Ўн минг қўқонликнинг ёстиғи қуриди. Кейин бошқа шаҳарларнинг тинч аҳолиси ҳам қонга ботирилди.

Обида ва Моҳирўя

Энг қирғинли ҳаёт-мамот жанглари кетаётган таҳликаларга тўла дамларда ҳам муҳаббат бирдан сел каби бостириб келишини тўхтатиб ўтирмайди. Хоҳлаган пайтида, хоҳлаган манзилига келаверади. У илоҳий ҳодисадир. Умидбахш 1917 йил, аммо фожиа билан якун топган галдаги 1918 йил Чўлпоннинг 20 га тўлаётган ҳар тарафлама — ҳам руҳий, ҳам ижтимоий, ҳам жисмоний етилган муҳаббат палласи эди. Юқорида мисоллари келтирилган катта ижтимоий-сиёсий фаолияти аро бирдан «Шўро» журналида унинг насрий шеър тарзидаги мактуби босилди:

«Севгилим. Ақрин-ақрин тонг отадир; қичқиралар тинмайча ҳар тарафда отаглар (хўрозлар). «Ётма, тур, уй-ғон!» — деб кимдир айта қулоғимга, ё билиб, ё билмайча.

— Суюкли жонинг сенинг ёлғиз нечук қолғон, — деюб.

Эй, шулай ақрингина тонг ота, кўк юзиндаги у оқ юлдузлар бирин-бирин йўғолалар. Отаглар, худойнинг сўфи махлуқлари, аллақаерлардан қичқиралар:

«Эй бандалар, туриб худойингизга ибодат қилингиз, шундай бир вақтда, яқтилик қоронғиликга ғолиб қилган вақтда сиз нича ўйналмайча юқлайсиз? Бу тонг сизга тилаган нарсангизни бера, шоирга — шеър, ошиққа — ишқ ва унинг суйганини, музикантга мунгли куйлар илҳом ита...»

Айтингиз, биродар! Тилаганингизни тобарсиз. Мана шу вақтда менга жинми, парими, ниндайдир бир нарса, мени танибми, танимай инчами суйлий:

«Тур сен ўрнингдан! Суюклингизга хат ёзарга тилайдир эдинг. Ёз, мана, ёзарга вақт. Сенинг ул суюклинг аллақаерларда сенинг учун аламлар, дардлар билан маънос бўлиб ўзи ёлғиз ўлтира» (Н. Каримов, ўша китоб, 91-б.).

Бу насрий шеърда нима учун ижтимоий мавзу ишқий пардаларга ўраб ва татарчада ифодаланди? Бу саволга Фоика аянинг хотираларидан жавоб топиш мумкин. Унинг айтишича, Флора Кайданининг онаси, отин ойи билан бир хонада Обида исмли, Чоржўйдан Андижонга тақдир тақозоси билан келиб қолган, юриш-туришига эътибор билан қарайдиган, овози нафис, хушбичимгина татар қизи яшаган экан-у, Чўлпон уни севиб қолган экан. Аммо Обида бу севгини назарга илмаган ва рад этган.

Кўнгил, тинмас кўнгил, энди етар, кўз тикма гулларга,

Гўзалдир, ёшдир у гуллар, фақат алданма унларга —

Ки кизғанмас, кўнгил қўймас сенингдек оқ кўнгилларга...

Шоир шундай кайфиятларга берилиб озорланган бўлса-да, кўп ўтмай бошқа бир татар қизи, исми жисмига ярашган Моҳирўяни севиб қолади.

Баъзи бир кишилар Чўлпоннинг нима учун ўзбек қизига эмас, икки марта татар қизига ишқи тушгани

тўғрисида турли андишали хаёлларга бориши ҳам мумкин. Менимча, бунинг сабаблари етарли. Биринчидан, муҳаббат ҳеч қачон миллат айирмайди. У илоҳий ва умуминсоний ҳодиса. Иккинчидан, Чўлпон табиатан турончи эди. Учинчидан, Чўлпон йигит ёшига етган йилларда ўзбек аёллари ҳали паранжи балосидан қутулмаган, уларни кўриш ва танлаш имкони деярли йўқ даражада эди. Аёлларимиз бениҳоя содда, замонавий илмлар ва замонавий адабиёт, чунончи, рус ва жаҳон адабиётини ўқимаган, улар билан бу ҳақда фикрлашиш, гаплашиш имконсиз эди. Ўзбек аёллари фақат оилага, рўзғорга қараш, бола туғиш ва одатларимизга риоя қилишни билардилар. Бу ҳам катта юмуш, аммо бу Чўлпоннинг интеллектини қониктирмас эди. Бу жиҳатдан татар аёллари бирмунча олдинда эдилар, улар орасида рус адабиёти, Оврупо адабиётидан хабардор, зиёлилари кўп эди. Улар билан никоҳдан ўтиш учун ҳеч нарсанинг кераги йўқ, ўртада қалин, маҳр сингари оғир шартлар йўқ, ўзаро муҳаббат бўлса кифоя эди.

Моҳирўя ўқитувчи эди. Ширин муомалали гўзал киз эди. Абдулла Тўқайнинг жуда кўп шеърларини ёддан билар, хотира бисотида эса у ҳақда бирталай ривоятлари бор эди. Диди ажабтовур бўлган Моҳирўя Абдулҳамид кандай истеъдодли, улуғ шахс эканлигини фаҳмлаб, севгисига севги билан жавоб берди. Чўлпон Моҳирўяга уйланди. Ўғлини жон-дилидан севувчи ота билан она, бироз эсанкираган бўлсалар-да, ортикча гап-сўз чиқармай севишганларни ширин сўзлар билан яхши қабул қилганлар. Оилада ёш келинчакка яхши муомалада бўлинди.

Аммо Туркистон Мухторияти синдирилган у фожеий кунларда оиланинг ҳаёти ниҳоятда бесаранжом, Чўлпоннинг жони хавф остида эди. У кўпинча севгилисини уйда ёлғиз қолдириб, шаҳарма-шаҳар гоҳ бекиниб, гоҳ ошқора юришга мажбур эди. Моҳирўя унга изма-из мактублар йўллар ва унинг жавобларини орзиқиб кутарди. Чўлпон ўзи ҳам шу аҳволда бўлса-да, уни юпатувчи, ошикона қисқа-қиска хатларини қанда қилмас, мактубини қандай бўлмасин, ким орқали бўлмасин, унга етказиб турарди:

«Суюклим!

Унутмаган бўлсанг — билурсан, менга қачондир айтган эдинг: «Сен мени унутарсан», — деб. Ул сўзларингни мен ҳеч бир ҳарфини-да унутмадим, ҳам унутмаяжакман. Нега, олой бўлғач, мен сени, ўзингни нечук унута оларман, сени унутув мени битувим эмасми?»

Татар қизлари ўқимишли бўлганликлари учунми, эр ва хотин муносабатларида илғор, покиза ва пазанда эдилар, аммо улар оилалар, қариндошлар, дўст-аҳбоблар аро муносабатларда ўзбекча борди-келдилар, кун оралаган гурунглар, улфатлашиб биров-бировникида ўтиришлар ёки чойхоналарда кеч хуфтонгача қолишларни қабул қилолмасдилар. Буларни аёлларни эзувчи ибтидоий муносабатлар деб билардилар ва бунга қарши исён қилардилар.

1918 йилнинг совук киш кунларида Чўлпон маълум бир муддатга Андижонга, тинч ва осойишта яшаш учун оиласи бағрига қайтганида, уни зиёрат этиш учун устма-уст қаторлашиб дўстлари кела бошлади, ўзи шундоғам ҳижрон азобида бўлари бўлган Моҳирўя учун меҳмон кутиш азоб конидан бошқа нарса эмасди. Бошқача муҳитда тарбия қўрган қиз меҳмонларга кўрслик қила бошлади. Дўстлари Чўлпонга: «Бошқа дурустрок хотин қуриб қоптими? Хотин зотига қирон келгани йўқ-ку», — дея таъна-дашном бера бошладилар. Бу аҳвол — икки халқ одатларининг бир-бирига қарши келиб қолиши — энди оила аъзоларига ҳам малол келаётган эди. Бундан номус қилган Чўлпон хотинини қанчалик севмасин, у билан ажрашишга мажбур бўлди.

Шу ўринда Чўлпоннинг энг машҳур ва классик шеъри «Гўзал» ҳақида бир мулоҳазани билдириш ортикча бўлмас, деб ўйлайман. Шоир бу шеърини 1919 йил февраль ойида Тошкентда ёзгани маълум. Ҳатто нима муносабат билан ва қандай ёзилгани ҳақида Ғайратий хотираларини эшитган шоир Темур Убайдулло ҳамда Ғайратийнинг укаси Анвар Абдулланинг ёзишмалари Наим Каримовнинг романида келтирилган. Мен у маълумотларни мутлақо инкор этмаган ҳолда бир нарсани қўшимча қилгим келади: шоирнинг севикли хотинининг исми Моҳирўя, яъни ойюз эди. Чўлпоннинг ич-ичида Моҳирўя ойюзгина эмас, «ойдан ҳам гў-

зал» деган хаёлий образ савки табиий ҳолида яшаган. Кўчада учраган қиз шу образнинг жонланишига олиб келган.

Хаёт эса давом этарди. Рўзгор бузилишидай аламли кунларнинг бирида Чўлпон Андижоннинг бир кўчасида Обидани учратиб қолади. Беихтиёр узук-юлук гаплашадилар. Унинг айтишича, ўша биринчи учрашув чоғида, гарчи Чўлпонга баланддан келиб рад жавоби берган бўлса-да, аслида, уни ёқтиришини ўзи ҳам билмаган экан, Чўлпон тез орада Моҳирўяга уйланганидагина, у ўзи учун қанчалик азиз бўлиб қолганини пайқабди. Сўнг Чўлпоннинг уйланганига чидолмай, туғилган жойи Чоржўйга кетиб қолган экан. Алам-изтироблари пасайиб, Чўлпонни унутдим, деган хаёлга келганида Андижонга қайтибди. Чўлпоннинг ҳасратларини эшитгач, Обида хатосини тузатиши мумкинлигига имо-ишоралар қилади. Аммо у шоирга эркини топширишга шошилмасди.

Йўлларида шеърлар айтса сўлган барг,
Кулоғимга мусикалар келтирур.
Қачон сенинг мусикали овозинг
Сенинг мени суйганингни билдирур?

Чўлпоннинг ойма-ой босилиб турган ишкий шеърлари, газеталарда кетма-кет чиқаётган мақолалари, «Ёркиной» томошасининг шуҳрати ва шоирнинг ўзи ҳам муҳим мансабларда ишлаётгани таъсир қилган бўлса керакки, ҳарқалай, Обида Чўлпон билан бир ёстикқа бош қўйди.

1920 йилнинг август-сентябрь ойларида Шўроларнинг Фрунзе бошчилигидаги Қизил Армияси Бухоро амирлигини эгаллаб, Файзулла Хўжаевни ҳокимият тепасига чиқариб, октябрь ойида Бухоро Халқ Совет Республикасини ташкил қилганди. 1921 йил май ойида «Бухоро ахбори» газетасига Чўлпон муҳаррир қилиб келтирилди. 1922 йилнинг бошларида Чўлпон оғир хасталикка чалинди. Масъул вазифада ишлаётгани учун уни ҳарбий касалхонага ётқиздилар. Обида уни кўргани келиб турди. Бир сафар госпиталга келганида Чўлпон унинг юзларида бир ўзгариш кўргандай бўлди.

Нечун кизорди юзинг, кип-қизил анор янглиғ?
Дилингда ўйноқи бир шарпа ўтдими шошилиш?
Кўзингда кучли ҳавасларнинг излари қолмиш...
Кизормоғинг, йўқ эса, сирли эсгами боғлиқ?
...Нечун юзингда кизил чўғ каби ёниш, кизориш?
Ярарми менга-да билмак: нечун, нечун бу иш?

Чўлпон госпиталдан чиққач, февраль охирларида
Чоржўйга борган, бунинг боиси, Наим Каримовнинг асос-
ли тахминича, Обиданинг «қизариши» сабабини билиш
эди. Икки кунда Тошкентга қайтиб, «Шу кунда» шеърини
ёзди. Шеърдан англашилишича, Чўлпоннинг умид ва қу-
вонч қўшиғи мотам навоси — марсияга айланган эди:

Истагингга стар экан қанотларинг синдими,
Эй қўнғлимнинг булбули?
Сенга қарши кулиб турган гўзал чечак тиндими,
Ташладими бир йўли?
Ҳаво ёрган қўкрагингни севги ели тилдими,
Кон тўлами ҳар томон?
Кўзларингга айрилиқнинг ипларини илдими?..
Бу килиғи кўп ёмон.

Афтидан, «Бухоро ахбори» муҳаррирининг ижара уйи
Обида учун у орзу қилган сарой эмасди. Чўлпон учун эса
ақлли ва маккора аёл билан бирга яшаш осон бўлмагани-
дай, уни йўқотиш ҳам бениҳоя оғриқли эди:

Йироқлашдим, узоқлашдим бир неча кун сендан,
Хол сўраб кўр мендан,
Нега мунча оғир келди бу йироқлик менга,
Англатайин сенга!
Чунки сенинг қаршингда мен айрилиқни ўйламай,
Кўзларингга тикилдим,
Ўзлимга, борлигимга баҳо қўймай, санламай,
Ерга қадар эгилдим...

Чўлпон Обиданинг ўзисиз яшаётган кунларини та-
саввур қилса, бу дунёда яшамоқликни асло истамас, ҳатто
ўзини ер ютишини хоҳлар эди:

...Ортик сен мендан узокда
Кўзларни ўйнатасанми?
Ортик сен бошқа булокда
Дилларни қайнатасанми?
Ортик сен ундаги боғда,
Ортик мен якками қолдим?
Фарёд йўқ... Барча жахон жим,
Ер ютса яхши шу чоқда!..

Чўлпоннинг мухаббати 1922 йилда завола топган бўл-
са-да, унинг юрагида қолдирган яралари узоқ йилларгача
битмади. У тинимсиз ўзини ўзи тадқиқ қилар ва исломий
тарбия қўрган инсон сифатида севгилиси ҳақида:

Каъбамга осилган бут эмасмиди?
Бутни «тангри» деган мен эмасмидим

деган ўйларга борарди.
«Ишқ» шеърида эса *«Ишқ дея айрилдим диндан, имон-
дан»* дейди.

Бу йилларда ёзган деярли ҳамма шеърларида шоир-
нинг изтиробли сатрларига дуч келамиз:

Бу тунда, севгили ёрим,
Қолдингми мендан узокда?
Билмайсан, оғрикли бағрим
Қон йиғлар тунда, бу ёқда.

«Тун»

Ёлғиз менми кўклам чоғи йиғлаган?
Ёлғиз менми ҳар умидда алданган?
Ёлғиз менми кўкрагимни тиглаган?
Ёлғиз менми севинч билан бўлмаган?
Эй, кўкламнинг кўз тортувчи келини,
Нима учун йиғлатасан бир мени?

«Кўклам қайғуси»

Эзилиб-эзилиб йиғлаган кўнгил,
Азалдан юмшоқлик қўрмаган кўнгил

Азал малагидан бир хид хидлади...
Оппоқ маликанинг тарқатган хиди
Танимни, руҳимни, жонимни олди...

«Ниманинг хиди»

Ксчалар, ксчалар... оҳ, сенсиз ва ойсиз.
Бир ксча менга худди бир йилдир...

«Ишқ йўли»

Беш йил, шунинг учун беш йил англайиш...
Ёниш, куйишларим... оҳ, энди билдим.

«Алданиш»

Сўйларкан дилларим на ёмон сўзлар,
Ёзаркан қаламим на ҳазин оғлар...

«Ишқ»

Кўкимизда ҳануз учмай қараб турган юлдузнинг
Кўр юзини, айрилиқнинг кузи билан сарғайган.
Сен кетасан, юлдуз учар. Ёлғизликда ташланган
Ўксизингга ҳаёт бермас ёғдулари кундузнинг.

«Битди»

Ҳаёт Чўлпоннинг бошига бундан-да оғир кунларни
солди. Аммо у ўзининг қаҳрамонона ижодий фаолиятини
бир он бўлсин тўхтатмади. Янги замон ўзбек адабиётини
юксак чўққиларга кўтарди. Аммо мустабид тузум малай-
лари томонидан улуғ шоиримиз Абдулла Қодирий, Абду-
рауф Фитратлар билан бир кунда — 1938 йил 4 октябрда
отиб ташланди...

ОЙБЕК билан ЗАРИФА

Ойбек билан Зарифанинг муҳаббат қиссаси бутун тафсилотлари билан Зарифа Саидносивованинг «Ойбегим менинг» номли хотиралар китобида, шунингдек, профессор Наим Каримовнинг «Ойбек ва Зарифа» номли «Муҳаббат ва садоқат достони»да қаламга олинган. Яна бунди ёзиш шартмиди, деган савол туғилиши мумкин. Аммо мен яна ёзишга аҳд қилдим. Биринчидан, ўқувчиларнинг ҳамма тоифаси учун бу муҳаббатнинг мухтасар бир баёнига эҳтиёж бордек кўринди менга, иккинчидан, икки буюк инсоннинг умр баёнига айрим талқинлар киритиш ҳам зарарсиз, аксинча, фойдадан холи эмасдек туюлди. Учинчидан, бу каби буюк инсонлар ҳақида ёшлар тарбияси учун ҳар қанча ёзса камдек кўринди. Менинг бу ҳаёлларимни ўқувчилар маъзур тутгайлар.

Мусо Шошмуҳаммад ўғли

Ўтган асрнинг бошлари, аниқроғи, 1905 йил 10 январь куни қирчиллаган қиш чилласида Тошкентнинг Говкуш деган эски бир маҳалласида, юпунгина оилада ўғил туғилди. Отанинг оти Тошмуҳаммад, аканинг оти Исомуҳаммад эди, бунинг отини Мусомуҳаммад атадилар. Ўша пайтларда қўйилган исмларнинг олди ё орқасидан «Муҳаммад» қўшиб аташ расм бўлган. Аммо ҳеч ким бу отларни тўла айтмас, агар исми Муҳам-



мадрасул бўлса — Марасил ё Расул дердилар, Муҳаммадамин бўлса — Дамин, шунингдек, Тошмуҳаммадни Тош ака ёки Тошмат деб, Исомуҳаммадни Иса, Мусомуҳаммадни Муса деб чақирардилар. Бу хонадонга ўймакор гуллари билинмайдиган даражада ўчиб кетган қўш тавакали эшикдан кириларди, икки уй, бир айвонли ҳовлида Мусагача олти киши истиқомат қилар: бир чол билан кампир (буви билан бува), ота билан она, ака билан опа; Муса еттинчи насибахўр эди. Ҳозирги Миллий театр билан эски дорихона орасидаги йўлдан юқорига кўтарилган киши кўчалари тор ва эгри-бугри Говкуш маҳалласига чикарди. Бутун маҳалланинг уйлари бир-бирига туташиб кетган, кўкламда бу томлар ям-яшил ўтларга бурканар, лолакиздоқлар очилиб, кўзларни қувонтирар эди.

Буванинг оти Дадақўзи, саксонга кирган «мункиллаган қария. Қошлари ўсиқ, сийрак соқоли оппок. Буришиқ қўлларида томирлар қаварган, йирик бармоқлари қадокли, ориқлигидан гавдаси чўккан, елкаси чикқан». Ёшлигида етти туяли туякаш бўлган, яъни одамларнинг ҳар хил матоларини туяларига ортиб, ўзи гоҳ туяда, гоҳ отда ҳали Чимкентга, ҳали Сайрамга, қарабсизки, Қарқарага ҳам қатнаган. У ёқлардан чарм матолар (маҳси-калишлар), гўшт-мой, сузма-қимиз ва бошқа нарсалар олиб келарди. Ўзи оми бўлса ҳам, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп тотган, ақлли, ўткир мулоҳазали, хиссиётга бой, ўтмиш ходисаларини яхши эслайдиган киши эди. «Кампир, эсингда борми, бирдан туямиз туғиб қўйган эди... Попукдай бўта эди, эсингдами?» — деб қоларди баъзан. «Ҳа, эсимда, бўталоқ бирам кўхлик, кўзлари катта-катта, мулойим, ёқимли, зийрак эдики, ҳамманинг ҳаваси келарди», дерди кампир қулиб».

«Бувининг бутун гапи фақат тирикчиликдан. Унинг гапида мақоллар, ажойиб иборалар устма-уст қуйилиб келаверарди».

Буви новчадан келган, бақувват, пишиқ, лекин чўпдай ориқ. «Бобомга ўхшаш мункиллаган эмас, тириккина кампир, ҳасса тутмайди. У ҳеч тинмайди: нон ёпади, ўчоққа олов ёқади, ҳовлини қиртишлаб супуради, наматларни

кокади...» Кўзлари катта-катта ана шу кампир, кўпинча, физ-физ чарх айлантириб ўтирарди.

Тошмуҳаммад деб танилмиш ота баланд бўйли, сарикдан келган, сокол-мўйлови қора, уст-боши қўполгина киши. Зехн солиб қаралганида соқоли сийрак, юзига ажин туша бошлаган, кўзларининг йириклиги диққатни тортарди. Тошмуҳаммад тоғлар орасидаги Хумсон қишлоғига бориб дўкон очган, шаҳардан қишлоққа саноат моллари олиб борар, тоғдан шаҳарга ёнғоқ, бодом, асал ва бошқа мева-чева, сабзавот маҳсулотлари олиб келиб, оила тебратарди. Аммо Хумсон аҳолиси ичида ўғирлик авж олгани туфайли, Тош ака у ердаги дўконини сотиб, ота касбига ўтган, яъни қозоқ овулларида кезиб савдо қила бошлаган эди.

Онанинг исми Шаҳодат, ўрта бўйли, ориққина, ранги-боши дурустгина, меҳнаткаш аёл бўлиб, уй юмушларидан жиндак бўш вақти бўлса, дарров жиякми, дўппими тикишга ўтирарди. Шу тарика буви йигирган ипларини, она тиккан жияк ва дўппиларини бозорга олиб чиқиб рўзғорни тебратишга имкониятлари етганича ҳисса қўшардилар.

Опанинг оти Қаромат, баъзи-баъзи пайтларда оиладаги етишмовчиликлардан нохуш ҳолда жилдини қозиқдан олиб, бўйнига осар, китобининг ёнига яримта нонни тикиштирарди-да, мактабга кетарди. Ўзи асли жуда зехнли қиз бўлиб, Навоий, Машраб, Ҳофизларни майин, ёқимли овози билан чиройли оҳанг бериб, жуда равон ўқирди.

Акаси Исо жуда ювош, бўшгина бола бўлиб, опаси билан бирга Оқмачитдаги мактабга катнардди. Қишда курак олиб, томга уюлган қорларни ҳовлига қуларди.

Кўпинча, қозоқ қир ва овулларида кетган отадан олти ойлаб дарак бўлмаганда, бутун оила хавотир олиб ўтирар, бобо эса ёш Мусага эртак ва бола қўшиқларидан айтиб берарди. Унинг ёши еттига тўлар-тўлмас Оқмачит маҳалласидаги мактабга қатнай бошлади. Тез орада алифбени шариллатиб ўқийдиган бўлди. Мактабдан бўш пайтларида бир маҳаллада турадиган Аъзам исмли синфдоши билан Тошкентнинг турли жойлари — гузарлари, бозорларидаги баққоллар, қўмирчилар, темирчилар, маҳси-ковуш

тикувчиларнинг устахоналарини кўп томоша қиларди, уларнинг тирикчилиги ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилган эди. «Уста темирни чўғга солиб болғалайди, чўзади, яссилайди, яна оловга солади. Ёрдамчиси — полвон, гавдаси пишиқ йигит эса тинмай дам беради. Уста кетмон, теша, тақа, арава, мих, ишқилиб, ҳар хил икир-чикирни бошлайди». Хар куни ўнлаб бундай манзаралар кўз ўнгида гавдаланиб қоларди. Бундан ташқари, неча бора отаси билан Янгибозорга, Козиғурт тоғларига, қозок даштлари ва овулларига ҳам борган. Ота юртнинг гўзал табиати, қушлари, ҳайвонларини кўп кузатганди, халқ тили, лапарлари, қозок ўланлари, рақсларини ҳам қаттиқ севган эди. Бир дафъа отлар урушини ҳам кўрган ва отдан йиқилиб, оёғи чиққанида, халқ табобати намояндалари — оддий кишилар ва аёлларнинг табобат бобидаги уддабуронлигига ҳам гувоҳ бўлганди. Бири косиб, бири кўнчи, бири тўқувчи бўлган қариндош-уруғлари, чўпонлар, ногорачи-сурнайчилар ва бошқа турли ҳунарманд, косибларнинг ҳаётини кўрган эди. Хали гилдирак ўйнаб юрадиган пайтларидаёқ чор амалдорларининг дағдағаларини эшитган, улар ҳақида нафратли фикрларга эга бўлган эди. 11 ёшида эса 1916 йилги галаён — йигитларни мардикорликка олинишига қарши Тошкент халқининг қандай кўзғалганини ўз кўзи билан кўрган эди. 12 ёшида икки инқилобни — Февраль ва Октябрь тўнтаришларини эшитган ва буларнинг таъсирларини ҳис қилганди. Хадрадаги мактабда таҳсил ола бошлаган эди. 16—19 ёшларида Навоий номидаги таълим-тарбия техникумида ўқишини давом эттирди. У билан бир синфда ўн икки бола ўқирди: Маҳмуд Ҳақимов, Абдурахим Шамсиев, Олтой Салоҳиддинов, Миркарим Осим, Саидвали Шарафиддинов, Хомил Ёқубов, Мақсуд Кориев, Темучин, Азиз Мақсудов, Ғалча лақабли бола — Маннон ва Муса Тошмуҳамедов. Муса шу йилларда шеър машқ қила бошлаган, шу боис дўстлари уни «шоир» деб таний бошлагандилар. Шу кезларда муаллими Шохид Эсон: унинг шеърлари билан танишиб, «Сендан, худо хоҳласа, яхши шоир чиқади. Эҳтимол, Чўлпондек катта шоир ҳам бўларсан. Кел, сенга яхши ният билан «Ой-

бек» деган тахаллус берай. Бундан кейин ўз шеърларингга «Ойбек» деб имзо чек. Ойбек — улуг ота-боболаримиздан бирининг исми. Мунаввар исм...» — деди. Шундан кейин Муса бутун техникумда Ойбек бўлиб танилди. Кунлардан бир кун бўйлари чўзилиб, энди севги фаслига кира бошлаган 12 йигитча ичига рус тили муаллими Зарифа исмли бир қизни бошлаб кириб: «Бу қиз бундан буён сизлар билан бирга дарс тинглайди, уни ўз сингилларинг ўрнида кўринглар ва ҳурмат қилинглар» деди. У замонларда 12 боланинг ичида бир қизнинг синфда ўтириши кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодиса эди. Бизнинг эски мактабларимизда қизларга отин ойилар, ўғилларга мадрасани тугатган катта ёшли домлалар дарс беришарди. Сал кейинроқ қизлар учун алоҳида мактаблар очилди, Зарифа кирган пайтда ҳали қизлар ўқийдиган гуманитар мактаб йўқ эди.

Зарифа Саидносир қизи

1908 йилда Аҳмад Яссавий мақбара-си билан жаҳонга танилган Туркистон шаҳрида машҳур бойлардан бири — тижоратчи Саидносир Миржалилов хонадонидида қиз туғилди. Исмини Зарифа қўйдилар. Унгача ҳам оилада бир қиз дунёга келганди, исми Зулфия эди, ундан кейин яна бир қиз туғилди, уни Шарифа деб атадилар.



Зарифа туғилган пайтда уларнинг ҳовлиси ичкари ва ташқаридан иборат бўлиб, ўртада кичик эшик девор пардалар билан ўралган эди. Ичкари ҳовлининг бутун бир томони пишиқ бўғотли уй, иккинчи томони озиқхона, катта айвон, ошхона ва катта молхона эди; учинчи томон бостирма. Тўртинчи томон баланд кўча девори. Ҳовлида — даҳлиз, меҳмонхона, ётоқхоналар олдида эни тўрт метр келадиған, усти берк, баланд супа бор эди. Бу ерда яна икки туп катта оқ балх тути, олма ва нок дарахтлари, кенг гулзор, каттаги-

на ховуз, ховуз билан супа ўртасига кенгина ёғоч қара-
вот такаб қўйилганди. Улар ана шу ховлида 1924 йилгача
яшадилар.

Зарифанинг ота томондан бувиси ўрта бўйли, думалоқ,
салобатли, заҳматкаш, ақлли, жуда бақувват хотин эди.
У тўққиз ёшида отадан етим қолган ўғли Саидносирни
ҳам ўзидай меҳнаткаш, кўп ҳунарли қилиб тарбиялади.
Чунончи, теричилик қиладиган ва тери савдоси билан
Қарқарага қатнайдиган акаларининг ҳунарини ўрганишга
юборди. Саидносир ёшликдан тери ёйиш, ивитиш, йиғиш
ишлари билан банд бўлди.

Саидносир қорачадан келган, кўзлари йирик киши
эди. 1884 йилда туғилган, жуда ақлли, юраги тоза, меҳри-
бон бўлган. У эски мактабда маълумот олган, ўқиш-ёзиш-
ни яхши билган. Акаларидан турли ҳунар ва савдо-сотик-
ни ўргангач, улардан ажралиб, кичкина бир газлама дўко-
ни очган. Рўзғорни тебрата бошлаганини кўрган онаси
19 ёшга етганида уни Туркистоннинг катта бойларидан
Мухаммадназарнинг кизи Қумриойга уйлантириб қўйган.
У уйланиши билан саводсиз хотинининг саводини чиқар-
ган — Қуръон ўқий оладиган қилганди.

Саидносир билан Қумриой кетма-кет етти қиз кўриш-
ди (икки нафари гўдакликда нобуд бўлганди), тақдир
уларга ўғил ато этмади, аммо Саидносир бундан чўчигани
йўқ. У фақат бойлик орттиришдан бошқасини ўйламай-
диган бойлардан эмасди. Адабиётга, санъатга қизиқар,
шунинг учун ҳам қизларининг барини ёшликдан адабиёт,
санъат, мусиқа, расм билан шуғулланишлари учун шаро-
ит яратди. Чунончи, 1917 йилда Тошкентда ишлаётган
Саидносир шу пайтларда қувғинда юрган Ҳамза Ҳаким-
зода Ниёзийга Туркистондаги уйидан бошпана бераркан,
айни чоғда, уни 12 яшар қизи Зулфияга, 9 яшар Зарифага
муаллим қилиб қўйганди. Ҳамза шеърят, мусиқа, ракс,
кўшиқ сирларидан дарс берди. Уйларида пианинодан
бўлак барча мусикий асбоблар — мандолина ҳам, гитара
ҳам, скрипка, дутор ҳам, танбур ҳам бор эди. Ҳамза соз-
ларнинг ҳар қанақасини сайратар, ёқимли овози билан
кўшиқ ҳам айтарди.

Зарифаларнинг уйида мархум амакисининг қизи, буларга жонажон опа бўлиб қолган 17 ёшли Ханифа ҳам бирга яшарди, қутилмаганда Ҳамза билан севишиб учрашганлари очилиб қолди ва Ҳамза бу ердан кетишга мажбур бўлди. Бу орада уларникига келиб турадиган тоғаси Зулфия билан Зарифанинг чолғу чалишларига қарши чиқа бошлади, бу билан ҳам қаноатланмай қизларнинг паранжига киришларини талаб қилди.

«Кунларнинг бирида ойим, одатдагидай, ўзи ҳам ясашиб, бизларни ҳам ясантириб, бобомникига тўйга олиб борди. Бобомнинг ўғил-қизлари, неваралари кўп... Ташқари ҳовли тўла эркаклар... Ойим паранжида, мен — устимда оврупоча тикилган оқ шоҳи кўйлак, бошимда панама — ерга қараганча, қаддимни эгиб, ичкарига шўнғидим. Шу замон Марайим тоғам ойимни йўлакка чақирди ва агар эртдан паранжи ёпинмасам, ўз қўли билан отиб ташлаяжагини айтди».

Зарифа аҳволни отасига ёзиб юборди. Саидносир дарҳол қизларини Тошкентга келтириб, Пушкин (ҳозирги Мустақиллик) кўчасидаги «Пестолоцци» (3. Саидносированинг китобида «Пистолоцци») мактабига жойлади. Сал вақт ўтгач, бутун оиласини Тошкентга олиб келиб, Тарновбоши маҳалласидаги катта ҳовлига ижарага жойлаштирди.

Саидносир қизларини Пестолоцци мактабига киритиб қўйиш билан кифояланмади, яна ўзбек адабиёти ва тарихини ўрганиши учун Навоий номидаги таълим ва тарбия мактабига, Баланд Мачитдаги мусиқа техникумига ва ҳафтада икки-уч марта сабоқ берадиган Пионерлар Саройининг расм студиясига ҳам ёздириб қўйди. Шундай қилиб, Зарифа билан Муса илк бора таълим-тарбия мактабида бир-бирлари билан учрашдилар.

Севи кўклами

1924 йил байрам арафасида таълим-тарбия мактаби тантанага қизгин тайёргарлик қўра бошлади. Мусо Тошмухамедов муҳаррирлигида «Тонг юлдузи» деворий га-

зетаси чиқарилди. Зарифа расм студиясида туппа-тузук расмлар чизишни ўрганиб қолганди. У залга осиш учун Навоий билан Фузулийнинг қора қаламда ишланган расмларини чизиб келди, уларни сахнанинг икки тарафига осиб қўйдилар. Энди Зарифа ўриндикда тик туриб, сахна пардасига ниманидир тикиб ёпиштирар экан, Муса унинг ёнига келиб тўхтади. «Опа, тугмам узилипти, тикиб беринг, — деди. Зарифа нима дейишини билмай қотиб қолди. «Ечиб беринг» — деса, «Бошқа қўйлагим йўқ», — дейиши ёки қаршисида қўйлаксиз қолиши мумкин. Ноилож ўриндикда тик турган ҳолда энгашиб, тугмасини қайдай бошлади. Бир-бирларига нафас ҳароратлари сезилди. Муса 19, Зарифа 16 ёшда эди...

Яна бир куни Муса шеърга лиқ тўла, қалингина, сарик муқовали бир дафтарни Зарифанинг қўлига тутқазди-да, шеърларнинг боши ва охирига кичик-кичик расмлар чизиб беришини сўради. Дафтарда муаллиф Ойбек деб ёзилганди. Зарифа дафтарни уйига олиб кетди. Мўйқаламда акварель бўёқлар билан новдага қўниб сайраётган қуш, узоқда бир парча оқ булут сузган тоғ чўққиси ва ҳоказо расмлар чизди.

Шу тариқа уларнинг ўртасида дўстлик алоқалари боғланди. Зарифа техникумдаги сабоқлардан чиқиб, бир неча соат расм студиясида машғул бўлар, сўнг «Пестоллоцци»га борар, Ойбек ҳар куни уни ё мактаб эшигида, ё ҳозирги Амир Темури хийбонидаги бирор скамейкада китобми, газетами ўқиб кутиб ўтирарди.

1925 йилнинг эрта баҳорида Ойбек Зарифага тўрт букланган бир қоғозни узатди, «Кейин ўқирсиз», — деди. Унда қуйидаги сатрлар битилганди:

Савдонинг ипаги қалбим ўради,
Рухимда булбуллар дард-ла йиғлади,
Севгилим, ҳаслинг мангу боғлади,
Шу ўксик қўнглимга нега бокмадинг?

Бой ва маърифатли оилада тарбия қўрган Зарифа бувисидан бўйи етган ёш қизлар ўзини қандай тутиши

кераклиги ҳақида неча-неча хикоятлар тинглаган эди, Ойбекнинг шеърини ўқиб уялиб кетди. «Бу қанақаси, Ойбек ака, биз ҳали ўқишимиз керак, қалбимиздан савдога ўрин бермайлик» тарзида насиҳатомиз жавоб берди. Ойбек бундай гапларга парво қилармиди? У «Пестолоцци» эшигида ё хиёбонда кутишларини тўхтатмади. Ҳар куни Зарифани трамвайга кузатиб қўяр, йўлда қўлини ушлаб оларди. Кейинчалик «Бизнинг бирлигимиз шундан, қўлларимиз хароратининг бирлашувидан бошланган», деб ёзганди З. Саидносинова «Ойбегим менинг» китобида.

1925 йилнинг май ойида Ойбек техникумни битирди. Тантанали битирув оқшомига Ойбекнинг ота-онаси ҳам келишди, Зарифа илк бора уларни кўрди.

Техникум тарбиячилари Зарифа ҳали ёш, техникумда яна бир йил ўқиши керак деган қарорга келдилар. Ойбек эса шу йили кузда Ўрта Осиё Давлат дорилфунуни-нинг иқтисод факультетига ўқишга кирди, аммо техникум ётоқхонасида тураверди. Бу унинг учун қулай вазият эди: кизнинг синфига кириб келаверар, Зарифанинг синфдошлари уларни дарҳол холи қолдиришарди. Зарифа: «Бўлди, қўйворинг, студияга кечикяпман», — демагунча қўлини маҳкам ушлаб ўтирарди. Бир куни келса Зарифа йўқ экан, парта тахтасини кўтариб, тагига «Чиндан севаман, юракдан севаман», деб ёзиб кетибди.

Зарифа йигирма ёшга тўлмагунча ҳеч кимни севмайман, деб аҳд қилганди, ўн етти ёшидаёқ севги оловида ёнишни истамас, ўртадаги муносабатларни тўхтатмоқчи бўларди. Бунинг яна бир сабаби, шу йили баҳорда отаси Саидносир Миржалилов Мухторият фаолларидан бири сифатида қўлга олиниб, ГПУ қамоқхонасига ташланган эди. Шундай бир вазиятда у Ойбек билан севишиб юришни ўзига эп кўрмасди. Ойбекнинг эса ундан ажралгиси келмасди.

«Ошиқ йигит» отасини кўргани борган Зарифани ГПУ олдида кутиб олар, сўнг уйигача кузатиб қўярди.

Бир воқеа уларнинг севгисини нақ йўққа чиқараёзди.

1926 йили Зарифа техникумни тугатганда одатдагидек тантанали зиёфат, концерт бўлди. Аммо отаси қамокда ётган Зарифага ҳеч нарса татимади. Холбуки, Ойбекларнинг битирув кечасига отаси келган эди.

Ўтган йили Ойбек ва унинг дўстлари «Тонг юлдузи» деворий газетасини биринчи марта журнал шаклида чоп этган эдилар, Ойбек муҳаррирлик қилганди, бу йилгисига Зарифанинг синфдоши Эшонжон муҳаррирлик қилди, Зарифа эса журнал ҳисобини олиб борди. Ўқиш тугагани муносабати билан Зарифа келгуси йил талабаларидан бирига ҳисоб-китобларини топширди. У эндигина кетишга чоғланиб турганда, Эшонжон билан бир қизга дуч келди. Биринчи асос синф талабаларидан бири шу қизга уйланишга ваъда бериб, алдаб ташлаб кетган экан. Эшонжон уни ўз хонасига таклиф қилибди, аммо қиз кирмаётгани учун Зарифани ҳам илтимос билан ичкарига олиб кирди. Хонада яна бир-икки синфдошлар ҳам бор эди. Эшонжон пиёлаларга май қуйди-ю, биринчи бўлиб ўзи ичди, сўнг қизларга ҳам ичирди. Зарифа кетаркан, синфдоши Теша Зоҳидов уни кузатиб қўйди.

Эртаси ГПУга борган Зарифа озиб, ранги бўздай оқарган отасини конвойлар етагида кўриб, юрагидан яшин ўтгандек бўлди. Отаси: «Уч йил, Сибирь», — дейишга улгурди, холос. Зарифа беҳуш турган бир пайтда Ойбек келиб қолди ва бир хат бериб кетди. Унда шу сўзлар ёзилганди:

«Зарифа!

Кет, кет, кет! Алдамчи кўзларинг кўзларимга тушмасин! Кўнглим тонг чоғида шафақлардан нур, ҳаёт олган тоза, соф чечакларни тилайдир. Юришинг-ла туришингда, кулишингда сиёҳ хаёлимни ойдинлаштирадиган бир нур кўрган каби бўлардим. Афсуски, у нур саробдан бошқа нарса эмас экан, энди англадим. Май базмида хонимлар каби соқий бўлиб иштирок этишинг ҳам кўп яхши нарса!.. Чунки

бу муҳитда кўрдигим, билдигим «цивилизация қизлари»дан фарқинг йўқ.

Маъносиз севги занжирларини афсонавий қаҳрамонлар сингари уздим.

Хайр энди!!!

21 май, 1926 й».

Орага ойдинлик киритишни каттиқ истаган Ойбек яна Зарифанинг олдига борди. «Эшонжон сенга синфдош бўлса ҳам, ҳар ҳолда бегона одам эди. Унинг ётоғига кириб, май ичиш ифбатли қизнинг улуши эмас-ку? Наҳот шуни тушунмасанг?!» — деди. «Ёшман, тажрибасизман, десам ишонмас эдингиз. Ўзим тенги қизнинг ёмон ниятда келганини, Эшонжоннинг ҳам фикри бузилганини қайдан билай? Колаверса, улар билан соатлаб ўтирмай, тез чиқиб кетдим, қизлар базмига бордим», — деди Зарифа. «Нега хатимга жавоб ёзмадинг?» — ёзғирди Ойбек. «Ёзганман!» — Зарифа уйларига кириб хатни олиб чиқиб берди. Зарифанинг мактубидаги: «*Дадамни сургунга ҳукм қилибдилар. Менинг юрагимни эзган энг зўр қайғу шу эди... Кўзларимга сиқилган ёшларни тўхтата олмадим, йиғладим... Бунинг устига сизнинг хатингиз... Билмадим, ўлганнинг устига чиқиб тепмоқчи эдингизми?... фикрингиз шундай юрагимни қонатадиган, кўнглимни қирадиган бўлса, ёзманг! ...Менга боқманг, гапирманг, мен-да сизнинг кўзларингизга ортиқ учрамагай эдим*» сингари гаплар Ойбекнинг умидини сўндира бошлади ва яна хат ёзди:

«Зарифа!

Мактубингда «йиғладим, ёндим, азоб чекдим» дегансан. Бунга ишонмайман. Чунки сенинг кўзларинг олмос каби порлайди — ёшлар тўкувчи баъзи бир кўзлардан эмас. «Йиғладим» дема — йиғлаган менман. «Ёндим» дема — ёнган менман...

Зарифа, ортиқ ажралишдик. Фақат бу ажралишдан сенга ҳеч қандай зарар келмайдир. Бу нарсадан сенинг қалбингда на бир титрама, кўзларингда на бир томчи ёш пайдо бўладир. Бу фикримни «севиндим» деб ўзинг ҳам иқроф қилгансан, Ойбек бўлмаса, бошқаси-да! Кўнглингга ҳамма — бир, буни яхши биламан, чунки шу вақтгача юрагингда севгининг учқуни ҳам сезилмади...

31 май, 1926. Ойбек».

Ойбек мактубининг сўнгида яна бир учрашишни сўраган эди. Зарифа рози бўлмади. Чунки «Зарифа эркин куш эди, Ойбек муҳаббатининг тилла қасасига тушишни истамасди» (Наим Каримов). Шоирнинг раъйига қўнмай, отасидан оқ фотиҳа олиб, Москва—Ленинград сафарига отланди. Зебунисо номли қизлар мактабига ўқитувчиликка тайинланди. Ёзда эса Ўрта Осиё давлат университетининг физика-математика факультетига кирди.

Шайхонтохурда Зарифалар уйига яқин «Намуна» мактаби бўларди. Ойбек ҳамда унинг синфдошлари Абдурахим ва Махмудлар шу мактабда дарс берардилар. Абдурахим ҳам шу йўналишда Зарифадан бир курс юқориде ўқирди. Бир куни у «Тарихий материализм» китобини Зарифага бериб турмоқчи бўлди ва «Кечроқ ё ўзингиз келинг, ё бировни юборинг», — деб уйига таклиф қилди. Зарифа уларникига синглиси Шарифани юборди. Шарифа Абдурахимни қидириб тополмаган, Ойбекни учратган ва у: «Абдурахим ваъда қилган китоб менинг китобим бўлади. Нега опангнинг ўзи келмади? Эртага ўзи келсин, йўқса, китобни бермайман», деган ва бир хат бериб юборган:

«З.С.!

Сизга китоб керакми экан? Пардон! Менинг бир орқадошимга худди шу китобнинг ўзи керак эди. Мумкин бўлса, эртага ғурубдан сўнг олиб келинг!..

...Ҳаётнинг улғу денгизида бир япроқ кабидирман. Кўнглимда ёлғизгина бир ҳаёт ғавғоси! На ишқ, на савдо! Тушундингми!

...Қалбимдаги бошқа қизларга бўлган муҳаббатимнинг ҳам япроқлари шилдирrrrrrrr этиб тўкилди...

З.С.! Сен ҳам инсонмисан?.. Ҳайф бундай инсонликка!

29 август, 1926 й.»

Ойбек Зарифа билан учрашишни ҳам истар, ҳам истамас эди. Бир тарафдан унинг йигитлар билан муносабатда ўзини мутлақо четга олмаслиги юрагини бездирар эди.

Саидносир оиласи бутун элдан бурун овруполашган, миллий этикетларга қўп ҳам эътибор бермасди. Қизларини Ҳамзага ишониб, шогирдликка бериб қўйгани ва энг замонавий кийимлар кийдириши, уларга санъатнинг ҳамма турларидан билим беришга интилиши, қизларидаги хурликни ҳар тарафлама қўллаб-қўлтиқлаши — булар ҳаммаси ўта илғорлик эди. Ойбеклар хонадони ҳам маданий-маърифий жиҳатдан илғорлардан эди, аммо улар учун шарқ классик этикети юксакроқ эди, ғарбнинг ахлокий нормаларига танқидий назар билан қарардилар. Шу жиҳатдан Ойбекнинг Зарифа ахлоқи тўғрисидаги ўйлари ни англаш мумкин. Бироқ Зарифага бўлган муҳаббат қалбининг илдиз-илдизларигача кириб бўлган, у билан ярашишни, бирга бўлишни истар эди. Зарифа эса Ойбекни ўзига яқин йўлатмасди. Шу тарзда улар бир йил бир-бирларидан узоклашиб юрдилар. Бунинг яна бир жиддий сабаби ҳам бор эди.

Юқорида Зарифанинг «Пестолоцци» мактабида, яна таълим-тарбия техникумида таҳсил олиш баробарида ҳафтада икки-уч марта пионерлар саройидаги расм студиясида ҳам сабоқ олгани ҳақида айтган эдик. 1924 йилда Тошкентда Н. В. Розанов раҳбарлигида тасвирий санъат студияси очилганди ва Зарифа шу студияда мусаввирлик сирларини ўрганишини давом эттира бошлаган эди. Н. В. Розанов «Зарифа сиймосида биринчи ўзбек рассом қизини тарбиялаб етиштирмоқчи бўлди» (Н. К.). У ўзбеклар ичидан рассомликка қизиқувчи иқтидорли ёшларни яна кидиарди. Бир дафъа «Ташкентская правда» газетасида бир рассом ҳақида ўқиб қолиб, уни излаб топди. Бу — Тошкент вино заводининг ишчиси Тансиқбоевнинг ўғли Ўрол эди... Зарифа сингари Ўрол ҳам тез орада сувли ва мойли бўёқларда миллий колорит ва композицияни эгаллай бошлади. Розанов Зарифа ва Ўролга табиат бағрига, тоғларга чиқиб, турли манзараларни полотноларга солиб келишни топшиарди. Шу тарзда Зарифа билан Ўрол бир-бирларига яқинлаша бошлагандилар. Улар 1926—1927 йилларда шаҳар атрофига чиқиб, бир қанча манзараларни яратиб келгандилар. Ўролнинг келажакда буюк рас-

сом бўлишига қатъий ишонч ҳосил қилган Зарифа ана шу чоғларда Ойбекнинг юқоридаги хатларини ўқиб, қўнгли безиллаб қолган, келажакда ким билан — рассом биланми, шоир биланми — бирга умр кечириш муаммоси туғилиб, иккиланишга тушиб қолган эди.

Ойбек Зарифанинг Ўрол Тансиқбоев билан муносабатларидан хабардормиди, йўқми, бу ҳақда ҳеч қандай аниқ маълумот йўқ. Аммо қизнинг ўзини четга олишлари, ораларидаги можародан унчалик қийналмаётгани, қалбида муҳаббат аломатлари сезилмаслигини ҳис қилар эди. У *«Сенинг кўзларинг олмос каби порлайди — ёшлар тўқувчи баъзи кўзлардан эмас»* ёки *«Ойбек бўлмаса — бошқаси-да»*, *«Шу пайтгача юрагингда севги учқунлари сезилмади»* деганида, туйғулари уни алдамаган эди. Зарифа билан Тансиқбоев ўртасида озгина бир-бирига мойиллик юз берган бўлса-да, барибир, рассомга ҳам бирга бўлишга розилик бермаган. Ўша кунларда Зарифа ўзи билан ўқишни битирувчилар қаторида, отасидан оқ фотиҳа олгач, Ойбекнинг раёини инobatга олмай, Москва ва Ленинград сафарига кетди. Зарифадан умидини узган Ойбек 1927 йилда ўқишини Ленинграддаги Плеханов номли Халқ хўжалиги институтига қўчириб кетди. Зарифадан умидсиз Тансиқбоев ҳам 1928 йили Пенза бадий билим юртига кетди... Аммо Ойбек Ленинградда ҳам чинакам муҳаббатдан қочиб қутулиш мумкин эмаслигини англади. Бир ўқув йили тугаши билан Тошкентга келиб, Зарифалар эшигини тақиллатди.

Зарифа ўрик дарахтининг устига чиқиб ўрикларни қоқар, ойиси эса терар эди. «Қарасам, Ойбек кулиб, ўрик тепасига — менга тикилиб турибди», — деб хотирлайди кейин Зарифа. Бироз меҳмондорчиликдан кейин Ойбек уни айланиб келишга таклиф қилади. «Бор, қизим, бор, факат кеч қолманглар», — дейди онаси. Улар унаштириладилар ва Ойбек ўқишини тамомлаб келиш учун яна Ленинградга кетади. Бир дафъа Ленинграднинг нам ҳавосидан ўпкасини шамоллатиб, сил касалига йўлиқади. 1929 йилнинг февраль-март ойларида аҳволи янада огирлашади. Сил юқумли касаллик бўлгани учун, у пайтлардаги одамлар бу касалга чалинганлардан ўзларини йироқ тутар, ҳатто

ажрашиб ҳам кетардилар. Зарифанинг онаси: «Қизим, танлаган йигитинг силга ўхшайди», — деб хавотирини айтганида, «Майли, сил бўлса ҳам тенги йўқ», — дея жавоб беради киз. Ойбек орадан бир йил ўтгач, қуёшдай порлоқ табассум билан тўппа-тўғри Зарифалар эшигига келиши муҳаббат имтиҳон палласидан муваффақият билан ўтганини кўрсатар эди. Улар 29 июнда расман никоҳдан ўтадилар.

Тўй. Синови йиллар.

Шарифли йул

Саидносир Миржалиловнинг Соловкидаги жазо муддати битди. Аммо ҳали Тошкентга, Туркистонга ёки Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларига бориши ва яшаши тақиқланган эди. Сургуннинг давомини ўташ учун Семипалатинск вилоятининг татарлар яшайдиган Бийск шаҳрини танлади. Зарифанинг онаси Бийскка бориб келишга қарор қилди.

Ойбек билан Зарифанинг тўйи эса Саидносирларнинг Шайхонтохурдаги ховлисида бўлиб ўтди. Жуда ширин, шўхлик қайнаб-тошган, тантанали руҳдаги кичик тўй ўтаётган бир паллада почтачи «Тўйни тўхтатиб туринглар. Зарифа ҳам сен билан бирга Бийскка келсин» мазмунидagi Саидносирнинг телеграммасини олиб кирса бўлади-ми! Зарифа эсанкираб қолди. Аммо онаси: «Отанга ўзим тушунтираман», — деб уни тинчлантирди. Ойбек эса уни овутиш мақсадида ўзининг илгариги талабларига зид равишда, келинчакка шароб ичирди. Зарифа тинчланди.

Зарифа никоҳдан олдин бироз иккиланишларга борган бўлса-да, тўйдан кейин вафодор, садоқатли, талабчан ва меҳрибон хотин бўлди.

Ойбекнинг асарларини кўз қорачиғидай асради. Улар уч ўғил, бир киз кўрдилар. 1932 йилда биринчи ўғиллари Омон, 1935 йилда иккинчи ўғил Бекжон, 1937 йили ёлғиз қизлари Гулранг, 1939 йилда кенжа ўғиллари Суюнбек туғилишди. Зарифа опа Саидносирова кимё фанлари док-

тори бўлди. Ойбек қатор дostonлардан ташқари «Қутлуг қон», «Навоий» каби ўлмас романлар ёзди, академик бўлди, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига рахбарлик қилди.

Аммо бундай шарафли йилларга эришиш йўли *хилмат, тухмат, таҳқир* сингари инсонни руҳан ва жисман ёндириб қол қиладиган ҳодисалар билан тўла бўлди. Москвада 1937 йил 17–27 майда жаҳон халқларининг қўзларини шамғалат қилиш учун ўтказилган Ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлигидан беш ой ўтар-ўтмас, Тошкентда 1 октябрда шу ўн кунликда қатнашган Ойбек Чўлпон, Фитрат, Элбек каби «халқ душманлари»нинг «думи» сифатида доимий ходим бўлиб ишлаётган жойи — Тил ва адабиёт институтидан бўшатилади. Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасидан чиқарилди. «Тансиқ» номли янги шеърлар китобининг матричаси сочиб юборилди. Газета ва журналлар унинг асарларини босмай қўйди. Зарифа Саидносированинг 1936 йилда Соловкидан жазо муддатини ўтаб қайтган отаси орадан 10 ой ўтиши билан қайтадан қамоққа олинди. Қишлоқ хўжалик институтида ва ТошМИДа дарс бераётган Зарифа Саидносированинг ўзи эса иккала институтдан ҳам ҳайдалди.

«Энди икковимиз ҳам ишсизмиз. Учта боламиз бор. Менинг онам, сингилларим, Ойбекнинг ота-онаси — ҳаммаси бизнинг қарамоғимизда эди», деб ёзади Зарифа опа «Ойбегим менинг» китобида. Бу кезларда кекса ношир Иноят Махсумов нашриётлардан ўзи учун таржима китоблар олиб, нашр қилдиар ва ўз номига олган қалам ҳақидан Ойбекка бериб турар эди.

Зарифа опа эса осон таслим бўладиганлар тоифасидан эмасди. Турли идораларга норозилик хати ёзиб, ўз номи тиклаш учун «жанг» олиб борарди. Ва бу ижобий натижа бермай қолмади. Ҳукумат конституциясининг «Фарзандлар ота учун жавоб бермайдилар» мазмунидаги моддаси асосида Зарифа Саидносировани дарҳол ишга тиклаш ва уч ойлик маошини уни ишдан бўшатган рахбар ўз ойлигидан тўлаб бериши тўғрисида фармон чиқди. Зарифанинг иши тикланди. Ойбек эса уйдан ташқари чиқмай «Қутлуг қон» романини ёзди. 1939 йил апрелида уюшма аъзолигига қайта қабул қилинди. Аммо бу билан унинг бошидаги қора булутлар тарқгани йўқ.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, бутун мамлакатда фашизмга қарши ғоявий ва иқтисодий курашлар авж олган вақтларда ҳам Ойбекни тазйик идораларига чақириб туриш тўхтагани йўқ. «Бир кеча уйимиз олдида машина тўхтаб, эшик қоқилди. Ички ишлар министрлигидан келган одам Ойбекни олиб кетди, — деб хикоя қилади Зарифа опа. — Шу кунни ойим бизникида эди. «Парвардигорим, ўзингга топширдим! Ўзинг асра!» — деб шивирлар эди...»

Ойбекни олиб кетган зобит эрталаб уни қайтариб олиб келди. «Қўрма, нега мунча титрайсан? Тинчлан! — деди мени бағрига босиб Ойбек». Кейин бўлган воқеаларни айтиб берди... Ўзи грузин бўлса ҳам фамилиясини Кабулов қилиб олган, аслида, Кабуладзе фамилияли министр Ойбекни Худоёрхонда ҳам бўлмаган шоҳи тўнга ўраниб чиқиб қабул қилибди ва: «Сен ёзувчисан. Ёзувчилар орасида шубҳали унсурлар, халқ душманлари кўп. Нега бирон марта келиб айтмайсан? Бизга хизмат қилишни истамайсан!» — дебди. Ойбек: «Мен шоирман, адибман, бундай ишларни эплай олмайман», — деган экан, ғазаби кўпириб кетиб, итдан бадтар қилиб ҳайдабди. Ойбек кўчага чиққанида ўзини кузатиб чиққан офицерга:

— Министрингизга айтинг, — дебди, — агар у ички ишлар министри бўлса, мен Шеърят министриман. У бугун министр бўлса, эртага унинг ўрнига бошқа одам келади, мен эсам адабиёт оламида абадий министр бўлиб қоламан!..

Чиндан ҳам бир неча йилдан сўнг Кабуладзе ўрнига ўзбек зиёлилари бошига бало бўлиб ундан бадтари — Гогидзе келди. Уларнинг ҳар икковлари ҳам 1953 йилда Берия билан бирга отилдилар. Ойбек ўзбек адабиёти осмонида ўчмас юлдуз бўлиб қолди. Зарифа билан Ойбекнинг муҳаббати эса жамиятимиз ҳаётида такрорланмас бир афсона ҳолида яшамоқда.

МАҚСУД ШАЙХЗОДА билан САКИНА

Мақсуд Шайхзода



Атокли ўзбек шоири ва драматурги Мақсуд Шайхзоданинг отаси Маъсумбек ва онаси Фотима Қозоҳ шахридан бўлиб, отаси Тифлис фельдшерлик мактабига, онаси Тифлис хотин-қизлар гимназиясида ўқишга келадилар. Тахминан, ўқишларининг иккинчи ё учинчи йилида танишиб қоладилар, бир-бирларини севиб оила қурадилар. Шу ерда 1908 йил 7 ноябрда бир ўғиллик бўлиб, касалхонадан тўғри Оқтошга кўчиб кетадилар. Бу маълумотлардан Шайхзода Оқтошда туғилган деган хулоса келиб чиқади.

Маъсумбек Оқтош касалхонасида фельдшер бўлиб ишлайди. Бола олти ойлик бўлгач, Фотимахоним ҳам Самохоним исмли аёлни сутона ва энага қилиб тайинлагач, ишга чиқиб кетади. Фотимахоним дугоналари — Фотимахон ва Озодабегим билан бирга Оқтошда хотин-қизлар шўъбасини ташкил этади. Оқтошликлар маърифат ва эрк қалдирғочлари бўлган бу гўзал жувонларни «қўш Фотима ва бир Озода» дейишаркан.

Маъсумбек тиббиётдан ташқари, адабиёт, санъат, тарих, фалсафа билан ҳам қизиқадиган чин маънодаги зиёлилардан эди. Унинг уйи Оқтошнинг маданий марказига айланган, маҳаллий зиёлилар шу ерда йиғилиб,

Низомий ва Навоий, Фузулий ва Хайём, Пушкин ва Лермонтов, Шекспир ва Гёте сингари буюклар ижодидан бахслашишарди. Бундан ташқари, Фотимахонимнинг ўз она тилидан ташқари, рус, грузин тилларини ҳам яхши билиши, бу тиллардаги адабиётларни ўқиши ҳам чакана омиллардан эмас. Ёш Мақсуднинг юрагида шеърят севгиси шу пайтларда бошланган эди.

Мақсуд Шайхзода 1915 йилда ўша пайтдаги машҳур «Рушдия» мактабига ўқишга борди. Мактабни Озарбайжон жадидларидан бўлмиш Мухтор Афандизода очган ва бу ерда дин илмларидан ташқари, туркча, русча, ҳисоб, хандаса, табиат тарихи, тарих, жўғрофия, ҳуснихат, расм, мумтоз кўшиқ, гимнастика ва ахлоқ ҳам ўргатилар эди. Ёш Мақсуд бу ерда фақат аълога ўқигани, намунали ўқувчи бўлгани эсдалик ва ҳужжатлардан маълум. Шайхзода «Рушдия»да ўқиган йиллари шеър ёза бошлаган.

1921 йилда мактабни битиргач, ўқишини давом эттириш учун Мақсуд Бокудаги дорулмуаллимин (педагогика билим юрти)га ўқишга келди. Бу унинг маълумот олишдаги энг бахтли даври эди. Хусайн Жовид, Абдулла Шоирнинг дарслари байрамдай ўтарди. Мусика тўғрагида Узеир Ҳожибеков ғарб мусикасидан, Муслим Магомаев шарқ мусикасидан таълим берарди. Шайхзоданинг мана шу йилларда кичик бир пьеса ёзгани ва у мактаб сахнасида қўйилгани ҳақида ҳам хабарлар бизгача етиб келган. Кейинроқ Шайхзоданинг адабий кизиқишлари янада кенгайди.

1925 йили дорулмуаллиминни тугатган Мақсуд Шайхзода Озарбайжон Маориф Халқ Комиссарлигининг йўлланмаси билан Россия Федерацияси таркибидаги Доғистон автоном республикасининг Ҳазар денгизи соҳилидаги Дарбанд шаҳрига йўлланди ва 1-босқич мактаблардан бирида турк тили ва адабиётидан дарс бера бошлади. Айни чоғда, крим-татар миллий-озодлик ҳаракатининг етакчиларидан бири, машҳур журналист Этҳем Файзийнинг Бўйноқда чиқараётган «Маориф йўли» газетасида, таниқли давлат арбоби, адабиётшу-

нос Рухулла Аҳмедовнинг «Маориф ва маданият» журналида шоир ва танқидчи сифатида фаол иштирок эта бошлади. Шу йилларда Доғистонда миллий давлат тили масаласи кун тартибида турганди. Рус ёки турк тили, араб ёки Доғистондаги маҳаллий элат ва миллатларнинг тили — қайси бири давлат тили бўлиши керак, деган масала муҳокама қилинаётган эди. Шайхзода Доғистонда энг кўп тарқалган туркий тиллар — қўмик ва нўғой тилларининг тарафдори бўлиб чиқди. У Бокуда ўқиётган пайтларидаёқ Озарбайжонда яширинча тарқалган «Ени Кавказ» («Янги Кавказ») журналини ўқир, «Кизил империализм» каби мақолалар билан танишиб, советлар сиёсатининг моҳиятини англаб етган эди. Тил масаласи муҳокамаларида Хасанали Рзаода, Гасим Алиев, Билол Балабей ва бошқа машҳур муаллифлар каторида фаол қатнашарди. Бош муҳаррир Этҳем Файзий кўпдан буён ГПУ (Давлат сиёсий бошқармаси) назорати остида эди. Шайхзода бу ернинг журналистларига тарқатиш учун редакцияга Бокудан «Ени Кавказ» журналидан олиб келарди.

1927 йилда Этҳем Файзий ва Мамед Файзий билан бирга Шайхзода ҳам аксилинқилобий тарғиботда айбланиб, қамоққа олинди. Файзийлар уч йиллик концлагерга жўнатиладиган бўлди. Шайхзоданинг иши ўқитувчи сифатида алоҳида кўрилди ва у Москва, Тифлис ва Бокуда яшамаслик шарти билан чет шаҳарлардан бирига уч йилга сургунга ҳукм қилинди. У сургун жойи сифатида Тошкентни танлади ва 1928 йилнинг февраль ойида Ўзбекистонга келишга аҳд қилди. «Эндигина 20 ёшга қадам қўйган йигитнинг Тошкентни нажот соҳили сифатида танлаши отаси Маъсумбекнинг истак-хоҳиши билан рўй берди. Ўша кезларда хизмат сафари билан Москвада бўлган Маъсумбек хотини Фотимахонимга Тошкентда яхши танишлари борлиги ва шу танишлари аросатда қолган фарзандларига меҳр-оқибат кўрсатиши мумкинлигини хабар қилган эди» (Н. Каримов, «Мақсуд Шайхзода»).

Юқорида Мақсуднинг отаси Маъсумбек Октош зиёлиларининг етакчиси эканлиги, уларнинг уйида доим шаҳарнинг машҳур кишилари тўпланиб туриши, ҳаёт, мавжуд тузум, адабиёт, санъат, фалсафа ҳақида гурунглашиб ўтиришлари ҳақида айтган эдик. Ана ўша ўтиришларнинг доимий меҳмонларидан бири Халил Рза исмли ширинсуз, гўзал муомалали, дўстсевар киши эди. У кичкина Мақсудни жуда яхши кўрар, жингалак сочларини бармоқлари билан тараб: «Кўзлари ўткир бу йигит илмли бўлади, ўзим куёв қиламан, Худо хоҳласа», — дер эди.



Рзалар оиласи 1915 йилда бир киз кўрган ва сажияси, ҳаёти сокин бўлсин деб отини Сакина қўйгандилар.

Мақсуд дорулмуаллиминга кириб ўқиётган йилларида Сакина эндигина етти ёшга кирган қизалоқ эди.

1928 йилда ҳам Сакина ҳали Мақсуднинг эътиборига тушмаган эди.

12—13 ёшли ўсмир кизлар, кўпинча, бироз «ёввойироқ» бўлади. Шунинг учун у Октошдан кетаётганида Сакинани ҳаёлининг бир четига ҳам келтирмаган эди.

Мақсуд Тошкентга келгач, олдин озарбайжонликлар учун очилган Наримонов номли мактабда ва яна «Учқун» деган ўзбек мактабида ўқитувчилик қилди. Бошпанаси тайин эмасди, ижараларда уйма-уй ёлғиз яшади.

1928 йилда Ўрта Осиё Давлат университетининг Шарқ факультетига кириб ўқий бошлади. Аммо 1929 йилда ўқишни тарк этиб, Наримонов мактабидан ҳам бўшаб, «Шарқ ҳақиқати» газетасига ишга ўтди. Ойбек, Фафур Фулом каби ўзбек шоирлари билан танишди ва ўзбек шеърияти майдонига кирди.

1934 йили таътилда Октошга борганида Сакинани кўриб ҳайратга тушди. Куюқ сочлари елкасига ёйилиб

тушган, қалам кошлари остидаги коп-кора ўтли кўзлари одамнинг кўзига эмас, юрагига қадалганга ўхшарди. Яқиндагина қўғирчоқ ўйнаб юрган бу қиз қачон улғая қолди? Мақсуд унга ҳар қараганида ўзгача ҳаяжонланиб кетар, севинчини ҳам, ҳайратини ҳам яширолмасди. Бу, албатта, ота-онанинг эътиборидан четда қолмади. Иккала оила ҳам икки ёшнинг ўртасида туғилган бу гўзал туйғулардан севиндилар. Фотиҳа билан уларни унаштириб қўя қолдилар. Мақсуд ҳам, Сакина ҳам муҳаббатнинг хижронли азобларини бошидан кечирмадилар. Мақсуднинг таътилини бахтли кунлар оғушида ўтказдилар. Кейин Мақсуд Тошкентга жўнаб кетди, иккала юракда соғинч оловлари ёна бошлади.

Мақсуд мумтоз адабиёт замзамалари таъсирида, ота-онасининг ўз ҳаёти билан кўрсатган ўрнаклари ва ахён-ахёнда тилга оладиган тарбиявий фикрларини ёдга олиб, йигит кишининг севгилисига энг катта совғаси гўзал самаралар берадиган фаолияти эканлигини яхши билар эди. Шунинг учун қизга уйланишдан олдин унга муносиб эр бўлишга ҳаракат қилар, катта бойлик орттирмаса ҳам, катта билим орттириши, қайсидир бир жабҳаларни эгаллаши кераклигини ўйлаб, илм уммонига шўнғир эди.

1935 йилда у уч шеърый тўплам («Ўн шеър», «Ундошларим» ва «Жумхурият») муаллифи сифатида ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлди. Яна шу йили аспирантурани ҳам битирди: 21 июлда уч йиллик аспирантурани тугатганлиги тўғрисида шаҳодатнома олди. Бу пайтда у 28 ёшга қадам қўйган эди. Энди у Сакинанинг олдига бошини баланд қўтариб боради, энди у Сакинанинг паноҳи, етакчиси бўла олади. Сакина йигирма ёшда. Боқу тиббиёт институтининг иккинчи курсини битирди. Хечқиси йўқ, ўқишини сентябрь ойидан ТошМИда давом эттиради, тамом-вассалом. Аммо дарҳол у ўйлагандай бўлмади. Тўйга ҳам тайёргарлик лозим экан. Бунга уч-тўрт ой керак бўлди. Ҳар неки бўлмасин, тўй қиш ойининг совуқ кунларига тўғри келди. Аммо ёш келин-куёвларга кунларнинг совуғи таъсирини ўтказа олармиди?! Улар муҳаббат оташидан бахтиёр эдилар. Бутун олам ҳарорат қўйнида, бутун олам

мунаввар эди. Тошкентдаги Финкельштейн кўчаси 17-уйнинг кичик хонаси улар учун мухташам саройлардан ҳам ортик эди. Орадан тўққиз ой ўтган, 1936 йилнинг кузида бир кун Максуд уйга шовкинлаб кириб келди:

— Қадаминг кутлуг чикди, Сакина. Уюшма бизга уй берди!

Ёш эр-хотин Шаҳрисабз кўчасидаги 3-уйга кўчиб ўтишди. Уларнинг қувончи ичига сиғмасди. Энди бир умрлик бахтга эришгандай, бир ҳафта хурсандчилик қилдилар, сўнгра меҳнат таътилига чикиб, эшикка қулф солдилар-да, ота-онани зиёрат қилгани, Октошга жўнаб кетдилар. У ерда икковларининг кариндош-уруғлари бир-бирлари билан навбат талашиб, уларни тинмай меҳмонга чақирардилар. Қадахлар, қўшиқлар, рақсларнинг кети узилмасди.

«Кўп хурсандчилик қилманг, оз кулинглар, ўлимни хотирланг», — дейди расулимиз. Уларнинг хурсандчилиги ошиб кетганмиди? Йўқ, йилда бир, балки, умрда бир бўлгандир бу... Улар меҳнаткаш инсонлардан эди. Кичик бир таътилда озгина масъудликка берилишга ҳақлари бор, аммо замон нотекис эди. Одамлар ўртасида адоват кўзговчи сиёсат ҳукмрон эди.

Қунарнинг бирида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан телеграмма келди, унда Шаҳрисабздаги уйни бўшатиб беришлари лозимлиги айтилганди. Балки, эшикка осилган қулф одамларни шундай қарорга келтиргандир. Шайхзоданинг бир танишидан ҳам хат келди, унда уй Шокир Сулаймонга олиб берилгани, Шайхзоданинг асбоб-анжомлари йўлакка чиқарилгани ёзилганди.

Синобли йиллар

Шайхзода Тошкентга учиб келди. Чиндан ҳам Халқ Комиссарлари Кенгашида ишловчи Мўмин Усмонов ва партия Марказий Комитети ходими Курбон Берегинларнинг қарори билан уй Шокир Сулаймонга олиб берилган эди. «Нега менинг уйимни?» деган саволига «Сизга ҳисоб

бермаймиз», деган жавоб бўлди. Оила шоирнинг Гоголь кўчасидаги бир таниши уйида, кейин Қашғар маҳалласида, сўнг Мерганча маҳалласида ижарама-ижара яшади. 1937 йил ёзида уюшма томонидан ҳозирги Хадича Сулаймонова кўчасидан уй беришди, аммо кузда уни ҳам тортиб олишди. «Майли, хафа бўлма, Сакина, ҳозирча боламиз йўқ, биз иккимиз кичик бир хонага сиғиб кетамиз», — деди Мақсуд. Эр-хотин яна Қашғар маҳалласидаги Чемпион кўчасида яшай бошлашади. Шайхзода табиятан ҳаётсевар инсон эди. У ташвишларни майда деб ҳисоблар, булар унинг иродасини кўп-да синдира олмасди. Шу оилавий кўч-кўч, сарсон-саргардонлик йилларида у «Баҳорда оқшом», «Мени ака дейдилар» каби шеърларини, «Чимён» туркумини ёзди, А. С. Пушкиннинг бир қанча шеърларини, «Мис чавандоз», «Моцарт ва Сальери» драмаларини ўзбекчага ўғирди. Бундан ташқари, у аспирантурани битирганидан бери Тошкент Педагогика институтида дарс берарди. 1939 йилнинг ёзида институт Шайхзода оиласига каттагина шинам бир уй ажратди. Бу пайтда Сакинаҳонимнинг опаси вафот этиб, Озарбайжонга кетган эди. У ота-онаси ва опасининг етти яшар қизи Алимани ва беш яшар ўғли Расимни олиб, шу уйга кўчиб келди. Шу тариқа уларнинг фарзандсизлиги билинмай, катта оила бўлиб яшай бошладилар.

Мақсуд Шайхзода Жаҳон урушидан олдинги ўқитувчилик йилларида буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ҳақида «Классик адабиётимизнинг улуғ сиймоси», «Хамса»да муҳаббат проблемаси», «Навоийда аёл образи», «Илму маърифатнинг жўшқин куйчиси», «Навоий ва ёшлик» каби ўнларча мақолалар билан бир қаторда жаҳон классикасининг буюк сиймолари Низомий, Бобур, Шекспир, Лермонтов, Чехов, Охундов, Горький, Маяковский, Барбюс кабилар тўғрисида ҳам адабий-танқидий ишларини эълон қилди. Уруш йилларида эса қаламини ёвга қарши найзага айлантирди. «Жалолиддин Мангуберди» фожиаси унинг шу даврдаги шоҳ асаридир.

Иккинчи жаҳон уруши қизгин давом этаётган, Россия, Украина, Белорусияда фашист босқинчиларига қар-

ши уруш кетаётганда миллатлараро дўстлик бурчини адо этиб, ўзбек халқи ҳам жон олиб-жон бераётган бир пайтда Ўзбекистон раҳбарияти ўзбек ёзувчиларига миллий озошлик мавзuida тарихий асарлар ёзишни топширганди. Ойбек Махмуд Торобий тўғрисида, Хамид Олимжон Муқаннаҳа ҳақида, Шайхзода Чингизхон босқинига қарши жангда қаҳрамонлик намунасини кўрсатган хоразмлик ватанпарвар Жалолиддин ҳақида драматик асар яратдилар. 1944 йил 26 декабрда Академик драма театрида сахналаштирилган «Жалолиддин Мангуберди» фожиаси халқнинг меҳрини қозонди.

Шайхзоданинг 9 май кунidaги оилавий ҳаётини Наим Каримов ўз романида батафсил тасвирлаган.

«Сакина! Ғалаба! Болаларни уйғот! Байрамни бошлаймиз!» — деди у рафиқасига қувончи ичига сиғмай. Лекин болалар (Алима билан Расим) оталарининг шодон қийқиригидан аллақачон уйғониб кетган эдилар. Сакинаҳоним дастурхонни безашга киришди... Шайхзода патефоннинг қулоғини буради. Тантанавор куй хонани тўлдириб юборди... Ярим тун бўлишига қарамай, шоир телефон гўшагини олиб, дастлаб Ойбекнинг, сўнгра Ғафур Ғуломнинг хонадонига телефон қилди. Хали Ғафур Ғулом билан гаплашиб улгурмаган эди, телефонист аёлнинг: «Илтимос, линияни бўшатинг. Ҳозир сизни марказком котиби билан улайман» деган жумла, сўнгра У Юсуповнинг овози эшитилди: «Эшитдингми. Шайх, уруш тугади! Биз ғалаба қозондик!.. Бу Ғалабада сенинг ҳиссанг ҳам оз эмас! Энди ғалаба ҳақида ёз!»

Сакинаҳоним бу сўзлардан кейин эрининг ёзув столига ўтириб ишлашини яхши биларди. Болаларни етаклаб ичкари кириб кетди, шоирни ўз ҳаёллари билан ёлғиз қолдирди. Шу тариқа унинг «Шу соатда» шеъри туғилди.

Уруш тугагач орадан икки йил ўтар-ўтмас Ўзбекистонда бир неча «ёзувчилар» (аслида, диверсиячилар) пайдо бўлди. Улардан бири Владимир Мильчаков эди. У олдин «Фрунзовец» газетасида адабий ходим, кўп ўтмай Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб ёрдамчиси, сўнгра партия ташкилоти котиби бўлиб ишлай бошлади.

1946 йилнинг кузида Ёзувчилар уюшмасининг пленуми бўлиб ўтди. Марказком котиби Усмон Юсупов пленумда катта нутқ сўзлаб, Насрулло Охундий, Назир Сафаров, Зиннат Фатхуллин, Туйғунларни (булар ҳаммаси НКВДнинг штатсиз ходимлари эди) ижодий фаол эмасликда айблаб, уларни Шайхзодадан ибрат олишга чақирди. Шундан кейин Шайхзодага муносабат кескин ўзгаради. «Жалолиддин»да феодал ўтмиш идеаллаштирилган, деган «кип-кизил бемаъни гап» чиқиб кенг қанот ёза бошлайди. Мильчаков Шайхзоданинг Доғистондаги фаолиятини кавлаштиришга киришди, М. Адамович дегани 1943 йилда, Тошкент эвакуация қилинган фуқаролар ташвиши билан яшаётган ва ҳар бир қарич жой ҳисобда бўлган бир пайтда Шайхзодага беш хонали уй-жой берилгани ҳақида мақола ёзди, Марказкомнинг тарғибот-ташвиқот бўлими мудир М. Швердин матбуот сектори ходими Одил Раҳимийга уюшма фаолиятига қора чапловчи мақола ёзиб, «Литературная газета»га юборишни топширди ва ҳоказо. Йш 1952 йил 20 сентябрда Шайхзоданинг ҳибсга олиниши билан тугади. Сиёсий маъбусларнинг қамокдаги ҳаётлари ҳақида қўп маълумотлар эълон қилинган, шунинг учун биз бу масалаларга тўхталмаймиз. Фақат бир фактни айтиб ўтиш ўринли деб ўйлайман.

Бир куни Сакинаҳоним Шайхзода билан кўришишга эришганди.

— Ёзувчилар уюшмасида К. мени ўз хузурига чорлаб, Уюшма номига эрингиз тўхмат билан камалгани ҳақида ариза ёзиб келинг, мен Шайхни чиқаришга ёрдам берман деди, — дея бир янгиликни айтди.

Шайхзоданинг пешонаси тиришади. Яқингинада Нозим Хикматнинг «Шубҳа» деган шеърини таржима қилган эди. Бу шеърни Нозим Хикмат турмадалигида хотини Пиройяхоним кўргани келгани ва ундан Нозим билан кўришиб туриш учун турма нозиридан рухсат сўраганини айтганда ёзган эди. «Бўғаман» деб тугар эди шеър. Ўшани ўқиб бергиси келди, бу Сакинага қаттиқ тегишини ўйлади. Бироздан сўнг салмоқ билан гап бошлади:

— Сакина, эсингдами, бир кун Вольтернинг «Соддадил» қиссасини бирга ўқигандик. Бошланиш қисмлари анча юморли бўлса ҳам, охири фожейи эди. Оқар сув ўртасида яланғоч йигит, уни кузатиб ўтирган икки ёш киз...

— Эсимда, ўша Соддадилни яхши кўриб қолган кизнинг оти Сент-Ив эди.

— Сент-Ив нима учун ўлгани ҳам эсингдами?

— Соддадилни камокдан қутқариш учун хиёнатга рози бўлгани... Бўлди, бошқа гапирма... Ҳаммасини тушундим... Сен чикқунингча, хоҳласанг ундан кейин ҳам уюшмани унутаман. Телефонга — қулоғим кар... — деди Сакина. Шайхзода уни бағрига олди, кўзларидан ёш куйилди...

1954 йил 4 июнда Шайхзоданинг «жиноий иши»ни тўхтатиш ва уни озод қилиш тўғрисида қарор чикди. 13 йил гўзал ижод билан машғул бўлди.

Улуғ қаламкаш 1967 йил 19 февралда вафот этди. Бир неча йилдан сўнг Шайхзодани ҳеч унута олмаган Сакина-хоним рухий касалликка йўлиқиб оламдан ўтди.

Шайх ака ва Сакина опа ҳақида бир қатор муаллифларнинг хотиралари бор. Бошқалардан ўзим эшитган айрим хотираларни келтираман.

«Фунча» журналида ишлаган кезларим бирда-ярим ишхонамизга Шукрулло ёки Шухрат акалар келиб қолганида, «Гулхан» муҳаррири Эркин Жабборов, шоир Неъмат Тошпўлат катагон қурбонларидан сўз очиб қолишарди. Эсимда, бир дафъа Неъмат ака Усмон Носирнинг «Нахшон» достонини бошдан-оёқ ёддан ўқиди. Кейин Эркин Жабборовнинг жасорати билан Ўзбекистонда биринчи бўлиб Усмон Носирнинг шеърлари чиқарилди.

Бир гал Шукрулло ака турмада «Шайх ака» билан қандай учрашиб қолганини ҳикоя қиларкан, суҳбат нишаби Шайхзодага қараб кетганди:

— Бир куни турма ҳовлисида офтобда қуритиш учун ипга осиб қўйилган қўйлакка кўзим тушди, «худди Шайх аканинг қўйлагига ўхшар экан», — деб ўйладим, қарасам, ёнимда ўзлари турибдилар. Ўзи Тошкентда Шайх акадан бошқа кишида бундай қўйлак кўрмагандим. Кучоклашиб

кўриша кетдик. Бошга тушган савдолар, терговлар, гувоҳлар — ҳеч гап қолмади.

— Жуда ажойиб, бағри кенг одам эди-да Шайх ака раҳматли... Бир куни, кейинги йилларда, «Сиз қамалган пайтингизда Фафур Фулом сизга ҳам, Сакинаҳонимга ҳам яхши муносабатда бўлмаган», — десам, «Э, Юсуф эмчи ўғиллари, унинг ихтиёри ўзида бўлмаган у пайтда», — дедилар. «Унинг ихтиёри ўзида бўлмаган» деганининг маъноси шуки, у бошқача йўл тутушга ожиз эди. Аммо ҳибсдан келганидан сўнг у келиб кучоқлаганча: «Шайх, сен йўқлигингда ўлай деб қолдим», — дея бағрига босганди. Мен бунга ишонаман.

Яна бир сафар «Мен ёзувчилардан бу қадар бағрикенг фақат уч кишини биламан — Ойбек, Шайхзода ва Одил Ёқубов», — деганди Шукрулло ака.

Мен ҳам Шайх ака ҳақида шу фикрда эдим ва шундай шеър ёзгандим:

*Кўкси баланд эди тириклигида,
Кенглик жойлашганди кўксига.
Душманлик йўқ дерди (буюқлигидан),
Ишонарди инсон наслига.
— Душманинг кўп, — дерди хотини.
— Кўй, — дерди, — Сакина, ҳаммаси одам.
Улар ҳам қийналар, лочиним,
Улар ҳам ухлашмас хотиржам.*

Фафур Фуломнинг қизи Олмосхон Шайхзодани шундай хотирлайди:

— Сакина опа билан Шайх ака бизникига кўп келишарди. Мен туғилганимда, ҳатто шу кизни менга беринглар, Ўзбекистоннинг энг зўр қизи қилиб тарбиялаймиз, деган эканлар. Дадам билан ойим рози бўлишса ҳам, бувим қўнмабдилар. Бирибир, Шайх ака доим: «Олмос мани қизим», — деб эркалар, ҳар хил ширинликлар беришдан зерикмасдилар. «Ўз болалари йўқмиди?» — десам, Олмосхон: «Тошкентга янги келган, ҳали ҳеч кимни танимайдиган чоғларида Сакина опа бир ҳомилали бўлган эканлар,

эр-хотин ҳали кичкина бир хонада туришгани учун уни олдиришган, кейин уйлари етарли бўлганда бола кўришмабди. Шайх ака қайнопаларининг бир ўғил, бир қизини асраб олди, оқ ювиб, оқ тараб ўшаларни катта қилишди».

Ўзбекистон Қаҳрамони Суюма Ғаниева ҳикоя қилади:

— Бир йили Москвада Шайх акалар билан бир меҳмонхонада тургандим. Сакина ҳар куни малина, қорағат каби ўрмон меваларидан териб келар ва шакарлаб банкалар йиғарди. Шайх ака: «Суюмахон, менга иш орттириб қилаётган ишини қаранг», — дедилар. «Сизни севадилар-да, соғлигингизни асраш учун қиладилар», — дедим. «Жуда фасоҳатли аёлсиз», — деб кулиб қўйгандилар ўшанда.

МИРТЕМИР билан ҲАЛИМА РАҲИМОВА

Жаҳонда XX асрнинг энг кўп ўқилган ёзувчиси Чингиз Айтматов шундай ёзади:

«Биз Миртемирни ҳамиша машҳур қаламкаш салафлари қаторида барҳаёт деб биламиз. У биз учун Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода ва ўзбек адабиётининг катта авлодига мансуб бошқа санъаткорлар билан ёнма-ён туради».

Озарбайжон халқ шоири Сулаймон Рустам эса: «Миртемир деганда кўз ўнгимизда пок калбли, юксак маданиятли, виждони беғубор, олижаноб ва самимий инсон гавдаланади. Унинг асарлари ана шу софликдан, Ватанга, халққа, қардошлигимизга ҳадсиз садоқат ҳиссидан туғилган шеърӣ дурдоналардир», — дейди.

Аммо «Қизил империя»нинг ғаройиб бир хусусияти бор эдики, у ўзининг энг содиқ фуқароларини ҳам, агар шуҳрат топган ва истеъдодли бўлса, оддий одамдай яшашига йўл қўймас эди. Имкон борича оиласини бузар ва турмага тикарди.

1932 йил 7 август кечаси соат бирда Миртемир сиёсий идора томонидан қамокқа олинди. Эндигина 22 ёшга кирган шоирнинг бу пайтгача «Шуълалар қўйнида», «Зафар», «Қайнашлар», «Бонг» каби шеърӣ тўпламлари чоп этилган эди. Бу тўпламларни диққат билан ўқиб чиқсангиз, лоақал бир сатр ҳам тушунчага қарши сатрни учратмайсиз. Ўзи ёшлар ташкилотининг аъзоси, ёш бир раққосага уйланган ва бир қизчаси бор эди.

«Туғилган жойим Қоратоғ этаклари — кўклам тошқинларидан лабларини ҳўллаб олгувчи сойлар, қизғиш қирлар ва чексиз сайхонлар, онда-сонда бир учрайдиган муз бўлоқлар. Тошқинлардан қолган кўллар...

1910 йили, бугдой ўроғида шу кишлоқда (Ийқонда) туғилибман» (Миртемир, «Дўстлар даврасида»).

Демак, Миртемир таваллуди 1910 йил пичан ойи, Туркистон, Иқон кишлоғи. Эски тақвимларда «бугдой ўроғи» пичан ойи дейилган, бу июль-август ойларига тўғри келади. «Кишлоқ ўртасидан Чимкентга катта йўл ўтади, нима учундир қора йўл дейишади», — дейди Миртемир домла.

Тўхташ Мамаевнинг «Иқон ва иқонликлар» китобида «Иқон» сўзини «кон» сўзи билан (гўё конлар шаҳри), урушларда итлар ҳам қатнашгани учун «ит» сўзи билан (гўё «Итқон» бўлгани билан) боғлайди. Бир гуруҳ хоразмликлар Яссига келиб, паноҳ сўраганларида, яссиликлар уларнинг қанчалик ишончли эканини синаш мақсадида ўн кишига от ва олтин-кумуш, жавоҳирлар бериб, сотиб келиш учун қаергадир юборишади. Натижада, синовдагиларнинг ҳалоллиги ўз исботини топади ва уларга «Ийқон» деган унвон берилади. Бу ривоят маъно жиҳатдан ҳақиқатга тўғри келади. «Иқон» асли «Ийқон» сўзига эгизак-да, — деганлар Миртемир домланинг ўзлари ҳам. — ...«ишонишлик» дегани. Чиндан ҳам «Ийқон» «Ийиқон» дегани бўлиб, «ийи» сўзи туркийчасига «яхши» дегани, яъни «қони яхши, ишонса бўладиган» маъноларига эга.

«Отам деҳқон ва чорвадор, она томондан бобом — мулла, мактабдор. Ота томондан бобом — узун бўйли, полвон жуссали, қизил юзли киши эди. Она томондан бобом — ўрта бўйли, чарақлаган қора кўзли, қора ва чечан одам эди».



Филология фанлари доктори, профессор Наим Каримовнинг «Миртемир» номли маърифий-биографик романида шоирнинг аммаси Биби Сахро томонидан айтилган ушбу сўзлар келтирилади: «Мохируй кеннойимизнинг дадалари Исомиддин хожи Миртемиржоннинг иштиёқини кўрдилар-да, ўз тарбияларига олдилар. Унинг диққатини ўқиш-ёзишга тортдилар». Шундай қилиб, Миртемир тўрт ёшларидан бобосининг мактабида ўқиди. Кейин қишлоқда очилган нўғай домла Асфандиёр мактабига ўтди. Домласининг хотини Хуршида хоним қизлар мактабини юргизар, ўта маданиятли аёл бўлиб, Тўқай шеърларини ёд ўқиркан. Бўлажак шоирнинг мактабда фақат саводи чиқибгина қолмай, шеърый диди ҳам куртаклаган эди.

У 11 ёшида Тошкентда ўқиш учун кечаси уйдан қочиб кетади. Нимага қочиш фикрига келади?! Тўғрилиқча отасидан дуолар олиб кетса бўлмасмиди?

Миртемир «Қозоқ халқининг улуғ шоири» (1945) маколасида ёзади:

«Абайнинг отаси Қўнанбой қаттол, қадалган жойида қон оладиган, ўжар сахро ҳокими эди. Абайнинг ёшлиқ йиллари мушкул оилавий жанжаллар ичида ўтди. Чунки Қўнанбойнинг тўрт хотини бўлиб, оилада тез-тез ғавғо кўтарилиб турар, бу эса бўлажак улуғ шоирга қаттиқ ранж, беомон ғусса ва дилни пора-пора қилувчи қайғу берар, уни йиғлатаар, теран хаёлларга солар эди. Аммо Абайнинг онаси Ўғилжон ўз ўғлининг зийраклигини тез пайқаб олди ва унга алоҳида меҳр қўйиб, аяб-эркалаб, бошқа болалардан кўра яхшироқ тарбиялай бошлади» («Дўстлар даврасида», 89-б.).

Миртемирнинг отаси Турсунмуҳаммад ҳам, Қўнанбойга ўхшаб, тўрт хотин олган, онаси Мохируй тўнғич хотини эди. Яна қозоқ, татар ва ўзбек хотинлар. Оиладаги вазият деярли Қўнанбойларники каби эди. Шунинг учун Миртемир кейинчалик Абайлар оиласи ҳақида тўлқинланиб ёзган эди.

11 ёшида онаси Миртемирни Тошкентга ўқишга юбормокчи бўлганида, иккала бобоси ҳам, отаси ҳам қаршилиқ кўрсатишган эди. Шунинг учун онаси «куз

кунларининг бирида, ярим кечаси Баҳром амакиси билан бирга яширин равишда» жўнатиб юборди. Н. Каримовнинг ёзишича, «Моҳирўй ая кўзёш тўкиб, ўзи тиккан белбоғни «Ой бориб, омон кел!» — деб ўғлининг белига маҳкам боғлаб қўйди. Белбоққа она юрагидан отилиб чиққан сатрлар ипак билан тикиб ёзилган эди:

«Назар қилсам, ичим ҳасрат билан битганга ўхшайди,
Бу дунё можароси мени нотавон этганга ўхшайди.
Нестай, замона зайли шул эркан, аё биродарлар,
Қоп-қаро соч оқариб, пилигим битганга ўхшайди».

Орадан 55 йил ўтгач, Миртемир бу кунни эслаб:

...Аравасин қўшганида амаким
Онам юм-юм йиғлар эди, жигар хун...

Пичирларди: «Майли, мулла бўлиб қайт,
Зора келса, мен ҳам жиндак яйрар пайт.
Болагинам, кўрмай сенинг доғингни,
Белбоғингга тумор тикдим, қўшиб байт

деб ёзганди.

Тошкентда икки йил Алмаий номидаги иш мактабида, сўнг Ўлка ўзбек эрлар билим юртида ўқиди. У ерда Абдулла Авлоний, Миролим (Олим) Шарафиддинов, Қаям Рамазон, Ойбек сингари оташин маърифатпарварлар ишлашарди. Улардан жуда чуқур билим ва яхши тарбия олди. Кутубхонада китоблар қўп бўлса-да, бунга қониқмасдан синфдошлари билан «Турон» кутубхонасига ҳам тез-тез бориб турарди. Бу китоб маскани Туркистоннинг ўша пайтдаги энг илғор зиёлилари Мунаввар Кори Абдурашидхонов, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва бошқаларнинг шахсий маблағлари, совға қилган китоблари, катта-кичик ёрдамлари билан ташкил қилинган эди. Бу ерда татар, турк ва озарбайжон тилларида китоблар, журналлар қўп бўларди, Миртемир уларни ташналик билан ўқирди. Ундан ташқари билим юртида рус тили ва адабиёти ўқитувчиси В. Пальмин унинг қалбида Пушкин, Лермонтов, Некрасов шеъриятига

муҳаббат уйғотган эдики, кутубхонадан рус классиклари асарларини ҳам «таталаб, ўқигани-ўқиган» эди.

Билим юртида ёшларнинг «қувнок, тадбиркор, топқир ва йирик етакчиларидан бири» (Миртемир) Сотти Хусайн ҳар жума оқшоми халқаро аҳвол ҳақида маъруза ўқир ва йиғилиш, кўпинча, қизғин суҳбатларга айланиб кетарди. Ёшларнинг газеталарда босилган шеър ва хикоялари ҳам четда қолмас эди. Кейин «Ёш ленинчи» газетаси ташкил қилиниб, унга Сотти Хусайн муҳаррир этиб тайинланганда, у билим юртидаги ёш қаламкашларни газета атрофига тўплади. 1926 йили Миртемирнинг биринчи шеъри шу газетада дунё юзини кўрди. Кейин газета таҳририяти қошида иш бошлаган адабий тўгарак биринчи маҳсули «Кўрмана» тўпламини чиқарди ва унда Сотти Хусайн Миртемир шеърларига эътиборни тортиб, уни мактаган эди. Сўнгра 1928 йили шоирнинг «Шуълалар қўйнида» номли биринчи сочма шеърлар тўплами чоп этилди. Унга ҳам Сотти Хусайн сўзбоши ёзган.

Хозирги замон қарашларига кўра, Миртемирнинг ўша тўплами ҳам, Сотти Хусайннинг алқашлари ҳам қийматини йўқотган ва «Миртемирни шўро мафкураси билан заҳарлана бошлаган шоир сифатида алқаш билан баробар» (Н.К.) бўлса ҳам, ўз даврида бу жуда катта баҳо эди ва атрофдаги ижодкорларнинг рашкини келтирар, шоирга қарши кайфият уйғотарди. Бу ҳол тезда ўзини кўрсатди. Миртемир ва С. Хусайнга ҳужум қилувчи мақолалар матбуотда устма-уст чиқа бошлади.

Бу ҳужумларга жавобдай Сотти Хусайн тўрт ёш ёзувчи учун катта саёҳат уюштирди, улар орасида Миртемир ҳам бор эди. Саёҳатчилар Туркменистон тупроғидан ўтиб, Хазар денгизи орқали Бокуга боришди. Жаъфар Жабборли, Сулаймон Рустам, Миржалоллар билан кўришди, шеърхонлик қилишди, баҳслашишди, Миртемирга бу учрашувлар унутилмас хотира бўлди. Кейин Козонда Хасан Тўфон, Кутуй, Аҳмад Исҳоқ ва бошқалар билан дийдорлашувлар сабоқ устига сабоқ бўлди. Сўнгра 1929 йилда шоирнинг «Зафар» тўплами босилиб чиқди. Шу йили март ойида билим юрти-ни тугатганидан сўнг, С. Хусайннинг маслаҳати ва ёшлар

ташкилотининг йўлланмаси билан 1925 йилдан Ўзбекистоннинг пойтахти бўлган Самарқандга бориб, республика Марказий Ижроия комитети раиси Й. Охунбобоевга туртинчи котиб бўлиб иш бошлади. Аммо на янги лавозим ва на ижодий ютуқлар унга тинчлик ато эта олмади. Унинг бутун ижодини тафтиш этишлар ва қандай бўлмасин уни ёмонотлик қилишга уринишлар бутун бошли бир жабха тусини олганди. Аммо ана шу энг хатарли йилларда унинг юрагида алангали муҳаббат оловлари авж олдики, шу туфайли у ўзини эркин ва бахтли хис эта бошлади.

Ҳалима исмли қаламқош пари

Самарқандга ўша йилларда бутун марказий давлат ташкилотлари билан бир қаторда адабиёт ва санъат тамсилчилари ҳам кўчиб кела бошладилар. «Шулар орасида машҳур халқ ҳофизи Кори Ёқубов ҳам бўлган. У 20-йилларнинг ўрталарида республика шаҳар ва қишлоқларини кезиб, халқ орасидан этишиб чиққан истеъдод соҳиб ва соҳибаларини тўплаб, 1926 йилда биринчи этнографик ансамблни тузган, 1929 йилда эса шу ансамбль заминида биринчи ўзбек мусикали драма театрини ташкил этган» деб ёзади Наим Каримов «Миртемир» асарида.



Самарқандда биринчи сахна асари Бехбудийнинг «Падарқуш» драмаси бўлиб, у 1914 йилнинг 15 январида қўйилганди. Кейин Фитрат, Ҳамза, Чўлпон ва бошқаларнинг асарлари сахнага қўйилган, аммо мусикали драма асарлари сахналаштирилмаган эди. Энди сахнадан туриб спектакль ва концертлар билан томошабинларни лолу ҳайрон этардилар. Ўзи мусикали драма жанри қўшиқлари (ариялари) ва рақслари билан ажралиб туради-да!.. Тасаввур қилинг: аёллар паранжида юрадиган замон бўлса, аёл зотини биринчи марта фақат чимилдикда кўрадиган эркакларимиз, ёш йигитлар

ва хатто катта ёшли кишилар ҳам сахнада харир қўйлакли гўзал хотин-қизларни кўриб, уларнинг гўзал муқомлари, нозларидан, овозлари ва ажойиб хатти-ҳаракатларидан ўзларини йўқотиб қўяр даражага тушмайдиларми? «Тоҳир ва Зухра», «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» спектаклларини кўраётган томошабинлар ўзларини Тоҳир, Фарход ва Мажнун деб ҳис қилмайдиларми? «Қаро сочим ўсиб қошимга тушди» ёки «Юрагим жигиллайди, ёр келганга ўхшайди» дея тиниқ ва кучли овоз билан қўйлаётган Ҳалима Носировани тинглаганида ва сахнада кўрганида Яшиннинг юраги нақ тўхтаб қолгудай бўлар, у билан бир оила бўлмаса ортик яшай олмаслигини англаб эди. Шу боис тез орада унга уйланди. Насрулло Охундий эса «Лазги» рақсининг ижрочиси Розия Каримованинг ўтли ҳаракатларига ошиғу беқарор бўлди ва унга уйланди.

Миртемирнинг хаёлини Ҳалима Раҳимованинг рақслари, нозик ҳаракатлари банд этиб қўйди. Чунончи, «Тановар» рақсини Тамарахоним ижросида ҳам томоша қилган ва ўзгача бир завқ олганди. Аммо бу кичкинагина жуссали, буғдойранг, «қалам қошли» «пари»нинг ҳаракатлари бутунлай бошқача эди ва Миртемир шу оддийгина қизнинг суратию сийратида гўзал бир дунё, бетакрор назокат мавжудлигига ҳайратланар ва ҳар гал уни сахнада кўрганида юраги бетоқат бўларди. «Ошиқ йигит» спектакль ва концертлардан кейин сахна ортидаги майдонда унинг чиқиб кетишини кузатадиган одат чиқарди. Аммо Ҳалима сахна ортидан ё Қори Ёқубов, ё бошқа ёши каттароқ бирон киши билан бирга чиқар, улар раққосани ётоқхонасигача кузатиб қўйишарди. Миртемир ҳам кузатишдан зерикмасди. Ниҳоят бир куни уни ёлғиз учратишга муваффақ бўлди.

— Ҳалима! — чакирди йигит.

Ҳалима тараддуд ичида тўхтади.

— Мени чакирдингизми?

— Ҳа, — деди ва унинг қаршисига келиб тўхтади. Аммо нима дейишни билмай каловланди.

— Нима дейсиз?

Хамон индамай турарди. Ниҳоят, тилга кирди:

— Биласизми, Ҳалима, сиз сахнада пайдо бўлишингиз билан юрагим «гуп, гуп, гуп, гуп» этиб уради, — муштини юрагига уриб-уриб кўрсатди.

— Бунинг менга нима алоқаси бор? — деди кулиб қиз.

— Бор, алоқаси бор. Мен сизни севиб қолдим...

— Сахнада бир-икки кўрган одамани севиб қолиш, бемалол унинг йўлини тўсиш мумкин деб ўйлайсизми? Сиз кимсиз ўзи, мен сизни танимасам-билмасам...

— Мен шоир Миртемирман.

— Нима бўпти шоир бўлсангиз? — дея унинг гапини бўлди қиз ва зипиллаб ётоқхонаси томон йўл олди.

Миртемир ортиқ бир сўз деёлмай қолиб кетди, бироқ таслимликни тан олмади. Яна Ҳалиманинг йўлларини пойлашда давом этди. Энди ҳар келишида қўлида икки китоби — «Шуълалар қўйнида», «Зафар» ҳамда газеталарда чиққан шеърлари ва сурати бўларди.

— Сиз у кунни мени нотўғри тушундингиз, менинг ниятим сизни йўлдан уриш, ёмонлик, бузуклик эмас. Мен сизга уйланмоқчиман, — деди. — Мана булар менинг китобларим, бу газеталарда чиққан шеърларим. Ўзим Ўзбекистон Марказий Ижроия комитети раиси Йўлдош Охунбоевнинг тўртинчи котибиман... Жаҳлингиз ҳам ўзингизга ярашар экан. — Тўғри, сиз мени танимайсиз, мен ҳам сизни яхши биламан, деёлмайман. Майли, бир-биримизни таниб олиш учун жиндай дўстлашиб кўрайлик. Бу пайтда мен сизга тирноғимни ҳам теккизмасликка ваъда бераман.

Шу тариқа уларнинг ўртасида дўстлик ришталари боғланди.

Ўша даврдаги Ҳалиманинг сахнадаги портрети кейинчалик шоирнинг «Сурат» достонида шундай аксланган:

Хипча белга боғлаб яшил ранг камар,
Гуллар-чечаклардан тақсин гулчамбар,
Тенги кам ўйинчи, тенги кам дилбар...
Томошага келиб осмон ўйнасин.

Хамма юмушлар каби раққосанинг сахнадаги ижролари ҳам уни ҳоритиши мумкинлигини англаган шоир ёзади:

Оқшом тушар, ўнгу сўлда
Оппок-оппок хирмонлар;
Тинмай ўтар катта йўлда
Хирмон юкли қарвонлар.
Тўлиб кетар қўкка юлдуз...
Келинлар соч тарашур:
Сен ҳам хорғин, сочи қундуз,
Сенга хордиқ ярашур...

Шунингдек, болага қарата айтилган «қийик қўзлар», «қуюқ киприклар» ҳам, аслида, Ҳалима портретининг чизгиларидир.

Киз билан йигит орасида бўладиган дўстликнинг аксарияти севгига айланиб кетиши ҳам одамзодга хос хусусиятдир. Орадан бирмунча вақт ўтгач, йигитнинг кизга «сочларим тўзғит бир дам», — деб ёлвориши шундан далолатдир.

Худди шундай эрта баҳорда
Учрашгандик икков кечқурун.
Айрилгандик эрта саҳарда,
Хали иссиқ кўринур ўрин...
Хамон ўша чинор — ям-яшил,
Дарё бўйи — зумрад соябон...

Ёки:

У кез учратардим сени панада.

Дилда ёниш борди, ёниш ва ёниш

каби сатрлар эса уларнинг муҳаббат қошонасига кирганларини қўрсатарди. Хуллас, 1929 йилда бошланган севги қиссаси 1931 йилнинг апрель ойида никоҳ тўйи билан энг масъулиятли фаслни бошлаб берди. Бу пайтда куёвнинг ҳам, келиннинг ҳам Самарқандда уйлари бўлмаганини ўқувчи ички туйғу билан ҳис қилган бўлса керак. Ҳалима театр ётоқхонасида, Миртемир Уста Олим Комиловнинг ховлисида турарди. Тўй Уста Олимнинг ховлисида бўлди. Унда барча ижод аҳли, шу жумладан, барча раққоса ва хонанда, созанда ва машшоқлар, Тама-рахоним, Ҳалима Носировалар ҳам қатнашди. Бу пайт-

да энди Самарқанд эмас, Тошкент республика пойтахти бўлган эди. Йўлдош Охунбобоев уйини келин билан қуёвга қолдириб, ўзи оиласи билан Тошкентга кўчиб кетди.

Наим Каримов ёзади:

«Миртемир уйли-жойли бўлиши биланоқ Ийқондан онаси Моҳирўй, синглиси Маҳфуза ва иниси Мирсаидни олиб келди. У илк бор бағри бутун бўлиб, бу дунёга келгани ва бахтли тақдирга муяссар бўлганига шукроналар айтиб яшай бошлади».

Орадан тўққиз ой ўтгач, улар бир қизлик бўлиб, отини Клара қўйдилар. Ҳалима Раҳимованинг Н. Каримов билан суҳбатида айтишича, уйларида «севги ва ўзаро ҳурмат ҳукмрон» бўлган экан.

Муҳаббат иморатининг қулаши

«1932 йилнинг 7 август кечаси соат бирда сиёсий идора томонидан қамокка олиндим. Уйда онам, синглим, иним, ўртоғим ва қизалоғим қолди» деб ёзади Миртемир эсдаликларида. Бу пайтда онаси 40—42 ёшларда, Ҳалима 19, Мирсаид 15, Маҳфуза 9 ёшда, Клара 7 ойлик гўдак эди. Мирсаид Самарқанддаги индустрия техникумида, Маҳфуза эса таълим ва тарбия билим юртида таълим олаётган эдилар.

«Ўша мудҳиш кун... Миртемирнинг китоб ва қўлёзмаларини олиб кетмоқчи бўлишди. Шунда унинг жаҳли чиқиб, бу қўлёзмалар орасида менга бағишланган шеърлар ҳам борлигини, уларни менга қолдиришлари лозимлигини айтди. Лекин бунга парво ҳам қилмадилар. Шоирнинг китоб ва қўлёзмаларини ҳафсала билан тўпладилар-да, чойшабга ўраб, ўзлари билан бирга олиб кетдилар», — дейди Х. Раҳимова Н. Каримов билан суҳбатда.

Миртемир турмага келтирилган кундан бошлаб қандай айби борлигини айтишларини талаб қила бошлади. Аммо тўққиз кунгача «айтамин» деб «сукут сақлаб» юравердилар.

Нихоят, 16 августда тергов бошланди. Миртемирнинг отаси бир неча йил аввал «қулок» қилинган, шу кунларда махбусликда жазо муддатини ўтаётган экан. Терговчи унга Б. И.нинг кўрсатмасини берди:

«... Миртемир — Ботунинг шогирди. У шу миллатчилар билан бир қозонда қайнаб, бир ариқдан сув ичган. У С. К.нинг хибсга олинганини эшитиб, жуда қўрқиб кетди. Ботуни сотди, деб дўсти Хамид Олимжонга маломат тошларини отиб, ўзининг хибсга олинишини кутарди. Унинг айтишича, Охунбобоевнинг шахсий котиби бўлиб ишлашига Боту тавсия берган... «Мен Охунбобоевнинг аксар мақолаларини ёзардим, Боту эса уларни таҳрир қиларди», — дер эди у.

Миртемир бир пайтлар Амиров, Иса Аҳмедов, Муқимовлар билан яқин алоқада бўлган. Улар қарийб ҳар куни ичкиликбозлик қилишган. Уларнинг баъзи бир ўтиришларида мен ҳам қатнашганман. Миртемир ичкиликбозликлар орасида ўзининг миллатчилик руҳидаги шеърларини ўқирди...»

Хуллас, Миртемир «Самарқанддаги яширин аксилин-килобий ташкилот раҳбари Боту билан алоқадорлик» ва миллатчилик руҳидаги шеърлари учун айбланаётган экан.

Ботунинг камалиш тафсилоти эса мана бундай бўлган эди:

«1930 йил 23 июнь куни Андижон вилояти халқ маориф бўлим мудирин Носир Саидов Самарқанддан поездда келатуриб, Тошкентда акаси Обид Саидовникига кириб ўтмоқчи бўлган, кимлар биландир уникида меҳмон бўлиб қолган. Уй бекаси уларни лағмон билан меҳмон қилган. Сўнг уйкуга кетганлар. Бир вақт Обид Саидов безовталаниб, охири вафот этган.

Носир Саидов мурдани суд-тиббиёт текширувидан ўтказишни талаб қилган. Биринчи текширувда ҳеч қандай айб топилмаган. Носир Саидов иккинчи текширувни талаб қилган. Шунда марҳумнинг ошқозон-ичак деворчаларида захар излари борлиги маълум қилинган. Акаси Обид Саидов ГПУ айбқоччиси бўлиб, яқинда бир гуруҳ зиёлиларни қаматган эди, шунинг учун бу ўлимга сиёсий тус

берганлар. 20 нафар киши қамокқа олинган, Боту уларнинг раҳбари сифатида айбланган эди (Наим Каримов, «XX аср адабиёти манзаралари»).

Миртемир Боту давлатнинг расмий кишиси бўлгани, у муҳаррирлик қилган «Аланга» журналида қатнашгани ҳам, «Қизил қалам» уюшмасида котиблиги ҳам очиқ ва расмий бўлганлигини айтиб, бўйнига қўйилаётган айбни инкор этган. Аммо 1930 йили «Сулаймон Амиров раҳбарлигида миллатчилик, аксилинкилобчилик гуруҳини ташкил этиб, бир-бирларининг уйларида навбатма-навбат «гап» уюштирганлар. Бу «гап»ларда аксилинкилобий суҳбатлар ўтказилган» деган айблов ҳулосасига асосланиб, беш киши, шу жумладан, Миртемир ҳам 3 йиллик қамокқа, 1 киши 3 йиллик сургунга, яна 1 киши икки йиллик қамокқа ҳукм қилинади. Баравар қамокқа олинган икки нафар «маҳбус» озод қилинади.

Миртемирнинг қиёфасида ҳам, саҳиясида ҳам бир ажойиб назокат ва яхшилик аломатлари бор эдики, у билан илк бора гаплашган одамда бир ийиш, меҳр уйғонарди. Одатда, қамокхона ва лагер бошлиқлари раҳм-шафқат нималигини билмайдиган, маҳбусга тирноқча яхшилик қилишни хоҳламайдиган ёғоч каби дағал кишилар бўлади. Ҳатто ўшалар ҳам Миртемирга ора-чора ижарага олинган уйига бориб, хаста қизи, хотини ва касалхонага ётқизилган онасини қўриб келишига руҳсат беришарди.

«Ўша йилларда Қўйликдаги меҳнат-тузатув лагерида маълум даражада эркинлик бўлган», — дейди профессор Наим Каримов. Менга қолса, яна Миртемирнинг лагерда ўз зиммасидаги ишини виждонан ва очиқ юз билан бажаришлари ҳам ижозатларга йўл очган. Маҳбуслар пахта заводларида, чопиқ ва суғориш, юк ортиш ва юк тушириш каби ишларда хизмат қилганлар. Миртемир шундай оғир юмушларни гинг демай, чин юракдан, ҳалол бажарар ва ўзи билан ишлаётган кишиларнинг кайфияти тушқун бўлмаслигига катта ҳисса қўшарди.

1933 йил 9 июль куни уйига борди. 7 августда яна бир борди. Бу ҳақда «Эсдаликлар»ида шундай деб ёзган эди:

«8.VIII.33. Бу кун хибсга олинганимга роса бир йил тўлди... Кеча «уй»га бориб келдим... Халима маҳкам қўришадир. Онам касал. Маҳфуза, Клара орик. Кампир хурсанд!»

Бу ердаги «Кампир хурсанд» жумласи бироз изохталабдир. Гап шундаки, «Халима Тошкентга кўчиб келиши билан Фарғонадаги онасини чақиртириб олган, у эса ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб, Миртемирнинг бутун кийим-бошларини сотиб юборган, китобларини йўқотган, унга тегишли асбоб-ускуналарнинг тагига сув қўйган эди» (Н.Каримов).

Кундаликнинг яна икки саҳифаси:

«26. IX. 33.

Бугун уйга бордим: Клара касал, у мунгли ва аламли боқадир. Халима Москвада... Эҳ, сен шафқатсиз она, кимга ишондинг болани?»

«27. X. 33.

Клара 2. X. да ўлди.»

Онаси эса 5 октябрда оламдан ўтди (орадан қарийб ўттиз йил ўтгач, 1960 йилда Миртемир мусибат ва илоҳсизлик ҳақидаги «Онагинам» шеърини ёзди).

Аммо Миртемир бу вақтларда ҳам, 1934 йил 18 июлда бошланган Москва яқинидаги Дмитров шаҳрига этап қилинган йилларда ҳам юрагининг ич-ичларида Халима билан учрашажак кунларни соғиниб яшарди. Чунончи, 1934 йил 20 декабрда ёзган шеъри мана бундай:

Пароходлар рақс этиб симоб сувларда,

Рекорд шеърим тамомлаб,

Куйлаб радиоларда...

Мен сени суйгали

Борурман.

Мен сени кўргали

Борурман,

Кучок очиб, саломлаб!

Миртемир 1935 йил январида азоб-уқубатлардан қутулиб қайтди.

Аммо Халима бошқа кишига тегиб кетган эди.

«Мен Миртемирнинг кейинги тақдиридан беҳабар эдим. Менга: «Эринг отилиб кетди», деб айтишди. Шундан кейин бошқа турмуш қуришга рози бўлдим», деган экан Ҳалима Н. Каримов билан суҳбатда.

Миртемир қайтиб келганида Ҳалима билан учрашди. Хотинининг гапларини эшитгач «Мени сенинг эринг қаматган!» — деди. Миртемирда жаҳл устида айтиб юборадиган, айниқса, тухмат гаплар айтидиган хусусият бўлмаган. Унда бу гапини тасдиқловчи бирорта далил бўлмаса, бундай гапни айтмасди, деб ўйлайман.

Кейинги йиллар

Миртемир лагер бошлиғи Фириндан яхши тавсифнома ва Тошкентдаги Болаларни бадиий тарбиялаш Марказий уйига ишга жойлашлари учун йўлланма билан келган эди. Айтилган жойга дарҳол ишга тайинланди. Бу ерда бироз ишлагач, ота-оналари ва қариндошларини қўриб келиш учун Ийқонга борди. Турли хурсандчиликлардан сўнг бир куни отаси шундай гапни ўртага қўйди:

«Ўғлим... вояга етган, бир бор оила қурган одам учун хотиржамлик фақат янги оила қургандан кейин келади. Шаҳар — шаҳар. Шаҳарлик қизлар сенга ўхшаган содда йигитларга хотинлик қилишмайди... Шаҳарлик қизлар пардоз-андоздан бошқа нарсани билишмайди. Мана, биттасининг қанақалигини қўрдинг. На онангга қаради, на қизингга. Натижаси ўзингга маълум... Узун гапнинг қисқаси шулки, синглим Саҳронинг, яъники аммангнинг қизи бор. Оймисан ойдек киз. Қўргансан уни. Олдин қўрганингда анча ёш эди. Хозир бўйи етиб қўзга қўриниб қолган... Хоҳласанг, унга уйланиб, шу ерда қишлоқда биз билан яша. Хоҳласанг, ўзинг билан бирга шаҳарга олиб кет. У қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам юзингни сира ерга қаратмайди... Ўйлаб қўр, ўғлим... Санқиб юраверсанг, онангнинг руҳи безовта бўлади» (Н. Каримов).

Миртемир отасининг гапини инобатга олди ва 1935 йили ёз кунларининг бирида аммасининг қизи

ғўзал Ёркинойга уйланди... Улар бир умрлик ажойиб оила куриб, икки ўғил (Миржалол, Мирза), уч кизлик (Доражон, Юлдуз ва Гулнора) бўлдилар. Хаёт Халимани унуттиргандек эди. Аммо...

1962 йилда Миртемир, Саид Аҳмад, Азиз Абдураззок Фаргона водийси бўйлаб ижодий сафарга чикдилар. Кейин Фаргонадан Адҳам Ҳамдам, Жалол Машрабий, Намангандан Йўлдош Шамшаров уларга қўшилдилар. Орада Марғилонни ҳам кездилар. Сафардошлар Марғилонни кезган чоғларида кўчада бир «пардалик аёл»га дуч келганлари, шамол дафъатан аёлнинг пардасини кўтариб юборгани, аммо у юзини бекитиб бир зумда кўздан ғойиб бўлганини хотирлайдилар. Айтишларича, шундан сўнг Миртемир ака хаёлга ботган ва бир қанча вақтгача шу ҳолда юрган... Ўша аёл қолдирган таассуротдан «Пардалик» шеъри туғилган экан.

Йўлдошларнинг ҳаммаси Миртемир бу шеърида Абдулла Кодирийнинг «Ўтган кунлар»идаги Кумуш тимсолини кўз олдига келтирган, дейдилар. Балки муаллифнинг ўзи ҳам шундай изоҳ бергандир. Аммо шоир ўша онларда ўз Халимасини эслаб кетган. Бунини сафардошларига очиқ айтолмасди.

Қадимдан тегажок, шайдойи шамол
Пардангни кўтариб қочди йирокқа.
Қамашди кўзларим... Ўхшаб чакмоққа
Бир ярқираб ўтди тўлин ой жамол.
Безаксиз ҳам тенгсизсан, тенгсиз.
Безаксиз ҳам шундоқ сулувсан,
Сен баҳорги тушсан, булоқда сувсан,
Бундақа чиройга арзир чўксанг тиз.

Орадан неча-неча қувончли-қайғули, музаффар ва хатарли, оғир-енгил йиллар ўтди. Ҳар неки бўлмасин, Миртемирнинг миллат орасидаги ҳурмати, давлатнинг тақдирлашлари ҳам аста-секин юз кўрсатди. У ўзини бахтлидай ҳис қиларди. Илк муҳаббат саройининг қулаганига аллақачон йигирма йилдан ошган эди. Бир кун

эски қўлёзмалари, китоблари орасидан ёш Халиманинг сурати чиқиб қолди. Англашилмас бир хаяжон бутун вужудини қоплаб олди. Унутдим деб ўйлаганлари нотўғри экан. Ичидан армонли сатрлар ситилиб чиқа бошлади. Шу тариқа «Сурат» достони дунёга келди.

Муҳаббатнинг қандай бир мўъжиза эканини кўрган сайин одам хайратга тушаверади. «Битди...» деб ўйлаганингда аллақандай бир муносабат — кимнингдир кулгиси ва ё рафтори ва ё соч турмаги ёки аллақандай тор бир жемпер кийган инсон шарпаси, кип-қизил дудоқлар ва ҳоказо-ҳоказолар қалбингда эски муҳаббат изларини кўрсатиб қўяди.

Миртемир 70-йилларда оғир хасталик билан олишиб ётаркан, шундай ҳолни бошдан кечирди ва мана бу шеър туғилди:

Ором оғушида мудрар эди тун,
Сукут бузар ёлғиз сув шовуллаши.
Ўлгунча эсимда сақланар беун
Кўзлар ловуллаши, қалб ловуллаши.

Сочларинг толаси қўлимда ҳануз,
Атри эса ғариб жонимда бутун.
Кўрку латофатинг кўнглимда ҳануз,
Бебошвок жўш урар қонимда у тун...



ШУКРУЛЛО билан МУНАВВАР

Шукрулло Юсуф ўғли

Ўзбекистон халқ шоири, носир ва драматург Шукрулло 1921 йилда Тошкентда, Олмазор кўчасининг Эски Ўрда маҳалласида туғилган. Ушбу кўча Шайхонтохурдан Хадрага кетаверишда эди. Шукрулло туғилганида Карим қори деган бир мударрис шундай бир тарих ёзган экан:

Биродаримга берибди тозадин жон,
Умри азизига берсин омон.
Тарихи таваллуди номи жуз ўлиб,
Камолига етсин Шукруллохон.

Араб абжад усулида «камол» сўзига «Шукрулло» қўшилса, ҳижрий туғилган йили, милодийга айлантирилса — 1921 йил келиб чиқади. Карим қори «биродарим» деб атаган киши эса Шукруллонинг отаси эди.

«Қозоғистоннинг Туркистон шаҳридан тортиб бутун Тошкент ва қишлоқларни ўз ичига олган ҳолда бўлган Сирдарё музофотининг каттакон территориясида ўзбеклардан чиққан, руслардан «свидетельство» (шаҳодатнома) олган биттагина эмчи бор эди. Бу эмчи гоҳ отда, гоҳ эшакда, гоҳ туяда, гоҳ у разъезддан бу разъездга қизил вагонларда юриб, бечора халқ болаларини чечакка қарши эмлагувчи мухтарам Юсуфхўжа қори ака деган зот эди. Бу зот ўз хизматларига ҳақ олмас эди. У кишининг ўғли йирик лирик шоиримиз Шукрулло бўлади. Аҳмад Дониш,

Муқимий, Фурқатлар каби Шоюсуф қори акалар ҳам мустамлақа замоннинг зулматларида битта шам ёқиб бўлса-да, халқ кўзига нур етказмоқчи бўлган кишилардандир» (Фафур Фулом, Муқаммал асарлар тўплами).



Шўро ҳукуматининг дастлабки йилларида большевиклар ўтказган ҳарбий коммунизм (аҳолидан мол-мулк ва озиқ-овқат захираларини зўравонлик билан тортиб олиш) сиёсати натижасида мамлакатда очарчилик авж олган ва 20-йилларнинг деярли ўрталаригача очарчилик давом этган, оилалар ўзларига паёк учун бериладиган нон билан аранг кун кўрарди.

Юсуфхўжа Ўрта Осиё темир йўл бирлашмаси санитария бўлимининг фельдшери, яъни эмчиси бўлиб ишларди. Биринчи галда темир йўл хизматчиларининг болаларини, сўнгра поездлар борадиган шаҳар, қишлоқ, районлар аҳолисининг болаларини битта қўймай эмлаб чиқиши шарт эди. Фафур Фулом айтганидай, разъездлардан энг узоқ ерларгача гоҳ от ё эшакда, гоҳ туяда бориб болаларни эмлаб келарди. Бу жуда катта ва оғир вазифа эди. Шунга яраша ойлиги ҳам катта, паёғи имтиёзли эди. Ҳар киши бошига нон паёғи 300 грамм бўлса, Юсуфхўжаларнинг оила аъзолари паёғи 400 грамmdан, шахсан ўз паёғи эса 700 грамм эди. Шу сабабли буларнинг оиласи ўзига тўқ, бой оилалардан деб ҳисобланган. Аммо маҳаллий ҳокимият ўша йилларда Юсуфхўжа қори оиласининг мол-мулкларини тортиб ола бошлаган, хонадон қашшоқлашиб қолганди.

Шукруллонинг хотирлашича, 1926—27 йиллар уларнинг эшигини ўн кунда бир маҳалланинг комиссари қоқиб келар ва: «Корини кулоқ қилишимиз керак», — деб қўяркан. Аммо отаси Чор Россияси давридаёқ олган эмчилик шаҳодатномасини ва ҳозиргача қай район, қай шаҳар, қайси жумҳуриятда аҳолининг эмлаганлиги ҳақидаги ҳужжатларини кўрсатарди. Маманбей, буларни фалон жойга кўрсатинг, дея зарда қилиб чиқиб кетарди (Шукрулло, Танланган асарлар).

Орадан бирор ҳафта ўтар-ўтмас, эшикларида Маманбей яна пайдо бўлиб, болохоналарини кўрмоқчи ва у ерга одам ўтқазмоқчи бўлганини айтаркан. Хали арзимаган қоровул пули, ҳали ховли солиқлари тўланган-тўланмаганини текшириш баҳонаси билан келиб дағдаға қилавераркан.

Онаси бамисоли игнанинг учида яшаркан.

Шукруллонинг онаси Зайнаб ая маҳалланинг саводли, ўқимишли аёлларидан эди. Бунинг исботи кўп. Чунончи, у Шукрулло чакалоқлигида бешик тебратаркан, татар шоири Абдулла Тўқайнинг:

Али-бали эта бу,
Мадрасага кета бу.
Тиришиб сабоқ ўқиғач,
Олим бўлиб кета бу

каби шеърларини ўқирди.

Уйларида Навоий, Бедил китоблари, Амир Умархон давридаги «Махмуат-уш-шуаро» ҳам бўлган экан... У ўз уйида маҳалла қизларига ҳарф ўргатарди. Аммо негадир Шукруллога ўргатмабди. Шукрулло еттига кирган пайтларда (1928) алифбо ўзгаришлари юз берган эди. Янги ҳарфни янги мактабда ўрганад, дегандир-да... Кўпинча, Шукруллога Сўфи Оллоёвнинг «Саботи ожизин»и ва Саъдийнинг «Гулистон»идан ўқиб берарди. Ёлғиз ўзи қолганда қўлга оладиган яна бир китоби бўларди, Шукрулло саводи чиққанда бу кадрдон китобнинг муаллифи Фузулий эканини билди.

1928 йилда отаси Шукруллони маҳалладаги «Шайх Саъдий» мактабига берди. Мактабга уни опаси олиб борди. Мурод Қори деган мудир қабул қилиб олди ва отасига шундай хат ёзиб юборди:

Келди мактабга бугун қорийи Шукур,
Кўп дуо айланг, Худо берсин узун умр.

Яхё деган киши Шукруллонинг саводини чиқаришни ўз зиммасига олди. У юмшоқ кўнгилли, болаларни

жазоламайдиган муаллимлардан эди, шўхлик қилиб дарсга кулок солмаётган боланинг олдига келиб секин сочидан тортиб қўярди.

Шукрулло тўрт синф ўқиб, бошланғич мактабни битиргач, Охунбобоев номли мактабнинг 5-синфига ўқишга борди ва у ерда яна икки йил ўқиди. Бу ерда Жамил деган муаллимдан сабоқ олди. Ушбу ўқитувчи жуда жўшқин, жаҳон воқеаларидан яхши хабардор, болаларни дарсга яхши кизиктира оларди. Кейин бирдан мактаб ишларига маҳалла комиссари аралашади-ю, Жамил муаллим ғойиб бўлади. Мактаб қоровули Қосим ака деган саводсиз киши мудир этиб тайинланади.

Шукруллониң дарсларни ўзлаштириши яхши эди. Аммо бироз шўх, ўйинқароқ эди. Уй вазифаларини тайёрлашга тезда бўйни ёр бера қолмасди.

Бир куни отаси уни ёнига олиб, эркалаб тиришқок одам ҳақида ўғит берди:

— Ўғлим, ўқишларинг яхши, хурсандман сендан. Сенга бир гапни айтайми, мана билиб қўй: қобилиятли дангасадан қобилиятсиз тиришқок яхши. Бу нима дегани? Сен қобилиятлисан, шунинг учун баҳоларинг яхши. Лекин уйга вазифани қилмадинг шу пайтгача. Бу эса дангасалик. Синфингда баҳоси «2», «3», қобилияти пастроқ болалар бордир. Лекин улар дангасалик қилмай, уй вазифасини вақтида тайёрлаб, тиришқоклик билан сендан олдинга ўтиб кетишлари мумкин. Мана, катта тоғанг кичик тоғангга қараганда зеҳни ўткир эди. Ўқиган чоғларида домлалари ҳам, бундан зўр олим чиқади, жуда қобилиятли, лекин ўта дангаса, дарсларни вақтида тайёрламайди, дердилар. Имтиҳон пайтида ҳамма фанларни ўзлаштириб улгуролмади. Бир фандан йиқилиб, аччиқ устида, ўқишни ташлаб, ишга уриб кетди. Ишлади, энди ўқий деса, ёш болалар билан соқол қўйганимда бир партада ўтираманми, деб уялади. Кичкина тоғанг бўлса, зеҳни пастроқ бўлса ҳам, бир ишни ўн марта қилишдан эринмади. Ҳаракат қилди. Натижада катта олим бўлиб кетди.

Шукрулло отасининг ўғитларини қулоғига илиб олди. Бирон нарсани эплотмаса, қайта-қайта уриниб унга эришмагунича тинчимайдиган бўлди.

У фақат ота-онасидан эмас, маҳалла кишиларининг ишларидан ҳам ўзи учун хикматлар топарди.

Шукруллонинг эслашича, «қўшни маҳаллалик Мўмин туппакчи деган бўларди, шу одам «Қўлга милтиқ ёки туппак кўтариб олган билан ҳамма ҳам овчи санала бермайди, дерди».

«Туппак деганимиз ов қуролининг бир хили. Бу — узунлиги ҳам, йўғонлиги ҳам карнай дастасидек келадиган ёғоч бўлиб, ўртаси тешик бўлади. Соғ лойни нўхатдек-нўхатдек ғўла қилиб оғзига соларди-да, туппакни нишонга тўғрилаб «туф» деса, мўлжалга олинган парранда топ-топ ерга туша берарди... бизлар ҳам отиб кўрмокчи бўлардик. Лекин на туппакни кўтара олардик, на пуфлашга нафасимиз етарди. Биздан каттарок болалар отиб кўрганда ҳам мўлжалга аник ололмасди. Шунда Мўмин ака ўзича қулиб:

— Овчи бўлиш учун қизиқишнинг ўзи кифоя қилмайди. Нишонга тўғри ура билиш ҳам зарур. Аммо мўлжалга тўғри ота билган билан ҳам ҳамма овчи ҳисобланмайди. Хеч вақт ўлжа «Мана, мени ол» деб олдингга келиб турмайди. Бунинг учун ўрмонзорларда тунаш, тўкайзорларда писиб юриш, тоғ ораликларини умид билан кезиш керак бўлади, — дерди».

Шукрулло 1938 йилгача 3-сонли педагогика билим юртида ўқиди.

Педагогика билим юртида Саъдулла Исматов деган жуда кучли адабиёт ўқитувчиси дарс берарди. Катъий фикрли, ҳар қандай ҳаётий воқеа ҳақида ошкора ва дадил-дадил сўзлар айтаверадиган жўшқин киши эди. Бир кун ана шу ўқитувчи синфдаги бутун болаларга бўлиб ўтган байрам кунидан олган таассуротларини ҳикоями, шеърми қилиб қоғозга тушириб келишни топширди. Шукрулло шеър ёзиб келди. Шеър кутилмаганда ҳаммага маъқул келди. Хатто ўқитувчи Шукруллодан эртаси куни бўладиган катта бир йиғинда шеърини ўқиб беришни тавсия қилди.

Бу пайтда Фафур Фулом бутун Ўзбекистонга танилган шоир эди. Шукруллонинг отаси ўғлининг шеъри ўқитувчиларга ҳам, ўқувчиларга ҳам маъқул бўлганини эшитиб, Фафур Фуломдан унга устозлик қилишни сўраб, розилигини олиб берди.

Юсуфхўжа қори, мадраса мударриси Карим қори ака Хасанбой деган домла бир-бирига яқин улфатлар эди. Улар Шукрулло эсини танигандан бери уларнинг уйида кўп китобхонликлар билан банд бўлиб, хадислар ҳақида кўп қизғин тортишувлар қилишар эди. Хасан домла Фафур Фуломнинг саводини чиқазган катта устозлардан эди. Бу ҳақда Фафур Фулом 1962 йилда шундай деб ёзганди:

«Мен яшаган маҳалланинг атрофидаги ўнлаб маҳаллаларда иккита эр болалар мактаби, битта кизлар мактаби бор эди. «Кўргонтеги»даги эрлар мактаби муаллими Хасанбой домла менга «Алифбе»ни ўргатган ҳурматли муаллим — анча тараққийпарвар одам эди».

Фафур Фуломга ана шу устози Шарқ классик адабиётидан чуқур, асосли сабоқлар берган, ўша пайтлардаёқ Бедилхонликка муҳаббат уйғотган. Хуллас, унинг шеърий дидини шакллантирган эди. Ана шу устозининг дўсти, «эмчи домла»нинг ҳурмати учун, Шукруллога устозлик қилишга ваъда берганди. Шукрулло энди нимаики ёзса, унга кўрсатиб, шеърини тузаттириб оларди.

1938 йилда Шукрулло Қорақалпоғистонга ишга юборилди. У пайтларда Нукус кишлоғи эндигина шаҳарга айлантирилаётганди. 1932—39 йилларда қорақалпоқларнинг пойтахти Тўрткўл эди. Шукрулло Тўрткўлдан ҳам 400 километр наридаги нақ чегарада — Амударёнинг тармоқланган жойидаги туман маркази — Қўнғиротга йўлланган эди. У ерга етиб бориш учун аввал поездда Чоржўйга, кейин Амударё орқали катерда Хўжайлига, Хўжайлидан юлғунзорлардан ўтиб, юк машина билан, бир катта тугунда ўз ўрин-кўрпаси, кийим-кечаги билан кеза-кеза манзилга аранг етиб борди. Ўрта мактабда ўзбек адабиётидан дарс бера бошлади. Туман бениҳоя гўзал манзарали, ўрмонлари шовуллаган, сувлари шаркира-

ган, иқлими ёқимли, мол-ҳоли кўп. уюр-уюр йилқилари кишнашган жой эди. У пайтда муаллимларнинг ойлиги салмокли, айникса, Қўнғиротдай чекка жойларга борган муаллимларга яна устама ҳақ ҳам бериларди. Шукрулло жуда яхши яшай бошлади. Еган-ичгани ва кийим-кечагидан орттирганини уйга, опасининг номига юборар ва Тошкентга қайтганида, албатта, ўзига иш кабинети қуражагини айтиб, бу пулга ёзув стол-стули ол, бунга китоб жавони ол, бунга энг замонавий пальто, унисига яна фалон дея уқтирар, уйдагиларга совға-саломлар учун алоҳида пул жўнатиб турарди. Ўзи ҳам алп йигит бўлиб, бақувват тортиб, мўйловлар қўйиб, егани олдида, емагани кетида, олифта бўлиб кетди.

Тошкентга қайтиши билан ҳовлиларининг бир қисмини айириб олди ва девор кўтариб, уни қумсувок қилиб, сўнг оклаб, бир хонани жиҳозлаб ижодхонага айлантирди. Ота-она: «Бу — уйланишга тайёргарлик қияпти», — деб севинишарди. Ора-сира ундан-бундан кизларни тавсия қилиб, тўйга тайёргарликдан гап очишарди. Бир дафъа: «Фалон мактабда бир ўқитувчи киз бор, жуда келишган, ўзи ҳам маънили, зоти тоза, фалон мингбошининг невараси, бир бориб кўргин, ёқтирсанг — олиб берамиз, исми-жисмига ярашган, Мунаввар», — дейишди. Шукрулло жилмайиб қўйди.

Мунаввархон Тўрахонова

Мунаввархон 1925 йилда Тошкентда туғилган. Ота-си Абдусаттор ака Тўрахон мингбошининг ўғли эди. Мингбоши ўз уйига бир рус педагогини ёллаб, Абдусатторни русчада яхши гапирадиган ва ёзадиган қилиб обдан ўқитганди. Бувиси (отасининг онаси) Хонпошшахон эса уни одоб-ахлоқли қилиб тарбиялаган эди. Мунаввархон бувисининг аммасига айтган бир гапини қулоғига зирак қилиб тақиб олганди: «Мол-давлатига учиб тегиб, бахтлиман деб қувонма, бир кун эрингнинг омади кетса, сен бунга чидолмайсан, бахтсиз хотин бўласан. Қўнглингдан

севиб, камбағалга тегдим деб ўкинма, бир кун омади келса, сендан бахтли одам бўлмайди...»

Адбусаттор улғайганда эл-юрт орасида катта хурмат қозонди. Муомаласининг яхшилигидан жамоа хўжаликлари тузила бошлаганда одамлар уни ўнбошилиққа сайлашган эди. Тузуккина отамероси бор эди. Инобатхонга уйланганида, икки кишининг мол-мулки бир-бирига қўшилиб, оилада баракот ошган. замондошларига нисбатан бойроқ яшардилар. Ховли-жойдан ташқари, олти сотихдан ошиқ каттагина ерлари, бир сиғири, бир оти ва бирга яшайдиган оилалик Хушвақт исмли қорандалари бор эди.

Мунаввархоннинг онаси Инобатхон жуда ҳаракатчан, меҳнаткаш, сабрли ва чаққон аёл эди. Олти сотих ерни ҳукумат тракторда ҳайдаб берар, акаси Абдурахмон ер текислаш, пол тортиш, ариқ олиш ишларида ёрдам берар, Инобатхон эса ерга маккажўхори, қунгабоқар, нўхат, қовун, тарвуз, бодринг экиш ишларини ўзи қилаверар эди: парвариш, суғориш ва йиғим-терим дегандай. Бу — оилани киш бўйи таъминланишига бемалол етар эди.

1931 йилда Абдусаттор акани қулоқликдан чиқариб, Украинага сургун қиладиган бўлишди. Икки болали Инобатхон доим қўл меҳнати билан банд бўлганлиги учун қулоқ бўлмади. Лекин у Тошкентда қолишни истамай, икки боласини ҳам олиб Украинага эри билан бирга кетишга талабгор бўлди. Хушвақт амаки ҳам уларнинг Тошкентдаги уйида қолишни истамай, кетмон олиб Украина кетиш қарорига келди. Улар шу йил ёзнинг иссиқ палласи — август ойида сургунга жўнатилдилар. Қизил товар вагонда 13 кунда Одессага бориб тушишди.

Мунаввархон Тўрахонова ҳикоя қилади:

«Одессадан бизни теплоход «Пеная»га ўтказдилар. Шу даврда кўз оғриқ, ич оғриқ касали авж олди. Деярли ҳамма болалар кўз оғриқ касали билан оғриган... 3 ёшли Абдулазиз деган укам зотилжам бўлиб қолди... Иситмаси баланд, шайтонлай бошлади. Ота-онам ухламай галма-гал кўтариб чиқишарди.

Бир суткадан сўнг теплоходдан Херсон деган шаҳарга тушдик. 100 га яқин аравалар (4 гилдиракли бричка) келтирилиб, бизни қишлоқларга тарқатишди. Шу ерда кулоқлар 4 миллатга ажратилди. Козок, туркман, ўзбек, қирғиз. Хар бир миллатни алоҳида қишлоқларга олиб кетишди. Тошкентдан кулоқ қилинганларга отамни бошлиқ қилишди. Бизга Ястреб деган қишлоқни беришди. 29 оила Ястреб қишлоғига жўнаб кетдик.

Биз борган қишлоқдаги украинлар Сибирга сургун қилиниб, уларнинг мол-мулки ва уй-жойлари бизга ўхшаб мусодара қилинган экан. Уйлар бўм-бўш, атрофлари ўт босиб, ҳатто деразалар зўрға кўринарди. Хар бир оилага бир хона ва бир дахлиз ажратилди. Бизнинг ёнимизга Хушвакт ака ҳам кампири билан жойлашди. Доктор йўқ. Бегона юрт. Учинчи куни, ниҳоят, отам Птаховкадан врач топиб келди. У дори-дармон ёзиб берди. Аммо олинган дорилар ҳам ёрдам бермади. Олтинчи куни укам Абдулазиз ўлди.

Олти ойдан кейин Хушвакт амакининг хотини дунёдан кўз юмди. 1933 йил — очарчилик йили Хушвакт амаки оламдан ўтди.

Биз билан кетганлар ичида Амирсайдовлар оиласи ҳам бор эди. Улардан Амириллахон, Хамидхон акалар 3—4 тилни биладиган ўқимишли кишилар эди. Тез орада ҳаракат қилиб мактаб очиб, ўзлари шу мактабда ўқитувчи бўлиб ишлашди».

Амириллахон немис, француз, рус тилидан, Хамидхон она тили, адабиётдан дарс бердилар. Улардан ташқари, Тошкентдан Саидхонов ва Икромов деган ўқитувчилар ҳам келтирилди. Мактаб саккиз йиллик эди. Мунаввархон шу мактабда ўқий бошлади. Онаси эса каштачилик цехи очишга эришди. Улар украинларнинг оқ жужун кўйлагига ёқасига кашта тикишарди. 1935-36 йиллар тўйиб нон ейдиган замон бўлди. Аммо 1937 йили кулоқларнинг ичидаги маълумотли одамлар халқ душмани деб камоққа олина бошланди. Амириллахон ва Хамидхонлар бир кечада олиб кетилди. Беш боласи билан ишга яроксиз нимжон хотини қолди, 70 ёшли онаси қаровсиз вафот этди.

Мунаввархон 14 ёшида, яъни 1939 йилда, отасининг зўри билан, онасининг қаршилигига қарамай, бир ўзи ўкишини давом эттиргани Ўзбекистонга келди. Тошкентдаги Тожихон холасиникида яшай бошлади. Олти болали катта хонадонга еттинчи бола бўлиб қўшилди. Холаси уйда тикувчилик қилар, фақат катта қизлари Зиёдахон мактабда муаллим эди, оталари ишламас, она-бола оилани тебратишарди. Мунаввархон оз-моз тикувчиликка ёрдамлашар, асосан, мактабда ўқиш билан банд эди. Педагогика билим юртига ўқишга ҳам кирди. Сўнг Зиёдахон уни 245-мактабга ўз ёнига олди. Ҳам ўқир, ҳам ўқишдан озод вақтларида биринчи синфга дарс берарди. Таътил чоғлари, орада бир, Украинага ота-онаси ёнига ҳам бориб-келиб турарди. 1941 йили уруш бошланиши билан кулоқ бўлган эркакларни ишчи табурларига (батальонга) ола бошладилар. Абдусаттор отани ва Қўшоқ ота Ортиқовни Акмолинскка ишчи табурларига олиб кетишди. Мунаввархон Тошкентга қайтди, онаси билан сингисининг немислар қуршовида қолишдан ўзга чоралари йўқ эди.

Шўй. Кейинги йиллар

У йилларда ўқитувчиларни жабҳага олмаслик ҳақида қарор чикқанди.

Шукрулло мактабда дарс берар ва сиртдан Педагогика институтига ҳам кирган эди. Мирмухсин унинг курсдоши ва яқин дўсти эди. Мунаввар ҳақида онасининг айтганига кириб, Мунаввар ишлайдиган мактабга «комиссия» бўлиб, аслида эса киз кўргани боришди. Мунавварнинг дарс ўтишини кузатаётгандай синфга кириб ўтиришди. 17 яшар кизнинг маҳорат билан дарс ўтиши ҳам, ўзи ҳам Шукруллонинг юрагидан урди. Кейинги кунларда Мунавварнинг йўлини пойлаб, бир бор юрак ютиб учрашувга таклиф қилди. Бирга циркка тушишди. Ҳеч гаплашолмасдилар. Бутун томоша давомида бир-бирларига бир оғиз ҳам гапирмадилар. Шукрулло ака буни завқ билан хикоя қиларкан, мен хазиллашиб:

— Хеч нарса олиб бермадингизми? — деб сўрагандим:
— Олиб бердим. У пайтда ярим варақ қоғозни карнайча қилиб, ичига ўн дона ширин мағиз солиб сотишарди. Бир ўрамини олиб берганман.

— Э, ўлманг, сиз ўлманг, қурумсоклик ҳам эви билан-да! — дедим кулгига олиб.

— Э, Миразиз, у даврларда бу катта совға эди!

Мунаввар опадан сўрадим:

— Шукрулло акани биринчи марта қачон кўргандингиз? Қандай таассурот қолдиргандилар?

— Биринчи марта ўша синфга «комиссия» бўлиб келишганда кўрганман. Кўзимга оловдаккина кўринганлар, — деб жавоб берди опа.

Шундай қилиб, 1942 йилда Шукрулло билан Мунаввархоннинг тўйлари бўлди, бирга яшай бошладилар. Шукрулло аканинг бутун ижод намуналари шундоқ Мунаввар опанинг кўз ўнгига юзага чикди. Қорақалпоғистон таассуротлари бир туркум шеърга айланганди. Шундан икkitаси — «Амударё» ва «Денгизда бир тун» шеърлари «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетасида босилиб чикди. Бу — республика матбуотида босилган илк шеърлари эди.

Кейин «Биринчи дафтар» деган шеърый тўпламини тайёрлади. Лекин Ёзувчилар уюшмасининг шеърят кенгаши «тўплам ҳали нашрга тайёр эмас, яна ишланиши керак» деб топди. Тўпламни Ғафур Ғулом билан бирга ишлаб чиқишсин, деган таклиф киритилди. Лекин бу иш анча орқага сурилиб кетди.

1946 йилда Шукрулло Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлди.

— Ҳали китобингиз чикмаган бўлса, қандай қабул қилишди? — сўрадим мен.

— Ўша йили Республика ва Тошкент шаҳар ёшлар ташкилоти иштирокида ёш ижодкорларнинг семинар-кенгаши бўлган, мен бир қанча шеърларимни ўқиган ва бошқаларнинг шеърлари муҳокамасида ҳам фаол қатнашгандим. Семинар-кенгаш мени Уюшма аъзолигига тавсия қилган, — деди шоиримиз.

1947 йилда «Чоллар» достони эълон қилинди.

1949 йилда Тошкентда мактаб ўқитувчиси бўлиб ишларкан, ният, «Биринчи дафтар» тўплами, у билан кетма-кет «Хаёт илҳомлари» китоби босмадан чиқди. Бу муваффақиятлар дарҳол «шум назар»ларга дучор бўлди. 1951 йилда давлат нашриётида муҳаррир бўлиб ишларкан, 25 январь кuni иш жойига телефон бўлди. Чунки 21 январда Республика прокурори Яцковский Шукрулони хибсга олиш ва уйида тинтув ўтказиш тўғрисида санкция берган ва уни Ўзбекистон ССР КГБ министри генерал-лейтенант Дроздейцкий тасдиқлаган экан. Шукруллонинг тўпламлари ҳақида. Саид Аҳмад, Ёнғин Мирзо ва Неъмат Тошпўлат ёзиб берган маълумотлари асос бўлган, аммо Шукрулло қамалмаган. Уни қамалишга олиб келган нарса 1951 йил 21 июнда КГБ полковниги Мансуровга ёзилган хат эди. Шукрулло устидан 726-рақамли иш очилди. Ишни Ёзувчилар уюшмаси правление раисининг ўринбосари М. Шевердин имзолаган. Унга Т. Фаттоҳ ва А. Мухторнинг «Биринчи дафтар»га хулосаси ҳам тиркалган.

1951 йил қамоқ қийноқлари ва охири номаълум терговларнинг жонни тилкаловчи изтироблари билан ўтди.

Мунаввар исми-жисмига яраша, қалби мунаввар, мингбоши бобосига ўхшаган жасур, кўркмас, пўлат иродали инсон эди, одамларга ишонарди.

Шукрулло тергов қилинаётган чоғларда ҳали катта-кичик дўстлар ёрдам беради, деб ўйларди. Аммо бундай бўлиб чиқмади, унга ҳеч ким ёрдам қўлини чўзмади.

1952 йил суддан умидворлик йили бўлди, аммо суд машғум қарор чиқарди: 25 йиллик қамоқ жазоси, 5 йил сургун, 5 йил сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрумлик. Мунавварнинг юраги парча-парча бўлди. Шунга қарамай ирода билан ўзини тутиб, эрига далда хатини ёзди:

«Шукрулло ака, ноумид бўлманг, йигирма беш йил ўтади-кетди. Чиққанингизда бор-йўғи элик тўртда бўласиз. Болаларимиз энди атак-чечак қилаётибди. Қамоқдан чиққанингизда уларнинг уйланадиган, турмушга чиқадиган вақти бўлади. Келишингиз билан тўйлар қиламиз».

Мунаввархон шундай матонатли, бардошли аёл эди, аммо бошига тушажак кунларни билмасди ҳали... Холбуки, тергов тугамасдан «халқ душманининг хотини совет мактабида ишламайди» деб уни, икки болали, ҳомиладор ўқитувчини ишдан бўшатишди. Яъни меҳнат ҳукуки, аёллик ҳукуки, фуқаролик ҳукуки оёғости қилинди.

Ўша кезларда Шукруллони қайсидир вилоят матбуотида чиққан шеърлари учун 34 сўм пул келгани ҳақида хабар қоғози келди. Уни олиш учун Ёзувчилар уюшмаси Шукрулло томонидан Мунавварга берилган ишончно-мани имзолаб бериши керак эди. Мунаввархон эрталаб борса «Бироз кутинг», — дейишди. Пешинда яна шундай жавоб: «Кечқурун келинг». Кечки пайт оғироёқ, оч ҳолда кутган аёлга хонадан чиққан уюшма раҳбари «Кет, сени ҳам, Шукруллони ҳам танимаймиз», — деб сўкиб берди. Кўчага чиқиши билан очликдан ва ҳўрликдан илк бора кўзёшлари дувиллаб тўкилди. Вахоланки, бу ҳам кам экан.

Ўша йили Шукрулло йирик дoston ёзмокчи бўлиб ижодий таътилга чиққан ва Адабиёт фондидан ўша даврнинг пули билан минг сўм олган эди. Ёзувчилар уюшмаси ўша пулни қайтариб беришни талаб қилиб, Мунаввархонни судга берди. Суд маълум муддат ичида пул қайтарилмаса, ҳовли-жойи мусодара қилиниши тўғрисида қарор чиқарди. Мунаввархон оиланинг бор-буди — тўшаб ўтирган гиламу қўлидаги отамерос билагузукларигача, қўлга илинадиган ҳамма нарсани сотиб, қарзни тўлайди.

Таҳқирларнинг чек-чегараси йўқ эди. Умида туғилганида, отаси фарзандини кўрсин деб учрашув сўраб борганида «Отаси халқ душмани, боласи ким бўларди, итдан ит», — дея терговчилар ҳам ҳақоратлаб, «чик-чик», «кет-кет»лашди.

Бу маълумотларни ўрганиб Мунаввар опа ҳақида ўйлаганимда кўнглимга бир тилак келди: қандай метин, синмас, узилмас асаблардан бунёд бўлган бу гўзал хилкат! Миллатимизга шундай юзлаб, минглаб қизлар ато эт, ё Эгам!

Кўпинча, журналистлар қўша қариган жуфтларга —

эрга ё хотинга — бирга узоқ тотув яшаш, кўша қаришнинг сири нимада, деб савол берадилар. Менимча, бунинг сирлари кўп. Шулардан бири хотин — эрнинг, эр — хотиннинг «ёмонини яшириб, яхшисини ошириб» гапиришида, деб биламан.

Бир куни Шукрулло аканинг устози Ғафур Ғулом, Бешёғоч бозорида муаллима ўртоғи билан бозор қилиб чиқаётган Мунаввархонимни кўриб:

— Хой, келин, яхшимисиз, эрингиз кўринмай қолдилар, нима тинчликми! Гастролга чиққанмилар? — деб сўрайди.

— Йўқ, шўтталар, — дейди Мунаввархоним. Саломаликдан сўнг гапни қисқа қилиб индамай кетадилар. Йўлда ўртоғи:

— Мунаввархон, эрингиз Шукрулло ака шоир десам, артистлик ҳам қиладиларми? — деб сўрайди.

Баъзи бир хотинлар бу саволга «Йўқ, шоирлар пиёнисталик кунларини «гастрол» дейишади. Шукрулло акангизнинг ичиши ҳеч қолмади-қолмади, Ғафур ака шунга шама қияпти», — деб бир дунё гапни айтиб ташлаган бўларди. Мунаввархоним эса «Баъзан учрашувга чақиришганларида уч-тўрт кун кўринмай қоладилар. Ғафур ака шуни айтди, — дейди, холос.

2012 йилда Шукрулло ва Мунаввархоним никоҳларининг 70 йиллигини нишонладилар. Бу йилга келиб Шукрулло «Танланган асарлар»ининг олти жилди босилиб чиқди. Халқ талашиб ўқимокда. Хар қанча хавас қилса, ибрат олса арзийдиган йиллар.

ОДИЛ ЁЌУБОВ билан МАРЯМ

Биз севган ва асарларини юрагимиз тўрига қўйиб ўқийдиган ёзувчимиз Одил Ёқубов расмий хужжатларга кўра 1926 йилда (бу таъкид сабабини қуйроқда изоҳлаймиз) компартия арбоби оиласида туғилди. Гарчи унинг бобоси Ёқуб Эшон жуда катта исломий маълумотга эга ва бутун Туркистонга таниқли имом бўлса ҳам, 1895 йилда туғилган Эгамберди Ёқуб ўғли (Одилнинг отаси) давр тақозоси билан социал-демократик ғоялар таъсирига тушиб қолган шахслардан эди.

Бу воқеа шундай юз берганди. Биринчи жаҳон уруши йилларида тузуккина Мадраса таълимига эга бўлган, уйланган ва икки қизли бўлган Эгамберди Чор ҳукуматининг ўртаосиёлик йигитларни маргикорликка олиб ишлатиш ҳақидаги фармони билан Беларусиядаги ўрмонларда дарахт кесиш ишларига чакирилади. Эгамберди шарқ тафаккури ва тарихидан бохабар, билимли ва зехни ўткир йигит бўлгани боис, ўша ўрмонларда даврнинг энг фаол социал-демократик фирқаси намояндаларидан бири бўлган яҳудий инкилобчи билан танишганда, табиий равишда у билан дўстлашиб қолади ва у орқали марксистик адабиётларни ўрганади. Социал тенгсизлик ҳақидаги ақидалар, дунёда ҳаммани тенг қила оладиган партия ва янги жамият қуриш мумкинлиги ҳақидаги ғоялар уни ўзига мафтун этади.

Уруш тугаб, Туркистонга қайтганида энди бу ерларда ҳам инкилобий ғоялар анчагина тарқалиб қолган ва ёш марксист Эгамберди бу ҳаракатлар ичида энг илғор етакчилардек жавлон ура бошлайди. Аввало, ота-бола ўртаси

бузилади. Ёқуб Эшоннинг бу йўналишнинг охири вой бўлажаги ва бу бўронлар ичида ёш йигит ҳаёти ҳам қоврилиб кетажаги ҳақидаги башоратлари ўғилнинг гоёлар қар қилган қулогига кирмас, Октябрь инқилобидан кейинги тўс-тўполон ҳаётнинг ичида қайнар, бойларнинг қалласи ва бошқа мол-мулкни тортиб олишу ер ислоҳоти борми, хотин-қизларни паранжидан чиқариш,



уларни эркаклар билан тенг ҳуқуқли қилиш борми — ҳамма ишларда фаол қатнашар ва ўзига сон-саноксиз душманлар орттирарди. У жуда кўп партия ва совет раҳбарлик лавозимларида ишлади. Беш фарзандли бўлди. Унинг душманлари ҳаммаёққа, айтиб чоғда марказга ҳам устидан чақув хатлари ёзишар, айтмиқса, отаси Ёқуб Эшон советларнинг ашаддий душмани эканлигига катта ургу беришарди. Бундай чақув хатлари натижа бермай қолмади: советлар Эгамбердиннинг қанчадан-қанча хизматларини икки чақага ҳам олмай, 1937 йилда инқилоб душмани диндор кишининг ўғли сифатида уни отиб ташладилар.

Икки қиз Зухра ва Марям ҳамда уч ўғил Одил, Холдор ва Эркиннинг ташвиши онаси Гулшан зиммасида қолди. Эндигина 10 ёшдан ошган Одил рўзғор деб аталган тирикчилик залвори остида эзила бошлади. Отаси давридаги извошларда кезадиган рўшнолик кунлари олис туш хотираларидай ўтмишда қолиб кетди. Ана шу пайтларини кейинчалик ёзувчи Одил Ёқубов «Эр бошига иш тушса» (1965) романида бутун тафсилотлари билан акс эттирди. Чиндан-да:

От бошига иш тушса, сувлуқ билан сув ичар,
Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар.

Ёш Одил этик билан сув кечиб йигит ёшига кириб келди. Йигитликнинг ўз гашти, ўз қонун-қоидалари, ўз романтикаси бор. Бу ҳам бир орзу-хаёлли, ўтдан-сувдан



чўчимайдиган, керакми-нокеракми, ўйламай-нетмай жаҳаннамга сакрашни ҳам писанд қилмайдиган палла... Йўкса, Иккинчи жаҳон урушидай аждаҳо комига кимнинг ҳам кўзи учарди, дейсиз! Одил Ёқубовнинг бирга тепишиб катта бўлган жўралари бор эди. Ораларидан қил ўтмасди. 1944 йили урушда Германиянинг энгилажаги очик-ойдин бўлиб қолган, аммо жабҳага йигитларни жалб этиш давом этаётган бир пайтда бу жўралар, дўст-оғайнилар 18 га тўлиб қолгандилар. Жабҳа ортида турмуш нихоятда оғир, йигитлар урушаётган жангчилар яхши таъминланиши ҳақидаги гапларни кўп эшитишар ва урушга боришни ўзларига шараф деб билардилар. Одил Ёқубовнинг ҳамма тенгдошлари военкоматларга бориб, урушга кетиш масаласини ҳал қилиб олдилар, фақат Одил Ёқубовнинг ёши бироз кичиклик қилаётганди: қонунга кўра 17 ёшлиларни урушга юбориш тақиқланганди. Ана ўшанда, аслида, 1927 йилда туғилган Одил Ёқубов турли таниш-билишлари орқали туғилган йилини паспортида 1926 йил қилиб олган ва шу билан урушга олинадиган бўлганди. Аммо у Фарбга эмас, Шарққа, рус-япон урушига, Гоби саҳроларига юборилди ва 1945–1950 йилларда йигитлик бурчини адо этиб бўлгач, туғилган жойига қайтиб келди. Туркистон шаҳридаги Отабой кишлоғида Зухра опасининг дўқонида ишлай бошлади, айнаи чоғда, ўша пайтдаги Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг рус филологияси факультетига ўқишга кирди. Биринчи йирик асари — «Тенгдошлар» қиссаси 1951 йилда босилиб чиқди.

2

1951 йил. Бир куни Одил ишлаётган кишлоқ дўқонига узоқ қариндошлари Салима хола қизи Марям билан пальто харид қилгани киришди. Салима хола Одил Ёқубовнинг узоқроқ қариндоши, айнаи чоғда, опаси Зухра билан яқин ўртоқ эди. Аммо гап бунда эмас. Са-

лима холанинг қизи бирдан шу қадар бўй етиб гўзаллашиб кетибдики, 25 ёшли Одил уни кўриб қотиб қолди. Йўқ, у умрида киз кўрмаган йигитлардан эмасди. Не-не шаҳар-кишлоқларда, не-не чиройли рус қизларини, миниатюр япон гўзалларини, роз ўмровли мўғул ва қозок дўндикларини кўрганди. Аёл комиллигининг энг машҳур намуналари — Камолиддин Беҳзоднинг бекиёс миниатюраларида тасвирланган Шарқ нозанинларини, Рафаэлнинг «Сикстина мадоннаси» (Биби Марям гўдак ўғли Исо билан)ни, Леонардо да Винчининг Жокондасини ва бошқа етук аёлларнинг сувратларини хайрат билан томоша қилганди. Аммо ҳаётда чиндан ҳам бундай дилбар қизни кўраман деб ўйламаганди. Бу самбитдай бўйлар, оппоқ, тиниқ ранглар, кўзларнинг маъсума боқишлари, самимий ва оддий табассум — ҳаммаси қандайдир ғайриоддий, илоҳий эди.

Улар пальтоми, юбками — алланима харид қилиб чиқиб кетишди.

Марямнинг орқасида тўпиккача тушган қоп-қора сочларининг тўлганиб кетишидан кўз узолмай қолган Одил:

— Жуда бошқача бўлиб кетибди-я... — дея олди зўрға опасига. Одил уни болалигида, тўй-маъракаларда кўрган, ҳеч қачон тузукроқ аҳамият бермаганди.

— Ха. Юзлаб совчилар дарвозасини тақиллатиб ётибди.

Одил опасига ўтингандай қаради.

— Нима, сенинг ҳам юрагингдан урдими? — дея хахолаб кулди опа. — Улар Тошкентда туришади. Жуда ўзига тўқ оила. Бу ерга қариндошларининг тўйига келишган. Йўқ-йўқ, ҳаёлингга ҳам келтирма — совчиликка бормайман. Энди 15 га кирди.

Одил лабларини тишлади. Кўзларини қаерга яширишни билмасди. Аммо ўртада иложсиз хол ҳукмрон эди. Сабрдан ўзга чора йўқлигини аниқ-тиниқ ҳис қилди.

Бутунлай адабий мутолаага чўмди. Буюк ёзувчи бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шундай ёзсинки, ўқиганда қалбининг поклиги ва гўзаллигини ҳис қилиб, у билан бирга бўлишни орзу қилишсин.

Марямнинг отаси Шариатулло ҳам, онаси Салима хола ҳам Одил Ёқубовлар билан бир қишлоқда яшовчи амакиваччалар эди. Ўтган асрнинг 30-йилларида шўролар ҳукумати «Кулоқларни синф сифатида тугатиш» компаниясини бошлаган. Ўн-ўн беш қўй-сигири бўлган бойроқ хонадонлар у ёқда турсин, иккита соғин сигири бўлган оилалар ҳам кулоқ ҳисобланиб, моллари мусодара қилиниб, ўзлари камала бошлаган тахликали замонларда, бу амакиваччалар уй-жойларини ташлаб, Туркистоннинг Отабой қишлоғидан Тошкентга қўчиб кетишди. Тошкентнинг Чақар маҳалласига яқин ердан уй-жой сотиб олиб шу ерда истиқомат қила бошладилар. 1934 йилда катта бобо Насриддинбойнинг йўл-йўриғи билан Шариатуллога Салимани олиб беришди. 1937 йилда Марям, 40-йилда яна бир қиз туғилди. Кейинги қиз тез орада нобуд бўлди. Марям 4 яшарлигида отаси урушга кетди. 1943 йилда урушдан офицер бўлиб қайтди. Қўкраклари орден-медалларга тўла бениҳоя кўркем, норғул йигит эди. Уни кўрган аёлларнинг, албатта, кўнгли суст кетарди. Шу ҳол сабаб бўлдимиз ё бу бир тақдир найрангларимиди, Шариатулло тез орада оиласини ташлаб, Зиёда исмли бошқа бир аёлга уйланиб олиб, у билан яшай бошлади.

Салима хола кизи Марям билан энди отасининг уйида яшай бошлади. Бадриддин бува, Шарофат буви, икки хола, тоға, Салима хола ва Марям — етти жон бир оила бўлиб ҳаёт кечира бошладилар. Салима хола тикувчилик фабрикасига ишга кирди, Мухтор тоға заводда ишларди.

Шарофат буви болалар тарбиясига, уларнинг ўқишига қараб турар, бўш пайтларида дўппи тикиб ўтирарди.

Марям Тошкентдаги 59-мактабда ўқиди. Математикани ёқтирмас, бу фандан учга ўқирди. Аммо адабиётни яхши кўрарди. Айниқса, эркин мавзулардаги иншоаларни маза қилиб ёзарди. Коралама, окқа кўчириш каби одатларни хушламас, бир ўтириш, бир зарб билан иншосини битказиб, ўқитувчисига топширар ва доим беш

баҳо оларди. Атворидаги инжа санъатга муҳаббат қайси ота-бобосидан ё момоларидан ўтиб келганини билмайди. Ҳарқалай, болаликдан истеъдодли одамларга эътиқоди бўлакча эди. Ёзувчи ва шоирлар, бастакор ва рассомлар, киночилар ва артистлар унга қандайдир жудаям бошқача одамлар бўлиб қўринарди. Балки бувисининг таъсиридир. Уйларида кечкурунлари Шарофат ойиси (Марям ўз онасини опа, бувисини ойи деб чақирарди) кўпинча бадийий китоблар ўқиб берарди. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини эски ўзбек ёзувида (Козон босмасида босилган) ўқиб берганлари, икки холаси, тоғаси ва ўзи йиғлаб тинглаганларини яхши эслайди. Марямнинг ўзи Бичер-Стоунинг «Том тоғанинг кулбаси» романини, Алпомиш, Хон Далли дostonларини, ўша пайтларда нашр этилган «Армуғон» деган катта бир тўпламни ўқиганларини эслайди. Умуман, Шарофат ойининг оиладаги қизлар тарбиясига таъсири кучли бўлган. У тонг-сахарлаб туриб тандиргами, ўчоқгами ўт ёқар, сандалнинг кулини олиб иситар, нонуштага иссиқ нонми, қуймоқми пишириб келарди. «Қиз болалар 9 ёшидан ўзи учун ўзи жавоб берадиган бўлиши керак», — дер эди у ва қизларга қийиниш, ечиниш тартибларини, ховли супуриш, ҳожатхоналарни тозалашни ўргатар, шунингдек, калималарни ёдлатган, намоз ўқишни ҳам ўргатган эди. Уйларида маънавий-ахлокий тарбия кучли эди. Айни чоғда, тоқчаларида янги чиққан дунёвий китоблар бўларди. Марям, шунинг учун, балки бадийий адабиётга меҳрли бўлгандир. У Одил Ёкубовнинг «Тенгдошлар» қиссасини ўқиганида эндигина 14 ёшга кирганди. Уйларида Одил Ёкубов ҳақида гап-сўзлар бўлиб турарди. Бир гал «Бу Одил Ёкубов деганлари ўша ўзимизнинг Отабой қишлоғида «сельпо»да ишлаётган йигит-да!» — дейишганда, Марям илгари уни ҳар ер-ҳар ерда тўй-маъракаларда кўриб юрганларини эсласа-да, ўша кезларда яна бир кўргиси келди. Онасига «Менга ўша магазиндан бир пальто олиб беринг», деб тикилинч қила бошлади. Отабойга боришди. Марям дўконда Одил Ёкубовни кўрди. Бироз тўлачадан келган, миқтигина, серҳаракат йигит

бўлибди. Жуда самимий жилмаяркан. Ким билади дейсиз, балки, ўша куни ўсмир кизнинг юрагига болаларча муҳаббат уруғи тушгандир...

5

1954 йилда Марям ЎзМУнинг ўзбек филологияси факультети журналистика бўлимига кирди.

Мен ҳам шу факультетнинг иккинчи курсида ўқирдим. Одил ака бу пайтда тўртинчи курсда эдилар. Факультетда у кишининг обрўси жуда яхши, талабаларнинг севимли кишиси эдилар. Биз ўз курсимизда «Тенгдошлар» муҳокамасини ўтказган, ўшанда мен нима деганим эсимда йўғ-у, ҳарқалай сўзга чиққан эдим. Одил аканинг жуда бир ёруғ юз билан жилмайиб ўтириб тинглаганлари ёдимда қолган. Кейин коридорда кўп кўрардим, ҳар доим бирор газета парчасини ўраб, тиш кавлаб турардилар. Менимча, бу тиш кавлаш эҳтиёждан эмас, ҳаёлкашлиқдан эди. Одам кўпинча ҳаёл сураётганида нима қилаётганини ўзи ҳам билмайди. Бирда-ярим, ҳеч муболағасиз айтиш мумкин-ки, факультетнинг энг чиройли қизи Марям Шариатуллаева билан бирга чиқиб кетишганини кўриб қолардик.

Эндиликда келинойимиз Марям опадан сўрайман:

— Ўқишга келганингизда Одил ака сизни қидириб топдиларми ё сиз уними?

— Мен топганман, — дейдилар келинойи.

Мен бу гапни улар лутфан айтдилар, деб ўйламайман, бу чиндан ҳам шундай бўлган, чунки Одил ака бу паллада бутунлай ижодга шўнғигандилар, кизлар билан ўралашишга вақтлари етмасди, чамамда...

Кўпчилик ёш-яланглар: кизлар ўзи тенги чиройли, кўркам йигитларни яхши кўришади, деб ўйлайдилар. Бу унчалик тўғри эмас. Тўғри, унақаси ҳам бўлиб туради. Юсуфга ошиқ бўлган Зулайҳо каби. Аммо аксарият кизлар ўзларидан каттароқ, бирмунча ҳаёт тажрибасига эга бўлган, етакчилик қилишни эплайдиган йигитларни ёқтиришади. Кизларга ўзи тенги йигитлар аллақандай билимсиз, нўноқ кўринади. Одил ака шиддатли, сўзлари ўткир, ҳар қандай одамни ҳам ўзига ром қила оладиган

ва яна, энг муҳими, бировдан яхшилигини аямайдиган саховатли йигит эдилар.

Хеч эсимдан чикмайди, ўша талабалик йилларимизда Одил ака ёш ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг бир хикоясини у билан биргаликда ўқиб, таҳрир қилиб бериб, илк бора «Шарқ юлдузи» журналида чиқартириб бергандилар.

Марям Шариатуллаева ажрашиб кетган эр ва хотиннинг эрка қизи эди, деёлмайман. Лекин, харқалай, икки оила ўртасидаги азиз фарзанд эди. Иккала оила бир-биридан узоқда эмасди. Ўртада битта Чақар маҳалласи бор эди. Чақарнинг у тарафида Шарофат ойилар хонадони, бу тарафида отаси билан ўғай ойиси Зиёдаларнинг хонадони. Марям онаси ва тоғасию бувиларининг суюкли қизи бўлиш баробарида отасининг ҳам этиборидан четда эмас эди. Отаси анчагина пишиқ, кайсар, бир сўзли киши бўлиб, ора-чора кўйлакми, жемперми олиб бериб турар, бунинг эвазига уни каттиккина тергарди. Марямнинг ўзига қолса, кўпда уларникига боргиси келмасди.

Тўртинчи курс талабаси Одил Ёкубов Жуковский кўчасидаги бир рус кампирнинг уйида ижарада турарди.

Марям биринчи курсни битиргунча улар бир-бирлари билан учрашиб юрдилар. Бу орада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раҳбари Абдулла Қаҳҳор Одил Ёкубовни хали ўқишни битирмасдан бурун наср бўлимига маслаҳатчи қилиб ишга олди. Марям биринчи курсни, Одил Ёкубов тўртинчи курсни тамомларкан, ўртадаги муҳаббат оила қуришни тақозо қиларди.

Одил Ёкубов онаси ва опасини чақириб, Марямларникига устма-уст совчи юборди. Салима хола бу масалани отасига ҳавола қилди. Аммо Шариатулло амаки кескин рад жавобини берди.

— Одил Ёкубов ким бўлибди? Битта юпқа китоби чиққан бўлса, уйланавериш мумкин деб ўйлайдими? Аввал ижарадан чиқсин, уй-жойли бўлсин? Машина олсин! Участка олсин! Ана ундан кейин Марямни сўрасин! Нима, кизим билан ижарада турмоқчимиз? — деганга ўх-

шаш гаплар билан Одил Ёкубовни шаштидан тушириб, руҳини синдирмоқчи бўлди!

Аммо Одил Ёкубов дарров синадиганлардан эмасди. Марям биринчи курснинг охирги имтиҳонидан чиқиши билан унинг олдига масалани кўндаланг қўйди:

— Марям! Иккаламиз Туркистонга кетамиз! Ўша ерда никоҳ ўқитиб, ЗАГСдан ўтамиз! Эртагаёқ хиёбонга, Курант тагига кел! Йўқ, десанг ўзинг биласан! Ёлғиз ўзим Туркистонга кетаман! Ўша ерда ўқитувчилик қиламан! Бошқа ҳеч қачон кўришмаймиз!

Хозирги замон ўзбек тили бўйича имтиҳондан беш олиб, хурсанд югуриб чиққан Марям эсанкираб қолди.

— Йўғ-эй, йўғ-эй, қочишдан бошқа йўли ҳам бордир...

— Бўлмаса, хайр! Мени бошқа кўрмайсан. Мен сени танитайман! — деди Одил Ёкубов ва шарт бурилиб кета бошлади.

Бошида чакмоқ ургандай эсанкираб қолган Марям дарҳол эсини йиғиб олмаса бўлмаслигини англади.

— Тўхтанг... майли... ҳўп... — деди аранг.

Орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтиб, 80 ёшини нишонлаётган кунларининг бирида Одил Ёкубов умрида илк бора ўша кунги кайфиятини шундай деб эътироф этганди:

— Марямга, Туркистонга кетиб ўқитувчилик қиламан, деганим билан, аслида, ўша кун Марям йўқ деса, мен, албатта, ўзимни ўлдирмоқчи эдим...

6

Жаҳондаги ҳамма муҳаббат савдолари тарихида дўстликнинг ўрни катта бўлган: Фарходнинг дўсти Шопур, Хамлетнинг дўсти Горацио каби Одил Ёкубовнинг ҳам Хайрулла исмли бир дўсти бор эди. Улар фақат бир қишлоқдан эмас, бирга ўсган, улғайган, бирга Иккинчи жаҳон урушига кетишган, эндиликда Тошкентда яшаб, тез-тез учрашиб турардилар. Хайрулла Бенъков номидаги тасвирий санъат ўқув юртида ўқирди. Дўстлар Марям Шариатуллаевани олиб қочиш режасини туздилар. Эртасига эрталаб паспорти, бошқа ҳужжатлари ва энг керак-

ли кийим-бошлари билан келган Марямни олиб Чимкентга равона бўлдилар. Чимкентда Хайрулланинг кекса ёшли бир қариндоши бўларди. Кўпни кўрган бу босиқ, донишманд киши уларни очик юз билан қарши олди. Ошиқ-маъшукларга ўз ётоғини бўшатиб берди. Хайрулла билан отанинг ўзи даҳлизда ётишди. Маслаҳат билан Туркистонга поездда кетадиган бўлишди.

Йўлда бир воқеа юз берди. Вагонда бироз мизғиб олган Марям уйғониши билан сочиқ олиб юз-қўлини ювгани кетди. Гурунглашиб ўтирган дўстлар алланималарни эслаб хохлаб кулардилар. Аммо орадан анчагина вақт ўтганига қарамай Марямдан дарак йўқ эди. Ярим соат ўтди, бир соат ҳам ўтиб ҳеч дарак бўлмагач, ундан хабар олгани хожатхонага боришди. Аммо у ер қулф эди. Тақиллатдилар. «Эшик қулфланиб қолди, очилмаяпти», — деди.

Марям ичкарида. Проводник хонасига югуришди. У ерда тўрт безори йигит проводникка пичоқ ўкталиб: «Хозирги станцияда қизни биз билан тушириб юборасан, йўкса, сени ўлдирамиз», — деб дўқ ураётган экан. Дўстлар шовқин кўтаришди. Бирпасда одамлар кўпая бошлади.

— Калитни бу ёққа чўзинг! — деди Одил Ёкубов ва калитни юлқиб олиб, Марямни «камоқ»дан чиқариб, ўз хонасига олиб кириб кетди. Хайрулла савол-жавоб қила бошлаши билан безорилар ҳар қаёққа таркалишди ва бу орада поезд Туркистонга келди, улар эсон-омон тушиб қолишди.

Гулшан она ўғиллар ва ўз оёғи билан кириб келган келин шарафига бир эчкини сўйдирди.

1955 йил 25 июлда Одил билан Марямни никоҳлатиб, Туркистон ЗАГСидан ўтказдилар. Камтарингина тўй ҳам бўлиб ўтди. Мурод, Рустам, Искандар, Малик исмли ўғиллар кўришди.

Кейин Моҳира, Саодат, Лутфия, Фарида исмли келинларни киз ўрнида қабул қилдилар. Хаммалари олий маълумотли, зиёли инсонлар.

— Марям қутли келин бўлди. У келиши билан ҳикояларим, қиссаларим, китобларим кетма-кет босилди. Академик драма театрида устма-уст пьесаларим қўйилди.

Биргина «Чин муҳаббат» учун шунчалик кўп пуллар олдимки, Ёзувчилар уюшмаси берган уй-жойлардан ташқари, участка ҳам, «Волга» машинаси ҳам сотиб олдим, — деганди Одил ака.

— Одил ака давримизнинг Хотам Тойи, десам ҳеч муболаға бўлмайди. Шундай пайтлар бўлдики, биз бир ҳовлида 15 бола билан, ундан ташқари, катта онам, қайнонам, қайниларим, Одил аканинг жиянлари, квартира эгалари ҳаммамиз бирга турардик, — дея эслаганди ўша кунларни Марям янга.

ИБРОЙИМ ЮСУПОВ билан БИЙБИЗОДА

*Ибройим туркий тилли шоирлар
ичида пайғамбари, қўшиқлари
Махтумқули сиёқли, бошқа тилларда ҳам
тушунилиши қийин бўлмаган
қудратга, теран философияга эга.
Қайсин Кулиев*

*Ибройим Юсуповнинг ота-онаси
(Қорақалпоғистон)*

Хамма расмий маълумотларда «Ибройим Юсупов Қорақалпоғистоннинг Чимбой туманидаги Тоғжоп овулида 1929 йил 5 майда руҳоний оиласида туғилди» дейилган. Аммо қорақалпоқ ёзувчиси Шарап Уснатдинов ўзининг «Ибройим Юсупов. Шоирнинг ёшлиги» деган китобида Ибройим Юсуповнинг 1926 йил 5 майда туғилганини ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмай кўрсатиб берган. Ота-си Юсуп Саека ўғли Бухоро мадрасасини битирган катта илмли олим, диний даражаси охун эди. Онасининг исми Хонбийби бўлиб, жуда камгап, ичи тўлғониб турса ҳам, ўз хисларини айтавермайдиган, хушомадларни бир чақага олмайдиган босиқ ва камтар аёл эди. У туғилган Қирқбой овули ўз шоирлари, бахшиларига эга бўлган, дostonлар, айтишувлар, қўшиқларга бой эл эди. Юсуп охун болаларини турли диний ривоятлар, афсоналар билан таништи-

риб борса, Хонбийби Қирқбой овулида эшитган эртақлари билан гурунглари, қўшиқларини тез-тез айтиб берар эди.

Юсуп охун икки марта уйланган, биринчи хотинидан икки қиз, у оламдан ўтганидан кейинги иккинчи хотини Хонбийбидан бир қиз ва икки ўғил қўрганди.

1931 йилда Юсуп охун қамоққа олинди. Беш яшар бола Ибройимнинг кўз ўнгида икки отлиқ ҳарбий келиб, отасини арқонга боғлаб, ўзлари яна отга миниб, отасини эса яёв судраб кетишганди.

Юсуп охун нима айб қилганини билмасди, фақат тергов жараёнида уни аксилинқилобий тўғарак аъзоси сифатида айблаётганларини фаҳмлади. Завадовский деган бир рус терговчиси Жонкелди деган ярим қозоқ, ярим татар тилмоч орқали ундан «Илёс эшон Идрисовни танийсизми?» — деб сўраганда, «Ҳа, ул киши Қорақум эшонининг муриди бўлиб, биз Бухоро мадрасасини битираётган йилимиз ўша ерга келганди», — деб жавоб берди-ю, шу-шу «Сиз Чимбой аймағида Илёс Идрисов бошқарган контрреволюцион жамоанинг аъзосисиз», — дея бошлади. «Илёс Қозоғистонга қочиб кетаётганда унга тилла бергансиз», — деб тухмат ҳам қилди.

Бир дафъа онаси Хонбийби ўғиллари Мадан билан Ибройимни олиб, Юсупни қўргани борган, аммо назоратчилар Хонбийбини киритмай, отасининг олдида фақат ўғилларини киритишган эди. Ибройим ҳали ёш бола бўлгани учун, турмада отаси билан қўришишга қўришдию ниманинг нима эканини билмай серрайиб турганди ўшанда...

Охун оғир жазога тортилмай, беш йил қамоқ муддати олганда Хонбийби: «Омон бўлса, Ибройимжон ўн бирга чиққанда келар экан», — деб шуқур қилиб, дардларини ичига ютди. Аммо орадан кўп ўтмай 1932 йили осмондан яшин тушгандай, Тўртқўл турмасидан Юсуп охуннинг жони узилгани тўғрисида хабар келди. Қароматдин «миллиса»нинг бир вакили хуфтон намози вақтида Қаллибек бошлиққа айтиб кетган. Бошлиқ ярим кечаси ўз хотини билан Хонбийби янганинг уйига келади. Ҳаммалари овоз чиқариб йиғлаганда қўшнилари уйғониб йиғила бошлайди.

Хонбийби Хужаниёз сўфининг Нуробилло, Ниятулло, Саъдулло деган уч ўглининг ўртасида бир киз эди. Хужаниёз сўфи қўли ҳунарли одам эди. Болаларига «ҳар соҳадан бир шингил» дегандай ҳужаликка керакли хунарларни ўргатган, Хонбийби ҳам кўрпа сириш, катта ёшлиларга кийим-бош тикиш, сут махсулотлари – сарёғ, сузма, кўрт тайёрлаш, сўк туйиш сингари юмушларни бемалол бажарарди. Юсуп охунга турмушга чикиб, болалар орттирганда ҳам ҳеч қачон юмушдан, оғир меҳнатдан қочмади. Юсуп охун камалганида ҳам эсанкираб қолгани йўқ. Болаларини оқ ювиб, оқ тараб тарбиялади. Фақат охуннинг ўлими унинг юрак-бағрини қон қилди. Аммо бор иродасини ишга солиб, буни болаларига билдирмади.

Ибройимнинг уяйиш йиллари

Ибройим 8 ёшга кирганида тўрт йиллик мактабга чиқди, акаси Мадан тўртинчи синфда ўқирди. Мактаб ўқувчилари уларни «халқ душманининг боласи» деб қўлларини бигиз қилишар, Ибройим бу гапларнинг маъносини тушунмагани учун парво қилмай бемалол синфга кириб ўқийверар, аммо Мадан чидолмай гап ташлаган болалар билан муштлашар, баъзан оғзи-бурнини қонга беларди. Шунда ота-оналар боланинг устидан ҳуқуқ органларига шикоят ёзгандилар. Агар 4-синфни битиргандан кейин Чимбойдаги мактабга ўтиб ўқишини давом эттирмаса, мактабдан четда қолган болани меҳнат колониясига олиб кетишлари мумкин эди. Шунинг учун Хонбийби Маданни «ёмон ўқигани учун синфда иккинчи йилга қолди» деган қарор чикартириб, яна бир йил мактабда ўқийдиган қилиб, колониядан қутқариб қолди. Буларнинг ҳаммаси Ибройимнинг кўз ўнгида бўлиб ўтган воқеалар эди.



Ибройимнинг диди шаклланишида муҳим ўрин тутган кишилардан бири Пақирбой деган подачи эди. Ибройим ҳали мактабга чиқмасдан олдин уч-тўртта бола билан бирга подачининг ёнида яйловга чиқиб, олдинига қўй-қўзиларни, сал кейинроқ сигир подасини ҳам боқишга қўмаклашган чоғлари кўп бўлганди. Ўшанда болалар уйдан олиб келган нон-понларни ўртага қўйиб, подачи билан бирга баҳам кўришар, кейин Пақирбой таёқни дутордай чалиб халқ қўшиқларини айтар, сўнг уни қўбиз қилиб жиров (бахши) каби термалар тўлгантирар эди. Болалар уни эртақлар, тимсоллар, афсоналарни кўп биладиган, халқ ичида яшириниб юрадиган фаришта деб ўйлардилар. Аслида у 1916 йили мардикорликка, 1917 йилги тўнтаришдан кейин Қизил Армияга олинган. Урал бўйида оқ гвардиячиларга қарши жанг чоғида, тақдир тақозоси билан нўғойлар ичига тушиб қолганди. Тили ҳам, дини ҳам, бутун ҳаёт тарзи ҳам қорақалпоқларга ўхшаш нўғойлар билан тил топишиб қолиб, уларнинг тўй-ҳашамлари, турли маъракаларида қатнашади. Ўшанда у нўғойларнинг қўшиқлари, лапарлари, «Нўғойнинг қирқ ботири», «Эдиге» дostonларини эшитган ва ёдлаб олган эди. У ердаги манғитлар, қўнғиротлар, қўмиқлар, бошқирдлар билан бирга яшаб, туркий халқлар оғзаки ижодини пухта эгаллаган эди. Кейин нўғойлар Пақирбойни ўз элига кузатиб қўйгандилар. Аммо Пақирбой юртига қайтганида «Бу одам 1916 йилги халқ қўзғолони қатнашчиси» деб ҳеч қандай ишга олинмайди. У Тоғжоп бўйидаги она қишлоғига келиб, уч-тўрт йил мол боқади. Пақирбойнинг туркий қўшиқлари Ибройимнинг қалбида чуқур из қолдирган эди.

Ибройим мактабга чиққанда Тўлаган Тўрамуродов деган ўқитувчига бўлакча меҳр қўйди. Каттиқ яхши кўрди. У биринчи дарсда «Ассалом алайкум» — «Ваалайкум ассалом» тартибларини ўргатди ва ўз отини «Тўлаган» деб таништирди, «Аммо сизлар менга «муаллим» деб мурожаат қиласиз, биров сиздан «Ўқитувчингиз ким?» деб сўраса, «Тўлаган муаллим» дейсизлар», — деб тайинлади.

Тўлаган муаллим адабиётни, тарих ва географияни болаларга яхши ўргатар, дарсда ўтилган шоирларнинг шеърларини доим ёддан айтиб берар, шунингдек, болаларга ҳам, албатта, ёдлатар эди. Иброҳим хали муаллим ёдлашни вазифа қилиб бермасдан олдин шеърларни ёдлаб олганди. Муаллим тарих дарсларини ҳам болалар танийдиган жойлар билан боғлаб, жонли ҳикоятлар тарзида шундай қизиқарли қилиб ўтардики, ўқувчилар дарсдан кейин ҳам уларни завқланиб эслашарди. География, табиат дарсларини эса ҳаётий воқеалар билан бойитиб, кўриниб турган нарсаларга ишора қилиб ўтарди. Масалан, Ибройим ҳеч қачон унутмайди, у тўрғай хақида шундай деган эди: «Пошотўрғай деган қушни биласиз, чумчукдан каттароқ, дўмбоқ. Бошида тожи бор. Тож подшоларда бўлади, шунинг учун унинг оти олдин подшо тўрғай бўлган, сўнг халқ икки сўзни қўшиб пошотўрғай дея бошлаган. Яшар жойи йўмичқаликда бўлиб, от боғланган ерда, туш чоғи ҳавога чиқиб бир соатдан ортиқ сайрайди. Овозини тинч ўтириб тингласанг, сенга баъзи сўзларни айтаётгандай бўлади. Қўшиқда у нимани куйлаши мумкин? Шу маконни, туғилган ерини, яшаш бахтини куйлайди. Жуда кароматли, авлиё қуш. Унга зиён етказиб бўлмайди. Бизлар ҳам шу қушга ўхшаб элимизни, туғилган ватанимизни чин юракдан тинмай куйлашимиз керак...» Кейинчалик Ибройим ана шу фикрлар таъсирида бўлса керакки, тўрғай тилидан шундай гўзал сатрлар битган эди:

Сен менинг тупроғим, мен сенинг япроғинг,
Сен менинг маконим, мен сенинг калқонинг.
Мен сенда туғилдим, Тоқолда чўмилдим,
Юксакда муаллақ шодликка кўмилдим.
Пир-пирлаб тураман, кўркингга тўймайман.
Сен учун энг гўзал сас топмай қўймайман.

Корақалпоқларда неча-неча асрлар бўйи давом этиб келаётган бир одат бор. Агар бирор оилада тақдир тако-

зоси билан ака-укалардан бири вафот этса, мархумнинг оиласи акаси ё укаси қарамоғига ўтказилади. Бу одатнинг мағзида катта инсонпарварлик руҳи бор. Бева қолган хотин ёлғизлик аламига дучор бўлмайди. Етим қолган болалар эса бегона одам қўлида ўғайлик зулмларини кўрмайдилар. Ўз амакисининг болалари билан бирга бир оила бўлиб яшайверадилар. Агар амаки бўлмиш ўз жиянлари тарбиясидан қочиб, бирга яшамаса, эл-юрт ўртасида номард эркак сифатида обрўларини йўқотадилар.

Ибройимнинг отаси Юсуп охун ўлганда сўзи ўткир қариялар Хонбийби билан охуннинг укаси Курбонниёзни, гарчи у бошқа ховлида яшаса ҳам, ўртага олиб, бу борада насиҳат қилган ва розиликларини олган эдилар. Аммо Курбонниёз талай вақтгача булардан хабар олмай яшайверди. Бир дафъа буларникига келганида, Хонбийби икки ўғли — Мадан билан Ибройимнинг ўқишлари ўлда-жўлдалигини айтиб, ундан гина қилади. Маълум бўлишича, баъзи қўни-қўшнилари: «Аканг халқ душмани эди, болаларига қарасанг, сен ҳам халқ душманлари қаторига тушиб қоласан», — деб қўрқитишган экан. У ўзи ҳукумат дин пешволарини қатағон қилаётган йиллари ўз мачитида янги мактаб очиб, аранг таъкибдан қутулиб қолган экан. Аммо энди Мадан билан Ибройимнинг ўқишини яхшилашга ваъда беради. Ака-уканинг ўқишларини суриштириб боради. Кечалари уларга арабча ва форсча китобларни ўқишни ўргатарди. Мадан ўқишга унча қизиқмади, аммо Ибройим эски алифбода Сўфи Оллоёр, Фузулий, Хофиз, Бедил ғазалларини, «Юсуф-Аҳмад», «Бобо Равшан» қиссаларини (қўмиб қўйган еридан чиқариб) ўзи ўқир, ёд бўлиб кетгунча қўлидан қўймас эди.

Ибройим Юсупов Тоғёндаги тўрт йиллик мактабни битиргач, Чимбой шаҳридаги мактабга бориб ўқий бошлади. Бу ерда давом этган дарслар унинг учун фақат илмларни ўрганиш эмас, шоирлик мактаби ҳам бўлди. Хеч иккиланмай айтиш мумкинки, унинг ижтимоий қарашлари айнан шу йилларда шаклланди. Холбуки, Чимбойдаги Кегейли қўпригидан ўтиб бориладиган мактабга келганида у хали

туғилган йили қайсилигини ҳам аниқ билмасди. Уни мактабга қабул қилувчи муаллим: «Ёшинг нечада?» деб сўраганда, «Билмайман, отам мени йўлбарс йилида туғилди, деб айтиб кетган», — деганди, ўшанда ўзи ўқитган синфни бу мактабгача кузатиб келган Тўлаган муаллим «Демак, 1926 йилда туғилган бўлади», — деб жавоб берганди.

Тўлаган муаллим кишлоққа қайтишга отланаркан, болаларни бир ерда тўплаб, атрофни таништирганди:

— Манов катта йўлга қараб кетсанг — Тахтақўпир, унинг орқа томони — Кизилўрда, Фарбга кетсанг — Орол денгизи, унинг орқа томони — Ўрусият, қиблага қараб кетсанг — Хива, Тошкент, Мари, Эрон — дунёнинг хоҳлаган тарафига йўл бор. Хозир бу йўллар кимсасиз бўлиб, юриш қийинлашиб кетган.

Ибройимни ҳаммадан ҳам кўпроқ қувонтирган нараса мактаб яқинида туман кутубхонаси борлиги бўлди. Келган кунининг эртасиданок китоблар оламига шўнғиб кетди. Яна мактаб яқинидаги чорбоғда чойхона ҳам бор бўлиб, у ерда доим қовурилган балиқ, чўрак нон бўларкан. Катта қора қозонда билкиллаб қайнаб турган сувдан чойнакка чой дамлаб беришаркан. Дам олиш кунлари катта бозор бўларкан. Бозорда киссавур болалар ҳам бор, эҳтиёт бўл, дейишди. Ибройим биринчи кунларда кутубхонадан «Қиз Жибек», «Қобланди», «Жас қайрат» деган қозокча китобларни олиб ўқиди. Хали қорақалпоқча китоблар йўқ эди.

Мактаб раҳбарлари Ибройим шеърлар ёзишини ва яхшигина расмлар солишини кўриб, унга мактаб деворий газетасини чиқаришни топширишди. Бир дафъа унинг акаси Мадан Ибройимнинг шеърини эшитиб, онасидан «Опа, бизнинг уруғдан илгари шоир чиққанми?» — деб сўраганида, онаси: «Йўқ, халқда от чиқарган шоир бўлмаган», — деганди. Мадан: «Шунда манов боланг қайдан чиқди?» — деганди. Ибройим эса: «Хой, ота-боболар силсиласида ҳамма вақт кимдир биринчи бўлиб шоирликни бошлаган-ку, бизнинг авлодда мен бошлаб берсам нимаси ёмон!» — деганди. Ана шундай ўйлар билан яшаётган Ибройим Чимбойнинг бутун оғир-енгил тари-

хини, бу ердан чиққан улуг одамлар ҳаёти ва ижодини синчиклаб ўрганишда давом этди, қалбини маълумотлар билан бойитди. Фақат бир нарса унинг бутун борлигини зиркиратар эди: севимли халқининг бир-бирини йиқитишга уриниб ётишларини ўйлаб: «Шаҳарларда, ҳатто бизнинг овулларда ҳам уруғчилик, бўлинувчилик бор, буни ким ўйлаб топган?! Анна, қуйин, кирк, манживли, қипчоқ, оролбой, қанғли... вой-бўй, ҳеч охири йўқ-ку буларнинг...» — дер эди.

Чимбойда Ибройимларнинг синф раҳбари манглай устида сочи йўқ, ўрта ёшдан ўтган Асхат Минуллин деган татар киши экан. Одамлар уни Асхат обзий дейишарди. У дунё ходисалари билан Чимбой ўтмишини чоғиштириб дарс ўтганда, Ибройимнинг кўзи очилиб кетди. Хива хонлигини босиб олган рус подшоҳлиги бу ерда босқинчилик сиёсатини юргизиб, қорақалпоқлар ўртасида уруғ-аймоқчиликни авж олдирганини (бўлис сайловлари, сув тақсимоти), 1900 йилда Чимбойда ўрис мактаби пайдо бўлганини, аммо у ерда қорақалпоқларни ўқитмаганлиги, фақат таржимонлар тайёрловчи курслар очганини, пахта тозалаш заводи, мой ишлаб чиқариш ва қўн (тери) заводлари қурилгани, тўқима моллар етказиб берувчи завод қурилгани ва Чимбой маҳсулотлари жаҳон бозорига чиққани каби муҳим маълумотлар берар эди. Яна Чимбойда собиқ тузум ўрнатилмасдан олдин кўпгина ўйин-завқ, турли томошалар қўйиладиган жойлар бўлгани ҳақида сўзлаб берарди. Хивадан дорбозлар, қўғирчоқ театрлари, масҳарабозлар келиб турарди. Собиқ тузум даврида маданий ҳаёт бошқача йўлда давом эттирилди. Шаҳар атрофидаги қишлоқларда хаваскор театрлар ташкил қилиниб, ҳукмрон сиёсатни мадҳ этувчи сахналар қўйила бошлади. 30-йилларда Пирниёз Жуманиёзов турли ўйинлар кўрсатарди. Халқ Хоразмдан Собир дорбозни, қўғирчоқ ўйнатадиган Матниёз, Хўжаниёз гармончиларни, Болтабой масҳарабоз, Эшмат масҳарабозларни чақирарди. Улар томошабинлар талаби билан ўзбекча, қорақалпоқча, козокча, туркманча чиқишлар қи-

лаверар эди. Шу йилларда қорақалпоқларнинг Ҳумирбек лаққи, Давлат лаққи, Турсунбой лаққи, Тиним киз лаққилари қўпчиликини обдан қулдиришар, ҳаётга муҳаббат уйғотардилар.

Асхат муаллим Чимбойга татар театри келганда, ўз ўқувчиларини унинг спектаклларига ҳам олиб борди. Улар «Бошмоғим», «Ғолия Бону», «Қозон кизи» каби томошаларни катта қизиқиш билан қўрдилар ва драматургияни ҳам орзулай бошладилар. Ибройим Чимбойда, қорақалпоқларнинг ўз классик шоирлари Қунҳўжа, Бердақ ва Ажиниёзлар, туркман шоири Махтумқули ижодини ҳам синчиклаб ўрганди, турли адабий кечаларда Аббос Добилов, Жўлмирза Оймирзаев каби бир қатор шоирлар билан танишди.

1941 йили битирув имтиҳонлари яқинлашганида уруш бошланиб қолди. Ҳамма битирувчилар ўз овулига тарғиботчи қилиб жўнатиб юборилди. Ибройим ҳар куни «Эркин қорақалпоқ» газетасидаги асосий баёнот ва хабарларни ўрганиб чиқиб, ҳўжаликдаги одамларга айтиб берар эди. Газетада чикқан Амет Шомуродов, Жўлмирза Оймирзаев, Аббос Добилов шеърларини ўқиб берарди.

1943 йили 2 февралда Сталинград жангида ғалаба қозонилганида юқори ташкилотларнинг топшириғи билан Чимбойда катта концертлар ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Санъат бўлимининг бошлиғи Амет Шомуродов, халқ шоири Аббос Добилов, халқ артистлари Жапақ бахши, Ойимхон Қозимбетова (кейинча эрининг фамилиясига ўтиб, Шомуродова бўлган), хизмат қўрсатган артистлар Йўлдош Шарипов, Тўхта Раҳмоновалар) қатнашардилар. сўнгра улар овулларга чиқиб 120 дан ортиқ концерт бердилар. Концертларда Ибройим Юсупов ҳам тарғиботчи бўлиб иштирок этар, олдин совет армиясининг катта ютуқлари ҳақида сўзлар, гоҳо-гоҳо ўз шеърларидан ҳам ўқирди.

Ибройим билан Бийбизоданинг муҳаббат йиллари



1945 йилда Ибройим Юсупов Нукусга бориб, Қорақалпоғистон педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирди, озгина вақт ўтгач, кўч-кўронини кўтариб кўчиб борди.

Институтни битирадиган 1949 йили, бешинчи курсда Нукус шаҳридаги бир мактабга амалиётга бурганида, 8-синфда ўқиётган бир кизни кўриб, афсонавий қаҳрамонлар — Фарҳоду Мажнунга ўхшаб ҳушидан айрилаёзди. Эртақларда айтилганидек, «ой деса оғзи, кун деса кўзи, писта бурни, қиёқдай қошлари, олдида ташласа нақ тиззасига тегиб турадиган икки ўрим қалин сочлари, ўқловдай силлиқ оқ болдир, бўлиқ билаклари оппоқ дийдорига муносиб қуйиб қўйгандай суп-сулув паризоднинг ўзи эди» (Гулистон Шомуродова таърифи). Ибройим ўзини аранг тутиб олди.

Тўғри, илгари ёши энди ўн бешлардан ошган паллада дехқон овулидаги Алима исмли бир кизни севган, унга халқ қўшиқларидан келтириб бир ошиқона хат ҳам ёзган эди. Аммо киз:

— Иккимизнинг ёшимиз тенг, Ибройим, киз бола эрта етилади, йигитни кутиб юролмайди. Кизнинг эрки ўзида эмас, биласан... — деб юмшоққина рад жавоби берган эди. Ўшандан буён бировга кўнгил беришдан безиллаб қолган, ўзини қизлардан нарироқ тутарди.

Энди бўлса, унинг инон-ихтиёрини писанд қилмай, худди сел ёпирилгандай, бутун борлигини ҳаяжон тўлқинлари оқизиб кетди. У ўзини тўхтатиши имконсиз эди. «Ошиқ йигит» гайриихтиёрий равишда қизга кетма-кет хат ёзар, йўлларида пайдо бўлар, ҳуллас, тез фурсат ичида у билан танишиб олди. Исм-шарифи — Бийбизода, фамилияси Жуманазарова... Энг хатарли томони у

Корақалпоғистон Автоном Республикаси Олий Кенгаши Президиуми Раиси Матекке Жуманазаровнинг кизи экан («Корақалпоқ адабиёти» №3). Биттагина омадди томони Жуманазаровлар оиласи Амет Шомуродов — Ойимхон Шомуродова (собик Козимбетова)лар билан ён қўшни эканлар.

Ибройим 1949 йилнинг ёзида Педагогика институти битирди ва шу ернинг ўзида қорақалпоқ тили ва адабиётидан дарс берадиган ўқитувчи бўлиб ишда қолди. Шомуродовлар учун нақ оила аъзосидай жонажон, қадрдон эди. Амет Шомуродов Ибройимни ўз инисидай яхши қўрар, «У қорақалпоқнинг бўлажак Пушкини», — дер эди.

Жуманазаровлар серфарзанд оила бўлиб, Бийбизода тўққиз бола ичида тўнғичи, Шомуродовлар ҳам етти болали, тўнғичи Гулистон экан. Бу тўнғич қизлар ўртасида уч ёш фарқ бўлса ҳам, яқин ўртоқ, «сирдош» эканлар. Хатто Ибройимнинг ошиқона хатларини ҳам Гулистонга ўқитишга бераркан.

Ибройимнинг Гулистонлар уйига келиши байрамдай қувонч келтирар, сабаби, у келиши билан чорбоғнинг ичи билан Бийбизода ҳам товусдай товланиб, ўзидан муаттар ифор таратиб кириб келаркан. Лекин улар ўтиришмас, истирохат боғига кетишаркан. Ошиқларнинг учрашиб туришларига Гулистоннинг онаси янғалик қиларкан. Баъзида отаси ҳам иккала оиланинг катта болалари ва Ибройимни театр томошасига олиб бораркан. Хуллас, Гулистоннинг ота-онаси ҳам ёшларнинг бахтига тилакдош эканлар.

Ўша йиллари Амет Шомуродов Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари эди, шу билан бир пайтда Ёзувчилар уюшмасини ҳам бошқариб турарди (Нажим Девқораев Москвада докторантурада эди). Ибройим Юсуповни баъзи масъул ишларга жалб қилиб турарди.

Юсупов Аметларникига келса, Гулистон югуриб чиқиб, Бийбизодага хабар берар, у парво қилмай жойидан қўзғалмай ўтирса, «Нима, уни кўргинг келмайди-ми?» — деб сўрар, Бийбизода: «Уларнинг расмий ишлари қўп бўлиши мумкин, отангни норози қилгим келмайди», — дер эди.

Бийбизоданинг отаси: «Ибройим Юсуповнинг келажаги йўқ, уламанинг боласини партияга олишмайди ва ўстиришмайди», — дебди. Бийбизода Гулистонга: «Мени отам ўқишни битирмагунча куёвга бермайди, деб хасрат қилибди. Шунда у мени яна уч йил кутади дейсанми? Хозирнинг ўзида институтни битирган бўлса, у тенгилар бола-чақали бўлиб кетишди».

Чиндан ҳам Ибройимнинг севгилисидан саккиз ёш кичик эди.

Бийбизодага отаси: «Агар рус тилини яхши ўрганиб, мактабни олтин медалга битирсанг, сени Москвада — МГУда ўқитаман», — деган экан, шунинг учунми ё ўзида адабиётга қизиқиш каттамирди, у тинмай рус тилида жаҳон классикларининг китобларини ўқир эди. Сўнгра Бийбизода ўзининг аълога битирганида отаси уни чиндан ҳам Москвага юборадиган бўлди. Ўқиш тараддулидаги Бийбизодани уйда сақлаб, Гулистонларникига ҳам чиқармай қўйишди.

Бир куни учрашув иложини тополмаган Ибройим Гулистоннинг холаси Тиллахондан Бийбизодага хат жўнатди. У Гулистонлар чорбоғига ўтолмаслигини айтиб, ўзларининг чорбоғи томондан келсин, дебди. Тиллахон Ибройимга ўз халатини кийгазиб юборди. Икки чорбоғ орасидаги девордан сакраб ўтган Ибройимни уларнинг ити талайди. Тилланинг халати дабдала бўлиб, ўзи зўрға қочиб қутулади. «Ибройим Юсуповнинг «Тўнғич муҳаббат қўшиқлари» туркумидаги қўйидаги шеър ўшанда ёзилган бўлса керак», — дейди Гулистон.

Ким мени «севмайди» деб гап-сўз этган?

Севаман ҳатто хира чумчуғингни,

Ойнагининг олдида дум ўйнатган

Хурпайган сенинг қора мушугингни.

Уйингинг олдидаги уч терак ҳам —

Ҳаммаси юрагимдан эмас йирок.

Ўпкалаб юрибдими, қилиб алам,

Итингни ҳуш қўрмайман, жоним, бироқ.

1952 йилда Бийбизода Москвага кетади. Ибройим мактаб ўқитувчиси эди.

Амет Шомуродов билан Ибройим Юсупов шу йили бирга таътилга чикиб, дам олгани Кримга кетишди. Кайтишда Москвага ҳам бордилар. У ерда Ибройим Бийбизода билан учрашиб қайтди.

Ётоқхонасида МГУнинг
Лофмас жой бор десам мингтача.
Яширмайман, аммоки унинг
Беш юз биринчиси ўзгача.

Бир, икки, уч... етти ўриннинг
Бош ёғида бор етти гилам.
«Етти гўзал» поэмасининг
Тимсоллари бунда бўлган жам.

Сулув Нина олис тайгада
Қарағайзор жойда етишган.
Тожиқ кизи Чехрайзода
Панж олмаси сингари пишган.

Тираналик Хажира тентак
«Мен Пушкинга ошиқман» дейди.
Ян-Гу-фейга «Как дела?» десак,
«Қарашо» деб кулимсирайди.

Эстон кизи Лиди соллона
Сўйлаб берди «Калевипоэг»ни.
Осетинли мулойим Сона
Бўш вақтида ҳар ишга эпли.

Еттинчи қиз — Аму юлдузи,
Очиғи, у менга бегона эмас.
Оҳ, қўй кўзли қорақалпоқ қизи,
Отинг айтиб сир берсам бўлмас.

Йилда бир келаман, қийнайди соғинч,
Оз ёзасан, бу ҳам бир азоб.
Ўқийсан-ов яна сен уч йил,
Диплом йилинг мунча ҳам узоқ!

Ўқинг, қизлар, ким билим олса,
Халққа қўп наф бериши аниқ.

Олиса қолган одамингиз бўлса,
Менга ўхшаб соғинсин қаттиқ.

Етти гули етти хил ернинг!
Ўлманг, дўстлик тилайман сизга!
Барингизни севдим, яхши кўрдим,
Лек ошиқман бировингизга!

Умумий ётоқхонада шароит яхши бўлса ҳам, ўқиш жараёнида Бийбизоданинг мушкуллари кўп экан. Ҳамма дарслар, албатта, рус тилида ва ошиғич ўтилар эканки, олис қорақалпоқдан келган бечора киз, қанчалик зеҳни ўткир бўлмасин, ўзлаштиришга улгуролмаётган экан. Босқичдошларидан орқада қолаётганидан хавотирда. У ўқишини Тошкентга кўчиришни ўйларди.

Ибройим Москвадан Бийбизоданинг ўқиши оғирлиги хабарини олиб келди. Бийбизода ўзи ҳам тез-тез хат ёзиб, уй томонларни қаттиқ соғингани, кенг шаҳар унга торлик қилаётгани, ўқишдан қийналаётганини айтарди. Ибройим Юсупов эса кундан-кун кучли, таъсирчан ва кўп шеърларини матбуотда эълон қилиб, халқ орасида донғи ортиб борарди. Гулистоннинг онаси Бийбизоданинг онасига учраб, кизнинг Москвада қийналаётганини айтганида Ползода унинг ҳолидан хабардорлигини айтди.

1953 йилдан ўқишини ТошДУга ўтказишга қарор қилибдилар. Бийбизодага 31 августда Тошкентга учиш учун чипта олишибди.

Аммо 1953 йил 29 августда Бийбизода ва Ибройим қочишга аҳд қилдилар.

Қочиш жараёни қандай ҳал бўлганини Гулистон Шомуротова ўз эссесига батафсил ёзган. Биз уни қисқача баён ҳолида келтирамиз.

Бийбизода Гулистонга «Бугун Ибройим билан қочиб кетаман. У талабни қаттиқ қўйди. Бугун у билан кетмасам, энди ортиқ кутмас экан», — деди. Кейин қўшимча қилди: «Мендаги ҳамма хатларни, сувратларни сенга қолдираман, Гулистон, хатларни сумканга сол!». Сўнг ундан хиёбонга бориб туришни, агар қайтмаса, уйла-

рига келишни тайинлади. Гулистон хиёбонни бир айланиб чиқди, Бийбизодадан дарак бўлмагач, хавотирланиб уларнинг уйига кетди. Деразалари олдига келганида Халмурат Сапаров етиб келди ва Бийбизода қачон чиқишини сўради. «Билмадим, отаси келишини кутаётганмиш», — деди Гулистон ва «Ибройим оға келганми?» деб суриштирди. Халмурат ариқнинг ичига имо қилди. Ибройим икки букилиб бекиниб ўтирарди. Бийбизоданинг отаси келди ҳам, аммо ундан дарак йўқ эди. Соат бир-иккилар чамасида Бийбизода синглиси Ляля билан чиқиб, том муюлишига келди. Чиқиш жуда қийин бўлганини айтди. Шу орада Ибройим билан Халмурат Сапаров оҳистагина юриб келишди ва Бийбизоданинг йиғлаб турганини кўриб қотиб қолишди. Тинчликни Ляля бузиб:

— Бийбизода, бўпти, менинг уйқум келяпти. Ма, сумкангни ол, мен уйга кетдим, — дейди ва жўнаб қолади. Гулистон ҳам Бийбизода билан хайрлашади.

Шундай қилиб, Бийбизода Ибройимнинг қўлтиғида, тротуардан катта йўлга чиқиб, Халмурат учови яёв жўнаб кетишади. Гулистон эса икки ошиқ мурод-мақсадига етганидан қувонса ҳам, сирдоши Бийбизодадан узил-кесил айрилиб қолгандай, ёлғизланиб йиғларди.

«Бир куни Бийбизоданинг Шахзодасини кўргани бордим», — деб ёзади Гулистон эссеси сўнгида. Улар бир қизлик бўлган экан, чақалоқ онасига ўхшаган оппоқ эмас, худди Ибройимга ўхшаган буғдойранг экан. «Мен қаёқдан билай, тандирдан шунақа бўлиб чиқди. Киз бола отага тортса керак-да», — дебди Бийбизода. «Киз бола отага тортса, бахтли бўлади», — дебди Гулистон. Ишдан қайтган Ибройим улар билан дастурхон бошида, кўпдан кутган кадрдонидай ҳангомалашиб ўтирибди.

Сўнги йиллар

Ибройим Юсупов 1965—1980 йилларда Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмасининг раиси бўлиб ишлади.

1980 йилда кескин баҳс-мунозаралардан сўнг уюшмага Тўлапберган Қайипберганов раис бўлди. Ибройим Юсуповнинг ижоди авж палласида эди, шу боис бунга унчалик узилмади, аммо хотини Бийбизода подшоҳидан айрилган маликалардай буни юрагига қаттиқ олди. Қасал бўлиб қолди. Оз вақтдан сўнг дунёдан қўз юмди. Балки, амал учун бунчалик қуймагандир, чунки улар бирга кечирган гўзал ҳаётлари давомида беш фарзанд қўргандилар — Шаҳзода, Баҳром, Мадийр, Орийхон ва Ойжамол. Қатталари яхши-яхши жойларда ишлай бошлаган эдилар.

Ибройим учун бу айрилиқ жуда қаттиқ аламли бўлди. Бироқ вақт олий ҳакам. Айтишларича, орадан вақтлар ўтиб Ибройим Юсупов бир раққоса (балерина) қизни севиб қолиб, унга уйланмоқчи бўлган. Қиз ҳам розилик берган. Аммо шоирнинг ўғил-қизлари бунга қаршилиқ қилганлар. Ота уларнинг қаршилигини писанд қилмай, раққосага уйланган.

Қиз эса вафодор хотин бўлолмаган.

Астағфируллоҳ, тақдир буюк шоир манглайига нега бундай аччиқ қисмат ёзди. Ҳар неки бўлмасин, тақдир ишларини муҳокама қилиб бўлмайди.

Шоирнинг болаларини ҳам, шоирни ҳам, раққосани ҳам айблаш мушкул.

Худо раҳмат қилсин қорқалпоқнинг улуғ шоири Ибройим Юсуповни!

ГАРОЙХОН билан МАРИЯ

1820 йилнинг май ойида улуғ рус шоири Александр Сергеевич Пушкин озодликка чақирувчи шеърлари учун жазоланиб, жанубга, Петербургдан икки минг чакирим йироқ жойга жўнатиб юборилди. Шунда у генерал Раевскийнинг ҳомийлигида Кримни зиёрат қилишга муваффақ бўлди ва кўрган-кечирганларидан қаттиқ таъсирланиб, 1821—23 йилларда «Боғчасарой фонтани» достонини ёзди.

Достоннинг дастлабки сатрлариданок Крим хони Гарой «Қовоқ солиб ғамгин ўтирган» ҳолда тасвирланади. У ҳузурига кирганларни, ким бўлмасин, ҳайдаб юборарди.

Мағрур дилга тўлган у қандай туйғу?
Қандай фикр-ўйга толдирган уни?
Русга яна уруш очмоқчими у,
Ёки асоратга солар Польшани?
Қонли қасос уни ёдирмоқдами,
Ёки қўшинида бирор фитна бор?
Ё уни тоғлилар қўрқитмоқдами?..

Йўқ, шоирнинг тасвирлашича, Гаройни бутунлай бошқа нарса ўйга толдирганди. Гаройхон яқинда Польшага юриш қилган ва бир князнинг Мария исмли қизини асирликка олиб келган эди.

Эвоҳ! Боғчасарой қўйнида қулдай
Яшириб қўйилди ёш князь қизи,
Асирликда тун-кун ёш тўкиб, гулдай —
Сарғайиб борарди Мария юзи.
Шўрлик қизга шафқат қилар Гаройхон:

Инграса, йиғласа ва чекса фиғон,
Тун бўйи уйқуси безовта бўлар.
Харам қонунларни қизга юмшатар.

Пушкиннинг талқинича, Гарой доим Мария ҳақида
ўйлайди ва олдинги севгилиси — гуржи қизи Заремани
ёдга олмай қўяди.

Бир куни ярим кечаси Зарема Мариянинг олдига ки-
ради ва Гаройхонни ўзидан совутишни талаб қилади.

Ишқ, эҳтирос учун туғилганман мен,
Муҳаббатни мендек билишинг гумон.
Нима учун совуқ хуснинг билан сен
Унинг ожиз қалбин эздинг беомон?
Қўй Гаройни менга, шайдосиман мен,
Оташ бўсаларин адосиман мен.
Гарой барча орзу-истакларини,
Хамма ўйларини, тилакларини
Менинг ўйларимга қўшганин айтган.

Зарема унга ёлвориш билан кифояланмайди, агар
айтганимни қилмасанг, билки, мен тоғлик қизман, хан-
жар ишлатишни биламан, дея таҳдид ҳам қилади ва қўз-
дан ғойиб бўлади. Мария эса ортидан хайрон тикилиб
қолади. Мени нималар кутмоқдайкин, наҳотки қолган
қунларимни асирликда ўтказсам, деб зорланади.

Ё худо, шу олис қора зиндонда
Унута қолсайди уни Гаройхон.
Аламли дунёдан кечиб бир онда,
Жон-жон деб севиниб берар эди жон...
Якин одамлари каби жилмайиб,
Самода, абадий дунё бағрига
Марияни чорлаб, қутаётирлар...
Қунлар учиб ўтди. Мария-чи, йўқ.
Абадий уйқуга кетди қўп ўтмай.

Ўлим сабабини ҳеч ким билмас эди: асирликми, касал-
ми ёки бирон ёвузлик юз бердими? Харқалай, харам соқ-
чилари, барибир, воқеани Заремадан кўриб, уни денгизга
улоқтирадилар.

Гарой эса саройни ташлаб кетади ва бир гурух татар аскарлари билан ёт элларга юриш бошлайди. Аммо кўпинча қиргин авж олган дамда Марияни эслаб, қиличини баланд тутганча шу қўйи қотиб қоларди. Ниҳоят, у саройига қайтиб келади ва Марияга эсдалик учун мрамрлардан бир фонтан тиклатадики, мрамр бўйлаб худди совук кўз ёшлари каби ҳеч тинмасдан томчи-томчи сув оқиб туради. Крим қизлари унга «Кўзёшлар фонтани» деб от қўядилар.



Пушкиннинг достонида воқеа ана шундай.

Аммо мени кўпроқ бадиий асардаги воқеа эмас, тарихий ҳақиқат қизиқтиради, шунинг учун тарихий манбаларга мурожаат қиламан.

Пушкиннинг 10 жилдлик «Тўла асарлар тўплами»да «Боғчасарой фонтани» достонининг охирида И. М. Муравьёв-Апостолнинг «Таврида бўйлаб саёҳат» китобидан бир парча ҳам берилган. Муравьёв-Апостол саёҳатга Пушкиндан сал кейинроқ келган эди. У ўзининг саёҳатномасида, жумладан, шундай деб ёзади: «Саройдан ташқаридаги масжиднинг орқасида Гаройлар сулоласи хонларининг ва султонларининг қабристони бор. Баланд-баланд тераклар, ёнғоклар ва тут дарахтлари соясида оқ мрамр мақбаралар остига уларнинг хоклари қўмилган...

Юқори боғ шийпонининг чап тарафида, тепаликда усти гумбазли бир бино қад кўтариб туради. Бу Крим Гаройхоннинг хотини гўзал гуржи қизининг мақбараси бўлиб, бу жаннат гули ҳаётининг эрта тонгида сўлган, бундан қаттиқ қайғуга ботган Кримхон севгилиси учун бир обида қурдирган ва ҳар куни у ерда кўзёшларини тўкиб кўнглини бўшатиб олар экан. Мен ҳам бу гўзалнинг қабрига бош эгиб турмоқчи бўлдим, аммо эшиги бекитиб ташланган экан. Шуниси жуда ғалатики, бу ерликларнинг ҳаммаси «Мақбарадаги аёл гуржи қизи эмас, поляк қизи Мария Потоцкая», — дейишни маъқул қўришади.

Марияни Қрим Гарой олиб қочиб келганмиш. Бу ривоят тарихий асосга эга эмас деб қанчалик баҳслашмай, улар, барибир, бу Мария эди деяверишади».

Пушкин асарлари жилдликларининг изоҳларида эса «бу кўзёшлар фонтани Диора Бекачнинг макбараси эди» деб изоҳланса, бошқа бир ерда «Қрим Гаройхон ўз хонлиги даврида (1758—1764) Польшага юриш қилиши мумкин эмас эди», «Пушкин тарихий ҳаққонийликка беписанд қараган» дейилган. Изоҳларнинг давомида шундай жумла ҳам бор: «Қрим Гаройхон хонлик даврида (1758—1764) эмас, 50-йилларнинг бошида, Нуғой қўшинларининг сараскари сифатида чиндан ҳам Польшага хужумлар қилган».

Менинг назаримда эса воқеа Пушкин талқинига жуда яқиндир. Аввало, мен ўзим ўкиган баъзи нарсаларни эслатиб ўтишни жоиз деб биламан.

Шарқ ҳукмдорларининг аксарияти фақат ҳокимият, фақат фатҳ ишлари, халқ ва мамлакат ободлиги ҳақида ўйлаб иш юритганлар, десак таърифда нимадир етишмагандай кўринади. Улар илм-фанга, адабиёт ва санъатга катта эътибор берганлари каби оддий банда сифатида, муҳаббатли ҳаётни ҳам жуда юксак мақомларда қадрлаганлар, ишқни, севгини билган аёллар сиймосини мангулаштириш учун ҳеч нарсаларини аямаганлар. Соҳибқирон Амир Темурнинг энг суюкли хотини Бибихоним номига атаб Самарқандда афсонавий мадраса қурдиргани, Бобурийлар авлодидан бўлмиш Ҳиндистон ҳукмдори султон Шох Жаҳоннинг севикли хотини Мумтоз Маҳалга атаб Агра шаҳрида оқ мармардан Тож-Маҳал обидасини қурдиргани бутун жаҳон халқларини ҳали-ҳануз ҳайратга солиб келади. Қрим хонлигининг ҳукмдори Қрим Гаройхон ҳам шундай теран фикрли ва улкан юракли инсон эди.

Қрим Гаройхоннинг муҳаббат тарихи ва у қурдирган обида ҳақида сўз бошлашдан олдин, Қрим ҳақида қисқача маълумот бериб ўтишни жоиз деб биламан. Москвада нашр этилган «Энциклопедик луғат»да айтилишича, «Қрим яриморолининг майдони 25,5 квадрат километр бўлиб, икки тарафи Қора денгиз ва бир тарафи Азов денгизи сувлари билан ювилиб туради. Шимол тарафи Ўрдан

ўтадиган (Ўр — хандак маъносини билдиради, русча номи Перекоп) Дашти Кипчоқ орқали катта қитъага боғланади. Бу ерда XV—XVIII асрларда Крим Хонлиги мавжуд эди». Ундан олдинги асрларда бу ер Олтин Ўрда давлатига қарашли эди. Соҳибқирон Амир Тему́р яхшиликни билмайдиган, қитмир ҳукмдор Тўхтамишхонни тор-мор қилиб, Олтин Ўрдани қулатиб кетгандан кейин, Олтин Ўрдада ҳукм сурган тахт ғавғолари асносида Крим беклар ва хонларнинг авлодлари тўпланган бир минтақа ҳолига келади. Худди Тўхтамиш каби Жўжихоннинг кичик ўғли Тўқай Тему́р наслидан бўлган Бош Тему́р ўз номига тамға урилган пул чиқаради. Шу тариқа бу ерда мустақил бир давлат қуриш учун кураш бошланиб кетади ва ниҳоят Бош Тему́рнинг болаларидан бўлмиш Хожигарой Русия билан Олтин Ўрдага қарши курашишни бўйнига олиб битим тузади, юқорида айтилган энциклопедиянинг билдиришича, 1441 йилда Крим Хонлигини қуришга муваффақ бўлади. Унинг пойтахти Боғчасарой эди.

Боғчасарой катта шаҳар эмасди. Атрофи мевазор боғлар билан ўрилган, икки тоғ орасида қурилган бўлиб, ўртасидан бир сой оқиб ўтарди. Бу шаҳарда тошдан қурилган катта бино хоннинг саройи эди. Ана шу ерда Гаройхонлар сулоласи 1441 йилдан 1783 йилгача ўз давлат сиёсатларини юргизганлар. Кейин Русия ҳукмдори Екатерина II даврида рус армияси генерал Потёмкин бошчилигида Крим хонлиги босиб олинади.

Крим хонлиги гуллаб-яшнаган 1758—1769 йилларда давлатни Крим Гаройхон бошқарган эди.

Крим Гаройхон Польшага юришларидан бирида ўн-ўн беш чоғлик отлик йигитлари билан қўлида қиличини ўйнатиб, тақир-тукур бостириб келаркан, бир чорбоғ дарвозаси ёнида чопиб кетаётган қизни кўриб қолади. Отини чоптириб бориб йўлини тўсади. Қиз тўхтади. Кримхон отидан сакраб тушади. Улар бир зум бир-бирларига тикилиб туриб қоладилар. Баланд бўйли, оккушларга ўхшаш оппоқ бўйинлари узун, ингичка белига қора тасма боғланган оқ кўйлагининг ёқалари капалакнусха қора бантли эди. Хуркак кўзлари мовий эди. Гарой ҳам қирчиллама

йигит пайти, қарашлари ўткир ва шўх, бутун келбатидан мардлиги, жасурлиги кўриниб-билиниб турган бир кўркем инсон эдики, шак-шубҳасиз қизга ҳам ёққанди. У йигитларини тарқатиб юборади, улар отларидан тушиб ўтлата бошлайдилар. Хуллас, йигитнинг исми Крим Гарой, ўзи Крим хони эканлиги, қизнинг оти Мария, Польша князи Потоцкийнинг фарзанди эканлиги айтилади. Гарой: «Мен сенга уйланаман, маликам бўласан, Кримга олиб кетаман», — дейди. Мария юртига бостириб келганларга тегмаслигини айтади. Гаройхон Мария ҳозироқ у билан Кримга кетса, қримликлар ҳеч қачон Польшага қарши урушмасликлари, аксинча, дўст бўлиб яшашларига ваъда беради. Мария: «Мен отамдан розилик олай, кейин...» — дейди. Гарой кўнмайди. «Сен ҳомилалик бўлганингдан кейин бу ерга совчиликка келиб, расм-русумларнинг ҳаммасини ўрнига қўямиз», — дейди. Гарой Марияни отига миндириб, йигитлари билан Кримга қайтади.

Крим Гаройхон Марияни юртига олиб қочиб келганда унга жуда катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатади. У қизнинг оёқлари остига бутун оламини тўкишга тайёр эди, ҳар қандай истакларини тезда адо этарди. Аммо бу муҳаббат узоққа бормайди. Марияни бир куни оламдан кўз юмган ҳолда топадилар. Ўлимнинг сабаби номаълум эди. Бировлар у ўз жонига қасд қилган деса, бировлар ҳарамдаги кундошларидан бири заҳарлаб ўлдиргандир, дея гумонсирар, яна қимлардир қутилмаган бир касалликдан фавқулодда вафот топган, дер эди. Ҳар неки бўлмасин, Крим Гаройхоннинг қайғу-ҳасрати чексиз-чегарасиз эди. Уни мусибат азобидан қутқара оладиган бирон инсон топилмас, у яшашдан ҳам воз кечар аҳволда эди. Тоғу тахт, ҳукмдорликнинг ҳам маъноси қолмаганди. Унга не-не гузаллар, навнихол қизларни келтиришди... ҳеч қим, ҳеч нима уни юпатолмас эди. Ҳақимлар хоннинг ярасига малҳам излаб, ҳар турли қизғалдоқлар боғлашни маслаҳат беришар, аммо буларнинг бари беҳуда эди.

Бу 1763 йил эди. Шу ўринда турк шоири Али Ўролдан бир парча келтираман:

«Бир куни Крим Гаройхон барча тош усталарини саройга тўплади. Гуруллаб амр қилди.

«Дунё тургунча йиғлайдиган бир чашма қуринглари! — деди у.

Шундай бир чашма бўлсинки, аччиқ аламнинг теранлиги бир зумда фарқ этилсин!».

Бир тоштарош бор эди, Умар уста деган. Кримдаги бир қанча мадрасалар, саройлар, ҳаммомлар унинг бошчилигида барпо этилганди. Крим Гаройхоннинг алами, ҳасрати унинг юрагини тешиб юборай деди. Ҳеч шубҳасизки, устанинг ўзи ҳам бундай ҳасратли муҳаббат савдосини бошидан кечирган эди. Хоннинг ҳолини кўриб, бир мушздай тугилиб кетди ва хоннинг истагини ўз зиммасига олди. Мармартошлар унинг гул қўлида минг хил кўриниш ола биларди... Шу ондаёқ бир мрамрни ўйиб, ёриқ очди. Сўнгга тошдан бир гул ясади.

«Эй хон! Бу ёшга тўла кўздир!» — деди.

Сўнгга бир қўрна ясади, катта бир қўрна¹.

«Бу — юрак қўрнаси!» — деди ва алам билан сувга тўлдирди.

Сўнгга унинг тагига бир жуфт кичик қўрна қилди.

«Бу эса — замон!» — деди.

«Замон — аламнинг аччиғини юмшатувчи муддат» деди.
(Али Ўрол. «Икки чашма»).

Шу тариқа бу муҳаббатли дунёда бир гўзал обида, Пушкиннинг тили билан айтганда — «Боғчасарой фонтани» бунёд этилди. Крим қизлари уни «Кўзёшлар чашмаси» деб атадилар.

Пушкин Крим Гаройхонни золим хон сифатида кўргани учун Кримхон Мариянинг севгисидан маҳрум қилиб тасвирланади. Агар у қизнинг севгисига етишмаган бўлса, унга бундай мангу йиғлайдиган чашма қурдирармиди? Яна Кримхон Мария вафотидан кейин атрофига бир неча йигитларни тўплаб талончилик урушига отланади ва фақат бир дафъа Марияни эслаб қиличини қўтарганча қо-

¹ К у р н а — сув тўплайдиган кичик мармар ҳовузча.

тиб қолади. Бу тасвир одамнинг эсида сақланиб қоладиган бир полотнодай кўринади, аммо Кримхоннинг жангга отланиши ҳам, бундай ҳолга тушиши ҳам шарқона характерга тушмайди. Крим Гаройхон ҳолидаги инсон фақат тарки дунё қилиши, тахтдан кетиши мумкин. Атрофидаги одамлар уни қайтариб келишганда у ўзининг сўнгги истаги «Мангу йиғлаётган чашма» курдириш амрини бериши мумкин.

Лекин улуғ рус шоири Александр Сергеевич Пушкиннинг буюк хизмати шундаки, рус боскинчилари Кримни босиб олишганда жуда кўп тарихий обидаларни бузиб ташладилар, аммо бу чашмани Пушкиннинг хурмати учун сақлаб қолдилар.

Одам беихтиёр «Яшасин ҳақиқий шеърят!» — деб юборади.

АБДУЛЛА ТҰҚАЙ билан ЗАЙТУНА

*Ярқароқ юлдуз ёнодур, тун қаро бўлган сайин,
Ёдима Тангрим тушар, бахтим қаро бўлган сайин.
«Кузги еллар»*

Абдулла Тўқай (1886–1913) миллий озодлик ва ҳаётни янгилаш, ўзгартириш учун борлиқни ҳаққоний акс эттириш йўлида ижод қилган улуг татар шоири, ёзувчи ва публицисти, адабий танқидчи ва жамоат арбоби, моҳир таржимонидир. У бор-йўғи бу оламда 27 йил яшади, йигит ёшидаёқ татар халқининг энг севимли шоирига айланди.

Олимжон Иброҳимов (1887–1938) адибни, санъаткорни халқ «ўзиники қилишининг, юрагига яқин олишининг сири — мана шу икки юрак орасидаги бир-бирига таъсирнинг шу асар, шу расм, шу куйда табиий ва очик равишда тажассум этишида, сўз биланми, расм биланми — шунинг гавдалана олувида, янада аниқроқ айтганда, санъаткор юрагининг халқ юрагига тўғридан-тўғри йўл солувидадир», — дейди. Бу фикр Абдулла Тўқай фаолиятида ўзининг тўла исботини топган.

Исмоил Гаспирали (1851–1914) — «Таржумон» газетасининг 1913 йил 10 апрель сониди шундай некролог ёзган эди:

«...Бечора Тўқай, бағри ёник, кўзи ёшли, сўзлари оташли Тўқай, ҳар тарафда маълум бўлганди; чунки ...ҳақиқат, миллат шоири, том маъноси-ла турк ўғли эди... 5–6 ёшида отадан, онадан айрилиб, чорасиз бир етим қолган эди. Эл қўлида, эл эшигида ҳўрлик ила ўсиб, хизматчилик ила бир кун оч, бир кун тўқ бўлиб бу фоний дунёнинг ҳар тур-

ли аччиғини, оғусини чеккан, ютган эди. Олмосга балчик юқолмагани каби Тўқайга эҳсон этилган шеърый табиати ҳеч қанақасига сўнмай оз-моз таҳсили билан қуёш каби ёна-ёна порлай бошлаган эди. Дунё машаққати Тўқайни енголмаган бўлса-да, вужудини заифлатиб, сил касалига дучор этган эди. Хали тамоман очилмаган бу гул, бу ёш шоиримиз шу маразнинг қурбони бўлди».

Абдулла



«Менинг отам Муҳаммадориф, Кишлавич овулида Муҳаммадолим исмли мулланинг ўғли бўлиб, 14–15 ёшларида Кишқар мадрасасига кетиб, у ерда хатми китоб қилишга, одатда, неча йил керак бўлган бўлса, ўшанча туриб, қари отаси тириклигида овулимиз Кишлавичга қайтиб, мулла бўлган.

Мулла бўлгач, то уйланган хотини билан бир неча йиллар тургач, хотини вафот этиб, бир ўғил, бир қизи билан қолган.

Шундан кейин отам иккинчи марта уйланган бўлиб, Очила овулида, Зиннатулла ҳазратнинг Мамдуда исмли қизини (менинг онамни) олган. Онам ила бир ярим йилча тургач, биринчи бола бўлиб мен дунёга келганман. Мен туғилганимга беш ойча бўлганда отам озгина вақт хасталаниб, дунёни тарк этган.

Тул қолган онам ёнида мен бир мунча вақт тургач, онам мени Шарифа исмли бир фақиргина кампирга вақтинча қараб туришга қолдириб, ўзи Сасна деган овулнинг имомига (Муҳаммадшокир Файзуллинга) эрга теккан.

Бу вақт отамнинг ота-онаси (бувам ва бувим) аллақачон вафот этган бўлиб, овулда бошқа туғишганларим бўлмаганидан, бизнинг уйимизни эгаллаб ўтирган бу кампирнинг хонасида ҳаддан зиёд беғам, ортиқча бир бола бўлганлигимдан, у мени, албатта, тарбияламаган; тарбиялаш у ёқда

турсин, ёш болаларнинг энг муҳтож бўлганлари — кулиб қарашга ҳам ярамаган.

Мен ўзим у кампир билан ўтган вақтларим қандай бўлганлигини билмайман. У пайтлар икки-уч ярим ёшларда бўлганман деб ўйлайман.

Ҳозир овулда менинг болалик вақтимни кўрган кампирлар ва хотинлар мураббия кампирнинг мен билан ёмон муомалада бўлганлигини ўзимга ҳикоя қиладилар. Жумладан, бирининг айтишича, мен қиш кунларида тунлари ялангоёқ, кўйлакчан ҳолда ташқарига чиқар эканман-да, бироздан сўнг уйга кирмоқчи бўлиб эшикка келарканман. Қиш кунли овул уйларининг эшикларини бола тугул, каттагина ўсмирлар ҳам очиши машаққат ва қийин бўлганлигидан, табиий, мен эшикни очолмас ва эшик тагида оёқларим музга ёпишиб қотганча кутиб турар эканман. Кампир эса ўзининг «Бир жойда ўтирмайди, келгинди!» деган «шафқатли» фикри билан мени ўзи тилаган вақтда уриша-уриша киритар экан.

У кампир ўлган энди. Оллоҳ раҳмат қилсин», — деб ёзади Абдулла Тўқай «Эсимда қолганлар» номли асарида...

Демак, Зиннатулладан илм ўрганган онасининг ҳам, мадрасани битирган отасининг ҳам билимларию меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлмаган Абдуллани онаси имом Муҳаммадшокирнинг хонадонига ўзлашиб-ўрнашиб кетгандан кейин Саснага олиб кетди. Бу ерда унинг кунлари бироз енгиллашди. Бироқ бу енгиллашган кунлар ҳам «беш дақиқалик туш каби» тез ўтиб кетди. Онаси бу имомнинг уйида бир йилми, кўпрокми тургач, оғир касалга йўлиқиб, 1890 йилнинг январида вафот этди. Имом Муҳаммадшокир, Абдулланинг ўғай отаси. энди уни Очиладаги буваси (онасининг қари отаси) Зиннатулланинг уйига юборди.

Очила соҳил бўйида жойлашган жуда кичкина овул эди, бунинг устига, Абулла борган йилларда у тарафларда қаттиқ очлик ҳукм сураб, бобосининг кун кўриши ғоят ночор эди. Олти болали хонадонга Абдулла еттин-

Габдулла Тукай, Асарлар. 5. Татаристон китоб нашриёти. Козон — 1986. 5-жилд. 10-бет.

чи оғиз бўлиб қўшилганди. «Бу оила ичида факирлик шу даражага етган бўлса керакки, мен ҳозир ҳам бобомнинг нисбатан бойроқ овуллардан нон бурдалари тиланиб олиб қайтганини эсимда тутаман», — деб ёзади шоир. Абдулла чечак ва бошқа касалликларга учраб, тамоман заифлашган. Ўғай тоғалари ва холалари унга текин томоқ деб қарашарди. Фақат Сожида холаси (уни Сожида опа дер эди) гина унга меҳрли муносабатда бўларди. Бу меҳр-оқибат ўрталарида умр бўйи давом этди. Хар неки бўлмасин, Абдулла оилага сиғмаган. Бир куни буvasи уни бир аравага ўтказиб, Қозонга юборган. Аравакаш Қозоннинг Пичан бозорида: «Асрашга бола бераман, ким олади?» — деб қичқириб юрганда, халқ орасидан бир киши чиқиб, уни аравакашдан олган. У Абдуллани муддатсиз асраб олинган бола қилиб уйига олиб кетган. Бу — Қозонда яшовчи Мухаммадвали исмли киши эди. Абдулла бу оилада икки йил яшади. Уларникида кўп яхшиликлар кўрди, ҳунар ўрганди, бозор-ўчарни ўзлаштирди. Аммо хотирасида бир воқеа умрбод муҳрланиб қолди. Бир дафъа Абдулланинг кўзи оғриб қолганида уни бир кампирга олиб борганлар ва Абдулла ҳар қанча қаршилик қилганига қарамай кампир унинг кўзига шакар упаси солган. Бу «малҳам»дан сўнг Абдулланинг бир кўзига оқ тушган. Орадан икки йилча вақт ўтгач, Мухаммадвали ва унинг хотини касалга чалиниб қолишди ва Абдуллани ўз оиласига (буvasига) қайтариб беришди.

«Энди мендан мангуга қутулдик деб ўйлаган бу оиланинг қандай қарши олганликларини ўйлаб билиш мумкин.

Мен қайтиб бироз тургандан сўнг, бобом билан ўғай бувим (бобосининг иккинчи хотини) энди мени шаҳарга юборишдан умид кесиб, қайда бўлса ҳам бир чет овулга асраш учун беришга қарор қилганлар.

Шундай машаққатланиб тургач, биздан еттигина чақирим наридаги Қирлай овулидан Саъди исмли ўғли йўқ киши келиб, мени ўзи билан олиб кетган».

Шундай қилиб Абдулла 6—9 ёшларида Қирлай қишлоғида, Саъди деҳқон оиласида яшади. Сўнгра узоқ Уралск шаҳрида яшовчи аммасининг эри Алиаскар Усмонов бу

ерларга меҳмон бўлиб келди-ю, қайинжиянини ўзи билан олиб кетди. Аммасининг уйида Абдулланинг ҳаёти анча замонавий йўлга тушди. У тараққийпарвар Тухфатуллинлар очган мадрасада ўқий бошлади. Боланинг ўтқир қобилятини кўриб, уни рус мактабига ҳам беришди.

Абдулла Тўқайнинг адабий фаолияти шу йилларда бошланди. 1904 йилда ёзган «Илмнинг боғларида яйрашайлик, этайлик сайрон» номли шеъри 1905 йил 15 сентябрда «Ал-Аср ал-Жадид» («Янги аср») журналида босилди. Бу йилларда у «Уралец» номли рус газетаси босмаҳонасида ҳарф терувчи бўлиб ишларди. «Ал-Аср ал-Жадид» журнали ва «Фикр», «Ўқлар» газеталари билан ҳамкорлик қилар, шеърлари, ҳикоя ва ўтқир мақолалари билан бу нашрларнинг омма ичидаги обрўси ва нуфузини ошира борарди.

Абдулла Тўқайнинг 1905 йилда ўндан ортиқ шеъри, 1906 йилда 40 дан ортиқ шеър ва дostonлари, бундан ташқари, 130 дан ортиқ мақола, ҳикоя ва фельетонлари эълон қилиндики, булар туфайли унинг янғроқ овози Уралдан, Ёйик бўйларида узок-узоқларгача етиб борди. Энди бутун мамлакатдаги газета-журналлардан ҳамкорлик қилишга чорловчи хатлар кела бошлади.

1907 йилда машҳур қозонлик ношир Фуломиддин Шариф ёш Абдулла Тўқайга хат ёзиб, унинг матбуотда чиққан ҳамма шеърларини алоҳида китоб қилиб чиқариш учун сотиб олишини маълум қилди.

Тўқай шу йилнинг куз ойларида Қозонга кўчиб кетди. Ўзи хурсанд, кўнгли равшан эди. Ўн икки йил туғилган тупроғидан узокда Урал дарёси бўйидаги шаҳарда яшайдан кейин, 21 ёшида туғилган жонажон тупроғига қадам босди қилаётган эди. Йўлга чиққан чоғида, йўл устида то Қозонга келгунича «Қўш от» номли шеър ёзди (бу шеърни Ўзбекистон халқ шоири Миртемир 1961 йилда таржима қилган).

Шайлаб қўш отни, Қозонга тўп-тўғри кетдим қараб;
Чоптирар отларни кучер, қамчилаб ё тортқилаб.

Жонажон кулба соғинчи тингловчиларни мамнун этди. Шеър «Фикр» газетасида, кейин «Ал-Аср ал-Жадид»да, кейин Петербургда чиқадиган «Нур» газетаси, кейинроқ эса инглиз тилига таржима қилиниб, «Россияни кузатув» журналида эълон қилинди.

Тўқай Қозонга келиши билан ота-онасининг қабрларини зиёрат қилди. Шу ерларда, Қозонда ва Қозон этақларида ўтган болалик йилларини, катта-кичик болалик қувончларини, илк бора тўккан қўёшларини эслади.

1907 йил Тўқай ижодида юксакка қўтарилиш йили бўлди. «Саволлар», «Тиланчи» шеърларида татар халқининг ночор, фақир ҳаёти ҳақида қуйласа, «Хурриятга», «Татар қуши сайрар» каби шеърларида:

Тур! Тортиш! Тез бор, татар,

Тур! Силкин! Қўзғол, татар!

Олға одим сол, татар,

Сизнингдир иқбол, татар

сингари сатрлари билан халқини очикдан-очик қурашга чорлади. «Шўрали», «Олтинга қарши», «Овул аёлининг бола тебратгандаги умидлари», «Туғилган еримга», «Фарёд» каби кетма-кет босилган шеърларини халқ чанқоклик билан кутар, мамнунлик ила ўқирди...

1908 йилда эса бу кунгача Тўқай ижодида ҳеч қўрилмаган қўтаринки романтик услубда уч-тўрт шеър қўзга ташландики, улар бироз абстрактлаштирилган, аммо поэтик жиҳатдан жуда кучли муҳаббат лирикасига эга эди. Бу ҳол Тўқай ҳаётида муҳаббат тўлқинлари юз бераётганидан дарак берарди.

Замондошларининг хотирлашича, Тўқай Уралъскдаги мадрасада ўқиган чоғларида (1906), мадраса қаршисидаги бир кампирнинг ўзидан икки-уч ёш катта қизига қўз тутиб юрганини гапиришади. Афтидан, бу «муҳаббат» унчалик жиддий бўлмаган қўринади — у Абдулланинг ҳаётида сезиларли из қолдирмаган.

Тўқайнинг муҳаббати масаласини ба-
тафсил ўрганган Олимжон Шараф шоир
вафотидан бир йил ўтгач, «Ал-Ислоҳ» га-
зетасида бир мақола чиқарди. Унда шун-
дай воқеалар хотирланади.



1908 йилнинг баҳорида бир қиз икки
ўртоғи билан «Ал-Ислоҳ» идорасига
кириб келади. Улардан бири, 3. деган
қора қошли, ўткир кўзли, бежирим бу-
рунли, ўрта бўйли, кўз қарашлари ал-
лақандай жозибадор, жарангдор овозли
қиз, Ғотих Амирхон¹дан мени Тўқай билан таништириб
қўйинг, деб юраркан. Аммо Тўқайга сени бир қиз билан
тариштириб қўяман, десалар, у ё эшикдан, ё деразадан
чиқиб қочаркан. Шунинг учун бир сафар Тўқайга ҳеч
нима демасдан Ғотих Амирхон қизларни хонага олиб
кириб Тўқай билан таништиради. Тўқай «Яхши юриб-
сизларми?» — деган гапдан бошқа нарса сўрамай, ерга
қараб ўтираверибди. Лекин кейинроқ Тўқайда 3.га нис-
батан эҳтиром уйғонибди. Хатто кимдир ўша қиз ҳақида
сал бундайроқ гап айтиб қолса, буни қўтаролмай хафа
бўлиб қоларкан.

Олимжон Шарафнинг Тўқай муҳаббатини ўрганаётга-
нини эшитган бир дўсти унга шундай бир маълумот ёзиб
юборибди:

«Екатеринск трамвайида Абдулла билан кетиб борар
эдик. 3.ни қўриб қолдик. Уни қўриши билан Тўқай бо-
шини эгиб, алланечук қизариб кетди. Икки-уч кун ўтгач,
Тўқайнинг «...га» деган шеъри босилиб чиқди.

Тўқай уларга «Шўрали» (алвасти) деб имзо қўйган эди.
Шеърларнинг бири:

¹ Ғотих Амирхон (1886–1926) – татар ёзувчиси, публицист. 1907 йил-
да «Ал-Ислоҳ» газетаси ташкилотчиси, таълим-тарбия соҳасида катта ис-
лохотлар қилиш учун кураш олиб борган. Абдулга Тўқай билан ҳамкор
ва дўст эди.

Учраган йўлда, сени кўрган, эгилган ул бу кун;
Шунга ҳам шод-ку, бу шодлик нотугал-да ва леккин.

Кўрганинг борми сенинг Қуръондаги мадҳияни?
Сенинг васфингда берган «ло шарқия, ло ғарбия»ни¹?

Кўк китобининг сени билганлигига тонг қотиб,
У хозир олган «Сабоҳ»дан² бир Каломулло сотиб.

Иккинчи шеър:

Сен демишсан: шоирни кўргим келар,
Борма, борма, сен уни севсанг агар...

Ўз ўйингча, шоир ул куйли десанг,
Шеър эса тингларга қўнғилли десанг,

Сен ундай қилгунча, эй қоши хилол,
Бориб қуш дўконидан бир бўлбул ол.

Ол. Кафасга қўйгин-у, сайрат уни.
Мақтасин ҳуснинг, сен сарғайт уни...

Олимжон Шараф З. кимлигини аниқлади.

У Чистай (Чистопол) шаҳрида яшовчи Мавлудов исмли зиёли оилалардан бирида туғилиб ўсган Зайтуна Мавлудова экан. 1908 йил баҳорида Қозонга амакисиникига келган. Ўқимишли, адабиёт билан ошно, Тўқайнинг шеърларини севиб ўқир, чиндан ҳам уни кўришни ва у билан танишишни истаган экан. Аммо улар кўришсалар ҳам, қандайдир сабаб билан дўстлашолмаганлар. Бу ҳақда Тўқай «Қизиқ ишқ» деган шеър ёзиб, Фотиҳ Амирхонга мактуб битган. Унда, жумладан, «Кирпи ўз қобиғига қириб яширингани каби мен ҳам севги ҳақида бирон нарса

¹ Қуръонда Аллоҳ сифатланганда, ул бор, аммо ўнгда ҳам мукаммал, сўлда ҳам мукаммал, олдда ҳам мукаммал, ортда ҳам мукаммал, остда ҳам мукаммал, устда ҳам мукаммал, лекин бор, деган маънони англатган сўзлардир.

² «Сабоҳ» – 1908 йилнинг июль-август ойларида китоб босиб, сотиш учун Қозонда очилган китобхона.

ёзсам, ёлгон имзолар остига яширинаман», — дейилган эди. Чиндан ҳам бу шеърига «Мажнун» деб имзо чеккан эди. «Кўкрагим ишқ ўтига тўла бўлса ҳам», буни «Севганим ҳам билмасин деб атай шундай қиламан», «Бир хабар бор — ул ҳозир шахрига кетган эмиш», «Мендан унга хат-салом ёзиш қаёқда? Билмайин кетди, шукур» деб суюнганини айтар эди шеърида. Хатида эса: «Мунча ҳам лаззатлидир яширин азоб, яширин куйиш! Бормикин, билмам, бунинг мендан бўлак англовчиси?» тарзида ўз кечинмаларини изҳор қилар эди.

Аслида, Зайтуна Қозондан кетиб қолгандан кейин, шоир учун куёш сўниб, дунёнинг роҳати йўқолгандек туюлганди... 1912 йили, ўлиmidан бир йилгина олдин дўстларидан бирига Зайтунани ҳамон севишини, уни унутмаслигини, соғинишини айтган. Зайтуна-чи? Сезгир, ёш қиз шоир қалбидаги туйғуларни хис қилган, албатта.

Фотиҳ Амирхон Тўқайга ўзи муҳаббат изҳор қиладиган қиздан қочиб юришининг сабабини тушунмаслиги ва бу ғоятда ғайритабiiй ҳодисалигини айтган. Бундан чиқадиган маъно шуки, Тўқай қизни каттиқ севган ва буни Фотиҳ Амирхонга ошкор этган. Афтидан, унинг севги ёлқинидан қиз қалбига ҳам учкун тушган.

Олимжон Шараф ёзади: «Бир куни идорада бир қиз Тўқайнинг ҳузурида Зайтуна ва дугоналари ҳақида кулиб, бироз мазах аралаш: «Бугун бу ерга интеллигенткалар келган эди», — дейди. Тўқай ғазабланиб, дарҳол идорадан чиқиб кетган экан ўшанда».

Аммо Тўқай нега севган қизидан қочган? Фотиҳ Амирхон буни Тўқайдан сўраганида, у бироз жавоб бермай турганидан сўнг, ўзининг бир кўзига ишора қилиб: «Тавқи лаънат», — деганини тилга олади. «Шу вақтда мен унинг нигоҳида, товуш оҳангида оғир бир фожейи умидсизлик сездим». Тўқайнинг кўзидаги оқи ва бўйи-басти ўзининг қўнғлидагидек эмаслигидан сўйган қизига севги изҳор қилишига йўл қўймаган бўлиши мумкин. Лекин тўқайшунос олимлар шоир жисмидаги нуқсон оила қўрмаслигининг асосий сабаби эмас, у, аслида, уйланиб, рўзғор тўрларига илиниб қолишдан ҳадиксираганлигидан, деган фикрни билдиришади.

Аслида, Тўқай уйланиш, оила қуришни умуман инкор этган эмас. Уйланиш масаласида маслаҳат сўраган бир ўртоғига: «Оила масаласида менинг фикрим жуда жўн: агар ...сен уни, у сени яқиндан билиб, севишсангиз, бунинг устига, йилига беш юз танга даромад қилиш имкони бўлса, ҳар ким уйланмоғи керак», — деган. Демакки, Тўқай ҳурликни ҳамма нарсадан устун қўйган, ўз шахсий ҳаётини иккинчи, учинчи ўринда қўрган. Умри давомида миллат, халқ, адабиёт ва поэзияга муҳаббатидан қалбига илиқлик ва илҳом олиб яшаган. Уйлансанг, хотиннинг ўз талаблари бўлади, яхши кийингиси келади. Бирин-кетин болалар туғилса, уларни едириб-ичириш, кийинтириш, ўқитиш керак. Миллат учун фидойилик бир ёқда қолиб, оилангни таъмин этарли пул топиш учун эртадан-кечгача тер тўкиб ишлашинг керак бўлади. Шеърият қўқида мағрур-мағрур учган бургутдан оддий уй товугига айланиб қолади-ку. Тўқай шу каби фикрлар ила шундай яшаган, назаримизда.

Лекин 1908 йилнинг ёзида Зайтуна шаҳардан кетиб қолганида, Абдулла бунга бефарқдай кўринса ҳам, «Қизик ишқ» шеърини ёзган бўлса-да, ичидан эзилиб, кийнаиб кетаётганини, дунёга сизмай тушқунликка тушганини кўриб турган дўстлари унинг ҳаётини тартибга сола оладиган бир қиз топиб, уни уйлантириш пайига тушадилар. Шундай қиз топилади ҳам. Гаплашиб, унинг розилигини олишади. Робия хола ёрдамида қизнинг онасини ҳам рози қилишади. Бошпана ҳам топилади.

Бирок Тўқай-чи? Дўстлари ўртада қистовга олгач, шоир уйланишга қўнгандай бўлади. Кейин фикридан қайтади. Сўнг яна қўниб, яна сўзидан қайтади... Натижада бу иш рўёбга чиқмай қолади...

Аслида, Абдулланинг оила қуришдан қочишига бошқа сабаб бор эди.

Тез-тез касалланиб турган Абдуллани («Қозонга келгач, қаттиқ хасталаниб қолдим, 1907 йил, 30 декабрь») тиббий кўрик ҳарбий хизматга яроксизга чиқарган эди.

Тўқай ўзининг саломатлиги билан мактанолмаслигини яхши билган. Сочи оқаргунча яшамаяжагига, умри ўзи

ўйлагандан қисқароқ бўлажигига кўзи етган. Аҳвол шундай бўлгач, нима учун бегуноҳ ёш қизни, жон-жондан севган одамингни ўзингга боғлаб, турмушини, келажагини хароб этмоқ керак, деган ҳаёлда оилавий ҳаётдан воз кечган бўлиши мумкин.

«Абдулла Тўқай» номли биографик қисса ёзган атоқли татар ёзувчиси Иброҳим Нуруллин Тўқайнинг муҳаббат тарихини яқунларкан, шундай деб ёзади:

«Кўнглимизга яқин икки ёшнинг қовушмоғини, Тўқайимизнинг озми-кўпми бахтли бўлишини ҳар қанча истамайлик, аччиқ ҳақиқатни тан олишга мажбурмиз: улар орасидаги муносабатнинг шундай хотима топиши — қуёшнинг чиқиши ва вақти етгач уфқ остига ботиб кетиши каби зарурий ҳол эди, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Тарбияси, хулқи, жамиятда ва адабиётда тутган ўрни уни жуда кўп оддий одамларга насиб бўладиган шахсий бахтдан воз кечишга, уни ўз қўли билан четга суриб қўйишга мажбур этган».

Тўқайнинг ижодида ишқий шеърлар кўп. Яна бир ҳақиқат борки, Абдулла Тўқайнинг ишқий шеърлари жаҳон муҳаббат лирикасининг энг гўзал намуналари ҳисобланади. Шоир севгиси, гарчи у муваффақиятсиз ниҳояланган бўлса-да, адабиётга муҳаббат шеърларини туҳфа этгани билан кадрлидир.

Илова

2013 йил апрель ойида татар халқи ўз севимли шоири вафотининг 100 йиллиги муносабати билан бутун йилни Абдулла Тўқай йили деб эълон қилди ва Татаристонда бу кунлар кенг нишонланди. Мен Абдулла Тўқай билан Зайтунанинг муҳаббати ҳақидаги мақоламни «Гулчехралар» газетасига топшириб бўлган пайтимда интернетда журналист Венера Беляеванинг «Шоирнинг муҳаббати» номли мақоласи эълон қилинди. Унда биз учун янгилик бўлган бир жиҳат — Зайтунанинг Тўқай ҳақида хотираси мавжудлиги, бу хотиранинг қўлёзмаси ҳозир Козондаги Абдулла Тўқай музейида сақланаётганлиги баён этилганлигидир.

Мен бу ерда В. Беляеванинг бир қатор фикрлари ва Зайтуна Мавлудованинг муҳим қўринган баъзи бир жумлаларини келтиришни лозим топдим.

«Татарларнинг Пушкини» деб таърифланувчи Абдулла Тўқай «рус шеърятининг куёши»дан фарқли ўларок, хотинбоз эмасди ва 27 йиллик умри давомида аёл зоти билан бахтли лаҳзанинг қувончларини билмай ўтди. Холбуки, унинг тўда-тўда мухлислари бор эди ва ишкибозлари бениҳоя кўп эди, шундай бўлишига қарамай, шоир қарама-қарши жинс вакиласи билан муносабатга киришишдан ўзини олиб қочар эди... Барибир, Тўқайнинг музлаган юрагини исита олган Зайтуна Мавлудова деган бир қиз бўлган эди» (Беляева).

«Ал-Ислох» газетасининг ношири ва муҳаррири Вафо Бахтиёров Тўқайни «бўйи биров пастроқ, озгин, қўлларининг ўлчами ва юмшоқлиги 13–14 яшар қизларнинг қўлларини эслатарди», — дея таърифлаган экан. Чап кўзининг оқи бўлгани учун расмга тушишни истамас экан.

Атоқли татар шоири Сагит Рамиев (1880–1926) ўзидан олти ёш кичик, укаси катори Абдулла Тўқайни шундай тасвирлайди: «У бирда анчагина тор, бирда, аксинча, жуда кенг кийим кийиб юрарди. Бошида ўзгармас битта кепка ёки кенг «айвонли» рус фуражкеси савлат тўкиб турарди».

Зайтуна Мавлудованинг ўзини тутишлари ва мулоҳазаларида овруполикларга хос нимадир бўлган эканки, ана шуниси билан Тўқайни асир этган бўлиши керак.

Зайтунанинг ёзишича, у 14 яшарлигида онаси ва опаси билан Чистайдан Козонга акалари билан бирга яшашга келишган. Катта шаҳардаги ҳаёт уларни биров зериктирган: пешингача опа-сингил мактабда бўлишаркан, кейин бозорга олиб чиқиб сотиш учун тикув-бичув — қўйлақларга гул ва ёстикжилдлар тикишаркан. Уларни бирдан-бир дам олдирадиган нарса ўша пайтларда нашр этиладиган газета ва журналлар экан.

Зайтуна ёзади:

«Тўқайнинг матбуотда чиққан бир шеърини завқ ва ҳаяжон билан ўқиб чиққач, яна унинг шеърлари қачон чиқаркин, деб сабрсизлик билан кутардим. Бун-

дай чукур маъноли, ҳаётни тўғри кўрсатган ва чиройли сатрларни ёзган инсонни ўз кўзим билан кўргим, шеърларини ўз оғзидан эшитгим, қандай ўқишини томоша қилгим келарди. У билан танишиш иштиёқида эдим. Шундай қилиб, опам иккимиз шунга имкон қидира бошладик».

Қизларнинг бахтига, уларнинг қозонлик қариндошларидан бири шоир Фотиҳ Амирхонни таниркан. Зайтунанинг орзусини эшитган Амирхон уларни Тўқай билан таништирибди.

Зайтуна ёзади:

«Бизлар келганимизда Абдулла Тўқай, Фотиҳ ака ва Вафо Бахтиёров картада «аҳмоқ» ўйнашаётган экан. Тўқай эшик қаршисида пиджакда, бош кийимсиз ўтирарди. Биз кирганда у бошини кўтарди ва бизга бир марта қаради. Биз Фотиҳ ака билан саломлашдик, у бизни Тўқай билан таништирди. Тўқай биз билан нигоҳини кўтармай саломлашди. Соғлиғимизни сўраб қўйгач, ўйинни давом эттирди. Биз озгина ўтириб, қайтдик. Мен илк бора Тўқай билан шундай танишгандим».

Иккинчи учрашувлари бир лаҳзалик бўлган: Тўқай трамвайнинг очик деразасидан қизларни кўриб, бош эгиб қўйганди.

Учинчи учрашувлари Зайтунанинг қатъий илтимоси билан таҳририят олдида бўлди. «У ўзини қандайдир журъатсиз тутар, имкон қадар кўзлари кўзларимга тушиб қолишидан ўзини тиярди. У тезроқ кетишга уринар, аммо мен унинг гапларини кўпроқ эшитиш учун турли баҳоналар билан тутиб туришга ҳаракат қилардим».

Тўртинчи учрашувда у ўзини сал эркинроқ тутди: бир адабий кечадан сўнг сайр қилиб, узоқ суҳбатлашдилар...

Зайтунанинг Тўқай билан бешинчи, сўнгги учрашуви-га бағишланган хотираларида қизнинг қўнғлидаги гинаси яққол сезилиб туради:

«1908 йил, 12 июнь. Биз Қозондан кетишга ва яна Чистайга қайтиб боришга қарор қилдик. Ўша куни Тўқай билан учрашиш учун тез редакцияга келдик... Мен унга Чистайга кетмоқчилигимизни, фақат хайрлашиш учун

келганимизни маълум қилганимда, у: «Афсус, афсус», — деб қўйди. Бироз пайсаллаб биздан нималарнидир сўради, кейин хайрлашдик. Ажрашаётганимизда, қайси кема билан, қачон кетишимизни айтдик... Тўқай бизни қузатиш учун бандаргоҳга келишга ваъда берди, аммо уни қайта қўрмадик».

Беш йилдан кейин Тўқай Клячкин касалхонасида ўпка касалидан вафот этаркан, Зайтуна унинг олдига борди. У эшик ортида турар ва киришга рухсат беришларини кутарди. Аммо у дўстларига «Кетсин, у мени ачинарли ва заиф ахволда қўришини истамайман», — деди.

Орадан бир неча йил ўтгач, Зайтуна Мавлудова оиласи билан яна Уральскка кетди ва бир руҳоний билан турмуш қурди.

Унинг ўғли Атилла Расих шоир бўлди ва ҳатто Абдулла Тўқай номидаги Давлат мукофотини олди. Набираси Фаарида Расулева ҳам шоира бўлди ва бувиси (Зайтуна)нинг хотиралари ҳамда шахсий ашёларини Қозондаги Тўқай музейига топширди. Яқин йилларда эълон қилинган бу хотиралар одамларнинг «Зайтуна дохий шоирни тушунмаган ва севгисига севги билан жавоб беролмаган» каби гап-сўзлари, таъналарига барҳам берди. Шоир эса унга оғзаки айтолмаганларини шеърларида айтиб қолдирди.

Туш

Мен тушимда шоҳ эмишман аниқ-таниқ,
Тожима тизилганмиш инжу, ақиқ:
Сени суюб, шеър айтиб, шоир бўлиб
Юришларим — бутунлайин эмиш тақиқ.

Тожли бошим ҳузурингда эгармишман,
«Жонгинам, сени суям», — дер эмишман;
Сенгагина айтарканман суйганимни,
Ич-ичимдан ёнармишман, қуярмишман.

Атрофимни ўраб олган аскарлар-да
Гул юзингга қўзларини тиккан ҳолда,
Маним учун сендан шафқат бўлса-я, деб,
Туришармиш нафасларин ютган ҳолда.

Туш шул тушга етгач, шоир уйғонди-да,
«Ёвуз ёзмиш!» дея озрок ўйланди-да,
Ўйлашга ҳам улгурмади, мискин ошиқ,
Кайнар ёшга икки қўзи беланди-да!

Бироздан сўнг келди унга шодлик яна:
«Йиғласам мен йиғладим» дер шошибгина:
Муҳаббатим ҳамон эски муҳаббат-ку,
Қўлдан кетди, кетган бўлса, шоҳликкина.

1910

Ҳеч аввалги тус-ла олдингда тубан кетмам ҳозир;
Биз йироқлашдик, эшит: мен — менман, сен — сенсан ҳозир.

Энди амр этган сўзинг ҳам ояти Куръон эмас,
Танбеҳинг ё таъмли сўзинг қўнглима султон эмас.

Сен унутдинг; мен ҳам эркимни алаҳлаб-довдираб,
Ҳеч нага алмашмам асло, зос кетар, юрма сўраб.

Басдир энди! Кўп талоф этдим сенга йилларни мен;
Хай, чидолмам ахири, кўп ҳайдадим елларни мен!

Термилтирган эди, ҳа-ҳа, ўшал сув тусли кўзларинг;
Кўз етди, қўл етмади: кўклардайди юлдузларинг!

Дунёда ҳар нарсадан безган эди бу ёш юрак —
Кўрди ёв барин; уларни севсанг бўларди яхшироқ.

Ким билар: йиғлаб оёқ остинда ўтган кунларим,
Маъносиз оҳлар билан бўм-бўшга ўтган тунларим

Бир-бир миллат ишига ярармиди, алданмасам,
Яланг кашшоқлар сафига ёшликданоқ боғланмасам.

Жисмига жон берсам, ўлдирмас эди миллат мени;
То қиёмат зикр этарди, балки ҳурматлаб мени.

Не деб нозли ваъдалар берган эдинг сен ул маҳал?
Не учун бу сувратингни кўрсатмадинг сен ул маҳал?

Байтларимнинг бор кучин — жонимни бердим мен сенга,
Айт-чи, эй совуқ гўзал! Эваз не бердинг сен менга?

Ҳуш, жоним! — севмам ҳозир сени ва сендан бошқани;
Сен сева бер, алда тағин бирин — мендан бошқани!

Барча кизлар алдашар, ҳеч бири йўқки алдамас;
Кайси қиз сўнг алдамасин, сен фариштам алдагач!

Майли, мендан кеч, бош эгмам, мен ўзимча зўр хозир;
Сен-да бир мағрура бўлсанг, мен-да бир мағрур хозир.

Ўрганиб ёлғончиликни бир худойсизлар каби
Энди мен ҳам алдаюрман алдаган қизлар каби.

Йиғламайман — ёш тўқишга хоҳишим йўқ ҳеч ким билан;
Энди мен ҳар ким билан ҳам ҳар вақт ўйнаб-кулам.

Ёш қўлинг бир мартаба ортиқ тутиб қисмоқ учун,
Бор-йўғи шу — на тагин ўпмоқ ва ё қучмоқ учун,

Мен мингларга қарши — эссиз ёр! — қўшиқлар-ла сузиб,
Жанг қилишга ҳозир эрдим дунё билан-да бир ўзим.

Охири: мен бор вужудимни сенга этдим фидо;
Билмадинг-ку, билмадинг қадрим! Гуноҳ! Э бевафо!

1908

ШАҲРИЁР билан СУРАЙЁ

Шаҳриёр ҳозирги замон Эрон шеъриятида ҳам, Эрон таркибидаги Жанубий Озарбайжон шеъриятида ҳам катта шуҳрат қозонган энг кучли санъаткорлардан биридир. У фақат ўз ватанида эмас, бутун Яқин ва Ўрта Шарк ва ундан олисларда ҳам севиб ўқиладиган шоирлар сирасидан. Инсонликка муҳаббат, юксак гуманизм ва ҳақиқий ватанпарварлик Шаҳриёр шеъриятининг жонидир.

Муҳаммадхусайн Шаҳриёр 1906 йилда Табризда туғилган. Отаси Мирзо Оқо Хушкинобий Эрон адлия вазирлигининг Табриздаги вакили ва хушнавис хаттот эди. Ўрта бўйли, жиддий, саҳий, хушсуҳбат, сабрли, ширинтил инсон эди. Шеър ва мусиқани севарди. Оқласи 30—40 кишилиқ катта хонадон бўлишига қарамай, дастурхони ҳар кимга очиқ эди. Адлия соҳасидаги вазифаларини адо этишда жуда билимдон ва тажрибали эканлиги масалаларни яхшилиқ билан ҳал этишида яққол кўзга ташланар эди. Ноҳақларнинг ишларига бош қўшмас, мазлумларнинг муаммоларини пул олмай ҳал қилиб берарди.

Онаси Кавкабхоним ҳам барча аёллар сингари меҳрибон, фидойи, ичкин юракли, сўзга чечан бўлганлиги тўғрисида қўп хотиралар ва шеърий парчалар учрайди.

Шаҳриёрнинг ёшлиги Табриз теграсидаги қишлоқларда, жумладан, ота-боболари юрти Хушкинобда ўтди. Хушкиноб Ҳайдарбобо тоғининг этакларида жойлашган бир шаҳар бўлиб, тоғ этаклари Муҳаммадхусайннинг севимли ўйин майдони эди.

Шахриёр дастлабки маълумотни отасидан олди. У берган китобларни берилиб ўқирди. Саъдийнинг «Гулистон»и, Куръони Карим ва Форобийнинг «Хисоб» номли арабча-форсча шеърли лугат китобини деярли ёдлаб олганди. Кейин Қайишқуршоққа бориб Мулла Иброҳимдан, сўнг Табризга бориб «Муттаҳида» мадрасасида шоир Аҳмад Оташдан таҳсил олди. Аммо уни тугатмасдан, «Толибийя» мадрасасига ўтиб, уни битиргач, 16 ёшида Техронга кетиб, Дорилфунун қошидаги мактабга кирди ва уни икки йилда битирди.



1925 йилда Жандармерия контингенти тайёрлайдиган Техрон Тибб факультетида қабул қилинди. Ана шу талабалик йилларида Муҳаммадхусайн билан Сурайё исмли бир кизнинг муҳаббат савдолари юз берди.

Муҳаммадхусайн 30—40 нафарлик оилада улғаяркан, болалик чоғидаёқ турли воқеалар муносабати билан эсда қоладиган байтлар айтиб юборарди. Ўқувчилик ва талабалик йилларида эса турк ва форс классикларини кўп мутолаа қилар, аммо кўпроқ Ҳофизни яхши кўрар ва ўзича унинг таъсирида форсча шеърлар ёзиб юрарди. Ўз битикларини таҳсилдош дўстларига ўқиб берганида, улар Муҳаммадхусайнни «Бугуннинг Ҳофизи» дея олқишлашар эдилар. Унинг шоирлиги бутун факультетга овоза бўлганди. Муҳаммадхусайннинг ғазалларини мактовчилар орасида Сурайё деган бир гўзал киз ҳам бор эди.

Сурайёнинг фақат комати ва чехраси чиройли бўлибгина қолмай, дид-фаросати ҳам ўткиргина, шеър санъатининг фарқида етадиган, инсон сифатида камтарин ва айни чоғда, ҳазил-хузулли, суҳбати ширин, қўнғирок овози ёқимтой киз эди. Муҳаммадхусайн олдинлари унга ҳамма катори оддий муомалада бўлар, Сурайёга эса бу камлик қилармиди, харкалай, ора-чора гап отиб, шоирнинг бўлакча эътиборини тортишга ҳаракат қиларди

ва бу ўз натижасини бермай қолмади. Муҳаммадхусайн ҳам у билан гаплашганда сал-пал ҳаяжонланадиган бўлиб қолди. У қизни севиб қолганини фаҳмлаб ҳам етмади. Фақат баъзан-баъзан кечалари унинг кулган овози қулоғи остида янграб кетгандай бўлар, шунда юраги қинидан чикиб кетаётгандай бир орзикиб тушарди. Албатта, босқичнинг йигитлари ичида энг билимдони ва ҳозиржавоби Шаҳриёр бўлса, кизлари ичида энг гўзали, шак-шубҳасиз, Сурайё эди.

Муҳаббат тарихларига назар ташласак, кўпинча ёш шоирларнинг гўзал қизлар томонидан севилмай қолганига гувоҳ бўламиз. Гёте билан Хейне ҳам шундай бўлган, Мицкевич билан Лист ҳам. Аммо Шаҳриёрни севмаслиқнинг иложи йўқ эди. У жуда жўшқин, ловуллаб турган оловга ўхшарди. Қошларининг чимирилиши, шеър ўқиганда, санъатининг зўрлигиданми, сўзлари самимийлигиданми овози одамга жуда кучли таъсир қиларди. Гўзал Сурайё унга кўнгил берди.

Шаҳриёр унга очикдан-очик Сурайё Пари деб от қўйди. Шеърларида қанча Пари бўлса, ҳаммаси Сурайё эди. Бошқалар ҳам жилмайиб уни Сурайё Пари ё шунчаки Пари деб чақирардилар. Бу унинг жаҳлини чиқармас, аксинча, хуш ёқар эди. Уларнинг ўтирган жойлари бошқа-бошқа бўлса ҳам, таҳсилга бирга келиб, бирга кетишлари ҳаммага табиий ҳолдай кўринарди. Шу тариқа улар беш йиллик ишқ ҳаётини бошдан кечирдилар. Аммо бешинчи йили уларнинг муҳаббатига катта қўланка тушди.

Техрон Тибб факультети Жандармерия қошида бўлгани учун бу ерга давлат аппаратининг одамлари, айниқса, хавфсизлик қўмитасининг маъмурлари тез-тез келиб-кетиб туришарди. Бир сафар валиахд Ризо Паҳлавийнинг давлат маслаҳатчиси ва қариндоши Алихон Паҳлавий факультетга келганда Сурайёни кўриб қолади ва унга ишқи тушиб, дарҳол уйига совчи юббаради. Сурайёнинг шоир Шаҳриёрни яхши кўришини эшитган амалдор, уни майдондан четлатиш йўлларини излай бошлайди. Бунга пайқаган ва Сурайёлар уйига

совчи қўяётганини қизнинг ўзидан эшитган Муҳаммадхусайн Шаҳриёр бирда ҳаддан ташқари безовта бўлар, бирда қаттиқ аччиқланарди. Амалдорнинг «кўзга кўринмас элчилари» Шаҳриёрга учрашиб, ундан Сурайёни ўз ҳолига қўйишни ва қиздан четланишни талаб қила бошладилар. Муҳаммадхусайннинг кескин рад жавоблари алангада қизитилган темирдай воқеаларни тоблагандан тоблай боради.

Юзага келаётган таҳликали ходисалар туфайли исёнга келган Шаҳриёр ўқиши битишига 3—4 ой қолган бир вақтда факультетни ташлаб кетишга аҳд қилади. Дўстлари сабр қилиб сўнгги босқични битириб олишга чақирадилар, аммо унинг қарори қатъий эди. Ўқиш ҳарбий соҳага дахлдор бўлгани учун, бундай қилиш қонунга хилоф эди. Шунга қарамай ўқишдан кетиб қолганини баҳона қилиб, шоирни қамокқа оладилар ва Машқ майдони Миллий боғида жойлашган полиция идораси ҳибсхонасига ташлайдилар.

Албатта, Ҳамлетнинг Горадиоси, Фарҳоднинг Шопури бўлгани каби, Шаҳриёрнинг ҳам Шохёр, Лутфулла, Феруз сингари асл дўстлари бор эди, улар Шаҳриёр учун ҳаёт-мамот курашига ҳам тайёр эдилар. Аммо аксига олиб, шу пайтларда Шохёр оламдан кўз юмди. Лутфулла амалиёт учун Оврупога кетди, Феруз эса жаҳл устида тўполон қилиб, Ҳабиб Майка ҳибсхонасига тушди ва у ерда ўз жонига қасд қилди.

Шаҳриёр ўша пайтларда нималар қилгани ҳақида кейинчалик Юсуф Гедикли исмли олим ва публицистга шундай ҳикоя қилганди:

«Мен дарҳол истеъфога чиқишим керак эди, аммо аризамни қабул қилмадилар. Ферузларникига кетдим, икки ой у ерда яшириниб юрдим. Бу орада Сурайё билан қисқа-қисқа муддатларда учрашиб турганларимиз рақибимнинг қулоғига етибди. Мени тутиб олиб, қамокқа ташладилар».

Ўша даврдаги холини турмада ёзган бир шеърда шундай дея тасвирлайди:

Ғолиб душманнинг хисорида йиғладим,
Йиғимга жўр бўлди созимнинг мағлублик нағмаси.
Канон ўлкаси қудуғида ётибман дунёдан узилганча
Ҳасрат қулбасидан Ёқубнинг дуолари остида
Бу тўфон каби тўс-тўполон ичидан сенга
Бахтиқаро мендан ёзилган бир мактубдир бу...
Шаҳриёрнинг ойнаси оддий ва тиниқ,
Оҳи, сен қўп ёмонлик қиялпсан менга...

Давлаг вакиллари унга Техрондан бошқа ёққа кетиш-ни, агар шундай қилса, давлат томонидан бир амалга тайинланишини ҳам айтдилар, аммо Шаҳриёр бу таклифни қабул қилмади. У ўлимига рози эди...

Бир куни Сурайёнинг онаси уни қўргани хибсхонага келди. Ва унга:

— Амр бор экан, сени хавфсизлик доирасига олиб кетишаркан. У ерда сени бир нима қилишлари турган гап. Кел, қариндош-уруғларингнинг кўзларидан оқаётган сувлари ҳаққи... бу шаҳардан кета қол! Сенга бир нима қилишса, эртага охиратда биз нима деб жавоб берамиз? — деди. Шаҳриёрнинг чўнтагига бир нималар тикди. Сурайёнинг хатидир деб ўйлади, аммо у хат эмас, 200, 300 туман пул экан. Эҳ, у нима ҳам қила оларди!

Шаҳриёр учрашувга келишни ва узил-кесил гаплашиб олишни таклиф қилиб, Сурайёга мактуб жўнатди. Аммо Сурайё мактубга жавоб ҳам ёзмади, учрашувга ҳам келмади. Шаҳриёрнинг бу кунги руҳий ҳолатини тасаввур қилиш қийин эмас. Кейинчалик ўша кунги кайфиятини ифодаловчи бир тарихий шеърини ёзди. Мана ўша шеър:

Бехжетобод хотираси

Юлдуз санаб қутар эдим ул кеча ёри,
Келмади у, бўлдимикин ёр кеча ёри,
На қораси, на саси бор, кўзларим окди,
Битди қулоғим, кимдир менга қўряпти дори.
Ҳушёрману сўзлайман гоҳ ич-ичдан инграб
Гоҳ уни ҳам ел учирар беҳушлик сори.

Хамма ётган, фақат Аллоҳ ва мен уйғоқмиз,
Ҳеч кимса йўқ мендан пастда, Ҳақдан юкори.
Қўрқардимки, келаркан ёр, бирдан отса тонг,
Бағрим ёрилар, тонгим, отма, тарама тори.
Тонг юлдузи чикмоқ истар, қўз ёлворар: чиқма!
У чиқмаса-да, юлдуз ёрнинг йўқдир чикори.
Келмас, биламан бахтимни, энди оқарар тонг,
Кош оқарар, сўнг бошланар бошнинг оқори.
Муҳаббатга соя тушса, вафо ўлармиш,
Билмамки, табиат нега қўймиш бу қарори.
Сўнгги хўроз қичқириғи ханжар суқилди,
Сийнамда юрак бўлса, кесиб узди томири.
Ҳазил билан ишва қилди, сабоҳ деди: кет!
Жон қўркуви бор ишкнинг: ютқиздинг бу кимори.
Бўлдим қора кун, узилиш керак у сарик ипдан,
Ўша қора кунлар эди этган рангимни сори.
Азбас мени япроқ каби хижрон-ла сарғайтиб,
Боксанг юзингга гўё кизил гул эди, кизори.
Қўз ёшлари ҳар ердан окса, топади мени.
Дарёга баҳор маълум эди, сойларнинг оқори.
Марҳабо, шафақда ўзимни саждада қўрдим,
Кон ичра ғамим йўқ, юзим бўлсин сенга сари.
Ишқи бор эди Шаҳриёрнинг гулли-чечакли,
Афеус, казо урди, хазон бўлди баҳори.

Сурайёнинг учрашувга келмагани ва онасининг бу муомалаларидан қандай хулосага келиш мумкин?

Бизнинг халқ эртақларимизда камбағал оилаларнинг болалари киз бўлса шахзодага турмушга чиқишни, ўғил бўлса подшоҳнинг қизига уйланишни орзу қиладилар. Халқ оғзаки ижоди орқали шундай деб тарбияланган болалар, жумладан, Сурайё ҳам, балки шоирдан кўра, сарой одами — шахзодага тегишни афзал қўргандир.

Балки, Шаҳриёрга зулм қилаётган амалдорлар, Сурайёлар оиласини ҳам сиқувга олиб, қўрқитгандирлар... Ва айни чоғда Сурайёни беришса, қандай мукофотлар кутаётганига шама қилгандирлар.

Эҳтимол, Сурайё олдиниға совчиларга парво қилмаган ва ўз аҳдида туриб, шоир билан сийрак бўлса-да, учрашиб юраверган, аммо Шаҳриёрни турмага тикканларидан

кейин ва онасининг, энди шоирингдан кечмасанг бўлмайди, деб тинмай даkki бераверганидан сўнг қўрқувга тушган ва қарорини ўзгартиргандир. Булар тўғрисида бирон-бир далил-ҳужжат, ўзининг ё бирон кишининг хотираси учрамайди.

Эрон олимларидан бири Шаҳриёр ҳақидаги бир мақоласида шундай деб ёзади: «Шаҳриёр мухтожлик, ночорлик натижасида ўқишга рағбати сўнди, устига-устак, бошига ишқ можароси ҳам тушиб, тиб таҳсилини тарк этди ва Хуросонга даврнинг етук намояндаси Камол ул-Мулкни кўриш учун жўнади, шу муносабат билан «Камол ул-Мулк зиёрати» номли шеър ёзди. 1931 йилда давлат хизматига кирди».

Юқорида келтирилган суҳбатнинг давомида шоирнинг ўзи шундай дейди:


«Нима ҳам қила олардим. Камол ул-Мулкнинг ёнига кетишга рози бўлдим. Хусайниобод қишлоғидан жой сотиб олиб, у ерда мухташам бир иморат қурдирган Солори Мутамад унинг дўсти эди. Бу шахс Камол ул-Мулкни Тақияобод қишлоғидан Хусайниободга шахсан ўзи келтирганди. Мен Нишопурга кетдим, у ерда бир қарвонсаройда қолдим. Бирдан уч киши тўғри менга қараб келаётганларини кўрдим. Бири мени кучоқлади. Бу Тибб мактабида мендан бир йил олдинда ўқиган Доктор Маликий эди. Нишопур Соғлиқни сақлаш мудирлигининг раҳбари бўлганди. Отаси ҳам Хуросоннинг таниқли кишилари эди. Сени Аллоҳ етказди, бу ерда ғурбат азобидан сиқилиб ўлаётган эдим, деди».

Севишганларнинг такдири кейин шундай давом этди.

Сурайё Алихон Паҳлавийга турмушга чикди.

Шаҳриёр Нишопурда турли вазифаларда ишлади. Охири қишлоқ хўжалик банкига ишга ўтди. Лекин бу иши ҳам ўзига ёкмади. Ҳарқалай, нафақага чиққунча шу иш билан машғул бўлди. Аммо асосий фаолияти

адабиёт ва шеърят эди. 1952 йилда Табризга қайтди ва 1953 йилда бошланғич синф ўқитувчиси бўлган, ўзидан 35 ёш кичик Азиза исмли қизга уйланди. Улар икки қиз, икки ўғил кўрдилар. Уч фарзанди болаликда вафот этди. Фақат 1960 йилда туғилган Ходи исмли ўғлигина омон қолди. 1976 йилда Азиза юрак касалидан, Шаҳриёрнинг ўзи 1988 йилда вафот этди (82 ёшда). Шаҳриёр шеърятти эса ҳамон дилларни ларзага солиб яшамоқда



НОЗИМ ҲИКМАТ билан ВЕРА ТУЛЯКОВА

1902 йилда туғилган Нозим Ҳикмат 20 ёшларида сиёсат алдовларига учиб, Москвага Коммунистик университетга ўқишга келган, коммунистик ҳаёт йўлини идеал деб билиб, Туркияда шундай йўлни тарғиб қила бошлаган эди. Ундан йигирма бир ёш катта бўлган Камол Отатурк, албатта, бу сиёсатнинг моҳиятини билар ва шоир Нозим Ҳикматнинг Туркияда коммунистик йўл учун жонини тикканига: «Афсуски, шундай бир талант биз билан бирга эмас», — дея ачиниб қараган эди. Шундай бир аҳволда унинг қамокқа олинишини асло нотабиий деб бўлмайди. 17 йиллик маҳбуслиқдан сўнг ҳамон коммунистик йўлни тўғри йўл деб билувчи Нозим Ҳикматнинг чет элга қочиб кетишини ҳам ғайритабиий деб баҳолаш ҳолислик бўлмас, деб ўйлайман.

Туркиядан қочиб, эндигина Бухарестга келган Нозим Ҳикмат бу ерлик дўстлардан Совет Иттифокида чиққан сўнгги бир кинофильмни кўрсатишларини сўраганда, улар «Кубан казаклари» фильмини кўрсатишган, фильмда ҳаммаёқ хурсандчилик, маъмурчилик акс эттирилган ва у орзулар ушалибди, деб ўйлаган эди. Аэропортдан Внуково шоссесидан Москвага келаётганда йўл четларидаги хароб кулбаларни, ҳатто сомон сувоқли томларни кўриб, инқилобдан олдинги турмуш музейи бўлса керак, деган ҳаёлга борди. «Москва» меҳмонхонасига жойлашганда атрофдаги катта-катта ҳашаматли бинолар — ёзувчиларнинг ва амалдорларнинг уйлари кўрди. Улар уйларига хотин, бола-чақалари билан катта қора машиналарда ке-

лишар, ҳаётларидан бениҳоя мамнун эдилар. Театрларнинг бир қанчасига олиб боришди. Ҳаммаси зерикарли эди. Қаҳрамонлар атрофдаги ҳеч нимани кўрмас, эшитмас эди. Худди кўрсаткич бармоқдай бир нарсани кўрсатиб, насихат қилардилар. Ҳаммасида Сталинга мадҳия ўқилар, уни кўёшга тенглаштирар эдилар.



Фадеевдан илк бора «халқ душмани», «ёт унсурлар», «сохта новатор», «киши руҳининг муҳандислари» каби ибораларни эшитди. Мейерхольд театрини суриштирди, тоққа кетган, касал дейишди. Александр Таиров театрини сўради, театр таъмирида дейишди. Николай Эрк ҳам тоғда эмиш. Аниғини суриштирганда, уларнинг ҳаммаси отилиб кетганини хабар қилишди. Фақат режиссёрлар эмас, у билган-ганиган кўп шоир ва ёзувчилар ҳам отилиб кетганини билганди. Внуково йўлида кўрганлари музей эмаслигини англади. Нозим Хикматга Москвадан уй-жой, Паша хола деган хизматчи хотин, етти кишига етадиган озиқ-овқат «паёғи», «ЗИМ» машинаси (шофёри билан) беришди. Нозим Хикмат буларнинг ҳақини гонораримдан ушлаб қолишса керак, тўлашга пулим етмаса нима қиламан, деб хавотирга тушди. Паша холадан буларнинг ҳаммасига қанча ҳақ тўлайман, деб сўраганда, у ҳеч қанча пул тўламайсиз, бу сизга ўртоқ Сталиннинг паёғи, деди. Бунини эшитганда, учиб кетиб Фадеевнинг олдига борди. «Нима, мени ишчилар синфининг боқимандаси қилмоқчимисиз? Мени бундай камситишнинг кераги йўқ, мен Туркияда камокда ётганимда ҳам «паёк-маёк» олмай, ўз меҳнатим билан ўзимни боққанман, мен текинхўр бўлишни истамайман!» — деди. Фадеев уни тинчлантирмоқчи бўлди.

— Сизни ҳам, Симоновни ҳам ўртоқ Сталин паёк билан сийлаганми? Мен ҳозироқ Марказқўмга бораман! — деди. Фадеев орқасидан чиқиб:

— Ундай қилманг! Сизни ҳеч қачон кечиришмайди! — деди.

Нозим Хикмат, барибир, МКга борди. Имтиёзлардан воз кечди. Чиндан ҳам шундан кейин унга юқоридагиларнинг муносабати ўзгарди. Фадеев эса уни ўз химоясига олиб, Хитойга, социалистик мамлакатларга, Венага, Стокгольмга, Хельсинкига олиб кетар эди, уни Дунё Тинчлик Кенгашига аъзо қилди. Аммо Нозим Хикмат ўзига хос мардлик ва шижоат билан советлардаги ифросликларга нисбатан фаол қаршилик кўрсатаверди. Ана шу йилларда у рус аёли Вера Туляковани севиб қолди.

Вера Тулякова 1955 йилда эндигина Бутуниттифок давлат кинематография институтининг сценарий факультетини тугатиб, «Союзмультфильм» киностудиясида муҳаррирлик вазифасида ишлаётган эди. Юқоридан Албанияга оид бирор асарни суратга олиш топширилганда Вера бир албан халқ эртагини топиб, уни сценарий қилган ва бу асар устида иш бошланганда миллий ҳаёт тасвири, қаҳрамонларнинг кийиниши, уй-жойларининг тартиби, Албаниянинг табиатини ҳеч ким билмаслиги очилиб қолади. Кимни маслаҳатчи қилиб олиш тўғрисида ўйлай бошлайдилар. Режиссёрлардан бири: «Албания 300 йил Туркия қарамоғида бўлган, шунинг учун Нозим Хикматни маслаҳатчи қилиб олиш мумкин», — дейди. Аммо бошлиқ: «Унга боғланиш осон бўлмас, телефони ҳам ҳойнаҳой махфийдир», — деб эътироз билдиради. Вера: «Топишга бир уриниб кўрай», — дейди ва Ёзувчилар уюшмасидан Нозим Хикматнинг тураржойини суриштиради. Москвадаги уй-жойи ва Переделкинодаги дала ҳовлиси телефонларини кийналмасдан топган Вера Тулякова дарҳол шоир билан боғланади.

— Ишингиз бўлса, майли, келақолинг, яхши киз, — дейди Нозим Хикмат.

— Қачон борай?

— Ишингиз бўлса, ҳозирок келаверинг.

Вера Тулякова ўз сценарийсининг режиссёри Валентина Брумберг билан боради. Каттагина ва деярли бўм-бўш хонанинг ўртасида катта стол бўлиб, ортида қора костюм, қора кўйлак, қора қалпоқ кийиб олган чамаси қирк ёшлардаги Акбар Бобоев ўтирар, стол усти аралаш-қура-

лаш қўлёмаларга тўла эди. Қизлар Бобоевни КГБ агенти деб ўйлаб, эҳтиёт бўлиб гаплашадилар. Ўзлари билан олиб келган эскизларни тўшамага ёядилар. Шоир энгашиб уларни кўздан кечираркан, бирдан:

— Санъатда натурализмни жинимдан ёмон кўраман, — дейди аччиқланиб.

Қизлар тош қотадилар. Даҳшатга тушган Валентина вазиятни юмшатиш учун масалани назарий томонга бурмоқчи бўлади.

— Нозим, сиз натурализмни ёмон кўрасизми? Нима у натурализм, жоним? — деб сўрайди у.

— Ҳозир бу ерга бир одам қўйлаксиз кириб келса, бу реализм бўларди, агар иштонсиз кирса — натурализм.

Биринчи бўлиб Нозимнинг ўзи, кетидан ҳаммалари қулиб юборишади. Нозим қўлига қалам олиб, эртақ сюжетига ўзи расм чиза бошлайди. Камбағал болалар қандай кийиниши мумкинлигини, чолворлари қандай бўлишини, белбоғи қандай боғланишини, чўпон бола жилдини елкасига ташлаб юришини, кўзанинг шакли қандай, девордаги гиламнинг орнаментлари қанақалигини бирма-бир кўрсатиб беради... Сўнг мультфильм расмлари тайёр бўлгач, студияга келиб, бир кўздан кечириб бериши тўғрисида келишиб оладилар... Бу масала якун топгач, Нозим Ҳикмат Верани деворда осиглиқ турган бир сураат олдига бошлаб борди. Узунчоқ чорчўп ичига ёнламаси ўққа тутилиб дабдаласи чиққан ер парчаси жойланганга ўхшарди. Тупрокнинг майда тепаликлар ҳолига келган юзларида йиртиқ темир бўлакчалари сочилиб ётгани мойли бўёқда жуда таъсирли акс эттирилган эди. Нозим Ҳикмат вазминлик билан изох беради:

— Буни менга Константин Симонов ҳадя қилган. Бир рус аскари Сталинград ерларида сочилиб ётган мина парчаларидан ишлаган экан...

Вера стол устидаги қўлёмаларга кизикади, Акбар Бобоев Нозим Ҳикматнинг «Иван Иванович бормиди, йўқмиди?» деган пьесасини русчага таржима қилаётган экан.

— Нима ҳақда бу? — деб сўрайди Вера ҳайкибгина.



— Ҳокимликка берилиб кетиш жуда хатарли нарса, ай-ниқса, сиёсий ҳокимликка. Мисолга Сталинни кўрсатишим мумкин. Пьесани ёзаётганда мен уни ўйлагандим. Хулласи калом, яхши қиз, биздан бюрократлар хафа бўлиши турган гап. Нима қилайлик? Хафа бўла қолишсин!

Кейин Верага:

— Мабодо сиз бюрократ эмасмисиз? — деб ҳазиллашадди.

Ҳаммалари, Бобоев ҳам кулиб юборади.

Биринчи танишган кунлари шундай ўтган эди.

Қизлар қайтишаётганда гаплашиб кетадилар. Нозим Валентинадан:

— Вера эрга текканми? — деб сўрабди.

— Йўғ-эй, нима деяпсиз? — дебди у.

Шу-шу Нозим Ҳикмат маслаҳатчи сифатида студияга тез-тез келадиган бўлибди. Ҳамманинг сеvimли одамига айланибди. Аммо кино олиниб бўлгандан кейин ҳам келишини қанда қилмас экан.

Бир куни у Верага телефон қилиб, бир эски француз фильми — «Чодирхаёл болалари»ни кўрсатишни илтимос қилди. Қанчалик кийин бўлмасин, Вера бу фильмни Давлат фильм фондидан топди ва Нозимни томошага таклиф қилди. 1956 йилнинг 3 ноябри эди. Нозим Ҳикмат Бобоев ва бошқа дўстлари билан бирга келди. Томоша бошланди. Вера билан Нозим томошада бирга ўтиришди. Фильмда Арлекиннинг бирёклама, маъюс ва фожиавий муҳаббати Луи Барро томонидан катта маҳорат билан ижро этилганди. Вера ҳеч қачон бирон фильмдан бу қадар ҳайратланмаган эди. Луи Барро ижроси унинг учун катта кашфиёт бўлди. Биринчи қисм тугади, қаттиқ хаяжонланган Нозим Ҳикмат Вера Туляковага совқотаётгандай туюлди ва унга буфетдан иссиқ чой олиб келди. Аммо Нозим Ҳикмат ўрнидан туриб кетмокчи бўлди. «Кино ёкмадими?» — деб сўради Вера. «Вақтим битди. Колганини кўришга вақтим йўқ» — деди у. Вера уни кузатиб қўйишга чиқди. Биринчи қават билан иккинчи қават оралиғидаги зинапоё майдончасида у тўхтади ва Веранинг қўлидан ушлаб, юзларига қаради.

— Мен сизни севаман. Тушунасизми? Мен сизни севаман, — деди ва йиғлаб юборди. Вера шу пайтгача эркакларнинг йиғлаганини кўрмаганди. — Бу сизга кулгили бўлса керак. Бобом тенги одам, деб ўйлаётгандирсиз. Сизнинг ўрнингизда мен ҳам шундай ўйлаган бўлардим. Бироқ тушунинг, менга жуда оғир. Юрагим қонаяпти, сизни шундай севаман.

— Йиғламанг, — деди Вера. — Йиғламанг.

— Мен икки соатдан кейин чет элга кетаман. Тушунаман, сиздан бир нарсани умид қилишим ноўрин. Сизга ортик бундай гапирмасликка, гапимни ёдингизга солмасликка ваъда бераман. Бу туйғудан қутулганимда Москвага қайтаман. Кечиринг мени...

Шу билан Нозим тўққиз ой йўқ бўлиб кетди. У кетгандан кейин Вера ўзи ҳам Нозим Хикматни севиб қолганини фахмлади. Тўққиз ой ҳар куни, ҳар соат уни эслар. ҳеч ёдидан чиқаролмас эди.

1957 йил 27 июльда у Верага телефон қилди.

— Жоним, бу менман, — деди у.

— Салом, Нозим, — деди Вера ва қувонганидан кулиб юборди.

Ижодга, фаолиятга оид савол-жавоблардан сўнг Нозим:

— Олдингизга бориб турсам бўладими? — деб сўради.

Вера розилик билдирди. Яна устма-уст телефонлашиш ва учрашишлар бошланиб кетди. Вера дунёга Нозимнинг кўзлари билан қарай бошлади.

Бир куни ораларида Зошченкодани гап очилганда, Нозим Хикмат 20-йилларнинг бошларида Эдуард Багрицкий ўзига Зошченконинг китобини берганини ва ундан энг оғир шароитларда қам қийинчиликларни кулги билан енгил мумкинлигини ўрганганини ва қамокда ётганида бу нарсани унга кўп қўл келганини айтиб беради, сўнг фикрини Зошченко — Мольер ва Гоголлар каторида турувчи буюк ижодкор, деб яқунлайди. Коммунистик мафкура таъсирида улғайган Вера Тулякова Зошченко ҳақида бундай баҳони эшитиб ҳайрон қолади. Нозим Хикмат Зошченко қатағонга олиниб, ҳеч ким унга яқин йўламайдиган чоғларида уни уйига таклиф қилиб, театрга ҳам у билан бирга

борадӣ. Бугина эмас, Нозим Ҳикмат ўзи Москвада яшаб, Ленинфадда умр кечираётган Зошченкога почта орқали узоқ вақт ёрдам пули юбориб турган. Бир кунӣ Зошченко қатағонга учрагандан кейин ёзган ҳикояларини «100 ҳикоя» номи остига тўплаганини айтганда, Нозим Ҳикмат: «Мен буни чиқариб бераман, «Новий мир» журналида Константин Симонов деган оғайним бор, айтаман, журналида босади», — дейди. Ҳаммалари Нозим Ҳикматнинг соддалигидан куладилар.

Вера Тулякова Нозим Ҳикмат ёнида қанчалик кўп бўлса, машҳур рус зиёлилари билан шунчалик кўп таниша борди. Зошченконинг хотини Вера Владимировна, Горькийнинг хотини Екатерина Павловна, Алексей Толстойнинг хотини Людмила Ильинична, Пастернаклар оиласи, ҳуллас, рассомлар, композиторлар билан мулоқотда бўла борди. Хатто Верага гоҳ Париждан Луи Арагон, Чили шоири Пабло Неруда, унинг хотини Матильда ҳам, гоҳ Варшава билан Берлиндан, гоҳ Прага билан Лейпцигдан жаҳоннинг таниқли бошқа ёзувчилари ҳам Нозимни суриштириб телефон қила бошлайдилар. Жаҳон зиёлиларининг диққат марказига тушиб қолишининг сабабини суриштирганда, «Мен Парижда сени севишимни ҳаммага айтганман», — дейди Нозим. Сўнгра ундан бутунлай ўзига хотин бўлишни талаб қила бошлайди.

— Кўриб турибман. Мени севасан. Менга тегиш сенга жуда мураккабдай кўринади. Аслида, ундай эмас. Менинг уйимга кўчиб кел. Кейин тез орада чет элга кетамиз. Озгина гап-сўз бўлиб, кейин ҳаммаси тиниб-тинчиб кетади, — дейди.

— Иложим йўқ, — деб жавоб қайтаради Вера.

17 октябрда «Известия» газетасида «Тень на плетень» деган мақола чиққан ва унда Нозим Ҳикмат ёмон одам, чет элда совет тузумига тўхмат чаплаш билан машғул, деган гаплар айтилган эди. Аслида эса Нозим Ҳикмат «Литтр франсез» газетасининг саволларига жавоб бериб, машҳур режиссёр Мейерхольднинг ёрқин хотирасини химоя қилган эди, холос. «Известия» «Нозим Ҳикмат, Мейерхольдни қатағон қилганларга тўхмат тоштини отмоқда»,

деб айблаган эди. Кўп ўтмай идорачилар Вера Туляковани «Союзмультфильм» студиясидан кетиш тўғрисида ариза ёзишга мажбур қила бошлайдилар. Айби Нозим Хикматнинг ғояси зарарли бўлган сценарийларини ишлаб чиқаришга ўтказганлиги эмиш. Шундан кейин аччиқланган Тулякова ариза ёзиб, ишдан бўшайди. Энди у Нозим Хикмат билан бирга яшашга, ҳаётнинг аччик-чучугини у билан бирга тотишга қарор қилганди.

Бир куни Нозим Хикмат МКнинг катта аппаратчиси, бўлим мудир, амалда министрга тенг бўлган бир ходим билан жуда каттиқ гаплашди:

— Ўртоқ Милованов, кўзларингизни олиб қочманг, мен билан чет эллик киши билан гаплашгандай гаплашманг. Мен — туркман, аммо сизга қараганда кўпроқ совет кишисиман, мендан Совет Иттифоқининг ҳақиқий ҳаётини, қарам ўз ўзагини қават-қават барглар билан ўраб яширгандай яширманг! Мен 20-йилларда улғайдим, бутун ҳақиқатни билгим келади, жавоб беринг. Нима учун ўсмирлар ароқ ичишади? Деразангиздан ташқарига қаранг — қурилишдаги ишчилар нега бекор чекиб ўтиришибди, нега бюрократлар ҳамма масалага «йўқ» деб жавоб беради, хаддан ортиқ каттиқ курашлардан кейингина «ҳа» дейишади. Демак, мумкин нарса экан-ку! Нима учун олий ўқув юртларига қабул ишида миллий чеклашлар мавжуд? Ҳатто кутубхоналардан китоб олишда ҳам сўраётган одамнинг миллатига қаралади. Нима учун совет кишиси рус бўлса, 100 фоиз, украин бўлса, 80 фоиз, грузин бўлса, 15 фоиз, яҳудий бўлса, 5 фоиз коммунист деб ҳисобланади, агар турк бўлса, совет кишиси эмасми, тўғри гапни гапиришга унинг ҳаққи йўқми? Нима учун 80 минг амалдор ишга машинада боради-ю, жажжи болакайлар — қаҳратон совуқда бекатларда дийдираб турган биринчи синф ўқувчиларини ўз машиналарида ола кетишга ярамайдилар?! Кулманг, ўртоқ Милованов, тезда шундай вақтлар келади — бундай шармандаликлар мутлақо барҳам топади!

Вера Тулякова Нозим Хикмат билан бирга яшаркан, то ўлимига қадар қандай тўс-тўполонли, қаҳрамонона ҳаёт кечирганига гувоҳ бўлди. Ҳеч кимдан, ҳеч қачон кўркиб

Ўтирмаганини, дунёвий адолат учун, ҳақиқий фаровон ҳаёт учун жонини тикканини англари.

Нозим Хикмат Вера Тулякова билан танишишдан олдин 1956 йилда Александр Фадеев ўз жонига қасд қилганда қаттиқ ҳаяжонга тушиб, «Ё ҳаёт, ё мамот» драмасини ёзган, аммо у сахнага чиқарилмаган эди. 1962 йилда Моссовет номли драма театри шу асарни сахнага қўймоқчи бўлди ва театр раҳбарияти Вера Туляковадан Нозим Хикматнинг Фадеев ҳақидаги хотираларини ёзиб олиб, театрга топширишни илтимос қилди. Вера шу илтимосни адо этди. Мана бир парчаси:

«1956 йил 11 майда Фадеев дала ҳовлимага телефон қилиб:

— Эртага Самад Вурғуннинг туғилган куни, Бокуга телефон қилинг, ё яхшиси, унга бир табрик телеграммаси юборинг, севинсин, — деди. Сўнгра: «Мен Вурғуннинг бир мақоласини асраб юрибман, унинг тагига ўзим ҳам жон деб қўл қўйган бўлардим», — деб қўйди. — Эртага келсангиз, сизга ҳам кўрсатишим мумкин.

Эртаси учрашдик, у газета қийқимлари ҳам солинган бир конвертни берди. Хайрлашганда, кузатгани чиқди. Йўлда бироз гаплашдик. Менинг турмадаги ҳаётим билан қизиқди ва гапининг сўнгида бир воқеани айтиб берди.

Айтишча, бундан икки ҳафтача бурун кўча томондаги эшиклари қаршисида бир одам тўхтаб турибди, ҳеч кетавермагандан кейин ким экан деб кўчага чикса, таниш бир киши экан, кўзларига тикилиб қараб туриб, сўнг кета бошлабди. Отини айтиб чақирса, эшикларига туфлаб кетиб қолибди.

Фадеев: «Мен ҳар доим шарафим юксак, номусли одамман, деб юрардим, энди ўзимни ёмон ҳис қиляпман, ўнгланиб олишга кучим етмаябди», — деди. Мен уни юпатишга уриндим, у эса жилмайиб қўл узатди, хайрлашиб кетди. Орқасидан қараб қолдим. Қўлтигида битта буханка нон ҳам бор эди. 13 майда мен конвертни очдим, Вурғуннинг «Шоирнинг ҳуқуқлари» мақоласи экан, энди ўқий бошлаган эдим, бирдан телефон жиринглади, гўшаққа кимдир: «Фадеев ўзини отиб қўйди, тез шахсий врачингизни юборинг!» — деб қичқирди. Бир неча дақиқада етиб бордим, Фадеев кўзи очик ҳолда ўлиб ётарди. Тўппонча ва иккита хат ҳам шу ерда эди,

бири хотинига, иккинчиси Марказқўмга ёзилган. Анча вақт ўтгандан кейин дафн маросими ҳайъати аъзоси бўлган ёзувчи Василий Ажаевдан Марказқўмга ёзилган хатнинг мазмунини ҳам эшитдим: «Сталинга каттиқ ишонгандим, КПССнинг XX съезди мен учун дахшатли воқеа бўлди. Қаршимда икки йўл қолди: ё тавба қилиб, ҳаётимни янгидан бошлаб, яхши амаллар билан ўртоқларимнинг ҳурматини қайтадан қозонишим керак ёки нимагаки аралашган бўлсам, ҳаётим билан жавоб беришим керак. Биринчи йўл жуда катта руҳий ва жисмоний куч талаб қилади, менда бундай куч йўқ, шунинг учун иккинчисини танладим...»

Вера эса Нозим билан яшаган кунларининг ҳар бири катта воқеа бўлганини ёзади.

Нозим Хикматнинг ҳар бир куни Вера учун жуда ғайриоддий эди. Қатағонга учраган халқларнинг вакиллари, масалан, 70 нафар қрим-татар, ингушлар, чеченлар компартия органларига эмас, бир муҳожир, чет эллик шоирга мурожаат қилар, ундан ўз ватандошлик ҳуқуқларини тиклашга ёрдам беришни сўрашарди.

Бир куни Нозим Хикматга Илья Эренбург телефон қилиб, фалон жойда турувчи Г. исмли бир рассом қийналиб яшаётганини айтади. Нозим Верани олиб дарҳол ўша рассомникига боради. Чиндан ҳам рассом ва унинг хотини икки-уч кундан бери нонсиз-овқатсиз оч ўтиришган экан. Пул берса, бу ғурурли рассом олмаслигини сезиб, Нозим унга Вера Тулякованинг портретини ишлаганга буюртма беради. Иши учун 150 сўм бериб (у пайтда муҳаррирлар, рассомларнинг ойлик иш ҳақи 120—140 сўм атрофида эди), расмни уйларининг тўрига осиб қўяди. Бу пайтлар Н. С. Хрушчёв Манеждаги тасвирий санъат кўргазмасига бориб, абстракционистларни сиқувга олган пайтлар эди. Нозим Хикмат фақат бу рассомни эмас, барча таъкибга учраган рассом ва шоирларни маънан қўллаб-қувватлар эди. Вознесенский, Евтушенко, Рождественскийлар унинг атрофида гирдикапалак эдилар. Ўша кунларда Нозим Хикмат Улуғ Фридрихнинг «Мен санъат учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим — унга ҳаляқит бермадим» деган жумласини айтар эди.

Нозим Хикмат 3 апрель 1963 йилда юрак инфарктдан вафот этди. Вера Тулякова Нозим Хикматнинг ўлим олди кунларини батафсил ёзиб қолдирган. Марказий Болалар театри Нозим Хикматга Хиросима фожиасидан ҳалок бўлган болалар тўғрисида бир пьеса ёзиб беришни илтимос қилган экан. Нозим Хикмат Верага: «Буни сен ёз, мен сенга ёрдамлашаман», — дебди. Якшанба куни соат ўн иккида «Турналар» пьесаси театрга топширилиши керак экан. Вера эрта туриб, Нозимга қаҳва келтириб берган-у, дарҳол ишни якунлаш учун кабинетга кирган. Қоғоз турналар ясаб ўтирган япон болалари бир қисм кулга айланиши тасвирланар эди асарда. Нозим Хикмат кичкина япон қизи ҳақида шеърлар ёзиб берган, Вера улардан фойдаланиб ишини давом эттираркан, Нозим уни чақирган ва:

— Шу ерда ёз, мен сени кўриб ўтирай, — деган.

Вера қўлёмасини кўтариб ёнига келган.

— Тўхта, бироз гаплашайлик, — дея икки соатча тинимсиз гапирган, бутун ҳаётини битта гапиришда тасвирлаб берган.

Чошгоҳларда Вера пьесани тугатиб театрга, Нозим Акбарларникига Наум Марнинг китобига сўзбоши ёзиб бериш учун кетган. Кеч соат саккизларда уйда учрашганлар.

— Акбарларникида мазам қочди. Бирпас дам олиб ўзимга келдим. Ҳозир яхшиман, эртага поликлиникага бориб, қонимни анализ қилдираман, ЭКГдан ўтаман, — дейди. Аммо хонада у ёқдан бу ёққа юрган, кейин Веранинг олдига келиб:

— Кел, сенинг уйингни қандай жиҳозлаш тўғрисида гаплашайлик, — деган.

— Нега энди менинг уйимни? Иккимизнинг эмас!

Нозим индамаган. Кейин яна:

— Ўлгач, ярим соатдан сўнг уйғонишни, мени қийнаган юрагимни кўришни, сенинг йиғингни эшитишни истардим... — деган.

Эрталаб тикир-тикирдан уйғонган. Кейин жимлик. Вера шарт ўрнидан туриб хонама-хона Нозимни қидира бошлаган. У даҳлиздаги тўшамага ўтирган ҳолда вафот этган эди.

Ўша куни эрталаб паспортини очиб, ичида ўз фотосуратини кўрган, орқасига:

«Кел дегандинг менга,
Кул дегандинг менга,
Сев дегандинг менга,
Ўл дегандинг менга.

Келдим
Кулдим
Севдим
Ўлдим»

деб ёзган эди.

Вера Тулякова Нозим Ҳикматнинг ўлимидан 2–3 ҳафта кейин у ҳақда хотиралар ёза бошлади. Ёзишдан олдин, албатта, Нозим Ҳикматнинг қабри тепасига борар ва соатлаб ўша ерда у билан ҳаёлан гаплашиб ўтирарди. Бу ҳол 2–3 йил давом этди. Ниҳоят, аста-секин тирик Нозим билан суҳбатлар тарзида ёзилган бир ажойиб китоб дунёга келди.

Бир куни Вера қабр тепасида ўтирганда унинг ёнидан бир кампир ўтиб:

Бир аёл бўлган эди,
Унга тож кийгазилар
Малика бўлди.
Бир куни тожи учиб кетди,
Яна аёлнинг ўзи қолди,
Чиройли аёл

— дея шивирлабди.

Вера Тулякова севинибди...

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ билан БИБИСОРА БЕЙШЕНАЛИЕВА

Чингиз Айтматов дунё таниган машхур қирғиз ёзувчиси, рус ва қирғиз тилларида ижод қиларди. Қирғизистон Қаҳрамони, Қирғиз халқ ёзувчиси, кўплаб халқаро мукофотлар лауреати.

Ўзбек ўқувчилари Айтматовни жуда яхши билишади ва севиб ўқишади. Унинг деярли ҳамма асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Чингиз Айтматов



У 1928 йилнинг 12 декабрида Қирғизистоннинг Талас вилояти Шакар қишлоғида дунёга келди. Отаси Тўракул Айтматов олдин деҳқонлардан чиққан фаоллардан эди, партия ва маҳаллий кенгаш ходими бўлиб ишлади, кейин Қирғизистоннинг машхур давлат арбоби бўлди. Аммо 1937 йилда қамокқа олиниб, 1938 йилда отиб ташланди. Онаси Наима Ҳамзиевна Абдувалиева, миллати татарлардан бўлган армия сийёсий ходими эди, кейинчалик кўп йиллар жамоат арбоби бўлиб ишлади. Чингиз, унинг укалари, сингиллари Шакарда катта бўлишди.

Чингиз саккизинчи синфни битириб, Жамбул зоотехникумига кирди ва уни аъло баҳолар билан тамомлади. 1948 йилда ҳозирги Бишкекнинг ўша пайтдаги кишлоқ хўжалик институтига кирди, 1950 йилда Тиббиёт институтининг ўзи тенги талабаси Керез Шамсибоевага ўйланди, Чингиз ҳам, Керез ҳам ўқиётган институтларини 1953 йилда битирдилар. Санжар ва Асқар деган ўғиллари туғилди.

Чингиз Айтматов 1952 йилдан бошлаб республика матбуотида ўзининг қирғиз тилидаги ҳикояларини эълон қила бошлади. Институтдан кейин уч йил ветеринар бўлиб ишлади ва ҳикоялар ёзишда давом этди. 1956 йилда ҳаётнинг бутун оғир-снгилини кўрган, насрда унча-мунча тажриба орттирган Айтматов энди Москвадаги Олий адабиёт курсларида ўқишга кириб, уни 1958 йилда тамомлади.

1957 йилда «Ала-Тоо» журналида қирғиз тилида унинг «Юзма-юз» номли қиссаси босилиб чиқди. Шу йили машҳур қозоқ ёзувчиси, «Абай» эпопеясининг муаллифи Мухтор Авезов Парижга сафари чоғида француз ёзувчиси Луи Арагон билан адабиёт ва ҳозирги ёшлар ҳақида узундан-узоқ суҳбатлар қураarkan, гап орасида қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг янги қиссаларидаги жаҳон адабиёти аспектида ҳам янгилик бўла оладиган қиссалари, шу жумладан, яқинда ўзига ўқишга берган «Жамила» қиссаси ҳақида ҳам тўлқинланиб ҳикоя қилади. Арагон Авезовдан шу қиссани ўзига қолдиришни сўрайди. Карабсизки, шу йилнинг ўзида «Жамила» қиссаси Арагоннинг таржимаси ва сўзбошиси билан француз тилида босилиб турибди. Арагон ўз сўзбошисида «Жамила»ни «Дунёда муҳаббат тўғрисида яратилган энг гўзал қисса», — деб баҳолаган эди. Шундан кейин ўша йилнинг ўзида унинг ҳикоялари рус тилига таржима қилиниб, «Новўй мир» журналида босилди. Сўнгра «Жамила» қиссаси ҳам рус тилида чиқди ва бу Чингиз Айтматовга оламшумул шуҳрат келтирди (қисса ҳозирги кунда дунёнинг ҳамма тилларига ўгирилган энг оммавий асардир. Биргина немис тилининг ўзида 37 марта қайта нашр этилди). Энди ўттиздан ошган, аммо

дунёга танилиб улгурган ана шу ёшида Чингиз Айтматов киргизистонлик опера ва балет театрининг раккосаси Бибисора Бейшеналиевани кўриб, хамсухбат бўлди-ю, муҳаббат дардига мубтало бўлди.

Бибисора Бейшеналиева



Бибисора Бейшеналиева ҳали тириклик чоғидаёқ киргиз рақс санъатининг афсонаси бўлиб улгурган машҳур балет устаси, халқ артисти, Киргизистоннинг Тўқтагул Сатилғанов номли давлат мукофоти совриндори, ўттиз йилдан ортиқ профессионал киргиз хореографиясининг бунёд бўлиши ва шаклланишига муносиб ҳисса қўша олган атоқли сиймосидир. Халқ уни инсонийлиги, гўзаллиги ва истеъдоди учун яхши кўрарди.

Унинг ота-онаси, ёш Бейшеналиевлар оиласи, 1900 йилларда Жумағали туманидан Чу вилоятининг Тоштепа кишлоғига кўчиб келган деҳқонлардан эди.

Бибисора Бейшеналиева 1926 йил 17 майда, Айтматовдан икки йил илгари Бишкекдан унча узоқ бўлмаган Тоштепа кишлоғида (у пайтда кишлоқ Воронцов дейиларди) туғилганди. Чақалоқлигида кўзлари осмондай кўм-кўк бўлгани учун Кўко (Кўкой) деб эркалитишар экан, улғайганда кўзларининг ранги ўзгарган бўлса ҳам, Кўкой лақаби сақланиб қолганди. Ҳамма болалар каби Бибисора етти ёшида кишлоқ мактабига бориб ўқий бошлаганди.

Бибисоранинг қариндоши Байшагул Ҳумуралиеванинг хотирлашича, Бибисора ўн ёшга кирган 1936 йили Ленинград хореография билим юрти раҳбарлари миллий республикалардан янги мутахассислар тайёрлаш мақсадида Тоштепа кишлоғи мактабига келадилар. Хореографлардан бири мактаб деразасидан ҳовлида арқон сакраб ўйнаётган қизларга кўзи тушади. Уларнинг ичида ингичка ва келишган Бибисора унинг эътиборини тортади ва у бир

гала тенгдошлари катори Ленинград хореография билим юртига олинади, машхур рус раққосаси Агриппина Ваганова раҳбарлигида ўқийди.

Кейинчалик Бибисора шундай деб хотирлаган эди: «Нева ёқасидаги шаҳарда менга катта меҳр ва эътибор билан қарашарди. Тажрибали муаллимлар, буюк Уланова каби ўқитувчилар, мендан ва Қирғизистондан келган бошқа ёшлардан ўз билимларини ҳеч аямас, саховат билан ўз тажрибаларини улашардилар. Бизнинг арзимаган муваффақиятсизлик ва ранжларимизни юракка яқин олардилар».

Бибисоранинг биринчи дебюти 1939 йили «Қирғиз адабиёти ва санъати декадаси»да Катта Опера ва балет театрида бўлиб ўтди.

1941 йили 15 ёшида Хореография билим юртини тугатгач, Қирғиз музыкали драма театри (сўнгроқ Қирғизистон опера ва балет театри)га келди, шу ерда илк бор ўз партнёри Уран Сарбағишевни учратди. У ҳам Ленинград хореография билим юртини тамомлаган эди. Бибисора ва Уран 18 йил давомида доимий ўзгармас партнёр бўлиб қолдилар. Улар биринчи марта «Чулпон» балетида бирга чиққандилар.

Кинорежиссёр Геннадий Базаровнинг хотирлашича, Бибисора иштирокидаги спектакллар театр санъати ишқибозлари учун байрам бўлиб қолган эди. Томошабинлар кундалик иш ва ташвишларини қолдириб театрға ошиқар, зал лим-лим тўла бўлар эди. Мухлислар спектаклдан сўнг унга миннатдорчилик билдириш учун парда ортига югуриб чиқишар, ишқибозлар у чиқадиган жадвалларни ёд билишар, ишга келаётганда театр қаршисидаги хиёбонда кутиб туришарди. Йўлкаларда юзлаб одамлар тўпланишар, у билан юзма-юз саломлаша олсалар, ўзларини бахтли ҳис қилардилар. Катта ёшлилар уни кўриб ўринларидан турса, «Ўтиринглар, ўтиринглар», — дер экан ширинсўзлик билан.

Бибисора Бейшеналиева 18 ёшида Аҳмат Омонбоев деган композиторга турмушга чиқди. Улар бир йилда ўғилли бўлдилар ва отини Эрмак (ўзбекчадаги «эрмак» — «забава» маъносида эмас, «маҳкам, пишиқ, ҳақиқий эркак» маъно-

сида) қўйдилар. Бирок оилада қандайдир сабаблар билан узилиш юз берди. Композитор қандай шухрат соҳиббасига уйланаётганини олдиндан билган бўлса ҳам, кетидан ўнлаб ошиқлар эргашиб юрадиган аёл билан яшаш машаққатига чидолмаган, деб тахмин қиламан.

Чингиз ва Бибисоранинг муҳаббат

1959 йили Болтиқ денгизи флотида хизмат қилаётган қирғиз оилаларининг болаларига оталиқ ёрдами кўрсатадиган бир делегация ташкил этилган эди. Бишкек (у пайтда Фрунзе) шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби Турдиақун Усубалиев Чингиз Айтматовни ўз хузурига чақириб, делегация таркибида Ленинградга бориб келишни таклиф этди. Иттифоқо, ўша пайтда Қирғизистоннинг опера ва балет театри труппаси «Ленфильм» студиясида «Чўлпон» балет-фильмини суратга олаётган эди. Бош партияни бир йил бурун — 1958 йилда иттифокда «Халқ артисти» унвонига сазовор бўлган Бибисора Бейшеналиева ижро этаётган эди.

«Икки-учта денгизчи ҳамроҳлигида катерда «Аврора» крейсери ёнига сузиб борган чоғимизда бизнинг делегация палубада турган эди. Улар орасида ок-сарикдан келган, кўзлари доим қулиб турадиган Бибисора ҳам бор эди. Унинг келишган сумбатини, қоп-қора сочларини денгиздан эсаётган майин шамол силаб-сийпаларди. У қулимсираб бизга қўл силкитиб қўйди. Илгари бир-биримиз тўғримизда қўп эшитган бўлсак-да, лекин шахсан таниш эмасдик. Негадир жуда осон яқин бўлиб қолдик. Бир-биримизга ажиб меҳр қўйдик... Буни сўз билан ифодалаб бўлмайди... Бизнинг нозик туйғуларимиз бирдан ўт олиб, гулханга айланиб кетди... Биз аввал учрашмаганимизга хайрон эдик», — деб хотирлайди Чингиз Айтматов.

Бу муҳаббатнинг туғилиши мутлақо тасодифий эмасди. Бибисора бутун дунё адабиёти ва санъатидан, қадимги юнон ва румо адабиётими, мусиқа тарихими, тасвирий санъати, рақс санъатидан тўлиб-тошиб сўзлар, ўзи эса бениҳоя гўзал эди.

Чингиз Айтматовнинг биринчи хотини Керез Шамсисоева (Қирғизистон Республикасида хизмат кўрсатган врач), Санжар ва Асқар исмли икки ўғилнинг онаси, Айтматовнинг шу кунлардаги ҳолати ҳақида шундай дейди: «Билсам, Чингиз Бибисорага уйланмаса бўлмас экан. Уйланакол, дедим. Турмуш қуришмади. Бибисора бунга йўл қўймади, шекилли... Бибисора табиатнинг элга берган мўъжизаси, ундай сулув қирғизда тагин қачон туғиларкин?..»

Бибисоранинг ўғли Эрмак онаси ҳақида гапираркан, унда «ажойиб бир юмор туйғуси бор эди» дейди ва бир мисол келтиради. Қайсидир бир йили 1 апрель куни касбдош ўртоқларидан бирига телефон қилиб: «Фалон журнални ўқидингми?» — дейди. «Йўқ, — деган ўртоғи, — нима чикибди?», «А, ҳеч нима, шунчаки айтдим-да». Ўртоғи бутун театр аҳлига «Фалон журналда бир гап чикибди, Бибисора телефон қилди», — деб овоза қилибди. Артисту раҳбарларнинг ҳаммаси яқин атрофдаги газета расталарининг ҳаммасига ёпирилиб, журнални сотиб олишибди. Қарашса ҳеч гап йўқ. Одатдаги бир сон. Балки бошқа сонини айтгандир деб бир қанча эски сонларини ҳам олишибди. Журнал бош муҳарририга қўнғирок қилиб: «Театрга оид нарсалар берганимиз?» — деб сўрашибди. У ҳам «Йўқ» дегандан кейин, Бибисорага боғланиб: «Нима чиққанди?» — дейишса, «Ҳеч нима, шунчаки айтдим, дедим-ку», — дебди. Муҳаррир Бибисорага телефон қилиб, нега бундай қилганини сўраса, «Журналингиз реклама бўлди, қўяверинг», — деган экан.

Яна Айтматовнинг ўзига сўз берайлик:

«Атрофдаги одамлар, қушларнинг чуғурлаши, япроқларнинг шитирлаши, денгиз тўлқинларининг шовуллаши — ҳамма-ҳаммаси мутлақо бошқа тусга кириб қолди. Менинг атрофимдаги дунё таниб бўлмас даражада ёркинлашиб, гўзаллашиб кетди.

Ленинграднинг оппоқ тунлари қўйнида Нева соҳилларида чарчок нималигини билмасдан узок-узок сайр қилардик, бир-биримизга айтадиган гапларимиз ҳам сира тугамасди. Бахтли дамларимиз бир неча соат давом этди-ми ёки бир неча асрми, билмасдик. Шу пайтгача яшаб ўтган умрим иккинчи даражали бўлиб қолди. Оламда фақат мен билан Бибисора бор эди. Мен ва у.

Бир неча кун кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди. Делегация-миз Қирғизистонга учиб кетди. Юрагимнинг ярмини Нева соҳилларида ташлаб кетишга кучим ҳам етмади, хоҳишим ҳам бўлмади. Икки ўт орасида колдим. Ниҳоят, Москвада ишим бор эди, деб баҳона қилдим-у, Ленинграддан кетмадим. Икки-уч кундан сўнг пойтахтга йўл олдим. Орқамдан Бибисора ҳам етиб келди. «Москва» меҳмонхонасида бир кечаю бир кундузни бирга ўтказдик, холос.

Лекин бу рухий яқинликнинг унутилмас дамлари бўлди. Биз қайта-қайта хайрлашардик, бироқ асло бир-биримиздан ажралгимиз келмасди. Ахийри, мен Бибисорани электрчкада Ленинградга қадар кузатиб бордим. У мени Москвага қайтадан кузатиб қўймоқчи бўлди. Лекин мен қаттиқ туриб, зўрга ниятидан қайтардим.

Ўша кундан эътиборан то Бибисоранинг сўнгги кунларига қадар — ўн тўрт йил мобайнида юрагимда аланга олган ёлқин бир дам ҳам сўнмади» (Чингиз Айтматов, Мухтор Шоҳонов. «Чўққида қолган овчининг оху зори». Аср адоғида айтилган истиффор. «Шарқ»).

Бу кассани эшитган ҳар қандай одам «Нима учун севишганлар оила қуришмади?» деган саволни бериши турган гап. Айтматовнинг айтишича, шу гапни айта бошлаши биланок, Бибисора мавзуни дарҳол бошқа ёққа буриб юбораркан ёки ҳозирча шошилмасликни маслаҳат бераркан. Улар пойтахтга қайтишганда Дзержинский бульваридаги уйнинг бир-бирига қўшни икки подъездидан икки янги квартира олганлар.

«Ачинов (у фамилиямнинг бош ҳарфи билан исмининг биринчи бўғинидан шундай ном ўйлаб топганди), нима демокчи эканингни билиб турибман. Айтадиларки, бир-бирларини ҳақиқий яхши кўрадиган одамларнинг тақдири қўшилмас эмиш... Эҳтимол, шундай бўлиши керакдир. Кундалик оилавий ташвишлар ҳар қандай буюк туйғуларни емириб юборади. Ўз муҳаббатимизни никоҳ кишани билан занжирбанд этишимиз шартмикин, — деди бир кун Бибисора».

Бибисоранинг ўғли Эрмак ҳикоя қилади:

«1960 йили отам уйланди. Ойим эрга тегиш ҳақида гап очмасди. Тўғри, бир куни Чингиз Айтматов оила қуриш-

ни таклиф қилганини, аммо у рад этганини менга билдирди. Нима учун, деб сўрамадим, холбуки ўрталарида жуда катта меҳр-муҳаббат борлиги шундоққина кўриниб турарди. Майли, бу уларнинг шахсий ҳаёти...»

Айтматовнинг Шоҳоновга иқдорлари мана бундай давом этарди:

«Суйган ёри билан оила куришни истамайдиган аёл ҳам бўладими, дедим. Кейинчалик, «Бибисора мени партиядош «ўртоқлар»им билан адабиётчи ҳамкасбларимнинг шафқатсиз зарбаларидан асраб қолишни» истаган, ўзини ўйламаган, деган фикрга келдим».

Дарҳақиқат, у йилларда бола-чақали кишининг оиласи билан ажрашиши ва қайта уйланиши кечтирилмас катта айб ҳисобланар ва жазоланар, фақат партиядан эмас, ёзувчилар уюшмасидан ҳам четлатилар, асарлари чиқарилмай қоларди.

Қисқаси, Бибисора Айтматовнинг юлдузи ёркинрок порлаши учун ўзининг аёллик бахтини қурбон қилди. «Буюк шахсгина суюкли ёрининг фойдасини кўзлаб ундан юз ўгиради». Айтматов-чи, Айтматов? «Ўй-хаёллари, рухияти, феъл-атвори, табиати жихатдан ўзингга яқин инсонни топишдан-да аълороқ бахт йўқ экан», деган ҳаёл уни умр бўйи тарк этмади. Бирон поездга чиқиб купеда ёстикка бош қўйиши билан Бибисоранинг «Шундай кунлар бўладики, уни бутун бошли бир асрга ҳам алмаштирмайсан. Бугун менинг ҳаётимдаги энг бахтли кун», — деган сўзлари эшитиларди. Пойтахтнинг айрим уйлари, чорраҳалари, истирохат боғлари ёнидан ўтаётиб, Бибисоранинг нимадандир хурсанд ёки хафа бўлганларини эсларди. Театрга кирса, сахнада у оккушдай учиб юрган бўларди.

«Қайсидир бир гастролдан у бетоб бўлиб қайтди», — дейди Айтматов Мухтор Шоҳоновга ҳасрат қилиб. Ташхис — кўкракда ёмон шиш. Уни Москвадаги Кунцево касалхонасига ётқизганлар. Аммо Бибисора кундан-кунга сўлиб бораверган. Шунда уни Қирғизистонга олиб қайтишган.

Айтматов касалхона теварагида айланиб юаркан. Унинг ҳузурига кирса, Чингизнинг кайфиятини кўтариш учун майингина қулиб қўярган.

1973 йилнинг 11 май куни Бибисора 47 ёшида вафот этди.

Опера ва балет театрида видолашув маросими ўтаркан, Чингиз Айтматов атрофдаги катта-кичик одамларнинг ҳеч бири билан иши бўлмай ўкириб-ўкириб йиғлади. Раҳбарлардан бири «анавини тинчитинглар» деганига ҳам парво қилмади. Ўшанда таниқли қирғиз шоири Суюнбой Эралиев: «Чингиз ёзувчи сифатида буюк бўлгани каби эркак сифатида ҳам буюк», — деган экан.

Эрмак эса: «Ойимнинг фуқаролик панихиласида Чингиз Тўракулович: «Юракларимизнинг ҳарорати бизни бир-биримизга боғлаган эди», — деди менга. Бу унинг буюк балеринага муҳаббатини очик тан олганимиди ё қаҳрамонлари тимсолини янгича кашф этганига ҳурмат ифодасимиди?.. Билмадим», — дейди.

Айтматовнинг ўзи эса «Бибисорани йўқотиб, мен тақдиримдан айрилганимни одамлар қаёқдан ҳам билишарди», — дея армон қилади...

Орадан кўп ўтмай уни Италияга таклиф қиладилар. Теплоходда Сицилияга кетаркан, қаёқдандир Бибисора икковлари эшитишни ёқтирадиган мусиқа садоси таралади. Одамлар палубада рақсга туша бошлайдилар. Айтматов эса бир четда тўсикқа суянганча юм-юм йиғлар эди.

«Мен Бибисоранинг гапларига кўниб тўғри қилганманми?» деган савол уни умрбод қийнади ва таъкиб этди.

Кейинги йиллари

«Бибисоранинг ўлиmidан сўнг бўшаб қолган кўнглимни тўлдирадиган бирон нарса қолмади... Ўшандай оғир дамларда тақдир энди бизни Марям билан учраштирди... Аста-секин ҳаёт изига тушиб кетди».

Шундай қилиб, Айтматов Марям Урматовага уйланди ва бу никоҳдан ўғли Элдор ва кизи Ширин дунёга келди.

Чингиз Айтматов XXI аср бошларида дунёда китоблари энг кўп нашр қилинган ва энг кўп ўқиладиган ёзувчилар қаторида биринчи ўринни олди. Асарларининг тўксон

фоизи кино тасвирларига олинди, уларни Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон, Россия, Туркиянинг атоқли режиссёрлари экранлаштирдилар.

Турли вақтларда Бельгия, Люксембург, Нидерландияда элчи бўлиб ишлади. «Иностранная литература» журналининг бош муҳаррири, Олий Кенгаш ноиби бўлди. Осиё ва Африка мамлакатлари билан ҳамкорлик комитетида раҳбарлардан бири бўлди, «Иссиққўл форуми» халқаро зиёлилар ҳаракатини ташкил қилди ва ҳоказо.

2008 йилнинг 10 июнида Нюрнберг клиникасида вафот этди. Бишкекдаги «Ота-Бейит» тарихий-мемориал мажмуасида дафн қилинди.

Бишкек марказида Турсунбой Содиковнинг «Эл қути» монументал ҳайкали очилди. Бу ёдгорликнинг бир тарафида чуқур ўйга толган Чингиз Айтматов, бошқа тарафида эса парвоз этаётган оққушдай Бибисора Бейшеналиева.

«Чолпон — утренняя звезда» (режиссёр Роман Тихомиров), Бибисора Бейшеналиеванинг сахнага олинган ижроси, жаҳоннинг 40 мамлақатида намойиш этилган.

1994 йилда Қирғизистонда Бибисора Бейшеналиеванинг тасвири туширилган қоғоз пуллар чиқарилди ва муомалага киритилди.

Бишкекдаги бир кўчага ва Қирғиз давлат санъат институтига Бибисора Бейшеналиева номи берилди.

Драматург Жаниш Қулмамбетов Бейшеналиева билан Айтматовнинг муҳаббат қиссасини акс эттирган драма яратди ва бу пьеса асосида бадний фильм суратга олинди.

МИХАИЛ ЛЕРМОНТОВ билан ЕКАТЕРИНА СУШКОВА

Улуғ рус шоири Михаил Юрьевич Лермонтовнинг барча муҳим асарлари Усмон Носир, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Фафур Ғулом сингари таржима усталари томонидан ўзбекчага ўгирилган ва жуда катта ҳажмли (ҳар бири 500 саҳифадан ортиқ) икки жилдда нашр этилган. Лермонтов ҳақида каттагина хотира китоби ёзилган (Шан-Гирей).

Михаил Лермонтов



Лермонтов 1814 йилнинг 2 октябрида туғилди. Отаси Юрий Петрович Лермонтов ҳарбий, онаси Мария Михайловна эса таниқли рус оксуякларидан Елизавета Алексеевна Арсеньеванинг кизи эди.

Арсеньеванинг отаси Алексей Емельянович Столипин чаласавод («ҳеч қачонда ўқимаган, Мольер ва Расин номларини ҳам эшитмаган») бўлса-да, ичиб вақтичоғлик қилишдан, ҳатто тўполон кўтаришдан ҳам қайтмайдиган, шароб корхонасини ижарага олиб, бекорчи деҳқонларнинг бошини жипслаштирган, қисқа вақт ичида катта бойга айланган киши эди. У бундан ташқари гапга чечан деҳқонлардан ўзича артистлар гуруҳини тузган, енгил-елпи спектакллар қўйиб, жамоатчилик кўнглини оларди.

Столипиннинг Александр деган ўғли ва иккита гўзал кизи ҳам бор эди: каттаси Елизавета (бўлажак шоирнинг бувиси), кичиги Екатерина... Елизаветани Симбирск губерниясидаги чимзор қилинган ям-яшил, жуда катта боғли, дарёли, табиати гўзал Тархонлар қишлоғининг соҳиби Арсеньевга, Екатеринани Гаройхонлар авлодидан бўлмиш, Бештов (Пятигорск)да ва Иссиқсув (Горячие воды)да бениҳоя гўзал, нақ жаннатдай ерлари бўлган бойлардан Павел Петрович Шан-Гирей (Шохин Гарой)га узатганди. Елизаветанинг эри вафот этиб, биттагина Мария исмли кизи билан бева қолди. Тархонлар қишлоғидаги амлокнинг катта қисми унинг номига битилди.

Лермонтов туғилишидан бир йил олдин, Столипин бева қолган кизи Елизавета ҳамда невараси Марияни олиб, Москвага кўчиб келди ва бу ердан ҳам мулк харид қилиб, катта оиласи, хизматчиларини ва актёрлар труппасини жойлаштирди. Тез орада Москва Кичик театрини ташкил этди. Ҳафта сайин Москванинг атоқли кишиларига катта-катта зиёфатлар бера бошлади. Озгина вақт ўтгач, император театрларининг директори билан савдолашиб, ўзининг 74 жондан иборат труппасини оилалари билан ўттиз икки мингга сотиб юборди.

Столипиннинг зиёфатларига келадиган меҳмонлар орасида Юрий Павлович Лермонтов дегани сулола ичидаги кўп кизларнинг эътиборига тушди. Буларнинг орасида эндигина 16 ёшдан ўтган Мария ҳам бор эди, у онасига Юрий Лермонтовга тегмоқчилигини айтди. Арсеньева ҳар тарафлама бунга қаршилик қилди. Чунки Юрийларнинг аждодида мактанишга арзигулик ҳеч нарсаси йўқ эди: ҳаммалари рус армиясидаги оддий офицерлардан бўлиб, Юрий истеъфога чиққан кам маошли капитан эди, холос. Аммо Арсеньева кизининг орзусини синдирилмади. Улар орадан бир йил ўтгач, севишиб оила қурдилар, Тархонлар қишлоғига бориб яшай бошладилар. Олдиниға ёшларнинг ҳаёти ширингина ўтаётган эди. Юрий иш юзасидан Москвага кетса, Мария альбомига:

Эй, ёқимтой дўстим, менинг калбимга
Бормикин бир инсон сендан-да яқин?
Мен, билсанг, ҳавосиз яшашим мумкин,
Аммо сенсиз яшашим қийин

каби шеърлар битарди. Юрий ҳам унга шундай таъсирли сатрлар билан жавоб қайтарарди. Аммо бу ҳол узоқ давом этмади. Елизавета Алексеевнанинг олдин ўйланлари бўлди: Юрий оилапарвар чикмади, ичкиликка, қартабозликка берилди. Эр-хотин тез-тез айтишиб қола бошладилар. Фарзанд туғилиши орани сал юмшатди.

Елизавета Алексеевна бола туғилишидан анчагина олдин қизи ва куёви билан Москвага келганди. Бола туғилганида Мариянинг соғлиғи ёмонлашди. Врачларга кўрсатишди, болага эса Тархонлар қишлоғидан иккита эмизикли соғлом аёлни топтириб келишди. 1815 йилнинг баҳорида қишлоққа қайтишди. Аммо оиладаги муҳитда яна булутлар қуюклашди. Мария ҳаётдан кутган умидлари парчаланаётганига ҳеч чидаёлмади ва 1817 йили 22 га тўлмасидан вафот этди. Шоир 1831 йилдаги бир шеърида шундай деб ёзганди:

Мен изтироб ўғлиман, менинг отам
Умр бўйи билмади тиним.
Кўзёшларга чўмиб сўнди онам:
Мен улардан қолдим бир ўзим.

Михаилнинг болалиги Москвада, Тархонлар қишлоғида, Кавказда бир-бирдан бой, мулклари мухташам қариндош-уруғлари орасида, ҳеч қандай камчилик кўрмай ўтди, унинг бу даврдаги эмин-эркин ҳаёти, у қандай бола бўлганлиги ҳақида Екатеринанинг невараси Аким Шан-Гирей (у Михаилдан бир ёш кичик эди) шундай хотиралар ёзиб қолдирганки, шоир ҳақида бундай батафсил маълумотни бошқа рус мемуарчиларида учратмаймиз.

Михаил Лермонтовнинг онаси вафотидан кейин отаси Тархонлар қишлоғини ташлаб, ўзининг Кропотовкадаги кичик мулкига кўчиб ўтди. Бола ота билан буви ўртасида

талаш бўлди. Бувиси охири куёвига йигирма беш минг бериб, неварасини ўзи билан олиб қолди.

Елизавета Арсеньева Михаилни жонидан ортиқ яхши кўрарди. Бутун мулкда унинг айтгани айтган, дегани деган эди. Шахсан ўзи у билан ўтириб лотинча ўргатар, инглиз, француз, немис тилларини ўрганиши учун ўқитувчилар ёллаб, йилига беш минг пул сарфларди. Атайлаб Москва театрларига олиб бориб турли спектакллар билан таништиради, расм солишни ҳам ўрганишига эътибор берарди. Заиф, касалманд бола бўлгани учун соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида Кавказга – сингисининг мулкига олиб борарди. Аким Шан-Гирейни, қариндошларининг ўғиллари ва ўндан ортиқ болаларни ҳам сингисиникига келтирган, Михаил улар билан бирга ўйнади. Ҳатто бир байрамда унинг кўнглини чоғ қилиш учун Кавказдаги машҳур ошук Султон Карим-Гаройни таклиф қилган эди. Одамлар роса яйрашган, кейин пойғалар ҳам бўлган эди.

Лекин буви бўлмиш уни қанчалик оташин меҳр билан ардоқламасин, қараш учун гўзал энагалар ёлламасин, улар болага онасидай бўлмас, у онасиз, отасиз, ака-ука, опа-сингилларсиз улғаярди. Бувиси ҳам, энагаси ҳам катта ғамхўрлик қилсалар-да, уни силаб-сийпалашмас, онаси каби чиройли кўшиқлар айтиб беришмас эди. У ана шундай она меҳрига зор эди. Бироқ бувисининг катта кутубхонасида китоб ўқишни яхши кўрарди.

У 13 ёшида рус адабиётини ипидан-иғнасиғача чуқур ўрганган, чет эл адабиёти билан ҳам яхши таниш эди. Ўзи Кавказда кўп яшагани учунми, Пушкиннинг «Боғчасарой фонтани»ни яхши кўрар, ўз дафтарига кўчириб ёзган эди.

1827 йилда бувиси Лермонтовни чинакам маълумотли қилишни ўйлай бошлади ва Москвага кўчиб ўтиб, невараси учун ўқув юртини танлашга киришди... Москва университети қошидаги илм ва санъатларни ўргатадиган аслзодалар пансионини танлади. 1828 йилнинг сентябридан Лермонтов пансионда ўқий бошлади. Бу ерда у ўз шеърий машклари учун керакли муҳитга, шароитга эга бўлди ва «Черкаслар» (1828), «Кавказ асири» (1829) каби дostonларини ёзди. Аммо пансионни битириш насиб қилмади.

Бир куни подшоҳ Николай I огоҳлантирмай пансионга келади ва тўполон кўтариб гаплашаётган болаларнинг устидан чиқиб аччиқланади. Декабристлар қўзғолонидан кейин суронли йиғинлардан юрак олдириб қўйган подшоҳ 1830 йил 16 апрелда пансионни ёпиш тўғрисида фармон чиқаради. Елизавета Алексеевна ёзда ўз неварасини олиб, акаси Александрнинг Средниководаги уйида яшай бошлади. Лермонтов шу йилиёқ Москва университети-га кириш учун ҳужжат топширди. Имтиҳонлардан муваффақият билан ўтди. Шу йилларда у муҳаббат ҳақида лирик шеърлар, дostonлар ва «Одамлар ва эхтирослар» драмасини ёзди. Буларнинг ҳаммаси унинг юрагида севги шамоллари эса бошлаганини кўрсатарди.

Екатерина Сушкова



Рус хотиранависи Екатерина Александровна Сушкова 1812 йилда туғилган бўлиб, уч ёшигача буvasининг уйида тарбияланган эди, чунки отаси Александр Васильевич Сушков билан онаси Александра Павловна Долгорукованинг oilавий ҳаёти ҳаёт бўлмади: Сушков киморбоз ва бевошроқ табиатли киши бўлиб чиқди. Ниҳоят, 1820 йили улар ажрашган, онасининг юраги касал бўлгани учун Сушков икки қизини опасининг тарбиясига топширганди. Екатерина бой аммаси Беклешованинг уйида яшади. 1829 йилдан бошлаб аммаси уни оқсуяклар оламига чиқара бошлади, аммасининг фикрича у ўзига муносиб жуфт танлаши керак эди.

1830 йилнинг баҳорида Сушкова ўртоғи Александра Верешчагинанинг уйида ilk бор Лермонтовни учратганди. Сушкова бу учрашуви ҳақида: «Сашенкаларда (Верешчагиналарникида) ўн олти ёки ўн етти ёшлардаги оёқларини қийшиқ босадиган, қизарган кўзлари ақлли ва маъноли,

бурни канқайганрок, заҳарли истехзо билан жилмайган бир болани учратдим», — деб ёзади. Лермонтов бу пайтда хали 16 ёшда, кўринишидан болалик кетмаганди.

Замондошларининг хотирлашича, Сушкова ундан икки ёш катта, яъни 18 да эди, «ноз-карашмали», «хушбичим қадди-қомати, жонли ва чиройли юзи, қора кўзлари, чин маънода товониғача тушадиган сақичдай қора, мухташам зулфлари, жўшқин ва ҳозиржавоблиги, ақлининг ўткирлиги кўп йигитларни ақлдан оздирар эди». Лекин у оқсуякларга хос беписандлик, димоғдорлик, кибр-ҳаво касалига йўлиққанди. Лермонтов эса унга болаларча ошиқ бўлиб қолганди, унинг альбомига шундай шеър ҳам битди:

Альбомга

1

Йўк! Йўк! — маъюс кўнглим алаҳлаган он
Эътибор бергин, деб талаб қилмайман.
Хошишни жуда кўп йиллардан буён
Ошкор қилмасликни одат қилганман.
Қисқа ва исёнли ҳаётимизнинг
Зиклик билан тўла бу йилларида
Зора, қолса дея қандайдир бир из,
Хом шеърлар битаман битта-яримта.

2

Эҳтимол, кўзларинг кунлардан бир кун
Бехос тушиб қолса бу варақларга,
Ўқиб, бирозгина бўларсан маҳзун,
Гаплари рост экан дерсан у палла.
Катта йўл ҳетида бир йўлчи зимдан
Кузатгани каби қабр тошини,
Эҳтимол, кўзларинг мунгли шеъримдан
Узоқ узилолмай тўкар ёшини.

Баллар, йиғилиш ва зиёфатлар ораси чўзилиб, уни кўрмай қолганда, қалбида соғинч уйғонганини ҳис қилди ва «Сушковага» деган шеър ёзди:

Шу пайтгача юриб сенинг ёнингда,
Сезмагандим ҳеч вақт қўксимда олов.
Гўзал кўзларингни қўрган онимда
Уриб кетмас эди юрагим дарров.

Ҳижроннинг овози келди-ю элас,
Титратди калбимни — нима ҳам дердим?
Йўқ, йўқ, бу — изтироб элчиси эмас,
Севмайман — яшириб нима ҳам қилдим!

Ва лекин бир кунми ёки бир соат
Сенинг ён-верингда бўлгим келади,
Кўзларинг чўғидан олиб зўр қудрат,
Жонимнинг ваҳмини тийгим келади.

Сушкова Лермонтовни ҳам, унинг шеърини ҳам кадр-
ламади, бу ҳам етмагандай, уни бола билиб, устидан ку-
ларди. Лермонтовнинг йиғлаб айтган изҳорлари, севгиси-
ни рад этарди. Бир куни ёшлар биргаликда Троица-Сер-
гиево черковига боришганди. У ердан чиқаверишда эшик
олдида бир гадой тиланиб турган экан. Ҳаммалари майда
пуллардан садақа қилишди. Гадой уларни дуо қилди ва:
«Худо бахтингизни берсин, сахий жаноблар. Мана, ҳозир-
гина бошқа жаноблар, улар ҳам сизларга ўхшаган ёшлар
эди, у шумтакалар мени масхара қилишди. Идишимга
тўлатиб тош ташлаб кетишди. Майли, худо кечирсин
уларни», — деб қўйди.

Сушкова кейинчалик ўз хотираларида «Озгина вақт ўт-
гач, компания меҳмонсаройга қайтди... Ҳамма тушликни
кутиб дастурхон теграсида ўралашар, Лермонтов эса бир
курси ёнига чўккалаб қалам билан қулранг қоғоз парча-
сига тез-тез алланималарни ёзарди. Ёзиб бўлган захоти
сакраб турди, бошини бир силкиб олди-да, қаршимда
бўш қолган бир курсига ўтириб, ҳозир қаламдан чиққан
шеърини менга узатди», — деб ёзади.

Гадой

Черков эшигида садақа сўраб,
Бир гадой турарди ранглари кесак,
Очлик, ташналикдан чекиб изтироб,
Ўлай-ўлай деган, ориқ, қоқсуяк.

У факат бир бурда нон сўрар эди,
Дарди билинарди қарашларидан.
Шўрликнинг узатган қўлига кимдир
Бир тош қўйиб кетди, ўтиб ёнидан.

Аччиқ қўзёш билан, дард билан у пайт
Шундай тилагандим севгингни сенинг,
Сен эса билмадинг бепарво, лоқайд,
Энг яхши ҳисларим, севгимни менинг.

Екатерина бу шеърдан кейин ёш шоирга эътибор
бермаса бўлмаслигини ҳис қилди, шекилли, у билан
бу сафар яхши муомала қилди. Эртасига шоирнинг яна
бир шеъри туғилди:

Раҳматлар айтаман

Раҳматлар айтаман, сен кечаги кун
Тингладинг дардимни, шеъримни қулмай,
Майли, хирсларимни англамай, билмай,
Ёлғондан эътибор берганинг учун
Раҳматлар айтаман!
Сен асир қилгансан мени бир замон,
Бу ўтқир сўзларинг, бу ажиб назар
Қалбимда қолажак ўлгунга қадар.
Аммо истамайман, дема ҳеч қачон:
Раҳматлар айтаман!
Сенга ошиқларнинг маъёс галаси,
Истамам, ортмасин гулзор саҳнида,
Заҳарли, аёвсиз сўзлар ўрнида
Янграмасин дейман қалбнинг жумласи:
Раҳматлар айтаман!
Майли, совуқ боқсин менга назаринг,
Ўлсин умидларим ва орзуларим,

Юракда тикланган бор туйғуларим
Учун шудир сенга айтар сўзларим:
Раҳматлар айтаман!

Шоирнинг юраги андармон эди — гоҳ киздан умид узгандай бўлар, умидсизланар, энди ҳеч қачон ҳеч кимни севмасликка аҳд қилар, айти чоғда яна унга ўз таъналарини тўкиб солар эди.

Станслар

Порлоқ кунларимнинг ўйлари кўпдан
Тақдир юлдузимга қўшилиб сўнди.
Аммо кўр, кўзларим қандай хотиржам,
Аммо кўр, юрагим бариға кўнди.
Олдингда неча бор ярқираганди
Кўзларимдан оккан мўлди-мўлди ёш.
Тақдир мендан қулган у чоғлар энди
Такрорланмас асло, қўтарганча бош.

II

Сен кулардинг мендан ҳар қачон,
Мен нафрат-ла жавоб берардим.
Бўш қолган қалбимни ўшандан буён
Ҳеч нимага алмаштирмадим.
Энди ҳеч не бизни яқин қилолмас,
Энди менга ҳеч не бермас ҳаловат.
Гарчи юрагимда шивирлар бир сас:
Энди севолмайман бошқасин ҳеч вақт...

III

Қурбон бердим ўзга хирсларга,
Энг биринчи орзулар агар
Хизмат қилолмаса бизларга,
Не билан айрибош бўлади улар?
Бу ўлкада, балки кўкда-да
Бутун орзу-умидларимни
Айлантирсанг агарда қулга,
Қандай тинчитасан умримни?

Гоҳида севгиси қалбида абадий қоладигандай туюларди. Бир куни Байронни ўқиб ўтираркан, бир шеъри худди унинг кайфиятини ифодалагандай кўринди ва унга тақлидан шундай бир шеър ёзди:

...га

(Байронга тақлид)

1

Мен пойига чўксам кимларнинг,
Жонланарди кўзларинг нури,
Кимни севсам, ўтган кунларнинг
Ишқ азоби эсимда турди.
Фақат ёдинг, ҳукмдор иблис
Кўзгайверар эски гап-сўзни,
Мен айтаман бир сўзни илкис:
Севаман, севаман бир қизни!

2

Сен-ку бу кун бировникисан,
Кўнглинг мени этди бадарға.
Сураб мени ўз тупроғимдан
Орзуларим олис ёқларга,
Кема суриб кетди-ку мени
Ўзга юртга, учириб ғизза,
Такрорлайди денгиз тўлкини:
Севаман, севаман бир қизни!

3

Оксуяклар аҳли билмагай
Мени қандай зўр севганингни,
Сени эслаб йилларча талай
Зориққаним, кийналганимни.
Қайга борсам, излайман сарсон
Ўтиб кетган сокин у кезни,
Менга юрак шивирлар ҳамон:
Севаман, севаман бир қизни!

1830 йилнинг ёзида Столипинларнинг Середниководаги чорбоғида Лермонтов билан Верешчагиналар меҳмон бўлган пайтларда қўшни Болшаково қишлоғидан Сушковалар ҳам тез-тез келиб туришди. Шу ойлarda Лермонтовнинг муҳаббати энг юксак даражага, энг юксак палласига кирди.

У Сушковага ўз туйғуларининг самимийлиги ҳақида шундай байтлар битди:

Сен умидни туш дея ата,
Ёлғонни ҳақ деявер ҳар он,
Ишонма ҳеч мақтовга, онтга,
Лекин менинг севгимга ишон!

Ишонмаслик бу ишққа душвор:
Алдаёлмас юзимда нигоҳ...
Сен ортиқсан малакдан ҳам, ёр,
Сени алдаш мен учун гуноҳ.

Аммо Сушкова унга қўп ҳам ишонмас ва уни севмас эди. Куз ойларида у Лермонтовга узил-кесил рад жавобини берди. Лермонтов бу пайтларда университетдаги домлаларининг маърузаларидан қоникмай, бу ердан кетишни ўйлаб юрарди. Сушкованинг жавоби яна бир тўртки бўлди ва университетни ташлади. Ўша кезларда «Юлдуз» шеърини ёзганди:

Тепамда ёлғиз
Ёнади юлдуз.
Оч нигоҳимни
Чорлайди ҳаргиз.
Чакирар қулиб
Орзуларимни,
Сўнг имо қилиб
Ўзимни, мени!
Ёр шундай айнан
Боқар эди жим.
Тақдиримга тан
Бермайин севдим.
Азобларимни

Сезмасди у киз.
Ул юлдуз каби
Турарди олис.
Хоргин кўзимни
Тикардим унга.
Кийнаб ўзимни
Карардим унга.

1830

Лермонтов 1832 йилнинг январида Петербургдаги гвардиячи подпрапоршик ва отлик юнкерлар мактабига кетди. Шундай қилиб, Лермонтовдан Сушковага аталган 11 та шеър адабий мерос бўлиб қолди.

Кейинги йўллари

Лермонтов 1834 йилнинг охирида ҳарбий мактабни битказиб, лейб-гвардия гусар полкига лорнет этиб тайинланди. Бир неча кундан сўнг 1835 йил баҳорида у офицерлар формасида ясаниб, зодагонлар даврасида пайдо бўлди. Бу пайтда Сушкова Алексей Лопуховга турмушга чиқишга ҳозирланаётган эди. Буни эшитган Лермонтов бундан беш йил олдин бу танноз деб тўккан кўзёшлари учун қасос олишга аҳд қилди ва бутун киборлар орасида уни ҳамон ўша-ўша севгандай кўрсатиб, Сушкова ўзини севиб қолишига эришди, лекин охирида уни ташлаб кетди. «У ўзининг нозлари билан бир ўсмир юрагини изтироб чекишга мажбур қилганди, мен фақат бу таннознинг иззат-нафсини сал қийнадим, холос», — деб ёзганди Лермонтов бир қариндошига. Сушкова эса: «Мен унинг қўл сиқишлари, майин сўзлари, эҳтиросли нигоҳларига бардош беролмай, маст, аклимни йўқотган эдим... менинг бечора бошим бундан эсанкирамай қола оларми?» — деб ёзади ўз хотираларида. Бу машмашалар кейинроқ Лермонтовнинг битмай қолган «Княгиня Лиговская» номли қиссасида акс эттирилганди.

1837 йилда Пушкиннинг ҳалокати юз бериб, Лермонтов «Шоирнинг ўлими» шеърини ёзди ва Николай подшоҳнинг қаҳрига учраб, Кавказга сургун қилинди. У ерда

Ўзининг оламшумул шеърлари, энг муҳим насрий асарлари — «Замонамиз қаҳрамони» романи, «Ошиқ Ғариб», «Кавказлик» қиссаларини яратди.

Сушкова эса 1838 йилда Ўзининг эски мухлиси, Тифлисдаги дипломатик канцеляриянинг директори А. В. Хвостовга турмушга чиқди. Эри 1861 йилда вафот этди. Сушкова икки кизи билан бева қолди ва 1868 йилда Петербургда вафот этди.

Михаил Юрьевич Лермонтов 1841 йилда Мартинов деган бир офицер билан дуэлга чиқиб ҳалок бўлди.

Мен мактабда ўқувчилик йилларимдан бери Лермонтов ҳаёти билан қизиқиб келганман. Унинг ижодини яхши кўрадим. «Шоирнинг ўлими» шеъри ҳар гал ҳаяжонга солган, ҳозир ҳам бу шеърни ўқисам, кўзларим намланади. Ўзим ҳам М. Ю. Лермонтов хотирасига бағишлаб «Шоирнинг ўлими» деган шеър ёзгандим. Ана шу шеър ила сўзимга якун ясамоқчиман.

Сочини устарада олдириб,
черкасча қалпоқ кийиб юрарди Николай Мартинов,
тўни зарбоф,
ханжарининг нақши қорақумуш.
Лермонтов билан бирга ўқиганди юнкерлик мактабида,
шеърлар ҳам ёзарди.
Улар қиличбозликда тенг келардилар,
шеърда ҳеч қачон.
Бири қизиқмас эди унвонларга, нишонларга,
бири ўшаларни олиш учун ўлиб-тириларди.
Бирини севардилар оддий гусар¹ бўлса ҳам,
биридан кулардилар, миролой² унвонига қарамай.
Бир куни зиёфатга келди Николай Мартинов,
ялтироқ бошида черкасча қалпоқ,
эгнида зарбоф тўн,
белида қорақумуш нақшли солланган ханжар.

¹ Гусар — отлик офицер. даражаси лейтенантга яқин.

² Миролой — мир, яъни амир ҳамда олой, яъни полк сўзларидаш таркиб топган бу сўз русчадаги полковник маъносидадир.

— Катта ханжарли тоғлик! — деди гусар.
Миролой дуэлга чакириб, ўлдирди уни,
уч сўз учун ўлдирди.
Ва мен ҳеч тушунмайман:
нега ўлдирди уни, нега?
Сўз учун ҳам ўлдирарми одамни одам?!
Нима десин шоир, унинг фикрича, нима десин?
Гапирмасинми, индамасинми?
Кўрганини айтмай туролмас шоир,
кўрганини айтмай яшолмас шоир.
Нима десин шоир кўриб турса ахир,
кўриб турса ахир?!

КОНСТАНТИН СИМОНОВ билан ВАЛЕНТИНА СЕРОВА

Атокли рус ёзувчиси Константин Михайлович Симон-новни ўзбек китобхонлари яхши танийдилар ва биладилар. Унинг бир қанча шеърлари, роман ва қиссалари ўтган асрнинг 40–60-йилларида она тилимизга ўгирилган ва севиб ўқилган. Айникса, Ҳамид Олимжон таржима қилган «Жди меня, и я вернусь» («Мени кутгил ва мен қайтарман») шеъри ўзбек шеъриятининг сеvimли мулкига айланган. 40-йилларда уни ёд билмаганлар оз, ҳатто баъзи бировлар қўшиқ қилиб айтар эди.

Мени кутгил ва мен қайтарман,
Фақат кутгил жуда интизор.
Кутгил ёмғир зериктирганда,
Мени кутгил ёққанида қор.

Мен ўзим эса фақат бу шеърни эмас, шоирнинг Борис Горбатов ўлимига бағишланган «Умер друг у меня – вот какая беда» марсиясини ва уруш йилларини хотирлаб ёзган «Ты помнишь, Алёша, дорогу смоленщины» шеърини ҳам яхши кўрадим. «С тобой и без тебя» номли туркумини қайта-қайта ўқиб тўймасдим.

Кўпчилик уни жуда омадли ёзувчи дерди. Айтишларича, Сталиннинг меҳрини қозонган ва олти марта Сталин мукофотига сазовор бўлган эди. Хрущёв замонида бироз меҳрсизлик-қадрсизликка учради ва «халқ ҳаётини ўрганиш учун» Ўзбекистонга жўнатилди. Бу ерда Ҳамид Ғулом

билан дўстлашиб, Мирзачўлни бирга кезиб чиқишди. Чўл хаёти ҳақида бир қанча очерклар ёзиб, «Правда», «Ўзбекистон маданияти» сингари газеталарда эълон қилишди.

Константин Симонов

Симонов 1915 йилда туғилган, бизнинг Зулфия опа билан тенгдош эди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ҳамма йигинларида қатнашар, биз филология факультетининг талабалари унинг камтар ва салмоқли нутқларини эшитиб завқланардик. Унга эҳтиромимиз юксак эди. Хрущёв ишдан кетганидан кейин, Симоновнинг Москвадаги обрўси аввалгидан ҳам юқорироққа кўтарилди. 1974 йилда давлат мукофоти олганидан ташқари, Меҳнат Қаҳрамони ҳам бўлди.



Симонов ишчи ёшлар билим юртини тугатиб, 1935 йилгача токарё бўлиб ишлаганди. 1938 йилда М. Горький номидаги Адабиёт институтини битирганди. Энг олдин унинг «Окденгизлик» достонидан бир парча «Кучлар кўриги» («Смотр сил») деган ёш шоирлар тўпламида босилган. Институтни тамомлаганидан кейин Островский ҳақида «Ғолиб» (1937) номли достони, кейин 1938 йилда «Павел Чёрный», «Муз жанги» достонлари, «Суворов» (1939) достони босилиб чиқди. 1938 йилда «Чин инсонлар» шеърӣй тўплами, 1939 йилда «Йўл шеърлари» чоп этилди. Бу китобларида шоирнинг қаҳрамонона воқеаларга, кучли ва довюрак сажияли сиймоларга қизиқиши акс этган. Унинг барча адабий қаҳрамонлари ҳаёт синовларидан енгилмай ўтадилар.

Симоновлар оиласи марказдан узоқроқда, Волгабўйининг чекка бир қишлоғида яшарди. Хонадоннинг учинчи

Ўғли Константин 15 ёшида 16 яшар қўшни қизга ошиқ бўлиб қолди. Ховлилари ўртасида фақат икки нотекис ёғоч тўсиқ бор, истаган киши бир пистирмадан қўшнилари-нинг хатти-ҳаракатларини кузатиб ўтириши мумкин эди. Кизнинг отаси иссиққа «Жин ур-гур-э!», — деб қўйганча, майдондаги жўякларни ўтоқ қилар, онаси дорга кир ёяр, кизнинг ўзи эса дафтарга бурнини тираб, икки ўрим сочининг думи билан пашша ҳайдаб ётарди. Онаси унга «Уялмайсанми, Мария, энди келинлик ёшидасан, бу ёкка кел», — деб чақирар, у эса сақраб туриб, велосипедга минганча физиллаб кўчага йўл оларди. Чит қўйлақда, ялангоёқ... Қишда эса томга чиқиб қор қуларди, Константин тўсиқлар этагига уюлган қорга чиқиб, бемалол уни томоша қилар, жилмаярди. Баҳорда улар Волга ортидаги қариндошлариникига жўнаб кетишди. Костянинг юраги ҳувиллаб қолди. Аксиға олиб баҳор серёмғир бўлди ва жуда узоқ чўзилди. У ялқовланиб узун бир таёқ билан каптарларни ҳайдаб ўтирар ва ойлар, ҳафталарча «р»ни айтолмайдиган чучук тилли Машани қутарди. Ниҳоят, у келди, жуда бошқача бўлиб кетибди: чит қўйлақда, ялангоёқ юришлар йўқ. Худди унинг ўрнига опаси келиб қолганга ўхшарди. Канот чиқарган ойимқиз учун қўшни боланинг кизиги йўқ. Якшанба кунлари сочларини тараб, қизчаларнинг чарм шиппаги ўрнига қора пайпок ва онасиникига ўхшаган баланд пошнали туфлилар кияди. Икки ўрим сочи орқасида селкиллайди, оғзида бир неча тўғнағич, ойнага қарагани-қараган. Кизчаликдаги ғажакларини зарда билан ўримларининг остига тикади. Шунисиға шукурки, у ҳали шаҳарлик йигитлар билан юрмайди, агар юрса борми, Костя рашкдан ўлиб қолармиди? Бир ёш катта бўлса бўлар, буни хаёлға ҳам келтирмаслик керак. Аммо бир кун улар жойларини ўзгартиришга қарор қилиб, қўч-қўронни аравага орта бошладилар. Хуллас, кўчиб кетишди. Костя орқаларидан кетмади. Аммо кечгача энг бахтсиз одамга ўхшаб ётди. Отаси келганида қўшнилари кетган томонга кетишини айтди. «Борма, борадиган бўлсанг, қайтиб кел-

ма», — деди отаси. Онаси бағрига босиб, сочларини силаб, қўзёшларини артиб: «Ўғлим, сенинг ёшингда ҳаммам севади, майли, Мариянинг орқасидан бора қол... Лекин эсингда бўлсин: сен эндигина 16 га қиряпсан, Мария сендан бир ёш катта ва ақллирок. Севишганлар, албатта, оила қуришлари керак. Лекин бунинг учун уй-жойлари бўлиши керак. Йигит кишининг оила боқишга етарли иш жойи, маоши бўлмаса, қандай уйланади? Сен эндигина ФЗОда ўқияпсан... Майли бор, сени худога топширдим», — деди ва унга йўлликка, вақтинча яшашга пул берди. Костя онасининг хамирдан қатирмочли қўлини ўпиб, қоронғи тушганида озиқ-овқат, кийим-кечакларини бир тугунга туғиб йўлга чикди. Волгабўйига бориб тунади ва эрта билан қайикда бир солга етиб олди. Қиздан олиб қолган манзил яқинидан бир уй топди, қиз билан учрашишга келишди. У келишга келди-ю, Костяга ачиниб чиқиб кетди ва бошқа келмади. Канча чақирмасин, келмади. Костя ўқишини битказиб, заводга ишга кирди, токаръ эди, икки йил ишлагандан кейин бир хонали уй олишга муваффақ бўлди. Ана энди унинг суянганини қўрсангиз... Хонани обдан тозалаб, супуриб, уч оёкли столга чойнак, това, гул қўйди. Ўсмирлик шеърлари ёзилган дафтарини ёстиғи тагига яширди. Велосипед ва чанғиларни деразага такади. Ўртада юриш учун уч қадамгина «дунё» бор эди... Ана энди Марияни тантана билан уйига чақирди. У келди. Костянинг «ўлгунча севаман» деган гапларини эшитди. У ҳам «бечора» дедими, «жоним» дедими, қандайдир аҳамиятсизлик билан бир-икки сўз айтди. Сўнг яна келмай қўйди. Костя чақиритишдан чарчамасди. Ниҳоят, бир-икки йил ичида ҳар доим келадиган бўлди. Бир-бирларига ўрганиб қолдилар. Аммо Константин бу ҳаётдан қониқмас эди. У Мария ўзини севмаслигини, фақат раҳм-шафкат юзасидангина келадиганини ҳис қиларди. Ўзи уни қаттиқ севгани учун индамасди. Ич-ичида катта шоир бўлишни орзу қилар, аммо шеърлари ҳали хомлигини, бу соҳада яна ўқиши кераклигини англади. У пайтларда

ишчи ёшлардан ижодкор етиштиришга катта аҳамият бериларди. У таваккал қилиб, барча ёзган шеърларини бир дафтарга тўплаб, Горький номидаги Адабиёт институтига юборди. Уни ўқишга таклиф қилдилар. У Марияни уйда қолдириб, ўзи Москвага кетди... Онаси жўжа гўшти, булочка, тухумлар олиб, кўргани келиб турарди. Ўғлини олиб кетгиси келар, аммо унинг уйида Мария турарди... Константин Москвадан кела қолай демасди. Ўша ерда яшайверди.

Москва наздида жуда катта шаҳар эди,
Трамвайли, тикилинч, сал-пал ваҳимали,
Унда бор Кремл, Сухарев минори
Ва икки театр — Большой ва Малый.
...Бошинг оғриб йўқсул бир хиёбонда
Агар сен ўтирсанг йиғлаб ва лоҳас,
Хеч ким келиб сени юпатмас асло,
Москва кўзёшларга ҳамон ишонмас.
Қандай омадсизлик сели босса ҳам,
Эсинг оғдирса ҳам офатлар бироз,
Тоғингни бўғса-да, йиғлама асло,
Майсага ўтириб янгитдан шеър ёз.

Жунжикиб қоронғи йўлакка чиққанда эшикнинг ёнида ўтирган қоровул кампир: «Сизга телеграмма», — деб ўрнидан туради. «Уйга қайт — ортиқ чидолмайман», — деб ёзибди Мария. Чидолмайман — ёлғон бу гапи. «Чидолмайман» деган. Демак, кечалари юриб чиқади, йиғламоқчи бўлади — йиғлолмайди. Ёстикқа бошини ургандай оғзини ёстикқа босади. Нима, уйга қайтайми, аммо у ёқларда йилларча китоб ўқимай яшашга, ҳамма нарсадан воз кечиб, ҳамма нарсани унутиб, Марияга ёқиш учун бола бўлиб яшашга арзийдими у? Бир марта уйга борганида хонадаги ўзгаришларни, уйлари илгаригидай эмас, бошқачароқ бўлиб қолганини эслади. Абажур, кровать тепасида гилам, гул тикилган каштали сурп кўйлак... Унинг кўнглидаги, унинг хаёлидаги Марияга ўхшамасди. Телеграммани қайта-қайта ўқиғач, уйга бориб ке-

лишга қарор қилди. Аммо уйда Мария уни совуқ қарши олди. Овозлар, қўллар, баданлар отилиши керакмасмиди? «Кутганмидинг?», «Кутгандим», «Қайтиб кел деб чақирдингми?», «Ҳа», «Мен билан бирга бўлишни истаганмидинг?», «Ҳа, истагандим», «Жоним» деб бағримга тикилса бўлмаймиди? У Марияни кучоклаб, бағрига олиб иситди, қорда кўзёшлардан нам бўлган киприкларини артиб қўйди. Аммо негадир бутун ҳаракатлари беўхшов кўринарди. Кейин яна Москвага қайтди. Уйга ҳеч хат ёзмади. Мариядан ҳам келмади. Институтни битирганидан кейин юртига борди. Уйи бутунлай ўзгариб кетганди. Деворлари, томлари, деразалари, бўёқлари... «Сиз бу ерда бўлганмидингиз?» — сўради бу ерларда юрган бир киши. «Ҳа, бўлганман». «Анча бўлдимиз?», «Етти йил олдин». Онасини кўролмасди. Онаси Мария бир ёқларга кетганда беш кун қаровсиз ётиб вафот этибди. У юборган телеграмма кеч келганди. Кабристонга бориб мозорини зиёрат қилди. Йиғлади, тўлиб-тўлиб йиғлади. Унинг йиғлаб ўтирганини кўрган болалар бўлтак милиционерига «Анов ерда бир киши йиғлаб ўтирибди», — дея хабар бердилар. У келиб ҳол сўради. Сўнг қайтиб келиб қўшниларга англатди: онасининг ўлимига етиб келолмабди, шунинг учун йиғлаётган экан. Константин Мария билан айланган, хотирасида қолган жойларни бир-бир кўздан кечириб, сўнгра уйга бир кириб ўтишга қарор қилди. Тўрт яшар бир бола юрарди. Уни кўтариб «Ойинг қани?» — деб сўради. Бир томонни кўрсатиб: «Ҳозир келадилар» деди болакай. Уйга кириб кузатди: онасидан қолган нарсалар йўқ эди: сандиқ, антиқа кийимлари, тақинчоқлари... «Мана, мен келдим», — деб кириб келди. Ҳа, унинг ўзи эди. «Вой, худойим, сочинг оқариб кетибди-ку... Ҳалиям... деди, уйланмадингми демокчи эди... — Хат ҳам ёзмадинг». «Сен хат кутганмидинг?», «Йўқ, кутмагандим, ҳарқалай...» У қаримаган, қандай бўлса шундай эди. Ўғлини қўлига олиб, бу сеники бўлиши мумкин эди, демокчи бўлди. Константин

кетишга шошилди. «Бирпас ўтирсанг, эрим билан танишардинг». «Йўқ». «Рашк қиласанми?» — деди. «Худога шукур, рашк қилмайман». «Менга хат ёзасанми?», «Йўқ, ёзиб ўтирмайман». «Яна келасанми?», «Орадан етти йил ўтгач, яна бир келарман». Кетди. Бирдан-бир нарсга халлига келди: бутун шу йиллар бўйи саёхатлар, алдамлар давомида у ким билан бирга яшовди, кимнинг суратини йўл жомадонларининг тубида олиб юрганди? У вокзалга бориб энди юриб кета бошлаган поездга чикди. Кондуктор: «Сиз қаерга борасиз?» — деб сўради. «Шу ёкка... охирги бекатга... кейин яна қайтаётган поездга...» Кондуктор перронда қўл узатиб турган кизни кўрсатди. «А, у хотинми? Ундан бошқа ташвишим йўқми», — деди. «Сиз уни танийсизми?» «Ха, эсимда... таниш... Качонлардир биз у билан учрашган эдик».

Булар ҳаммаси Константин Симоновнинг биринчи мухаббати эди. Буни у «Биринчи мухаббат» отли достонида ёзиб қолдирган.

Валентина Серова



Хужжатларда ёзилишича, Валентина Серова 1917 йилда туғилган. Лекин кизи Мариянинг гувоҳлик беришича, Ишчи ёшлар театри қошидаги Театр билим юрти имтиҳонларига кириш учун ўзига икки ёш қўшиб олган экан. Онаси Клавдия Политковская актриса эди. Валентина 8 ёшга кирганида онаси уни Ромен Ролланнинг бир пьесасида бош қахрамон аёлнинг ўғли Давид ролида ўйнасин учун Сретенкадаги Малий театр сахнасига олиб борди. Шундан кейин жажжи Валя «театр касали»га йўлиқди. 14 ёшида мактабни ташлаб, Театр санъати марказий техникумига кирди. Аммо бу

ерда ҳам бор-йўғи бир йилгина ўқиди. У Ишчи ёшлар театрига кирди, бу ерда 17 йил ишлади. 1934 йилда режиссёр Абрам Роом таклифи билан «Жиддий ўспирин» фильмида кувноқ қиз ролини ўйнади. Фильм жуда қисқа муддатда суратга олинди, аммо у экранларга чиқмади. Валентинанинг роли «мазмунсиз ва зарарли» деб топилди.

1938 йилда Испаниядаги фуқаролар урушининг қаҳрамони Анатолий Серов деган синовчи-учувчига эрга тегди. Анатолий 1939 йилнинг май ойида синов парвозида ҳалок бўлди. Август ойида Валя бир ўғил қўрди ва Анатолий деб унга отасининг исмини қўйди. Шу йили Валентина Серова «Зўр атворли қиз» фильмида бош қаҳрамон ролини ижро этди-ю, юлдузга айланди. Бу фильм қўйилган кинозаллар, Валентина Серова қатнашган спектаклларга билет олиш қийин бўлиб кетди. 1941 йилда суратга олинган «Тўрт юрак» картинаси ҳам шундай зафар кучади деб тахмин қилинган эди, аммо буниси «паст савияли ва мафкуравий куруқ» дея тақиқланди. Серова билан Симонов 1940 йилда Ишчи ёшлар театрида Горькийнинг «Зиковлар» пьесаси қўйилганида танишдилар. 25 яшар Симоновга Павла ролида ўйнаган Серова шу қадар ёқдики, у бир неча ҳафта давомида бир даста гул билан биринчи қаторга келиб ўтирарди. Ёшлар тинмай учраша бошладилар. Никоҳ рўйхатидан ўтишга андиша қилиб турардилар. Чунки бу икковлари учун ҳам иккинчи никоҳ бўларди. Шундоқ эркин дийдорлашиб юравердилар. Валентина бир неча йил ёш шоир ва носир учун илҳом париси бўлди.

Қўпишни эпловмаган Серова

Уруш бошланиши билан Симонов «Красная Звезда» газетасининг муҳбири сифатида бутун жабҳалар бўйлаб кезар эди. Урушнинг дастлабки йилларида унинг уч шеърӣ тўплами («Лирический дневник», «С тобой

и без тебя», «Фронтовые стихи» — 1942) босилиб чикди, ҳаммаси севги лирикасидан иборат эди. Уларда, асосан, серҳаяжон тўлкин — шоирнинг саховатли, эҳтиросли, тараф торган ички дунёси яққол сезилиб, кўзга ташланиб турарди. «Сен ила ва сенсиз» туркумига кирган «Мени кутгил ва мен қайтарман» каби гўзал шеърларида ижтимоий, юртсеварлик ва шахсий туйғулар бир-бирига пайванд бўлиб, уйғунлашиб кетган эди. Симоновнинг севги шеърларидаги юксак иқрорий оҳанг ҳарбий давр билан муаллифнинг ишонч ила ўртага қўяётган шахсий интонациялари ўртасидаги драматик контраст ўқувчиларни лолу хайрон қолдирар эди. 1943 йилда мамлакат экранларида «Мени кутгил ва мен қайтарман» фильми намойиш этила бошланди. Унинг сценарийси Константин Симоновники эди. Эрини кутаётган вафодор хотин ролини Валентина Серова ўйнаганди. Лекин ҳаётда Серова садоқатли бўлолмаганди. 1942 йил баҳорида у бир концерт галаси билан Москвада Тимирязев қишлоқ хўжалик академиясида жойлашган госпиталда иштирок этди. Шу ерда довланаётган машҳур қўмондон, бўлғуси маршал Константин Рокоссовский шарафига Серова унинг палатасида ҳам қўшиқ айтди. Қўмондон унга саволлар бериб, ўзи тўғрисида ҳам гапирди. Актриса эртасига Рокоссовский палатасига яна келди. Бу гал қўшиқ айтгани эмас, 46 ёшли навқирон, ақлли, келишган, қирчиллаган эркак билан дилдан суҳбат қургани келди. Ва улар телбаларча бир-бирларини севиб қолдилар. Валентина ўртадаги эҳтирос йўлида фақат эридан ва театрдан эмас, дунёдаги ҳамма нарсадан кечишга тайёр эди. Рокоссовский масалага хушёр назар билан қарарди: унинг никоҳида ўз хотини бор эди. Давлат бошлиқлари уни қўлламасликларини ҳам биларди. Чунки у номи чиқмаган бирон ҳамшира ё шифокор билан эмас, мамлакатнинг машҳур аёли билан учрашаётган эди. Уларнинг отамлашиб юрганлари бутун элга овоза бўлиб кетди. Айтишларича, Валентина бир актёр билан гаров боғлашиб соат роппа-роса бешда деразаси тагига машҳур

бир ҳарбий келиб, чаккасига қўлини қўйганча таманно қилажагини айтган экан, кейин чиндан ҳам шу воқеа юз берган ва гаров боғлашган актёр соат бешда маршал Рокоссовский дераза тагига келганини кўрган экан. Лекин Валентина маршал билан муносабатлари яхши тугамаслигини англаб, ниҳоят, 1943 йилда Симонов билан расмий никоҳдан ўтди. Аммо, барибир, у қўмондон билан учрашиб юрди. Кремлдаги бошликлар олдин уларнинг муносабатига бармоқ орасидан қараган бўлсалар ҳам, кейин уларни ажратмаса бўлмаслигини инобатга олиб, Рокоссовскийни армиянинг шимолий қисмларига, сўнг Польшага Ҳарбий министрликка тайинлаб жўнатиб юбордилар. Шундай қилиб, 1946 йилда улар ажрашдилар. Симонов хотини маршал билан учрашиб юрганларини билар ва эсини йиғиб олишини кутарди.

Биз икков номусли қабиладанмиз,
Дўст бўлсак дўст бўлиб яшаймиз фақат.
Севмоқ деган фёълнинг ўтган замонин
Ишлатишга бизда етишмас тоқат.
Сен, яхшиси, мени ўлган деб ўйла,
Эсла, атворимнинг яхши жойларин.
Кирк тўртинчи йилнинг кузин ўйлама,
Ўйла кирк иккиннинг январь ойларин.
Ўша пайтда билдим недир жасорат,
Ўсмир бола каби яшардим ҳалол.
Севгинг қозонмоққа килдим ҳаракат,
Лекин қозонолмай қолавердим лол.
Тасаввур қил кишнинг изғириқларин,
Кутб кечаларин қорли, бўронли...
Ўйла ярадорнинг жон оғриқларин,
Ўрнимдан туropolмай ётганим онни.
Мен ётган чоғимда ўйлаб ўлимни,
Сенга келган қора хабарни ўйла.
Сенинг юрагингда менинг ўрнимни
Ҳеч ким ололмаган чоғларни ўйла.
Тоғлар, водийларнинг ортида турар
Ва бошқа одамни севардинг у чок.
У олов, аланга ичида юрар,
Ўртамизда эди оловли фироқ.
Кел, энди келишиб олайлик икков —

Уша мен ўлганман. Худо кўтарсин!
Хозирги мен билан тўхтайлик бирров:
Янгитдан келишиб олайлик лекин.

1946

Улар келишиб олдилар ва тинч яшай бошладилар. Шу йили Серова «Глинка» фильмидаги ижроси учун давлат мукофоти билан тақдирланди, Халқ артисти унвонини ҳам олди. 1946 йилнинг ёзида Симонов иккови Парижга бордилар. Переделкинода катта уйлари, Москвадаги Горький кўчасида яшаш жойлари бор эди. Икки аёл хизматларига шай, тепаси очиладиган, кумушсимон «Виллис» машинасини Серова ўзи ҳайдар, эр-хотин катта-катта зиёфатларнинг тўрида бўлардилар. Аммо Валентинага сабр-қаноат ва садоқат туйғулари ёт эди, у кутиш нималигини билмас ва кутишни истамас ҳам эди. Яна «юриш»ларини давом эттирди. Шунда 27 ёшли Серовадан муҳаббат билан бирга, шон-шухрат ҳам юз ўгирди. Симонов уни илгаригидай севмай қўйди, айтишларича, бошқа аёллар билан айланишармиш. Валентина аламларини арақ билан босишга урина бошлади. Симонов унга шундай деб хат ёзган эди:

«Бизнинг турмушимиз оғир кечди, лекин, барибир, бу — инсон чидаса бўладиган ҳаёт эди. Кейин сен ичишга одатландинг. Бу йиллар ичида мен жуда қариб ва чарчаб кетдим. Умрим битганга ўхшайди».

Шундай қилиб, Серова ўз химоячисини, бош паноҳини қўлдан чиқарди. Энди уни режиссёрлар қўп ҳам ҳурмат қилмасдилар, фақат эски хизматларини сал-пал кўзда тутардилар: жуда қуруқ қўймай иккинчи-учинчи даражали ва ё ундан ҳам паст ролларни берардилар. У ўзи ишлаб турган театрдан аразлаб кетди, кетма-кет уч-тўрт марта сахна алмаштирди, аммо бу ҳам фойда бермади — ҳеч қандай аҳамияти бўлмаган ижроларни беришарди. Бора-бора бу ҳам тўхтади. 50 йилдан то 73 йилгача бор-йўғи бешта, у ҳам бўлса, бир кўриниб йўқ бўладиган ролларда қатнашди. Сўнг бундай садақа ижролар ҳам берилмай қўйди ва у чўнтагида бир чакаси ҳам йўқ камбағал аёлга айланди. У ҳаммаси бўлиб 11 та кинода ўйнади, холос.

Серова 1950 йилда бир қиз кўрганида, эрига «Мен бир Маргарита Алигер туғдим», — деб ёзган ва Симонов уни кўрганида: «Корачагина экан, ҳа, бу менинг қизим», — деган экан. Отини Мария қўйдилар. У биринчи синфга борганида ота-она ажрашишди. Симоновдан катта алимент олиш мақсадида қизини отасига бермади. Олдинги эридан туғилган ўғли Анатолий билан Машани ўзи катта қилди. Икковлари ҳам онасининг изидан бориб актёрликка ўқидилар. Аммо Анатолий 30 ёшида майхўрликка берилди. 1975 йилда вафот этди. Олти ойдан кейин Серованинг ўзи ҳам оламдан ўтди.

Онасининг ўлими ҳақида қизи Мария Симонова шундай деб ёзган эди:

«У бўм-бўш хонада бир ўзи ўлди. Товламачи ҳамшишалар уйдаги қўлга илинган нарса борки, ҳаммасини талон-тороқ қилиб бўлгандилар. Уни қўлма-қўл кўтариб Киноактёрлар театр-студиясига олиб бордилар. У билан видолашув шу ерда ўтказилди. Бу пайтда Симонов Кисловодскда дам олаётган эди, собиқ хотинини кўмиш маросимига келмади. Фақат бир даста гул юборди. Унинг онаси Клавдия Политковская дафн маросимида тобут тепасида озгина тургач, мозорга ҳам бормай, жўнаворди. Фақатгина актриса Л. Пашкова дафн маросими ҳақида аччиқ бир хотира ёзиб қолдирди: «Марҳумага қараб юрагим оғриқдан сиқилди. Театрмиз ва киномизнинг энг нафис актрисасидан қолгани бор-йўғи шуми? Томоғимга тош тиқилди. Бунга узоқ қараб туролмадим. Гулни қўйдим-у, театрдан чиқиб кетдим. Уч соатча Москва бўйлаб тентираб йиғлаб юрдим».

Симонов эса Серова билан ажрашганидан кейин жуда катта шуҳрат қозонган «Тириклар ва ўликлар» номли трилогияси, машхур «Тўртинчи» пьесасини ёзди, француз ёзувчилари Шарл Спаак ва Элза Триоле билан биргаликда «Нормандия-Неман» фильми сценарийсини ёзишда қатнашди. Катта доврुकли ишларда хизмат қилди. 1979 йил 28 августда вафот этганидан сўнг Москвада унинг 9 жилдлик асарлар тўплами босилиб чиқди.

Биз яшасак ҳамки
икки зум...

НИНОН ДЕ ЛАНКЛО билан МАРКИЗ СЕВИНЬЕ



Нинон де Ланкло (1615–1706) юқори табақалар доирасида донг таратган, ҳеч кимни «қўнгил овлаш» маъносида рад этмайдиган енгилтак, гўзал ва ақлли хотин, ошиқлари эса бениҳоя кўп эди. Бутун мамлакатга танилган Савинье хонимнинг ўғли маркиз Савинье ўз хотини бўла туриб, 56 ёшга кирган Нинонни севиб қолади. Ниноннинг гўзаллиги уни ва ундан кейин бошқа кўп одамларнинг эс-хушини олган эди. Ланкло бирмунча насихатгўйликка мойил, аммо чиндан ҳам катта ақл соҳибаси бўлганини кўрсатувчи хатлари билан бутун Францияда шуҳрат қозонган эди.

«Сиз, муҳтарам ва азиз дўст, ўз қалбингизга кучингиз етмаслигини: уни дуч келган одамга ҳадя қилиб бўлмаслиги, шунинг учун ҳам майл кишисини танлаш ихтиёрингиз хорижида эканлигини билдириб, ҳеч инкор этиб бўлмайдиган далил келтиргандай, менга танбеҳ бермоқчи бўласиз. Нақадар эски ашула! Бундай сийқаси чиққан гапларни доим ўз заифликларини оқлашга тайёр турадиган аёлларга қолдиринг; улар эътиборни шунга қаратишлари керак. Бу нарса Монтен тасвирлаган бир бойваччани эслатади: у бечора бевақт кучдан қолиб, оёқ-қўли зирқирай бошла-

ганда: «Аблаҳ, ҳаммасига чўчқа гўшти сабабчи!» — деб қичқиргиси келарди...

Демак, гап юракнинг майлида, юрагимни идора қилол-майман, дейишда...

Юракни идора қилиб бўладими? Аёллар келтирадиган бу қадар жиддий асосга бирон кимса эътироз билдиришга ботинолмайди. Улар бу гапга оммани шу қадар ишонтириб қўйганларки, бордию, кимда-ким буни рад этса борми, нақ бутун халойиқнинг таъна-дашномига кўмилиб, балога қолади. Лекин бундай ғалати даъволарнинг нима учун бу қадар тарафдорлари кўп? Чунки кўпчилик бундан манфаатдор. Бундай ҳолни кечириш, афв этишлар хатоларни тузатиш ўрнига ўз ноҳақ тушунчасини мустаҳкамлашга замин яратади; шуни ҳам унутмаслик керакки, одамлар аҳвол чатоқ бўлсагина «тақдир... тақдир...» деб қолишади. Масала на-ла-партиш майллар, ўйланмай босилган қадамларга бориб тақалса, ҳаммасини тақдирга тўнкаб, табиатдан ёзғирадилар. Оқилона муҳаббатнинг неъматларини эса ўз ақллари-нинг устунлигидан деб биладилар. Биз эркинликни алдамчилик йўлида эъвозлаймиз. Агар биз телбалик қилган бўлсак — у ҳолда бизни енгиб бўлмас бир куч — тақдирми, илоҳми, табиатми — мажбур қилган. Лафонтен бахт ҳақида айтган гапни биз ҳам табиатга татбиқ қилишимиз мумкин:

Яхшиликни яратамиз биз,
Ёмонликни эса табиат,
Ҳамма вақт биз бенуқсон, ҳақмиз,
Фақатгина ноҳақ шум қисмат.

Бу гапларимдан сиз кўпчиликнинг фикрига қўшилмас-лигимни англагандирсиз. Севги ғайриихтиёрий нарса — шубҳасиз, мен буни тан оламан, яъни кимдир бизда қолди-риши мумкин бўлган биринчи таассуротни олдиндан билиш ва унинг олдини олиш мумкин эмас. Айни чоғда, мен — бу таассурот қанчалик чуқур бўлмасин — уни енгиллатиш ёки таъсир кучини тўхтатиш мумкин, деб айта оламан, шу туфайли ҳар қандай ўйламай босилган қадам ёки шармандали майлни қоралагим келаверади. Ахир ҳаётда

хотинлар ўз эҳтиросларига сабабчи бўлган зотларнинг камчиликларини кўрсалар, ўз севгиларини ўчира оладилар-ку! Бундай воқеаларни неча марталаб кўрмаганмизми? Қанча-қанча қизлар келажакда яхши таъминланиш ҳаёли билан ўзларининг энг нозик муҳаббатларини сўндира олганлар. Айрилиқ, кўчиб кетиш, вақт каби дориларга қарши манаман деган ошиқу беқарорлар ҳам дош беролмайди: аста-аста муҳаббат ўти пасайиб боради, ниҳоят, бутунлай ўчади. Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Муҳаббат қудратли, аммо бу қудратни унга берган «куч» — бизнинг заифлигимиз.

Биламан, бундай ҳолатдан омон чиқиш учун бутун ақлу заковат ва билимлар бир жойга жамланиши талаб қилинади; шунингдек, мен бундай ғалабага эришиш қийинлигини ҳам биламан; чунки бунақа курашни бошлаш жасорати ҳар кимга ҳам берилмаган. Бу соҳада енгиб бўлмайдиган майлу иштиёқлар йўқлигига қатъиян ишонсам ҳам, ҳарқалай, мен ҳам, нима учун амалда ғолиблар кам, деган ҳаёлга бораман кўпинча. Нима учун шундай? Чунки одамлар ҳатто бундай қилишга уриниб ҳам кўрмайдилар. Сизнинг масалангизга келсак, фақат хушторлик қилмоқчисиз деган тахминданам, сал-пал муҳаббатингизга лойиқ аёлга бўлган майлингизни босиб олишни тавсия қилсам, сизни қийнаган ва телбалик қилган бўлур эдим. Модомики, сиз ҳали ўзингизга арзийдиган хотинлардан бирига ошиқ бўлмаган экансиз, менинг назаримда, сизга бахтли келажак ато эта оладиган замин у асосларни бирмунча ойдинлаштириб бергим келади. Албатта, мен ҳам юракларни тўлдиришга ва унда муҳрланиб қолишга қодир бўлган ва одамнинг қадрини улуғлайдиган нозик туйғулар кўнглимиз узра ҳоким бўлиб қолишини истайман. Аммо тажрибалардан кўринишича, амалда бу бўлмайди. Мен бундай деганда сиз қандай бўлишингиз кераклиги тўғрисида мулоҳаза юритаётганим йўқ, ҳақиқий ҳаётда сиз кимлигингиз тўғрисида ўйлаётирман; гап сизни қандай кўришни исташим ҳақида эмас, ниятим юрагингиз қандайлигини ўзингизга кўрсатишдан иборат. Мен даставвал инжиқликларингизни кўтарган бўлсам ҳам, биринчи ғалда, дидингиз бузуқлигига қайғурдим. Аммо қалбингизни ўзгартириш қўлимдан келмагани

учун, ҳеч бўлмаганда, ундан қандай қилиб кўпроқ фойда кўриш йўлларини сизга ўргатгим келади; сизни ақлли қилиш имконим йўқлигидан, лоақал бахтли қилишга уринмоқчиман. Эскиларнинг бир гапи бор: майлларни йўқотишни хоҳлаш — ўз-ўзимизни йўқотишни хоҳлаш демакдир; фақат бу майлларни идора қила билиш керак. Биздаги майлу эҳтирослар шиғобахш таомларга ўхшайди: моҳир кимёгар тайёрласа, яхшигина дорига айланади.

Йўқ, маркиз, хотинингиз Де Севанье хонимнинг шахсимга қизиқсинишлари менга заррача ҳал ботгани йўқ: аксинча, сизга ёзган хатларимни кўрмоқчи бўлгани хуш ёқди. Модомики, гап севги ҳақида бораётган экан, хотинингиз бу нарса менга боғлиқ, деб ўйлаган, албатта; аммо энди аксинча эканлигига ишонган, наздимда; шу пайтгача у мени бошқача тасаввур қилиб юрган бўлса, энди унчалик енгилтак эмаслигимни тан олади; Нинон тўғрисида аввалгидан бошқачароқ тасаввур ҳосил қилиш учун унда етарли даражада адолат бор, деб ҳисоблайман. Бундай деяётганимнинг сабаби шундаки, одатда, мен тўғримда у қадар ижобий бўлмаган фикр билдириб юришлари ўзимга ҳам маълум. Аммо хотинингизнинг адолатсизлиги ҳеч қачон сиз билан бўлган дўстлигимга таъсир ўтказолмайди. Мени билмаган ҳолда баҳо берувчи кишиларнинг фикрларидан хафа бўлмаслик учун ҳаётга файласуфона назар билан қарайман. Аммо нима бўлса бўлаверсин, мен сиз билан ҳар доимгидай ошқора гаплашишда давом этавераман; Де Севанье хоним жуда эҳтиёткор бўлишига қарамай ич-ичида, кўпинча, менинг фикрларимга қўшилади. Тўғри, амалда ўзини бундай кўрсатмаслиги мумкин. Энди сизга тегишли гапларга ўтаман.

Маркиз, сиз бетиним хушомадлардан сўнг, ниҳоят, бу тош юракни эритишга муваффақ бўлдим, деб ўйларсиз. Ҳарқалай, сизга шундай бўлиб кўринади. Мен бундан мамнунман; аммо сиз хотинингизнинг туйғуларини менга шарҳлай бошлаганингизда кулгим қистайди. Сиз эркакларнинг одатдаги хатосини такрорлаяпсиз. Бу хато сизга қанчалик ёқимли бўлмасин, сиз уни такрорламаслигингиз керак. Сизнинг тахминингизча, аёлнинг юрагида эҳтирос ўтини ёндиришга қодир бўлган нарса

фақат сизнинг устунлигингиздир... сизлар, ақлимизнинг ўткирлиги, юрагимизнинг нозиклиги хотинларда муҳаббат уйғотади, деб ўйлайсизлар. Нақадар улкан янглишиш! Сиз ғурурингиз эҳтиёжига кўра шундай деб ўйлайсиз, албатта. Сиз сохта ҳаёлга бормай, имкон борида, ўзингизни безовта қилувчи вазсларни таҳлил қилиб кўринг, шунда ўзингизни алдаётганингизга, биз эса сизни алдаётганимизга ишонч ҳосил қиласиз; сиз ўз манманлигингиз ва бизнинг манманлигимиз томонидан ҳар тарафлама аҳмоқ қилинганлигингизни кўрасиз: севимли инсон фазилатлари бу йўлда фақат тасодифий нарсалар эканлигини ёки бошқача айтганда, севгининг баҳонаси эканлигини, аммо ҳеч қачон унинг ҳақиқий сабаби бўлмаганлигингизни англайсиз; ниҳоят, иккала томон ҳам ишлатадиган оддий мақрлар нафси қондириш истагига хизмат қилишини сезасиз; мен сизга жисмоний нафси бу эҳтиросларнинг биринчи важи, деб айтган бўлур эдим. Мен бу гапим билан сизга бағоят аёвсиз ва инсонни камситувчи ҳақиқатни баён этдим; бундан унинг ишончлилиги хусусияти кам бўлиб қолмайди. Биз — хотинлар, шу таърифсиз севги нафси билан дунёга келамиз ва бордию, бир кишини иккинчисидан устун қўйсақ, очигини айтиб қўя қолай: аллақандай фазилатларга учиб эмас, кўпроқ ғайриҳақиқатий, деярли сўқир табиий майлга (инстинктга) бўйсуниб шундай қиламиз. Мен дунёда сўқир эҳтирос борлигини исботловчи далиллар келтирмоқчи эмасман, биз кўпинча нотаниш ёки унча маълум бўлмаган кишиларни кўриб ҳушимизни йўқотамиз, бизнинг кўнгил берган кишиларимиз ҳамма вақт ҳам яхши инсонлар бўлиб чиқавермайди, баъзан-баъзан бахтли нуқтага тушиб қолсак, бу — ғирт тасодиф, холос. Демак, биз ҳар доим етарли имтиҳон қилмай бирон одамга боғланамиз ва мен муҳаббатни бир овқат ўрнига бесабаб бошқасини ейишга қийинчлик билан, унчалик ноҳақ бўлмайман. Мен манманлигингизнинг хомхаёлларини аямай сочиб-тарқатиб юбораман, аммо мен сизга ҳақиқатни айтаман. Аёлнинг севгиси сизга ҳуш ёқади, чунки у севимли зотнинг фазилатлари билан ҳисоблашади: сиз унга кўндан-кўн шараф келтираётгандай ҳис қиласиз ўзингизни; янада яхшироқ қилиб айтсак, ўзингизга жуда юқори баҳо берасиз. Ишонинг,

биз сизларни сиз бўлганингиз учун севмаймиз; самимий бўлиш керак: биз севгидан фақат фаровонлик излаймиз. Танतिकлик, манфаат, манманлик, жўшқинлик, моддий қийинчиликлар — мана шулар бизни таишишга солувчи нарсалар, юрагимиз банд бўлмаса, мана шуларни ўйлаймиз; биз илоҳийлаштирмоқчи бўлган улуғ ҳиссиётлар асосида мана шу важдлар ётади. Бизни ийдирувчи нарса улуғ фазилатлар эмас: бордию, сизнинг фойдангизга бу нарсалар ҳам бўлса, бунинг ёмон жойи йўқ, ахмо булар юракка эмас, ўша манманлигимизга таъсир қилади, лекин бизга ёқадиган хусусиятларингиз, кўпинча, сизларни кулгили ва бечора қилади. Аммо нима ҳам қилардингиз? Биз мухлисларга муҳтожмиз, чунки улар бизнинг афзаллигимиз тўғрисида тасаввур уйғотишади, бизга инжиқликларимизни кўтарадиган хушодагўй керак, бизга эркак одам керак. Ва тасодифан бизга бири бўлмаса иккинчиси учраб қолади, уни қабул қиламиз, аммо танламаймиз. Хуллас, сиз ўзингизни холис севги «аиёси» деб биласиз, такрорлайман, хотинлар сизни сиз бўлганингиз учун севишади, деб ўйлайсиз. Бечора бераҳм хомкаллалар! Шунинг билангизки, сиз хотинлар хурсандчилиги учун қурол, танतिकлигига қараб ҳаракатга келувчи бир ўйинчоқ бўлиб хизмат қиласиз. Лекин хотинларга адолат қилиш керак, буларнинг бари уларнинг ихтиёридан таиқарида содир бўлади. Мен бу ерда тасвирлаётган туйғуларни уларнинг ўзи унчалик тушунмайди; аксинча, улар соф ният билан, улуғ ғоялар асосида шу йўлда юрибмиз, деб хаёл қиладилар ва бу фикр сизларнинг ҳам, уларнинг ҳам манманлигини қондиради, шунинг учун уларни бу борада сохтакорликда, иккиюзламачиликда айблаш беаёв адолатсизлик бўлур эди: улар сизларни ва ўзларини ўзлари беихтиёр алдайдилар.

Мана, кўрдингиз: мен сизга саховатли Маъбуданинг энг ички сирларини очиб бердим: агар мен аёллар изиёнига сизга озгина маърифат берган бўлсам, бу — дўстлигимдан, деб ҳукм чиқаринг. Хотинларни қанчалик яхши билманг, яна тағин улар сизларни телбалик қилишга мажбур этадилар».

ВОЛЬТЕР билан ОЛИМПИЯ ДЮНУАЙЭ



Вольтер — улуғ француз ёзувчиси файласуф ва тарихчи, шоир ва драматург, публицист ва ҳуқуқ ҳимоячиси Мари Франсуа Аруэнинг тахаллусидир. У Парижда 1694 йили юрист оиласида туғилди. Нотариус отасининг хоҳиши билан адлия касбини эгаллаш учун диний коллежга киради, аммо уни битириш арафасида ўз давридаги зодагонлар — католик монахларнинг ҳур фикрли тўғарагига аъзо бўлиб, ёзувчиликка берилади. Ташкилотдагиларнинг асосий коидалари: жиддий равишда марказлашиш, қуйидан тортиб энг юқоригача ҳар қуйи ходимнинг ўзидан юқоридаги раҳбарга сўзсиз бўйсунуши, ички фаолиятда жуда қаттиқ назорат ўрнатиш, ташкилот етакчисини мутлақ ҳоким сифатида танишдан иборат эди...

Аруэ уларнинг саройларида ўз шеърларини ўқиб, эвазига у ерда текинга овқатланувчи ва яшовчи муаллифга айланди. У олдиниға ўша даврда расм бўлган «енгил шеърият» йўналиши руҳида ёзди. Аммо орадан озгина вақт ўтгач, кирол ва унинг қизи ҳақида ҳажвий шеърлар ёзди-ю, Бастилия зиндонига тушди. Ўғлининг бошида қора булутлар қўпаяётганини кўрган отаси у озодликка чиқиши билан Нидерландиянинг катта шаҳарларидан

бири Гаагага жўнатиб юборди. У ерда маркиз Шатонефнинг паж¹и сифатида ишлай бошлайди. Ана шу йилларда, яъни ёши ўн саккиздан ошиб, энди 19 га кадам қўйган вақтларида Олимпия Дюнуайе исмли ўн олти яшар қизни севиб қолди. Олимпия Париждан Гаагага қўчиб борган, отаси католик, онаси протестант бўлгани учун ажрашиб кетган оиланинг қизи эди. Қиз ҳам Аруэни севди. Ўртада ёзишма бошланди. Аммо қизнинг отаси ҳам, онаси ҳам уларнинг севгисига қатъиян қарши эдилар. Аруэ қиз билан маслаҳатни бир жойга қўяди: Олимпиянинг Францияга келишини ташкил қилиб, Парижда унга уйланмоқчи бўлди. Аммо ёшларнинг режаси амалга ошмай қолади, уйдан яширинча чиқиб кетган қизни йўлда тутиб олишади. Сўнгра онаси уни узоқ-узоқларга олиб кетади. Вольтернинг шу пайтларда Олимпияга ёзган беш мактуби сақланиб қолган. Шулардан икkitасини келтирамиз:



«1713 йил, октябрь».

Сиз, ёқимли ойимқиз, назаримда, мени яхши кўрасиз, шундай бўлгач, ақлингизнинг бутун кучини ишга солишга тайёр бўлинг. Мен бор-йўғи кечагина меҳмонхонага қайтиб келдим, жаноб Л. (Лефевр) менга бугуноқ қайтиб кетишим кераклигини айтди, мен у айтган муҳлатни фақат эртагача суришга муваффақ бўлдим; лекин у менга то биз жўнаб кетгунимизча менинг бирон ёққа чиқишимни тақиқлади; у, муҳтарама хоним онангиз мени хафа қилиб қўйишидан, бу эса унга ва қиролга ҳам таъсир кўрсатиши мумкинлигидан ҳайиқмоқда; у менинг эътироз билдиришимга ҳам йўл қўймади; мен, албатта, сиз билан кўришмасдан жўнаб кетишим керак. Мен қандай ноумид аҳволдалигимни тасаввур қилишингиз мумкин. Агар сизга ёрдамим тегишидан ва сиз билан бўлажак бебаҳо

¹Паж — ўзи оксуяклар зотидан бўлган ёш йигитнинг аслзода амалдорнинг ёнида айрим хизматларини қилиб юрувчи ёрдамчиси.

мулоқотдан умидвор бўлмасам, яшашимнинг кераги ҳам бўлмасди. Мен йўлда кетиб борарканман, сизни Парижда кўриш истаги менга тасалли беради. Сизга онангизни ташлаб кетишни ва отангиз билан кўришмасликни маслаҳат қилмайман, бунга кўндирмоқчи эмасман, отангиз қучоғидан тортиб олиб кетсам, сиз бу ерда бахтсиз бўлишингизни биламан. Мен бугун бутун кунни хонада ўтказаман. Менга учта хат юборинг, биринчиси — отангизга, иккинчиси — тоғангизга ва учинчиси — синглингизга; булар зарурлиги шак-шубҳасиздир, мен уларни келишилган жойда бераман, айниқса, синглингизга ёзилган хат, албатта, берилади. Бу хатларни менга этикдўз келтириб беради: унга мукофот беришни вавда қилинг; у менинг олдимга гуё бошмоқларимни таъмирлаб бермоқчидай, қўлида қолиплари билан келсин. Ёзган мактубларингизга қўшиб мен учун алоҳида бир хатча ҳам ёзиб юборинг, у менга тасалли бўлади, аммо, энг муҳими, азизим, сизга бўлган муҳаббатим ҳаққи, менга портретингизни ҳам бериб юборинг; онангиздан уни олиш учун астойдил ҳаракат қилинг; портрет онангизда тургандан кўра, менинг ихтиёримда турса, ўзини яхшироқ, беҳатарроқ ҳис қилади, чунки у ҳозирнинг ўзидаёқ менинг юрагимда ҳукмронлик қилаётир. Сизнинг олдингизга юбораётган хизматчим, ҳеч шубҳасиз, менга содиқ; агар истасангиз, уни онангизга тамаки сотувчи деб айтишингиз мумкин, у ўзи, аслида, нормандиялик киши, ўз ролини қойишлатиб адо этади: у сизга менинг ҳамма хатларимни етказиб бериб туради, мен хатларни унинг тураржойига — унинг номига юборавераман, сиз ҳам худди шундай ёзмаларингизни у орқали юборишингиз мумкин; ўз портретингизни ҳам унга ишониб топшираверсангиз бўлади.

Сизга буни кечаси ёзганман, ҳали қандай кетишимни билмайман; фақат кетишим кераклигини биламан: мен Голландиядан чиқиб кетишимдан олдин эртага, қандай бўлмасин сизни кўриш учун ҳамма имконларни ишга соламан. Аммо, жоним, бунга муқаррар эришаман деб айтолмаслигим боис, сизга сўнги хайру саломимни айтаман ва сизга бўлган бутун муҳаббатим ҳаққи қасам ичаманки, сиз бундай муҳаббатга лойиқсиз. Ҳа, азизим, Пимпетчам, мен сизни умрбод севаман; албатта, энг енгилтак ошиқлар ҳам шун-

дай дейишади, аммо уларнинг севгилари меникидай тўла-тўқис ҳурмат-эҳтиромга асосланган бўлмайди; мен сизнинг ташқи кўринишингизга қанчалик асир бўлсам, сизнинг фазилатларингизга ҳам шунчалик асирман, шунинг учун худодан сизнинг олийжаноб муҳаббатингизга эга бўлиш имкониятини тилайман. Мен ўзим сизни севганим учун сиздан ҳам шуни кутаман; сизда Парижни кўриш иштиёқини уйғотаман деган умид билан ўзимни талтайтириб ётибман; мен бу ажойиб шаҳарга сизнинг келишингизни ялиниб-ёлвориб сўраш учун қайтарканман, сиз уйингизга бехатар етиб олишингизни тилайман; мен сизга ҳар куни Лефеврь орқали хат ёзиб тураман, сиз унга ҳар бир мактубим учун нимадир бериб турунг, шундай қилсангиз, у бу ишни бенуқсон адо этиши аниқ бўлади.

Яна бир марта хайр, менинг азиз ҳукмдорим; лоақал баъзан-баъзан бахтсиз севгилингизни эслаб турунг, аммо бу эслашлар сизга маъюслик келтирмасин; агар мени асрамоқчи бўлсангиз, ўз соғлиғингизни эҳтиёт қилинг; муҳими, сирингизни ҳеч кимга ҳеч қачон ошкор қилманг; бу хатимни ҳам, кейингиларини ҳам ёқиб юборинг; менга марҳаматингиз озроқ бўлса бўлсин, аммо ўз тўғрингизда кўпроқ қайғурунг; тез орада кўришини ва бир-биримизни умрбод севиш умиди билан таскинланайлик. Эҳтимол, мен ўзим ортингиздан борарман; шунда мен ўзимни одамлар ичида энг бахтиёр одам деб ўйлаган бўлардим; фақат сиз келсангиз бўлгани — мен шунда тўла-тўқис қаноат топаман. Лекин мен сизга кўпроқ бахт тилайман, уни жон-жон деб ўз бахтим баҳосида сотиб олган бўлардим. Агар уйга эсон-омон қайтишингиз учун сал-пал бўлса ҳам яхши имкон яратганимни билсайдим, мен ўзимни ғоят катта мукофотлангандай ҳис қилган бўлардим.

Алвидо, қадрли жонгинам! Сизни минг марта қучоқлаб,
Аруэ»

«Бир неча кундан сўнг (1713 й.).

Мени қирол номидан асирликда ушлаб туришибди; мени яшашдан маҳрум қилишлари мумкин, аммо сизга муҳаббатимдан маҳрум қилолмайдилар. Ҳа, азиз севгилим, бошимни

кундага қўйишга тўғри келса ҳам, бугун кечқурун мен сизни кўраман. Худо ҳаққи, мен билан, менга ёзгангиздай, ўта қайғули ифодалар ила гаплашманг. Ўзингизни тутиб яшанг, аммо ҳеч кимга сир берманг; она хонимингиздан энг ёвуз душмандан эҳтиёт бўлгандай эҳтиёт бўлинг. Э, мен нима деяман? Дунёдаги ҳамма одамлардан эҳтиёт бўлинг ва ҳеч кимга ишонманг. Ой чиқадиган вақтда тайёр бўлиб туринг; мен меҳмонхонадан яширинча чиқаман, бир карета ёлламан ва иккаламиз шамолдан ҳам тез учиб, III.га борамиз; мен сиёҳ-қоғоз олволаман; аммо агар мени севсангиз, бутун фазилатларингизни ва бутун ақлингизни ёрдамга чақиринг-да, ўз-ўзингизга таскин беринг. Соат тўртда тайёр бўлиб туринг; мен кўчангиз яқинида сизни кутиб тураман. Хайр, сиз учун ҳар қандай нарсага чидайман. Сиз бундан ортиғига ҳам арзийсиз. Хайр, азиз жоним».

Хатдан кўриниб турибдики, уларнинг орзулари мутлақо амалга ошмади. Аруэга хулқингни ўзгартир деб буюришди. Олимпияни эса онаси бундай қайсар ошиқдан узоқларда тутаётган эди. Аммо ошиқ йигит қизнинг кетган жойини аниқлаб, яна махфий равишда хатлар ёзиб турди. У ҳар бир хатида ўзининг мухаббати ҳақида, Олимпияни кўриш иштиёки ва ўз умидлари ҳақида ёзарди.

Бирмунча вақт махфий ёзишмаларни тўхтатдилар. Аруэ келажак режаларини тузарди, аммо бу орада Олимпияни яна бир бошқа йигит яхши кўриб қолди-ю, уни ўша йигитга узатиб юборишди...

Вольтер узил-кесил Францияга қайтгач, бутунлай ижод оламига шўнғиди ва яна ҳар кимга атаб ҳажвий шеърлар ёза бошлади. Зодагонлардан бири Вольтернинг ҳажвларига чидолмай, уни йўлда тутиб олиб калтаклади, Вольтер уни дуэлга чақирди, аммо аламзада йигитнинг фитналари туфайли яна турмага тушди. Уни чиқариб олиш учун кўп ҳаракат қилдилар, ниҳоят, Франциядан чиқиб кетиш шарти билан уни озод қилдилар. У Англияга кетди, у ерда уч йил (1726—1729) яшади, сиёсий тузум, фан, фалсафа ва адабиётни чуқур ўрганди. Францияга қайтгач, «Фалсафий мактублар», «Инглиз миллати ҳақида хатлар» номи остида Англиядан олган таассуротларини китоб қилиб чиқарди.

«Орлеанлик киз бола» (Жанна д'Арк), «Дунёвий киши», «Инсон ҳақида ўйлар» каби дostonларию «Алзира ёки америкаликлар», «Меропа» каби фожиалари бутун Францияни ларзага солди. Аммо китоблари мусодара қилинди, ношир Бастилияга ташланди, Вольтер Лотарингияга қочиб кетди ва маркиза Де Шатленикидан бошпана топиб, 15 йил уникида яшади. Сўнг яна Парижга қайтди, «Оксу-як киши» деган бир дoston ёзиб чиқарди. Дostonда дин масхара қилинган дея айбланди, бу гал Нидерландияга қочди.

1746 йилда Франция кироли Людовик XV Вольтерга камергер унвонини бериб, сарой тарихчиси ва шоири этиб тайинлади. Вольтер Людовикни намунали киролга айлантирмоқчи бўлди, аммо мақсадига эришолмади, тезда киролинг суюкли ўйнаши маркиза Помпадур билан айтишиб қолиб, саройни ташлаб кетди. Шунда 1736 йилдан бери у билан ёзишиб турадиган Пруссия кироли Фридрих II уни ўз саройига ишга таклиф қилди. Аммо у ерда академия президенти билан чиқишмай, уни кариатура қилди-да, Пруссиядан ҳам кетди, Швейцарияга бориб жойлашди. 1758 йилда Швейцария билан Франция чегарасидан Фарне мулкани сотиб олди ва умрининг охиригача шу ерда яшади. Вольтер 1778 йилда вафот этди.

Умри давомида «Людовик XIV асри», «Урф-одатлар ва халқларнинг руҳи тўғрисида» каби жуда кўп тарихий ва фалсафий асарлар, «Буюк Генрих» каби дostonлар, «Брут», «Заира», «Скифлар», «Хитойлик етим», «Ирина», «Агафокл» сингари фожиалар яратди. Вольтер жами 54 та драматик асар ёзди. «Кандид», «Очиққўнғил», «Бобил шоҳина¹си» каби ажойиб қиссалар яратди. Вафотидан олти йил ўтгач, унинг бутун асарлари жамланиб, 72 жилдда нашр этилди. Ёзишмалари эса 41 жилд.

Вольтернинг Олимпияга муҳаббатини ифодаловчи бир қанча шеърлари ҳам бор. Олимпия эрга тегиб кетганидан бир неча йил ўтгач, Вольтер у билан учрашгани ҳам нақл қилинади, учрашувлари дўстона бўлган дейишади.

¹ Ов қуши, қарчиғай.

Вольтернинг муҳаббатга оид фикрлари шарқ мутафаккирларининг қарашлари билан муштаракдир. Чунончи, «Оққўнғил» қиссасида шундай бир парчани ўқиймиз:

«Мадмуазель де Сент-Ив туронлар мамлакатада йигитлар қай тарзда қизларнинг қўнглини олишлари билан қизиқди.

— Сизга ўхшаган аёлларга ёқиш учун, — деди у, — жасорат кўрсатадилар.

Хамма меҳмонлар унинг сўзларидан ҳайратга тушиб қарсак чалиб юборишди. Мадмуазель Де Сент-Ив кизариб кетди ва хурсанд бўлди».

Ха, Вольтер муҳаббат ва жасорат бирлигига риоя қиларди ҳамда қарашлари шеърларида бўй кўрсатарди:

Станслар

Ўтмишингни айтиб бер тамом,
Юракдан ён, дейсан сен менга.
Ула дейсан, ҳулласи калом,
Кунни тунга ва шомни тонгга.

Маънос ўтган барча кунларим
Мазах, сўқишларга қўмилган.
Замон менга бекин дер доим,
Туртиб дакки бергани-берган.

Мен замонга боққанман, жоним,
Шундай бўлмокка қалб тиришар.
Тескариси бўлса кимда-ким,
Фақат бахтсизликка эришар.

Қолдирайлик ботил ва мавҳум
Хирсларни ёш, бахтли наслга.
Биз яшасак ҳамки икки зум,
Сарфлагаймиз барин ақлга.

Бир лаҳзалик ёшлик чоғимда
Орзуларим қилгандинг ширин...
Эҳ, ишқимни ёқиб ёғимда,
Нахот қочиб кетдинг яширин?

Биз икки бор ўламиз зеро:
Ширин орзуларни йўқотиш —
Бу биринчи қўрқинчли қазо,
Сўнг тин олмай яшаш ҳам — қайтиш.

Ўтиб кетди қуёшли кунлар,
Шом зулмати аро қолдим мен.
Алдаб кетган ширин орзулар
Хаёлида хориб-толдим мен.

Мунгли эди овозим, созим,
Шунда дўстлик менга қўл берди.
У дилбарим ишкидай нозик,
Мурувватли, мсҳрибон эди.

Мен келтирдим қувноқ ёшликнинг
Сўлиб қолган атир гулларин.
Сўнгра унга эргашдим, лекин
Йиғлаб ўтди қолган кунларим.

Туш суврати

Яқинда кўрдим мен бир ажойиб туш:
Ярқироқ тож кийган, мен шоҳ эмишман.
Сени севиб, сенга ҳамроҳ эмишман —
Юрак роҳатланиб урармиш беҳуш.

Пойингда дардлашдим завқ-ла беқиёс
Орзулар! Оҳ! Нечун бу бахт узилди?
Арзимас нарсадан Раб маҳрум қилди —
Фақат шохлигимни йўқотдим, холос.

Орлеанлик қиз бола

(Шу номли достон муқаддимасидан)

Туғилмадим мақташ учун обидаларни,
Самоларга етиб бормас заиф овозим.
Лекин Жанна кўрсатган-ку мўъжизаларни,
Ёшיתיшга сизни яна шай қилмам лозим.

Денгизларнинг нарёғидан келган ёвузлар
Бокира киз қўлларидан топдилар жазо.
Унинг кучли гўзаллиги ташланди кўзга,
Фаранггуллар умрин хавфдан қилиб мосуво.

Холбуки, у юбкали бир қаҳрамон эди.
Тан оламан: фитратимда йўқ ёлғон сўйлаш —
Менга ориқ қўй сингари итоатгўйлар
Мўмин-қобил ойимқизлар кўпроқ ёқади.

Жанна эса бокира ва тоза юракли,
Хамма шонли паҳлавонлар аро паҳлавон,
Меҳнатда ҳам, урушда ҳам метин билакли —
Шижоатли, шиддатли киз эди шерсимон.

Хаммасидан ажойиби ҳамда кийини —
Жанна сақлаб қолган эди қизлик рангини...

Лаиса ўз кўзгусини Венерага бахшида этаркан...

*(Вольтернинг «Эпиграмма ва қадимги ёзувлар»
китобидан)*

Мана, менинг кўзгум, Венера, сенга...
Хусн маъбудаси гўзалдир мангу:
Таъсир килолмайди қари вақт унга,
Ўладиган аёл эмас у...

Аммо мен тақдирга бўйнимни эгиб,
Кўзгуга қарасам, босар оғир юк:
Аввал юзим кўримсиз эди,
Ҳозиргиси ундан ҳам хунук.

ДИДРО билан ВОЛАН ХОНИМ

Дени Дидро — донгдор француз ёзувчиси, маърифатпарвар, файласуф, драматург ва «Энциклопедия ёки илмлар, санъатлар ва касбларнинг изоҳли луғати»га асос солган, Берлин, Стокгольм, Санкт-Петербург Фанлар академияларининг аъзоси бўлган буюк қомусчи олимдир.



У 1713 йилнинг 5 октябрида Франци-янинг Лангр номли кичик бир шаҳрида туғилган. Отаси уни яхши маълумотли қилиш учун астойдил ҳаракат қилган.

Дени болалигида коллежга қатнаб, тарих, адабиёт, математика билан бирга тилларни ҳам пухта эгаллади. 15 ёшида олган таълимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш мақсадида Парижга жўнаб кетди. Айнан мана шу йилларда фалсафага қаттиқ қизиқиб қолди ва фалсафа унинг бир умрлик касбига айланди. У қизгин ишлар, тўхтовсиз изланар эдики, бу натижасини бермай қолмади. Унинг номи тезда эл оғзига тушди. Фақат илмлар эмас, аёллар ҳам унинг фикри-ёдини эгаллар, бутун борлигини мафтун этар, ақли-хушини олиб, юрагини безовта қилар эди. Ўттиз ёшида Анна Шампъон исмли оддий, камбағал оиладан чиққан бир қиз билан яширинча никоҳдан ўтди. Бир йилдан сўнг улар бир қиз кўриб, отини Денининг онаси шарафига Анжелика деб қўйдилар. Қиз туғилганидан сўнг, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Дидро очикдан-очик бошқа аёллар билан ҳам айланиша бошлади. Чунки хотини билан бўлган муносабат унинг учун етарли эмас эди. Фақат хотинига эмас,

умуман, хотин зотига тўймас эди. Кўп хотинлар билан ўралашиб юрди. Аммо унинг бошқа аёллар билан муносабатлари бир неча ойдан нарига ўтмасди. Факат Софи Волянни учратди-ю, бу киз билан ўрталарида уйғонган муҳаббат то ўлимига қадар давом этди. Улар орасидаги ришта 50-йилларнинг ўрталарида бошланган эди. Бу йилларда Дидро ижоди жуда юксакларга кўтарилди.

1757 йили унинг биринчи «Хароми ўғил» деган пьеса-си, 1758 йилда эса «Оила отаси» асари сахнага қўйилди. Асарлар сарлавҳасидан ҳам кўриниб турибдики, асарлар асосида оилавий муносабатлар ётади. Уларнинг биринчисида драматург никоҳсиз туғилган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Ахлоқсиз ота-она учун фарзанд айбдор эмаслигини, ҳар қанча жазоки лозим бўлса, ота-оналарига қўлланиши, қонунсиз туғилган боланинг ҳаққи эса ҳамма болаларники билан баробар бўлиши лозимлигини уқтиради. «Оила отаси»да эса оиладаги ўғил отанинг амри билан эмас, юрак амри билан ўзига умр йўлдош танлаши лозимлигини, ўғилнинг хотин танлаш ҳуқуқини ўртага қўяди. Бу пьесалардаги мулоҳазаларда Дидро драматик санъатнинг янги турини қарор топтиришга ҳаракат қилади.

Классик театр юксак қаҳрамонлик мавзулари учун, олий табақалар ҳаётини тасвирлаш учун хизмат қилувчи трагедия жанри билан, кундалик мавзуларни, оддий табақаларнинг қаҳрамонлари тимсолларини тасвирлаш учун хизмат қилувчи комедия жанрини тан оларди. Дидро драматик санъатнинг янги ўртадаги турини — драма жанрини олиб чиқди; шундан кейин драма жанри кенг тарқалди. Комедия ва трагедиянинг яккахоқимлик ҳуқуқи барҳам топди.

Дидронинг таълимотига кўра, камбағаллар орасидан ҳам юксак фикрли қаҳрамонларни топиш мумкин. Бу билан Дидро бойлар билан камбағаллар орасига қўйиладиган тўсиқларни парчалади. Янги жанр «Маърифат асри» деб ном олган Дидро асрининг вазифаларига мувофиқ келарди. Театр бу жанр орқали озодлик ғояларини тарғиб қилар, табиатга, инсоннинг инсонлик сажиясига қайтаётган эди.

Дидро драмалари тарихий манфаатларга хизмат қилган бўлса, қиссалари янада муҳим жиҳатларни илгари сурди.

Буларда у кахрамоннинг аҳволи жамиятнинг ҳолига боғлиқлигини очиб берди. Бу жиҳатдан унинг «Жан Фаталист» ва «Рамонинг жияни» қиссалари катта шуҳрат қозонди.



Дидро сиёсий қарашларига кўра, маърифатли абсолютизм тарафдори эди. Яъни у яқка ҳукмдорга эга бўлган давлат бошқарувини ёқларди, аммо ҳукмдор, албатта, илмий ва фалсафий билимлар билан қуролланган бўлиши шарт эди. Дидро Екатеринанинг таклифи билан Петербургга келганида, қиз уни силаб-сийпаб меҳрибончилик ва муҳаббат билан қабул қилди. У билан соатлаб суҳбатлашарди. Аммо файласуфнинг сарой зеб-зийнатлари ва дабдабаларини йўқ қилиш ва орттирилган маблағни халқ эҳтиёжига ҳамда бутун халқни текин ўқитишга сарфлаш кераклиги, крепостной ҳуқуқни бекор қилиш зарурлиги тўғрисидаги лойиҳасига ишончсизлик билан қаради. Бу таклифлар Екатеринага ақлсизлик бўлиб кўринди. У чет эллик меҳмоннинг маслаҳатларига амал қилмади. Фақат у Дидронинг шахсий кутубхонасини сотиб олишга жуда катта пул ажратди, кутубхонани ҳозирча Дидронинг ўзида қолдириб, у ерда кутубхоначилик қилиши учун каттагина ойлик тайинлади.

Софи Воланга келсак, у оила бахтини ҳам, оналик бахтини ҳам кўрмаган ёлғиз аёл эди. Ақлли, итоаткор ва кенг феълли қиз Денидан ҳеч нима сўрамас, ҳеч нима талаб қилмас, фақат хат ёзиб ҳолидан хабардор қилиб туришини илтимос қиларди. Дидро унинг бу истагини ерда қолдирмади. Мана унинг янги танишган пайтларидаги хатларидан бири:

«Париж, 10 июль

Кўрмасдан, ёзаяман. Мен келдим; қўлингизни бир ўпиб кетгим келди; аммо бундай муқофотсиз қайтишга тўғри келяпти; лекин сизни қандай севишимни сизга исботламасдан етарли даражада муқофот олмайман-ку ахир, тўғрими?! Ҳозир соат тўққиз; сизни севишимни ёзаяман. Ҳеч бўлма-

ганда, шуни ёзгим келяпти, бироқ ишончим комил эмас — қаламим менга бўйсунармикин? Сиз келолмайсизми — шуни сиздан била қолсам, даф бўлармидим? Яхши қолинг, Софи, жоним, яхши қолинг, демак, юрагингиз мен шу ердалигимни сизга айтмабди-да? Мен биринчи марта қоронғида ёзишим: бу ҳол менга жуда нозик кайфият бериши керак эди. Аммо мен фақат бир нарсани ҳис қиляпман: мен бу ердан кетмаслигим керак. Сизни кўриб қолиш умиди мени шу ерда ушлаб турибди, мана, мен ҳатто ҳарфларим тўғри-нотўғри ёзилганини билмасам-да, сиз билан суҳбатлашаётирман! Ёзувим йўқ жойларнинг ҳаммасини «мен сизни севаман» деб ўқинг».

Дени билан Софидан сақланиб қолган хатларнинг сони беш юздан ортиқдир. Айнан шу хатлар уларнинг ўттиз йил давом этган ҳаяжонли гўзал муҳаббатлари ҳақида хабар беради. Авлодлар томонидан авайлаб бир жилдга тўпланган бу ёзишмалар романтик теранлиги билан ҳозиргача ҳамманинг диққатини тортиб келмоқда. Биз улар туфайли нозик ва ҳиссиётга бой, севиш ва бағрикенглик намунасини кўрамыз, Дидро тимсоли абадий обида каби кўз ўнгимизда жонланади.

Софи умрининг охирига қадар севгилисига содик қолиб, бошқа турмуш курмади. Дўстлик муносабатлари 1784 йилгача давом этди. Дидро уни қанчалик каттиқ севгани унинг машхур Фальтонетга ёзган мактубидан ёрқин кўриниб туради. У ўша хатида «Агар у менга кел. конингни ичай деса, мен бир дақиқа ҳам ўйламасдан унинг бу истагини қондирган бўлар эдим», — деган эди. Аслида, улар ахён-ахёнда кўришардилар. Айрилиқ кунлари қанча узун бўлса, севгилари шунчалик чуқурлашиб борар. Шунчалик бир-бирларига кўп мактуб битардилар. Икковлари ҳам очикқўнгил, ғайрихтиёрий таъсирланувчан, ўта олижаноб, севгиларини яширолмайдиган инсон эдилар. Аммо бирга яшашга ботинолмасдилар. Дени хотини билан ажрашишни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Софининг оилали, бола-чақали эркак билан севишуви онаси ва бошқа қондошларини аччиклантирар, ғашларини келтирарди. Жиддий, яхши тарбияли онаси ва опа-сингилларининг назарида у ҳаёт нималигини билмайдиган ёш қиз эди.

Онаси ўша пайтдаги машҳур француз мутафаккири Дени Дидро билан қиркқа яқинлашиб қолган қизининг «ҳаёсиз муҳаббати»ни узиб ташлаш учун кўп ҳаракат қилди, кескин ва шиддатли тадбирларни ишга солиб кўрди. У Дидронинг қизига ёзган ҳамма мактубларини ўқир, кейин эса бу севги хатларини ёмонликка йўйиб, очикдан-очик қоралашга тушар эди. Буни билиб қолган тадбирли, катта ёшли ошиқ «севимли Софи»нинг ўзигина тушунадиган ўзгача бир услубни ўйлаб топди, яъни оддий сўзлар орасида севги ва ҳиссиётга оид имо-ишораларни ишлатарди.

Орадан йиллар ўтди, кунлардан бир кун Дидро Волагана яна бир бор севги изҳор қиларкан *«Замон барча ширин ҳаёлларни тарқатиб юборади — ҳар қандай эҳтироснинг ҳам охири бўлади. Аммо мен сени қанча кўп кўрган бўлсам, шунча қаттиқроқ севганман»*, — деганди. Шу гапидан яна тўққиз йил ўтгандан сўнг *«Мен Сизни бир инсон қачондир фақат бир марта севгани каби севаман, ҳеч кимни Сиздай севмайман»* деб ёзади.

Дидро кўп саёҳат қилар, жуда кўп мамлакатларда бўлар ва ҳар доим Софига муҳаббатга тўла мактублар келар эди. 1773 йилда Россияга кетди, бу унинг узок давом этган сўнгги сафари эди. У Санкт-Петербургга келганида Оврупонинг энг машҳур файласуфи эди. Ҳар тарафда нафақат унинг гениал асарлари, аклининг ўткирлиги, ҳеч нимадан қўрқмайдиган хур фикрли инсон эканлиги ҳақида, яна унинг кишилар жиғига тегадиган оғир сажияли эканлиги ҳақида ҳам гапирардилар. Дидро ўзига каттиқ ишонар, фикрлари жасур, суҳбат чоғларида эркин, бемалол гапиришлари билан ажралиб турарди. Екатерина Иккинчининг ўзи ҳам у билан суҳбатлашганидан кейин бу ҳақда Парижга хат ёзиб: *«Бу сизларнинг Дидройингиз жуда аломат, беназир инсон экан, ҳар бир суҳбатдан сўнг ёнбошларим кўкариб кетади»*, — деган эди.

Узун-узун фалсафий-рухий хитоблар ичида қатор-қатор ҳазиллар, қизиқ ва қувноқ ҳикоялари ҳам бўлган ўнларча мумтоз мактублар, ниҳоят, ўта жиддий онанинг юрагини ҳам юмшатди, у ҳам қизининг буюк севгилисига чин юракдан меҳр қўйишга мажбур бўлди. Тез орада опа-сингиллари ҳам

севишганлар томонини эгаллашди. Хиссиётларининг собитлиги тевараклаги барча одамларни хайратлантирарди. Орадан қанча вақт ўтганига қарамай, севгилари гулхандай авж олиб борарди. Танишганларига тўрт йил бўлганида Дидро Воланга шундай деб ёзган эди: *«Тўрт йил олдин сиз менга гўзал бўлиб кўрингандингиз. Энди эса мен учун янада гўзалроқ, очилиб кетгандай бўлиб кўриняпсиз»*. Волан эса ўшандаги учрашувлари ҳақида *«Мен ўзимни унинг хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиш учун ўртамизга стол қўйиб олишга мажбур бўлгандим»*, деб ёзади. Дени Дидро Россияда ярим йилча қолиб кетганди. Францияга қайтганидан сўнг ортик чет элларга кетмади. Аммо ўн йилча ҳеч қандай асарини нашр эттирмади. Фақат Софи Воланга бағишланган серфикр, гоёлар ва ҳиссиётларга тўла мактублари бу ўн йил давомида ҳеч тўхтаб қолгани йўқ. У севгилисига ёзган хатларининг бирида *«О, азизим! Баъзи дақиқаларда, қандайдир бир сир юз бериб, Сиз менинг олдимда бўлиб қолсангиз, мен бахтдан ўлган бўлардим»*, деб ёзган эди. Уларнинг ёзишмалари 1784 йилда тўхтади. Дидро ўша йилнинг 31 июлида, 71 ёшда вафот этди. Унинг ўлимидан беш ойгина олдин файласуфнинг садоқатли ва самимий, гўзал севгилиси Софи ҳам оламдан ўтган эди. Айтишларича, Софи Воланнинг бирдан-бир портретини номаълум рассом Дидронинг илтимоси билан ўзи севган Гораций жилди титулининг ортига солиб берган экан. Аммо Екатерина Иккинчи бутун кутубхона 1765 йилдаёқ сотиб олганди ва бу асар ҳам бошқа кўп жилдлар қатори китоб омборларининг жавонларида кўздан йўқ бўлиб кетган. Эҳтимол, кимдир юзларча эски, чанг босган китоблар орасидан ўша кичкина жилдни топишга муваффақ бўлар ва уни очиб буюк ва тузалмас даҳонинг юзларча хатлари бағишланган аёлнинг юзини кўриб қолар.

*Дени Дидро — Софи Воланга
(1759 йилнинг июли)*

«Мен сизга бир-икки оғиз сўзимни айтмасам, кетолмайман. Шундай қилиб, менинг севиқлигим, Сиз мендан кўп яхши нарсаларни кутяпсиз. Сизнинг бахтингиз, ҳатто Сизнинг ҳа-

ётингиз, Сиз айтганингиздай, менинг Сизга муҳаббатим билан боғлиқ. Ҳеч нимадан қўрқманг, азизим Софи; муҳаббатим мангу давом этади, Сиз яшайсиз ва бахтли бўласиз. Мен ҳеч қачон хунук, чакки иш қилмаганман ва бундай йўлга кирмоқчи ҳам эмасман. Мен бутунлай Сизникиман ва Сиз мен учун ҳамма нарсамсиз. Тақдир бошимизга солиши мумкин бўлган ҳамма балолар чоғида Сиз бирма-бир менинг изтиробларимни енгилатасиз; мен эса Сизнинг оғир-енгилингизга ёрдамлашман. Сўнги пайтларда Сизни қандай кўрган бўлсам, ҳамиша ўшандай кўра оламан! Менга келсак, биринчи танишган кунимизда мени қандай кўрган бўлсангиз, мен ҳозир ҳам ўшандай эканлигимни тан олишингиз керак. Бу фақат менинг хизматим эмас, адолат юзасидан буни Сизга айтишим керак. Кун ўтган сайин мен ўзимни жонлироқ ҳис қиляпман. Мен Сизга содиқлигимга ишонаман ва сизнинг фазилатларингизни борган сари кучлироқ қадрлаётирман. Сизнинг содиқлигингизга менинг ишончим қолди ва буни қадрлайман. Ҳеч кимнинг эҳтироси меникичалик катта асосларга эга бўлмаган. Азизим Софи, Сиз жуда чиройлисиз, тўғрими? Ўзингизга синчиклаб бир қараб кўринг, қаранг севиш ва севилиш Сизга қандай ярашади; бу ҳисларимнинг ўзгармас ифодасидир.

Тунингиз хайрли бўлсин, азизим Софи. Бир одам қанчалик бахтли бўла олса, мен аёлларнинг энг гўзали ўзини севишини билган шундай бахтли одамман».

Дидронинг ҳикматли фикрлари

Киши жамиятда яшаш учун яралган; уни жамиятдан ажратиб, ёлғизлатиб қўйсангиз — фикрлари ҳам алмойи-жалмойи бўлиб қолади, сажияси ёмонлашади, юрагида юзлаб норасо эҳтирослар туғилади, худди чўлда ўсган ёввойи тоғолча сингари миясида бемаъни ғоялар томир ёяди.

Севи, кўпинча, ақлли кишиларни ақлдан оздиради ва ақлсизларга ақл беради.

Иложи борича кўпроқ одамларга бахт ҳадя қилган киши энг бахтиёр кишидир.

Нотик, публицист, ёзувчи ва француз инкилобининг сиёсий арбоби граф Габриэл Оноре де Мирабо 1749 йили Парижда, машхур француз иқтисодчиси ва файласуфи Виктор де Мирабо оиласида туғилди. Туғилганда оёғи буралган, уч ёшида чечак касалидан ўлаётган, юзлари чўтир бўлиб қолганди. Қайнаб турган порлоқ кўзлари, ҳаракатчанлиги ва юзларининг ёқимли ифодаси бу нуқсонларини ёпиб кетарди. Шиддатли,



ўзбошимча сажияси билан билимга чанқоклиги, маъноларни тез чақиши, ишлаганда ишни охирига етказмасдан қўймаслиги ўқитувчиларнинг завқини келтирарди. Аммо унинг ҳеч кимга бўйсунмаслиги отаси билан кўп тўқнашишларга сабаб бўларди, шу жиҳати туфайли отаси уни болаликдан ёмон кўриб қолади. Уни бироз тийиб қўйиш учун ҳарбий мактабга жойлаштиради. У ерда ҳам тартибсиз яшаётган, қарзга ботгани отанинг қазабини келтиради ва у қиролга мурожаат қилади, қирол уни судсиз қамаб қўйиш тўғрисида фармон чиқаради. Ёш Габриэл Онорени Рэ қасрига қамаб қўядилар. Шу воқеа ота-бола ўртасида сурункали курашлар бошланишига сабаб бўлиб, ўғил бир у турмага, бир бу турмага қамаларди. Ниҳоят, у ўз полки билан Корсикага жўнатилади. У ердан «Драгунлар капитани» унвонини олиб қайтади. Бу ерда айрим бўш вақтидан фойдаланиб, ўзининг биринчи асари «Корсика тарихи»ни яратди. Отаси ўз фалсафий ва иқтисодий қа-

рашларига зид бўлгани учун, бу асарни йўқ қилиб ташлади. Аммо ўғлидаги ақлий қудратни пайқаб, уни ўз иқтисодий назариялари томонга оғдиришга ҳаракат қилди, ёнига чақириб олиб, унинг номига катта ер-мулкни ўтказиб қўйганини айтди ва бу ер-мулк бошқарувини ўғлига топширди. Катта мулкдорга айланган 23 ёшли Габриэл Оноре де Мирабо 1772 йилда ўзига ўхшаган катта мулк-меросга



эга бўлган Эмилия Мариньянга уйланди. Аммо бу никоҳ уларга бахт келтирмади. Мирабо қисқа вақт ичида хотинининг каттагина мол-дунёсини еб-ичиш, ўйинқароқликка совуриб юборди. 1774 йилда 120000 франк қарзга ботди. Сўнг отасининг талаби билан Манок деган кичкина шаҳарчага сургунга кетди. У ерда ўзининг кенг қўламли «Деспотизм¹ ҳақида эсселар» номли китобини ёзиб, нашр эттирди. Габриэл асарда давлат бошқарув органлари, армия ва ҳоказолар ҳаётидан кўп мисоллар келтириб, уларни яхшилаш тўғрисидаги фикрларини ўртага қўйган эди. Китобда муаллифнинг кенг қўламли тарихий билимлари яққол кўринади.

Манокда тузуккина яшаб юраркан, бир куни қаердadir кимдир опаси Де Кабри хонимни ҳақорат қилганини эшитиб қолди ва ўз сургун еридан руҳсатсиз чиқиб кетиб, ўша одамни дуэлга чақирди. Аммо отасининг илтимоси билан Иф қалъасига қамоққа ташланди. Бу ерда ҳам бошлиқнинг хотинини йўлдан уради ва 1775 йилда Жу қасрига ўтказилади. У қамоқда бўлса ҳам, қўшни Понтарлье шаҳарчасидаги оқсуякларнинг йиғинларига бориб туриш имкониятига эга эди.

Понтарльеда 70 ёшли қарияга узатилган 16 яшар София Монье билан танишди-ю, уни қаттиқ севиб қолди; отасига хат ёзиб, ўзини чиқариб олишини илтимос қилди. Ота ўғлини озод қилишга қатъиян қарши эди. Шунда икки ёш яширинча гапни бир жойга қўйиб, Швейцарияга

¹ Деспотизм – зулмкорлик.

қочиб кетдилар. Сўнгра Голландияга келдилар. Мирабо мақолалар, инглизчадан ва немисчадан таржималар қилар, севишганлар Мирабо ишлаган гонорарлари ҳисобига кун кўрардилар. Шу ерда «Эслатма ва сабоқлар» («Avis aux Hessois») асарини ҳам ёзди, унда инглизлар Америка билан урушиш учун гессенларни сотганлари нақл қилиниб, зўравонликка қарши кескин норозилик билдирилган. Франция полицияси мэрнинг даъвоси билан София де Моньенинг изига тушган эди. Икковларини тутиб олиб, монастырга қамаш тўғрисида ҳукм чиқаришди. Лекин София ҳомиладор эди, монастырга тўққанидан сўнг қамаладиган бўлди. Мирабо эса отасининг талаби билан Венсенн турмасига қамаб қўйилди. Сўнгра Де Моньенинг қатъий даъвосига кўра, парламент Мирабони бировнинг хотинини ўғирлаганликда айблаб, ўлим жазоси берилиши кераклиги тўғрисида қарор чиқарди.

Қамоқдалиқ йилларида бу севишганлар полиция бошлиғи Ленуар воситачилиги билан муттасил ёзишиб турдилар. Мирабонинг биргина Венсенн турмасидан ёзган хатлари 30000 сатрдан ошди. Унинг хатлари 1793 йилда нашр этилди. Мактублар гапга усталиги, ҳаётийлиги, оригиналлиги ва эҳтиросга бойлиги билан ажралиб турарди. Бу йилларда Мирабо кўпдан-кўп бошқа асарлар ҳам ёзди, уларнинг баъзилари, масалан, «Эротика библиографияси» ва «Конверсия» («Ўзгартириш» — ҳужжатлардаги шартларни ўзгартириб қўйиш назарда тутилади) романи ўз бошидан ўтган суронли йиллар ҳақида ҳикоя қилса, бошқаларида бадий тўқимадан шу қадар усталик билан фойдаланилганки, барчаси Мирабонинг сиёсий тафаккури етуклигидан далолат беради.

Мана, Мирабо билан Софиянинг ёзишмаларидан айрим намуналар:

Мирабо Софияга

«Ла-Брюйер дейдики, инсон севикли кишилари даврасида бўлганида қаноат топади. Улар билан гаплашишни

уйлаймизми ё жим ўтирамизми, уларга алоқасиз бошқа нарсалар ҳақида уйлаймизми, бунинг фарқи йўқ, муҳими, улар билан биргамиз, вассалом. Нақадар тўғри-а, азизим! Яна шуни ҳам тўғрики, биз бунга шу қадар қаттиқ ўрганиб кетганмизки, бусиз яшашнинг иложи йўқ. Эй воҳ! Мен буни яхши биламан, уч ойдан буён сендан узоқда сенга ичикиб, сендан бенасиб юрганим учун буни яхши билишим керак, энди менинг бахтим тамом бўлди. Шундай бўлса-да, тонглари уйғонганда сени излайман. Менга менинг ярмим етишмаётганга ўхшаб кўринадим ва бу айни ҳақиқатдир. Кунига йигирма марта, ҳай, сен қаердасан, деб сўрайман ўзимдан ўзим. Хом ҳаёлим нақадар кучли эканини шундан билавер ва унинг чил-чил синганлиги гирт золимликдир. Ухлашга ётганимда мен ҳар доим сенга жой қолдираман. Деворга тиқиламан, тор ўрнимнинг анчагина қисмини сенга ажратаман. Буни ғайрихатиёрий, онгсизларча қиламан. Одам бахтга қандай ўрганиб қолади-я! Эй воҳ! Буни фақат ундан айрилгандан кейингина тушуна бошлайсан. Ишончим комилки, биз бир-биримизга нақадар зарурлигимизни бўрон бизни бир-биримиздан айирган вақтдан кейин чуқурроқ англадик. Кўзёшларимиз булоғи ҳали қуригани йўқ, жонгинам Софи; биз ҳали шифо топмадик; юракларимизда севгимиз яшаб турибди, демак, мотам тутишга арзигулик нарсамиз бор. Улуғ изтиробни ирода ва ақл билан даволаш мумкин деяверсинлар; фақат кучсиз ва енгилтак кишиларгина шундай деб ўзларини ўзлари овутадилар. Шундай йўқотишлар борки, уларга ҳеч қачон кўникиш мумкин эмас. Севгидан бахт топмасалар, уни изтиробдан топадилар; тўғрироғи, уни хоҳлайдилар. Бу жуда қалтис ва нозик туйғу, ҳар неки демасинлар, энг нафис севгида яширинган бўлади. Габриэл овунганини билса, София тушкунликка тушармиди?

Нима учун бу туйғу Габриэлга тақиқланади? Тўғри, жуда тўғри ва жуда адолатли фикр: қаттиқ севиб қолганда, ўз маҳбубаси ёки маҳбубини ўзларидан ҳам ортиқ севадилар, лекин ўз севгиларидан ортиқ севмайдилар. Мен айтаётган нарсаларнинг ҳаммасини қурбон қилиш мумкинми? Ҳамма нарсани қурбон қилишни истайдилар, фақат севгили хилқатининг севгиси бундан мустасно.

Мендан бўлакча ўйлайдиган одам топилса, у ўзини мендан кучлироқ деб ҳаёл қилмасин, унинг севгиси меникидан кучсизроқдир. Яна сиғиниш мумкин бўлган муҳаббатга фақат битта қуролнигина қурбон қилиш мумкин, у ҳам бўлса, илма-тешик бўлган юракни... Сенинг бахтинг учун менинг ўлимим зарурлигини, сен фақат жоним эвазига бахт топа олишингни аниқ билсам, мен бир дақиқа ҳам ўйлаб ўтирмасдан ўзимни ўзим ўлдирардим. Мен буни қувона-қувона адо этган бўлардим, чунки бу билан сенга ёрдам берган бўлардим. Мендай ошиқ инсон учун бу энг нозик бир қасос бўлар эди — ўзимнинг ўлимим билан оқибатсиз севгилимни оқибатсиз инсон қилиб қўяр эдим. Мен буни ҳеч ачинмасдан адо этган бўлардим, чунки шу туфайли, модомики, сен мендан кейин бахтли бўла олар экансан, демак, мени севмаганлигинг аён бўлиб қолар эди. Мен ўз севгимни қурбон қилмаган, аммо сенинг айниманлигинг учун ўзимдан ўзим қасос олган бўлардим — София учун ўзимдан ўч олишининг бирдан-бир йўли шу бўлар эди. Сенинг севгингдан мутлақо воз кечмаган ҳолда, уни йўқотганим учун ўзимни ўзим жазолардим. Бундай ўйламаётган одам ё алданаётган, ёки алданишни хоҳлаётган бўлади. Ҳақиқатан севганидан кўра кучлироқ севаман деб ўйлаётган одам, бунга ўзини ишонишга ҳам мажбур қилади.

Менинг фикрим қанчалик содда бўлса, шунчалик ҳаққоний ҳамдир. Мен сенга ҳамма нарсани қурбон қилишим мумкин, аммо муҳаббатингни қурбон қилолмайман. Мен буни ҳимматсизлик, деб ўйламайман; сен шундай деб ўйлаган кунингда мен бунинг учун ўзимни жазолайман; аммо севишимни яхши ҳис қиламан ва одамларнинг биронтаси мендан кучлироқ севади деб ўйламайман; юрагимда қувват ва куч шунчалик кўпки, бунчаси бошқаларда йўқ, бирон-бир ошиқ ўз маъшуқасини Габриэл Софияни севганчалик шундай катта назокат билан кўп севишга мажбур эмас. Миннатдорлик — мен учун шундай покиза бир лаззатки, бу менинг ошиқ бўлишим учун етарлидир. Аммо менинг севгим бошқа ҳар қандай ҳисларга боғлиқ (қарам) эмас. Биламан, агар сен мени ёмон кўриб қолсанг, мен ўз севгимдан шифо тополмаган бўлардим: мен сени билган заҳотим, сен

золимларча мени эгалладинг. Сенинг ёқимли сажиянг, сенинг тароватинг, нозик, ширин эҳтиросли қиёфанг менинг борлиғимни қамраб олди; сенинг ҳар бир сўзинг менинг юрагимга яқин эди. Мен сени қўлга олмоқчи ва фақат дўстинг бўлиб қолмоқчи эдим, чунки мен муҳаббатдан оловдан қўрққандай қўрқардим. Сен менга ёшлигинг ва чиройинг билан ёқардинг ва қалбимни йўлдан оздирардинг. Буларнинг ҳаммаси бизларни бир-биримизга чалбарчас қилиб боғлади. Ўз ҳисларингни яширмоқчи бўлсанг ҳам, аслида, ҳаракатчан, сезувчан эдинг, сен яраладинг ва менга тегиндинг. Сен мени дўстликдан муҳаббат сари етакладинг, мен ҳам сенга чин кўнгилдан дўстинг бўлолмайман, деб айтгандим. Сенинг дудоқларингдан яшин тезлигида учиб чиққан, кутилмаганда айтилганлиги билан мени ҳайратга солган нозик кесатикларинг мени ёндирди, шундан кейин мен ўйлаб қолдим, мен ҳаяжонда эдим.

Бу ҳаяжон менинг тинчимни олди.

Аммо мен ўзимни бу йўлдан қайтармоқчи бўлдим, ўзимга ўзим: «Қанча-қанча хотинларни кўрдим, маҳбубаларим етарли! Бу ҳаддан ташиқари ёш жувон жуда тажрибасиз! У қандай қилиб чидайди! Бу ҳали бола-ку», — дер эдим. Аммо бу бола, шундай нозик бола, сўзларимга диққат билан қулоқ солиб менинг иззат-нафсимни талтайтирар, мени шундай тинглардики... Мен айтаётган нарса билан ҳисоблашар, менинг ҳар бир сўзимни баҳолар, менга завқ берар ва мен учун ўзини заруриятга айлантирар эди. Биз бир-биримизни севардик, аммо ўзимиз буни тан олгимиз келмасди. Шундай содда ва беғубор Софиям менга самимият ва ҳиссиёт ўрнаги бўлиб кўринарди: унга фақат эҳтирослилик етишмас, аммо севги буни ҳам менга оҳиста-оҳиста ваъда қилди. У ҳеч кимга ўхшамасди ва ҳатто ғалатиноқ ҳам эди, аммо ҳаммаси унга жуда ярашарди, қовоқ солишлари ҳам, лекин нимасидир мақсадимга етишувим мумкинлигига мени ишонтирарди. Мен янглишмадим, уни йўлдан урарканман, ўзим ҳам йўлдан тойдим — мен буни кутмагандим, ҳатто бундай бўлишидан қўрқардим. Қандай телба бўлган эканман-а! Бундай бахтдан воз кечмоқчи бўлибман-а! Мен муҳаббатни ғурурдан юқори қўярдим. Кечир мени, Софиям, кечир. Мен бир-бировни

севиш лаззатини билмас эканман, бундай лаззатни бошдан кечиришни фақат сен ўргатдинг менга. Мен ўз жиноятимни оқладим. Мен қўлдаги кишанларимдан жуда қўрқардим, энди уларни қўрқувимдан кучлироқ яхши кўраман.

Аёлларни алдашга ўрганиб қолган эркаклар одамга хос вафодорлик қобилиятидан маҳрум бўлиб қоладилар, менда эса айнан шу нарса сенга ўхшаш маҳбубани соғинтириб юборди, аслида, мен сени учратишни умид қилмагандим, ҳолбуки, мен сенинг фазилатларинг қадрини билганим сайин сени кўргим келиши кучайиб борарди. Аммо оламда севишга арзийдиганлар жуда кўп! Бошимга бахтсизлик балоси йиқилгандан бери мен бунга яққол кўриб турибман, аммо ҳеч бир аёлнинг ақли нима билан бандлиги, фикрлаш тарзи ва табиати сендаги хусусиятлар каби мени оташга солмайди. Мен руҳи қашишоқ аёлни севомайман, чунки мен суҳбатлашганда бир дўстга гапиргандай гапиришим керак. Жимжимадор гапга чечанлар мени чарчатиб юборади: Фейлан хонимдан ўтказиб сўзлайдиган ким бор ҳозир? Ҳаяжонланиб гапиришлар, менинг назаримда, шундоғам чиройли юзга яна бўёқ чаплашга ўхшаб кетади... Яъни бўянмоқчи бўлган одамга бу бўёқлар кераксиз бўлибгина қолмай, ҳатто зарарли ҳамдир. Демак, мен соддагина, аммо нозик қалб эгаси, собит ва қувноқ бир қизни танлашим керак эди. Менда кўникма бидъатлар шу қадар озки, менинг фикрларим киборлар фикридан шу қадар фарқлики, икир-чикирлардан тўқилган, доим ўз руҳиятини таҳлил қилишга мойил аёл менга тўғри келмаган бўлар эди! Мен сенда ғайрат, қатъият, куч, барқарорликни кўрдим. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас; менинг табиатим нотекис, таъсирчанлигимнинг чегараси йўқ. Шунинг учун менга нозик ва беозор бир аёл керакки, у мени тинчлантира олсин ва мен ажойиб аёлда фазилатлар, ноёб хислатлар омухта бўлиб чиқишини умид қилолмасдим, одатда, бунақалар учрамайди. Аммо, ҳарқалай, буларнинг ҳаммасини сендан топа олдим, азиз дўстим. Шундай бўлгач, сен менга кераклигинг ҳақида ўйла, бахтимиз иморати қандай қад кўтариши сенга боғлиқ. Бизнинг бошимизда қандайдир улкан бир хатар бор, дея қалтирай бошласам, жаҳлнинг чиқмасин. Сен мен учун бир омад, тангрининг иноятисан, сен мен учун менинг ўзимдан

ҳам қадрлироқ бир хилқатсан. Менинг сажиям шаклланиб бўлган, сеники ундай эмас, менинг тамалларим мустаҳкам, сен эса бундай нарсага эга бўлиш зарурлигини эндигина ўйлаяпсан. Сен бу дунёда бошқа бир одамга боғланишинг ва бахтингни топишинг мумкин, Габриэлнинг қучоғида топиш тақдирингга ёзилганидан ортиқроғини... Аммо София менинг бахтим учун бир зарурият эди; фақат угина менга шундай бахт бера олар эди.

1778 йил 9 январь, чоршанба».

«Азизим, бирдан-бир қўлдошим, мактубингни ўпичларга кўмиб, кўёшларимга фарқ қилдим. О!.. Менинг дўстим, Софиям, кўксимдаги қандай оғир юкдан қутқардинг! Аммо яна қанчалари қолди! Аҳ, сен ўзинг тўғрингда, соғлиғинг ҳақида ҳеч нарса ёзмабсан! Сенинг хатинг азоблар аро ёзилган — буни кўриб турибман; сен биттагина сўз, бўлган воқеадан сўнг фақат битта сўз қўшгансан. Ҳам бу сўз шундай титраб-қақшаб ёзилганки! Ҳарфларнинг нотекислиги юрагимни тилкалади! Илоҳий эътибор! Ҳар ёғида сенинг қалбинг кўриниб турибди, сенинг қалбинг! Аммо сен ўзингни қандай ҳис қиляпсан? Айт, буни менга айт, Софиям! Мен қандай тинчланай? Эҳ, менинг юрагимни тош босиб ётибди, ўзи бундан ҳам қоронғироқ эди. Бу хатимнинг пойинтар-сойинтарлиги, дастхатимнинг ўзгариб кетганлиги сени хавотирга солмасин; менга келган хабарлар мени издан чиқариб юборди; ҳаяжоним ҳаддан ташқари кучли ва ҳаддан ташқари табиий. Мен ҳушимга келишим учун ўзимга фурсат қолдирмаяпман, чунки бу хатимни кўрганда бошдан кечирадиган хурсандлигинг менинг айбим билан орқага сурилишини истамайман.

Жоним, жонгинам София, шундай қилиб, сен — онасан! О, кейин бу болангни сендан тортиб олишмайди. Бу сенинг азобингни, изтиробларингни юмшатсин! Мен сенинг боланг деяпман, эҳ, мен ахир биламан-ку, у менинг ҳам болам! Сенинг дўстинг «ота» деган ширин номдан ҳеч қачон юз ўғирмайди. Шафқатсиз София, бахтсизлигим учун сен мендан гина-кудурад қилибсан. Ё Улуғ Тангрим! Ахир мен ўзимга эмас, сенга бахтсизлик келтирдим-ку! Ишон, бошқа ҳеч нарса мени

шунчалик кўп ўйлатмайди. Аммо тинчлан, ўтинаман, менинг қувончим! Сен жонимнинг ярми эканлигингни эсла. Агар сен фақат ўзингни ўйлаганингда, менинг ҳаётимга қўшилармидинг? Сен руҳ тинчлигига муҳтожсан, Софиям, ўзингни ая, бахтли замонлар учун эҳтиёт қил. Бу хатни оласан деган ишонч менга жуда катта тасалли бўлар эди, агар сен менга буни тасдиқ этишни хоҳласанг! Менга айт, ўз аҳволинг қандайлигидан мени хабардор қил, ўзингни қандай ҳис қилаётганингни баён қил ва энг муҳими, мени алдама. О, мени алдама, тез орада ҳеч қандай хавф-хатарсиз, қийинчиликсиз шундай қилажагингни ёзиб юбор. Менинг қалбим қийналди, аммо ҳали кучим бор, сенда эса бундай куч қолмаганга ўхшайди; шунинг учун шошилма, майли, мен яна бироз азобланай.

Қизимда менга ўхшаи аломатлар бор дебсанми? Сен унга бу ғамгин соғғани берибсан, аммо унда энди сенинг руҳинг бўлсин, шундагина у бой бўлади. Шундагина табиат уни туғилишида нуқсонли қилганининг ўрнини қойиллатиб қоплаган бўлади. Ҳа, дарвоқе, у ҳаддан зиёд таъсирчан бўлади. Аммо таъсирчанлик азоб-уқубатлар ҳам, яна кўпроқ яхшилик ҳам олиб келади.

Сенга узун ёзишни истамайман, хоҳламайман ва бу қўлимдан келмайди ҳам. Сенинг юрагингни, бошингни, аҳволингни безовта қилгим келмайди. Қўлдошим, Софиям, тиз чўкиб сендан илтимос қиламан, ҳатто талаб қиламан, қизимиз ҳаққи, дуо билан ёлвораман, унинг отаси ҳаққи, сенинг қасамларинг, сенинг севгинг — қандай севишингни ифодалай олмасанг ҳам бу ҳақда менга айтгансан — ана ўша муҳаббатинг ҳаққи, ўзингни асра! Ҳеч нарсада бепарволик қилма, сен ўз соғлиғинг ва кучингни тез тиклай олишинг мумкин; олижаноб ва ажойиб саботингни ўзингга нисбатан ишлат! Соғ бўл! Алvido, қувончим ва ҳаётим!»

София Монье Мирзоба

«Эй, менинг юракдан урган йигитим, сен ҳали мени севасанми, деб юрибсанми? Сени ўлгунимча ўлгундай суйишимни билмайсанми ахир?! Ҳа, бу рост. Қандай ажойиб

киши экан жаноб Бушэ.¹ Демак, сен энди қаердалигимни биласан. Мен сенга кўзим ёриган кунни хат ёздим, унинг ичига қизингнинг соч толаси солинганди.² Лекин сенинг дастхатинг қоғоз сиртига чиқиб кетибди; сиёҳ ёйилиб кетадиган қоғозга ёзма; қоғоз қанча қалинроқ бўлса, сиёҳлар шунча оз ёйилади.

О, азизим, азизим, мунчаям бебахтсан! Доим айтадиган олдинги умидларинг қани? Мен тезда эркинликка чиқасан, деб ўйлагандим, шунинг учун ҳам ўз турар жойимдан сени хабардор қилиш учун шунчалик қаттиқ уринган эдим. Агар киборлар кийимида кириб келсанг, мени кўришинг мумкин. Ўзингни жаҳонгаишта тижоратчи, комиссионер, ноёб китоблар сотадиган ёймачи ёки бирор шунга ўхшаган киши қилиб кўрсатиб, граф қизи билан суҳбатлашмоқчи эканингни айтсанг, яхшироқ бўлади. Мен шунга ўхшаш кишилар билан кўришиб тураман; менга фақат одоб-ахлоқли кишилар билан кўришишига рухсат бор. Қулай вақт — эрталаб соат ўндан туш пайтигача. Агар тиш доктори сифатида келсанг, ҳатто менинг хонамга ҳам кириб олишинг мумкин. О, азизим, шунда мен юрагинг ёнида қувончдан ўлишим мумкин».

Ошпақларнинг кейинги ҳаёти

Мирабо 1776 йилда уч ярим йиллик муҳлат билан Венсенн турмасига қамалди. София бола туғилгандан кейин 1778 йилда монастирга жўнатилди.

1779 йилда иккаласи ҳам эркинликка чиқишди. Қамокдалик йилларида бир-бирларига қанчалар муҳаббатга тўла мактублар битган бўлсалар ҳам, озодлик йилларида бахтли яшолмадилар.

Мирабо бирдан Софиядан совиди. У иккинчи марта эрга тегди, аммо бу никоҳи ҳам муваффақиятсиз чиқди. Ва у шу йили ўз жонига қасд қилди.

Мирабо парламентнинг қарорига қарши кассацион судга мурожаат қилиб, унда ғолиб чиқди, парламент қарори бекор бўлди ва Мирабо ҳатто Монъедан судга

¹ Габриэль Буше — қамокхонада воситачилик қилган полициячи.

² Олдиница улар яширин сиёҳ билан ёзишарди.

кетган харажатлар ҳақини ундириб олди. Кейин ажрашишни талаб қилаётган хотинига қарши ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқди. Кейинроқ ота-онаси ўртасидаги суд жараёнида ҳам катнашиб, мавжуд тузумни кескин танқид қилди. Бунинг оқибатида яна Франциядан Брюсселга кетишга мажбур бўлди. 1784 йилда Де Нера хоним билан танишди. У жуда ақлли ва ўқимишли, Мирабонинг фаолиятини яхши биладиган, қадрлайдиган, оғир дақиқаларда қўллайдиган ажойиб инсон бўлиб чиқди. У Мирабога Софияни унутишга ёрдам берди. Улар бирга яшай бошладилар, шу йили Лондонга кўчиб ўтишди. Мирабо адабий-сиёсий ҳаётга киришди.

1785 йилда Парижга қайтди ва 1786 йилда Фридрих II вафоти муносабати билан Мирабо эндиги сиёсий аҳволни ўрганиш учун Пруссияга жўнатилди. Топшириққа биноан министр Калоннга 66 та хат ёзди, сўнгра 1786 йилнинг июлидан 1787 йилнинг 19 январигача Пруссияда кўрган-кечирганларини 1789 йилда бир китоб қилиб чиқарди. Китоб жуда кўп қизиқ қузатишлар, ҳажвий портретлар, ўткир хулосаларга тўла. Мирабо Фридрих II тириклигида унга бир хат ёзиб, Пруссияда ислохотлар ўтказиш зарурлигини, озодликни бўғувчи қонунларни бекор қилиш кераклигини ёзган эди, аммо хатига жавоб бўлмаганди. Мирабо Парижга қайтганида ўз китобида министрлар Калонн ва Неккерга ҳужум қилиб, аҳволни яхшилаш учун ҳеч нима қилмаётганларини танқид қилди. Тонгрга кетишга мажбур бўлди. У ерда яна Неккерга қарши ва бошқа рисолаларини ёздики, булар кейинчалик «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» учун асос бўлди. Тақдир Мирабони қайга ташламасин, ҳар ерда адолат, озодлик, ҳақ учун курашди ва 1791 йилда вафот этди.

«Мирабо мағрур юради, одамлар унга ёмон кўз билан қарашларига парво қилмайди, келажакда буюк ишлар курсатажagini олдиндан билгандай арслоннинг ёлларига ўхшаш сочларини силжитиб кетаверади...»

Анна Луиза Жермен де Стал.

СТАЛ ХОНИМ билан БЕНЖАМЭН КОНСТАН

Анна Луиза Жермен де Стал хоним (1766–1817) – француз ёзувчиси. У женевалик жуда катта бой банкир Неккер оиласида туғилди. 1777 йилда Франция молия инқирозига дучор бўлганида, қирол Людовик XVI нинг таклифи билан Парижга кўчиб келган ва молия вазири этиб тайинланган, шунда Неккер Франциянинг молиявий ночорлигини кўриб, маош олмасдан вазирлик вазифаларини адо этган ва ўз маблағлари билан Франция иқтисодиётини қўллаб-қувватлаган эди.



11 ёшида Париж ҳаётига қўшилган Анна Луиза Жермен бу ерда ҳар томонлама юксак маълумот олди. Онасининг салоида йиғиладиган машҳур файласуфларнинг йиғинларида билим даражаси янада юксалди. У 1787 йилда, яъни 21 ёшида илк бора «Жейн Грей» номли фожиасини ёзди. Асар сарой аҳлига ёқди ва 1790 йилда китоб ҳолида босилиб чиқди. 1788 йилда «Жан Жак Руссонинг шахси ва асарлари ҳақида мактублар» номли рисоласи ҳам файласуфларнинг эътиборига тушди. Бу китобчада унинг дунёқараши француз маърифатпарварларининг фалсафий фикрларига яқин эди. Шу йилларда у швед элчиси Голштейн билан оила қурди. 1793 йилги француз инқилоби арафасида мустабидчиларга қарши оппозиция томонида бўлди. Инқилобни завқ билан қарши олди, аммо якобинчиларнинг диктатураси уни кўр-қитди. Швейцарияга, сўнг Англияга кетиб қолди. Фақат 1795

йили 9-термидордан кейин Францияга қайтди, Констан исмли ёзувчини севиб қолди.

Констан де Ребек Бенжамен Анри Швейцариянинг Лозанна шаҳрида 1767 йилда туғилганди. Эдинбург университетини тамомлаган, у ерда Адам Смит маърузаларини тинглаган эди. 1788 йилда озроқ немис герцогининг маслаҳатчиси бўлиб ишлади, аммо у ерда сиқилиб кетиб, Парижга қўчиш ҳаракатига тушди. Де Стал бу борада унга катта ёрдам берди. Де Сталнинг қарашлари Констанга ҳам юкди. Констаннинг «Хозирги француз ҳукуматининг кучи ва уни қўллаш зарурлиги тўғрисида» (1796) деган биринчи публицистик асари «тартибни ва шахс эркинлигини қўриқловчи» Директорияни табриклаган эди. Консуллик йилларида Констан Трибунал аъзолигига тортилди (1799–1802). Наполеоннинг зулми кучайиб кетганда Констан оппозиция томонига ўтиб, чет элга чиқиб кетишга мажбур бўлди (1803–1814). Бу йилларда Де Сталнинг «Адабиёт ҳақида. Ўрнатилган жамият низомлари муносабати билан» (1800) сарлавҳали катта таъсир кучига эга бўлган, адабий ҳодисаларнинг ижтимоий тартибларга боғлиқлиги ҳақидаги публицистик асари, «Делфина» (1802), «Коринна ёки Италия» (1807) номли романлари, «Германия ҳақида» (1810) номли китоблари француз романтика ошуфталарининг кўзини очди... Констан де Ребекни севган йилларида бошидан кечирган изтиробларини қисман «Коринна» романида акс эттирганди.

Стал хоним Констан билан ажрашгач, шоир ва таржимон, танқидчи, немис адабиёти тарихчиси Август Вильгельм Шлегел (1767–1845) билан дўстлашди. У романтизм назариятчиси, романтика ихлосмандларининг гояларини бир тизимга солиб, изохлаб берган шахс, қиёсий тилшунослик асосчиларидан бири эди. Де Стал унга қўп яхшиликлар қилди, аммо бунинг эвазига садоқат ва рўшнолик кўрмади.

Стал хонимнинг қуйида берилаётган мактублари ўлимидан бир неча йилгина олдин эсдалик руҳида ёзилган иқрорларидир.

«Лондон, 1813 йилнинг ноябри.

Йўқ, тўғриси, мен сизни унутолмайман. Мен хоҳласам, қалбимдаги азобни яшириб, ўйин-кулги билан уни сал босишим мумкин, аммо ёлғиз қолган заҳотим, қайтадан жонланаверади. Абадиян вайрон бўлган юрак! Агар сиз садоқатли дўст сифатига эга бўлганингизда, мен ҳамма бандалар аро энг бахтли инсон бўлар эдим. Аммо мен бунга лойиқ бўлолмадим. Сиз билан учрашсам, бутун руҳим ва ишониш қобилиятим — бошқа жамики сўнган ҳисларим менда яна қайта уйғонган бўларди. Агар сиз бу ёққа келмасангиз, мен сиз турган қитъага бораман. Менга бундай имкон борга ўхшаб кўринади. Ким билади, дунёмизга нима бўларкин? Озодликнинг устига ҳар томондан бир хил хатар таҳдид қилмоқда... Аммо, энг муҳими, инсоний моҳиятдан ташқарида турган одам (Наполеон) подшоҳлик қилишни тўхтатиши керак. Шлегель менга берган хатни мен вазирларга топшириб юбордим. Сизнинг қўлингиздан ўтган ҳамма нарса каби у шундай яхши ёзилган эканки, бошқа бирон одамда бундай услуб, тенгсиз қатъият ва ифода аниқлигини топиш мумкинлигига гумоним бор. Китобимнинг сўзбошисига («Германия тўғрисида» китобининг сўзбошисига — М. А.) кўзингиз тушдими, қитъадагиларга таъсири қандай бўлганини билмайсизми? Агар сиз ўз асарингизни бу ерда сотишни хоҳласангиз (гап Констаннинг «Босқинчилик руҳи ва ҳокимиятни зўрлик билан тортиб олиш» номли китоби устида бораётир — М. А.), бу ишда мен сизга ёрдам бера оламан, деб ўйлайман. Ҳозирги сиёсий аҳволга доир нарсалар бу ерда жуда қадрланади. Сиз билан учрашганимдан кейин Юнонистонга жўнайман. «Ричард» шеъри менинг васиятим бўлиб қолади. Бенжамен, сиз менинг ҳаётимни тортиб олдингиз! Ўн йил давомида ҳаётимнинг ҳар бир кунни сизни



соғиниш билан ўтди. Кандай севардим-а сизни! Майли, бу гапни қўяйлик — бу ўта шафқатсизлик, аммо, ҳарқалай, мен сизни ҳеч кечирмайман, изтиробларим ҳам ҳеч қачон тинмайди. Қум устида ҳаёт қуриш — оғир. Азоблар ўзгармас ва узлуксиз. Менга хат ёзинг».

Стал Хоним — Шлегелга

«Лондон, 1813 йилнинг 9 ноябри.

Мана, икки ойдирки, мен сиздан бир сатр ҳам олмадим, нақадар аламли бу! Менинг қанчалик бахтсизлигимни била туриб, сиз менинг юрагимга шундай заҳар қуя оласиз, деб ўйламагандим ҳеч қачон. Бу ерда ҳамма одамлар ўз дўстларидан асосий уй-жойларига хат олишади, ҳатто энг банд одамлар ҳам ёзишга вақт топади, фақат мен жуда узоқдаги биронта яқин дўстимдан ҳеч нима олмайман, улар ўз манфаатларини қурбон қилолмайдилар; у билан ажрашганимда мен ўзимни тирноқча ҳам ўйламаганим учун у мендан ҳар доим миннатдор бўлади, деб умид қилгандим. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас: сизнинг ўғлимга ёзган қичкина хатчангиздан сиз бизнинг меросхўр шахзодамиз фойдасига тирноқча ҳам ҳаракат қилмаганингиз кўришиб турибди. Аммо сиз буни менга ваъда қилгандингиз, сизга хос миннатдорлик туйғуси шахзода билан машҳур дўстлигингиз сизга менинг олдимдаги бурчингизни эслатмадими? Наҳотки, арзимаган омадлар сизнинг қалбингизни ҳам ўзгартириб юборган бўлса; Сизнинг бу унутувчанлигингиз менинг қалбимни тилкалаши мумкинлигини ҳис қилмадими ахир? Ҳар бир хат-хабар ўзи билан бирга уйқусиз тунларни олиб келади. Мен бошқалар олдида ўзимни камситилган деб ҳис қиляпман, мендан доим «Жаноб Шлегелдан сизга хабар келгандир энди?» — деб сўрашади. Одамни зиқ қиладиган ёлғизликда, бу дунёдаги энг катта ҳазинам — дўстликка ишончимни йўқотиб яшаяпман. Менинг ўғлим ва қизим ҳам сизнинг ҳаммамизга лоқайдлигингиздан ўзларини ҳақоратланган деб ҳис қилмоқдалар; биз шундан бошқа гапни гаплашмаймиз; азиз ўғлимнинг ўлимидан кейин (1813 йилнинг ёзида Стал хонимнинг ўғли Альберт дуэлда ўлдирилган эди — М. А.) бу мен учун энг катта қайғудир. Бу икки бахтсизлик

деярли бир вақтда содир бўлди, мен ўзимга ўзим дейманки, у тирик бўлганида на сиз, на шахзода мени унутмаган бўлишарди, мен қитъадан хат олиб турган бўлардим; ўша мақсад учун ўз ҳаётимни қурбон қилганимда, у мақсадга эришган бўлардим, дўстим мени бу билан табриклаган бўларди. Эҳ, мен сизга муҳтож бўлганимдай, сиз ҳам менга муҳтож бўлганингизда, мен сизни тақдир ҳукмига ҳавола қилиб ташлаб кетармидим? Стокгольмда сизни ташлаб кетдимми? Менинг бойлигим — агар шундай нарса менда бўлса, у сизники ҳам бўлмасмиди?

Мен бу китобни чиқардим, унинг ҳамма жиҳати сизни эсга солади (Стал хонимнинг «Германия тўғрисида» деган китоби 1813 йилнинг октябрида Лондонда босилиб чиққанди. У бу китобни ёзаётганида Шлегель ҳар доим уникида бўларди — М. А.). Наир уч кун ичида таланиб кетди. Аммо бундан менга нима? Сиз бирга бўлган сўнги пайтларда менга ёмон муносабатда бўлиб яхши қилган экансиз, йўқса, мен ҳеч қачон сизни ташлаб кетолмасдим. Мен сизда шунча кўп нарса йўқотдимки!.. Агар қачондир сиз билан яна учрашсам, сизни ушлаб қолиш учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қилардим! Мен дунёдан қўл ювиб қўлтиққа ургандайман, ҳолбуки, мени бу ерда жуда яхши қабул қилишади; мени эзадиган нарса — қудуққа тушган тошдай жим бўлиб кетганингиз. Ҳатто жаноб фон-Ваттерштедт ҳам ўз хотинига шундай муомала қилмайди, ҳам сиз инкор этолмайсиз: мен сизга ҳаммадан кўпроқ қизикувчи шахс эмасманми ахир? Менинг уйим — сизнинг уйингиз эмасми ахир? Менинг оилам, менинг болаларим-чи? Эҳ, сиз ўз сукутингиз билан мени қанчалар тилка-тилка қилиб ташлаяпсиз? Аммо агар сиз менга қайтиб келсангиз, мен ҳаммасини кечирган бўлардим.

Сиз бу урушга қандай чидаяпсиз? Мен қаҳрдан хавотирга ўтаяпман; илтимос, яқинингиздаги почталар ёнидан ўтиб кетманг, бир-икки сатр бўлса ҳам менга бир нималар ёзинг, аммо сиз мени ҳалок қилсангиз, билиб қўйингки, ўз бахтингизни ҳам ҳалок қиласиз.

Алвидо, менинг соғлиғим ҳалиям ёмон. Бир кун менга, албатта, ачинасиз!»

БЕНЖАМЭН КОНСТАН билан РЕКАМЬЕ ХОНИМ



Парижнинг машхур кишиларидан бири, банкир Рекамьенинг гўзал хотини Луиза Хоним шундай бир салон туздики, бу жой тез фурсат ичида барча француз зиёлиларининг севимли масканига айланди... Бу ерда бўлмаган арбоб, ёзувчи, шоир, файласуф, бастакор, артист, танқидчи, публицистни Парижда учратиш қийин эди. Франция вилоятларидан ёки чет эллардан келган ижод аҳли машхур кишилар билан шу ерда танишардилар. Табиийки, бу ерда зиёфатлардан ташқари, байрам тадбирлари, баллар, адабий суҳбатлар, янги асарлар тақдмоти бўларди.

Бенжамен Констанни Парижга Стал хоним жойлаштирганди ва улар ўртасида 1798 йилдан 1813 йилгача яқин дўстона алоқалар бўлган. Дўстлик муҳаббатга айланганди, аммо охири бу ришта Констанга малол кела бошлади. 1814 йилда Рекамье хонимга ишқи тушиб, унинг атрофида айланиша бошлади. Қуйида унинг Рекамье хонимга ёзган хатларидан бирини эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.

«1814 йилнинг 3 сентябри.

Эртага кечқурунми, эртага кечқурунми? Кечқуруни нимаси? Мен учун у эрталаб соат 5 дан бошланади. Эртага — бугун дегани. Худога шукр, кечаги кун эсон-омон ўтиб кетди. Шундай қилиб, мен соат 9 да остонагизда бўламан; менга сизни йўқ деб айтишади. Мен соат 10 билан 11 орасида келаман — наҳотки менга яна сизни уйда йўқ деб айтишса?!

Азият чекажгагимни билганим учун олдиндан эзилиб кетяпман. Сиз менга ишонмайсиз деб ўйлайман. Бу мени билмаганингиз учун шундай. Қалбимнинг сирли бир тори бор.

Унга ҳеч ким тегмаса — қалбим жимгина яшайди. Унга тегилдими — тамом, ҳаммаси бир ёқлик бўлади. Эҳтимол, ҳали кечмасдир.

Мен фақат сизни ўйлаяпман, эҳтимол, унга қаршилик қилишга қурбим етар. Мен бу икки кун ичида сиздан бошқа ҳеч нимани кўрмадим. Мени ҳар доим даҳшатга солган ўтмишингиз, барча жодуларингиз юрагимни эгаллаб олди. Сизга бу хатни ёзарканман, ҳарсиллаб кетяпман. Хушёр бўлинг, сиз мени ҳаддан ташқари бахтсиз қилишингиз мумкин; ўзингиз ҳам азоблар остида қолиб кетманг; бошимда ҳар доим шу фикр. Сиз шуни хоҳлагандингиз, мана энди фақат сизни ўйлаяпман. Мен учун сиёсат, жағмият ишлари — ҳаммаси бир пулга қиммат бўлиб қолди. Сизга телба бўлиб кўринсам керак, аммо нима десангиз денг, кўзларингиз, қувлигингиз, келишган қолатингиз кўз олдимдан кетмайди. Телбаланишимга асосларим кўп. Агар рисоладагидек одам бўлсам, ақлдан озардим. Шундай қилиб — кечқурунгача.

Эй Худойим! Мунча ҳам хотинлар ичида энг лоқайди бўлмасангиз, мени қачонгача азобланишга мажбур қиласиз! Тўғри, севиш азобланиш дегани. Аммо яшаиш ҳам керак-ку, мен қачондан бери яшамадим ахир! Эҳтимол, мен ҳеч қачон бундай яшамагандирман. Яна бир марта — кечқурунгача».

ШАТОБРИАН билан НОМАЪЛУМ ҚИЗ



Франсуа Шатобриан (1768–1848) – француз романтик ёзувчиси, «Атала» (1801), «Рене» (1802) каби қиссалар ва «Насронийлик даҳоси» китобининг муаллифи. Юзлаб ишқий ғалабаларни бошидан кечирган Шатобриан 1830 йилда, 62 ёшида Франциянинг жануби-шарқидаги Пиринея тоғларида, Прованс вилоятида ёшгина бир кизни учратиб қолади, у билан бирмунча вақт хат ёзишиб турди, қиз ҳам уни ёктиради, арчагуллар қоплаган тоғларда бирга-бирга айланадилар. Буларнинг ҳаммаси жуда узун, ғоят чиройли бир мактубда тасвирланган. Қуйида шу хатнинг бир қисмини келтирамыз.

«Биласанми, агар мен телбалигим бутун борлигимни эгаллаб олишига йўл қўйсам, эртага ҳам сени севишимга ишончим комил эмас. Мен ўзимни ўзим билмайман, ўзимга ўзим ишонмайман, эҳтирос мени ҳоли-жонимга қўймайди. Мен сени жуда қаттиқ севаман, аммо бир дақиқадан кейин тоғлар орасидаги шамолнинг шовқинини, сузиб кетаётган булутни, узилиб тушаётган япроқни сендан кўра кўпроқ сева бошлайман. Кейин йиғлаб Худога сиғинаман, кейин фано (йўқлик) ни тасаввур қила бошлайман. Мени бахтли қилишни хоҳлайсанми? Ундай бўлса — менга берил. Кейин сенинг қалбингни тешишга ва уни тилкалашга рухсат бер. Ана энди шу гапимдан кейин сен мен билан Оиваидага ёлғиз боришга журъат этасанми?»

Агар сен мени отангдай яхши кўришингни айтсанг, мени даҳшатга соласан. Агар сен мени бир жазман каби севаман деб ўйласанг, мен бунга ишонмайман. Уҳолда сен мендан устун қўйишинг мумкин бўлган ҳар бир ёш йигитни риқибим сифатида кўра бошлайман. Мени ҳурмат қилишинг қарилигимни ҳис қилишга мажбур этади, сенинг эркалашларинг мени энг ақлсиз раиш ҳукмига топширади. Биласанми, сенинг биргина қулишинг менинг барча камчиликларимни менга намоён қилади, жарликлар чуқурига тушган қуёш нури сингари. Эй гўзаллар гўзали бўлган хилқат, мен сени қаттиқ севаман, аммо сенга уйланмайман. Сен ўзингга бир ёш йигитни топ, у билан қўлларингиз чиройли, назокат билан чирмашсин, аммо буни менга айтма.

Сен мендан кейин ҳам яшашиг кераклигини ўйла, мен дунёдан ўтганимда сен ҳали яна анча вақтгача ёш бўласан, Кеча сен мен билан ёнма-ён тоида ўтирганингда, шамол қарағайлар учида, денгиз тўлқинларига ўхшаб, гувул-лаганида, мен ҳасрат ва ҳазинлиқдан сиқилиб, бу оқ сарғиш сочларни силасам, қўлим оғирлик қилмасмикин, деб ўйладим. Менга ўз ёшлиги ва ҳаётини армуғон қилиш учун лабларимга ёпишмоқчи бўлиб турган лабларни нега қовжиратиб қўяйин? Бу қиз менинг нимами яхши кўраркин? Унинг борлигини бузаётган бир арвоҳман мен. Лекин айни чоғда, сен гўзал бошингни менинг елкамга қўйганингда, лабларингдан одамни маст қилувчи сўзлар учиб чиққанида, печакгуллардан бўйнимдан қучоқлаганингда менга ёшимнинг бутун ғурури керак бўлади, йўлдан уришини ширин ғалабасидан қизариб кетаман.

Мен айтган сўзларнинг эҳтиросли оҳангини эсла, сен бир чиройли йигитни яхши кўрганингда, ўзингдан ўзинг сўра: у сенга мен гапиргандай гапирадими, сени мен яхши кўргандай кучли севадими? Э, барибир эмасми! Сен унинг бағрида ухлайсан... қачонлардир сен учун арчагул далаларида айтилган сўзлар бирон маънони билдирадими?»

НАПОЛЕОН билан СЕВИМЛИ АЁЛЛАРИ



Наполеон Бонапарт (1769—1821) 1796 йили, яқинда қатл этилган якобинчи, генерал, граф Богарненинг беваси Жозефинани севиб қолиб, унга уйланди. Аммо ундан бола бўлмагач, сарой аъёнларининг тазйиқи остида Наполеон (агар тахт эгаси фарзанд кўрмаса, мамлакатга тахт вориси қолдириш учун хотини билан ажрашиши ва яна уйланиши шарт эди) 1809 йилда у билан ажрашди ва 1810 йилда австриялик малика Мария-Луизага уйланди. Аммо ундан ташқари 1806 йилдаёқ Варшавада бўлганида графиня Валевскаяга ҳам ошиқ бўлган ва бирга яшаган эди. Валевская кейинчалик Эльба оролида сургундаги машхур севгилисини кўргани борди, холбуки, Мария-Луиза шуҳрати йўқолган императорнинг кетидан боришни хоҳлаган эди. Куйида Наполеоннинг сеvimли аёлларига ёзган мактубларидан айрим намуналар келтирилади.

Наполеон — Жозефинага

«1796 йил, 3 апрель.

Менинг тенги йўқ Жозефинам, сендан йироқларда бутун дунё менга хувиллаган саҳро бўлиб кўринади, бу ерда мен

бир ўзимман... Бутун руҳиятимни эгаллагансан десам, озлик қилади... Ўйлаганим сен, фақат сен; одам деган зерикарли махлуқлар жонимга тегиб кетганида ҳаётни лаънатлагим келади — шунда ўз-ўзидан қўлимни юрагимга қўяман, чунки юрагимда сенинг сувратинг бор: унга қарайман, муҳаббат мен учун тўла-тўқис бахтдир... Қандай жодулар билан сен менинг барча қурбларимни эгиб ва бутун руҳий ҳаётимни бир ўзингга қаратиб олдинг? Жозефина учун яшамок! Мана, менинг ҳаётимнинг турган-битгани...



Сенинг муҳаббатинг завқини билмай ўлиш — дунёда ному нишон қолдирмай йўқ бўлиб кетишининг нақ ўзгинасидир ва бу дўзах азобидан ҳам оғирроқ. Менинг бирдан-бир умр йўлдошим, оғир ҳаёт йўлини бирга босиб ўтишимизни тақдир ўзи танлаган экан, шундай қилайлик, чунки сенинг қалбинг меники бўлмаган кун менга дунёнинг жозибаси ҳам, қизиғи ҳам қолмайди».

«1976 йил, 17 июль.

Севимли жуфти ҳалолим, ҳозиргина сенинг хатингни олдим, юрагим қувончга тўлиб кетди. Ўзинг тўғрингда берган батафсил хабарларинг учун чексиз миннатдорман. Соғлигинг энди яхшиланган кўринади: тузалиб қолибсан, шекилли. Сенга кўпроқ от миниб юришни маслаҳат қиламан, бу сен учун жуда фойдали бўлиши керак.

Сен билан хайрлашиб кетганимдан бери кўнглим қоронғу: маъюсликдан ҳеч қутулолмайман. Сенинг ёнингда бўлсамгина бахтли эканман. Тинмай сенинг ўпичларинг, кўзёшларинг, жозибали раишкларингни ўйлайман. Гўзал Жозефинанинг беқиёс қадди-қомати ҳамон сўнмаган юрагимни ва ақлу ҳушимни узлуксиз ишқ оташида куйдиради. Эҳ, қачон барча ташвишлар, беҳаловат ишлардан қутуламан-у, умримнинг барча дақиқаларини сен билан бирга ўтказаман; қачон фақат сени севиш, бахтни ўйлаш вақтим келади; сенга шу ҳақда сўйлаб, севишимни исботлаб ўтираман? Сенга отингни юборяпман — тез орада олдимга келиб қоларсан деган умиддаман.

Яқингинада мен сени астойдил севаман, деб ўйлагандим, аммо сени илк бора кўрганимдан буён ўйлаганимдан минг карра ортиқроқ севишимни ҳис қилдим. Сени кўпроқ билганим сайин севгим кучайиб бормоқда. Менинг бу ҳолим, Ла-Брюэрнинг «севги бирдан ўт олиб, бирдан ўчади» деган фикри нотўғри эканини кўрсатади. Табиатда ҳар нарса ўсиб борар экан ва ўсиш даражаси ҳар хил бўлар экан. Эҳ, сендан ўтиниб сўрайман: менга ўз камчиликларингни кўрсат! Бунчалик гўзал, бунчалик хушмуомала, нафис ва яхши бўлма! Мени ҳеч кимдан, ҳеч қачон қизганма ва йиғлама: сенинг кўз ёшларинг ақлу ҳушимни олиб, куйдиради, мени. Инон, энди менда сенга тааллуқли бўлмаган бирон фикр, бирон тасаввурнинг ўзи йўқ ва бўлиши мумкин эмас.

Тузал, дам ол, тезроқ соғлигингни тикла. Олдимга кел, ҳеч бўлмаганда, ажал келмасдан бурун «Шукур, бахтли кунларимиз кўп бўлди!» — дея олайлик.

Ёвуз бўлишига қарамай, ҳатто Фортунангга (Жозефинанинг ити) ҳам миллион ўпичлар йўлайман».

«1976 йил, 4 август.

Сендан шу қадар олисдаманки! Атрофим тим қоронғи! Бу — эртага биз тўпларимизнинг даҳшатли гумбур-гумбури билан душманни кутиб олиб, қоронғиликни ёритиб юборгунча давом этади.

Жозефина! Сен йиғладинг... Биз хайрлашиб ажралишадиганимизда, сен йиғладинг! Шуни ўйлаганимнинг ўзидаёқ ичимда ҳамма нарса қалтираб кетади! Аммо хотиржам бўл ва юпан: Вурмзер¹ бу кўзёшларинг учун баланд нарх билан тўлов беради!»

«Калдиеро, 1796 йил, 13 ноябрь.

Мен сени ортиқ севмайман... Аксинча, ёмон кўраман. Сен ярамас, тентак, бемаъни хотин экансан. Менга бутунлай хат ёзмай қўйдинг, сен эрингни севмайсан. Хатларинг мени

¹ Австрия генерал-фельдмаршали, эртаси куни Кастильон оstonасида тор-мор қилинган)

қандай қувонтиришини била туриб, менга ҳатто беш-олти енгил-елпи сатр ҳам ёзолмайсан.

Лекин кун бўйи нима иш қиладилар хоним афандим? Қандай муҳим юмушлар вақтларини оляпти? Севимли эрига хат ёзишга ҳалал бераётган нима? Нозик ва собит севгилари билан мақтанардилар, буни исботлашга нима тўсқинлик қилаётир? Ким экан ул сизни йўлдан оздирувчи, сизнинг вақтингизни олишга даъвогар янги маҳбуб, жуфти ҳалол эрингиз билан машғул бўлишга ҳалақит бераётган олий зот?! Эҳтиёт бўлинг, Жозефина, йўқса, ажойиб тунларнинг бирида эшикларингиз синдирилади ва қаршингизда мен пайдо бўламан.

Ҳақиқатан ҳам, азизам, сендан хат-хабар келмаётгани мени хавотирга солаётир. Менга дарҳол тўрт саҳифани тўлат, фақат хатинг ёқимли нарсалар тўғрисида бўлсин, юрагимни қувонч билан тўлдирсин ва ийдирсин».

Наполеон — Мария Валевская

«Январь, 1807 й.

Шундай пайтлар бўладики, юксак мартаба одамни эзиб ташлайди, мен ҳозир шундай ҳолни бошдан кечиряпман. Сизнинг оёқларингизга учиб кетгиси келмаётган юрак интилишларини қандай тинчитай, энг қизғин истакларни ҳам бўғиб ташлайдиган оғирдан-оғир «олий» андишалар одамни тизгинда ушлаб туради... Оҳ! Фақат сиз истасайдингиз! Сиз — фақат сиз — бизни ажратиб турган тўсиқларни йўқ қила оласиз. Менинг дўстим Дюрок буни амалга оширишда Сизга ёрдамлашади.



О, келинг, менинг олдимга келинг. Сизнинг ҳамма истакларингиз амалга ошади. Менинг шўрлик юрагимга шафқат қилган заҳотингиз Сизнинг ватанингиз мен учун азиз бўлиб қолади».

«Илк учрашувдан кейинги кун, 1807 й.

Мария, ширин, асал Мария, биринчи хаёлим — сен, биринчи истагим — яна сени кўриш. Сен яна олдимга келасан-а, тўғрими? Сен менга келаман, деб ваъда бердинг. Агар келмай қолсанг — Бургутнинг ўзи сени олиб келгани учиб боради. Сени дастурхон устида кўраман, ваъда шундай бўлган. Мана бу дастани (қимматбаҳо тақинчоқлар дастаси) лутфан қабул қил, бу — одамзот ур-йиқитлари аро бизнинг муҳаббатимиз белгиси ва яширин алоқаларимизнинг далили бўлиб қолсин. Бутун оломоннинг кўз ўнгидида биз бир-биримизни англаймиз. Мен қўлим билан юрагимни чангаллаганимда, бутун борлигим билан сенга интилаётганимни тушунасан, бунга жавобан сен ўзингга юборилган дастани бағрингга босасан. Мени сев, жозибали Марияжоним, илоҳо, сенинг қўлларинг бу дастадан ҳеч қачон узилмасин.

Наполеон — малика Мария-Луизага

«Фонтенебло, 1814 йил апрели, кеч соат 8.



Хатингни олдим, менинг шонли Луизам, ундан сенинг хафа бўлганингни кўриб, менинг ҳам ҳазинлигим янада ортди. Бағоят хурсандлик билан Корвизар¹ кўнглингни кўтариб турганини кўрдим, бунинг учун мен ундан чексиз миннатдорман. У ўзининг олижаноб хулқ-атвори билан у ҳақда ўйлаган фикримни оклади; бу гапимни унга менинг номимдан айтиб қўй. У менга тез-тез сенинг соғлигинг қандайлигини билдирувчи кичкина-кичкина бюллетенлар юбориб турсин. Менга хабар беришларича, Корвизар сенга Экс сувларига бориб даволаниш тўғрисида тавсия ёзиб берган экан, тезроқ бора қол ўша ерга. Соғ бўл, ўзинг ва парваршингга муҳтож ўғлингнинг соғлиғига ғамхўрлик қил.

¹ Корвизар — сарой шифокори

Мен Эльба оролига жўнаб кетмоқчиман, энди хатни ўша ердан ёзаман. Шунингдек, сени ҳар тарафлама кутиб олишга ҳаракат қиламан.

Менга тез-тез ёзиб тур, хатларингни вице-киролга ёки Тосканнинг Улуғ Герцоги бўлажак амакингга йўлла.

Алвидо, гузалим Луиза-Мария!

Жозефина — Наполеонга

«Наварра, 19 апрель 1810 й.

Давлатпаноҳ!

Уғлим Сиз Ҳазрати Олийлари менинг Мальмэзон қасрига қайтишимга рози эканингиз ва Наварра қасрини яхшилаб олишимга маблағ ажратганингизни тасдиқлади.

Сизнинг икки тарафлама саховатингиз, Давлатпаноҳ, менинг катта таъвишларимни енгиллаштирди ва Сиз Ҳазрати Олийларининг бирмунча вақт жавоб бермаганингиз туфайли туғилган хавфсирашларимдан озод қилди. Энди Сиз мени бутунлай унутасиз деган фикр мени хавотирга солаётган эди, кўрдимки, бундай бўлмабди. Энди мен жудаям бахтсиз эмасман, лекин келажакда бахтли бўлишим ҳам даргумон. Шу ойнинг охирида, агар Ҳазрати Олийлари қарши бўлмасалар, Мальмэзонга жўнайман. Лекин Сизга шуни таъкидлашим лозимки, агар Наваррадаги қароргоҳ фақат менинг соғлиғим эмас, менинг атрофимдаги одаларнинг ҳам соғлиғи учун чинакамига яхшилаб олишни талаб қилмаганида, мен бунинг учун сиз берган имтиёзлардан дарров фойдаланишга киришиб кетмасдим. Мен Мальмэзонда кўп вақт бўлмоқчи эмасман, тезда у ердан кетаман ва даволаниш учун маъдан сувларига бораман. Ҳазрати Олийлари амин бўлсинларки, мен Мальмэзонда гўё Париждан минг чақирим нарида бўлгандай яшайман.

Давлатпаноҳ, мен жуда катта қурбон бердим, кун ўтган сайин, бу қурбон нақадар катта бўлганлигини кўпроқ ҳис қилияман; лекин мен ўзим қилганим бу фидойиликни охи-

ригача етказаман. Сиз Ҳазрати Олийларининг бахти менинг қайғу-аламларим туфайли ҳеч қачон бузилмагай.

Мен ҳеч тиним билмай Сиз Ҳазрати Олийларига бахт тилайвераман, эҳтимол, Сизни яна бир кўриш учун шундай қилаётгандирман; лекин Ҳазрати Олийлари амин бўлсинларки, мен ҳар доим сизнинг янги вазиятингизни чурқ этмай қадрлайман; менга аввалгидай муносабатда бўлишингизга ишонган ҳолда, сиздан бунинг исботи учун ҳеч нима талаб қилмайман; фақат сизнинг адолатингиздан умидворман.

Мен, Ҳазрати Олийлари, сизнинг ёдингизда кичкина ўрин эгалламаганимни, сизнинг ҳурматингиз ва севгингизда менинг мавқеим баландлигини менга ва менинг яқинларимга кўрсатиш учун ўз-ўзингизча бир йўл топишга ҳаракат қилишингизни илтимос қилган бўлардим. Нима бўлганда ҳам, бу — менинг қайғу-аламларимни юмшатади, айни чоғда, менинг назаримда, сиз Ҳазрати Олийларининг бахти тўғрисида ҳаммасидан кўпроқ ўйлашимга халақит бермайдиган.

Жозефина — Наполеонга

«Мақсадим тахтдан кетишингиз муносабати билан сизга ҳамдардлик билдириш эмас; ўз тажрибамдан биламанки, бундай аҳволга тан бериш мумкин; ҳаммасидан ҳам шоншухрат соҳасидаги сафдошларингиздан ажралганингиз сизни қандай қайғу-аламларга ботиришини ўйлаб йиғлайман.

Оҳ! Сургун фақат майда қалб эгаларинигина қўрқитишини исбот қилиш учун мен эгон-эгон деб олдингизга учиб борган бўлардим. Бу бахтсизлик менинг сизга беғараз муҳаббатимни камайтириш у ёқда турсин, аксинча, унга яна янги куч бери.

Мен Сизнинг ортингиздан эргашиб, Францияни ташлаб, сиз воз кечган, аммо қолган умрингизга ўзимни бахш этмоқчи эдим. Аммо биттагина сабаб мени тўхтатиб қолди, у нималигини сиз ўйлаб тополмайсиз.

Агар бундай бурчни адо этаётган одам, ҳар қандай эҳтимоллардан ташқари, фақат мен, менинг бир ўзим бўлсам — мени ҳеч нима ушлаб қололмайди, мен бундан буён ер юзининг ўша ягона жойига жўнаб кетаман ва дунёнинг энг бахтли одами бўла оламан, бахтсизлик чоғида ўша ерда сизни юпатаман.

Алвидо, Давлатпаноҳ, яна бошқа гапларни қўйиши менга ортиқча кўриняпти; энди сўзда эмас, амалда сизга муносабатимни исботлашим керак. Менга Сизнинг ризолигингиз керак».

ЛЮСЬЕН БОНАПАРТ билан ЖУЛЬЕТТА РЕКАМЬЕ

Люсьен Бонапарт (1775–1840) Наполеоннинг олти ёш кичкина укаси, акасининг хокимиятни қўлга киритишида катта роль ўйнаган сиёсатчилардан бири эди. 1800 йилда биринчи хотинидан 25 ёшида айрилиб, ёшлигида бева қолганди. Шу йили парижлик банкир Рекамьенинг гўзал хотини Жульеттани севиб қолади, оташин хатлари, соддадил шикоятлари билан уни қанчалик тинимсиз таъқиб қилмасин, ҳамма уринишлари муваффақиятсизлик билан тугайди.

«Сизга мактубимни жўнатиб юборишга кучим етмади, хайиқдим. Сиз уни йиртиб майда-майда қилиб ташлайман дея таҳдид қилгандингиз... Бугун қўлим сизнинг гапингизга кирди... Сиз менинг шикоятларим, лаънатларим, куфрларимни ўқишингиз керак эмас... Аммо сиз менинг хўрсинишларимни эшитасиз, менинг изтироб тўла ингроқларим қирғоқни беҳуда ўпаётган тўлқинларга ўхшаб, сизнинг мустаҳкам иродангизга урилиб парча-парча бўлганда, фақат ўшанда, ҳарқалай, менинг сўзларимни эшитасиз. О, Жульетта, ҳеч қачон сизни ҳали бундай севишмаган ва ҳеч қачон бундай севишмайди ҳам.

Ҳатто сизнинг ана шу мустаҳкам иродангиздан қандайдир сирли жозибат таралади. Сиз менинг ёлворишларимни инкор этяпсиз; сиз менга жим бўлинг деб амр қияпсиз; сиз мени умидимдан маҳрум қияпсиз, сиз менга қийнайдиган далдалар беряпсиз; сиз менинг орзуларимни пайдо бўлишидан олдин чил-чил қияпсиз; сизнинг бир оғиз сў-

зингиз мени бахтли қилиши мумкин-ку, сиз эса индамайсиз. Аммо бу шафқат-сизликлар сизда назокат билан шу қадар қоришганки! Биргина ҳаракат, биргина тагдор сўз, биргина очиқ юз билан қилган табассумингиз, битта хўрсиниқ билан босилган ризолик, бир хушчақчақлик кетидан бошланган қиттай ҳазинлик, шу арзимаган нарсаларнинг бари сизнинг вазминлигингизга яраша мукофотлайди. Бу арзимаган нарсалар менинг кўнглимга шундай таъсир қилади. О, севгилим Жульетта, ўйлаб кўринг, мен бундай ярим севги билан яшай оламанми?



Кеча кечқурун сизнинг манглайингизда бир шуъла ярқ этгандай бўлди, сўнгра кўз қарашларингизда ширин, маънодор бир ҳаяжон кўргандай бўлдим. Мени титроқ босди, аммо мен ўзимнинг ўта бахтиёрлигимга ишона олмаганим учун ширин дақиқалардан воз кечдим. Журъатсизлигим, тортинчоқлигим менга зиён келтирмадими? Менинг бу ҳаяжоним ўша покиза, алангали, илоҳий севгимнинг даракчиси эмасмиди, сиз одамга шундай туйғуни сингдирмасмингиз ва ниҳоят, буни ўзингиз ҳам бошингиздан кечирмадингизми? О, Жульетта, агар шундай бўлган бўлса, сиздан шаҳаншоҳлик ва қуллик рамзи — бир тасма билан муҳаббат ришталарининг рамзи, икки кокилингизни менга совға қилишингизни сўрайман. Бу кокиллар ва тасма сизнинг Ромеога берган бирдан-бир жавобингиз бўлиб қолсин. О, шунда сизнинг оёғингизга йиқила олар, дўст деганингизни эшитар эдим, сизнинг ашулангиз узра нозик кўз ёшлар тўкар ва шу юксак бахтли онда ўзим илоҳийлаштирган муҳаббатимнинг поклиги ва серзавқлигига ишонтириб қасам ичар эдим.



О, Жульетта... тасма... икки кокил... бир томчи кўз ёши...»

Люсьен Бонапарт севгилисидан тасма олди, аммо икки кокил олмади, кўз ёшлари шашқатор бўлиб уйга қайтиб келиб, унга бир хат ёзди, хат шундай тугалланган эди:

«Мен эрталаб соат 3 да ҳамон олов ёнида сизнинг портретингиз олдида ўтирардим. Тасма олдимдаги стол устида ётарди. Алвидо, Жульетта, сиздан ўзингиз аёвсиз яралаган инсонга ачинишингизни яна бир марта ўтиниб сўрайман».

ГЮСТАВ ФЛОБЕР билан ЛУИЗА КОЛЬЕ

Гюстав Флобер машхур француз ёзувчиси, янги замон реалистик романчилигининг энг улуғ намояндаларидан бири, ўз асарларининг услуби устида тинимсиз ишлаган, «аниқ сўз» назариясини олға сурган талабчан муаллифдир. Унинг энг машхур «Бовари хоним» романи жаҳоннинг ҳамма машхур тилларига, жумладан, ўзбек тилига таржима қилинган.

Гюстав ҳаётидан

Гюстав Флобер 1821 йил 12 декабрда Франциянинг Шимолий Нормандия минтақасидаги Руан шаҳрида туғилди. Отаси Флобер (1784–1846) Руандаги Киrol ҳокимиятига қарашли ташкилотда машхур шифокор-жарроҳ бўлган. Онаси қадимий норман уруғининг вакиласи эди.



Гюстав 1823–1840 йилларда шаҳардаги Киrol коллежида ўқиди. Шу вақтларда адабий машқларини бошлади. Биринчи марта 17 ёшида «Бир телбанинг ёзмалари» номли асари босилиб чиқди. Ўқувчилар ўртасида ҳеч қандай таъсири сезилмади. Шундан сўнг Париж Сарбоннасининг адлия куллийётига ўқишга кирди. 1843 йилда тутқанокни эслатувчи асаб тизими касаллигига дучор бўлди, бу

эса ҳаракат фаоллигини сусайтиришни тақозо қиларди. Хасталик 1844 йилда университетдаги ўқишини тўхтатишга мажбур этди. Отаси вафот этганида онаси Анна Жюстина Каролина Флобер (1793–1872)нинг Руан ёнгинасидаги Круассе амлокига кўчиб ўтди. Кейин бутун умри, асосан, шу ерда ўтди. Бу ерда одамларга аралашмай яшар, кўпроқ ёлғизликни ёқтирарди. Бутун кучини, вақтини ўқиш, ўрганиш ва адабий машқларга бағишларди. Бу ердан фақат икки марта яқин дўсти Максим Дюкап билан узоқ муҳлатга кетди.

Гюстав 1835 йилда, яъни 14 ёшида Шпезингер деган ноширнинг 28 ёшли Мария исмли гўзал хотинини яхши қўриб қолади. У ҳар доим ноширнинг уйига қўлёзма кўтариб борар, аммо Марияни кўрганда нафаси ичига тушиб кетарди. Унга яқинроқ боришдан қўрқарди. Унга бўлган севгисини фақат бир йўл билан — унинг итини силаб, ўпиб, кучоклаб билдирмокчи бўларди. Беш йил шу севги кўйида индамай яшади. Аммо, табиийки, ўртада ҳеч нима юз бермади. Юраги узилиб адо бўлаёзган Гюстав ноширнинг уйидан оёғини тортиб кетди. Ичида «Энди ҳеч қачон севмайман ва уйланмай ўтаман», — деб ўйлади. У оламдан ҳеч нарсани билмай, ҳис қилмай ўтиб кетиши ҳам мумкин эди. Аммо ҳайкалтарош Прадъенинг уйида 25 ёшида, яъни 1846 йилда Луиза Колъе деган ёзувчи аёлни кўрганда, кўнглида яна муҳаббат ҳисси уйғонди.

Луиза Колъе



Луизанинг қизлик фамилияси Ревуал бўлиб, 1910 йилнинг 15 сентябрида Эксан-Провансда туғилган эди. Прованс Франциянинг жануби-шарқий вилоятидир, Альп тоғларида, Ўрта Ер денгизи бўйларида жойлашган, ҳавоси тоза, табиати гўзал маскан эди. Қизнинг отаси вилоят почталари директори эди. Луиза ёшлигидан шеърятга қизиқиб, ўз

машклари билан тезда оғизга тушди. Катта-катта нуфузли салонларда шеърлар ўқиб ном қозона бошлаган, ҳатто баъзи бировлар уни «Департаментнинг илҳом париси», — деб улуғлар эди. Ўзи эса тоғлиқлар каби соғлом, йирик келбатли, оппок, чиройли киз эди. Тез фурсат ичида унга уйланаман деган «ҳаридор»лар кўпайиб кетди. 16 ёшида сибизғачи Ипполит Кольега эрга бердилар. Ёш оила тезда Парижга кўчиб келди. Соҳибжамол шоира дарҳол Париждаги ижод аҳлининг диққатини ўзига тортди. Шу йилнинг ўзида унинг «Fleurs du midi» номли шеърий тўплами нашр этилди. Альфред де Мюссе «Иссиқ мрамардан яралган Милос Венераси¹-ку бу!» — деди. Флобер: «Эски замонга боғлашнинг нима кераги бор? Провансдан чиққандан кейин «Прованс Венераси» деявериш керак, лекин бир кўришда юракдан урадиган жозибали аёл экан», — деди. Жорж Санд ҳам унинг чиройини кўриб, яхшигина қўллаб-қўлтиклади ва Луиза тез орада ўз адабий салонини тузиб олди. Энди у ерга янги таниш ёзувчи ва шоирлар қадам ранжида қила бошлашди. Ҳамма унга мадҳиялар айтар, ҳатто уни «романтиклар илоҳаси» деб улуғлай бошладилар. Луиза ўзи ҳам ҳеч тортиниб ўтирмай, машҳур ёзувчилар — Шатобриан, Сент-Бёв, Беранжелар билан учрашар, янги шеърий тўпламларига сўзбоши ёздириб оларди. 1838 йилда файласуф Виктор Кузен билан танишиб олди ва унинг маҳбубасига айланди. Кузен Халқ таълими вазири эди. Ипполит Кольенинг консерватория профессори этиб тайинланишига ва Луизага ҳукуматдан катта ёрдам пуллари олиб беришга кўп ҳаракатлар қилди... Луиза 1839 йилда унга бир қизча туғиб берди. Француз академияси Луизага «Версал музейи» поэмаси учун мукофот берди. Унинг бу ютуқлари машҳур ёзувчи Альфонс Карр томонидан қаттиқ ҳужумга ва масҳарага учради. Масҳарага чидолмаган Луиза қўлда пичоқ билан ёвуз масҳарачига ташланди. Аммо тажовуздан ҳеч нима чиқмади. Бу воқеа иккала томоннинг дўстлари томонидан

¹ Милос оролидан топилган эрадан аввалги II асрга оид Афродита-Венеранинг мрамар хайкали. Парижда, Луврда сақланарди

роса аптар-дафтар қилинди. Каррнинг ошналари атоқли қаламқашлар эди, Луизанинг дўстлари ҳам чакана эмас — Кузен, Виломен, Мюссе, Флобер кабилар эди. Киска вақт ичида Луиза Колье исми жуда машҳур бўлиб кетди. Унинг «*Penserosa*», «*Le poeme de la femme*», «*La paysanne*», «*La servante*», «*La religieuse*», «*Les satires peuple*» номли шеърӣ тўпламлари кетма-кет нашр этилди. Насрий китобларидан «*La jeunesse de Mirabeau*», «*Les coeurs brises*», «*Folles et saintes*», «*Lui roman contemporain*», «*Histoire d'un soldat*», «*Ces petits messieurs*» кабилар эса довруқ қозонди.

1842 йилда Виктор Кузен Луизани мадам Дюпон билан таништирди, у эса, ўз навбатида, Рекамье хоним ҳузурига олиб борди. Қарабсизки, бир йилда қиролнинг ўз қўлидан «Мукофот ва рағбат» деб аталган олтин медални олди. Прадье деган ҳайкалтарош уни «Сапфо» деб номлади ва Луизанинг бутун бадан гўзалликларини кўрсатувчи ажойиб ҳайкалини яратди. Луиза ўзининг бениҳоя гўзаллигини билар ва баъзи одамлардан «Сиз қадимчилар топган Милос Венерасининг қўлини кўрганмисиз?» — деб сўрар, улар: «Қаерда?» — деб сўрасалар, «Қўйлагимнинг ичида», — дея шарақлаб қуларди.

Луиза бутун машҳурларнинг муҳаббатини қозонган, эри Ипполит билан иноқ яшаб турган ва маҳбуби Виктор Кузеннинг таъминоти остида, ундан тукқан қизини тарбиялаб етиштираётган бир аснода, 1846 йили бирдан Флобер билан яқинлашиб қолдилар.

25 яшар Флобер бу пайтда жуда кўркам йигит эди. Сочлари елкасига тушиб турар, манглайи баланд ва ифодали, катта-катта кўзлари ақлли, янги қўйган соқоли олтинсимон, бўйи баланд, овози майин ва ёқимли эдики, аёлларнинг кўпчилиги қалбларида унга мойиллик ҳис қилардилар. Луиза Колье ҳам унга қаттиқ ишқибоз бўлди. Унга Флобернинг кўркамлигидан ҳам бурун, адабий истеъдоди жозибали кўринарди. Шу тариқа уларнинг ўрта-сида муҳаббат биноси қад кўтарди.

Флобер Луиза билан унинг уйида кўришар, севги ўйинларида кун сайин телбалашиб борарди. 1846 йилнинг 29 июнида экипаж уни Булон ўрмонига олиб кетди. Ик-

кинчи марта ўрмонда сайр қилганларидан кейин Луиза унинг меҳмонхонасига боришга ваъда берди. Меҳмонхонада Флобер кутургандан кутурди. Хатто онасига келаман деган кун ҳам кетмай, меҳмонхонада қолганди. Флобер унинг бузуқлигидан қўрқмасмиди? Хар неки бўлмасин, у Луиза билан яна бундан ҳам ортиқ қололмас эди. Круаседа қолган онаси ва кичкина Каролинани ўйлаши керак эди. Флобер ўғиллик бурчини баҳона қилиб қочиб қолди. Луиза унинг кетаётганини кўриб йиғлади. Флобер, албатта, қайтиб келаман, деб онт ичди. Вокзалда эса онаси у келаман деган кундан, икки кундан буён кута-кута юраги узилиб адо бўлганди, келганини кўрганда эса соатлаб йиғлади. Флобер Луизани севиб қолганини эшитганда, ўзидан ўн бир ёш катта ва бировнинг хотинини тортиб олиб уйга келтиришига қатъиян қарши бўлди. Севишганлар қайта-қайта учрашиб, ниҳоят, бир томон (Флобер)-нинг келишлари сийраклашганида, Флобер унга «Дунёда ҳаммадан ортиқ кўриб севганим икки аёл, икки томондан юрагимга қармоқ ташлаб, муҳаббатлари ва изтиробларини пеш қилиб, мени ўз томонларига тортмоқдалар», деб ёзарди. Луиза эса янги ёзишган шеърларида ришталари донғини оламга ёяр ва нусхасини Флобернинг тураржойига юборарди.

Улар Флобер истаган пайтлардагина кўришардилар. Саккиз йил, яъни 1846 йилдан 1854 йилгача замондошларининг оғзида овоза бўлдилар. Уларнинг ўртасидаги ёзишмалар давр аёлларининг ҳам ғашини, ҳам рашкини келтирарди.

Муҳаббатнинг асл манзаралари

Уларнинг ўртасидаги муҳаббат жуда суронли ва жўшқин бўлгани йўқ; у қадар текис, силлиқ эмасди, ўртада кўп узилишлар бўлар, бир-бирига аҳволни англатишлар, келишиш ва ярашишлар юз бериб турарди. Бошланишда қандай бўлганини тасаввур қилдириш учун Флобернинг икки мактубини тўлиқ келтирамиз.

1846 йилнинг 7 августи.

Биз бир-биримизни севишимизни тан олганимиздан буён сен мендан ҳар доим нима учун «абадий»ни қўйишига журъат этмаслигимни сўрайсан. Нима учун? Чунки мен келажакни олдиндан кўраман, чунки мен умуман бир-бирига зид тушунчаларга мойилман. Бир гўдакни кўрсам, у бир кун қаришини ўйлайман; бешикни кўрганимда мазорни эслайман. Аёлга қараганимда унинг скелети кўз олдимга келади. Қувончли манзара маъюс қилади. Маъюс воқеалар менга мутлақо таъсир қилмайди. Мен доим шунақаман. Мен ич-ичимда яна кўзёш тўкиш учун ҳаддан зиёд кўп азобланаман; мен оилали бўлганимда баъзида оилам бўлмаслигини хоҳлардим, ўшанда мен эркин бўлардим ва Хитойга борардим ёки ёввойи одамлар ичида яшаб кўрардим. Энди, оилам йўқлигида бунга ачинаман ва унинг сояси тушган деворларга осиламан. Бошқалар сенинг муҳаббатингдан ғурурланган, уларнинг иззат-нафси тўла қаноатланган, эркаклик худбинлиги беадад мамнунликдан боши осмонга етган бўларди; менинг юрагим эса эҳтирослар босилганида, сиқила бошлайди, шунда ўзимга ўзим, у мени севади, мен уни севаман, деб ўйлайман-у, аммо севгим етарлича кучли бўлмайди. Агарда бу аёл мени билмаганида, у ҳозиргига ўхшаб, бунча кўп кўзёш тўкмаган бўларди.

Эй қизалоғ-эй, сен мени умрбод севаман, деб ўйла-япсан. Умрбод! Инсоннинг тилида бу сўз жуда такаббу-рона жаранглайди! Сен ахир менга ўхшаб, илгари ҳам севгансан-ку, тўғрими; эсла, ўшанда ҳам «абадий» дегандинг. Мен шафқатсизлик билан сени хафа қиляпман... Аммо мен бахтингни бўрттириб кўрсатгандан кўра ҳозирнинг ўзидаёқ унга соя туширишни афзал кўраман, бошқалар эса бахтидан айрилганда кўпроқ изтироб чекиш учун олдиндан бир умрга севаман деярдилар... Ким билсин? Балки сен ўта нозик бўлмаслик учун ҳақиқатни айтиш журъати менда етарли бўлганидан кейинчалик миннатдор бўларсан. Оҳ, мен агар Парижда яшасайдим, ҳаётимнинг ҳамма кунларини сенинг

ёнингда ўтказолсайдим, ҳеч қўрқмасдан шу туйғуга бери-лардим. Қалбим учун, ақлим учун бир озуқа топардимки, ҳеч қачон мени зериккани қўймасди. Аммо бизнинг орамиз узок, фақат аҳёнда бир кўришмоққа мажбурмиз, бу жуда даҳшатли, бундай истикболга чидаш қийин! Аммо қўлимиздан нияям келарди!? Биз бутунлай ажрашиб кетишимиз мумкинлигини ҳеч ақлимга сиғдиролмайман. Нима бўлган-даям айнан ана шу менинг хусусиятимдир. Шу нарса менинг аянч табиатимда бор; агар мени севмаганингда, ўлиб қолардим; сен мени севасан, мен бўлсам, бу севгингни совитмоқчи бўламан. Мен сенинг ҳаётингда совуқ бир жилга бўлишни хоҳлардим, токи у чанқоқ қирғоқларингга тароват баҳи этсин, аммо кетидан қурғоқчилик олиб келувчи гувиллаган оқим бўлишни истамасдим; мени хотирлаганда баданингни титроқ босишини, қалбингда таббассум уйғонишини истардим. Ҳеч қачон мени қарғама! Фақатгина энг кучли муҳаббатдан кейингина сендан кўнглим совиши мумкин; мен сени ҳар доим дуо қиламан; сенинг қиёфанг мудом илоҳий нур чамбар ичида мен учун шеърят ва нафосат манбаи бўлиб қолади: худди узукни куйдириб, кумушсимон буғ таратиб, унга нақш берувчи куйдиргичга ўхшаган кечаги туни-миз каби. Бу ойда мен чиндан ҳам олдингга бораман ва бир кунимни сен билан биргаликда ўтказаман. Мактубингдаги айрим сатрларга изоҳ бермоқчиман, чунки сен мен тўғримда баъзи бир хомхаёлларга берилгансан. Сени адашган ҳолда қолдириш мен учун қўрқоқлик бўлар эди, қўрқоқлик эса гуноҳдир, айбдир, мен қўрқоқликнинг ҳар қандай кўринишидан нафратланаман.

Одамлар нима деса десинлар, мен қалбимнинг ич-ичида масхарабозман. Ёлалик ва ёшлигимда сахна орқасига жуда катта иштиёқим бор эди. Агар мен сал камбағалроқ бўлиб туғилсам, буюк актёр бўлардим. Ҳозир ҳам мен шаклни, ташиқи кўринишини ҳамма нарсадан кўпроқ яхши кўраман, севганим фақат гўзал бўлса кифоя, менга бошқа ҳеч нима керакмас. Ута эҳтиросли ва бирёқлама фикрловчи хотинлар бу ҳиссиётдан махрум, гўзалликнинг илоҳийлигини тушунмайдилар. Уларга ҳар доим сабаб ва мақсад керак. Мен олтиндан ҳам, оддий зардан ҳам бирдай завқланаман. Шеърятдаги

зарринлик мен учун ундаги ғамгинликдан устунроқдир. Дунёда мен учун фақат гўзал шеърлар мавжуд, текис, оҳангдор, ёқимли нутқлар, чиройли ғурублар, ойдин кеча, колоритли жилвали картиналар, антик мармарлар, маъноли, ифодали юзлар мавжуд. Бошиқа ҳаммаси — бир пулга қиммат. Мен Мирабо бўлгандан кўра Тальма бўлишни хоҳлардим, чунки у соф гўзаллик оламида яшарди. Қафасдаги қушлар каби қулликда яшовчи одамларга нисбатан менда бир хил аянч туйғуси уйғонади. Сиёсатда мен тан оладиган бирдан-бир нарса — қўзғолондир. Туркка ўхшаган фаталист, ўйлашимча, биз инсоният тараққийси учун қўлдан келганини қиламизми ёки йўқми — бутунлай фарқсиздир... Тараққиёт борасида мажхул, туманли ғояларни қийналиб қабул қиламан. Бу турдаги тушунчаларга оид жамики нарсалар мени ақлдан оздиргудай зериктиради. Мен ҳозирги мустабидлик ва зулмларни ёмон кўраман, чунки зўравонлик ўзи аҳмоқлик, заифлик ва қўрқоқликдир, аммо қадимгиларнинг ҳукмдорлиги қаршисида бош эгаман, улардаги мустабидликда энг гўзал ва ноёб инсонийлик манзараларини кўраман. Мен ҳаммадан бурун ширин хаёл, инжиқлик, тасодиф кишисиман. Қачондир бир кун мен бу ердан узоқ-узоқларга кетаман. Ўшанда ҳеч ким мен ҳақда ортиқ ҳеч нима эшитмайди. Эркакларга, одатда, ҳаммасидан бурун нима тегиб кетиши мумкинлиги ва мен учун жисмоний муҳаббатда иккинчи даражали нарса нималиги масаласига келсак, мен буларни ҳар доим бир-биридан айирганман. Сен бир куни Б...ни бу борада масхара қилганингни пайқагандим, ахир бу менинг тарихим эди. Сен, албатта, мен яхши кўрган бирдан-бир хотинсан.

Мен ўн тўрт ёшимдан йигирма ёшимгача бошиқа бир жувонни севганман, лекин буни ўзига айтмаганман. Унга қўл ҳам теккизмаганман; кейин ўзимни мутлақо эркак деб ҳис қилмасдан уч йил яшадим... Ўшанда бу ҳол ўлгунимча давом этса керак ва бунинг учун Худога шукур деган пайтларим бўлган, деб ўйлайман... Сен менга ёқишга журъат қилган бирдан-бир аёлсан ва эҳтимол, мени ёқтирган бирдан-бир аёл ҳам сен бўлсанг керак. Ташаккур, ташаккур. Аммо мени тўла-тўқис англай оласанми, менинг зерикишларим оғирлиги, ғалатилигим, инжиқлигим, бирданига совиб кетишларим ва эҳтиросли

қайтишларимга чидай оласанми? Сен, масалан, ҳар кун хат ёзишимни истайсан, сўнгра шундай қилмасам мени айблайсан. Мана, айтайлик, ҳар кун эрталаб мендан хат келадидеб ўйлашларинг менинг хат ёзишимга халақит беради. Мен сени ўзим хоҳлагандай севишимга қўйиб бер, ўзимга хос тарзда, шахсиятим буюрганидай севишимга рози бўл. Мени ҳеч нимага мажбурлама, нима қилсам, ҳаммасини ўзим қиламан. Мени тушун, мени айблама. Мен агар сени енгилтак, бўм-бўш, бошқа хотинларга ўхшаган оддий аёл-да, деб ўйласам, сенга шунча ваъдалар берармидим, шунча сўзларни исроф қилармидим, қасамлар ичармидим — бундай қилиш мен учун чўт эмасди-ку?! Аммо менинг сўзларим туйғуларимдан ҳеч қачон баландроқ эмас, пастроқ бўлишини тилайман.

Ҳеродотнинг айтишича, нумидияликларда ғалати бир одат бор. Кичик болаларнинг калла терисини лаққа чўғлар билан куйдирар эканлар, шунда кейинчалик уларнинг юртида ҳалокат келтирувчи қуёш нурларидан таъсирчанлик у қадар қаттиқ бўлмас экан. Мана шунинг учун, ердаги ҳамма халқлар ичида энг соғломи улар, дейишади. Сен мени Нумидияда тарбияланган деб тасаввур қил. Уларга: «Сизлар ҳеч нарсани сезмайсизлар, ҳатто қуёш ҳам сизларни иситмайди», — дейишлари бесабаб эмас. О, қўрқма: агар юрак тобланган бўлса, унда нафосат кам бўлиб қолмайди».

«1846 йилнинг 9 августи.
Шанбадан якшанбага ўтар кечаси.

Кўк тиниқ; ой чарақлаган. Сувнинг кўтарилишига қайиқларини ҳозирлаётган денгизчиларнинг ашулалари менгача етиб келяпти... На бир парча булут, на қиттай шамол. Дарё — сояда қора, ойли ерлари кумушсимон. Шамлар атрофида парвоналар бўралайди, очик деразадан менга тун атри етиб келяпти. Сен шу тобда ухляпсанми? Дераза олдида хаёл суряпсанми? Сени орзулаётган одамни эслайсанми ҳеч? Кўзларингнинг ранги қанақа? Булон ўрмонидаги мафтункор сайрларимизга ҳам бир ҳафтадан ошибди. Мен билан ўша кун орасида қара қандай жарлик! Бошқа одамлар учун у мафтункор соатлар, аввалгисидай,

келгусидагидай оқиб ўтаверади, аммо биз учун ёғдулар ёфган бу лаҳза, унинг шуъласи қалбларимизни мангу ёритиб туради. Қандай гўзал эди қувончларимиз, севгиларимиз тўғрими, шўрликкина дўстим? Агар мен бой бўлганимда, бир экипаж олган ва саройимга жойлаб қўйган бўлардим, лекин ундан ҳеч фойдаланмасдим... Ҳа, мен яна қайтаман тез орада, чунки нуқул сени ўйлайман, тинмай юзларингни, елкаларингни, сенинг нозиккина оппоқ томоғингни, табассумингни, эҳтиросли, амрфармо шаддод, айни чоғда, муҳаббат садосидай нозик овозингни орзу қилавераман. Мен сенга айтгандим, шекилли, мени ҳаммадан кўра сенинг ана шу овозинг кўпроқ мафтун этади.

Бугун эрталаб бир соатдан ортиқ соҳил почтачисини кутдим. Бугун у анча кечикди. Қизил ёқали кўйлак кийган у тўнка ўзи фарқиға бормаган ҳолда қанча-қанча юракларни зориқтирди. Фасоҳатли хатинг учун сенга раҳмат, аммо сен мени бунчалик яхши кўрма, қаттиқ яхши кўрма! Бу билан мени хафа қиласан! Сен мен сени севишимга қўйиб бер. Бебилиска муҳаббат иккаламизни ҳам бадбахт қилишини билмайсанми, ахир; бу болаликда ҳаддан зиёд эркалатиб юборилган болаларнинг эрта ўлиб кетишига ўхшайди. Ҳаёт бундай бахт учун яратилмаган, жуда мудҳиш! Бунга интиланларнинг аксарияти, кўпинча, жазоланадилар.

Менинг ойим кеча ва уч кундан бери даҳшатли ҳолатда эди — кўзига жуда қўрқинчли нарсалар кўриняпти. Мен доим унинг ёнида бўлдим. Сен бир одам учун бундай қўрқувнинг юки нақадар оғир бўлишини билмайсан. Қачонки ўзингни жуда бахтсиз деб ҳис қилсанг, ана шу сатрларини ёдга ол. Бу дунёда чидаб бўлмас даражада бахтсиз бир аёл бор; энди бу ҳолга етиб келдим. Мен алоҳида пайтлардагина қўлланиладиган, тўғри ишлайдиган машина сингари эдим. Мен ўзимдаги ҳамма нарсани тушунган, ҳамма нарсани тўғри ҳал қилар ва тўғри тақсимлар эдим, менинг ҳаётимда бунга қадар бундан хотиржамроқ бир давр бўлмаган эди, ҳолбуки, одамлар мени энг аянчли ҳолда деб ҳисоблардилар. Сен пайдо бўлдингу, бармоғингнинг учи билан ҳаммасини ағдар-тўнтар қилиб ташладинг. Эски хамиртурушлар кўпирди-шишиди, юрагимнинг сокин кўли тўлқинлана бошлади. Аммо бўрон

деган нарса уммонлар учун яралган! Агар у бир чеккадаги ҳавзани тўлқинлантирса, ундан фақат сассиқ ҳид қолади. Мен буларни сени севганим учун айтяпман. Қўлингдан келса, мени унут, иккала қўлинг билан юрагингни юлиб олда, эзғилаб ташла. Шундай эзғилаки, мендан қолган таассурот йўқ бўлиб кетсин. Етар, ачиқланма.

Бадбахт васвасангни бир тадқиқ қилсанг, ижобий равишда мени ўчириб юборади. Мен ҳамма нарсадан шубҳаланаман, ҳатто ўзимнинг шубҳамдан ҳам шубҳаланаман. Сен мени ёши деб ўйлайсан, ҳолбуки мен қариман. Кўпинча, чоллар билан бу дунё қувончлари ҳақида суҳбатлашсам, шунда уларнинг хиралашиган кўзлари завқдан чақнаб кетади. Мени ҳайрат билан: «Сизнинг ёшингиздая, сизнинг ёшингизда-я! Сиз! Сиз!» — дея саволга тутадилар. Агар мендан асабий ҳаяжонларни, тасаввур ўйинларини, оний пуч ҳаёлларни тортиб олсангиз менда ҳеч нима қолмайди. Инсонни мана шулар тутиб туради-ку, ахир. Мен лаззат учун яралмаганман — бу ифодани жўн маънода тушуниши керак эмас, аммо унинг метафизик моҳиятини ҳис қилмоқ керак. Мен ҳамма вақт, сенга бахтсизлик келтираман, мен бўлмаганимда сенинг ҳаётинг ғамгин бўлиб қолмасди, бир кун келиб иккимиз ажрალიшамиз, деб ўйлайман ўзимча ва олдиндан бу ҳолдан исёнга келиб ачиқланаман. Ана шунда ақлдан оздирадиган бир сиқилиш бўғзимдан олади — мен таърифга сиғмайдиган даражада ўзимдан ўзим жирканиб кетаман, сенга муҳаббатим эса чексиз бўлади.

Аммо фақат осмон ўз юлдузлари билан, денгиз сувларининг чуқурлиги билан, инсон юраги — тинимсиз кўзёшлари билан чексиздир. Уни биргина шу нарса буюк қилади, бошқа ҳамма нарса — бир пулга қиммат. Тўғриси айтмаяпманми, ахир? Ўйлаб кўр, хотиржам ақл билан тушунишига урин. Бахтли мустасно икки-уч, холос; аммо бутун инсоний бахтсизликлар у ерда учраша оладилар ва у ерда ўзларини бахтли эгалар деб санай оладилар.

Сен иш ҳақида гап очибсан; ҳа, ишла, — санъатни сев, — ҳаётнинг барча ёлғонлари ичида фақат у бошқаларга нисбатан оз алдайди. Уни эҳтиросли, алоҳида, фидойи бир муҳаббат билан севишига урин. Сен бунга қобилсан. Фақат Ғоя ўлмасдир, у бўлмаса яшашнинг маъноси йўқ. Ҳозир ил-

гаригидай буюк санъаткорлар йўқ, уларнинг бутун ҳаёти ва онги Ёўзалликка интилишининг кўр-кўрона қуроли эди, уларда Худонинг илоҳий тажассумимаважуд эди. Улар учун моддий дунё йўқ эди; уларнинг изтиробларини ҳеч кимса ҳаёлига ҳам келтирмаган; улар ҳар кеча ҳазинликда уйқуга кетардилар, инсон ҳаётини ҳайрон қоларли даражада батафсил кузатардилар, биз бамисоли ҷумолининг инини кузатишимиз каби...

Сен аёл сифатида мени айблаяпсан. Шунга ҳам шикоят қилайми? Сен мени шундай севасанки, ўзингга ёўзал орзулар яратиб оласан; менда ақл, истеъдод, услуб топибсан... Шуларни мендан топдингми! Мендан-а!? Аммо сен мени шуҳратпараст қилибсан, мен бўлсам, шу нарса менда йўқ деб ғурурланиб юрган эканман. Қайд қилиб қўй: биз танишганимиздан буён қанчалар ўзгариб кетдинг. Сен танқид қобилиятининг йўқотиб бўлдинг, сени севган кишини буюк инсон деб ўйлаяпсан. Нега буюк бўлмасин! Ўзингга мен билан ғурурланиш имконини берибсан (чунки мен сени севганимдан ғурурланаман. Мен ўзимга ўзим: «Шундай хотин сени севса-я! Бўлиши мумкинми! У-я, у!» — дейман). Ҳа, мен ажойиб, буюк нарсалар ёзгим келади. Уларни ўқиб завқланганингдан йиғлаб юборишинингни хоҳлайман. Шундай пьесамни саҳнага чиқарсамки, сен томоша қилишининг ва уни кўрганлар менга қандай қарсак чалганларини эшитишинингни хоҳлайман. Аммо, аксинча, ўзинг яратиб олган образни ҳар доим ўзинг хоҳлаган даражага кўтаришга уринишдан чарчамайсанми?

Болаликда мен шуҳратни орзу қилардим, ҳамма қатори, ундан ортиқ ҳам, кам ҳам эмас; ақлни ишлатиб ўйлаш менга кечроқ келди, аммо гуркираб гуллади. Ана шунинг учун жамоат мендан қачондир бир сатр бўлса-да, бирор нарсани олиши жуда муаммоли масала. Эҳтимол, шундай воқеа юз бериши мумкиндир, алмо бу юз бериши учун, орадан камида ўн йил ўтиши керак.

Эй, мени нима жин урдики, сенга маъруза ўқиб қолдим — бу заифлигим учун мени кечир. Мени ҳурмат қилишга мажбурлаш васвасасига қарши турулмадим. Ахир бир кун муваффақият қозонишимга ишонмасмидим?! Қандай болаликка бордим-а! Сенинг иккимизнинг асарларимизни бир китобда чиқаришга оид ғоянг мафтункор; бу фикрингдан кўнглим ийиб кетди;

аммо мен ҳеч нарсамни чиқармоқчи эмасман Бу — менинг қарорим, ҳаётимнинг тантанали бир дақиқасида ичган қасамимдир. Мен ҳозир ҳеч қандай манфаатни кўзламай, беғараз ишляпман, келажакдан тирноқча ҳам ташвишим йўқ. Мен ахир булбул ё савва эмасманки, қалин ўрмонзорга, чакалакка яшириниб, ўзимдан бошқа ҳеч ким эшитмайдиган ўтқир овоз билан чаҳчаҳласам. Мен агар қачондир пайдо бўлсам, унда фақат асарларим билан қуроолланган бўлишим керак, аммо менда бундай қилишга жасорат етишмайди.

Эй воҳ, менинг фантазиям хиралашиб, илҳомим пасайиб, сўзларим ҳатто ўзимга ҳам зерикарли кўринмоқда ва агар мен ёзганларимни осраётган бўлсам, бунинг сабаби ўзимни хотиралар билан ўрашни ёқтириб қолганимдир, ҳатто эски кийимларимни ҳам ниманингдир эвазига сотгим келмайди. Ора-сира уларни бир кўздан кечириб қўйиш учун қазноққа кираман, улар қазноқда сақланиб турибди ва мен бу кийим янги бўладиган замон келишини, ана ўшанда нима қилганимни кўз-кўз қилиб, олифта либосда пайдо бўлишни орзу қиламан».

Флобер яна бир қатор хатларида «Мен сени қутуриб, деярли ўлдириб қўйгудай севаман», «Агар мен сени унутсам, мени чақмоқ урсин», «Сен жозибали аёлсан, мен сени телбаларча севаман» деб ёзарди. Аммо тезда ундан совиди. У 1851 йили ноябрь ойида «Сизнинг узун ва меҳрга тўла хатингиз менга чуқур таъсир этди, аммо мен, азизим, бениҳоя чарчаб, заифлашиб, эзилиб кетдим» деб ёзади.

Фарбли: ёзувчи ва журналистлар Флобернинг Луизадан с. иш сабабини фақат адабиётга иштиёқи ортиб к. илан изоҳлайдилар. Журналистлардан бири бер — Мопассан эмас. Мопассан ҳаётида юзлаб р бўлган... Флобер аёллардан четланар, бошқа га ҳам шуни тавсия этарди. Эмишки, алаҳсиш Фақат санъат! Фақат адабиёт! Бошқа ҳеч ин».

ҳақида кўп асар ёзган машхур француз тассан Флобер ҳақида «Икки аёл унинг жигар-илди: бири ўзи ўйлаб чиқарган, унинг фикру ан аёл, иккинчиси жисмдан, қондан ташкил то. ини эгаллаган аёл», деб ёзган эди.

Бу гаплар қисман тўғри, аммо ўша чоғда замондошларнинг бири билиб, бири билмаган бошқа сабаб ҳам бор эди.

Луиза туфайли хотиннинг мазасини тушунган Флобер шарқлик аёлларга ҳам қизиқиб қолган эди.

1850 йилнинг октябрида Флобер Шарқ саёҳатига отланди. Байрутда янги топган фаранг дўсти, фотограф ва ёзувчи Максим Дю Камп билан биргаликда Миср ва Кохирага, сўнгра Куддус ва Ливанга борди. Шундан кейингина Истанбулга келди. Келганининг иккинчи куни дўсти, шоир ва драматург Луи Буйле (1822—1869)-га Байрутда юқтирган хасталиги борасида ёзади. У қисқа вақт ичида сочлари тўкилиб, қорни семириб, қария нусха бўлиб қоладики, ҳатто онаси билан кўришганда онаси уни таниёлмайди. Захм балосига дучор бўлган Флобер Истанбулда яна исловотхонага борган эди.

Йигирма тўққиз ёшли ёш ёзувчи ғарблик билан шарқликнинг охиста-охиста бир-бирларига ўхшай-ўхшай ўрин алмашиб қолганини тасвирловчи «Хар Эл Бей» деган роман ёзишни ҳам қўнглига тугиб қўйган эди. Ана шу пайтларда онасига ва яқин дўсти Луи Буйлега ёзган мактубларида эса санъатдан бошқа ҳеч нарсани жиддий нарса деб ҳисобламайдиган, оддий буржуа ҳаётидан, уйланишдан, амалдор бўлишдан нафратланувчи Флобер афсонаси пиша бошлаган эди. Луизага эса «Мен балки аянчли маҳбубдирман», «Сўнгги уч кун ичида мен камон тори сингари таранг тортилган ва узилганман», «Мен узоқ давом этган ишратбозликдан сўнг бўларим бўлиб, қуриб қолганман. Мен шундай ачинарли, шундай ёлғизманки, на ўқий оламан, на ўйлай оламан, на ёза оламан...» «Бундан бу ёғига ҳеч қачон бир-биримизни билмай кетганимиз яхши», деб ёзади. Луиза эса ҳеч нарсани тушунмай, балки, у рашк қилаётгандир, деб Виктор Кузендан олган ҳамма мактубларини унга юборади. Ўртадаги совуқликка қарамай, Луиза Колье яна Флобернинг севгисини ва ўзининг сентиментал ёзмаларини чиқаришга ёрдамини сўрайди. 1852 йилда Флобер кеча-кундуз ўз асари устида ишларкан, Луизанинг Круассега юборган қўлёзмасини ҳам ишлаб

беради. Луиза уни шоширади. У Флобернинг қарама-каршиси бўлиб, кўп ёзар, аммо услубини етилтириш тўғрисида ўйламас, асарлари устида ишламас, тезроқ нашр қилинишига ошиқар эди. Бу, албатта, Флобернинг ғашига тегар эди. *«Сиз, парижликлар, тез машҳур бўлишга шошасизлар, яшаш жойининг томи ёпилмасдан бурун, у ерга яшовчиларни таклиф қиласизлар. Горацийнинг ҳар бир муаллиф ўз асарини бировга кўрсатишдан олдин 9 йил яширин жойда сақлаши керак, деган маслаҳатига амал қилувчи одамлар қаёқда қолди?»* деб ёзди у. Бу хатнинг тагига 1854 йил деб ёзилган эди. Бу Флобернинг Луиза Кольега ёзган сўнгги хатидан бир парчадир. Шу билан Флобер-Колье киссаси тамом бўлди.

Теофил Готье бир куни Флобердан нега Луиза Кольега уйланмаганини сўраганда Гюстав: *«У менинг кабинетимга кириб келавериши мумкин эди-да»*, — деб жавоб берганди. Ахир ёзувчининг ишлайдиган хонаси чиндан ҳам муқаддас, дахлсиз жой-ку! Йўқ, бу хотинга уйланиш ҳечам мумкин эмасди!

Луиза Колье ажрашувдан кейин ҳеч тинчлана олмади, Флобердан қасос олишга киришди. У Флоберга аноним хатлар ёзар, уни шарлатан, деб атарди. Булар билан коникмай, «У» деган роман ёзди, Флоберни бир севган аёлнинг гўзал туйғуларини топтаган ҳиссиз худбин сифатида кўрсатди.

Флобер эса 1857 йилда жаҳоншумул романи «Бовари хоним»ни эълон қилди. Шарқ ва Шимолий Африкага саёҳатларидан сўнг «Саламбо» (1862) романини ёзди. 1869 йилда «Туйғулар тарбияси» романини, 1877 йилда «Оддий юрак», «Иродиада» ва «Раҳмли авлиё Юлиан ҳақида афсона» қиссаларини яратди. «Бувар ва Пекюше» романи битиш арафасида чала қолди.

Гюстав Флобер 1880 йилнинг 8 майида инсультдан вафот этди. У француз адабиётида моҳир стилист, услубининг ҳар томонини тарашлаб ишлаган ёзувчи сифатида тилга олинади. Ўзидан кейинги адабиётга катта таъсир кўрсатдики, уларнинг орасида Мопассан ва Эдмон Абу сингари жуда катта истеъдодли ёзувчилар бор...

ГЁТЕ билан СЕВГАН АЁЛЛАРИ

Шарлотта Буфф

Иоганн Вольфганг Гёте немис шоири, давлат арбоби, мутафаккир, янги замон немис адабиётининг асосчиси, табиат ходисалари тадқиқотчиси.

У 1749 йил 28 августда Майндаги Франкфуртда бой бюргер оиласида туғилди. Отаси Иоганн Каспар Гёте император маслаҳатчиси, собиқ адвокат, онаси Катарина Элизабет шаҳар оқсоқолининг қизи эди. 17 ёшида 38 яшар Каспарга теккан, бўлажак шоирни 18 ёшида туққанди.

Бола 6 ёшга тулиши биланок унга билим бериш учун бир неча ўқитувчилар ёлланди, немис тили ва адабиётидан ташқари, француз, латин, юнон ва итальян тиллари ўргатила бошланди. Рақс дарслари, чавандозлик ва қиличбозликдан ҳам таълим берилди. Уйларида жуда катта кутубхона бор эди, «Илиада»ни, Овидийнинг «Метаморфозалар» («Бир тусдан бошқа тусга ўтишлар»)-ини, Виргилийнинг асарларини асл тилида ўқиб ўрганди. 16 ёшида Лейпциг университетига кирди, 21 ёшида Страсбург университетини тамомлаб, ҳуқуқ доктори унвонини олди. Бу билан қоникмай, тиббиёт, табиийёт ва адабиёт билан шуғулланди.

16 ёшида Лейпцигда Кэтхен Шойнкопф исмли қизга ошиқ бўлиб, у ҳақда қувноқ шеърлар ёзиб юрди. «Айбдошлар» номли комедиясини, «Ошиқнинг инжикликлари» пасторали (чўпонлар ҳаётидан мусиқали кулги асари)ни, «Ойга» ва «Маъсумлик» каби шеърларини

ўша вақтда русум бўлган рококо йўлида (нақшли асарлар услубида) ёзди. Бу услуб асосидаги шеърларда жисмоний муҳаббат ғоялари қуйланар, табиат эса мохирона берилган декорация каби бўларди.

Гёте Франкфуртда қаттиқ касал бўлиб қолгани учун ўқишини Страсбург университетига кўчирди ва докторликни шу ерда олди.



Гёте Страсбургда шоир Гердер ва унинг атрофидаги ижодкорлар билан яқиндан танишди. Уларнинг «бўрон ва шиддат» йўналишидаги ижодларидан таъсирланиб, шу йўлда ўзини топди ва гўзал асарлар дунёга келди. Буларнинг ичида энг гўзали ва Гётени бутун Германияга танитган асари «Гец фон Берлихинген» (1773) трагедиясидир. Асар қаҳрамони Гец фон Берлихинген асли ўзи қиролга содиқ аскар бўлса ҳам, оқсуякларнинг, рухонийларнинг ўзбошимча золимликлари, камбағаллар ва деҳқонларни талон-торож қилишларидан норози бўлиб, уларни жазолашни бошлайди, жазо отрядларига бошчи бўлади.

У илгари 17 ёшидан бери ҳар хил йирик феодалларнинг ҳарбий қисмларида хизмат қиларди. Урушларнинг бирида қўлидан айрилиб, бир устага темир қўл ясаттириб, урушларда хизмат қилишда давом этди. Император армиясида садоқат билан хизмат қилган ва унинг муҳаббатини қозонган эди. Деҳқонлар адолатсизликларга қарши бошлаган кўзғолонларига Гецдан бошчилик қилишни сўрайдилар. Гец, агар улар ғайриқонуний ҳаракатлардан тийилса, уларга тўрт ҳафта давомида бошчилик қилишга рози бўлади. Аммо исён қонунсиз тус олганини кўриб, қўмондонликдан бош тортади. Бу вақтда император қўшинлари унинг рухсатисиз, алдамчилик йўли билан Гецни қўлга туширадилар. Гец кўзғолонни бостиришга ваъда бериб қутулади. Аммо исёнчилар сўзларида турмай анархия бошлаганларида, уларнинг етакчиси билан олишади ва уни ҳалок этади, лекин ўзи

хам оғир яраланиб ҳалокатга маҳкум бўлади. Лекин у бу ҳалокатни озодлик деб тушунади. Яъни у озодликни одамлар дунёсидан эмас, ўлимдан, она табиат билан қўшилишдан топади. Бундай ўлим одамларни озодлик учун курашга етаклашини билади. Гецнинг сўнгги нидоси «О, қандай гузал кўкюзи ҳавоси! Озодлик! Озодлик!» деган сўзлардан иборат бўлади.

Гёте орадан бир йил ўтгач, ўзининг биринчи романи «Ёш Вертернинг изтироблари»ни эълон қилди. Агар «Гец» уни бутун Олмонияга танитган бўлса, «Вертер» жаҳонга танитди. Роман ота юртининг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида талаш бўлди, ноширлар муаллифнинг розилигини сўраб ўтирмай, мисли кўрилмаган адабларда тинимсиз нашр этишар, бир-бирларидан қўчириб босишарди. Лекин одамни ҳайратга соладигани шуки, «Вертер»га французлар ҳам худди шундай қизиқдилар. Наполеоннинг эътирофига қараганда, у романни илк бора 17 ёшида ўқиган. китобни доим ёнида олиб юрган, тунлари ёстиғи остида сақлаган ва етти марта қайта ўқиган экан. Бу — бутун Овруподаги тарихий шароитлар бир хил бўлганини кўрсатади.

Гётеннинг ўзи Эккерманга шундай деган эди: «Менинг кўпчиликдан устунлик томоним шундаки, мен жуда улуғдан-улуғ жаҳоншумул тарихий воқеалар даврида туғилдим, менинг узун умрим давомида улар ҳеч қачон тингани йўқ, мен Етти йиллик урушнинг жонли гувоҳиман, Американинг Англиядан узилиши, кейин француз инқилоблари ва ниҳоят, Наполеон эпоҳасини бошдан адоғигача, яъни қаҳрамоннинг ҳалок бўлишигача ва бошқа ҳодисаларни ўз кўзим билан кўрдим».

Романда яшамокнинг аламлари, ҳаётга, унинг нуксон ва камчиликларига нафрат, бу ғамхона дунёнинг разилликлари одамларни қандай таъқиб этиши каби тузалмас касалликларни яраланган юрак билан ифодалаган эди. Бахтнинг ушалмаслиги, фаолиятни зўравонлик билан тўхтатиш, истакларнинг оёқости бўлиб ётиши каби ҳодисалар эса ҳамма замонларга хос ва ҳамма инсонларга тушунарли эди.

Роман учун Гётенинг шахсий ҳаётида юз берган воқеа асос қилиб олинган эди. 1772 йилда 23 ёшли Гёте отасининг қистови билан Рейн дарёси ёқасидаги Лана-Вецлар номли ғоятда хушманзара қишлоққа ҳуқуқ доктори сифатида умумимпериал судларда тажриба орттиргани келган эди. Аммо у империал судларда ахён-ахёнда бир кўринар, асосан, нафис адабиёт билан, ижодий ишлар билан кун кўрмокчи эди. Вецлар кўчалари тор, чанг-тупроқ босган, аммо атроф чаман-чаман эди. Май ойида булоқлар, жилғалар узра, ариқ бўйларидаги тепаларда чиройли манзараларни кузатишни хуш кўрар, тезда ўзига шинам бурчакларни топиб олиб, Ҳомер, Пиндар каби кўнглига яқин китобларни ўқиб ётишни яхши кўрарди. Ёшлар уюштирган йиғинларда қатнашар, дўст-ёрлари кундан-кунга ортиб борарди. Бир дафъа 1772 йилнинг 9 июлида Вецлар шаҳридаги Волпертгаузен деган жойда бўлиб ўтган балда илк бора 19 ёшли (1753 йил 11 январда туғилган) Шарлотта Буфф исмли кизни кўрди.

Вецларнинг Волпертгаузен даҳасида «Немис жамоа уйи» бор бўлиб, у Тевтон жамоасига тегишли эди. Шарлоттанинг отаси шу уйда амтман, яъни хўжалик мудирини бўлиб ишларди. Бу уйга ёшлар тез-тез йиғилиб, хангомалашиб туришар, Гёте кизни шу ерда учратган эди. Кейин отасининг дала ховлисида икковлари яқиндан танишдилар. Қиз пушти бантли оқ кўйлақда, кичик болалар қуршовида турар, кечликка нон улашар эди. Бева отаси, бир неча укалари ва сингиллари билан яшар, раҳматли онасининг ўрнида жигарларига қарар ва уй ишларини бир ўзи қилар экан. Гёте бутун оқшомни у билан бирга ўтказди. Эртасига яна уларникига келди. Индинига яна келди. Бутун вужуди, бутун борлиғи билан уни севиб қолди. Аммо Лоттанинг унашилган қайлиғи бор экан: Альберт Кестнер деган Ганновер элчихонасининг котиби, истеъдодсиз, аммо ор-номусли бир йигит. У Лоттани чин юракдан севаркан ва киз ҳам унга бефарқ эмасмиш. Улар биргаликда сокин бир оила қуришмокчи. Фақат тўйга тайёргарлик учун озгина фурсат кутишарди. Гёте ўртага учинчи шахс бўлиб кириб қолганди. Жуфтлик Гётени яқин ошна сифатида қабул қилди.

Гёте эса ўз аждодларига ўхшамаган, бошқача ёқимтой бўлиб туғилган — чиройли, истеъдодли, ақлли ва ҳаётсевар, юрагида ўти бор, таъсирланувчан, шўхгина, шумгина ва айни чоғда, ҳаёлчан, қисқаси, қизиктабиат бир дарвеш йигит эдики, Шарлотта ва Кестнерда ўзига нисбатан катта меҳр ҳамда чинакам дўстлик туйғуларини уйғотди. Улар ажойиб, хушбахт ва хатарли ёз кунларини учовлон бирга ўтказишарди. Кестнер ҳалол, виждонли ва қоғозлар устида терлаб-пишиб ишлайдиган одам эди, шунинг учун Шарлотта билан Гёте уйда, кўпинча, бирга ёлғиз қолишарди. Киладиган ишининг тайини бўлмаган Гёте вақтини Кестнернинг қаллиғи билан ўтказарди. У далада, боғда, хўжалик ишларида, полиздаги сабзавот йиғим-теримларида, нўхат тозалашда унга ёрдамлашиб, ўзининг кўёвдан устунлигини кўрсатиб борарди. Албатта, гениал шоир қаёқдаю тиришқоқ ходим қаёқда? Шарлотта Гётени севиб қолган, албатта. Аммо у ақлли-хушли, ўзини тута оладиган қиз эди. У фақат ўз туйғуларини эмас, ўзгарувчан ва гапирмай туролмайдиган хушторининг эхтиросларини ҳам тизгинда тутиб тура олар эди. Лекин бир окшом Альберт йўқлигида у келиб қолди ва Оссиандан парчалар ўқиб бера бошлади. Сўнг бир пайт ўқишни тўхтатди-да, оёқларига чўккалаб кизнинг қафтларини ўз кўзларига, манглайига босди. Киз ҳам унинг қўлларини қисди ва уларнинг ловуллаб турган юзлари бир-бирига тегди. Бу яқинликдан сўнг киз бирдан ҳушига келди. Ўзини ундан ажратди. Бу воқеа хўжағатзорда юз берди. Қиз бунга йўл қўйгани учун ўзидан жуда каттиқ аччиқланди, тавба-тазарру билан ўзини тийиб олиш учунми, унашилган йиғитига воқеани айтиб беришга қарор қилганини Гётега айтди. Гёте бундай қилмасликни илтимос қилди. Бўлмади. Воқеадан Кестнернинг кайфияти бузилди, аммо жаҳли чикмади. Буни бир лахзалик муҳаббат ходисаси деб ҳисоблади. Меҳмонга жиддий муносабатда бўлишга қарор қилдилар. Ўша кундан кейин учинчи кун кеч соат ўнларда, икковлари уй олдида ўтиришаркан, у бир қучоқ гул кўтариб келиб, уларнинг оёқлари остига

ташлади ва Лоттага қаради. Лотта унинг ипакдай қора қошлари остидан ўзига ўтинч билан қараб турган чиройли катта-катта қўй кўзларига термулди. Такдир тақозосини кўрингки, Кестнер билан Гёте бир кунда — йигирма саккизинчи августда туғилган эдилар. Қайлиқлар одоб юзасидан унга Лоттанинг расмини ва доим кийиб юрадиган оқ қўйлагидан пушти бантини совға қилишга аҳд қилдилар. Бу Гёте учун садақадай бир гап эди. У Лотта билан Альбертга «Мен сизларнинг бахтли бўлиб яшашингизни ва қалбларингизда мени олиб юришингизни тилаб, сизларни ёлғиз қолдираман. Алвидо, минг бора алвидо!» деган хат қолдириб бир кечада ғойиб бўлди. «У кетибди», — дейишди галмагал. Лоттанинг кўзларидан тинимсиз ёш оқарди. У энди кўзёшларини қайлиғидан бекитмасди. Альберт эса кун бўйи уни юпатди: «Қандай ажойиб одам эди-я, айрим қилиқлари ғалати ва ёқимсиз бўлса ҳам, гений эди, ўзгача одам эди, мен унга ачинаман ва унинг олдида бош эгаман». Ҳатто бир кун Лоттага хат ёзиб: «Сен унга тегмоқчи бўлсанг, қарши эмасман, бемалол биттамызни танлайвер», — деганди. Кестнер шундай эди.

Гёте эса шу кетганча кетди ва орадан бир йил ўтгач, ўзининг «Ёш Вертернинг изтироблари» романини эълон қилиб, дунёга танилди.

Шарлотта Буфф эса Шарлотта Кестнерга айланди ва Альбертга 11 та бола туғиб берди.

Фон Штейн хоним

Улуғ немис ёзувчиси Томас Манн ўзининг «Гёте ҳақида фантазия» сарлавҳали мақоласида шундай ёзади: «Гётенинг муҳаббат билан боғлиқ умр баёни одамни шу қадар донг қолдирадики, маълумотли одам Зевснинг севги саргузаштларини санай олганидай, Гётенинг ҳам барча ишқий



савдоларини билиши керак». Чунки унинг муҳаббат қиссалари адабиётда мармар ҳайкалчалардай унутилмас обидалар қолишига сабабчи бўлгандир.

Шоир ҳаётининг каттагина қисмини Веймарда ўтказди. Шу ерда Штейн хоним билан ҳам яқин дўстона муносабатда бўлди.

Шарлотта фон Штейн хоним (1742–1827) Веймар герцогининг хотини Анна-Амалиянинг гофмейстеринаси, яъни сарой хоними бўлиб, Гётенинг ёшликдаги ва етуқлик йилларидаги суюкли дўсти бўлган эди. У жуда ўқимишли, зиёли аёл бўлиб, Гердерлар ва Шиллерларнинг оилалари билан ҳам борди-келди қиларди. Бу учала шоирнинг ҳаёти ва ижодига жуда катта таъсир ўтказган эди. Лекин Штейн хоним билан Гёте ўртасида ўн йил давом этган вужудсиз, жисмсиз, нонсиз муҳаббат шоирни ҳолдан тойдирар эди. Шунинг учун 1789 йилда ораларига совуқлик тушди ва Гёте ўзини ўнглаб олиш учун Италия бўйлаб саёҳатга жўнаб кетди.

Гёте учун Штейн хоним Ифигения тимсолидаги аёл эди.

Ифигения — Хомернинг «Илиада» достонининг қаҳрамони, Микенларнинг подшоси ва қўмондони Агаменноннинг кизи. Агаменнон юнон аскарлари эсон-омон Трояга қайтишлари учун ҳаракат қиларкан, денгизда тинимсиз юз бераётган бўрон ва довуллар лашкарнинг қайтишига сира имкон бермас эди. Шунда Агаменнон ов маъбудаси Артемида (Артемида румликларда — Диана) дан бўронларни тўхтатиб туришни ёлвориб сўрайди ва агар шундай қилса, бунинг эвазига кизи Ифигенияни қурбонликка беришини айтади, ваъдасини олдиндан бажариб, кизини унга элтиб беради. Артемида (Гётеда: Диана) эса бу қурбонликни кийикка алмаштиради (исломда қурбонликка келтирилган Исмоилни қўчқор билан алмаштирилгани каби — М. А.), Ифигенияни Тавридага (Қримга) олиб кетиб ўзига хизматчи — банди қилиб олади. Гётенинг «Ифигения Тавридада» драмасида бу воқеаларнинг ҳаммаси эмас, фақат охири тасвир объекти қилиб олинган. Ифигения Тавридада

ўз бандачилик вазифаларини адо қиларкан, Диана уни хотини ўлган Таврида шоҳи Фоантга тегишга ундайди. Ифигениянинг ватанида эса Агаменнон қайтиб келганда хотини Клитемнестра ўйнаши Эгисф билан бирга эрига заҳарланган кўйлак кийгазиб ўлдиради. Бундан хабар топган ўғли Орест онасини ўлдириб, опаси Ифигенияни қутқариб олиб келиш учун Тавридага йўл олади. Ифигения ўз аҳволини шоҳ Фоантга яхши сўзлар билан англашиб, укаси билан ватанига қайтишга розилик ва оқ фотиҳа олади.

«Ифигения»дан ташқари «Торквато Тассо» драмаси ва Миньонанинг қўшиқлари ҳам Гётенинг Штейн хонимга мухаббати меваларидир. Яна Гётенинг Шарлотта фон Штейнга ёзган жуда кўп мактублари ҳам бизгача етиб келганки, улар эпистоляр жанрининг гўзал намуналаридир. Қуйида хатларнинг баъзиларини келтириб ўтамиз.

«31 март, якишанба.

Азизим, мактубингиз мени хафа қилди. Агар ўзингизга ўта ишончсизликни, мингларча одамлар бахтли бўлиши учун қалбингизга ишонишлари кераклигини тушуна олсайдим! Бу ёруғ дунёда ҳеч нарсани тушунишининг кераги йўқ, қанча узоқроқ қарасам, бунини шунча аниқ кўряпман. Сизнинг хаёлингиз, азизим! Кўзёшларингиз! Мана шундай! Мен воқеликни, кўпинча, қийналмай қабул қиламан; ширин хаёллар кимларгадир қаттиқ таъсир ўтказиши мумкин. Мен яна биринчи муҳаббатимни кўрдим. Тақдир мени не кўйларга соляпти! У менга бу саёҳат вақтида қанчадан-қанча нарсаларни тўла-тўқис ва аниқ кўришимга халақит берди. Бу саёҳат бу кунга қадар ўтган ҳаётимга яқун ясагандай бўлди! Энди ҳаммаси янгидан бошланади! Ахир сизлар ҳаммангиз меникисизлар! Тез орада келаман. Ҳали Шретар билан ажрашолмадим. Хайр! Хайр! 76-йил март ойининг сўнгги кунини. Лейпциг.

Г.»

25 май, жума.

«Шундай қилиб, синглимни ҳисобга олмаганда, аёлга нисбатан қачонлардир бўлган энг покиза, энг гўзал, энг ҳаққоний муносабатим издан чиқди. Мен шундай бўлишига тайёр эканман, фақат мен ўтмиш ва келажак учун ҳамда ўша пайтларда шундай изтироблар чекишига маҳсум қилганим, энди эса кетиб бўлган шўрлик бола учун беадад изтироб чекибман. Мен Сизни кўргим келмайди, Сизнинг ҳозирги аҳволингиз мени қайғуга ботирган бўлар эди. Модомики, Сиз билан яшай олмас эканман, Сизнинг муҳаббатингиз ҳамма йўқ одамларнинг муҳаббати каби менга унчалик кераги йўқ. Бунақа одамларим тўлиб ётибди. Нақди муҳтожлик дақиқаларида ҳаммасини ҳал қилади, ҳаммасини енгиллаштиради, ҳаммасини мустаҳсамлайди. Керак пайтида келмаганлар, ёнғин ўчиб бўлганда ўт ўчириш қуроли билан келган ўт ўчирувчиларга ўхшайдилар — ҳаммасини киборлар кўриб қўйсинга қиладилар! Мен учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган киборлар Сенинг мен учун кимдир, нимадир бўлишингни истайдилар, бу билан нимани кашф қилаётганларидан хабарлари йўқ. Якка-якка зиндонга ташланадиган, севги овозини эшитмайдиган маҳбуснинг шалвираган қўли, у ташланган зиндон учун ҳам оғирлик қилади. Алвидо, азизим».

76, 24 май

16-кун, оқшом...

«Яна бир сўз. Кеча биз Апольддан қайтаётганимизда, олдинда бир ўзим, отда гусарлар (венгер формали ҳарбий отлиқлар) билан ёнма-ён келарканман, улар бир-бирларига ўз қилмиш-қидирмишларини ҳикоя қилиб боришар; мен уларни бирда тинглаб, бирда тингламай ўз хаёлларимга чўмганча йўлда давом этардим. Бирдан шу жойларни, шу ўлкани қандай қаттиқ яхши кўришим ҳақида ўйлаб қолдим! Э, бу Эттесберг! Бу унча баланд бўлмаган тепаликлар! Шунда ич-ичимни бир совуқлик қамраб олди — бирдан сен ҳам қачондир бу ерларнинг барини ташлаб кетсанг-а! Ҳар қандай бандаи мўмин орзу қиладиган, шу қадар кўп нарса топганинг, бутун бахтингни топганинг, абадий янграб турадиган ҳаётдан ҳузур устига ҳузур кўриб яшаганинг, ўлкани сен ҳам ташлаб

кетишинг зарур бўлиб қолса, қўлларингда асо билан ўз ватанингни қандай ташлаб кетардинг? Кўзларимга ёшлар тўлиб кетди, аммо буларга чидашим учун етарлича кучли бўлишим кераклигини ҳис қилдим. Кучли бўлишим, демак, ҳушимдан кетишим керак».

1876 йилнинг 1—8 сентябрида ёзиб қўйилган хат...

«Нега мен сени қийнашим керак? Азизим! Нимага ўзимни алдашим, сени қийнашим ва ҳар бало қилишим керак. Биз бир-биримиз учун ҳеч нима бўлол-маймиз, бир-биримиз учун керагидан ортиқ қадр-қимматли бўлдик. Менга ишон, мен сен билан аниқ-равшан гаплашганимда, сен ҳар борада мен билан бир фикрда эдинг. Аммо мени нимани қандай бўлса айнан шундай кўрганим қутуртиради. Хайрли оқшом, фариштам ва энди хайрли тонг. Мен сени яна бир кўргим келмайди... Фақат... ҳаммасини ўзинг биласан... яна буларнинг ҳаммасини фақат менинг юрагим ва асл сабаблар билади... Мен айтишим мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммаси тентаклик. Эндиликда сени юлдузлар кўрган каби кўраман! Буларни яхшилаб ўйлаб кўр».

Манзил: Фон Штейн хонимга
Сексен-вейман-эйзенах гербли давлат муҳри
22 март, пайшанба

«Сенинг севгинг тонг ва шом юлдузидай: у қуёш ботгандан кейин ботади ва қуёшдан олдин туради. Худди ҳеч қачон ботмайдиган қутб юлдузидай, бошларимиз узра мангу-сўлмас чамбарини тўқийди. Мен тангрига ёлвориб, менинг ҳаёт йўлимда уни ҳеч қачон сўндирмаслигини тилайман. Биринчи баҳор ёмғири бизнинг сайрларимизга халақит бериши мумкин. Илк яшилликлардан қувонишимиз учун у ўсимликларни барг ёзишга мажбур қилади. Биз ҳеч қачон шундай ажойиб баҳорни бирга бошдан ўтказмадик, энди унинг кузи ҳам бўлмай қўя қолсин. Кечир! Мен келаётган соат 12 лар атрофида сўрайман. Алвидо, энг яхшим, севгилим.

22 март, 81 й.
Адрес: Фон-Штейн хонимга
10 август, шанба.

«Бугун эрталаб Вильгельмнинг бир бобини тугатдим, бошланиш қисмини сенга айтиб туриб ёздиргандим. Бу менга ёқимли бир соат бўлди. Тўғриси айтганда, мен ёзувчи бўлиб туғилганман. Бирон нарсамни ўйлаганимдай қилиб яхши ёзолсам, илгари ҳеч бошимдан ўтмаган энг тиниқ бир қувончни бошимдан ўтказаман. Хайр. Ҳаётимнинг, ижодимнинг, ёзганларимнинг руҳини мен учун асраб қўй».

19 авг. 82.

(Пайшанба), 1882 й. 17 сентябри, оқшом

«Ўқиш, саралаш ва сени ўйлаш учун аста-аста уйга қайтдим. Мен бошқача яшаиш учун туғилган инсонман. Айни чоғда, тақдир мени қандай қилиб давлат идораси ишларига ва зодагонлар оиласига аралаштириб қўйди, ҳеч тушунмайман.

Мен сен учун яшайман, Лоттам, менинг ҳар бир дақиқам сенга аталганини ҳис қилиб турибман, сен меники бўлиб қоласан.

Кеча мен то кўзимга кўринмай қолгунингча рўмолчамни силкитиб кетдим, йўлда сен билан бирга бўлдим, фақатгина шаҳарни кўрганимда, илк бора мени сендан айирган кенгликни идрок этдим.

Мен энди ҳаётимнинг биринчи қисми, аниқроқ айтганда, эртагимнинг бошланмасини яшилаб ўйлаб кўрдим ва ора-чора шеърлар ёзишга уриндим; агар вақтим етарли бўлганида ва уй хотиржамлиги бўлганида ҳаммаси яхши чиққан бўларди».

17 ноябр, яшанба

«Тонготардан олдинроқ, аммо ҳар қалай тонг отиши билан, мен биринчи зиёратимни бошладим. Сенинг деразангга таъзим бажо келтириб, бошингга бордим. Бу менинг боғимдаги бирдан-бир ёруғ ердир. Унинг устига тиниқ самовий кўзёшлар томди; бунда ёмонлик аломатлари йўқ, дея умид қиламан.

Мен Мелезина тақдир тақазоси билан ўз кулбаси ёнидан ўтгандай, бир ташландиқ уй ёнидан ўтдим ва ҳеч нарсани тушуниб бўлмайдиган ўтмишим ҳақида ва оқибати нима бўлиши номаълум бўлган келажаким ҳақида ўйладим. Бу сокин бошпанамни ташлаб кетишга мажбур бўлганимда нақадар

кўп нарсани йўқотдим! Умени боғлаб турган иккинчи ришта эди, энди фақат сенга осилганман ва Раббимга шукурлар бўлсинки, бу ришта жуда ҳам пишиқ. Кейинги кунларда сўнгги ўн йил ичида ёзган хатларимни кўздан кечиряпман. Кимлигимни ва нима қилишим кераклигини тушунишим борган сари қийинлашиб бормоқда.

Мен билан бирга бўл, азизим Лотта, сен — бу сувости тошлари орасида сен менинг лангаримсан...»

82, 17 ноябр

21 ноябр, пайшанба

«Эрта билан хузурингда бўламан. На ҳаёт, на ўлим, на ижод, на хизматга алоқадор хатлар мени сендан айиролмайди. Қордан хурсандман, ўтган йилги қишни ва дўстлигинг манзараларини ҳаёлимда жонлантиради. Алвидо, умримнинг ширин орзуси изтиробларимнинг тинчлантирувчи шарбати. Эртага бир пиёла чой қиляпман. 82, 21 ноябрь

Сен ўз кунингни менга маълум қил».

Верона, 86 й. 18 сентябри

«Кичик бир қоғоз парчасида севгилимга қайдагимни айтмасдан ўзим тўғримда хабар юбораман. Мен хурсандман, менга завқ бераётган гўзалликни фақат сен билан ўртоқлашгим келади. Ҳолбуки, кўпинча, ҳасратларимни ўтқирлаштириб юборади бу истак.

Мен ахир аниқ бир кундалик дафтарман, унга кўрганларимни, ўйлаган-ларимни киритаман, сўнг менинг ҳисобимча, октябрнинг ўрталарида уни олишинг мумкин. Сен, чамамда, ундан шодланасан, олдингда бўлганимда сенга беролмаган нарсаларимни йўқлигимда кўпроқ оласан. Бунинг устида мактубидан бир неча расмлар ҳам топасан. Изма-из яна кўпроқ нарсалар! Аммо олган нарсаларинг ҳақида ҳеч кимга гапириб юрма. Аввало, уларнинг биттаси мутлақо сен учундир. Ифигения устида жуда кўп ишляпман, қадим санъатни севганларнинг ҳам ташаккурини олишдан умидим бор. Мен шунчалик кўп нарса айтишим керак, аммо уларни ўзимни ошкор қилмасдан ва эътироф этмасдан олдин айтолмайман. Сен Кохбергдасан, менинг фикри ёдим ҳам ўша ерда, сен билан бирга. Менинг номимдан Фрицга салом айтиб

кўй! Унинг мен билан бирга эмаслиги, кўпинча, диққатимни оширади. Ҳозирги билганларимни илгари билганимда, сени ўзим билан бирга олиб кетардим. Мен яхши йўлданман ва бу саёҳат менга кўп устунликлар олиб келади. Хайр! Сен билан кўришиб кўп нарсалар айтиб беражасимдан чин қалбдан қувонаман.

Чунки бир талаба «агар уйимни кўрмаган бўлсам, у нима ҳам бўларди» деганини, ундан ўтказиб «Мен бу ҳамма кўрганларим сенга тугал қилиб айтиб бермасам, у нима ҳам бўларди?» деб айтгим келади. Минг марта хайр, Штейнга, Имгофга ва кичкинтойга мендан саломлар! Эрнестни ҳам унутма, уни кўп ўйлайман!»

Терни, 1786 йилнинг 27 октябри, оқшом

«Яна бундан бир йил ер қимирлашидан зарар кўрган ғорда ўтирибман, мени бало-қазолардан омон сақловчи азиз фариштам, яна сенга ёлборяпман! Мен қандай тантиқ бўлиб келганимни фақат эндигина аниқ ҳис қиляпман! Ўн йил сен билан бирга яшадим, сенинг севгилинг бўлдим, сўнг тўсатдан бутунлай бегона дунёга тушиб қолдим! Мен буни илгари тасаввур қилгандим, фақат олий бир зарурият мени бу қарорга келишга мажбур этди.

Энди бизнинг ўртамызда ҳаётни бирга яшаб ўтказишдан бошқа фикр бўлмасин!»

23 декабр, оқшом

«Мактубинг учун яна бир марта миннатдорчилик билдиришга рухсат эт! Унда қалбимни изиллатадиган бир оғриқ борлигини бир дақиқа унутишга ижозат бер! Севгилим! Севгилим! Тиз чўжиб сендан илтимос қиламан, ёлвораман, олдинга қайтиб боришимни енгиллаштир, бу чексиз дунё аро қувғинди бўлиб қолмай! Олдинда айбли иш қилиб қўйганим учун, кенгфеъллик билан мени кечир, қайтадан қаддимни ростлашимга ёрдам бер! Менга кўпроқ ва тез-тез ўзинг тўғрингда, қандай яшаётганинг тўғрисида ёзиб тур. Соғман ва сени яхши кўраман деб айт! Яқин орада ёзажак

хатимда сенга ўз саёҳатим режасини маълум қиламан, қабул қилган қароримни танрининг ўзи қўлласин! Сендан фақат биттагина илтимос: менга ўзингдан ажралган одам сифатида қарама! Сени ва ўша ердаги шароитни йўқотиш билан мен ажралган нарса ўрнини дунёдаги ҳеч бир нарса қоплай олмайди. Қанийди, бутун кўнгилсизликларни мардона енгиш учун ўзимда бир куч ола келган бўлсайдим! Майли, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолсин, илтимос, безовта бўлма! Штейнга ва Эрнстга салом айт! Фрицга мактуби учун раҳмат айтиб қўй! Иложи борича менга кўроқ ёзсин. Мен унинг ўзи учун мактубларни эҳтиётлаб йиға бошладим. У хоҳлаган нарсаларининг ҳаммасини олиши керак, ҳатто хоҳлаганидан ортиқроғини ҳам...

Сен касал бўлганинг, менинг айбим билан касалланганинг юрагимни беҳузур қилди, буни қандай ифодалашни ҳам билмайман. Кечир мени! Мен ўзим ҳам ҳаёт билан ўлим орасида жанг олиб бордим ва ҳеч қандай сўз менга нима бўлганини ифодалаб беролмайди. Бу йиқилиш мени ўзимга қайтарди. Севгилим! Севгилим!»

Палермо. 1787 йилнинг 18 апрели

«Севгилим! Яна Палермодан видолашув хати! Мен фақат сенгагина соғлиғим ва саёҳатим қандайдир кўриниш ола бошлаганини такрорлашим мумкин. Хотираларимдан айрим нарсаларни тўла-тўқис кўришинг мумкин. Ҳаммаси ҳақида, менинг руҳий ҳолатим, ҳис қилган бахтли натижаларим ҳақида ҳеч нарса айтолмайман ва айтмайман ҳам. Бу — мен ҳозир бу мамлакат қирғоқларининг бор-йўғи бир парчасинигина билган эсамда, у таъриф-тавсифга сиғмайдиган ажойиб минтақа эканлигини айта оламан. Табиий фанларга оид билимларим жуда кам бўлишига қарамай, ҳар бир кун менга жуда кўп қувонч бераётир, агар анча-мунча нарсаларни билганимда эди, қувончларим бениҳоя чексиз бўларди. Мен сенга тайёрлаётган нарсани уддалайман, албатта. Сени шодлантиришни ўйлаганимда, қувонганимдан йиғлаб юбордим. Кечир, азизим. Юрагим ҳамон сен билан бирга, энди масофа ва айрилиқ сўнгги вақтларда ўртамизда турган ҳамма нарсани поклаганида,

ажойиб севги алангаси, садоқат ва хотиралар янгитдан
порлаб ёна бошлади ва менинг юрагимда чақнаб турибди.
Гердерга ва ҳаммага салом айт, мени унутма!»

Веймар, 1799 йилнинг 1 юни

«Қолдириб кетган мактубинг учун ташаккур, ҳолбуки,
ундаги кўп нарсалар мени хафа қилди. Мен унга жавоб
беришга шошилмадим, чунки бундай ҳолларда самимий
бўлиш ва ҳақорат қилмаслик қийин.

Мен сени нақадар кучли яши кўришимни, сенга ва Фрицга
нисбатан бурчларимни чуқур англашимни — Италиядан
қайтишим билан исботладим. Герцог мен ҳалиям у ерда
бўлишимни хоҳлаган экан, Гердер ўша ёққа кетибди. Мен
шаҳзода валиаҳдга қандайдир фойдам тегиши мумкинлигини
кўрмаганим учун калламда сендан ва Фрицдан бошқа нарса
бўлиши эҳтимолдан узоқ эди.

Мен Италияда нима қолдирганимни, бу ҳақда сенга
ишониб айтган гапларимни сен керагича душманлик билан
кутиб олдинг, мен буни такрорлаб ўтирмайман.

Афсуски, мен келганимда сен ғалати кайфиятда эдинг,
сен мени қандай кутиб олганинг, бошқалар қандай кутиб
олгани менга жуда қаттиқ таъсир қилди, буни чин юракдан
тан оламан. Мен Гердерни, герцог хонимни кузатиб қўйдим,
экипажда менга аталган бўш жойни қанчалик қатъият
билан таклиф қилган бўлсалар-да, у жойга ўтирмадим,
бўш қолдирдим. Мен қувонч учун қолдим, ўзиям қувонч
учун етиб келган эдим, ана ўша дақиқада келмаслигим,
одамларга ачинмаслигим ва ҳоказолар дея ўзимга ўзим
сабот билан такрорлашим ҳам мумкин эди, буларнинг бари
олдин, ўртамиздаги ришта тўғрисида гап очилмасдан бурун
бўлди, афтидан, муносабатимиз тўғрисидаги гап сени
ҳақоратларди, шекилли.

Ҳам бу қандай яқинлик? Укимга зиён еткизади? Сезишга,
ҳис қилишга, бахтсиз бир хилқатга қувонч беришга ким
даъвогар бўла олади? Мен бир аёл билан ўтказишим мумкин
бўлган соатларга ким талабгор бўла олади?

Фрицдан, Гердерлардан, истаган одамингдан сўра, ким
менга яқин, мен кимга озроқ ҳамдардлик қилдим, кимга оз

шериклик қилганман, олдингига нисбатан дўстларимдан қай бирига ғайрат билан ёрдам бермаганман? Мен ҳозир ҳам уларнинг дўсти эмасманми ва жамиятга кўпроқ керакмасманми?

Тақдиримда сенга нисбатан энг яхши, энг самимий муносабатимни йўқотиш бор бўлса, бу ғаройиб ҳодиса бўлар эди.

Кунлардан бир кун сенинг мен билан қизиқарли нарсалар ҳақида суҳбатлашишига мойил ҳолатинг устидан чиқиб қолсам, бундай ҳол менда ҳали тирик эканлигини жуда қаттиқ ҳис қиларман.

Аммо тан оламан, бу кунгача менга қилиб келган муомалангга ортиқ чидай олмайман. Мен гапдонлигим тутган пайтларда сен менинг оғзимни ёпардинг, мен кўп янгиликларни билдирмоқчи бўлсам, сен мени лоқайдликда айблардинг, дўстларга муносабатда фаолроқ бўлсам, сен мени совуқликда ва қўполликда айблардинг. Сен юзимдаги арзимаган майда ифодаларни кузатардинг, ҳар бир ҳаракатимни, ўзимни тутишимни тергаб-койирдинг ва ҳар доим мени ёмон руҳий аҳволга солар эдинг. Сен атайлаб инжиқлик билан мени ўзингдан нарига итарардингки, бу аҳволда ўртаимизда ишонч ва самимиятни сақлашга қаердан ҳам жой топиш мумкин?

Мен яна буларга кўп нарсаларни қўйишим мумкин эди, аммо бу сени, сенинг бу руҳий ҳолатингда, мен билан ярашиш у ёқда турсин, қайтага ҳақорат қилиши ҳам мумкинлигидан қўрқдим.

Бахтга қарши, сен кўпдан бери менинг қаҳвага оид маслаҳатларимга парво қилмай қўйдинг ва соғлиғингга зиён етказадиган парҳезга амал қилмоқдасан. Бу ҳам камлик қилгандай, ахлоқий бошқача таъсирларни қийналиб енгишига ҳаракат қиялсан, сен азобларинг ва маънос қора тасаввурларингни жисмоний йўл билан кучайтириб юборялсан, бунинг зарарини яқин вақтлардан бери тушуна бошлардинг ҳамда бир вақтлар менга бўлган муҳаббатингдан ўзингни олиб қочардинг сўнгра ўзингни яхши ҳис қилардинг. Илоҳо, шифо ва саёҳат сенга фойда келтирсин. Мен қачон бўлмасин яна мени тан оласан, деган умиддан воз

кечмайман. Хайр, Фриц қувноқ ва қунт билан мени зиёрат қилиб турибди. Шаҳзода ўзини соғлом ҳис қиляпти.

Белведер. 1789 йилнинг 1 июни. Г.

Христиана Вулпиус



Веймар-Эйзенах герцоглигининг ҳукмдори 18 ёшли герцог Карл Август, 26 яшар Гётега яқин дўст ва давлат ходими бўлиб ишлашни таклиф қилганида, у гапни чўзиб ўтирмай розилик берган, бошқарув ишларида фаол қатнаша бошлаган эди. Ўша йилларнинг бирида Нюрнбергдаги аллақайси бароннинг шахсий секретари Кристиан Август Вулпиусдан шикоят хати тушган ва Гёте масалани ижобий ҳал қилиб берган эди. Энди Вулпиусни ишдан бўшатишмоқчи бўлиб, ўрнига бошқа кишини излашаётган экан. У яна Гётега ариза ёзиб, Нюрнбергдан Веймардаги кичик синглиси Христиана орқали бериб юборган эди.

Илм дарёси узра қурилган Веймар — герцогликнинг бош кенти, Германиянинг Тюрингия ва Гарц ўрмонлари орасидаги «яшил юраги» бўлиб, у пайтлар шаҳарда етти ярим минг киши яшарди. Христиана Вулпиус Лютергасс кўчасидаги харобгина бир уйда яшар, сунъий гуллар дўкони устахонасида ҳам гул ясовчи, ҳам гул сотувчи бўлиб ишларди. Топган пули билан отаси, ўғай онаси, ука ва сингилларини кўлидан келганча таъминлаб турарди.

1788 йилнинг 12 июни, шанба окшомида Илма тепасидаги истироҳат боғида 23 ёшли Христиана ҳали қирчиллама қирқ ёшига ҳам етмаган, 39 ёшдаги давлат маслаҳатчиси билан учрашди ва биров сайр қилишгач, акасининг аризасини топширди. Ўрталарида қандай гап-сўзлар бўлганлиги, воқеалар қандай давом этганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар сақланиб қолмаган.

Христиананинг ташқи кўринишини бир неча тавсиф-таърифлардан, бизгача етиб келган портретлар ва Гётенинг ўз расмларидан билиб олишимиз мумкин: Христиана Вулпиуснинг бўйи Гётенинг бўйи билан тенг, унчалик новча эмасди. Думалоқ юзли, кўзлари коп-қора, кўпчиган қорамтир сочлари елкаларига ёйилиб тушган, вужуди сал семизликка мойил, жуда жўшқин, жуда ёқимтой, қулонғич ва сал-пал қовушимсиз эди. Унинг сажияси Гёте Веймардан узоқроққа кетганда йўллаган мактубларидан яққол кўриниб туради: содда, табиий, ноз-карашмасиз, одамларда фақат яхши тарафларни кўрадиган, ҳаётсевар... Христиананинг жозибадорлиги билан бирга ана шу айтилган хусусиятлари ҳам Гётени ўзига кўп мафтун этган бўлиши ҳақиқатга яқин, чунки Гётега айнан шулар етишмасди: у доим ўзини касал деб ўйлар, доим ғамгин, маъюс бўлиб юрар, ўз ҳолидан сира қаноатланмас эди. Гёте ва Христиана олдиниға шунчаки дон олишиб юргандек кўринсалар ҳам, ўрталаридаги муносабат борган сари мустаҳкамланиб борди. Гёте қизни аввал ўз боғидаги уйга жойлади, сўнгра Фрауэнплан деган ердан катта ва кенг уй олиб, у ерга кўчиб ўтишди (ҳозир бу уйни сайёҳларга кўрсатишади). Тез орада Гёте ўз севгилисини одамлардан яширмай қўйди, зиёфатларга у билан бирга бора бошлади, кўчаларда очик экипажда бирга сайр қилиб юришарди.

Гётенинг аксар замондошлари ва бутун қариндош-уруғлари Христианани паст табақадан чиққан одобсиз аёл, муҳаббати ҳам, табиийки, интеллектуал хусусиятга эга эмас, деб ҳисоблардилар. Гёте уни ўз боғидаги уйига олиб келганда, бутун оила аҳли унга, гўё у бу ерда йўқдай, муносабатда бўлди. Катта меҳмонхонада Гётега дастурхон ёзишганида, уни чойга таклиф қилишмасди. У пардоз-андоз қилиб, қулоқларига исирғалар тақиб, энг чиройли қўйлақларини кийиб, чақиришларини кутиб ўтирар, аммо унга қайрилиб ҳам қарамасдилар. Ҳеч ким уни келин ўрнида кўрмасди. Шундан сўнг Гёте Фрауэнпландан уй-жой сотиб олиб, у билан бирга кўчиб кетган эди.

Аммо никоҳдан ўтмаган аёлнинг ижтимоий-адлиявий томони жуда лиқиллаган, омонатгина, Гётега бир нарса

бўлса, кўчада қаровсиз қолиши муқаррар эди. У пайтда ҳали ижтимоий суғурта деган гаплар йўқ эди.

1789 йил декабрининг сўнгида туғилган ўғлини қора кунлар кутарди. Герцог Карл Август Гёте учун ҳукмдор эмас, яқин дўст эди, ўғлига чўқинтирган ота бўлишга розилик берди, аммо маросимда қатнашмади, барибир, унинг шарафига ўғилнинг отини Август қўйдилар. Шунда ҳам никоҳсиз туғилган бола «машҳур одамнинг эркатойи» бўлиб қолаверди. Ҳамма уни «Демуазел Вулпиуснинг ҳақ-хуқуқсиз ўғли», — дер эди.

Христиана ва Гёте беш фарзанд кўрдилар: уч ўғил, икки қиз. Икки ўғил ва икки қиз гўдакликда вафот этишди. Фақат Августгина 40 ёшга етгунига қадар яшади: ичкиликка берилди ва ўз жонига қасд қилди.

Веймарнинг «яхши тарбия кўрган» жамоати Христиана Вулпиус билан Гётенинг никоҳсиз ҳаётини ҳеч қачон кечирмади, уларнинг никоҳланишига ёрдам бериш у ёқда турсин, Христианани орқасидан «Мамзел Вулпиус» деб ёки «Ётоқхона хазинаси» ва ё «бир парча чиройли андом» деб масхара қилардилар. Гёте билан ўн йилдан ортиқ муҳаббатни бошидан кечирган Шарлотта фон Штейн хоним ва унинг дугонаси Шарлотта фон Лёнгefeld (Гётенинг севикли ва ёш дўсти Фридрих Шиллернинг хотини) узок йиллар Христианани камситиб юрдилар: у Гётенинг тенги эмас, маълумотсиз, одобсиз, «хўппа семиз» экан, «одам ачиниб кетади», деб ғийбат қилардилар.

Кейинги асрларда ҳам ҳамма зиёлиларнинг Вулпиусга муносабати шундай бўлди. XX асрнинг энг машҳур ёзувчиларидан бири, Нобель мукофоти лауреати Томас Манн ўзининг «Гёте ҳақида фантазия» номли 46 саҳифали мақоласида Христианани «Чиройликкина ва нодонгина кичкина гулчи аёл», — дея тилга олади.

Фақат бизнинг асримиздагина Э. Клесман, З. Дамм каби ёзувчилар Христиана Вулпиусни оқловчи биографик китоблар ёзишди. Режиссёр Э. Гюнтер «Келин» деган бадиий фильм ишлади ва у немис телевидениесида намоиш этилди. Унда Гётенинг хонадон аҳли Христианани қандай камситганлари тасвирланган.

Христианани қораловчилар, кўпинча, Касселдаги бир француз элчисига гўё Гёте: «Менинг хотиним асарларимнинг бир сатрини ҳам ўқимаган, рух олами унга ёпик, у хонадон ҳўжалиги — уй ишлари учун яратилган», — деб айтган гапини келтиришни хуш кўрадилар. Аммо икки ёзувчи Э. Клесман ҳам, З. Дамм ҳам элчининг бу гапи ҳаққонийлигини инкор этадилар. Клесман Гёте билан Христиананинг ёзишмаларидан мисоллар келтириб, Христиана Гётенинг бир қатор шеърларини, «Сайловда қон-қариндошчилик» романини ўқиганини ва эрининг ижодий ишларидан бохабар бўлганлигини исботлаган.

Харкалай, улар 28 йил бирга яшадилар, беш фарзанд кўрдилар. Гёте у билан бирга яшаган даврида айнан унга бағишланган 20 та шеърдан таркиб топган «Рум элегиялари»ни ёзди. «Торквато Тассо», «Сайловда қон-қариндошчилик», «Герман ва Доротея», «Вильгельм Мейстернинг ўқувчилик йиллари» каби муҳим асарларини ёзиб битказди, «Фауст»нинг биринчи қисми улар бирга яшаётган йилларда босилиб чиқди.

Христиана Вулпиуснинг сажияси ҳам ўзига яраша жозибали бўлганини кўрсатувчи маълумотлар ҳам талайгина. Улардан иккитасини келтирамиз.

Биринчиси:

1806 йил 14 октябрда французлар Иена ва Ауэрштедтда Пруссия армиясини тор-мор қилганидан сўнг, кичкинагина Саксен-Веймарни ҳам эгаллаб, пойтахтга бостириб кирдилар. Шаҳарда талон-торож бошланди. Гётенинг Фрауэнпландаги уйини аяб, у ерга маршал Нейни жойлайдиган бўлишди. Аммо маршал тез кела қолмади. Ўлгудай чарчаган Элзас аскарлари дарҳол ёпирилиб кириб, таппа-таппа ухлашга ётдилар. Туннинг қок ўртасида эшикка муштлар ва милтиқ қўндоклари урилгани эшитилди. Бу яғмочилар эди. Гёте ўзининг машҳур фланел (енгил жундан тўқилган) халатини кийиб, уларни бироз тинчлантирди, аскарлар билан бирга шароб ичди. Улар кайфи ошиб, Гётенинг иш кабинетига бостириб киришди ва шоирга милтиқ ўқталишди. Шунда аччиғи чиқиб кетган Христиана кабинетга ўқдай отилиб

кирди-да, аскарларнинг ёқасидан олиб судраганча маршалга ажратилган хонага силтаб-силтаб итариб ташлади. Аёлнинг қатъияти ва жасорати барчани хангманг қилиб қўйган эди.

Эрталаб етиб келган маршал уларни хонадан хайдаб юборди ва эшикка ҳарбий соқчилар тайинлади.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, 18 октябрь куни Гёте энг якин дўстларини оқшом дастурхонига чорлади. Христиана иштирокидаги зиёфат устида бир-икки оғиз сўз айтиб, бу оғир кунларда севгилисининг кўрсатган садоқати учун миннатдорчилик билдирди ва «Эртага пешинда, Худо хоҳласа, биз конуний эр-хотин бўламиз», — деди. 18 йил бир-бирларига эркин боғланиб яшаганларидан сўнг, ниҳоят, Христиана София Вулпиус Гётенинг конуний хотини ва Август фон эса конуний ўғлига айланди.

Куйида Гётенинг Христиана Вулпиусга ёзган икки хатини келтирамиз:

«Бугун, азизам, Франкфуртдан чиқиб кетаман ва Майнцга бораман. Мен сенга шуни айтишим керакки, ўзимни яхши ҳис қилдим, фақат кўп еб-ичишга тўғри келди. Аммо мен бугун янада мазалироқ егуликлар топиб келаман, менинг жсонгинам менга пишириб бериб турса бўлгани. Турли майда-чуйдалар бугун ҳам кетди, бу хатим билан кетма-кет тезда етиб боради, сен уни бўшашиб олаётганингда сичқон бўлиб қараб турсам дейман. Уни тахлаётганда роса маза қилдим. Ҳаммасини батартиб сақла. Хайр, азиз кичкинам. Ҳаммаси анчайин мазмунсиз бўлди. Мен сени қандай севсам, сен ҳам шундай сев.

Хайр, жаноб Мейерга салом айт, чақалоқни ўпиб қўй, менга тезда жавоб ёз.

Франкфурт, 1792 йилнинг 21 августи. Г.»

«Мен сенга битта эмас, уч-тўртта хат ёздим, сенга битта-битта қачон етиб боради, билмайман. Варақларни рақамлаш ҳаёлимдан кўтарилибди, фақат энди шундан бошлайман. Мен ўзимни яхши ҳис қилганимни ва чин юракдан севишимни қайтадан билиб оласан. Ҳозир мен билан бирга бўлсайдинг! Бу ерда қаёққа қарама, катта-катта, кенг

каравотлар, уйдагидек сиқилиб зорланиб юрмасдинг. Эҳ, азизим! Бирга яшайдан зўри йўқ. Биз бу гапни ўла-ўлгунча айтамиз. Уйлаб кўр! Биз Шампанга шу қадар яқин бўла туриб, бир стакан ҳам шароб тополмаяпмиз. Фрауэнпанда аҳвол яхшироқ бўлади, менинг жондан азиз суюклим оишхона ва ертўладаги майларга бир ўзи эгалик қилади.

Яхши уй хоними бўл ва менга шинали ётоқ тайёрла. Болага яхши қара ва мени сев.

Мени сев! Йўқса, гоҳида мен хаёлан рашкчи бўламан, сенга кимдир бошқаси кўпроқ ёқиши мумкин, деган хаёлга бораман, чунки кўндан-кўн эркалар мендан чиройлироқ ва ёқимлироқдир деб ўйлайман. Аммо сен уларни кўрмаслигинг керак, сен мени энг яхши эрка, деб билишинг керак, чунки мен сени ўлгудай яхши кўраман, менга сендан бошқаси ёқмайди. Сен, кўпинча, менинг тушимга кирасан, аралаш-қуралаш нарсаларни кўраман, аммо тушимда ҳар доим бир-бириминизни севамиз, ўнгимизда ҳам доим шундай бўлиб қолсин.

Мен ойимга хат ёзиб, иккита парёстик, яна кўп яхши нарсалар ҳам юборишини сўрадим. Уйимиз саранжом-саришта бўлсин, бошқаси ўзи тўғриланади. Парижда ҳамма икир-чикирлар топилади, аммо Франкфуртда бошқа майда-чуйдалар ҳам бор. Бугун бир саватча ликёр ва бисквитлар боғламини бериб юбордим. Уй-рўзгор учун ҳар доим нималардир юборилади. Фақат мени сев ва садоқатли кичкинам бўл, бошқа ҳаммаси етказиб берилади. Агар менда сенинг юрагинг бўлмаса, мен бошқа нарсаларни бошимга урармидим? Энди сенинг юрагинг мендалигида, мен уни қўлдан чиқармайман. Лекин мен ҳам сеникиман. Кичкинтойни ўпиб қўй, Мейерга салом айт ва мени сев.

Верден яқинидаги оромгоҳ, 1792 йилнинг 10 сентябри. Г.»

Иккинчиси:

1807 йилда, Беттина фон Арним деган 22 яшар (Гётедан 38 ёш кичик) қиз эркалар кийимида Гётени кўргани Веймарга келади. Болаликдан бери Гёте ҳақида кўп хикояларни эшитган, унинг мухлиси эди (кейинчалик «Гётенинг бир гўдак билан ёзишмаси» деган роман ёзди ва 1811 йилда Арним деган йигитга турмушга чикди).

Шундан кейин ўрталарида нима бўлгани Беттинанинг мактубларида очиқ баён этилган.

Вартбург, 1 август, кечаси.

Дўстим, мен ёлғизман. Ҳамма уйқуда... Гёте, эҳтимол, бу ҳаётимнинг энг улуғ воқеасидир, эҳтимол, энг тўқис, энг бахтли онидир. Бундан яхшироқ кунларим бўлмайди, бўлса мен уни қабул қилмаган бўлардим.

Ўша нарса сўнги ўпич эди. Сўнгра мен кетишим керак эди. Ҳолбуки, сени умрбод эшитишим керак деб ўйладим. Мен сен билан извоида хиёбонлардан ўтганимда, дарахтлар тагида, уларнинг соясида иккимиз бирга айланганимизда, мен ҳар бир дарахт танасига ёпишишим керакдай туюларди, аммо бу масканнинг менга таниш яшилликлари ғойиб бўларди, ёқимли ўтлоқлари олисларга чекиниб кетарди, сенинг бошпананг ҳам анча орқада қолди, мовий уфқларгина менинг чистон умримни асраб турганга ўхшарди. Ниҳоят, у ҳам ғойиб бўлди, менинг қайноқ истагимдан бўлак ҳеч нима қолмади. Шу йўқотишларнинг ҳаммаси туфайли кўзларимда ёшлар тинмади, сен бу тунги соатларда мен билан бирга тентираганинг, сенинг кулишларинг, менинг булутларга қараб фол очганларим, ўз севгим ҳақида ҳикоя қилганларим, менинг гўзал тушларим, сен билан бирга тунги шабада силкитаётган япроқлар шитирини тинглаганларим, олис-олислардаги сукунат, кенгликларга ясланган тун — шуларнинг ҳаммасини эслаб қолдим. Сен мени севганингни ҳам биламан, мени қўлимдан ушлаб кўчама-кўча етаклаб юрганларинг, сенинг нафасингни ҳис қилганларим, сенинг товушинг сасларига қараб (буни қандай англатай), худди мени забт этгандай бўлганларинг, мени ўз ички ҳаётингга, сир сақлайдиган дунёйингга киритганларинг, ўша дақиқада фақат менга юзланганинг, мен билан бирга бўлишдан бошқасини билгинг ҳам келмаганлиги — буни мендан ким ҳам тортиб оларди? Мен нима йўқотдим? Дўстим, мен доим истаган нарсамга эга бўлдим. Ва мен энди қаёққа бормай, ҳар ерда бахтим мен билан бирга бўлади, у менинг ватанимдир...

Шлангенбад, 17 август

Сенинг хаёлинг менинг ортимдан жарлар, тоғлар оша вайроналарнинг бурчак-бурчакларига эргашишни осон ва қулай деб билса, мен сени уйимга олиб кетишни жасорат деб биламан. Илтимос: кўтарил, юқорига, яна уч қадам бос, менинг хонамга, ана энди мовий курсига, яшил майса ёнига, менинг қаршимга ўтир. Мен сенинг юзларингга қарагим келяпти, сенинг хаёлинг менинг ортимдан учиб келяптими, Гёте? Ундай бўлса, менинг кўз ўнгимда ҳеч ўзгармайдиган севги ҳақида ўқишинг керак, силаб-сийпаб, мени қучоғингга тортишинг ва шундай садоқатли қизалоқ кўп нарсалар ўрнига менга мукофотга берилди, деб айтишинг керак. Бу қизалоқ мен учун қадрли, у — менинг хазинам, менинг бойлигим ва мен ундан айрилгим келмайди, де. Эшитяпсанми? Сўнг мени ўпишинг керак, менинг фантазиям сенинг хаёлигга мана шуни совға қилади.

Сени яна нарироққа етаклайман; оҳиста юрагимнинг ибодатхонасига кир; мана, биз ибодатхонанинг эшиги олдидамиз; теран жимжитлик! Бу ерда на Гумбольт бор, на меъмор, на акиллайдиган ит. Сен юрагимга ёт эмассан; кир, тақиллат — бу юрак ёлғиз, сени кутяпти. Сен уни совуқ, тинч ўринда топасан, қадамингга меҳрибон нурлар тўшалган бўлади, улар сени илиқ қарши оладилар. Ҳаммаёқда тинчлик-хотиржамлик ҳукм суради, сен севикли меҳмонимиз бўласан. Бу нимаси? Э, Худо! Юрагимдан ўт чиқиб бағрим туташди. Нимадан бу оташ? Ким уни қутқаради? Шўрликкина, шўрликкина эрксиз юрак! Бу ўринда онг нима ҳам қила оларди? У ҳаммасини билади, аммо ҳеч қанақасига ёрдам беролмайди; унинг ҳафсаласи пир бўлди. Айт, нимадан сен ўзингнинг ёқимли хатларингга мундай юмшоқ, сахий ва яхшисан? Қахратон, изғиринли қиш кунларида — куёшли нурларинг мени қиздиради! Менга нима етишимайди? Эҳ, сен билан бирга бўлмасам, менга Худонинг марҳамати бўлмайди...

Кечир! Шамоллар тўлқинда суриб кетаётган уруғдай, менинг фантазиям ҳам сенинг борлигининг қудратли тўлқинида ўйнаб кетиб бормоқда ва унда ҳалок бўлишдан заррача қўрқмаётир; қандай қутлуғ ўлим бу!

Мактуб 16 июнда, Мюнхенда, ёмғирда, қалб уйқу ва бедорлик аро шамолларга ва намгарчиликка жўр бўлган бир пайтда ёзилди.

Беттина.

Христиана Вулпиус Беттинадан хабар топганда оғирлик қилиб, Гётега ҳеч нима демади. Лекин Беттинанинг Гёте билан яширин учрашувлари ҳақида кўча-кўйда мактаниб юрганлари ва ўзи ҳақида ҳақоратли гаплар гапиргани қулоғига етганида аччиқланди. У пойлаб юриб, бир куни Беттинани йўлда тутиб олди, ҳақоратига ҳақорат билан жавоб берди ва Беттинанинг юзига бир шاپалок туширди...

Ҳаёт давом этарди, Гёте билан Вулпиуснинг никоҳдан ўтганлари уларнинг ўтаётган кунларида у қадар катта ўзгариш ясамади, ўрталаридаги меҳр-оқибат кўпаймади ҳам, озаймади ҳам. Икковлари ҳам аста-секин қариб борардилар. Христиана Веймарда ўзини ҳаётдан узилиб қолгандай ҳис қилар, мактубларида унча-мунча ёлғизликдан шикоят қилар, тез-тез мазаси қочиб лоҳас бўлиб турарди, аммо бетобликларини эридан яширарди. Доим ўзини қувноқ ва ҳаётсевар қилиб кўрсатарди. Театр ложаларида у билан ёнма-ён очилиб-сочилиб ўтирарди. Уйда эса...

Христиана полизда сабзавотлар ўтқазиб, парвариш қилар, боққа ҳам ўзи қарар, бутун уй хўжалигини бошқарарди. У Гётега беадад садоқатли, ҳар қандай шубҳа-гумондан холи эди.

Гёте граф билан бирга Силезияга Пруссия армиясининг ҳарбий машқларига кетганда ҳам, Франция, Италия, Швейцария ва Бонапартга қарши ҳарбий ҳаракатлар кетаётган жойлардан ҳам хотинига хатлар ёзарди. Бу хатлар Гётенинг Христианага мустаҳкам ва содиқ муҳаббатидан далолат беради.

Христиана Гётедан 16 ёш кичик эди, аммо Гётедан 16 йил олдин вафот этди, яъни Иоганн Вольфганг фон Гёте 1832 йилда, Христиана Вулпиус 1816 йилда Веймарда вафот этдилар.

Иоганн Фридрих Шиллер — немис шоири, ажойиб файласуф, драматург ва санъат назариётчиси, тарих профессор, адабиётда романтизм, «бўрон ва шиддат» йўналишининг намояндаларидан бири; «Кувончга қасида»нинг муаллифи, ҳозир бу асар сал-пал ўзгартирилиб Евроиттифокнинг мадҳияси бўлиб қолди. Жаҳон адабиётига инсон шахсининг оташин ҳимоячиси сифатида кирди. Умрининг сўнгги 17 йили давомида Гёте билан энг яқин дўст бўлди. Гётенинг битмай ётган асарларини битказиши учун илҳом берди. Лессинг, Гёте ва Шиллер бир каторда немис классик адабиётининг асосчиси бўлдилар.

Шиллернинг барча муҳим асарлари асосий жаҳон тилларига таржима қилинган. «Мақр ва муҳаббат» фожиаси эса ўтган асрнинг 20-йилларида ўзбек тилига таржима қилинган ва академик театримизда сахналаштирилган.

Фридрих Шиллер 1759 йил 10 ноябрда Неккардаги Марбах шаҳрида туғилди. Отаси Иоганн Гаспар Шиллер герцог хизматидаги зобит, полк фельдшери эди. Онаси Элизабет Доротея Кодвайс — қовоқхона нонвойи оиласидан чиққан оддий кизлардан. Ёш Шиллер ҳурмат қозонган диний йўналишда тарбияланди ва бу унинг дастлабки ижодида яққол кўзга ташланиб туради. Унинг болалиги ва ёшлиги анчагина қашшоқликда ўтди.

Фридрих беш яшарлигида отаси аскар ёллаш учун Лорх деган жойга юборилганда, у бутун оиласини ўша ерга олиб кетди. Фридрих бу ерда Мозер деган маҳаллий рухонийдан уч йил бошланғич маълумот олди. Асосан,

она тилида ўқиш ва ёзишни, шунингдек, лотин тилини ҳам ўргатарди. Кейинчалик Шиллер «Қароқчилар» драмасида бу яхши фазилатли шахснинг тимсолини абадийт учун муҳрлаб қўйди.

Шиллерлар Лорхдан Людвигсбургга қайтишганда Фридрихни лотин мактабига беришди. Ўқув дастури унча қийин эмасди: беш кун лотинча ўқитилар, жума кунлари — она тили, якшанба куни катехизис (диний ақидаларнинг савол-жавоб йўлидаги баёни)дан таълим бериларди. Юқори синфларда Овидий, Вергилий ва Гораций каби лотин классикларини қаттиқ қизиқиш билан ўрганди. 1772 йилда Шиллер ҳамма фанлардан аъло баҳолар билан мактабни тамомлади. Шу йили герцог Карл лотин мактабини битирганлар рўйхати билан танишаркан, Шиллер унинг эътиборини тортди. Шу воқеа сабабли Шиллерлар оиласи графдан чақирув хати олди. Унга қўра, оила ўз ўғлини «Карлнинг олий мактаби» деб номланган ҳарбий академияга бериши керак эди. Шиллер руҳ фанларини эгалламоқчи эди, бу ерда эса ҳуқуқни ўрганишга мажбур эди. Аммо унинг бу илмга қизиқиши йўқ эди. 18 талабадан иборат курсдошлар ичида энг охириги ўринга тушиб қолди. Шу боис тиббиёт факультетига ўтиб кетди. Бу ерда барча талабаларнинг энг севимли домласи Абелдан фалсафа маърузаларини тинглади, кўнглида фалсафа ва шеърини санъатга иштиёқ алангаланди. Ўзидан бир авлод олдинги шоирлардан Клопшток асарларига, «бўрон ва шиддат» шоирларининг ижодига қизиқиб қолди. Клопшток ўз лирикасида ҳиссиёт ва поэтик фантазия эркинлигини ҳимоя қилар, кейин бу «бўрон ва шиддат» номли йўналиш шоирларининг шиорига айланганди. 1779 йилда Шиллер ана шуларни ўзига асос қилиб олган «Физиология фалсафаси» номли диссертациясини ҳимоя қилди. Диссертация қабул бўлмади, чунки унга герцог Карлнинг: «Тарбияланувчи Шиллернинг диссертацияси фазилатлардан холи эмаслигига қўшиламан. Унда оташинлик кўп. Аммо айнан ана шу ҳол мени бу диссертацияни эълон қилмаслик ва Шиллернинг ўзини яна бир йил академияда олиб қолиш керак, токи у ўзини бироз босиб олсин. Агар

у кунт билан ишласа, буюк инсон бўлиши мумкин» деган қарори ёзилганди.

Шиллер академиядаги таълим йилларида ўзининг дастлабки асарларини: «Космус фон Медичи» драмасини, «Истилочи» номли қасидаларини ёзди. Академияни битиргач, полк шифокори бўлиб ишлади. Бу асно «Карокчилар» драмасини битказиб олди. Аммо ноширлар уни чиқаришни истамадилар, Вангейм театрининг директори барон Фон Дальберг эса асардаги баъзи бир инқилобий жумлаларни олиб ташласа, воқеани ҳозирги замондан олиб, XVII асрдаги Етти йиллик уруш даврига кўчирсагина сахналаштиришга ваъда берди. Шиллер унинг фикрига қўшилмаслигини билдириб хат ёзди, аммо озрок мурасага бориб асарга ўзгартишлар киритди. Шундан сўнг драма сахнага қўйилиб катта шухрат қозонди (1782).

Шу йили Штейдлин деган бир ёш шоир альманах чиқаришга киришганда Шиллердан ҳам бир туркум шеър олганди, алманахга биттагина шеърини олиб, уни ҳам қискартириб чиқарибди. Шиллер аччиқланиб, шеърларини «1782 йил антологияси» деган ном билан Сибирдаги Тоболск шаҳри нашри деб ўзи чоп эттириб тарқатди.

Шиллер полкдан рухсат олмай, Мангеймга жўнаб кетиб, «Карокчилар» драмасини сахналаштиргани учун 14 кунга гаупвахтага ташланди ва унга тиббий асарлардан бошқа нарса ёзиш тақиқланди. Шунда у Штрейхер деган мусиқачи дўсти билан Вюртембург графлигидан Пфалц графлигига қочди. (Олмония у пайтларда бир неча графликдан иборат бўлиб, ҳар бир графликнинг ўз давлат бошлиғи бўларди). Яна Мангейм театрига бориб ўзининг «Генуяда Фиесконинг фитнаси» пьесаси қўлёзмасини ўқишга берди. Аммо театр раҳбарияти Вюртембург графлигидан кўрқиб сахналаштиришни орқага сураверди ва Шиллердан бу ерда кўзга ташланмасликни илтимос қилди. Шиллер бир кишлокдаги эски танишиникида бекиниб яшади ва «Макр ва муҳаббат» фожиасини ёза бошлади. 1782 йил феввалида асарни тугаллаб, «Дон Карлос» номли тарихий драмасини бошлаб юборди.

1784 йилда Шиллер «Макр ва муҳаббат»ини тугатди ва асар Мангейм театрида сахнага қўйилиб, мисли қўрилмаган катта муваффақият қозонди.

Шиллер 26 ёшида (1785) бир китоб сотувчи кишининг Маргарита деган 17 яшар кизини севиб қолди. Киз ниҳоятда шўх ва «капалактабиат» эди, Фридрихга собитлик кўрсатмас эди. Шунга қарамасдан отасидан унинг қўлини сўраган эди, аммо ота пулининг тайини йўқ, ҳали етарли даражада мавқега эга бўлмаган ва обрў орттирмаган Шиллерни куёв қилишни истамади.

Бундан ҳақоратланган ва ҳўрланган Шиллер Дрезден яқинидаги Ловшиц деган кишлоққа кўчиб кетди. Шу кишлоқда «Дон Карлос»ни тугатди. Яна эпистоляр тарзидаги «Фалсафий мактублар» номли машҳур эссесини ёзди.

1787 йилнинг 21 августида Веймарга келди. Бу ерда бир санъатшунос хоним билан танишди, у эса Шиллерни турли адабий давраларга, салонларга олиб борди, Виланд, Гердер, Гётелар билан таништирди. Хамма Шиллернинг бекиёс истеъдодини юқори баҳолади. Виланд уни Йена шаҳарчасидаги университетга, талабалар билан учрашувга олиб кетди. У ердаги адабий доиралар ҳам Шиллерни кизгин табрикладилар. Шундай давраларнинг бирида Шарлотта Лёнгefeld деган киз билан ҳам танишди. Унга қўнгли тушди. Аммо кизнинг ўзидан етти ёш кичиклигини ўйлаб, унга оғиз очишга ҳайиқарди.

Шу йилларда Шиллернинг «Нидерландларнинг ажралиш тарихи» номли китоби босилиб чикди. Китобни ўқиган бутун жамоатчилик уни улуғ тарихчи деб таниди. Дўстлари, айниқса, Гётенинг ташаббуси билан Йена университетининг тарих ва фалсафа профессори вазифасига тайинланди.

1789 йилнинг 11 майида Йенага кўчиб келди ва илк бор «Умумжаҳон тарихи нима ва у нима мақсадда ўрганилади?» деган маърузаси 800 талабалик университетда узок давом этган гулдурос қарсақлар билан олқишланди. «Энди Шарлоттага оғиз солсам бўлар, рад жавоби олмасман», деган фикрни хаёлидан ўтказди.

Шарлотта фон Лёнгефельд Гётенинг севгилиси Шарлотта фон Штейннинг яқин ўртоғи эди. Икки Шарлотта доим бирга юрардилар. Шиллер Гёте билан дўстлашганда, табиий равишда, улар билан ҳам яқиндан танишиб қолганди. Аммо ҳамон дардини ичига ютиб юрарди. Маргаритага талабгор бўлганда рад жавоби олгани ҳали ёдидан кўтарилмаганди. Ўша пайтда қизнинг отасидан қаттиқ ранжиган бўлса ҳам, энди ота ҳақ бўлганлигини тан оларди. Ахир чиндан ҳам йигит киши бир қизни севиб уйланмоқчи бўлган экан, энг олдин ўзи бир оилани тебрата оладиган даражада маблағли ва уй-жойли бўлиши керак-да! Фридрих эса аллақачон ота уйидан чиқиб кетган, тайинли бошпанаси ва жуда оз гонораридан бўлак тайинли маош оладиган иш жойи ҳам йўқ эди. Энди эса университет профессори, аммо ойлиги ҳали ҳам оила қуриш учун етарли эмас.

Санъатшунос ҳамроҳи Шарлотта фон Калб, бундан икки-уч йил олдин, Веймар герцоги Карл Август Дармштаттга келганда, Шиллерни унинг хузурига олиб кирганди. Герцог Карл ўзининг эски талабаси энди машхур драматург бўлганини кўрди Драматург энг сара киборлар орасида ўзининг «Дон Карлос» драмасидан биринчи пардасини ўқиб берганди, драма ҳаммада, шу жумладан, герцогда чуқур таассурот қолдирди. Герцог энди Шиллер уйланмоқчи бўлганини эшитиб, 1789 йил февралидан бошлаб йилига икки юз талердан камтарона қўшимча маош тайинлади. Ана шундан кейингина Шиллерда Лёнгефельдга уйланиш қарори қатъийлашди.

Шарлотта фон Лёнгефельднинг Каролина исмли синглиси бор эди. У опасидан кўпроқ адабиётга қизиқар, келгусида ёзувчи бўлиш иштиёқи зўр эди, шунинг учун опасининг Шиллер ва Гёте билан муносабатларига қаттиқ қизиқар эди. Ахир бир кун Каролина опасининг Шиллерни севишини, Шиллер ҳам опасини севишини билганда ҳайрон бўлиб қолди. Шиллернинг ҳаддан ташқари сиполиги, Шарлоттанинг ўзида кўнгли борми-йўқлигини билмаслигига иқдор бўлганда, Каролина жим юролмади, ўз номидан Шиллерга хабар берди. Кейинги воқеаларни уларнинг ёзишмаларидан ўрганишимиз мумкин.

Шиллер — Шарлоттага

«3 август.



Азизим Лотта, шу тўғрими? Каролина Сизнинг қалбингизни ўқигани ва Сизнинг юрагингизнинг ич-ичидан менга хабар бергани ростми? Мен буни тан олишга журъат этмаган бўлардим. О, бу сир менга нақадар оғир туюлганди-я! Мен Сиз билан қандай танишганимни, ўша дақиқаларни доим ичимда сақлаб юришим керак эди. Биз ҳаммамиз бирга яшаган пайтларимизда, кўпинча, мен ўз жасоратимни бир ерга жамлаб, сиримни сизга очиш нияти билан Сизнинг олдингизга борардим, аммо жасоратим етмасди. Мен ўз юрагимни худбин деб ўйлар, фақат ўз бахтимни ўйлаётгандирман, деб қўрқардим. Ва бу фикр мени ҳайиқтирарди. Сиз менга қандай қадрли бўлсангиз, мен ҳам сизга шундай бўлмасам, у ҳолда менинг изтиробларим сизни қайғуга солган бўларди ва мен ўз иқрорим билан дўстлигимизнинг чиройли гармониясини (уйғунлигини) бузган бўлардим, қўлимда бор бўлган бойлигим — Сизнинг покиза ва сингилларга хос майлингиздан айрилган бўлардим. Аммо ҳар қалай биз бир-биримизга беришимиз мумкин бўлган бахтдан умидворлигим жонланган дақиқаларим ҳам бўларди. Қолган ҳамма нарсаларни қурбон қилишни ҳатто олийжаноблик деб ўйлардим. Бу ҳамма мулоҳазалардан жуда юксак бўлиб туюларди. Сиз менсиз бахтли бўла оларсиз, аммо мен ҳеч қачон; мен туфайли сиз бахтсиз бўлишингизни истамасдим. Мен буни ўзимда аниқ-тиниқ ҳис қилган, ўшанда мен шундай умид асосида яшаётгандим. Сиз бошқага тегишингиз мумкин эди, аммо ҳеч ким Сизни мендай покиза ва нафис севмаган бўларди. Ҳеч кимга сизнинг бахтингиз менга муқаддас бўлгандай муқаддас бўлмас эди. Ўзимнинг бутун борлигимни, қалбимда яшаётган ҳамма нарсани, мен учун қадрли бўлган нарсаларнинг барчасини сизга бағишлайман ва агар мен ўзимни қутлантиришга интилаётган бўлсам,

фақат сизга муносиб бўлиш учунгина, сизни бахтли қилиш учунгина интиламан. Қалбнинг юксаклиги бениҳоя гўзалдир, дўстлик ва муҳаббат ришталарини узилмас қилиб боғлайди. Бизнинг дўстлигимиз ва муҳаббатимиз пок асосга қурилган туйғуларимиз каби узилмас ва абадий бўлади.

Сизнинг юрагингизни зўрлаши мумкин бўлган ҳамма нарсани унутинг, фақат туйғуларингиз гапиришига қўйиб беринг. Каролина мени умидвор қилаётган гапнинг тўғрилигини ўз оғзингиз билан тасдиқланг. Меники бўлишни хоҳлашингизни ва менинг бахтим сиз учун қурбонлик эмаслигини айтинг. О, мени бунга, биттагина сўз билан бўлса-да, ишонтиринг. Бизнинг юракларимиз аллақачонлардан буён бир-бирига яқин эди. Ҳозиргача орамизда турган бирдан- бир ёт нарса йўқолсин ва қалбларимизнинг эркин ришта боғлашига ҳеч нарса халақит бермасин.

Хайр, азизим Лотта. Юрагимнинг ҳамма туйғуларини Сизга тасвирлаб бериш учун бир хотиржам дақиқани чанқоқлик билан кутаман. Менинг қалбимда яшаб келган бу ягона истак узоқ вақтдан бери менга тинчлик бермас, мени бирда бахтли, бирда яна бахтсиз қилар эди. Мен сизга қанчалар қўп нарсаларни айтишим керак!

Менинг нотинчлигим, хавотирларимни бир умрга ҳайдаб солишни орқага сурманг. Мен умримнинг ҳамма бахтини сизнинг қўлингизга қўймоқдаман. Эҳ, мен қачондан бери уни Сизнинг тимсолингиздан бошқача бўлишини тасаввур ҳам қилолмасдим. Хайр, азизим».

Шарлотта — Шиллерга

«Мен бугун эрталаб уч марта ўрнимдан сакраб турдим ва отнинг дукур-дукурини эшитиб деразага қараб чопдим, сени кўришни умид қилгандим, аммо йўқ; ҳар гал бу тегирмончининг оғир қоплар ортилган араваси бўлиб чиқди. Ниҳоят, ҳарқалай кута-кута кутганимга етдим, тўртинча гал турганимда — бу сен экан-



сан! Сени бозорнинг олдидан ўтиб бурчакка бурилгунингча кўриб турдим. Юрагим сенинг ортингдан эргашиб борди, азиз севгилим! Кеча заб ажойиб, илиқ кун бўлди, биз бахтли эдик.

Бундай осойишта кунлар келгусида тез-тез такрорланиб туради. Очиғини айтганда, яшаш шу-да — яна ўзимизни севги қучоқларига отамиз, о, бусиз дунё нақадар тор!

Мен ҳозиргина тамадди қилдим. Лина саройга таклиф қилинган эди, бир ўзим овқатландим. Кечқурун мен ҳам ўша ёққа жўнайман; мен одамлар орасида қандайдир ғалатиман, сен билан бирга бўлишим мумкин эди-ку, деб ўйласам, одамлар соядай пир-пир ёнимдан ўтиб кетишади, менинг юрагим уларнинг чиндан шу ерда мавжудликларини ҳис қилишига эҳтиёж сезмаётгандай бўлади, чунки у ўзи билан ўзи тўла-да.

Бугун нима қиялпсан? Эҳ, буни мен ҳар дақиқа сайин билгим келади!

Бизнинг кечки режаларимиз шундай аниқ ва равшан, улар амалга ошишига ишонаман. Агар сен ўзингни Р.да яхши ҳис қилсанг, агар келажак учун ҳеч нимани йўқотмаслик қўлингдан келса, у ҳолда ҳаммаси кўнгилдагидек ҳал бўлади, менинг отам яхши, сен ўзинг ҳам, эътирофларинг ҳам бизникида яхши қабул бўлишига, бахтли бўлишингга ақлинг билан ишонаётганинг уни тинчлантиради, дея умид қиламан. Жоним, азизим, сен ахир чиндан ҳам бизникида бахтли бўласан, тўғри эмасми? О, сени бахтли қила оламан, сенга хотиржам ва жозибали дақиқалар ярата оламан, деган фикр қалбимни қанотлантирмоқда!»

Шиллер билан Шарлотта 1789 йил декабрда унаштирилдилар.

Шарлоттанинг онаси тўйни то Фридрихнинг ойлиги ошгунча тўхтатиб турди. Ниҳоят, бўлажак куёвнинг маоши кўтарилгач, 1790 йил 22 февралда Йенадаги Шиллер-кирха черковида никоҳ маросимлари бўлиб ўтди.

Каролина чиндан ҳам ёзувчи бўлиб танилди. «Агнесса фон Лилиан» номли бир роман ва Шиллернинг таржимаи ҳол китобини ёзди.

Фридрих ва Шарлотта тўрт фарзанд — икки ўғил, икки киз кўришди: Карл (1793), Эрнст (1796), Луиза (1799), Эмилия (1804). Бу йиллар ичида Шиллер фалсафий-эстетик асарлардан ташқари, «Хаёт кўшиғи», «Рақс», «Ер тақсимоти», «Даҳо», «Умид» каби шеър туркумларини яратди.

Кейинги йилларда ўпкаси тез-тез шамоллаб турган Шиллер 1805 йил 9 майда 45 ёшида сил касалидан вафот этди, Шарлотта 1826 йилгача яшади.

Шарлотта фон Лёнгефельд ажойиб уй бекаси ва меҳрибон она эди. Аммо суҳбати ҳеч кимни кизиқтирмас, зерикарли эди. Хатларида эса тафаккур олами теранлиги сезилади. Эри уни «Бадий диди юксак», — дер эди.

ИОГАНН ФИХТЕ билан ИОГАННА РАН



Иоганн Готлиб Фихте (1762—1814) — олмон файласуфи, олмон классик идеализмининг машхур намояндаси.

1794—99 йилларда Йена университетининг профессори пайтида, динсизликда айбланиб, у ердан кетишга мажбур бўлган эди.

1808 йилда «Олмон миллатига нутқлар»ини эълон қилади, уларда халқни маънавий тикланишга ва бирликка ундайди.

1809 йили Берлин университети ташкил топганида, «университетга ректор сайлов орқали тайин бўлиши керак» деган масала кўтарилади ва 1810 йилда Фихте университетга биринчи сайланган ректор бўлади. Бу йилларда у Иммануил Кантнинг «Нарсалар ўзида» деган сезгиларнинг холис манбалари ҳақидаги қарашларини инкор этувчи мақолаларини эълон қилди. Унинг узлуксиз ижодий ўз-ўзини таниш жараёни ҳақидаги қарашларини кейинчалик Шеллинг ва Гегел каби файласуфлар ривожлантирганлар.

Фихте 1788 йилда Цюрихда бир уйда хусусий ўқитувчи бўлиб ишларкан, немис шоири Клопшток (1724—1803) нинг жияни Иоганна Ранни севиб қолган ва тўрт йилдан кейин унга уйланган эди.

«Азиз қўлдошим! Мен худди ўғридай, нобон ҳаракат билан хатингизни яширганим, уйга жўнаб қолганим, ўз хона-

мни бекитиб олиб, одатдагидай, очкўзлик билан ютиб юбормаганим, балки оҳиста-оҳиста маза қилиб сатрма-сатр шимганим тўғрисида ҳеч кимга бир оғиз ҳам гапирманг.

...Мен сизга нисбатан ҳис қилганларимни ҳеч қачон биронта аёлга нисбатан ҳис қилмаганман. Сиз заррача ҳам шубҳа қилмасдан, бундай самимий ишонч ролини ўйнашингиз мумкинлигини асло сизга билдиргим келмайди; ўзимни сизга қандай бўлсам шундайлигича танитишни жуда қаттиқ хоҳлайман; сизга бундай боғланиб қолишимда озгина бўлса ҳам, ҳатто заррача бўлса-да, жинсинг ҳеч қандай роли йўқ, чунки ҳеч қандай ожиз бандага ўз юрагини чуқурроқ англаш имкони берилмаган; сизнинг ақлингиз, ўз азму қарорига шу қадар тўла риоя қила олишингиз қаршиида бош эгиб таъзим қиламан — мен шу пайтгача ҳеч қачон бундай бўлолмаганман... Сиздан олисларда сизни унута олармидим? Янгича яшаи усулини ва бунинг сабабини бутунлай унутиб бўладими, ахир? Ёки эҳтимол, мен қачондир самимий бўлишни унутармикинман? Ёки сиз ҳақда ўйлаганимдай, бунга ғамхўрлик қилишингизга арзирмидим?

Мен сизга жуда кўп муҳим нарсаларни айтишим керак! Сиз одамни ўзингизга борган сари маҳкамроқ, борган сари кучлироқ боғлаб олишдай англашилмас сирни эгаллагансиз; одамда баъзида пайдо бўлиб, баъзида бирдан йўқ бўлиб кетадиган туйғулар бўлади, менда сизга нисбатан садоқат туйғуси тўсатдан пайдо бўлгани йўқ. Мен сизни илк бора кўрганимда ичимдаги бир даҳо, бу танишув қалбим учун, табиатим учун, Сиз билан танишганимда қисматим учун оддий нарса бўлмаслигини пичирлаб айтганди. Сиз билан танишганимда менинг онгим ва юрагим мени сизга яқинроқ боришига ундади, энди эса буришталар сиқиброқ тортиляпти. Сиз бунга қандай эришяпсиз? Ёки тўғрироғи, мен бунга қандай эришяпман? О, бу менга жуда ҳам яхши маълум. Сизнинг қалбингизда бир хазина бор, у фақат ўз ихтиёри билан очилади, лекин дуч келган нарсага сарфланавермайди, қондош-кайфиятли, яъни ўзига муносиб қалбгагина очилади, кўпроқ очилади ва ўзига жалб этади».

«1 ноябр, оқшом.

...Шундай қилиб, азизим, бу дунёдан танлаб олган ёлғизим, сенга ўзимни тантана билан топшираман ва бу

билан ўзимни сенга хизматкорликка маҳкум этаман. Сен ўз ҳаёт йўлингда мени ўртоқ қилиб танлашга нолойиқ деб топмаганинг учун миннатдорман. Мен қачонлардир (илоҳо, илоҳи борица кечроқ) олижаноб отанг ўрнини эгаллашни ва сенинг эрта келган донолигинг учун, болаларча севгинг учун, маъсумалигинг учун, ҳамма фазилатларинг учун сенга мукофот бўлиш тўғрисида кўп ўйлагандим; зиммамга олаётган бу мажбуриятларнинг бениҳоя катталигини ўйлаганимда, ўзимни кичкина ҳис қилардим. Аммо бу мажбуриятларнинг буюклиги мени юксалтириши керак, сенинг севгинг, сенинг мен ҳақдаги илтифотли фикрларинг, эҳтимол, менга етишмайдиган комилликларни берар. Бу ер бахтиёрлик салтанати эмас; мен энди буни биламан: бу ер — меҳнат мамлакати ҳамда бизга бериладиган ҳар қандай қувонч бундан кейингисини мустаҳкамлаш учун галдаги янада қийинроқ ишлар учун берилади. Бу мамлакат бўйлаб биз иккимиз қўлни қўлга бериб, бир-биримизга ҳой-ҳойлаб, бир-биримизни кучлантириб, қутлантириб, бир-биримизга мадад бўлиб, руҳларимиз мангу дунё масканига баравар боргунча бирга кетамиз.

О, илоҳо, ўша ёққа бир вақтда баравар кетишимизни насиб айласин...»

БЕТХОВЕН билан ЖУЛЬЕТТА ГУАКАРДИ

Людвиг ван Бетховен (1770–1827) – немис халқининг гениал бастакори, паниночи ва дирижёрдир. 1792 йилдан бошлаб Венада яшаган. Кахрамонона мусиқа услубида кўп симфоник асарлар яратган, Вена классик мактабининг асосларини ўзида тўла ифодалаган асарлари немис мусиқа романтизмига йўл очган.



Бетховен 30 ёшларида Жульетта Гуакарди исмли 16 ёшли бениҳоя гўзал графиня қизни севиб қолган. Буюк бастакор унга машхур сонатасини бағишлаган. Бетховен унга мусикадан сабоқ бера бошлаганда, графиня ўзининг бўлажак эри, ўртамиёна мусикачи граф Галенбергга унашилган эди.

Куйида улуғ бастакорнинг 1801 йилда Жульеттага ёзган айрим мактублари билан таништирамиз.

«1801 йил июл ойининг 1-куни, эрталаб.

Фариштам, ҳаётим, иккинчи меним, бугун фақат бир неча сўз, у ҳам бўлса қалам билан (сенинг қаламинг билан) ёзяпман. Эртадан бошлаб ўзимга бошқа тураржой излашим керак; бундай қилиш айнан шу пайтда жуда ноқулай. Қочиб бўлмайдиган бу ҳол қаршисида бу тубсиз маъюсликнинг нима кераги бор? Муҳаббат қурбонсиз бўлармиди, жондан кечмай бўлармиди, ахир; мен бутунлай сеники,

сен меники бўлишимиз учун сен қўлингдан келганини қила олармидинг, ахир, Худойим-ей! Атрофингдаги гўзал табиатдан ўзингга мадад изла ва қисматга бош эгиш учун кучли бўлишга интил. Муҳаббат одамдан ҳамма нарсани талаб қилади ва бунга ҳаққи бор; бу борада сен нималарни ҳис қилаётган бўлсанг, мен ҳам ўшани ҳис қиляпман; фақат сен бир нарсани — мен икки киши учун — сен учун ва ўзим учун яшашим кераклигини осонгина унутяпсан; агар биз бир-биримизга бутунлай қўшилганимизда, изтироб чекмаган бўлардик, на у, на бошқаси. Менинг саёҳатим жудаям ёмон бўлди: мен бу ерга кеча фақат эрта соат тўртларда етиб келдим; отлар жуда оз бўлгани учун иртибот (хат-хабар ва одамларни керакли жойга элтиб қўйиш билан шуғулланувчи идора) бошқа йўлдан фойдаланди, аммо даҳшатли йўл эди! Сўнгги бекатда менга тунда кетмасликни маслаҳат беришди, қандайдир ўрмондан ўтилса, хавф-хатарларга дучор бўлиш мумкинмиш, аммо бу гап мени фақат қизиштирди, холос; аммо мен тўғри қилмаган эканман: экипаж бу даҳшатли қишлоқ йўлида синиши ҳам мумкин эди; агар бизга бу қадар абжир аравакашлар тўғри келмаганда борми, йўл аро қолиб кетишимиз ҳам мумкин эди. — Эстергази саккиз отла аравада бошқа одатий йўлдан жўнаб кетганди, аммо у ҳам мен дуч келган кўнгилсизликларга дучор бўлибди, ҳолбуки, бизнинг арава-миз тўрт отли эди; шундай бўлса ҳам, одатдагидай, қаршиликни енгиб ўтганимиздан кейин мен қалбимда қаноат ҳис қилдим. Аммо буларни қўйиб, асосий гапга ўтайлик. Биз афтидан, тезда кўришамиз; мен ўз ҳаётимни қандай қуришга қарор қилганим тўғрисида бугунча ҳеч нарса деёлмайман; агарда юракларимиз бир хилда барабар урса эди, мен чамаси, бундай қилмаган бўлардим. Бутун жону жаҳоним сенга айтишим керак бўлган нарсалар билан тўла. Шундай дақиқалар бўладики, тилимиз ожиз қолгандай туюлади менга. Севин, олдингидай, мен сеники бўлгандай, менинг ўзгармас, бирдан-бир бойлигим бўл, бошқа нарсалар ҳақида, бизга нима бўлиши кераклиги ҳақида худонинг ўзи таъинишимизни қилар.

Вафодоринг Людвиг».

«1801 йил июль ойининг 6-си, душанба оқшоми.

Сен қийналяпсан, сен — менинг жавоҳирим! Мен фақат эндигина хатни тонг чоғи эрта билан жўнатиш кераклигини англадим. Душанба, пайшанба кунларигина бу ердан К.га иртибот бўлар экан. Сен қийналяпсан; мен қаерда бўлсам, сен ҳам ўша ерда мен билан биргасан; сен меники эканлигингни билдим, энди бирга бўлишимизга эришаман; қандай гўзал ҳаёт бўлади энди бу! Ҳа! Сенсиз эса одамларнинг мойиллиги мени таъқиб этади, менимча, бунга арзимаيمان, арзишни истамаيمان ҳам; бир одамнинг олдида бошқа бировнинг камситилишини кўриш мен учун оғир. Агар четдан туриб оламга боғлиқ ҳолда сени кузатсам, мен ким бўлибман? Энг буюк инсон деб аташаётган одам ким бўлибди? Аммо шундай деб англаида инсондаги илоҳий учқун яширинган бўлади. Сен мен юборган хабарни шанбадан олдин олмаслигинг тўғрисида ўйласам, йиғлаб юбораман. Сен мени қанчалик севмагин, ҳарқалай мен сени кучлироқ севаман; мен билан ҳар доим очиқ гаплаш; хайрли тун! Мен ванна билан даволанаётганим учун ўз вақтида ётиб ухлашим керак (шу ерда Бетховеннинг қўли билан уч-тўртта сўз ўчирилган, уларни ўқишининг илоҳи бўлмади). Худойим! Бир вақтнинг ўзида бир-биримиз билан шундай яқин бўла туриб, айни чоғда шунча узоқдамиз! Бутун осмон бизга муҳаббатимизни яққол кўрсатмаяптими — у ҳам осмон тоқи каби ўз аҳдида барқарормикин?...»

«1801 йил июль ойининг 7 кун.

Салом! Уйғонган заҳотим хаёлларим сен томонга учади, менинг ўлмас севгилим! Тақдир бизга нима тайёрлаётганини ўйласам, мени бирда қувонч, бирда маъюслик қамраб олади. Мен фақат сен билан бирга яшашим мумкин, бошқача бўлиши мумкин эмас; бир кун келиб сенинг қучоғингга отилмасам бўлмаслигини, сени бутунлай ўзимники деб ҳис қилажамиз ва шундан роҳат-фароғат топажамизга ишонч ҳосил қилмагунимча мен сендан узоқларда тентираб юравераман деган қарорга келдим. Афсуски, шундай қилиш керак; менинг сенга садоқатим борасида сен шубҳага бормайсан,

шунинг учун бунга рози бўласан; ҳеч қачон бошқа қиз менинг юрагимни эгаллай олмайди, ҳеч қачон, ҳеч қачон! О, худойим, нима учун шу қадар қаттиқ севган кишингни ёлғиз қолдиришинг керак! Ҳозир В.даги ҳаётим оғир: сенинг севгинг мени бир вақтнинг ўзида дунёдаги энг бахтли, айти чоғда, энг бахтсиз одам қилади; менинг ёшимда озгина бир хиллик, сокин ҳаёт талаб қилинади, бизнинг муносабатларимизда шу нарсанинг иложи борми? Фариштам, ҳозиргина иртибот ҳар куни ишлаётганини билдим, демак, хатимни сен тезроқ олишинг учун, уни тезроқ тугатишим керак. Хотиржам бўл; ҳаётимизга фақат хотиржам муносабатда бўлсагина, биз мақсадимизга етишимиз — бирга яшашимиз мумкин; хотиржам бўл, мени бугун, эртага сев, о, ҳаётим, сени... сени... сени кўриш истаги нақадар эҳтиросли истак (дастхат борган сари чаплашиб кетган), жоним... хайр... о, мени олдингидай сев — севгилигинг Л.нинг вафодорлигига ҳеч қачон шубҳага борма. Абадий мени, сени, бизни сев».

ХОЛДЕРЛИН билан ЛУИЗА НАСТ

Бизнинг ўзбек адабиётимизда немис шоири Фридрих Холдерлин номи тилга олинганини эсламайман. Менимча, у ҳақда халқимизга ҳеч қандай маълумот берилмаган. Биз фақат Гёте, Шиллер ва Хейнени биламиз. Аммо Холдерлин...

Фридрих Холдерлиннинг қандай шахс, қандай ижодкор бўлганини ҳис қилдирадиган бир аламли фикрини келтиришни лозим топдим:



«Шоирлар ва санъаткорларга қарасанг, юрагинг эзилиб кетади, гўзалликни севадиган ва ардоқлайдиганлар, ҳали ҳам даҳоларни кадрлайдиган ҳамма одамларга қарасанг, қалбинг пора-пора бўлади. Улар ўз юртида, ўз уйида худди бегоналардай, жафокаш Улисс каби тиланчилар кийимида ўз эшиги тагида ўтирадилар, ичкари меҳмонхонадаги куёв бўлмишлар эса анави дайдини ким бу ерга олиб келди, деб сўрайди».

Ф. Холдерлин. «Хиперион» романидан.

«Бизнинг кимлигимиз — ҳеч нарса эмас, аммо нимани хохлашимиз — ҳамма нарса».

Ф. Холдерлиннинг ҳаётдаги шиори.

«Холдерлиннинг шеърий салтанати Холдерлиннинг ҳаётидан хорижда эмас, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, у қаерда, қачон пайдо бўлгани номаълум



нариги дунёнинг кўзга ташланувчи нарсалари ҳам эмас, у дунёнинг, айнан шу дунёнинг аксларидир».

Иоханнес Бехер.

Иоганн Христиан Фридрих Холдерлин 1770 йилнинг 20 мартада даладар ва ўтлоқлар, боғлар ва узумзорларни оралаб оқадиган Неккар дарёси бўйида, муъжазгина Лауффен шаҳрида туғилди. Атрофдаги катта-кичик тепаликлар бу ер Альп тоғларига яқинлигини ёдга соларди. Фридрих қадимий бюргерлар зотидан эди. Отаси ибодатхонага қарашли боғ-роғларнинг бошқарувчиси эди. Фридрих икки яшарлигида вафот этиб кетди. Уч боласи билан 24 ёшида бева қолган онаси иккинчи эрга, Нюртинген бургомистрига тегди. Шу пайтларда бир боласи ўлди. Ўғай отанинг ўзи ҳам Фридрих тўққизга кирганида оламдан ўтди. Оила Нюртингенда яшайверди. Аммаси, онаси ва синглиси Рика билан бирга умр кечирган Фридрих уч аёл таъсирида кўнгли юмшоқ, маъёс ва итоаткор бўлиб улғайди.

Фридрих олдин қўхна лотин мактабида ўқиди. 14 ёшида ўқишини давом эттириш учун оиласидан чиқиб кетиб, Денкендорфдаги ибодатхона мактабига кетди. Бу ерда интизом жуда қаттиқ эди. Ўқувчилар тонготардан бошлаб бутун кун давомида, орада бир кичик танаффуслар билан Муқаддас китобни ёдлашар эди. Лотинча ва юнонча матнларни кунботар чоғигача ўқий-ўқий кеч бўлганда ибодат қилиб, ухлагани ётардилар. Эртасига тонгдан шомгача яна шу ҳол. Бу қаттиқ шароитлар Холдерлинда ҳаёлкашлик, хазинликка мойиллик уйғотди ва шу чоғлардан бошлаб шеъриятга меҳр қўйди, ўзи ҳам байтлар бита бошлади. 16 ёшида Маулброн ибодатхонаси мактабига кўчиб ўтди. Аммо буниси ҳам аввалги мактаб билан фарқсиз эди. Ҳушёр ва ишбилармон ўсмирлар орасида шеърят ва санъатга мойил, юмшоқ кўнгилли Фридрих ўзини ёлғиз ҳис қиларди.

17 ёшида яқин дўсти Иммануил Настга ёзган мактубида ўзи ҳақида шундай дейди: *«Сенга шуни айтишим керакки, менда болаликнинг қандайдир қисми, олдинги пайтлардаги юрагимнинг бир бўлаги сақланиб қолган ва у менга ҳозиргача ёқимлидир — қандайдир мумга ўхшаи юмшоқ, шу сабабли баъзида мен ғам-ғуссага ботиб сиқиламан ва йиғлайман. Аммо бу ерда юрагимнинг айнан ана шу бўлагини ёмон масхара қиладилар».*

Қандайдир ички тортинчоқлик оқибатида Холдерлин ўз юрагини ва кўнгилда сир тутган фикрларини кўпол тажовузлардан ҳафсала билан эҳтиёт қилишга мажбур бўларди. У бой руҳий ҳаёт қўйнида яшар, жўшқин ҳаёллар уни қанотлантирар ва олис, гўзал кўшиқлар оламига, ҳақсевар Шубертнинг ватан севгиси билан йўғрилган муסיқаларига бошларди. У ҳамма одамларнинг озодлиги, тенглиги ва ака-укалигини орзу қиларди. Истикболда инсониятга шундай олтин давр келади, деб ишонарди. У Хердер, Гёте, Шиллернинг ижодини олқишлар, уларнинг «бўрон ва шиддат» ҳаракатидан илҳомланарди. Уларнинг қадимги Юнонистон ва Рим фикрларига мурожаат қилишларидан ўрнак оларди. Шиллер бу йўналишни поёнига етказётир, деб ҳисобларди. Шиллердаги эрксевар фикрларнинг ва туйғуларнинг жазавали оқими том маъноси билан Олмонияда ўсиб келаётган ёш авлодни, шу жумладан, Холдерлинни маст қилар эди. «Қароқчилар» Холдерлиннинг қўлдан қўймас асари эди.

Холдерлиннинг ёшлик мактубларида Шиллер шеърятига буюк эҳтиром аломатлари манаман деб кўзга ташланиб туради. У дўсти Иммануил Настга Шиллернинг ўзига қаттиқ таъсир қилган «Генуяда Фиеско фитнаси», «Макр ва муҳаббат» драмаларини, албатта, ўқиб чиқишни тавсия қилади. «Макр ва муҳаббат»даги ниҳоятда чиройли Луизани мақтайди. У дўстига бу ҳақда гап очаркан, ҳаёлида унинг холаваччаси Луиза Настни ўйлайди. Бир таътилга борганида Холдерлин Луиза Наст билан танишганди. Биринчи муҳаббат унинг юрагида чуқур из қолдирди. Ёшлар она табиат бағрида ёруғ бахтли кунларини бошдан кечирдилар. Бир-бирларига ишқий шеърлар ёздилар. Бир-

бирларига узук совға қилдилар. Аммо яна Фридрихнинг ғам-ғуссага ботиб сиқилишлари уни сиқувга олади ва бу ҳазинликнинг совуқ шамоллари куёшли кунда туғилган муҳаббатнинг бошига етади.

1788 йилда Тюбингендаги руҳонийлар семинариясига ўқишга келган Фридрих Луизага видолашув хати ёзиб, у совға қилган узукни, ҳамма мактублари ва шеърларини қайтаради. Хатда Холдерлин ўз табиатидаги мангу тузалмас дард — ғам-ғуссадан сиқилаверишларини сабаб қилиб кўрсатади. Хеч қаноатланмайдиган иззат-нафси, ўтакетган инжиқликлари, бирга турмуш қуришса, икковлари ҳам бахтсиз бўлиши мумкинлигини айтади. Умуман, ҳеч қачон уйланмаслигини онасига ҳам айтишга қарор қилганини билдиради.

Холдерлин айнан Тюбингенда яшаган йилларида француз инқилоби юз берган эди (1789—1894). Конвент кўшинлари Рейндан ўтиб, олмонлар ҳудудига кирган ва реакцион Австрия билан Пруссияга уруш очган эди. Илғор зиёлилар олмонлар инқилобий француз армияси билан бирлашса, озодлик ва мулкдорлар истибдоди барҳам топади, деб ишонардилар. Аммо француз инқилобининг енгилиши уларни чидаб бўлмас изтироблар гирдобига солди. Ана шундай бир замонда Холдерлин Луизага ажрашув хатини ёзган эди.

Куйида шоирнинг ўз севгилиси билан ажрашмасдан олдинги ёзган мактубларидан айрим намуналар билан танишинг.

«Биз қандай одамлармиз-а, азизим! Мен сенинг олдингда ўтказганим ўша дақиқалар, сен билан ўтказган барча соатларимдан қутлироқ бўлиб кўринади... Мен атрофимга шу қадар қизғин назар ташлаб, бутун дунёни қучоқлагим келарди, ҳозир ҳам шундай ҳиссиёт қўйнидаман! Сенинг гунафшаларинг олдимда турибди, Луиза! Имкон борича мен уни узоқ сақлайман.

Модомики, сен Дон-Карлосни ўқиётган экансан, мен ҳам оқшомлари, ишимни тамомлаб уни ўқийман.

Мен, аслида, эсимни йўқота-йўқота шеър ёзяман — марҳаматли Шубертга бир тўпини юборишим керак.

Сайр пайтларимизда шеър тўқийман ва илон тери муқовали ён дафтарчамга уларни киритиб қўяман, биласанми, ким ҳақда ёзишимни? Сен ҳақда! Сен ҳақда! Кейин ҳаммасини ўчириб чиқаман. Тоғдан тушиб келаётганингни кўрганимда, шундай қилдим.

О, азизим! Сен хонангда ўтириб Худо ҳақда, мен ҳақда ўйлайсанми? Яхши, доим шундай бўлиб қол, балки, юзларча қизлар ичида ёлғизгина сен шундайдирсан.

Бугун синглинг, фрейлейн Вильгельмина келадими? Сен ундан мактуб бериб юбордингми? Ё, энди ёзиб юборасанми? Эшитишимча, у ўзини яхши ҳис қилаётган экан. Мен яна Бильфингенга ҳам хат юборишим керак, аммо эртадан олдин бунинг иложи йўқ.

Оҳ, қанийди мен ҳар доим ҳозиргидек бахтли бўлсам! Аммо мен сени ҳар қандай кайфиятда севаман, шунинг учун менинг аҳволим ёмон эмас. Кўпроқ мени ўйла. Биласан: сендан ажралмас

Ҳолдерлинингман».

«Қандай хат эди-я бу, азизим! Сенинг таърифга сиғмас ширин, одамни қутлантирувчи, бахтли қилувчи муҳаббатинг янги исботини кўрсатди, ўша дақиқада мен сенда нимага эга бўлганимни, ҳаётим қандай шод, сокин оқаётганини шундай юрак-юракдан ҳис қилиб, шундай самимий кўзёшлар тўққанганимни кўрганимда эди. О, севикли қиз! Сенинг муҳаббатинг ҳижрони билан ҳам бахтлиман. Сени соғинишлар — юракдан урган одамнинг учун бахтдир, чунки ҳар бир лаҳзам менга, сен ҳам мени соғинаётганингни айтиб туради, сен учун бу йиллар чексиз ва узун кўринаётган бўлса, мен учун ҳам худди шундайдир. Рўзагача, азизим, яна ўн бир ҳафта бор! Турган гапки, бу кулгили, яна ўн бир ҳафта, ёки бир-биримизни шундай деб овутамиз, кейин эса, о, Луиза, Луиза, кейин... Сенинг ёнингда мени қандай фароғат, қандай бахт кутиб турганини айтолмайман — ҳарфлар, бу фақат ҳарфлар-ку, холос. Кел, яхшииси, бу кутишлар менинг қалбимни қандай юксакларга

кўтаришини ўзинг ҳис қилақол. Бизнинг сўнгги кўришуви-мизда айтилган қадрли сўзлар эсингдадир ахир? Улар сенинг қалбингдан ҳам чуқур ўрин олганми? О, Луиза! Улар ёлғизлик чоғларимда менинг доимий ўйларим, сенга бағишланган бахтиёр дақиқаларимнинг бирдан-бир машғулотиدير.

Сенинг уйқунг-чи? Эй чиройли ва қадрли қиз, нега мен бунчалик бахтиёрман? Аммо мен қалбимнинг бахт билан тўлалигини сенинг бағрингда изҳор қилолсайдим, бахтим яна минг чандон ошиб кетган бўларди! Ўша мўъжаз жойда соғинч тўла қалб билан, сабр билан ўзим учун азиз бўлган қизни дераза ёнида кўрмагунимча кутганимни эслаганимда шундай бахтиёр эдимки, сен чексиз-чегарасиз бу оламда Ҳолдерлинингдан бошқа ҳеч кимга қарамаслигингни, сенинг кўксингда биргина мен яшаётганимни ўйлаш менга шундай завқ берардики!

Луиза! Луиза! Сен уйингдан черков олдидаги одамлар санам кўтариб ўтадиган йўлга қараб чиққанингни кўрганимда — булар бари ҳаёлимда шундай жонли гавдаланиб турибди — черковдаги ажойиб улугвор маросим чоғида сенинг севимли кўзларинг қуйидан менга боққанида ҳамда сен бахтли дақиқани кутаётганинг юзингда акс этиб турганини кўрганимда, қоронғилашган оқшом сукути аро иккимизнинг қаршимизда еру кўк ғойиб бўлди. Ҳа, дарвоқе, меҳрибонимиз Ҳенрика сенинг ёнингдами? Бизга кўрсатган дўстлиги учун янги ҳаётида минг карра ортиғи билан яхшилик кўрсин. У хуррам ва меҳрибон қалби билан бахтли бўлиши керак, албатта ва эрини ҳам бахтли қила олади.


Леонбергдаги қутлуғ кунларни — мафтункор соатларни, севгимизнинг энг алангали, энг ширин соатларини эслайсанми?! О, Луиза, сизларга яқин турадиган яхши одамларникида бирга яшашимиз мумкин эмасми ахир? Мен шунга лойиқ бўлолмадимми ахир? Шундай бахтга эришиш — сўнгга яна мангу режалар... аммо сен ҳам шундай ҳаёллар билан яшаётгандирсан, эй азиз қалб соҳибаси! Леонбергда бирга ўтказган кунларимиз ҳаддан ташқари яхши эди, уларни тинимсиз эсламасликнинг ҳеч иложи йўқ. Эҳ, бу жўнаб кетишлар!

Ширин бир оғриқ қалбимни сел қилиб юборди ва бутун йўл бўйи бу оғриқ мени тарк этмади. Фақат Нюртин-

ген яқинидаги тоғларни кўрганимда, Леонберг ўрмони эса оҳиста-оҳиста орқамда йўқ бўлиб кетгандагина — ана ўшанда кўзларимдан аччиқ алам кўзёшлари тирқираб оқиб кетди — шунда мен бир жойда узоқ вақтгача туриб қолдим. Йўлимнинг қолган қисми менга яна илгаригидай шундай аччиқ бўлиб кўринди. Сенинг сингилчаларингга, шунингдек, фрейлейн Кейфелинга мендан минг бора таъзимлар; менинг номимдан янги йилда унинг қилқаламига илҳом ва моҳирлик тилаб қўй.

Яхши ухла, азизим! Мени шу пайтгача севганингдай сев. Абадий.

Сенинг Ҳолдерлининг».



ҲОЛДЕРЛИН билан СЮЗЕТТА ХҶОНТЕР

Юқорида айтилганидай, француз инкилобида кўринган буюк халқ ҳаракати инсониятнинг янгилинишига умид уйғотганди. Ўша пайтда Холдерлин шеърятда шахсий, индивидуал мотивларга ўрин бўлмаслиги керак, энди инсон ўзини маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топтиришга уриниши ва бу нарса шеърда акс этиши лозим, деб ишонарди. 90-йиллардаги тарихий воқеалар Холдерлин лирикасига қувонч оҳанглари олиб кирганди. Аммо ижтимоий ҳаётдаги аччиқ фактлар, қаҳрамонона фаолиятлар куйчиси бўлган шоирнинг зиммасидаги вазифа оғирлашганини кўрсатар эди. Холдерлин бу пайтда Түбинген семинариясини тугатган, қадимги тилларни мукамал эгаллаган, илоҳийшунослик сирларини яхши билар эди. У энг олдин ўзининг нонини ҳалоллаб топиш ва севимли онасию қариндошларини қўллаб-қўлтиқлаш ҳақида ўйлади ва ишни уй тарбиячиси, ўқитувчиликдан бошлашга қарор қилди. Шиллердан тавсиянома олиб 1793 йилнинг охириги кунларида каретага ўтириб, Мейнинген яқинидаги Валтерс-хаузенга, майор Калб ва унинг хотини Шарлотта фон Калб уйига борди. Бу хонадон аҳли Шиллер ва Гёте сингари «шеърят князлари»нинг дўсти эди. Холдерлин уларнинг фақат ўғлига эмас, ўзларига ҳам классиклар ва замондошлар асарларини овоз чиқариб ўқиб берарди. Шундоғам бу хонадон XVIII асрнинг энг маълумотли кишиларидан эдилар. Холдерлин асрнинг энг комил инсонларини шакллантириш учун Юнон ва Рим классикларини ва ҳозирги замоннинг энг илғор йўналишида иш қила-

ётган ижодкорлар — файласуф, шоир, драматургларнинг асарларини ўқитиб, бундан ўзи ҳам катта завқ оларди. Айни чоғда, ўзининг «Хиперион» романини ёза бошлади. Романнинг каттагина қисмини «Фрагмент» номи остида Шиллернинг журналида эълон қилди. Романда у «рух эпопеяси»ни, бошқача айтганда, инсоннинг камолот йўлидаги машаққатларини кўрсатмоқчи эди. Холдерлин бу ерда Шиллернинг тавсияси билан ишлаётгани учун, ўзини худди бировларнинг елкасида юргандек ҳис қиларди. Бу ердан кетишни ва мустақил иш топишни ўйлаб юрарди. Бир асно тарбияланаётган ўғил касалланиб, озрок даволаниши лозим бўлиб қолганида майордан ўзини бўшатишни илтимос қилди ва Йенга қараб йўл олди.

Холдерлин Йенада Шиллер, Гёте, Хердер, Виланд каби буюк донишмандлар билан кўришишга муяссар бўлди. Шиллер уни ўз журналида бирга ишлашга ундади. Шеърларини ўқиганда Холдерлинда ўз ёшлигини кўргандай бўлди. Гёте унга «меҳрибон отадай» муомала қиларди. Фақат бир бора унга кўпроқ кичкина шеърлар ёзишни маслаҳат берганди.

1795 йилнинг декабрида франкфуртлик бой савдогар Якоб Фридрих Хюнттернинг уйига борди. Франкфуртда савдогарлик руҳи ҳукмрон эди. У синглисига ёзган бир хатида шаҳарни шундай таърифлайди:

«Масалан, бу ерда чин инсонлар жуда кам. Янги шароб деҳқонларни қандай маст қилса, бу ерликларни бойлик шундай маст қилади. Бойишлари билан бесўнақай, қўпол ва димоғдор бўлиб кетишади. Бунинг яхши томони ҳам бор: мен бундай одамлар орасида индамай юришни ўрганаман...»

Холдерлин текин даромаддан бошқасини ўйламайдиган бу такаббурлар дунёсида зерикиб ўлиши ҳам мумкин эди, аммо ҳаёт уни бу ерда муҳаббатнинг заррин оламига рўпара қилди. Бу ерда у уй соҳибаси Сюзетта Хюнттер исми гўзал хилқатни учратди.

Фамилияси Боркенштейн бўлган хамбурглик қиз Сюзетта 18 ёшида франкфуртлик савдогар Хюнттерга узатилган эди. Бу никоҳ ўша пайтдаги бюргерлар жамияти учун оддий ҳол эди: уни бахтли ҳам, бахтсиз ҳам деб бўлмасди.

Хюнтер табиятан яхши одам эди. Одамни зериктирадиган, аммо маълум даражада ишнинг қўзини биладиган йирик савдогар эди: хотини ва тўрт фарзандини бекамуқуст яшатишни эплаётган намунали оила бошлиғи эди. Холдерлин Сюзеттанинг ҳаётига шеърят руҳини олиб кирди, бу эр-хотиннинг майший ҳаётида қўрилмаган ходиса эди. Холдерлиннинг кичик замондоши Вильгельм Вайблингер шоир билан Сюзеттанинг муносабатларини шундай тавсифлайди:

«У орзу-хаёлларга берилувчан бир зот эди. Аслан жонли, жўшқин бўлган бу аёл йигитнинг нозик ва эҳтиросли табиятидаги кучни жуда тез фаҳмлади. Бирмунча вақт ўтгандан кейин Холдерлин сивизга ё пианино ва ёки мандолина чалатуриб, майин-майин қўшиқлар айтганида, сентиментал гап-сўзлари, келишган келбати, ажойиб кўзлари ва ёшлиги билан, бой истеъдоди ва фантазиялари билан бу таъсирчан аёлнинг юрагини тўла-тўқис забт этди.

Холдерлин ўзи ҳам бутун борлиғи билан қаттиқ севиб қолди. Оташ ичида қолгандай ёнди ва қайнади. Бу ажабтовур телбалик эди; биласизми, орадан ҳатто йигирма йилдан ортиқ вақт ўтганда ҳам унинг хатлари орасидан сеvimли Диотиманинг у эҳтиётлаб сақлаб юрган хатлари топилганди...»

(«Диотима» — «Худодан қўркувчи» деган маънони билдиради. Афлотун ўзининг «Зиёфат» номли фалсафий рисоласида Мантиней коҳини Диотима образини яратганди. Диотима Сукрот билан муҳаббат ҳақида суҳбатлашади. Муҳаббатнинг илҳомбахшлиги, инсонни бунёдкорликка ундаши, руҳни янгилashi ҳақида баҳс юритадилар. Холдерлин рисоладаги ана шу ғояни ўзлаштиради, «Хиперион» романида Диотима образини яратади. Романдан ташқари бир қанча фалсафий-лирик шеърларида Сюзеттани Диотима деб атайди.)

Шоирнинг мактубларида шу пайтгача ҳеч қўрилмаган ва эшитилмаган қувончли оҳанглар ҳамда ижод иштиёқи янграйди. Масалан, у Нейферга ўзининг зерикарли ходисаларга тўла ҳаётида ажойиб бир янгиланиш юз берганини айтади:

«Азиз дўстим! Сен кундалик воқеалар қанчалар жонимга тегиб кетганини, мен илгарилар қандай бўлганимни, имон-

сиз ҳаётимдан юракларим қуриб кетганини, нақадар аянчли ҳолда яшаганларимни яхши биласан; мен бургутдай шод ва мағрур, ҳозиргидай бахтиёр бўлишим мумкинмиди? Менинг ҳаётимда бир гўзаллик пайдо бўлдию мени янгилади, яхшилади, умримни ясатди, мен учун ҳаётнинг қадри йўқ эди, у қувонч ва кўклам жозибасини киритди».

Майн-Франкфуртига бориб, Холдерлинни кўрган дўстлари Хюнтернинг уйидаги шарт-шароитлар ҳақида ҳеч нима ёзиб қолдирмаганлар. 27 ёшида илк бора қанотланган, умрида илк бор ўзини ичдан эркин ҳис қилган шоир «Мен илоҳнинг ёнида яшаётган бандалардай, ташивиш нималигини билмай яшаётирман» деб ёзарди. Шу ерда унинг ижоди яшнади. «Хиперион» романи аниқ чизгилар билан бойида ва битди. «Эмпидоклнинг ўлими» фожиаси Диотимага аталган покиза лирик шеърлар билан тўла бошлади.

Ёшликни қайтариб бўлмайдими?
Аммо пайдо бўлишинг билан
Шеър гули яна очилди, Диотима,
Буни қандай изоҳ қиласан?

Сўзломасдим гунг қайғу аро,
Аммо пайдо бўлишинг билан
Ярк этдию сендай бир сиймо,
Кувонч мадҳи янгради бирдан!

Кўкда сенинг нурли тимсолинг,
Сени узоқ кутганман йиғлаб.
Билсанг, сени кўришдан олдин
Ҳис қилгандим сени мен дастлаб.

Диотима Холдерлин учун гўзаллик тимсолидирки, бунинг маънолари кўп: бир томондан, жисмоний баркамоллик тушунилса, иккинчи томондан, шахсиятнинг ташқи ва ички (руҳий) гўзаллиги бир-бирини тўлдириши тушунилади. Шоирнинг Диотимага муҳаббати — ўзни йўқотиш, жазавага тушиш даражасидаги иззат-ҳурмат ва завқ-шавқни билдиради. Шоирнинг назарида Диотима ўзини тушунмайдиган ёввойилар орасида

яшайди, токи у ўлмас маъбуда ва қаҳрамонлар қаторига қўшиладиган вақт келгунча сиқилиб яшайди. Дейч таъкидлаганидек, Холдерлиннинг севги шеърларидаги бу жўшқинлик — шоирнинг турли хиссиётларининг ифодаси эди. Шоир чиндан ҳам маъюс ҳаётида ўз руҳига чинакам яқин бўлган бошқа руҳни топган эди. Шуни ҳам унутмаслик керакки, Холдерлин учун юнонлардаги комиллик фақат ўтмишда эмас, келажакда ҳам намуна ва ўрнак эди. Назокатли ҳаяжонга тўла аёл шоирга азиз ва қадрли эди, бунини у бўлажак жамиятнинг бир кўри-нишидай, ҳозирги замон учун фавқулодда ҳодисадай қабул қилар эди.

Холдерлиннинг Диотимага бағишланган севги шеърлари заминий, шахвоний хиссиётларга эга эмас. Ундаги хиссиёт — кенг, самовий табиатга эга.

Диотимага бўлган муҳаббати уни янгилайди, дунё туйғусини ўткирлаштиради, ҳар вақт инсон билан табиатнинг узилмас алоқасини кўрсатади. Шоир Диотимани учратганда дунё унинг учун бошқача бўлиб, ўзгариб, гўзаллашиб қолади.

Худо юборди менга Диотимани,
Мен қандай севиниб кузатдим уни.
Уни кўриб билиб, бокқаним замон
Кўринди кўзимга олтинранг осмон.

Булоқларда тошиб қайнади ҳаёт,
Менга ер гуллари қулди шу заҳот.
Булутнинг устида жилмайиб соҳир,
Дуо қилиб пастга эгилди Эфир.

«Хиперион» романида ҳам бир қатор умуминсоний воқеалар қатори Хиперионнинг Диотимага муҳаббати тасвирланган. «Агар бир инсон бир инсонни севса, у ҳамма нарсани кўриб, ҳамма нарсани ёритиб тургувчи кўёшга айланади, агар севмаса, у — қоронғи ёрдан бошқа нарса эмас», — дейди Хиперион.

Холдерлиннинг ода-қасидалари, лирикасида ҳам, «Эмпедоклнинг ўлими» фожиасида ҳам Диотима образини

кўрамиз. Уларнинг ҳаммасида антик адабиёт руҳида инсоннинг табиат билан бирлиги, ўзи билан жамият орасидаги келишмовчилик изтироблари ифодаланмоқда эди.

Аммо эртами-кечми Хюнтер ўз хотинининг Холдерлин билан муносабатларига эътибор бермаслиги мумкин эмасди. 1798 йилнинг сентябрида Холдерлин билан Сюзеттанинг эри ўртасида низо чиқди. Шоир уларнинг уйини тарк этишга мажбур бўлди. Аммо Холдерлин Сюзетта билан яширинча хат ёзишиб тураверди, ахён-ахёнда учрашиб ҳам турдилар. Шоир яна ёлғизликка мубтало бўлганини, унинг ичида қандай туйғулар бўрони кўтарилганини тасаввур қилиш қийин эмас. Диотима жонбозлик билан уни қўллашда давом этди, унинг мактублари севимли кишисига ғамхўрлик руҳи билан суғорилган бўларди.

Холдерлин амалий фаолиятга чанқоқ эди. У эстетика масалаларига оид журнал ташкил қилмоқчи бўлди-ю, режаси амалга ошмади. Йенага кўчишни ўйлаб Шиллерга хат ёзганди, ундан жавоб бўлмади.

Диотиманинг маслаҳати билан Штутгартга борди, бир савдогарнинг уйида ўқитувчилик қила бошлади. Аммо бу ерда ҳам руҳан тинчланолмади ва Швейцарияга кўчиб кетди. Мовий қўллар ва дарёлар, ёнбошдаги чўққилари қорли тоғлар шоирга каттиқ таъсир қилди, манзара шеърлар ёзди. Шу пайтларда яратган «Юртма-юрт кезиш» шеъри элегик маъюслик билан суғорилган эди. Шоирнинг ички сезгилари, чўққилари қорли Альп тоғларидан Кавказ қояларига боғлана олишлари одамни тонг қолдиради, йўкса, у Кавказда бўлмаган, фақат Прометей афсоналарини билади, шундан келиб чиқиб, у ерда эрксевар шоирлар яшайди, деб хаёл қила олади. Бу даврда Наполеон армияси билан Австрия ўртасида уруш борарди. 1801 йилда Австрия Наполеондан енгилиб, Франциянинг Люневил шаҳрида у билан тинчлик шартномасига қўл қўйишга мажбур бўлади. Холдерлин бу воқеадан севинади. «Энди дунёмизда ҳақиқий тинчлик бўлишига ишонаман», — деб ёзади синглисига 1801 йил 23 февралда. Йил охирида оилавий уйига келиб, қисқа муҳлат яшагандан кейин Олмониядан Францияга — Бордо шаҳрига кўчиб боради.

Консул Мейернинг оиласида яна ўқитувчилик қила бошлайди. Аммо у ерда ҳам сиқилиб, яёв саёҳатга чиқиб кетади. Энди унинг олдида аниқ бир мақсади йўқ эди. Бирдан Синклердан Диотима – Сюжетта Хюнтернинг тўсатдан вафот этганини эшитди. Шундоғам иродасини йўқотиб, эсанкираб юрган Холдерлиннинг ақли озди. Унинг Матиссон деган бир таниши шу кунларда Холдерлин билан учрашгани тўғрисида В. Вайблинхерга ёзган эди: Матиссон ўз хонасида ўтирар, эшиги очик экан. Бирдан бутунлай нотаниш бир одам кириб келибди. У ўликдай ранги ўчган, даҳшатли даражада озгин, қарашлари ёввойи ва бежо, соқоли ўсик, сочлари хурпайган, тиланчилар кийимида эди. Анчагача қаршисида тик турди, чурқ этмади... Ниҳоят, тиниқ овоз билан «Холдерлин», — деди-ю, чиқди-кетди.

Француз инқилобининг енгилганидан қаттиқ изтиробга тушган, замондошлари томонидан етарли даражада англанмаган, ўз шахсий ҳаётида ҳам бахт топмаган, ўзи учун умидли бир маскан йўқлигидан эзилган Холдерлин 1803 йилда ақли-хушидан айрилди (худди Эркин Воҳидовнинг «Рухлар исёни» достонидаги Назрул Ислом каби). Қасаллик узоқ давом этди. Орада бир тузалгандай бўлиб қолар, лутфан уни ишга ҳам олардилар. Масалан, 1804 йилда кутубхоначилик қилди. Аммо бу узоқ давом этмас, яна таназзул бошланарди. 1806 йилдан то умрининг охиригача 37 йил Тюбингенда яшади.

1843 йил 7 июнда вафот этди.

ҲЕНРИХ КЛЕЙСТ билан ВИЛЬГЕЛЬМИНА

«Мен Клейстга қанчалик ҳамдард бўлсам-да, шу туфайли у ҳақда юмшоқ фикр айтгим келса-да, барибир, у менда даҳшат уйғотади ва жиркантиради: табиат унинг вужудини шундай қойилмақом этиб яратса-ю, тузалмас бир касаллик чангалидан қутулолмаса...»

И. В. Гёте

«Мен инсон зоти чиқолмайдиган энг азобли ҳаётни бошимдан кечирдим».

Ҳ. Клейст

Хенрих фон Клейст (1777–1811) — немис романтик ёзувчиси. Ўз ижодида антик драмалар билан Шекспир драмаларини синтез қилишга уринган. Бадий жиҳатдан энг мукаммал асари «Синган кўза» — халқ ҳаётидан олинган комедия бўлиб, унда оққўнгил юмор билан ижтимоий сатира элементлари қоришиқ ҳолда келади. «Пентесилея» номли фожиасида одамдаги ақлга бўйсунмайдиган эҳтиросларни тасвирлаган. «Ҳеилбронлик Кетхен ёки олов билан синаш» номли драмасида Олмониянинг ўрта асрларини идеаллаштирган. «Херманнинг жанги», «Хамбурглик шахзода Фридрих» номли драмаларида юртдошларини ёт босқинчилардан қутулишга чақирган, ватанининг ўтмишини улуғлаган.

Клейстнинг новеллалари драматизмининг кескинлиги, рухий ҳолатларнинг аниқлиги ҳамда ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. Уларнинг ичида энг машхури «Михаэл

Кюльхаас» новелласи бўлиб, XVI асрда яшаб ўтган бир немис бюргерининг феодал зўравонлиги ва қонунсизликлари оқибатида қароқчи бўлиб кетганини тасвирлайди, аммо ўз қаҳрамонини идеаллаштирмайди.

Хенрих Клейст болаликдаги мактабдош ўртоғи Вильгельмина фон Ценгени севади. Аммо моддий омадсизликлар ва ор-номус талаблари таъсирида ўзини чин юракдан севган қизи билан никоҳланишидан воз кечади...

Кейинроқ, 1810 йилда Клейст романтик кайфиятдаги касалманд Адольфина Фогель билан дўстлашади. Улар Клейстнинг орзусини амалга ошириб, ўз жонларига қасд қиладилар. Бундан олдин у Адольфинанинг опаси Марияни севган ва унга биргаликда ўлишни таклиф қилганди. У қўнмагандан кейин Адольфина билан биргаликда жонларига қасд қиладилар. Клейст аввал Адольфинани, сўнг ўзини отиб ўлдиради. Ўлими олдидан Марияга шундай хат ёзиб қолдиради: «*Мен ёш бургутдай парвоз қилиб, мен билан бирга ўлишга рози бўлган ёрмни топдим*».

Энди Клейст билан Вильгельминанинг ёзишмалари билан танишинг:

Хенрих Клейст — Вильгельминага
Одердаги Франкфурт



(хатнинг бош қисми йўқолган) «...мени севасиз деган аниқ ишонч бор эди. Ундаги ҳар бир сатр бирга баҳам кўрилган, бахтли муҳаббатдан қувонч билан нафас олмаяптими ахир? Ҳарқалай буни менга ким айтди? Бу қаерда ёзилган?»

Сизни кечадан бери жонлантираётган у қувончдан, отангиз билан очик гаплашиб олган пайтингизда тўккан бахтли кўзёшларингиздан, кейинги кунларда менга меҳр билан қараганларингиздан, ўтган оқшомларнинг баъзида, айниқса, кеча фортепьяно ортида менга самимий ишонч билан гапирганларингиздан; энди

менинг олдимга ҳатто бегоналар олдида ҳам яқин келишларингиздан, ҳолбуки, илгари сиз журъатсизлик билан мендан ўзингизни нарироқда тутардингиз, айтинг-чи, Вильгельмина, мен ана шу деярли шубҳадан холи бўлган қилиқларингиздан мен, ким бўлишимдан қатъи назар, ўзимни севиладим деб ўйлашим мумкинмиди?

Аммо мен кўзларимга ва қулоғимга (кўрганларим ва эшитганларимга) ишонишим, ақлимга ва сезгимга ишонишим, қачонлардир бундай белгилар алдаган бўлишига қарамай, яна содда ва гўл юрагимга ишонишим мумкинми? Қайтага мен ўз хулосаларимга ишонмаслигим керак эмасми? Ахир бундай хулосалар нотўғри бўлишини улар бир маҳал менга исботлаган эди-ку? Аслида, ҳали бундан ярим йил бурун билган нарсам ҳақида нима деб ўйлашим мумкин, сиздан сўрайман, мени яхши кўришингиз ва дўст сифатида қадрлашингиз тўғрисида ўйламай, нимани ўйлашим керак эди?

Шундай бўлса-да, Вильгельмина, сизнинг юрагингиз менга нисбатан севги деган нарсани ҳис қиладими, буни жуда билгим келади. Сизнинг қалбингизга нигоҳ ташлашга ижозат беринг! Менга ишонч билан ва чин юракдан очиғини айтинг! Мен томонда сизга нисбатан ишонч, шундай чексиз ишонч борки, бунга жавобан сиз томонда аҳвол қандайлигини билишга ҳаққим бўлса керак! Мен сизни севганим учун сиз ҳам мени севишингиз керак демаяпман мен; аммо менинг сизга ишончим чексиз экан, сиз менга ишонишингиз керак. Вильгельмина! Сиз бутун қалбингиз билан, чин юракдан жавоб ёзинг! Мени муқаддас юрагингиз саждагоҳига, мен аниқ билмаган қалбингиз оламига киритинг!

Агар сизнинг мен билан мулозаматингиздаги самимият асосида яралган ишончим ҳаддан ташқари дадил ва шошқалоқ бўлса, буни менга айтишдан қўрқманг. Мен умидларим билан қанотланаман, бунисини мендан тортиб ололмайсиз. Айтинг, мени яхши кўрасизми, чунки бу уяладиган нарса эмас-ку? Мен бахтсиз одамманми ахир, Вильгельмина?

Очиғи, мен сизга чин юракдан иқрор бўлишим керак, Вильгельмина, сиз менинг мағрурлигим ҳақида нима деб ўйласангиз ҳам, очиғи, сиз мени севасиз дея ишонаман. Шундай бўлса ҳам, буни менга очиқ айтишингиз керак, деган

хоҳишни қандай фикр қаторлари менга қандай сингдирганини худо билади. Агар сизнинг қўлингиз, мен сизни севаман, деган шу учта сўзни ёзишга журъат қилиб, менга қувончга тўла энг мусаффо дақиқани бахш этган бўлардингиз, шунда менинг завқим юксак бўларди, деб ўйлайман.

Ҳа, Вильгельмина, менга шу учта таҳсинга лойиқ сўзни айтинг: мен қолган бутун ҳаётимни шулар билан ўтказаман. Уларни менга бир мартагина айтинг, бошқа такрорлашга эҳтиёж қолмайдиган манзилга тезда етишимизга изн беринг. Чунки ҳақиқий садоқат, чин муҳаббат сўзларда эмас, хатти-ҳаракатларда ифодаланади. Бир-биримизни етарлича билишимиз учун сиз билан юракдан яқинлашишимизга имкон беринг. Вильгельмина, менинг кўкрагимда сизга айтишга қўрқадиган бошқа биронта туйғу йўқ. Сиз-чи, мендан бекитишингиз мумкин бўлган нимангиз бор? Муҳаббатнинг биринчи шарти — ишончни бузишга етаклайдиган нимангиз бор? Хуллас, Вильгельмина, оқ кўнгилли бўлинг, ҳамма вақт оқ кўнгил бўлинг. Биз ҳис қилаётган, ўйлаётган ва истаётган нарсаларнинг ҳаммасида ҳам ҳеч қандай ярмас нарса бўлиши мумкин эмас, шунинг учун ҳам биз бир-биримиз билан булар ҳақда ихтиёрий равишда ўртоқлашиб турамиз. Ишонч ва ҳурмат муҳаббатнинг бўлинмас асосларидир; у буларсиз яшолмайди; ҳурматсиз муҳаббатнинг қадри, ишончсиз муҳаббатнинг қувончи бўлмайди.

Ҳа, Вильгельмина, ҳурмат муҳаббатнинг шаксиз шарти ҳисобланади. Шунинг учун ҳормай-толмай унга риоя қилибгина қолмай, бир-биримизга бўлган ҳурматни кучайтириб борамиз. Чунки бу мақсад муҳаббатнинг қадрини юксак даражага кўтарадиган биринчи шартдир. Севги орқали биз бир-биримиз билан борган сари яхшироқ, олийжаноблик билан ўртоқлашамиз, агар бу мақсадга эришмасак, Вильгельмина, унда бир-биримизни тушунмаган бўламиз. Биз бир-биримизнинг оёқ олишимизни ҳеч чарчамай жиддий равишда кузатиб борамиз. Ҳеч бўлмаганда, мен сиздан менга ҳамма нарсани рўйирост айтиб туришни талаб қиламан, мендаги бу нарса сизга ёқмаслиги мумкин. Ўзим эса сизнинг ҳамма талабларинигизни бажаришимдан умидворман, чунки улар ҳаддан ошармикин деб ҳадиксирамайман. Ҳечқур-

са, сиз ўзингизни шундай тутингки, менинг юксак бахтим сизнинг севгингиз ва хурматингизни ҳақ деб билсин; шунда ҳамма яхши таассуротлар икки карра, уч карра ортади; улар ҳақда, балки, ҳеч қандай шубҳага бормаган бўлишингиз мумкин, лекин мен бунинг учун сиздан астойдил ва чин кўнгилдан миннатдор бўлишим турган гап.

Шунинг учун, Вильгельмина, мен сизнинг маълумотингиз устида ҳам ўйлайман, ишлайман, севимли қизимнинг устунликларини янада баландга кўтаришни истайман ва фазилатларингизни ошираман!

Яна битта муҳим масала, Вильгельмина. Мен бир фаолиятга (қандай фаолиятлигини ҳали ўзим ҳам билмайман) тайёрланмоқчиман. Ҳар бир бўш соатимдан фойдаланиб, шу ҳақда фикр юритаман. Юрагимнинг интилишларини онгимнинг талаблари билан тенглаштирмоқчиман; аммо тарози паллаларида оғирликларни бараварлашининг имкони бўлмаяпти. Мен адлияни (ҳуқуқни) ўргансаммикин — эҳ, Вильгельмина, яқинда табиий ҳақ-ҳуқуқ соҳасида мен севишганлар ўртасида шартномаларнинг аҳамияти бўлиши мумкинми, деган масалани кўтармоқчи бўлдим, чунки кўпинча улар эҳтирослар таъсирида тузилган бўлади. Дунёда мулк мавжудми ўзи деган нарсасида бош қотираётган илмдан мен нима оламан, бундай илм менга фақат мулкни қачон бўлмасин меники дейиш ҳуқуқини бера олишидан шубҳаланишни ўргатади.

Йўқ, Вильгельмина, мен идрокнинг тутуриқсиз чоғида, омонат ҳуқуқини ўрганишни хоҳламайман; юрагимнинг ҳуқуқига риоя қиламан, шунга асосланиб яшайман, файласуфларнинг (мутафаккирларнинг) ҳамма тизимлари бундай қилолмасликларини истайман. Ёки ўзимни дипломатик миссияга бағишласаммикин? Эҳ, Вильгельмина, мен фақат битта қонунни — ҳалоллик ва тўғрилик қонунини тан оламан, сиёсат эса фақат фойдани кўзлайди. Устига-устак чет эл саройларида бўлиш севишганларнинг бахти учун ёмон сахна бўлиши мумкин. Саройларда русум ҳукмронлик қилади, севги эса уятсиз мазахчиликка ётдир. Ёки ўзимни молия соҳасига бағишласаммикин? Бунда балки бирон маъно бордир. Ҳолбуки, шу дақиқаларда думалаётган тангаларнинг

жаранги мен учун азиз эмас, менга ёқмайди, аммо майли! Юракларимизнинг бир хил уриши мени шунга яраша тақдирлайди, шунинг учун мен бу соҳани, агар бизни бир мақсад сари олиб келса, инкор этмайман.

Менинг олдимда яна бир каттагина, айни чоғда, олам-олам завқ бериши мумкин бўлган фаолият бор; аммо ўз-ўзидан маълумки, бу у қадар давлат кишиси бўлиш йўлини кўрсатадиган, дабдаба йўлидан борадиган шон-шуҳрат эмас, қандай қилиб коинот фуқароси бўлишни ўйлатадиган академик мартабани назарда тутяпман. Ниҳоят, шуғулланишим мумкин бўлган яна бир нарса қолди, иқтисодиёт машғулоти: кичик воситалар билан катта ҳодисаларни келтириб чиқарадиган муҳим санъатларни ўрганишдир. Агар бу улуг санъатни ўргана олсам, мен тамоман бахтли бўлардим, Вильгельмина, у ҳолда мен эркин инсон бўлиб, бутун ҳаётимни сизга бағишлар ёки аниқроқ айтадиган бўлсам, мансабдорга бўйсунми тартиблари талаб қилгани учун, олий мақсадимни сизга бахш этардим.

Шундай, мен Геркулес каби беш йўл туташган жойдаман, қаерни танлаш ҳақида ўйлаяпман. Мен назарда тутган мақсаднинг муҳимлиги йўлни танлашда мени ўта эҳтиёткор қиляпти. Мен бахтли бўлгим келади, Вильгельмина, шундай бўлгач, ҳақиқий йўлни билмай қолишдан қўрқиш мумкин эмасми ахир? Мен бу йўлларнинг ҳар қайсисида ҳам, агар у томонга сиз билан бирга юрсам, бахтли бўлар эдим. Аммо ким билади, Вильгельмина, сизнинг ҳам шундай юксак бўлишга арзийдиган махсус истакларингиз йўқмикин?

Шунинг учун бу режаларим ҳақида фикрларингизни ва шу йўналишдаги хоҳишларингизни менга айтишингизни сўрайман. Сиздан келажакда мен билан бирга бўлишдан, очиги, нималар кутишингизни билишим мен учун ғоят қадрлидир. Сиз менга айтадиган ўша хоҳишни ҳеч шак-шубҳасиз бажаришни ваъда қилмайман; аммо мен сизнинг хоҳишларингизга кўпроқ монанд келадиган йўлни сизга ҳам бирдай мақбул бўладиган шартлар асосида танлашга ваъда бераман. Майли, у машаққатли, энг нотинч йўл бўлсан, Вильгельмина, мен ўзимда ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга куч ва журъат топа олишимни ҳис қиляпман; агар чаккаларимдан

тер оқими тинмаса, агар доимий тарангликдан кучим бў-
шаиса, у ҳолда тасалли бўлиб келажакнинг тилсоли жил-
майсин, шунда янги жасорат ва янги куч мени қамрагай:
ахир мен Вильгельмина учун ишлайман.

Ҳенрих Клейст».

Бу хатга иловада шундай қайднома ҳам бор эди:

«Бу хатни мен эртага кечқурун отангизга бериб юбо-
ришга аҳд қилдим. Кечадан бери муҳаббатим учун ҳеч
нарс қилмасликка берган ваъдамни бажаролмаслигимни
ҳис қиляпман, чунки сизнинг муҳтарам ота-онангизни
алдаган бўлиб чиқишни хоҳламайман. Сизнинг олдингиз-
да туриб айтасан гапларимни бошиқалар эшитмаслиги
лозимлиги боис, гапиришга ҳаққим йўқлигини, сизнинг
қўлингизни ушлаб турган бўлсам-да, гапира олмаслик,
чунки бу гапни гапиришга ўзимга рухсат бермаслигим
кераклигини... бундай изтиробни тўхтатишни истай-
ман ва тўхтатишим керак. Шунинг учун ҳам мен бун-
дай ҳуқуқ билан сизни севишим мумкинми ёки бутунлай
сизни севмаслигим керакми, шуни билгим келади. Агар
кейингиси бўлса, хатимнинг охирида отангизга берган
ваъдамни бажаришга аҳд қилдим. Агар бу нарс йўқ бўл-
са, мен бахтлиман, Вильгельмина! Икковидан шуниси
яхшироқ! Мен отангизга ёзган хатимда сизнинг қалбин-
гиз билан ҳаддан ташқари дадил гапирдимми ахир? Агар
хатимда нимадир ёқмаган бўлса, эртага менга айтинг,
ўша жойларини ўзгартираман.

Юрагимнинг янги тонги ловуллаб, ҳаддан зиёд ёрқин пор-
лаётганини, ҳамманинг эътиборини ҳаддан ортиқ торта-
ётганини кўряпман. Бу хатни ёзмасам, сизнинг, ҳарқалай,
мен учун дунёдаги ҳамма нарсадан азиз бўлган лаёқатингиз-
га ҳалақит берган бўлардим. Майли, само бизга нимани ато
этган бўлса, бўлаверсин. Мен тўғри одим ташлаётганимга
инонгангим учун хотиржамман.

Ҳенрих Клейст».

«Агар эртага мен билан бирга сайр қилишни рад этмасангиз, менинг одимим тўғрисида нима ўйлаётганингизни, қандай қарорга келганингизни билиб олган бўлардим. Менинг саёхатим ҳақида гап очмадим, сабаби шуки, ўзингиз буни кечиргандингиз. Мен гап очмаганим учун сиз ҳам индаманг! Биз бир-биримизни тушунамиз-ку ахир!»

Вильгельмина — Хенрих Клейстга

«Одердаги Франкфурт, 1802 йилнинг 10 апрели.



Азизим Хенрих! Сенинг ҳозирги тураржойингни аниқ билмайман, шунинг учун менинг хатим сен турган жойга етиб бориш эҳтимоли озроқ, эшитишимча, турган жойингга юборавердим; аммо ортиқ оғзимга тош олиб юролмайман. Агар ёзганим зое кетса, сен мендан жавоб олмасанг, бу менинг айбим бўлмайди. Сенинг ошланг икки ойдан ортиқ Гулбенда бўлишди, мен ҳатто оила аъзоларингдан ҳам, сен ҳамон ўлажак одамлар орасида саёхатдамисан ёки ўша оламнинг тор энгилларини яхшиларига алмаштиридингми, йўқми, аниқлай олмадим.

Нихоят, улар яна шу ердалар, шундай қилиб, юрагимга ҳаммадан ҳам яқинроқ бўлган одам ҳақида ҳеч нарса билмасликнинг ҳайбатли изтироблари билан тирикчилигимни сенга айтишни орқага сурмаслик кераклигини тушундим. Гапларимда яхши нарсалар озлигини билиб оласан.

Мен туйқусдан севикли укамдан ажраш кулфатини бошдан кечирганимни Ульрика сенга ёзганди, ўшанда мен юракка жуда яқин одамни йўқотишдан ортиқ дард йўқлигини чексиз изтироблараро анлаб етдим, бунинг нимасини ҳам айтмай... Биз жуда ёш пайтимиздан жуда яқин дўстлар эдик, бир-биримизни жуда қаттиқ яхши кўрардик. Яқин-яқинларда ҳам биз у билан ота-онамизнинг кумуш тўйида роса маза қилиб

ўйнаб-кулгандик; у сонна-соғлом ҳолда бизни ташлаб кетди, биз унинг ногоҳ оламдан кўз юмгани хабарини олдик. Олдинига мен худди тошга айлангандай гапирмадим, йиғламадим. Бу ҳазин кунларимизда, кўпинча, биз билан бирга бўлган Алемань менинг тошга ўхшаган табассумим жуда қўрқинч бўлганини айтди. Табиат бу даҳшатли ҳолатга чидай олмади, мен оғир касал бўлиб қолдим. Бир куни кечаси менда қаттиқ бўғилишлар юз бергани учун Луиза докторга одам юборди, чунки мен дақиқа сайин нафас ололмай қолаётгандим, шунда ўлим фикри менга ҳечам қўрқинчли бўлиб кўрингани йўқ.

Қалбимнинг туб-тубида бир овоз бор эди: «Сени яхши кўрганлар кўзёшларга чўмиб мотам тутмоқдалар, уларнинг ичидан бирини сен бахтли қилишинг мумкин». Вужудимга кимдир бир янги куч пуфлаб киритгандай бўлди, ҳақимлик санъати менинг соғлиғимни тиклагани учун қувондим. Ўша аснода, қадрли Ҳенрих, сенинг хатинг менинг аҳволимни анчагина енгиллаштириши мумкин эди, аммо сенинг жимлигинг азобларимни кучайтирди.

Шу вақтгача доим бахтиёр бўлган отам билан онамни бирдан шу қадар руҳи тушган ҳолда кўриш, айниқса, онамни доим кўзёшлари шашқатор ҳолда кўриш — бунга ҳеч чидаб бўлмасди. Устига-устак мен бундан ҳам катта курашга дош беришим керак бўлди, Линдовда ибодат ўргатувчи тарбиячимиз ҳам ўлди. Эски ибодатхонада мен тўғримда гап-сўзлар кўп бўлаётгани сабабли, мен иккинчи ўринда бўлганим учун, тарбиячиликка мени ўтказишларини кутиш мумкин эди. Чиндан ҳам мендан, тарбиячи бўлишни истайсанми, деб сўрай бошладилар; онажоним бу ўрин мен учун жуда фойдали эканини уқтириб, мансабни тез эгаллашни маслаҳат қилардилар, ҳолбуки, мен ҳали келажакда ким бўлишни белгилай олмаган эдим. Аммо ҳар доим Линдовда яшаш (агар рози бўлсам, шундай бўлиши зарур эди) фикри, шунингдек, сенга берган ваъдам хотираси — ундай яшамаслик — мени бу ишдан қайтарди ва мен фрейлейн Фон Рандовни у ўринга сайланишини танладим ва у тезда ўша ўринни эгаллайди.

Наҳотки сен менга ачинмасанг? Мен кўп нарсаларни бошимдан кечирдим. Ўзинг ҳақдаги қувончли бир хабар билан

менга таскин бер, менга қандай бўлмасин бир-икки соат вақтингни совға қил ва кўпроқ ёз.

Сингилларингдан фақат уларга ҳам кам хат ёзишингни эшитдим, мен улардан нари борса, сенинг тураржойинг отини аниқлайман, холос; шу гапимдан сен тўғрингда кўпроқ хабар эшитишни исташимни тасаввур қилишинг мумкин.

Менда хурсандчилик оз; баъзи бир чоғлар бизнинг жажжжи Эмилиямиз менга бахтли дақиқалар яратади. У энди гапира бошлапти, мен ундан: «Сенинг юракчанг нима қилипти?» деб сўраганимда, у: «*Mon coeur palpite*» («ичимда гуп-гуп қилипти»), — дея аниқ жавоб қайтаради, тағин унғ қўлчасини юрагининг устида тутлади. «Клейст қаерда?» деб сўраганимда, у китобни очади, сенинг расмингни ўпади. Мени тезроқ хатинг билан қувонтир, мен у тасалли беришига жуда муҳтожман.

Баҳор қайтиб келди, лекин бахтли дақиқалар олиб келмади, уларни мендан тортиб олганди. Аммо мен умид қилавераман. Ҳеч қачон орқага оқмайдиган дарё саҳролар ва қоялар оша пастга юмалайди, аммо охир-оқибатда серҳосил ажойиб мамлакатларга етиб боради. Нима учун мен ҳам охир-оқибатда мени энг ажойиб қирғоқларга олиб келадиган замон-дарёни кутмай энди? Саёҳатингда имкон қадар бахтли кунларинг кўпроқ бўлишини тилайман, кейин эса, ниҳоят, ҳаловатли кунлар келсин.

Л.нинг иккала картинаси ва шеърлар тўла китоби менда турибди. Бошқа нарсаларинг укангда. Улвар Карлга тегишли деб ўйлагандик, аста-аста уларни менга юборишди. Вильгельминанга тезроқ жавоб ёз».

Ҳенрих Клейст — Вильгельминана

«Туна яқинидаги Ааринзель, 1802 йилнинг 20 майи.

Азизим Вильгельмина! Янги йилда хатингни олгандим, унда сен яна самимият билан, чин юракдан ватанга қайтишимни талаб қилибсан, сўнгра чексиз назокатлар билан жонажон хонадонингни, соғлифинг заифлигини, кетимдан Швейцарияга келишингга ҳалақит берувчи сабабларни эсла-

тибсан. Хатингни «Буларни ўқиб чиққач, билганингни қил», деган сўзлар билан тугаллабсан. Мен бўлсам, бу ерда ер со-тиб олиш мақсадида ўз томонимдан бир қатор илтимос ва тушунтириш хатлари ёза-ёза саёҳатимни давом эттиряп-ман, шундай бўлгач, кейинги хатлардан ҳам бир нима чиқи-шини кутишининг кераги йўқ; чунки сенинг сўзларингдан шу нарса менга равшан бўлдики, сен ҳам мендан қатъий талаб қилишларни кутмаётирсан, шу сабабли мен сени ҳам, ўзим-ни ҳам хат билан изоҳлашлардан халос қилдим.

Эҳтимолки, мен ҳеч қачон ватанга қайтмасман. Сиз, аёллар, немис тилидаги бир сўзни ҳеч англамайсизлар, у «иззат-нафс» деб айтилади. Мен фақат бир ҳолдагина қайта оламан, чунончи, агар мақтанчоқлик қилиб босган қатор одимларим билан кетини ўйламай гашини келтирган-ним одамларнинг кутганларига жавоб бера олсам... бунинг имкони бўлиши мумкин, аммо ҳозирча амримаҳол. Гапнинг лундаси, агар мен ватанимда обрўйимни йўқотмаган ҳолда пайдо бўла олмасам, демак, қайтиш ҳеч қачон бўлмайди. Бу эса қалбимнинг сажияси каби ўзгармасдир.

Мен Швейцарияда унчалик катта бўлмаган бир ер-мулк сотиб олишни ният қилгандим, шунинг учун Панн-виц мақсадимни инобатга олиб, номимдаги мол-дунёнинг қолган-қутганини бу ерга ўтказма қилиб юборганди, мен пулимни олишимдан бир ҳафта бурун бирдан бошланган қабиҳ қўзғолон бу ерда эсимни тескари қилиб юборди. Ўшанда сен ортимдан Швейцарияга келишни истамага-нингни менинг бахтим, омадим деб ўйлагандим ва Аар дарёси оролидаги бир уйчада одамлардан ажралиб яшай бошлагандим, энди гоҳи қувонч, гоҳи ғам дегандай, ўша ерда ёзувчиликка киришишим керак. Ҳақиқатда эса бах-тим очилишини кутиб яшаяпман, билмадим, умуман қа-чондир, бахтим очилармикин, менинг оз қолган бойлигим ҳамон камаймоқда, бир йил ичида, эҳтимол, бутунлай қашшоқ бўларман. Қайғудан бўлак ҳеч нима бўлмаган бу ҳолимда — сенга маълум бўлмаган ва сен билан бўлиша-диган қайғу ва ташвишларим устига бирдан сендан хат келиши сен ҳақдаги, бахтимга, анча кучдан қолган хоти-раларимни яна уйғотиб юборди.

Азизим, менга бошқа хат ёзма. Ҳозирги пайтда тезроқ ўлишдан бошқа истагим йўқ».

Энди Ҳенрих Клейстнинг Адольфинага ёзган мактуби билан танишинг:

Ҳенрих Клейст — Йетта (Адольфина Фогель)га

«Берлин, Микоил Пайғамбар кунидан сўнг, 1810

Менинг Йеттагинам, менинг юрагим, менинг маҳбубам, менинг жоним, менинг ҳаётим, ёрқин ва ёқимли ҳаётим, қалбимнинг нури, менинг ҳамма нарсам, менинг бисотим, менинг қўрғонларим, минораларим, ўтлоғим ва ишқолларим, о, ҳаётимнинг қуёши, тўлинойим ва юлдузларим, осмоним ва тупроғим, менинг ўтмишим ва келажагим, менинг қаллиғим, менинг қизим, менинг азиз қўлдошим, менинг жоним, юрагимнинг қони, юрагим, менинг қароғим, о, севгилим, яна сени нима деб атай? Менинг фарзандим, менинг дурим, менинг қимматбаҳо тошим, менинг тоғжим, менинг қироличам ва султоним. Қалбимнинг энг маҳбубдан маҳбуби. Менинг энг олий ва энг қадрли хотиним, менинг тўйим, болаларимни дунёга келтирувчим, менинг фожиям, менинг ўлимдан кейинги шуҳратим. Оҳ, сен — менинг иккинчимсан, «мен»имдан яхшироғимсан, менинг фазилатларим, менинг хизматларим, менинг умидим, гуноҳларимни кечирувчим, менинг истиқболим ва менинг ҳузур-ҳаловатим, о, самоларнинг қизи. Менга худо берган олий зотим. Менинг ҳомийим ва ҳимоячим, менинг фариштам, сени қанчалар севаман мен!»

1911 йили Клейст вафотининг юз йиллиги муносабати билан Олмонияда Клейст мукофоти таъсис этилган. Бундай мукофотга Бертолд Брехт, Леонхард Франк, Арнольд Цвейг ва Анна Зегерслар сазовор бўлганлар.

БЁРНЕ билан ҲЕНРИЕТТА ГЕРЦ

Людвиг Бёрне (1786—1837) немис адабиёти учун ва Германия озодлик ҳаракатида жуда катта хизмат қилган машҳур олмон ёзувчиси ҳисобланади. Унинг ярим бадий-ярим публицистик асарларини Олмониядаги Хенрих Хейне, Франциядаги Поль-Луи Курье, Россиядаги Герцен ижод намуналари билан тенглаштириш мумкин. У бутун қудрати, эҳтироси ва истеъдодини ўзи туғилиб улғайган мамлакатнинг қолоқлиги нақадар даҳшатли даражада эканлигини, немис князларининг ҳеч қандай донишманд маслаҳатларига қулоқ солмайдиган, зўравонликка асосланган ўзбошимча идорачилигини ёрқин фикр ва далиллар билан кўрсатишга қаратди, ҳар турли муносабатлар билан юрт қолоқлигини, онгсиз маҳаллийчиликни, сиёсий ҳуқуқсизлик, матбуот ва сўз эркинлиги оёқ остида топталиб ётганини эслатиб, олмонларнинг қалбини остин-устун қилар эди. Ўз асарларида нозик кузатишлар, ўткир фикр ва кескин сўзлар, топқирлик ва ихтиро даражасидаги жумлалари билан сиёсий озодлик масаласини кўтараверар эди. Театр спектаклларига тақризларми, янги китобларга акс-садоми, йўл хотираларими — ҳар неки ёзмасин, гапни асосий масалага бурар, ҳеч қутилмаган жойда замоннинг дардларини эслатувчи қиёслар ишлатар, қандай йўсин билан бўлмасин, немисларнинг онгига таъсир қилиш йўлини топарди. Машҳур бир актрисанинг гастроллари тасвиридами, ўқувчиларга дилижон арава дарчасидан йўлда кўрганларини нақл қилишдами, ҳамма ерда ва ҳар доим сиёсий ёзувчилигини кўрсатар эди.

«Мен тўла адолат юзасидан Бёрне прозасининг мазмунига, ишларининг мохиятига, оригиналлиги, ҳақиқатсеварлиги, асарларининг ҳар қаерида яққол кўзга ташланиб турувчи поклиги, мардоналигига тан берар эдим», — дейди Хенрих Хейне (Хейне Бёрнедан ўн бир ёш кичик эди).

Бёрне Майндаги Франкфуртда яҳудий банкир оиласида туғилган эди, она шахрида кўп яшамади, отаси уни яхши маълумот олсин учун Берлинга жўнатди. Олдин Берлиндаги тиббиёт мактабида ўқиди, машҳур врач Маркус Герцдан таълим олди, сўнгра ўқишини Галлда ва Хейдельбергда адлия факультетида давом эттирди. Фалсафа доктори унвонини олишга эришди.

Людвиг Берлиндалигида ўқишини Маркус Герцнинг хонадонида давом эттираркан, бу ерда, кўпинча, устозининг хотини Хенриетта Герцнинг саломида қатнашишга тўғри келарди. Салонда адабиётчилар, сиёсатчилар, рассомлар йиғилишарди. Хенриетта ажойиб ақл соҳибаси бўлиши билан бир қаторда, бениҳоя чиройли эди. Бёрне уни яхши кўриб қолди. Людвиг ўн олти ёшда, Хенриетта ўттиз саккиз ёшда эди. Аммо бундан уялмасди.

Хенрих Хейне ўзининг «Француз саҳнаси ҳақида Август Левальдга дўстлик мактублари»да шундай деб ёзади:

«Бизда, Германияда, Англия ва бошқа олмон мамлакатларидаги каби қизларга имкон қадар катта эркинлик беришади, эрлик хотинлар эса аксинча, ўз эрларига қарам бўлиб, уларнинг жуда қаттиқ ва хушёр назорати остида бўладилар. Бу ерда, Францияда эса аҳвол бутунлай бунинг тескараси: қизлар то эрга теккунларича ибодатхонада ёлғизликда бўладилар ёки ота-оналари томонидан жуда қаттиқ қўриқланадилар. Улар бошқа хотинлар ичига кирганларида, яъни француз салонларида доим индамай ўтирадилар ва бошқаларнинг диққатини тортмайдилар, чунки бу ерда қизларга хушомад қилиш одобсизлик, ҳатто ақлсизлик ҳисобланади.

Ҳамма гап шунда. Биз немислар... фақат қизларга таъзим қиламиз, шоирлар фақат қизларни куйлайдилар; французларда, аксинча, фақат эрлик хотинлар ҳаётда

ҳам, санъатда ҳам муҳаббат мавзусидирлар.... Немис фо-
жиа (трагедия)ларининг қаҳрамонлари, асосан, қизлар-
дир, француз фожиаларининг қаҳрамонлари эрлик хотин-
лардир...»

Хенриетта Герц Бёрненинг ишқий туйғуларига ишқ
билан жавоб бермади, йигитнинг туйғуларини бошқа
йўлга солиб юборишга ва уни тинчлантиришга ҳаракат
қилди. Ёшлик олови, умидсиз эҳтирослар, Бёрнени Герц-
лар хонадонини ташлаб кетишга мажбур этди. Шундан
кейин ҳам Бёрне Хенриеттага дўстона мактублар ёзишда
давом этди. «Мактубларида унинг эҳтиросли ва теран
ақли манаман деб савлат тўкиб туради» (Хенрих Хейне).
Хатлардан айрим намуналарни келтирамиз.

Бёрне — Хенриетта Герца

«Агар йигит киши ўз қалбидан
оташин муҳаббатини зўр билан юлиб
ташлашга уринса, бу ҳеч қандай сама-
ра бермаслигига қатъиян ишонаман;
ҳаракат қилиб кўришдан бирон нати-
жа чиқса, бу — ўз жонига қасд қилиш
деганидир. Бу — ақлимнинг айтиб тур-
ган қароридир; фикрим нотўғри бўлиши
мумкин, аммо мен тантана билан сизни
ишонтириб айта оламанки, бундай ишда
юрагим мутлақо қатнашмайди).



Мен — инсонман. Сиз менга ҳукм чиқардингиз: мен ор-
тиқ яшолмайман. Сиз оловга керосин қуйдингиз, аланга ме-
нинг юрагимни куйдирыпти. Агар сизнинг яқинингизда қол-
сам, мен ҳалок бўлишим керак. Мен бу ердан кетмоқчиман,
буни отамга ҳам ёзиб юбораман.

Сизнинг ақлингиз мени айблайди, юрагингиз аяйди! Ку-
ляпсизми?.. Сиз бу ҳодисани ўлаётган соатингизда эсламас-
лик учун хотирангиздан айрилиш-да, ишқилиб.

Луи».

«Қўлим титраяпти, ҳасратда юрагим адои тамом бўляпти. Мен ортиқ чидолмадим. Уйингиз аланга ичида, мен ўзимни қутқаришим керак, йўқса ҳалок бўламан.

Сиздан бир илтимос, мен ҳузурингизга келганимда бу хатчам ҳақида сўз очманг.

1803 йилниг март ойи».

«Бу хатчани ўқиб чиқинг ва аччиғингиз келмасин! Бу — мен сизга ёзган шу мазмундаги сўзларнинг сўнггисидир. Бундан олдин бу хатга ёзган жавобингиз мени қаттиқ эзди, аслида, мени хурсанд қиладиган бир жавобингизга ташна эдим; сиз мени хурсанд қилолмаслигингизни айтдингиз. Бу сизнинг қалбингиз учун мумкин эмасди, чунки бошқа одам эмас, айнан сиз менинг изтиробларимнинг сабабчиси бўлдингиз, ҳолбуки, қувончларимнинг манбаи бўлишингиз ҳам мумкин эди, шундай эмасми? Мен сизни таърифга сиғмас даражада севганим учун, сизнинг хайрихоҳлигингизда ўзимнинг олий бахтимни кўрганим учун қандай қилиб мендан аччиқланасиз? Шу бахтни кутиш — менинг бирдан-бир, энг оташин истагим эди, холос. Сиз бир пайтлар меҳрибон, самимий ҳамдардим эдингиз. Нима учун энди менга бошқача муносабатдасиз? Мен изтироб чекмаяпманми? О, менга раҳмингиз келсин, бутун умрим бу қадар қайғу-ҳасратда, қувончсиз ўтмасин.

Мен сизнинг жавобингизни кутаман, буни жуда қаттиқ илтимос қиламан. Аччиғингиз келмасин, бу — хаста юрагимнинг ўлмолди сўзларидир.

1803 йил, 31 март».



Хенриетта Феру — Фернега

«Сиздан бундай гапларни эшитиш, Луи, келишувимизга тамоман тескардир, шунинг учун хатчаларингизни ўзингизга қайтариб юбораман. Менинг бутун борлигимдаги ҳаракатларда сизга билдирган асосий маъно қатъий жиддият бўлишини хоҳлагандим, шундай

қилганимда, эҳтимол, сизга бошқача таъсир қилган бўлардим ва сиз ўзингизни бахтиёрроқ ҳис қилардингиз ёки ҳеч бўлмаганда мен сизга қандай таъсир қилганим тўғрисида оғиз очишга журъат қилмаган бўлардингиз.

Олдин айтган гапимни такрорлайман: сиз ўз бахтингизни ёлғиз ўзингиз яратишингиз мумкин; мен бунинг учун ҳеч нима қилолмайман».

Бёрне — Хенриетта Феруа

«Сиз менинг вақтимни чоғ қилдингиз, ҳатто жуда қувнатиб юбордингиз. «Сизнинг севгингиз менга керак эмас». Бу сўзларингиз учун сизга миннатдорчилик билдираман, бу сўзлар мени юз баравар донороқ қилади, фақат уларни ҳаммага маълум қилиб юборманг, чунки улар аёл зотига ҳажв бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Сиз ўзингиз совуқ, қуруқ ифодаalar билан, мен сиз учун ҳар қандай бошқа одамдан ортиқ эмаслигимни, яъни сиз менга нисбатан лоқайдлигингизни тан олгансиз. Турган гапки, мен ҳеч қачон сизни бу галгидай жуда оғир умидсизлик билан ташлаб кетмаганман. Олдинлари мен сизнинг олдингизга қалбимда оғриқ ва изтироблар билан, қонаётган юрак билан келганимда, ҳар гал таскин сўзларини эшитардим, сўнгра сизни тинчланган ҳолда қолдирардим, шундан кейин яна бир неча кун шод бўлардим. Бу гал сиз қайғу-ҳасратни парчалаб ташладингиз ва буни аниқ-равшан қилиб кўз ўнгимда намоён этдингиз; бу гал сиз менда ҳеч қанақа умидга ўрин қолдирмадингиз, шафқатсиз, энг аёвсиз тақдир ҳам одамдан буни тортиб олмайди. Бу гал мен сизнинг олдингизга жуда катта қайғу-ҳасратда келган эдим, мени шу ҳолда чиқариб юбордингиз.

Эй ёқимли, эй яхши аёл! Сиздан бир нарсани илтимос қиламан: мени ёмон кўринг. Нафратингизга чидашим осон, аммо лоқайдлигингизга чидолмайман, бу мени қутуртириб юборади. Бу илтимосим жуда кичик илтимос, уни бемалол, жон-жон деб адо эта оласиз. Шундай эмасми?

Бундан бир неча ҳафта олдин, қатор кунлар давомида мен жуда шод эдим. Бундай юришим сизга ёққанди, ўшанда сиз «Ёқимтой Луи, сиз агар ҳар доим шундай кайфиятда юрсангиз ва тиришқоқ бўлсангиз, мен сизни жуда яхши кўраман», — дегандигиз. Сиз шу сўзларни айтганингизда, Сора ҳам ўша ерда эди, мен ўз туйғуларимни кўрсатгим келмади, хурсанд ҳаяжонимни яшириш учун орқамни ўгирдим ва ўзимни жилмайганга солдим. Кеча, ўринга ётарканман, шу манзарани ёдга олдим ва ўз-ўзидан маълумки, агар кўзёшларим ҳалақит бермаса, бундан ўлгудай кулган бўлардим.

Гарчи мен олтин аср ҳақидаги достонни бемаъни масал деб ўйласам-да, барибир, ҳар бир инсоннинг ўз олтин асри борлигига ишонаман.

Олти ҳафта бурун менинг олтин кунларим бор эди, энди улар олис-олис уфқларга кетиб қолди ва оқсоқол одам ёшликдаги бахтли кунларини эслагани каби, энди мен ҳам уларни ёдга олиб тураман.

Бу қандай тугаркан? Қачон тугаркин?

Луи.

Апрелнинг 16-кuni».

Агар бундай севги, Хейне айтганидай, французлар салоида юз берганида, балки масъудлик билан яқунланарди. Аммо бу севги немислар салоида бўлди ва муқаррар айрилиқ билан тугади.

Хенриетта Герц ўз оиласида бола-чақа орттириб сокин оилавий ҳаётини поёнига етказди, Людвиг Бёрне ҳам бошқа кизга уйланиб, деярли яхши ҳаёт кечирди ва Олмониянинг энг машхур ёзувчиларидан бири бўлиб етилди.

Бир неча йил иктисодиёт ва унга яқин соҳаларда ишлади, 1808 йилдан бошлаб матбуотда журналист сифатида ўзини кўрсата бошлади. 1811 йилда эса полиция идорасида рўйхатчи вазифасини адо этди. Агар Бёрненинг кейинги йиллардаги асарларини ўқисангиз, Германияда полиция тартибларининг аёвсиз қораловчиси бўлганини кўриб, ишининг бошланғичи ва кейинги ижодий фаолияти ҳақида ўйлаб, тақдирнинг турли ҳазилларини кўз олдингизга келтиришингиз мумкин.

Балки полициянинг ички ҳаётини чуқур ўрганиш учун шундай қилгандир. 1818—1821 йилларда Франкфуртда «Waage» («Тарози») журнаliga асос солди. Яқингинада Наполеоннинг ашаддий душмани, унинг Германиядаги босқинчилик юришларига қарши чиқиб юрган одам, энди Наполеоннинг устидан қозонилган ғалаба ватанпарварлик вазифаларини ҳал қилмаслигини, эндиги вазифа ўз немис ҳукумати билан узлуксиз кураш олиб бориш эканлигини олға суларди. Бунн у «ғайрирасмий ватанпарварлик» деб атарди. «Тарози» журнаli ҳақида шундай деб ёзганди: *«Тарози! Лекин, эй Худо, мен нимани тортаман? Ҳатто бозорларда, магазинларда ҳам тарозиларнинг тўғри ишлатилишига оид ҳеч қандай иш қилинмайди, юқорироқдаги серҳашам биноларда ўтқазиб қўйилган кишиларга келсак, улар ҳавони, шамолни ва бошқа вазнсиз нарсаларни сотади»*. Бёрне журналда театр танқидчиси сифатида чиқишлар қиларкан, биринчи бўлиб Германияда сиёсий адабиёт ва театр танқидчилигини яратди.

Йўл хотиралари Бёрненинг муҳим жанрларидан биридир. У бир неча марта Францияда бўлиб қайтганидан сўнг «Париж манзаралари» китобини яратди. Бёрне ижодининг энг юксак чўққиси 30-йилларга тўғри келади. Июль инқилобидан сўнг у Парижга кўчиб ўтади ва шундан бошлаб ўзининг «Париждан хатлар»ини чиқара бошладики, бу Германияда бутун бошли ёш немислар авлоди учун юртсеварлик туйғуларини тарбиялашда улўфвор мактаб ролини ўтади. Инқилобий Францияни, шунингдек, миллий зулм остида эзилаётган Польша каби кичик давлатларнинг эрк ва озодлик учун курашларини қўллади. Фақат умрининг сўнгги йилларида «Насроний социализм»га оид қарашларини ҳам илгари сурганда Бёрне дунёқарашининг айрим маҳдудликлари, чекланган томонлари Ҳенрих Ҳейне томонидан танқидга учради.

Людвиг Бёрненинг ижод намуналари у тириклигидаёқ талашиб ўқилар, 1829 йилда, яъни 43 ёшида унинг 8 жилдлик тўла асарлар тўплами нашр этилганди. Вафотидан кейин 1868 йилда ҳамма асарлари 12 жилдда чоп этилди.

ҲЕНРИХ ҲЕЙНЕ билан АМАЛИЯ ҲЕЙНЕ

Хенрих Ҳейне — немис шоири ва публицисти. Лирик ва сиёсий шеърятнинг энг машҳур усталаридан биридир. Дастлабки шеърлари эркесварлик ва киноя руҳи билан суғорилган. Халқ қўшиқлари анъаналарига жуда яқин. У нима ҳақда ёзса, ўзини ёзар, ўзининг шахсий туйғулари, ўз эҳтирослари, севгиси, нафрати орқали табиатни, даврини акс эттирарди. Унинг муҳаббати, ҳисларида миллатнинг, халқнинг овози ҳам эшитиларди. Балки шу жиҳатлари сабаблимикин, менинг талабалик йилларимнинг энг севикли шоири эди.

Мен филология факультетининг ё иккинчи босқич охири, ё учинчи босқич бошларида чет эл адабиёти тарихидан, Ҳейне ҳақидаги маърузалардан сўнг, кутубхоналардан унинг рус тилига ўгирилган китобларини изладим ва 1956 йилда нашр этила бошлаган 10 жилдлик «Асарлар тўплами»нинг 1-жилдини топдим. Ундан ўрин олган «Қўшиқлар китоби»нинг «жинни»си бўлиб қолдим. Ҳеч қандай лофга берилмай айтаманки, Тошкентдаги барча китоб дўконларини айланиб чиқдим — бу китобдан тополмадим. «Турон» кутубхонасидан олган нусхамни қайтариб бергим келмасди. Тахминан 50 ёшлардаги, истараси иссиқ, қорачадан келган кутубхона мудирига кириб:

— Китобни йўқотиб қўйдим, энди нима қиламан? — дедим.

— Беш баравар нархини тўлайсиз, — деди мудир. Бу — ўша пайтдаги бир ойлик стипендиямга тенг келарди.

— Бўпти, тўлайман. Стипендия олган куним...

Мудир менга, юпунгина эгни-бошимга қаради, жуда ачинди. Уришди:

— Нега бундай паришонхотирсиз? Китоб деганни эҳтиёт қилиш керак-да...

У менга ачингани билан қонунга хилоф ҳеч нима қилолмас эди ва мен китобнинг беш баравар ҳақини тўлаб бердим. Колган 2—10-жилдларга эса обуна бўлдим.

Ўша йилларда муқовасига Хейненинг ўйма сурати туширилган бир шеър дафтари чиқарилган эди. Мен шоирнинг «Лирик интермеццо» деган туркумини таржима қилиб, шундай бир дафтарни тўлата бошладим.

Кейинчалик ўйласам, Хейне ижоди мухлиси бўлганимнинг яна бир сабаби — ўша кезларда мен ҳам унинг савдоларини бошимдан кечираётган эканман. Хуллас, талабалигимда «Лирик интермеццо»нинг 65 шеърдан 40 тасини ўзбекчага ўгирдим. Улар ўша дафтарда йилларча ётди, бир дафъа радиодан ўқиб эшиттирилди.

Ҳенрих: Хейненинг болалиги ва ёшлиги

Хенрих Хейне 1797 йилнинг 13 декабрида Дюсселдорф шаҳрида туғилди. Отаси Самсон Хейне (1764—1828) асли ганноверлик тижоратчининг ўғли эди, 1796 йилда Дюсселдорфга кўчиб келган, шу ерда инглиз газламаси сотадиган фирма очганди. Онаси Бетти Хейне (1771—1859, қизлик фамилияси Хелдерн) дюсселдорфлик врач отаси Готшалк ван Хелдерн ва врач акаси Йозеф ван Хелдерндан кўп маълумотларни ўзлаштириб олган зехни ўткир аёл, оилада асосий етакчи, ёш Хейне тарбиясида катта таъсир қолдирган ўқимишли



зот эди. Аммо онаси адабиётчи, айниқса, шоир бўлишини истамасди. Чунки у даврда шеър тўқувчи деган номнинг обрўи йўқ, шоир деганда эски-туски кийимда юрадиган, айрим тантанали воқеалар чоғи шеър ўқиб, арзимаган пул топадиган, умрининг охирида қаровсиз қолиб касалхонада ўладиган ачинарли қашшоқ одам тасаввур қилинарди. Шундай бўлса ҳам, онаси Хенрихга, ҳарқалай, энг машҳур санъат асарларини ўқиб бергандирки, бир дафъа Хенрих Парижда бир зиёфат чоғида «Менинг онам менга сўз санъати асарларини ўқиб берарди — мен шоир бўлдим, амакимнинг онаси «Картуш»ни ўқиб берарди, Соломон амаким банкир бўлди», — деб ҳаммани кулдирган эди. Гап шундаки, Картуш — машҳур француз кароқчиси, давлат идорасидаги аксар амалдорлар унинг тўдаси билан яқин алоқада бўлган, шу сабабли Картуш ва унинг тўдаси жуда узоқ вақтгача жазо олмай мамлакатда бемалол ҳукм сурган эди. Яъни у банкир амакисини жазоланмайдиган кароқчи дегандай гап қилган эди.

Ёш Хейненинг маънавий-руҳий тарбиясига тоғаси Симон де Хелдерн кўпроқ таъсир кўрсатган эди. Симон тоғанинг ёзувчиликка иштиёқи баланд, баъзи газет ва иккинчи даражали журналларда кичик-кичик асарлари босиларди. Унинг жуда катта кутубхонаси бор эди, не-не нодир китоблар, энг яхши қимматбаҳо асарларни чордоқдаги сандиқларда сақлар эди. Жияни Хейнега кунларча бу сандиқларни титиб, ноёб китобларни ўқиб-ўрганишига қўйиб берар, баъзи сўраган китобларини унга совға қилар эди.

Ота-онаси тўрт яшар Хенрихни хусусий мактабга берганди. Сўнгра у хусусий ўқув даргоҳига қатнади.

1807—1814 йилларда французлар ишғол қилган Дюсселдорфда янги очилган лицейда ўқиди. Унинг адабий билимлари фақат синфдошлари эмас, муаллимларини ҳам ҳайратлантирарди. Сервантеснинг «Дон-Кихот»и ва Свифтнинг «Гулливернинг саёҳатлари» унинг сеvimли китоблари эди.

Лицей ўқитувчиларидан католик руҳоний, ректор Эгидий-Якоб Шалмайерни чин юракдан ҳурмат қиларди,

чунки у ўз дарсларида «энг шаккок юнон тизимларини хеч нимадан ҳайикмай таҳлил қилаверар эди».

Шалмайернинг маърузалари Хейнеда чуқур таассурот қолдирди.

«...Мен дин ва шубҳа-гумон заррача ҳам мунофиқлик қилмаган ҳолда бемалол ёнма-ён одим отиб боришлари мумкинлигини кўрдим...» деб ёзган эди у кейинчалик «Мемуарлар»ида.

1815 йилда отаси ўғлини Майндаги Франкфуртга олиб кетди, банкир Риндскопфга шогирдликка берди. Хенрих банкирнинг идорасида уч ҳафта таълим олди, сўнгра бир тижоратчининг дўконида бир ой мустамлакалардан келтирилган чой, қахва, гуруч каби товарларни сотишни ўрганди.

1816 йилда Ҳамбургга, амакиси Соломон Хейне идорасида ишлашга келди. Тижорат хатларини ёзиш билан шуғулланди. Бўш вақтларида эса шеър ёзарди. 27 октябрда Дюсселдорфда қолган лицейдош дўсти Кристиан Зетга «Мен бу ерда жуда одамови бўлиб яшаяпман, — деб маълум қилади у. — Амаким шаҳардан ташкарида яшайди. У ерда лаганбардорлик, олифтагарчилик учига чиккан; эрксевар, содда юракли шоир, кўпинча, одоб қоидаларини бузиб, гуноҳга ботгани ботган, дипломатия кушлари, миллионерлар, ўта доно сенаторлар ва ҳоказолар билан гаплашиб ўтиролмайман».

Аммо Ҳамбургда Хейне амакисининг гўзал қизи Амалияни севиб қолади.

Амалия Хейне

Хейне бувисини (отасининг онасини) яхши кўрарди: жуда чиройли кампир эди. Аммо бувасини кўрмаган эди. «У ҳам чиройли киши бўлгандир», — деб ўйларди. Бир куни дадасидан «Бувам қанақа эди?» — деб сўради. «Ўзи кичкина, соқоли катта бир яхулий», — деб жавоб берди дадаси. «Нега шундай чи-



ройли бувим унга теккан?», «Ўзи кичкина, соқоли катта яхудий буванг урушда хизмат кўрсатган зобит, ҳукуматнинг эътиборидаги одам эди...» Хуллас, ўша чиройли бувиси «ўзи кичкина, соқоли катта» эрига олти ўғил туғиб берганди. Олти ўғилдан иккитаси – Хенрихнинг отаси Самсон, амакиси Соломон бувисига ўхшаган хушбичим инсонлар эди.

Фақат отаси Самсон камгап, юмшоқтан ва юмшоқтабиат, амакиси Соломон довярак, ўктам ва кучли сажияга эга эди. Унинг ҳамма болалари келишган, хушқомат эди. Дастлаб Хейне унинг қизи Амалияни 1814 йили амакиси Дюсселдорфга меҳмон бўлиб келганда кўрган эди: ўзи чиройли бўлса ҳам, сўррайган, бирмунча совуққина эди. Энди орадан икки йил ўтгач, бир ҳуснига ўн ҳусн қўшилиб, етилиб кетибди. 19 ёшли Генрих бу 16 яшар гўзални севди. Корни тўқ, эгни кетворган, ўз шукухидан мамнун, хирсу очкўзлигини яширмайдиган бир мухитда сиқилиб яшаётган Хенрихни бирдан муҳаббат асир айлади.

Ажиб ёрқин май куни эди,
Бутун атроф тўлганди гулга.
Гуллаб кетди менинг ичим ҳам,
Бирдан севги тўлди кўнгилга.

Ажиб ёрқин май куни эди,
Қушлар чахчаҳ айтарди қўшиқ.
Шунда ишқий азобларимни
Севгилимга билдирдим очик.

Аммо бу севги унинг учун рухий фожиа бўлди. Хиссиёт билан тўла хаёлпараст йигит Амалияга бутун жон-жаҳони билан интилар, унга шеър ва қўшиқлар ёзар, уни романтик тимсоллар билан ҳаяжонга солмоқчи бўларди.

Асрларча турар юлдузлар
Қилт этмасдан кўкнинг юзида.
Бир-бирига термулар улар
Севги дарди билан кўзида.

Бир ажойиб ғалати тилда
Сўзлашарлар бир-бири билан.
Дунёдаги бирон-бир тилчи
Бундай тилни билмас, билмаган.

Мен англадим уларнинг сирин,
Унутмайман бу тилни энди.
Кизнинг нозик юзлари менга
Имло, жумла бўлиб кўринди.

Амакиси Соломон миллионер — банкир, «молия под-
шоҳлари»дан эди. Болаларини ва жиянларини жуда яхши
кўрар, Амалияни «Молли» деб, Хенрихни «Херри» деб эт-
калатар, бу кичрайтма исмлар бутун оила, маҳалла ва ҳат-
то мактабгача тарқалган эди. Молли ўз чиройлилигининг
баҳосини яхши билар, бой йигитлар билан севишишни
истарди. Амакисининг ўғлини севмасди.

* * *

Кўзларингга қарасам, жоним,
Кўнглим тинчир, колмай армоним.
Дудоғингдан ўпсам, шу асно
Севги менга бўлади шифо.

Кўксингга бош қўйсам, жаннатда
Ичгандай бўламан роҳат шарбатин.
«Севдим, сеникиман», — дейсан-у, бироқ
Ичимдан чиқади ишончсиз ингрок.

* * *

Ёноғингни ёноғимга бос,
Ёшларимиз кўшилиб оқсин.
Юрагингни юрагимга бос,
Ўтларимиз танларни ёқсин.
Бу каттакон ёнғин устига
Ёшларимиз тошсин сел бўлиб.
Мен жисмингни маҳкам қучоқлаб,
Рози эдим кетсам-да ўлиб.

(Бош дейдики)

Севгилимнинг оёқларига
Хизмат қилсам курсича бўлиб,
Босиб, қилган қийноқларига
Чидар эдим, фароғат билиб.

(Юрак дейдики)

Севгилимнинг ёстиғи учун
Оҳ, қанийди игна бўлсам,
Қанча тикса игнасин учин,
Вой демасдим чуқур тикса ҳам.

(Қўшиқ дейдики)

Оҳ, қанийди бўлсам сочпопук
Севгилимнинг сочлари аро,
Шивирлардим севгим ҳар нечук,
Қулогига айлардим нидо.

Молли эса Херрининг оҳ-воҳ уриб, ўзига шеърлар тўқиб, бундай муҳаббат изҳор қилишлари иззат-нафсини қондириб, у билан ҳар қанча яқин бўлса ҳам, унга тегишни хаёлининг бир четига ҳам келтирмас эди. У бор-йўғи отасининг хизматчиси, турмуш қуриш учун унга ўзларига ўхшаган мол-мулки катта, бой одам керак. Шу маънода, Молли отасининг қизи, айнан отасига ўхшаган димоғдор қиз.

Херри Ҳамбургда бу бирёқлама муҳаббатдан сомондай сарғайиб кетди, асаб тизимлари бузилди. Айнан шу пайтлардан машъум бош оғриқ касали бошланди ва бу дард бир умр уни тарк этмади, тик этган овоз, тамаки тутуни, юксак садоли мусиқа асбобларининг ижроларига чидолмай қийналарди. Севгилиси Моллининг ўзига нисбатан «аёвсиз, таҳқирли, муздай совуқ» муомаласини ўйлаб, кун бўйи тинимсиз ғашланар, севги бобидаги бахтсизлиги молия мулоҳазалари билан боғлиқлигидан аччиқланар эди.

1816 йилнинг августидами, сентябридами Херри Молли билан орани очик қилиб гаплашди. 19 ёшида биринчи марта ҳаёт зарбасини олди. Рад этилган муҳаббат унинг дунёларини қоронғи қилди.

Менинг аччиқ азобларимдан
Шеър туғилар гала-галалаб
Ва чаҳ-чаҳлаб учиб кетарлар
Севгилимнинг қалбига қараб.

Енгил-енгил қанот қоқиб сўнг,
Қайтишади ўзимга бекам...
Севгилимнинг юраги ҳақда
Бир сўз айтмай, тутишар мотам.

Херри 27 октябрда дўсти Христиан Зетга туйғулар ва эҳтирос билан тўла бир мактуб ёзди. Куйида ўша мактубнинг айрим парчаларини келтирамиз:

«Хамбург, 1816 йил 27 октябрь».

Христиан Зетга

У мени севмайди... Шўрлик дўстингнинг юзига бир боқсайдинг, у шундай рангпар, даҳшатли даражада хафа ва ақлдан озган... қалбининг ич-ичларини бир кўрсанг, фақат шунда мени чинакамига яхши кўриб қолардинг... Яқинда сенга узун бир хат ёзгандим... Аммо ақлимни ишлатиб уни йўқ қилдим; чунки у бегона қўлга тушиб қолса, мен биратўла адоий тавом бўлардим. Сен эса менга, барибир, ёрдам беролмайсан.

Менда Молли мени мутлақо севмаслигини кўрсатувчи аччиқ далиллар етарли бўлса ҳам... шўрлик юрагим ҳамон буни тан олгиси келмайди...

*Бу чиройли жононни
Олсайдим мукофотга,
Ўтга берардим жонни,
Танни эса — жаллодга.*

У! Титраб кетдингми, Христиан? Титра! Менинг ҳам титроғим ўтмаяпти. Бу хатни ёқиб ташла. Менинг қалбимга худонинг раҳми келсин! Бу сўзларни ёзган мен эмасман. Қандайдир завфарон одам менинг курсимга ўтирди ва ўша ёзди...

*Ҳаммаси ҳалок бўлиб, умид қолмаса агар,
Ҳаёт — қоронғи, фақат ўлимгина нур тарар.*

Жаҳлинг чиқмасин, Христиан, сен ахир менга азизсан, жуда ҳам азизсан, мен эса бахтсизман...

Қалбим яна шунинг учун қаттиқ аламда ва изтиробдаки, у менинг ажойиб қўшиқларимни, ёлғиз унинг учун ёзган шеърларимни шафқатсизлик билан, димоғдорлик билан шундай ерга урди, шундай ерга урдик... умуман, уларга жуда ёмон муносабат билдирди...»

Аммо ҳамма фожианинг ҳам бир яхши томони бўлади. «Амалия менинг қўшиқларимни масхара қилди, таҳқирлади, аммо илҳом париси ҳозир менга ҳар қачонгидан ҳам меҳрибонроқ, содиқ ёр ва овутовчимдир, самимий рафиқамдир, мен уни бутун юрагим билан севаман», деб ёзади шоир. Омадсиз севги оғриклари Хейне кўксидаги булоқни кучлироқ қайнатди.

1817 йил 8 февралда «Хамбург соқчиси» журналида «Туш», «Бағишлов» шеърлари, 27 февраль ва 17 мартда яна бошқа шеърлари ҳам чиқди.

1818 йилда Херрини ҳеч ишга жалб қилолмаган амакиси уни ўзидан ва қизидан узоқлаштириш мақсадида мустақил савдо фирмаси очиш учун маблағ берди. Аммо Херри савдо операцияларига кўп ҳам қизикмас, ўз фирмасининг номи учун қайғурмас эди. У бутун ишларни ёрдамчиларига топшириб қўйиб, ўзи Хамбургнинг мухташам кўнгилочар жойларида йўқ бўлиб кетар, олифта йигитлар, чиройли қизларни, кафе-ресторан ховлисидаги ховузда сузиб юрган оккушларни томоша қилиб, ширин пишириқлар еб юрарди.

1819 йилда унинг фирмаси тугатилди. Аммо Соломон амаки ярим йўлда тўхтаб қолишни хуш кўрмайдиган кишилардан эди. Жиянидан тижоратчи чиқмаслигини пайкаб, уни янги, бошқача мартаба эгаси қилиш йўлини ўйлай бошлади. Асли ўзи ва қизининг шаънига тегадиган шеърлар ёзиб юришини истамас эди. Уни адвокат қилмоқчи бўлди, Херрига бирор университетга кириб, адлия соҳасига ўқишни маслаҳат қилди ва бунинг учун йилига 400 талердан маблағ ажратишини айтди. Шундан сўнг Херрини Боннга, Рейн университетига йўллади. Арон Гирш деган бухгалтер уни Хамбург-

дан чикиб кетгунча кузатиб қўядиган бўлди. Арон Гирш йўлда Херрига насихат қилиб, шундай ажойиб мавқега эришиш учун яратилган шароитдан енгилтаклик қилиб яхши фойдаланмаганини айтди. Хейне бунга жавобан унинг елкасига қоқиб: «Азизим Гирш! Шошмай тулинг, ҳали овозамни эшитасиз», — дейди.

Хейне 1819 йилда университет имтиҳонларига тайёргарлик қўради.

1820 йилнинг киши, баҳори, ёзида Бонндаги университетда ўқий бошлайди. Университетда яна махсус мутахассислиги, ҳуқуқшуносликка жиддий аҳамият бермайди; уни кўпроқ адабий ва тарихий фанлар, айниқса, адабиёт ва санъат назарийтчиси, адабий-бадий танқидчи, шоир, таржимон Шлегелнинг маърузалари жалб қиларди. Хейне шеърларини унга кўрсатиб, қимматли маслаҳатларини олади. Шлегел Хейнега шеър техникаси назариясини эгаллашга ёрдам беради, шеърини тажрибалари билан ўртоқлашади.

Хейне 2 декабрда Вибел деган бир талаба билан уришиб қолиб, уни дуэлга чакиради. Университет раҳбарияти икки талабанинг дуэлини муҳокама қилиб, Хейнедан шахарни тарк этишни талаб қилади.

1821 йилда Хейне ўқишини Берлин университетига кўчиради. Бу ерда Хегелнинг, тилшунос Франц Боппнинг, антик адабиёт билимдони Фридрих-Август Вольфнинг маърузаларини тинглайди. Қайноқ адабий-ижтимоий ҳаёт муҳитига кириб боради. Рахел Фарнхагеннинг адабий салонига қатнаб, Элиза фон Гогенхаузен исмли ёзувчи ва таржимон билан, Шамиссо, Мотт-Фуке каби машҳур ёзувчилар билан танишади. Улар Хейнени «немис Байрони» деб эълон қиладилар. «Сухбатдош» деган журналда бир туркум шеърларини чиқарадилар. Энди ноширлар билан танишиб китобини чоп эттиришга ҳаракат қила бошлайди.

Хейне Амалиядан рад жавобини эшитган бўлса ҳам, ич-ичида китобини чиқариб, машҳур шоирга айланиб, бойиб, яна у билан учрашмоқчи бўлиб юрарди... Аммо шу йили август ойида Амалиянинг кенигсберглик мулк-

дор Ионатан Фриденберг билан никоҳланганини эшитиб, қайтадан узилди...

Хейненин кейинги йиллари

Хейне бутун борлиғи билан ижод оламига шўнғиди.

1821 йил ноябрида «Сухбатдош» журналида «Алманзор» фожиаси чиқди. Декабрь ойида биринчи шеърый тўплами «Ёшлик изтироблари» чоп этилди.

1822 йил январда «Вильям Ратклиф» трагедиясини ёзди. Февралда «Берлиндан хатлар» сарлавҳаси остида мақолалар эълон қилди. Март-апрель ойларида унинг асарлари ҳақида Фарнхаген ва Иммерманнинг ижобий мақолалари босилди. Ёз-куз ойларида Польшага бориб, Дзялин, Гнездо ва Познан шаҳарларини айланди, «Польша ҳақида» номли катта мақола ёзди.

Шу тарика, у биринчи муҳаббатини унутмоқчи бўлар, адабий ва сиёсий ҳаётга фаол аралашарди. Берлинда, Люнебургда, Дюсселдорфда бўлар, ҳеч бир жойда қўним топмасди. Бир дафъа, 1823 йилда, амакиси билан бундан кейинги ҳаёт режалари ҳақида маслаҳат олиш учун Ҳамбургга борди, ичида ҳеч бўлмаса Моллини бир кўриб қоларман деган умид ҳам йўқ эмасди. Аммо бу ерда Моллини эмас, айнан унга ўхшаган синглиси Терезани кўриб, муҳаббати бош кўтарди. Ўз-ўзидан Амалияга бағишланган шеърлар Терезага аталган шеърларга уланиб кетди.

Дейдиларки: муҳаббат менинг
Ҳаётимни заҳарлаб кетди.
Терак учи елсиз қилт этмас.
Бу гапларни эътироф этдим.

Мовий қўзли кичкина гўзал,
Аллақачон айтганман сенга:
Ҳаётимсан, саодатимсан.
Ишқ тўлдирдинг қалбимга, менга.

Аммо фақат мен орзуларда
Катъий эдим, журъатли эдим.
Аммо сенинг олдингда, хайҳот,
Айланмасдан коларди тилим.

Ёвуз рухлар келиб қайдандир,
Қисар эди оғзим бсомон.
Ёвуз рухлар, даф бўлинг, эвоҳ,
Сизларни деб аҳволим ёмон.

«Сен фидокор эхтиросингни
Нахот унга айтмаган бўлсанг
Нахот унинг севги жавобин
Қўзларидан укмаган бўлсанг?

Айтмадими ички холини
Сенга қўзларининг чакноғи?
Сен илгари бундай ишларда
Эшак каби эмасдинг, чоғи...»

Бир-бирларин севдилар улар
Қўришмай ўтказиб кунларни,
Охири қолдилар интизор:
Душманлик ажратди уларни.

Ажрашдилар, фақат тушларда
Насиб бўлар энди қўришув.
Бир нарсадан хабарлари йўқ,
Билмаслар: асли ўлим бу.

Хейненинг Ҳамбургда адвокат ўрнини олишга ури-
нишлари муваффақиятсизликка учради. Ҳамбурглик қа-
риндошлари оила бошлиғи, Соломон амакисига уни об-
дан қоралаб ёмонотлиқ қилиб кўрсатишлари натижаси-
да, шоир ҳақоратларга дучор бўлди. Терезанинг қўлини
сўрашга бўлган умиди парча-парча бўлди.

Дунёдан изладим хушбахт муҳаббат,
Аммо менга жавоб бўлди душманлик.

Аччиқ тақдиримга минг бора лаънат,
Минглаб яраларим йиринглик, қонлик.

Мен узоқ қуймандим, ухламай тунлар.
Не-не пасткаш билан олишиб ҳалол.
Тарихни титкилаб сўнг узоқ кунлар,
«Вильям Ратклиф»ни ёздим бемалол.

Қўриниб турибдики, у яна ўзини ижод бағрига отди. «Алманзор» ва «Вильям Ратклиф» номли икки фожиа билан бирга «Лирик интермеццо» туркумидаги шеърларини бир китоб килиб чиқарганидан кейин «Яна Ватанда», «Шимолий денгиз» каби туркум-туркум шеърлар яратди ва ҳамма ёзган лирик шеърларини «Қўшиқлар китоби» номида нашр эттирди. Шу тариқа жаҳоншумул шоирга айланди. Мақолами, мемуарми, қиссами, ҳар неки ёзмасин, қаеридадир битта-яримта жумлада Амалияга муҳаббатидан қолган бирон хотира йилт этиб қўриниб қоларди.

ШУМАН билан КЛАРА ВИК

Шуман Роберт — машхур олмон композитори, олмон муסיқа романтизми эстетикасининг ифодаловчиси. 1810 йил 8 июнда Цвиккау (Саксония)да ношир ва ёзувчи Август Шуман (1773—1826) оиласида туғилди.



Роберт биринчи муסיқа сабоқларини маҳаллий арганунчидан олди. 10 ёшидан бошлаб куйлар ярата бошлади, масалан, жўровоз ва оркестр учун муסיқалар ижод қилди. Ўз шаҳридаги гимназияда ўқиди, шу ерда Байрон ва Жан Пол асарлари билан танишди, уларнинг ашаддий муҳлисига айланди. Бу романтик шеъриятнинг кайфият ва тимсоллари таъсирида кейинчалик муסיкий ҳуқуқшунос бўлишни мўлжаллагани ижодида акс этди. Болаликда отасининг нашриётида нашр этилаётган турли қомуслар учун мақолалар ёзди, тил ва адабиётга ҳам қаттиқ қизиқди. Катта лотинча луғатнинг нашр олди корректураларини ўқиди, мустақил адабий ишлар қилди. Ўқувчилик йилларидаги бундай адабий машқлари вафотидан кейин етук журналистлик ишлари тўпламида илова сифатида нашр этилди. Бир неча йил давомида адабиётчи бўлсамми, бастакорми, деб иккиланиб юрди.

1828 йилда Лейпциг университетига кирди, кейинги йили ўқишини Хейделберг университетига кўчирди.



Онасининг мактовларига учиб хукуқшуносликни мўлжалга олди, лекин юрагини мусиқа эгаллаганди.

Лейпцигга қайтиб, зўр мусиқа муаллими топишдан умидвор бўлди. 1830 йилда онасидан концерт берувчи пианиночи бўлишга розилик олди ва Фридрих Викдан фортепьяно, Г. Дорндан бастакорлик дарслари ола бошлади. Хақиқий виртуоз (мохир уста) бўлишни

орзулаб, қўл мушакларини ўстирадиган механик ускунадан фойдаланаётганда ўнг қўлини яралаб олди: ўрта бармоғи, қанча даволатмасин, тузалмади, қўли бу аҳволда бўлгач, ҳеч қачон фортепьяно виртуози бўлолмаслиги аён бўлди. Шундан кейин у фақат бастакор ва мусиқа танқидчиси бўлишга аҳд қилди. Вик бир қатор мусиқа арбобларининг қўмағи билан 1834 йилда «Янги мусиқа журнали» («Neue zeitschrift fur Musik»)ни ташкил қилди. Унинг муҳаррири ва доимий муаллифи, мусиқада янги йўналиш тарафдори бўлиб танилди. Ўзи эса янгича лирик-драматик фортепьяно миниатюралари туркумини яратди. Бунга мисол қилиб «Капалаклар», «Карнавал», «Давидсбюндлерлар ракси», «Крейслериана» кабиларни кўрсатиш мумкин. Хенрих Хейненинг сўзларига «Шоирнинг севгиси» номли, А. Шамиссонинг сўзларига «Аёлнинг севгиси ва ҳаёти» номли, Й. Эйхендорф сўзларига «Қўшиқлар давраси» номли вокал туркумларини басталади. Фортепьяно сонатаси ва вариациялари туркумини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Фортепьяно учун «Симфоник этюдлар», оркестр билан фортепьяно учун концерт, 4 симфония, «Жаннат ва Пари» номли оратория, Байроннинг «Манфред»ига мусиқа, камер ва хор асарларнинг муаллифи сифатида донг таратди.

Роберт Шуман ёшлигидан ўз устози Фредерик Викнинг қизи Кларани жуда каттиқ севиб қолган ва ниҳоят, 1840 йилда унга уйланишга муваффақ бўлганди. Бу унинг вокал мусиқага ишқи тушган пайтлари эди. Муҳаббатда муродига етган композитор шу йили юздан ортиқ қўшиқ

ва «Dichteriebe» номли машхур туркумини яратди. Улар юртма-юрт кезиб биргаликда концерт берардилар. Клара эрининг асарларини ижро этарди.

Шуман 1843 йилда Ф. Менделсон таъсис этган Лейпциг консерваториясига профессор бўлди. 1844 йилда Санкт-Петербург ва Москвада ҳам концерт берганларида жуда катта эҳтиром билан қабул қилиндилар. 1850 йилда Голландияга борганларида ҳам шундай бўлди. Улар жуда бахтиёр эдилар. 8 нафар фарзанд кўргандилар.

Афсуски, Роберт Шуман 1852 йилда рухий касалликка дучор бўлди ва орадан 4 йил ўтиб, 46 ёшида вафот этди.

Куйида севишганларнинг никоҳдан олдинги ёзишмаларидан айрим намуналарни эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.

«1837 йилнинг 13 августи.

Ҳалиям содиқ, мустаҳкаммисиз? Мен сизга қанчалик қаттиқ ишонган бўлмай, дунёда инсон учун энг азиз нарса нималиги тўғрисида ҳеч нима эшитилмаса, ҳар қандай жасур ишонч ҳам шубҳага тушади. Мен учун эса дунёда ҳаммасидан ҳам азиз нарсам — сизсиз. Мен минг бора ҳаммасини яхшилаб ўйлаб кўрдим, ҳаммаси менга шуни кўрсатмоқдаки, агар биз ўшани хоҳласак, ўша юз бериши керак ва биз шунга яраша ҳаракат қилишимиз лозим. Агар сиз туғилган кунингизда (13 сентябрда) ўз қўлим билан ёзган хатимни отангизга топширишига рози бўлсангиз, менга оддийгина «ҳа» деб ёзинг. Ҳозир у менга яхши муносабатда ва мени рад қилмайди, айниқса, мен учун сиз илтимос қилсангиз... Мен Аврора кунда ёзяман (Румо мифологиясида Аврора тонготар маъбудаси). Эҳ, бизни бор-йўғи бир тонготаргина ажратиб турсайди! Муҳими, сиз хоҳлаганимиз бўлади ва шунга яраша ҳаракат қиламиз, деб қаттиқ ишонинг. Бу хат ҳақида ҳеч кимга гапирманг; йўқса ҳаммасини бузиши мумкин.

Хуллас, «ҳа»ни унутманг. Давоми ҳақида ўйлай олишим учун мен шу ишончга эга бўлишим керак.

Бу ерда ёзилганларга бутун жон-танзим билан ишонаман ва ўз имзоим билан тасдиқлайман.

Роберт Шуман»

Сиз мендан бор-йўғи «ҳа»ни сўраяпсизми? Ушюқдай бир сўз шунчалик муҳимми? Лекин, наҳотки, ҳеч қандай таърифга сиғмайдиган муҳаббат билан тўла юрагим ич-ичдан шу сўзгинани айтмаслиги керак бўлса? Мен юрагимнинг айтганини қиламан, қалбим сизга мангу «ҳа»ни пичирлагай.

Юрагимнинг изтироблари, тинимсиз кўзёшлар, буларнинг барини ифодаласлигим мумкинми, о, йўқ! Эҳтимол, тақдир биз, ниҳоят, бир учрашиб, ўзаро гаплашиб олишимизни хоҳлар. Сизнинг афзал кўраётган нарсангиз менга хатарли кўриняпти, аммо севган юрак хавф-хатарларга эътибор берармиди? О, хуллас такрор айтаман: «ҳа!» Наҳотки, Худойим ўн саккизинчи туғилган кунимни ғам-аламларга кўмишни раво кўрса? О, йўқ, бу ўтакетган шафқатсизлик бўлар эди! Мен ҳам кўндан буён «бўладигани бўлиши керак»лигини сезардим, дунёда ҳеч нарса мени алдамайди, шунинг учун ҳам мен отамга ёш юрак собит бўлолмаслигини исбот қиламан.

Сизнинг Кларангиз»

«Жуда шошилинч.

Лейпциг, 1837 й.

Бундай самовий сўзлар билан ажрашмайдилар. Ахир менинг ҳам иймоним комил. Ўтмиш ҳақда бирон сўзнинг кераги йўқ, қарашларимиз қатъий ва хотирэжамлик билан ҳаётимизнинг мақсадига тикилган. Ишон менга, севимли Клара, ўз кучимга бўлган бу теран ишончим сени ҳар қандай синовлар чоғи қўллаб-қўлтиқлайди. Ажралишимиз олдидан сендан сўнгги илтимосим — сен баъзан секингина айтиб қўйганингдай — энди менга иккимизни янада зичроқ бирлаштирадиган «сен» деган сўзни инъом эт. Ахир сен менинг чин юракдан севган қаллиғимсан, кейин эса бир вақтини топиб яна ўпиб қўй. Кечир.

Сенинг Робертинг».

«1837 йил, янги йил олдидан, соат 11 дан кейин.

Кун бўйи шу ерда ўтирибман. Бутун оқшом давомида сенга ёзгим келди, лекин сўз йўқ — кел, ёнимда ўтир, оппоқ

қўлларинг билан мени қучоқла, яна бир марта сокингина,
хушбахтлик билан кўзларингга термулиб олай.

Бутун оламда икки инсон бир-бирини севди.

Соат учдан чорак ўтганини билдириб жом чалинди.

Узоқларда одамлар жўровоз бўлиб қўшиқ айтишмоқда;
ўша бир-бирини севган одамлар кимлигини биласанми! Қан-
дай бахтлимиз-а, Клара?!

Кел, тиз чўкайлик! Кел, Кларам, мен сени ҳис қиляпман...
Кел, биргаликда Худога сўнгги шукронамизни айтайлик...»

ЛЕНАУ билан СОФИЯ ЛЁВЕНТАЛ



Ленау Австриянинг энг йирик шо-иридир. У 1802 йилда камбағаллашган, Венгрияда жойлашган прусс офице-ри оиласида туғилди. У пайтларда Че-хия, Силезия, Венгрия, Польшанинг бир қисми, ғарбий Украина, итальян-ларнинг бир қанча ерлари Австрияга қарар эди. Ленаунинг болалигида Вен-гриянинг табиати катта из қолдирди ва кейинчалик бу нарса унинг шеърияти-да жуда катта ўрин эгаллади. Пештада гимназияни тугатди. Кейин Венада фалсафа, ҳуқуқ ва тиббиётни ўрганди.

1832 йилда «Камишзор қўшиқлари» номли биринчи шеърий тўплами нашр этилди. У бу йилларда атоқли не-мис шоири Клопштокнинг ижодини севиб ўқирди. Чунки ўзи амалда Меттерних бошчилиқ қилаётган Австрия ҳуку-матининг реакцион сиёсатидан, ҳар қандай эркинлик ва озодлик ҳаракатларига тўсқинлик қилиб, барча эрксевар ижодкорларни оғиз очирмай қўйган давлат органларининг репрессион фаолиятдан бениҳоя диққинафас ва ундан нафратланар эди. Клопшток эса ўз шеъриятида туйғулар ва поэтик фантазия эркинлигини куйлаган, энг яхши жой-ларни ва мансабларни эгаллаб олган ҳукмдорларга қарши ижтимоий-сиёсий мавзуларда ижод қилган эди. Айниқса, унинг «Озодлик» (1774), «XVIII асрнинг озодлик қўшиғи»

(1775), қадимги дунё тарихига оид пьесаларида римликларнинг мустабидларга қуллик қилишини қаттиқ танқид қилган ва ўртага «Муқаддас озодликка мустабид қони!» шиорини ташлаган; бу шиор фақат Ленау эмас, барча ёшлар ўртасида маълум ва машҳур эди.

Ленау 20 ёшидаёқ:



Хамд бўлсин дунёда бор эзгуларга!
Хамд бўлсин бизларни ўпган қизларга!
Хамд бўлсин сафлари маҳкам дўстларга!
Хамд бўлсин жўровоз куйлар, сизларга!

— деб ёзган эди.

Аммо Ленау реакцион сиёсатнинг ҳар ёклама тўсиқларини кўрар ва бунга ҳеч чидаёлмасди. У шу йили Австрияни тарк этиб, Америка Қўшма Штатларига жўнаб кетди. Аммо у ерда ҳам ҳақиқий демократия ва рухий озодликни топмади, бир йил ўтар-ўтмас рухий тушқунликка чулғаниб ватанига қайтди.

1833 йилда Ленау София Лёвентал исмли эрга тегиб чиққан аёлни севиб қолди ва немис адабиётида «бўрон ва шиддат» номини олган йўналишда ишқий шеърлар ёза бошлади, тез орада Австриянинг биринчи даражали энг машҳур шоирига айланди. Лёвентал шоир ҳаётида жуда катта ҳукм юрита олган аёл эди. Аммо шоир билан никоҳланишга асло рози бўлмади. Ленау икки марта бошқаси билан никоҳланиб ундан қутулмоқчи бўлганида, унга тўсқинлик қилди.

Бу муҳаббат йилларида Ленаунинг севгилисига ёзган икки мактуби билан танишайлик.

«1836 й. 22 октябри.

«О, у гўзал кун эди! Кечирасан, ажойиб кун! Энг яхши дунёдан келган ўткинчи меҳмон! Мен сени деб йиғлашим мумкин эди. О, азизим София! У шундай кун эдики, эсласанг, юрагинг қинидан чиқаяёди; мен уни сенинг туғилган

кунингдай ҳар йили байрам қиламан. Сен яқинлигингда, мен мангу яшаш мумкин деган энг катта кафолатни топдимки, у оламдаги бутун изланишлар ва фикр-хаёллардан устун келади. Бахтли дақиқалар аро севгининг энг олий неъматига етишдик, энди ўладиган фурсат етиб келди, чунки бундан кейин ҳеч нарса бундан яхшироқ бўлолмайди, деб ўйлай бошлаганимда, ҳар гал алданган бўлиб чиқардим, чунки ундан кейин яна энг гўзал онлар қайтиб келар ва мен сени янада қаттиқроқ севардим. Ҳаётнинг ана шу янги ва теран жарликлари мен учун сўнгсизликни қисқартирар эди. Бугун сенинг гўзал қарашларингда илоҳийликнинг бутун яхлитлигини кўрдим. Сенинг кўзларингга ўхшаган гўзал кўзларда самовий иероглиф (бутун бир тушунчани билдирадиган тасвирили ҳарф) каби бизга бир модда кўринади, ундан қачондир бизнинг мангу баданимиз яратилади. Мен ўлганимда, бу ҳаётдан бой бўлиб кетаман, чунки энг гўзал, ажойиб нарсани кўрган бўламан».

«1837 й. 21 октябри.

Бугун кечкурун сен айтган сўзлар менинг юрагимга малҳам каби қуйилди. Ҳа, азизим, шафқатли, чиройли дилбарим, иккимизнинг умумий изтиробимиз биз учун муқаддас бўлиб қолиши керак. Мен сени учратганимдан афсусланмайман. Бундай дақиқалар юракни ҳам бахтга, ҳам изтиробга тўлдиради, тоширади. У бечора қон қақшаши керакми ё кулиши керакми, билолмай хижолат тортади, бахтидан ўлишига ҳам тайёр; лекин бу дақиқалар ҳаётимнинг энг яхши онларидир. Агар сени учратмаганимда, ҳеч қачон аёл томонидан севилиши нималигини билмай ўтардим ва у аёлга муносиб бўлиши учун менинг дард-аламларим энг азиз нарсам бўлиб қолиши кераклигини ҳам билмаган бўлардим. Мен ҳеч қачон бу дард-аламларни бахтга алмаштиришини орзу қилмаганман. Энг аччиқ, ўлгунча давом этадиган севгидан воз кечиши билан тўланадиган тўлов қалбингга ташланган битта назардан қилматроқ эмас»

София Лёвенталь ҳақида кутубхоналардан, интернетдан ҳам етарли маълумотлар топа олмадим. Интернетда фақат ундан сақланиб қолган гувоҳлик кўрсатмаси варақаси келтирилган, холос. Ўша варақада қуйидагилар бор:

София Лёвенталнинг туғилган жойи: Ашаффенбург, Олмония. 90 ёшида ҳалок бўлган. Аушвиц, Польшада вафот этган.

Куйида Ленаунинг муҳаббатига оид бир неча шеърларини келтирамиз:

Баҳорнинг назари

Эрта билан дайдиған баҳор
Ўрмон кенгликларин ошмоқда.
Уйғотмоқда ерни уйқудан,
Ишқ ғаммозин кўқдан сочмоқда.

Дарахтлар ҳовурдан жонланиб,
Май ҳавосин ютиб комиға
Баҳор малҳамларин ҳар япроқ
Чўмдирмоқда ҳаёт жомига.

Ҳар бир чечак ичар шудрингни,
Лаззат бериб титратар, шифо.
Кўринмаса ҳамки ўрмонда,
Уни унутмагандир Худо.

Кенг ўрмоннинг ич-ичларида
Бир қуш сайрар пуф-пуф ва вит-вит —
Унга ҳоким бу қун муҳаббат,
Тушида ҳам аримас умид.

Кувонч-орзуларни осмон
Сўз-ла эмас, куй-ла уйғотар.
Тўлдириб қалбларни тушларга,
Юксаклардан ташлайди назар.

Шундай илиқ жонли назаринг
Баҳорий куч билан ёқиб ўт,
Кишдан қолган асоратлари —
Қалбим ҳасратига бўлди қут.

Баҳорнинг бир тўда болалари

Баҳор болалари, сиз янграб, чакнаб,
Нур бўлиб, қун бўлиб, яшиллик бўлиб,

Севги қўшиғидай, қушдай чаҳчахлаб,
Отилиб кирдингиз хонамга тўлиб.

Баҳор болалари, этдингиз асир —
Қалбимни занглардан қилдингиз халос.
Шовқинлаб, яраклаб, жасур, муғомбир
Гаплар билан мени айлаб маст-аласт.

Баҳор болалари, ёрқин, қуёшли
Шоир юрагида қўрдингиз нима?
Ўтлоқда уйкуда қўзларим ёшли
Севгим ғаммозини очиб қўйдими?

Хумор зулмати-ла бу тунги шамол,
Недир шипшидими гап-сўзсиз, яйраб,
Сизнинг синглингизни ва унинг гўзал —
Тимсолин қалбимда юргум авайлаб.

Ўғит ва истак

«Янгиланар, қувониб дунё,
Сен яшама сукланиб, шошқин.
Бир сенмисан баҳорни қўрган,
Тентирайсан бўзариб, хоргин?!»

Эсаверар илиқ шамоллар,
Ўрмон, қирлар яна гуллагай.
Кутар сени яшнаган гуллар,
Булбулларнинг куйи тинмагай»

«Яшай дейман, озод, суронли,
Бўрон каби мардик қўрсатиб.
Чақмоқ каби сўнсам-да майли,
Бир он бўлсин, яшай ярқ этиб».

Ленау 1838 йилда «Neuere Gedichte» номли шеърий
тўпламини чоп эттирди.

Лёвентал шоир ҳаётига бир иблис каби таъсир ўтказган
бўлиши керак, деб ҳисоблашади баъзи олимлар. Чунки
Ленау 1842 йилда рухий касалликка йўлиқди. Бир қанча
вақт даволаниб юрди.

1844 йилда унинг яна «Gedichte» номли тўплами эълон қилинди.

Ленаунинг шеърляти шаклан немис анъаналарига асосланса ҳам, гоъвий жиҳатдан Байрон, Ҳейне ижодлари билан боғлиқ бўлган романтик йўналишга яқинроқ эди. Унинг «дунё қайғуси билан оғриган» ҳаёти оғир шикаятлар, фуқаро норозиликларига тўла шеърлар ижод қилишга мажбур этар эди. У Австрия халқининг 30–40-йиллардаги демократик қайфиятини ифодалаб, полякларнинг 1831 йилги эркинлик учун олиб борган ҳаракатларини қўлаб, АҚШ мустабилларининг хиндуларга қарши ўтказётган золим сиёсатларини қоралаб қўшиқ, роман ва достонлар яратди. «Тоғлардаги сайрлар», «Бўйдоқ», «Истак» каби шеърларида сокин оилавий ҳаётдан маҳрум этилган ёшлар куйчиси сифатида майдонга чикди. «Фауст» номли драматик достонида золим амалдорлар дунёсидан нафратланувчи мутафаккир ҳаётининг манзаралари, умуминсоний ҳақиқатни излаб, изтиробда ўзини қўярга жой тополмай ҳар ёққа бош ураётган инсон, яратувчанлик фаолиятини уддалай олмаслик, қора кучларни енгишнинг иложсизлиги, бундан умидсизликка тушган қаҳрамон тимсолини яратди. «Ян Жижка» достонида чехларга зулм ўтказган немис ҳукмдорларига қарши озодлик курашига отланган, бутун халқни ортидан эргаштириб, немисларнинг Сигизмунд бошлиқ лашкарини синдирган, аммо ўзи жангда ҳалок бўлган қаҳрамон Ян Жижка (Гус) ва гусчилар образини яратди. Ян Жижка ўз севгилисига озодликни сеп қилиб боришга аҳд қилган эди.

Ленаунинг бошқа асарларининг қаҳрамонлари ҳам ўз севгилиси учун эркинлик, озодлик, ҳақиқат устуворлигини совға қилишни истайдилар. Уларнинг «Куёшнинг чиқишини тўхтатиб бўлмас» деган шиори барча ошиқларнинг, бутун халқнинг орзу-армони бўлиб янграйди.

Афсуски, Ленау соғаймади. У жиннихонада 1850 йилда вафот этди. Вафотидан 60 йил ўтгандан кейин 1910–23 йилларда Лейпцигда Ленаунинг 6 жилдлик асарлари тўплами чоп этилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

МУҲАББАТНИНГ САРОЙИ КЕНГ ЭКАН...

Абдулла Қодирий билан Раҳбар

1. Абдулла Қодирий. Ўткан қунлар. Мехробдан чаён. Романлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1994.

2. Ҳабибулла Қодирий. Отам ҳақида. Хотиралар. Тўлдирилган иккинчи нашри. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1983.

3. Ҳабибулла Қодирий. Қодирийнинг сўнгги қунлари. Хотира қисса. «Ёшлик» журнали. 1989 йил, № 4, 5, 6, 7.

4. Шерқон Қодирий. 37-хонадон. Хотиралар. «DAVR PRESS» нашриёти, Тошкент — 2009.

5. Масъуд Абдуллаев. Ўтганлар ёди. Хотиралар. «DAVR PRESS» нашриёти, Тошкент — 2012.

Абдурауф Фитрат билан Фотима

1. Абдурауф Фитрат, Танланган асарлар. 1–5-жилдлар. «Маънавият» нашриёти, Тошкент — 2000-2010 йиллар. Масъул муҳаррир: Наим Қаримов. Нашрга тайёрловчи: Ҳамидулла Болтабоев.

2. Бегали Қосимов. Абдурауф Фитрат (Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Дарслик. «Маънавият» нашриёти, Тошкент, — 2004. 352-384).

3. Ҳамидулла Болтабоев. Фитрат ва жадидчилик. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент, 2007.

4. Наим Қаримов. XX аср адабиёти манзаралари.. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент — 2008. «Фитрат», 104–130.

5. Файзулла Қиличев. Мустақилликнинг фожиаи йўли. «Шарқ юлдузи» журнали. 1992, №7. 151–165.

6. Н.Янов-Яновская. Муталь Бурҳанов. Издательство «MEDIA LAND», Ташкент — 1999.

7. Наим Қаримов. Фитратнинг рафикаси. «Гулчехралар» газетаси, Тошкент — 2001, август.

8. Мутал Бурҳанов. Бурҳаннома. Эсдаликлар. Бухоро нашриёти.

9. Севара Қароматиллаҳўжаева. Қалбимга мангу муҳрланган, Абдурауф Фитрат ҳақида хотиралар. «Тафаккур» журнали. 1996. № 2, 66-72.

Чўлпон билан Моҳирўя

1. Чўлпон. Асарлар. I жилд. Шерлар. Драмалар. Таржима. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1994. 448 бет.

2. Чўлпон. Асарлар. II жилд. Роман. Хикоялар. Сафарнома. Таржималар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1994. 470-б.

3. Чўлпон. Адабиёт надири. Адабий-танқидий мақолалар. Чўлпон ҳақида хотиралар. Чўлпон нашриёти. Тошкент - 1993. 260 бет.

4. Наим Каримов. Чўлпон. Маърифий роман. «Шарқ» нашриёт-матбаа Акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Тошкент — 2003. 464 бет.

5. Озод Шарафиддинов. Чўлпонни англаш. Мақолалар. «Ёзувчи» нашриёти, Тошкент, 1994. 48-бет.

6. Бегали Қосимов. Миллий уйғониш даври адабиёти. Абдулхамид Чўлпон. 424—456-бетлар. «Маънавият» нашриёти. Тошкент — 2004 йил.

Ойбек билан Зарифа

1. Ойбек. Болалик хотираларим. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1995. 248-б.

2. Зарифа Саидносирова. Ойбегим менинг. Хотиралар. «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти. Тошкент — 1994. 256-б.

3. Наим Каримов. Ойбек ва Зарифа. Муҳаббат ва садоқат достони. «Янги аср авлоди». Тошкент, 2005. 136 б.

4. Ойбек замондошлари хотирасида. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Иккинчи нашри. Тошкент — 2005.

Мақсуд Шайхзода билан Сакина

1. Мақсуд Шайхзода Асарлар. Олти томлик. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1968—1974 йиллар.

2. Мақсуд Шайхзода. Жалолиддин Мангуберди. Фожиа. «Дунё бокий» тўпламида. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1988. 297—421-б. (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи — филология фанлари номзоди *Муҳсин Зокиров*.)

3. Наим Каримов. XX аср адабиёти манзаралари. «Ўзбекистон» нашриёти. Тошкент — 2008 йил.

4. Наим Каримов. Мақсуд Шайхзода. Маърифий-биографик роман. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Т — 2010.

5. Шукрулло. Танланган асарлар. 5-жилд. Йўқолган шаъм. Мақолалар хотиралар. «Шарқ» нашриёти. Тошкент — 2011. 124—135-бетлар.

Миртемир билан Халима Раҳимова

1. Миртемир. Танланган асарлар. Ўзбекистон Давлат Бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент — 1958.

2. Миртемир. Асарлар 4 жилдлик. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1980–1982 й.

3. Миртемир. «Дўстлар даврасида». Адабий ўйлар. «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент – 1980.

4. Миртемир замондошлари хотирасида. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент –1982.

5. Отаёр. «Миртемир». Тошкент – 1986.

6. Носир Фозилов. «Устозлар даврасида.» «Ёш гвардия» нашриёти Тошкент –1988 75-98 бб..

7. Отаёр. «Куёшни қўргали келдим». Тошкент- 1991.

8. Наим Каримов. «XX аср адабиёти манзаралари». 536 бет. «Ўзбекистон» НМИУ, Тошкент- 2008. 373-390, 404 бб..

9. Наим Каримов. Миртемир, Маърифий-биографик роман. «MERIUS» ХМНК нашриёти, Тошкент -2012. 280 бет.

Шукрулло билан Мунаввар

1. Фафур Фулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 жилдлик. VII жилд.

2. Шукрулло. Танланган асарлар. I-VI жилдлар. Тошкент–2007-2012 й.

3. Жозиба сеҳри. Шукрулло ижодининг олмос қирралари. «Мериус» нашриёти. Тошкент – 2009.

4. Гойибона муҳаббат. Шукрулло номига келган хатлар. Тошкент – 2010.

5. Шукрулло. Машаққат чекмагунча. Сухбат, хотира, мақолалар. Тошкент – 2013.

Ибройим Юсупов билан Бийбизода

1. Шарап Уснатдинов. «Ибрайым Юсупов. Шайырдинг жаслығи». Хужжетли повесть. «БИЛИМ» нашриёти, Нукус – 2013.

2. Жумамурат Абдимуратов. «Ҳақиқат билан бетма-бет. Ибройим Юсупов тўғрисида икки оғиз сўз». Эссе. «Амударё» журналы, 2011, №3. 60-68 бетлар.

3. Жангабай Норимбетов. Қорақалпоқ халқининг талантли фарзанди. Амет Шомуротов ва унинг ижоди ҳақида. «Қорақалпоқ адабиёти» газетаси №2. 2012.

4. Гулистон Шомуротова. «Бийбизода». Ёднома. Эссе. «Қорақалпоқ адабиёти» газетаси №3,4,5. 2012

5. Муратбай Нызанов. «Ашық болмаған ким бар». Роман. «Билим» нашриёти, Нукус – 2013.

Абдулла Тўқай билан Зайтуна

1. Габдулла Тукай. Асарлар. Беш томда. 1-5 томлар. Татарстан Китап нашрияти. Казан – 1985–1986 йиллар. Татар тилида.

2. Абдулла Тўқай. Танланган асарлар. Ўздавнашр. Тошкент — 1961 й. Татарчадан Миртемир, Шухрат, Шукрулло, Туроб Тўла, Асқад Мухтор ва бошқалар таржимаси.

3. Ибрагим Нуруллин. «Габдулла Тукай» Серия ЖЗЛ. «Молодая гвардия» нашриёти — 1977. Рус тилида.

4. Ибрагим Нуруллин. «Поэт из деревни Кырлай». Рассказы о Габдулле Тукае. Перевел с татарского. Изд-во «Детская литература», Москва — 1967.

5. Ибрагим Нуруллин. «Абдулла Тўқай». О. Шарафиддинов таржимаси.

6. Исмоил Гаспирали. Танланган асарлари. III жилд. «Ўтукен» нашриёти. Анқара — 2008 (турк тилида), «Миллатўгли (Абдулла Тўқай)», 301-бет.

7. Интернет материаллари, жумладан, Венера Беляванинг «Любовь поэта» мақоласи.

Чингиз Айтматов билан Бибисора Бейшеналиева

1. Чингиз Айтматов, Мухтор Шоҳонов. Чўккида қолган овчининг охи-зори. (Аср адоғида айтилган истиғфор). Таржимонлар: Набижон Бокий, Ёкубжон Хўжамбердиев. Таржима муҳарири: Турсунбой Адашбоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, Тошкент—1998.

2. Жаркын Темирбасва. «Чин умрни Чингиз билан ўткардим» Интернет.

3. Нурия Шагапова. «Чолпон — утренняя звезда».

4. Луи Арагон. «Дунёнинг энг гўзал ишқ хикояси». «Турк адабиёти» журналининг Чингиз Айтматовга бағишланган махсус сони №418. 36—39-саҳифалар.

Сабоҳатдин Чоғин. Муҳаббатдан ва мусикадан туғилган ишқ: Жамила. «Турк адабиёти» журналы №418. 40-43 бб.

БИРДАН СЕВГИ ТЎДДИ КЎНГИЛГА...

Михаил Лермонтов билан Екатерина Сушкова

1. Краткая Литературная энциклопедия. Издательство «Сов. энциклопедия», Москва —1967. Том 4. Стр.143—154.

2. Иванов, С.В. «М.Ю.Лермонтов. Жизнь и творчество», Издательство «Просвещение». Москва — 1964.

3. М.Ю.Лермонтов. Сочинения в 2-х томах. Изд. «Правда» Москва—1988.

4. Интернетнинг 2013 йилги молзамалари.

Константин Симонов билан Валентина Серова

1. Краткая литературная энциклопедия. Издательство «Советская энциклопедия», 6 том. Москва—1971. 846-847-бетлар.

2.Конст.Симонов. Лирика. Государственное издательство художественной литературы. Москва —1956.

3. Интернет материаллари. 2014

БИЗ ЯШАСАК ҲАМКИ ИККИ ЗУМ...

Нинон Ланкло билан Маркиз Савинье

(Бу мактуб «Любовь в письмах выдающихся людей XVIII и XIX века» китобидан олиб таржима қилинди.)

Волтер билан Олимпия Дюнайт

1. Краткая литературная энциклопедия. Том 1. стр. 1030—1035.

2. «Любовь в письмах выдающихся людей ХУП-ХІХ вєков. 21-26 бб.

3. Вольтер. Простодушный. Достоверная повесть извлечённая из рукописей Кенєля. Гос. изд-во худ. лит-ры. Москва—1956.

4. Томас Карлейль. Французская революция. История. Москва «Мысль» — 1991.

Дидро билан Волян Хоним

1. Краткая литературная энциклопедия. Том 2.

2. Любовь в письмах выдающихся людей XVIII и XIX века. Стр. 27-29.

3. Томас Карлейль Французская революция. История. Москва. «Мысль» 1991.

4. Интернет маълумотлари.

Мирабо билан София Монье

1. Любовь в письмах выдающихся людей XVIII и XIX века. 31-44 б.

2. Томас Карлейль. Французская революция. История. Москва. «Мысль» 1991.

4. Интернет маълумотлари.

Стал Хоним билан Бенжамэн Констан

1. Краткая Литературная Энциклопедия. Изд-во «Сов. Энциклопедия», Москва—1966. Том 3. Стр.710-711. Москва- 1972. Том 7. Стр.135—136.

2. Советский энциклопедический словарь. Изд-во «Сов.Энциклопедия», Москва—1980. Стр. 1530.

3. Любовь в письмах выдающихся людей XVIII и XIX века.Репринтное воспроизведение издания 1913 года. М.—1990. 89—96-б.

4. Томас Карлейль. Французская литература. История. Москва. «Мысль» — 1991.

Бенжамэн Констан билан Рекамье хоним

«Любовь в письмах выдающихся людей XVIII и XIX века»
китобидан.

Шатобриан билан номаълум киз

«Любовь в письмах выдающихся людей XVIII и XIX века»
китобидан.

Наполеон билан севимли аёллари

1. Акад. У.Тарле. «Наполеон». ОГИЗ. Госполитиздат, Москва.

2. Любовь в письмах выдающихся людей XVIII и XIX века. Репринтное воспроизведение издания 1913 года.. Изд-во политической литературы, Москва- 1990. Стр. 105-123.

Люсьен Бонапарт билан Рекамье хоним

«Любовь в письмах выдающимся людям XVIII и XIX века»
китобидан.

Гюстав Флобер билан Луиза Колье

1. Краткая Литературная Энциклопедия. Изд-во «Сов. энциклопедия», Москва –1972, том 8.

2. «Любовь в письмах выдающихся людей XVIII и XX века». Репринтное воспроизведение издания 1913 года. Москва – 1990 Стр.245-253.

3. «Гюстав Флобер Истанбулда». Ўрхон Памукнинг» Истанбул. Хотиралар ва шаҳар» асарида. «Жаҳон адабиёти» журнаги. 2010 №3.

4. Интернет маълумотлари, 2014 й.

АЖИБ ЁРКИН МАЙ КУНИ ЭДИ...

Гёте билан севган аёллари

1. Иоганн Вольфганг Гёте. Собрание сочинений в десяти томах. Издательство «Художественная литература», Москва –1975–1980, гг. 1, 5, 6, 10.

2. Томас Манн. Собрание сочинений в десяти томах. Государственное издательство художественной литературы. Москва–1958–1961, 2 и 10-ый тома.

3. Н.А.Кун. Легенды и мифы древней Греции. Издательство «Ёш гвардия», Ташкент - 1986.

4. «Любовь в письмах выдающихся людей XVIII ти XIX века» М. Политиздат, 1990.

5. Интернет маълумотлари, 2013.

Шиллер билан Шарлотта

1. Краткая лимтературная энциклопедия. Том 8.

2. Любовь в письмах выдающихся людей XVIII и XIX века.
3. Томас.Манн. Слово о Шиллере. В «Собр. соч. в десяти тт» т. 10.
4. Интернет маълумотлари.

Фихте билан Иоганна Ран

1. Философский словарь. Издательство политической литературы. Москва —1963. Стр. 480-481.

2. Любовь в письмах выдающихся людей XVIII и XIX века. Репринтное воспроизведение издания 1913 года. Стр. 85-88

Бетховен билан Жульетта Гукарди

«Любовь в письмах выдающихся людей XVIII-XIX века» китобдан.

Холдерлин билан Луиза Нاست

1. «Судьба Фридриха Гёльдерлина» Ал.Дейчнинг «Судьбы поэтов» китобида. Изд-во «Худ. лит-ра». Москва — 1968. 13-81 бетлар.

2. Сов.энциклопедический словарь. Москва — 1980. 288-бет.
3. Краткая литературная энциклопедия, 2 том. Москва—1964.
4. Любовь в письмах выдающихся людей XVIII и XIX века.

Хенрих Клейт билан Вилгелмина

1. Ал.Дейч. «Судьбы поэтов». Изд-во «Худ.литература». Москва — 1968. 81—119 бетлар.

2. Краткая литературная энциклопедия. 3 том. Москва — 1966. 395—396-б.
3. Любовь в письмах выдающихся людей XVIII и XIX века. «Московское книгоиздательство»- 1913.
4. Интернет молзамалари. 2013.

Бёрне билан Хенриетта Герц

1. Краткая литературная энциклопедия. 1 том. Москва, 1962.

2. Генрих Гейне. Собр. соч. в десяти т. «Людвиг Бёрне» 7 т. Москва, 1958.

3. Любовь в письмах выдающихся людей XVIII и XIX века. Москва — 1913.

Хенрих Хейне билан Амалия Хейне

1. Краткая литературная энциклопедия в десяти томах. Москва —1964.Том

2. Генрих Гейне. Собрание сочинений в десяти томах. Государственное издательство художественной литературы. Москва, 1956—1959 г. т.1, 7, 9, 10 3. Интернет маълумотлари.

Шуман билан Клара Вик

1. Сов.энциклопедический словарь Москва —1980. 1539 бет.
2. Любовь в письмах выдающихся людей XVIII и XIX веков.

Репринтное воспроизведение издания 1913 года. Издательство политехнической литературы. Москва –1990. 175–179 бетлар.

3. Интернет маълумотлари.

Ленау билан София Лёвентел

1. Краткая литературная энциклопедия. Издательство «Сов. энциклопедия» Москва–1967. Том 4. 114–115 бетлар.

2. Николаус Ленау. Стихотворения. Ян Жижка (Поэма). Гос. издательство художественной литературы. Москва –1956. Перевод с немецкого Левика. 3. «Любовь в письмах выдающихся людей XVIII и XIX века». Анастасия Чеботаревская тўплаган. Фёдор Сологуб сўзбоши ёзган. Москва–1913.

4. Интернет маълумотлари.

МУҲАББАТНИНГ САРОЙИ КЕНГ ЭКАН...

Абдулла Кодирӣ билан Раҳбар	3
Абдурауф Фитрат билан Фотима	22
Чўлпон билан Моҳирӯя	34
Ойбек билан Зарифа	49
Мақсуд Шайхзода билан Сакина	66
Миртемир билан Ҳалима Раҳимова	78
Шукрулло билан Мунаввар	94
Одил Ёқубов билан Марям	108
Ибройим Юсупов билан Бийбизода	119
Гаройхон билан Мария	135
Абдулла Тўқай билан Зайтуна	143
Шаҳриёр билан Сурайё	160
Нозим Ҳикмат билан Вера Тулякова	168
Чингиз Айтматов билан	
Бибисора Бейшеналиева	180

БИРДАН СЕВГИ ТЎЛДИ КҮНГИЛГА...

Михаил Лермонтов билан	
Екатерина Сушкова	190
Константин Симонов билан	
Валентина Серова	204

БИЗ ЯШАСАК ҲАМКИ ИККИ ЗУМ...

Нинон Ланкло билан Маркиз Савинье	216
Волтер билан Олимпия Дюнуайё	222
Дидро билан Волян хоним	231
Мирабо билан София Монье	238
Стал хоним билан Бенжамэн Констан	249
Бенжамэн Констан билан Рекамье хоним	254
Шатобриан билан номаълум қиз	256
Наполеон билан сеvimли аёллари	258

Люсьен Бонапарт билан Рекамье хоним	266
Гюстав Флобер билан Луиза Колье	269

АЖИБ ЁРҚИН МАЙ КУНИ ЭДИ...

Гёте билан севган аёллари	284
Шиллер билан Шарлотта	309
Фихте билан Иоханна Ран	318
Бетховен билан Жульетта Гуакарди	321
Холдерлин билан Луиза Наст	325
Холдерлин билан Сюзетта Хюнтер	332
Хенрих Клесйт билан Вилгелмина	339
Бёрне билан Хенриетта Герц	351
Хенрих Хейне билан Амалия Хейне	358
Шуман билан Клара Вик	371
Ленау билан София Лёвентел	376
Фойдаланилган адабиётлар	382

Миразиз Аъзам

БУЮКЛАР МУҲАББАТИ

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент — 129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Мухаррир	Мансур ЖУМАЕВ
Бадий муҳаррир	Аскар ЁҚУБЖОНОВ
Саҳифаловчи	Улугбек САИДОВ

Нашриёт лицензияси: АИ №160. 14.08.2009 й.
04.03.2016 да босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 84х108 ¹/₃₂.
41,16 шартли б. т. 22,10 нашриёт-хисоб табоғи. Адади 3000.
Баҳоси шартнома асосида. 265 — буюртма.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
Тошкент — 128, Лабзак кўчаси, 86-уй.